

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Арабий-бағий, илғимий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 7 (183)

2012 йил, июль

**Муассислар:**  
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЎНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

## **Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Муҳаббат ШАРАФУТДИНОВА  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ

## **Бош муҳаррир:**

Шухрат РИЗАЕВ

## **Таҳрир ҳайъати:**

Мирпўлат МИРЗО  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Усмон ҚУЧҚОР  
(масъул котиб)  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Юлдуз ҲОШИМОВА  
Алимурод ТОЖИЕВ

ТОШКЕНТ ИЮЛЬ

# МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ Дилоромимға айт .....	3	Лион ФЕЙХТВАНГЕР. Шаккок фикрлар .....	167
ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ Болқон эпкинлари .....	47	ЖАРАЁН Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. Лотин Америкаси: «Сехрли реализм» жозибаси .....	171
Шуълаланган мавжларнинг саси .....	107	У. ҲАМДАМ, Р. РАҲМАТ. Ижодий эркинликнинг тотли мевалари Сухбат .....	179
НАСР Сомерсет МОЭМ. Ҳикоялар .....	5	ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ Унутилмас сиймолар .....	185
Генри Райдер ХАГГАРД. Клеопатра. Роман .....	57	Тақвим .....	199
Виктор АСТАФЬЕВ. Ғамгин саргузашт. Роман.....	114	Тарихда бу кун .....	200
Ясуси ИНОУЭ. Жилвагар тўтича. Ҳикоя .....	155	Глобус .....	203
АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА Франческо ПЕТРАРКА. Сонетлар султони. ....	160		

Навбатчи муҳаррир Н.ЖУРАЕВА  
Техник муҳаррир З.ФОЗИЛОВА  
Мусаҳҳих Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи  
Н.ДАВЛАТОВА

## Жаҳон адабиёти, 7. 2012

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №182  
Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
«Жаҳон адабиёти» журнаליда эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

### Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кучаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61;  
244-41-62.  
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_\_ 2012 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1250 нусха. \_\_\_\_\_ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
«Жаҳон адабиёти» журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбу-  
от ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулум номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтохур кучаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2012 й.



## ДИЛРОМИМҒА АЙТ

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лабо-лаб бодашомимға айт.

Ком талху бода захру ашк рангин бўлғанин  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра нечун қилди, деб  
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ҳажрида нангу номким тарк айладим,  
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимға айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимға, айт.

Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини зинҳорким кўрсанг дилоромимға айт.

\* \* \*

Ветер утра! Все любимой, чем душа полна — скажи,  
Станом — кипарис, а ликом — роза мне она — скажи.

То, что ради уст-рубинов тщечно лью я кровь свою,  
Ей, среди пиров сидящей с чашею вина — скажи.

Все о горечи желаний, яде вин и крови слез  
Той, чьи губы слаще меда, речь умом полна — скажи.

Говоря: зачем в разлуке стал печален твой удел,  
Это слово ночи сердца, что навек темна — скажи.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

То, что ради милой девы честь и имя я забыл,  
Всадник сердца, в дол разлуки правя скакуна — скажи.

Чудотворец! Дней начало мятежом отметил я,  
Озарит ли луч прощенья эту тьму до дна — скажи.

Нет несущей утешенье. Путник, видя Навои,  
О тоске его и горе той, что так нежна — скажи.

*Перевод В.РОЖДЕСТВЕНСКОГО*

## БАЙТЛАРНИНГ НАСРИЙ БАЁНИ

1. Эй тонг ели, аҳволимни юзи гулдай чиройли, сочи сунбулдай хушбўй, қомати сарвдай тик ва гул каби нозик дилга ором бергувчи ёримга айт.

2. Унинг лаълдай қизил лаби ҳасратидан бот-бот қон ютишимни қизил майдан пиёлани лиммо-лим тўлдириб ичаётган ва айш қилаётган маҳбубимга етказ.

3. Оғзим аччиқ (ёки бахтим қора), ичаётган бодам захар, қон йиғлаётганимни лаъли лаби ширин, сўзлари гўзал ва ранг-баранг, ўзига бино қўйган шўхи жононимга айт.

4. Ҳижрон шоми ҳаётингни нега қоронғи қилди деб мандан сўрама, буни тонги йўқ шомимга айтгин.

5. Паридай ул гўзал маҳбуба фироқида ор-номусдан айрилганимни ҳижрон водийсида оввора кўнгил отлиғ бадномимга айт.

6. Эй башоратчи, менинг ишимнинг бошланишининг ўзи итоатсизлик, саркашлик (гуноҳ) эди, аммо охирида шамъи раҳмат – илоҳий файз нури етадими менга, шундан хабар бер.

7. Эй дўст, Навоийнинг ғам ичида дилсиз орому қарори йўқ, бу аҳволимни агар кўрсанг, албатта, дилоромимга айт.

## ҲАЗАЛНИНГ УМУМИЙ МАЪМУН-МАЪНОСИ

Ошиқона бу ҳазалда севгувчи қалбнинг фиғону ноласи акс этган. Ёр узоқда, у шодлик боданўшлиги, ҳаёт гаштини суриш нашидаси билан банд. Ошиқ эса ҳижрон азобини тортмоқда, у шу аҳволдан ёрини хабардор этмоқчи, бунинг учун тонг шамолига мурожаат этади.


Умуман тонг (субҳ) тамсили, тонгга мурожаат Шарқ шоирларида анъанавий усуллардан ҳисобланиб келган. Бироқ Навоийда бу усул янги тасвирий воситалар билан намоён бўлган. Шоир ошиқ аҳволи ва маъшуқанинг бепарволигини ташбеҳлар тазоди – қиёслаш йўли билан очиб беради. Айни вақтда бу ёр жамоли – васфини ҳам ўз ичига олган.

Ёрнинг юзи гулга, зулфи (ҳалқа сочи) хушбўй гиёҳ сунбулга, қадду қомати тик ўсадиган чиройли сарв дарахтига ўхшатишган. Ошиқ ҳижронда аламлар ютади, у ҳам бода ичида, аммо бу унинг учун захардай аччиқ, ҳар замон ёрнинг лаълдай қизил лаби, яъни пурмаъно сўзларини қўмсайди, шу ширин лаблардан ўпиб, роҳатлангиси келади. Мана шундай икки ҳолатни зид қўйиб тасвирлаш кейинги байтларда ҳам давом этган. Олтинчи байт ўзига хос мазмунга эга: Навоий ошиқликни ўзига хос исён деб таърифлайди, яъни маҳбубага бундай шайдолик зоҳирий қоидалар, расм-русумларга тўғри келмайди. Лекин охирида у Илоҳий тажаллий нурига етишиш, шамъи раҳмат шуъласини кўришдан умидвор. Шу мақсад ошиқни овунтиради ва азоблари унутилади.

*Нажмиддин КОМИЛОВ, профессор*



## Сомерсет МОЭМ



**И**нглиз адабиёти тарихида машҳур ёзувчи ва драматург Сомерсет МОЭМ (1874-1965) ижоди алоҳида ўринга эга. Адиб ўзининг асарларида қаҳрамонлар руҳий оламини теран очиб бергани, бадиий сўз имкониятларини юксак маҳорат билан намойиш этгани боис жуда кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонди. С.Мозмнинг “Инсоний эҳтиросларнинг укубатлари” (1915), “Ой ва чақа”, “Театр” романлари, “Давра” (1921) сингари кўплаб пьесалари ва айниқса, 1926 йили нашр этилган “Казуарин дарахти” номли тўпламидан жой олган бир қанча ҳикоялари аллақачон жаҳон халқларининг талай тилларига таржима қилиниб, чоп этилган.

Сомерсет Моэм жаҳон адабиётида реалистик ҳикояларнинг моҳир устаси сифатида шуҳрат қозонган. Бу ҳикояларида ёзувчи китобхонни инсон руҳиятининг мураккаб дунёсига олиб киради, ҳаётга янгича назар билан — ҳам куюниб, ҳам кулиб қарашга мажбур этади. Адиб асарларига хос бўлган жонли, аниқ-тиниқ, ростеўй ва самимий тил уларнинг катта қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган. Чунончи, ёзувчининг “Ёмғир” ва “Малла” асарлари жаҳон ҳикоячилигининг мумтоз намуналари қаторидан ўрин олган.

## ЁМҒИР

**В**ақт алламаҳал бўлиб қолган, эртага тонгда қирғоқ кўзга ташланиши керак эди. Доктор Макфейл трубкасини ёндириб, панжарага суюнганча кўкдан Жанубий Хоч юлдузлар туркумини қидира бошлади. Жанггоҳда ўтган икки йил ва жуда узоқ битган ярадан сўнг у ҳеч бўлмаса йил-ўн икки ой тинчгина яшаш учун Апиага кетаётганига суюниб, саёҳатга чиққанидан бери ўзини анча тетик ҳис қилаётганди. Ўша куни кечқурун Паго-Паго оролида кемадан тушадиган йўловчилар шарафига одмигина рақс кечаси уюштирилган, пианоланинг ёқимсиз садоси унинг қулоғида ҳамон жарангларди. Лекин ҳозир кема саҳна сокин эди. Доктор нарироқда, узун ўриндиқда эр-хотин Дэвидсонлар билан гурунглашаётган аёлини кўриб, ўша ёққа юрди. Фонус ёнига ўтириб шляпасини ечган докторнинг тепакал бошидаги малла сочлари сепкилли сариқ юзига жуда мос эди. Ёши қирқларга борган, юзи кафтдеккина бу одам жуда тартибли ва бир оз жиззаки. Доим паст овозда, шотландча шевада гапирарди.

Макфейллар ва миссионер эр-хотин Дэвидсонлар кемага чиқишганидан бери ўзларини бир-бирларига яқин тутишар, бу яқинликни қизиқишлари

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

бир хил одамларнинг дўстлигидан кўра кўпроқ феъл-атворларидаги ўхшашлик билан изоҳлаш мумкин эди. Макфейллар ҳам, Дэвидсонлар ҳам тамаки чекиладиган хонага қамалиб олиб эрталабдан кечгача покер ёки бриж ўйнаб ичкиликбозлик қиладиганларни ёқтирмасдилар. Дэвидсонларнинг бутун бошли кемада фақат ўзи ва эри билан дўстлашганидан миссис Макфейлнинг боши кўкка етди, ҳатто тортинчоқ, лекин ақлли доктор ҳам беихтиёр бу илтифотдан хушнуд бўлди. Аслида у ўша оқшом каютада хотинининг жиғига тегмоқчи эди.

— Миссис Дэвидсон, агар сизлар бўлмаганингизда сафаримиз қандай ўтарди, — дея гап бошлади ясама сочини берилиб тараётган миссис Макфейл. — Айтишича, бу кемада фақат бизлар уларнинг эътиборига тушибмиз.

— Миссионерларнинг бунчалик ўзларига бино қўйганини билмаган эканман.

— Бу ўзига бино қўйиш эмас. Миссис Дэвидсоннинг нима демоқчилигини мен дарров англадим. Ахир, Дэвидсондек одамларга тамаки чекиладиган хонадаги қаланғи-қасанғилар билан ўтириш ярашмайди-ку.

— Улар тарғиб қиладиган дин асосчисининг ўзи бунчалик айирмачи бўлмаган, — деди доктор Макфейл мийиғида кулиб.

— Дин ҳақида енгил-елпи гапларни гапирма, деб сенга неча марта айтганман, — деди хотини. — Шу феълнинг менга ҳеч ёқмайди-да, Алек. Сен одамнинг яхши-ёмонини ажратолмайсан.

Макфейл кўм-кўк кўзлари билан хотинига бир қараб қўйди-да, индамади. Узоқ йиллик турмуш уни хотини билан қулоғи тинч яшаши учун бир гапдан қолиш кераклигига ўргатганди. У хотинидан аввал кийимини ечди-да, тепадаги осма каравотга чиқиб, уйқусини келтириш учун китоб ўқий бошлади.

Эртаси куни субҳидамда доктор Макфейл кема саҳнага чиққанида кема қирғоққа яқинлашиб қолганди. У соҳилга интиқ бўлиб тикилди. Оппоқ кумли энсизгина қирғоқ бошдан-оёқ дарахт ва бута босган тепаликларга туташиб кетган, қалин ва ям-яшил кокос дарахтлари сувгача тушиб борганди. Дарахтлар орасида самоаликларнинг шох-шаббадан тикланган кулбалари, оролнинг ҳар жой-ҳар жойида эса қуббалари ялтираб чоғроқ черковлар кўзга ташланарди. Докторнинг ёнига миссис Дэвидсон келди. У қора либосда, бўйнидаги тилла тақинчоққа кичкина хоч осилганди. Миссис Дэвидсон кўнғир сочлари тартиб билан турмакланган, кўм-кўк, зағчаникидек кўзларига гардишсиз кўзойнак таққан жиккаккина аёл эди. Юзи қўйникидек чўзинчоқ бўлса-да, ўзи бефаросат эмас, аксинча, ўта тийрак аёллиги сезилиб турарди. У худди қушдек чаққон ҳаракатланар, лекин ҳаммадан ҳам унинг доим бир маромдаги шанғиллаган овози кишини ажаблантирар, қулоққа нуқул бир хил эшитиладиган бу товуш парманинг тириллашидек асабни эговларди.

— Бу ерларда сиз ўзингизни уйдагидек ҳис этсангиз керак, — деди доктор Макфейл одатига кўра хиёл жилмайиб.

— Бизнинг оролларимиз бунақа эмас, текис. Улар маржон ороллар. Булар эса вулқондан пайдо бўлган. Бизларникига етиш учун яна ўн кун сузиш керак.

— Бу томонларда бир оролдан бошқасига бориш бир кўчадан наригисига ўтишдек гап бўлса керак, — деди доктор ҳазиллашиб.

— Бир оз бўрттириб юбордингиз. Лекин жанубий денгизларда одам масофани бошқача ҳис эта бошлайди. Шу маънода гапингиз тўғри.

Доктор Макфейл хўрсиниб қўйди.

— Яхшиям бизни бу оролга юборишмаган экан, — гапида давом этди



миссис Дэвидсон. — Бу ерда ишлаш азоб дейишади. Кемаларнинг шовқини одамнинг миясини эговларкан; устига-устак, оролда ҳарбий денгиз флоти бор, бу маҳаллий аҳолига ёмон таъсир қилади. Биз ишлайдиган ҳудудда бунақа қийинчиликлар учрамайди. Бир-иккита олиб-сотар бор-у, уларнинг юриш-туриши доим назоратимизда, агар бирор номақбул ишга қўл урса, ўз оёғи билан оролдан жуфтагини ростлайдиган қилиб танобини тортиб қўямиз.

Миссис Дэвидсон кўзойнагини бурнига босиб, ўткир нигоҳини ям-яшил оролга қадади.

— Бу ерда унақанги тартиб ўрнатиш амримаҳол. Паго-Пагодек оролда ишлашдан асрагани учун Худого минг қатла шукр.

Дэвидсонлар миссионерлик қиладиган ҳудуд Самоанинг шимолидаги бир-биридан хийла олисда жойлашган ороллардан иборат экан. Мистер Дэвидсон оролдан-оролга кичкина қайиқда узоқ сузар, бунақа пайтлари миссис Дэвидсон бошқармада қолиб миссияни ўзи бошқараркан. Бу аёлнинг шижоат билан тоат-ибодат маросимини бошқаришини кўз олдига келтириб докторнинг юраги увишиб кетди. Хоним маҳаллий халқнинг ахлоқсизлиги ҳақида кўзлари ола-кула бўлиб шунчалик ваҳима билан гапирардики, унинг жўшқин нутқини бўлишнинг мутлақ иложи йўқ эди. Миссис Дэвидсон одоб-ахлоқ масалаларига жуда қаттиқ қарарди. Энди танишган пайтларида хоним докторга шундай деганди:

— Билсангиз, оролларга биринчи марта келганимизда бу ерликларнинг тўй маросимини кўриб тепа сочимиз тикка бўлган, буни сизга айтишга тилим бормайди. Миссис Макфейлга айтаман, ўзи сизга гапириб беради.

Кейин доктор Макфейл кема саҳнадаги шезлонгда миссис Дэвидсон хотини билан икки соатча берилиб суҳбатлашганига гувоҳ бўлди. Бадантарбия қилиб, уларнинг кўз ўнгида у ёқдан-бу ёққа юриб турган докторнинг қулоғига лаби-лабига тегмай жавраётган миссис Дэвидсоннинг ҳаяжонли овози узоқдаги шаршаранинг шовуллаганидек эшитилдики, хотинининг оғзи очилиб, ранги қув ўчганидан ваҳимали гапларни эшитаётгани сезилиб турарди. Оқшом бўлмада хотини нафасини ичига ютиб, эшитганларини оқизмай-томизмай докторга сўзлаб берди.

— Хўш, сизга нима девдим? — деб сўради эртаси куни эрталаб ҳовлиққанча миссис Дэвидсон. — Ҳаётингизда ҳеч бунақа ирганч нарсаларни эшитганмисиз? Нега сизга буларни айтолмаганимни энди тушунгандирсиз? Доктор бўлсангиз ҳам айтолмадим-да.

Хоним докторга синчков тикилди, эшитганлари унга қандай таъсир этганини тезроқ билмоқчи эди.

— Биласизми, биринчи марта бу оролларга келганимизда юрагимиз орқага тортиб кетган. Ишонсангиз, қишлоқларда бирорта ҳам бокира қиз топилмасди.

Миссис Дэвидсон “бокира” сўзини алоҳида уқтириб айтди.

— Мистер Дэвидсон иккимиз узоқ маслаҳатлашиб, авваламбор, рақсга тушишни ман этиш керак, деган қарорга келдик. Маҳаллий аҳоли рақс деса ўзини томдан ташларди.

— Ёшлигимда менга ҳам рақс тушиш ёқарди, — деди доктор Макфейл.

— Кеча кечқурун миссис Макфейлни рақсга таклиф қилганингизда пайқадим. Эркак кишининг ўз хотини билан рақс тушишининг айб жойи йўғ-у, лекин хотинингиз унамаганини кўриб мен енгил тортдим. Менимча, бундай пайтларда четроқда турганимиз маъқул.

— Қанақа пайтларда?

Миссис Дэвидсон ойнак таққан кўзлари билан унга бир қараб қўйди-да, саволини эшитмаганга олди.

— Бу нарсаларга оқтанлилар ҳар хил қарайди, — дея гапини давом

эттирди Девидсон хоним. — Лекин шахсан мен мистер Дэвидсоннинг хотини бегона киши билан рақс тушишига жимгина қараб турадиган эркакларга сира тушунмайман, деган гапига тўла қўшиламан. Ўзимга келсак, турмушга чиққанимдан бери бирор марта рақс тушмаганман. Аммо оролликларнинг рақси мутлақо бошқа масала. Бунақа уятсиз рақсга тушган одамнинг ахлоқи бузилмай қолмайди. Яратганга шукрки, биз мана шу расвогарчиликка чек қўйдик, аниқ айтишим мумкин, биз томонда саккиз йилдан бери бирорта одам рақсга тушгани йўқ.

Миссис Макфейл даврага қўшилган маҳал кема бандаргоҳнинг оғзига яқин келиб, кескин бурилди-да, буғ чиқариб секингина ичкарига сузди. Бу уч томони ям-яшил пасттепаликлар билан ўралган, ичига жанговар кемалар флоти ҳам сиғиб кетадиган улкан бандаргоҳ эди. Денгиз шамоли эсиб турадиган бандаргоҳ оғзига яқин жойда губернаторнинг томорқали уйи кўринар, узун дастакда АҚШ байроғи шалпайиб турарди. Кема тартиб билан қурилган уч-тўртта айвонли уй ва теннис кортининг ёнидан ўтди-да, омборхонали қирғоққа етиб тўхтади. Миссис Дэвидсон қўли билан қирғоқдан икки-уч юз ярд нарида лангар ташлаган, уларни Апиага элтиши керак бўлган кичикроқ елканли кемани кўрсатди. Қирғоқ атрофдаги оролларда яшовчи, қулоқни қоматга келтириб шовқин кўтарётган, серғайрат ва хушчақчақ тубжойликлар билан гавжум эди. Уларнинг айримлари шунчаки айланиб юришар, бошқалари эса Сиднейга йўл олаётган саёхатчиларга ананас, ҳар бири билақдек-билақдек келадиган банан, тут пўстлоғидан тикилган кийим-кечак, чиғаноқ ёки акула тишидан ясалган мунчоқ, сопол пиёлача ва ўйинчоқ-ҳарбий қайиқчаларни айирбошлашни таклиф қилиш билан андармон эдилар. Башанг кийинган, соқоли қиртишланган америкалик олифта денгизчилар оломон орасида дайдишар, уч-тўрт амалдор ҳам шу ерда эди. Юкларини кемадан туширишаётганда Макфейллар ва миссис Дэвидсон оломонни кузатиб туришди. Доктор Макфейл ороллик болалар ва ўсмирларнинг баданидаги ўсимтаю яра-чақалардан азият чекишини пайқади. Катта, бесўнақай кўлини шалвиратиб ёки кўнгилни айнитадиган даражада тасқара оёғини судраб юрган одамларда биринчи бор тери берчлиги касаллиги аломатларини кўраркан, докторнинг кўзи чақнаб кетди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам лава-лава кийиб олишганди.

— Бу уятсизларнинг кийимига қаранг, — деди миссис Дэвидсон. — Мистер Дэвидсон буни қонун билан тақиқлаш керак, деб ҳисоблайди. Белига бир парча қизил латта боғлаган одамни ахлоққа ўргатиб бўладими?

— Об-ҳавога мос-да, — деди доктор юзидаги терни артиб.

Эрта тонгда кемадан тушган бўлсалар ҳам ҳаво ниҳоятда дим эди. Тепаликлар билан ўралган Паго-Пагода ғир этган шабада йўқ.

— Ўзимизнинг оролларда, — деди миссис Дэвидсон шанғиллаб, — лава-лавани йўқ қилдик ҳисоб. Бир-иккита қария кийиши мумкину, лекин бошқа ҳеч ким киймайди. Аёлларнинг барини узун кўйлакка, эркакларни бўлса шим ва майка кийишга ўргатдик. Оролларга келибоқ мистер Дэвидсон маърузаларининг бирида ўнга кирган ҳар бир бола иштон киймагунча оролликлар чинакам насроний бўлолмайдилар, деди.

Шу пайт хоним зағча кўзларини бандаргоҳнинг оғзига ёпирилиб келаётган қоп-қора булутларга қадади. Ёмғир томчилай бошлади.

— Панароқ жойга ўтмасак бўлмайди-ёв, — деди у.

Учовлон оломонга қўшилиб устига қовурғасимон тунука ёпилган улкан айвонга киришганда жала куя бошлаганди. Бир оздан кейин мистер Дэвидсон ҳам келди. У саёхат вақтида Макфейлларга анча илтифот кўрсатган бўлса-да, хотинидек одамшаванда эмасди, кемада кўп вақтини китоб ўқиб ўтказарди. Камгап ва бадқовоқроқ миссионернинг хушмуо-



малалиги насронийлик талабидан экани сезилиб турарди. Табиатан оғир-босиқ, ҳатто бироз маҳзун қиёфали бу одамнинг кўриниши ҳам ажабтовур эди: ўзи новча ва озғин, узун қўл-оёқлари шалвираган, юзи ичига ботиб, ёноқ суяклари бўртиб чиққанди. Ранги арвоҳникидек оппоқ миссионернинг эҳтиросли, қалин лаблари кишида ғалати таассурот қолдирарди. Сочлари елкасига тушган, ич-ичига ботган қоп-қора, катта-катта кўзлари маъюс, узун бармоқли қўллари нозик эди. Буларнинг бари уни улуғвор кўрсатарди. Лекин мистер Дэвидсоннинг энг ҳайратланарли хислати — унда ҳар қандай одамни ҳам бўйсундирадиган ички шижоат бор эди. Бу хислати атрофдагиларга кучли таъсир қилар, ҳатто бироз ҳайиқтирарди ҳам. У кимгадир сирдош бўладиганлар хилидан эмасди.

Ҳозир мистер Дэвидсон хунук хабар келтирганди. Паго-Пагода кўпинча канакларнинг умрига зомин бўладиган қизамиқ авжига чиққан, касаллик саёҳатчиларни Апиага элтадиган елканли кема жамоаси орасида ҳам тарқалганди. Қизамиққа чалинган денгизчини қирғоққа олиб чиқиб, махсус шифохонага ётқизишган бўлса ҳам, Апиадан телеграф орқали елканли кемадаги қолган денгизчиларнинг соппа-соғ эканлиги аниқланмагунча кема бандаргоҳга киритилмайди, деган буйруқ юборилганди.

— Демак, бу ерда камида яна ўн кун турамыз.

— Лекин мен Апиага тезроқ етиб боришим керак, — деди доктор Макфейл.

— Бошқа иложи йўқ. Агар кемада яна касалга чалинганлар чиқмаса, фақат оқтанли йўловчилар билан сузишга рухсат берилади, маҳаллий аҳолини ташиш эса уч ойга таъқиқланган.

— Бу ерда меҳмонхона борми? — сўради миссис Макфейл.

Дэвидсон мийиғида кулди.

— Йўқ.

— Унда нима қиламиз?

— Мен губернатор билан гаплашдим. Бир савдогар қирғоққа яқин жойдаги уйдан ижарага хона бераркан. Менимча, ёмғир тиниши билан ўша ёққа бориб, гаплашиб кўриш керак. Қулайликдан умид йўқ. Утишга каравот, бошимиз устида том бўлса бас, шунга шукр қилишимиз керак.

Лекин ёмғир тинай демасди ва улар соябону ёмғирпўшларга ўраниб йўлга тушишди. Шаҳар ҳокимликка қарашли уч-тўртта бино ва бир-иккита дўкондан иборат эди, ичкарироқда — кокос дарахтлари ва отқулоқлар орасида ороликларнинг уйлари кўзга чалиниб турарди. Улар қидирган уйгача бандаргоҳдан беш дақиқача юриларкан. Бу икки қаватли, ҳар қаватида кенг айвони бор, томи қовурғасимон тунука билан ёпилган синчли уй эди. Эгасининг исми Ҳорн, ўзи метис, оролик хотини ва бир этак қора-қура болалари бор. Ҳорн уйнинг биринчи қаватидаги дўкonda консерва ва мато сотарди. Савдогар меҳмонларга кўрсатган хоналарда уй жиҳозлари деярли йўқ эди. Макфейллар жойлашган хонада пашшага қарши йиртиқ тўр билан ўралган увадаси чиққан эски каравот, лиқиллаб қолган курси ва қўлювгич бор эди, холос. Улар кўзлари жовдираб хонани кўздан кечиришди. Ёмғир ҳануз тинмай қуярди.

— Жомадондан фақат энг зарур буюмларни оламиз, — деди миссис Макфейл.

У жомадонни очаётганда хонага миссис Дэвидсон кириб келди. Хоним жуда ҳаракатчан, чаққон бўлиб қолган, хоналарнинг абгорлиги унга зиғирча ҳам таъсир этмаганди.

— Сизларга маслаҳатим, ҳозироқ игна билан ип олиб тўрни яманглар, йўқса, бугун тун бўйи ухлолмайсизлар, — деди у.

— Бу ерда пашша шунчалик кўпми? — деб сўради доктор Макфейл.

— Ҳозир пашша мавсуми. Апиада ҳали губернатор кечага таклиф

этса, ҳамма аёлларга ҳалиги... қуйи аъзоларини беркитиш учун ёстик жилди беришларини кўрасизлар.

— Қани энди ёмғир бирпасга тинса, — деди миссис Макфейл. — Қуёш чиқмаса хонани эпақага келтиришга қўл ҳам бормайди.

— Эҳ-ҳе, қуёшни ҳали узоқ кутасиз. Паго-Паго Тинч океанидаги ёмғир энг кўп ёғадиган жойлардан. Булутлар нуқул тепаликлар ва кўрфаз устига ёпирилади. Ҳар йили бу вақтда ёмғир ёғиши тайин.

Миссис Дэвидсон хонанинг икки томонида нима қиларини билмай мўлтираб турган Макфейлларга бир-бир қаради-да, лабини қимтиди. Уларни ўз қаноти остига олиши кераклигини тушунди. Бунақа бўшанг одамлар унинг асабини ўйнатар, лекин, одатда, ҳамма нарсани тартибга солмагунча хонимнинг кўнгли тинчимасди.

— Бўлмаса, менга игна билан ип беринглар, нарсаларни жой-жой қилгунингизча тўрларингни ўзим ямай. Тушлик соат бирда. Доктор Макфейл, сиз бандаргоҳга бориб, оғир юкларингизни қуруқ жойга ўтказишибдими, йўқми, қараб келинг. Бу оролликлар юкларингизни ёмғирда қолдириб кетаверишади.

Доктор ёмғирпўшини ёпиниб, зинадан пастга тушди. Эшикнинг ёнида мистер Ҳорн уларни боягина оролга келтирган кема бошқарувчиси ва бортда бир неча марта кўзи тушган иккинчи класс йўловчиси билан гурунглашиб турарди. Уст-боши кир-чир, юзини ажин босган, пак-пакана кема дарғаси унга қараб бошини қимирлатди.

— Қизамиқ тарқалгани ёмон бўлди-да, доктор, — деди бошқарувчи. — Дарров жойлашиб олибсизлар-да?

Бетакаллуфроқ эканми, деб ўйлади доктор, лекин унинг ўзи камсуқум ва босиқ одам эди, шу боис ранжимасди.

— Ҳа, юқори қаватдан хона олдик.

— Мисс Томпсон ҳам сизлар билан бирга Апиага кетмоқчи экан, уни бу ерга етаклаб келавердим.

Кема дарғаси бош бармоғи билан ёнида турган аёлга ишора қилди. Бу очиқ-сочиқ кийинган йигирма етти ёшлардаги семиз хотин эди. Эгнида оппоқ либос, бошида катта оқ шляпа. Оқ пайпоқли йўғон болдирлари майин теридан тикилган учи ўткир локланган оқ этигининг кўнжидан дўппайиб чиқиб турарди. У Макфейлга қараб маккорона жилмайди.

— Манави нусха каталакдай хона учун мендан кунига бир ярим доллар олмоқчи, — деди хоним шанғиллаб.

— Ахир, бу аёл менинг дўстим-ку, Жо, — деди кема дарғаси. — Бир доллардан ортиқ тўлолмайди. Рози бўлаверинг.

Савдогар мудом жилмайиб турадиган бақ-бақалоқ юввош одам эди.

— Унда мен бир ўйлаб кўрай, мистер Сван. Миссис Ҳорн билан маслахатлашай. Агар нархни тушира олсак, рози бўламан.

— Мени лақиллатаман, деб овора бўлманг, — деди мисс Томпсон. — Буни ҳозир ҳал қиламиз. Хона учун кунига бир доллардан ортиқ бир цент ҳам бермайман.

Доктор Макфейл жилмайди. Хонимнинг безрайиб савдолашаётганидан завқи келди. Докторнинг ўзи эса қанча сўрашса, индамай берадиганлар хилидан эди. У савдолашишдан кўра, ортиғи билан тўлашни маъқул кўрарди. Савдогар хўрсинди.

— Майли, мистер Сван ҳурмати, розиман.

— Бу бошқа гап, — деди мисс Томпсон. — Ҳозироқ хонага кириб қиттак-қиттак ичамиз. Мистер Сван, анави саквояжни келтиринг, ичида зўр жавдар ароғи бор. Сиз ҳам кириг, доктор.

— Раҳмат, мен киролмайман, — деди доктор. — Юкларимдан хабар олиш учун пастга тушаётгандим.

У ёмғирга чиқди. Ёмғир бутун кўрфаз бўйлаб шариллаб қуяр, рўпарадаги қирғоқ деярли кўринмай қолганди. Доктор баданига фақат лава-лава кийган, катта соябон кўтарган уч-тўртта ороллиқнинг ёнидан ўтди. Шошилмай виқор билан қадам ташлаб бораётган ороллиқлар жилмайиб унга тушунарсиз тилда салом беришди.

Доктор ортга қайтганда тушлик вақти бўлган, савдогарнинг меҳмонхонасида дастурхон ясатилганди. Яшаш учун эмас, обрў учун жиҳозланган бу хона жуда дим эди. Деворларига гулли чийбахмал қопланган, шифтнинг ўртасига пашшалардан асраш учун сариқ қоғоз билан ўралган тилларанг қандил осилган эди. Дэвидсон йўқ эди.

— У губернаторникига меҳмонга кетган, — деди миссис Дэвидсон. — Губернатор тушликка ушлаб қолган бўлса керак.

Ороллиқ қизча лаганда қовурилган гўшт келтирди ва кўп ўтмай меҳмонлардан ҳол сўраш учун савдогарнинг ўзи ҳам кириб келди.

— Янги кўшни келибди-да, мистер Ҳорн? — деди доктор Макфейл.

— Ижарага хона олган, холос, — деди савдогар. — Ўзи алоҳида овқатланади.

У иккала хонимга кўзлари жовдираб қаради.

— Сизларга ҳалал бермаслиги учун уни пастки қаватга жойлаштирдим. Ҳеч кимга зарари тегмайди.

— Кемада келган йўловчилардан бўлса керак-да? — сўради миссис Макфейл.

— Ҳа, мэм, иккинчи класс каютада келган. Апиага бораётган экан. Ўша ёқда ҳисобчи бўлиб ишламоқчи эмиш.

— Ў-ҳў!

Савдогар чиқиб кетгач, Макфейл гап бошлади:

— Менингча, хонасида ёлғиз ўзи овқатланаётганидан хоним хурсанд бўлмаса керак.

— Агар иккинчи класс йўловчиси бўлса, хурсанд эмаслиги аниқ, — деди миссис Дэвидсон. — Кимлигини ҳечам эслолмаяпман.

— Кема дарғаси уни бошлаб келганда ўша ёқда эдим. Аёлнинг исми — Томпсон.

— Кеча кечқурун кема бошқарувчиси билан рақс тушган аёл эмасми? — сўради миссис Дэвидсон.

— Ўша бўлиши керак, — деди миссис Макфейл. — Ўйнаётганини кўрувдим. Шаддодроқдек туюлди менга.

— Бу жуда бемаъни одат, — деди миссис Дэвидсон.

Сўнгра гап бошқа мавзуга кўчди. Тушлиқдан кейин эса, саҳарда туриб ҳолдан тойишгани боис, улар ухлагани тарқалишди. Уйғонганларида осмонни қора булут қоплаган бўлса-да, ёмғир ёғмаётганди. Улар америкаликлар кўрфаз ёқалаб қурган катта йўл бўйлаб сайрга чиқишди.

Сайрдан қайтишса, Дэвидсон энди келиб турган экан.

— Бу ерда икки ҳафтача қолиб кетамиз, шекилли, — деди у қовоғини уйиб. — Губернатор билан гаплашдим, ҳеч қандай ёрдам беролмайман, деяпти.

— Мистер Дэвидсон тезроқ ишга қайтишни ўйлаяпти, — деди хотини унга хавотир аралаш кўз ташлаб.

— Ороллардан кетганимизга ҳам бир йил бўлди, — деди Дэвидсон айвонда у ёқдан бу ёққа юриб. — Миссия ишларини маҳаллий миссионерлар зиммасига юклаб кетувдик, улар вазифаларига панжа орасидан қарашмаган бўлишсин-да, ишқилиб, деб роса хавотирланяпман. Маҳаллий миссионерлар ҳақида бир оғиз ҳам ёмон гап айтмоқчи эмасман, Худо асрасин, бари эсли-хушли, инсофли, чин насронийлар — айрим насронийларнинг уларга тенглашишига ҳали анча бор — лекин уларда

шижоат етишмайди. Динни бир марта ҳимоя қилиши мумкин, икки марта ҳимоя қилиши мумкин, лекин доимо ҳимоя қила олишмайди. Агар миссияни маҳаллий миссионерга ишониб топширсангиз, у қанчалик ишончли одам бўлмасин, вақти келиб разолатга йўл қўйганига гувоҳ бўласиз.

Мистер Дэвидсон ҳамон тик турарди. Новча ва озғин гавдаси, бўзарган юзидаги катта-катта чақноқ кўзлари кишида кучли таассурот қолдирарди. Жазавага тушиб қўлларини силкитиши ва жарангдор овози гапларининг самимий эканини тасдиқлаб турарди.

— Ишларим қалашиб ётган бўлса керак. Мен дарҳол ишга киришман. Модомики, дарахт чириган экан, уни кесиб, оловга ташлаш керак.

Кун ботиб, кечки овқатдан кейин чой ичилгач, кичкина меҳмонхонада хонимлар бир нималарни тикиб, доктор Макфейл эса трубкасини тутатиб ўтирганда миссионер уларга оролларда бажарган юмушлари ҳақида гурунг берди.

— Бизлар бу оролларга келганимизда маҳаллий аҳоли гуноҳ-савоб нима эканини билмасди, — деди у. — Муқаддас таълимотларни бот-бот бузиб, айб ишга қўл уришаётганини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Менингча, фаолиятимдаги энг қийин иш маҳаллий аҳолида гуноҳкорлик ҳиссини уйғотиш бўлди.

Дэвидсон хотинини учратгунга қадар беш йил Сулаймон оролларида ишлаганидан Макфейллар аллақачон хабардор эди. У пайтлари миссис Дэвидсон Хитойда миссионерлик билан машғул бўлган, улар Бостонда, миссионерлар қурултойида иштирок этган кунлари танишгандилар. Тўйдан сўнг уларни оролларга сафарбар қилишган ва ўшандан буён эру хотин шу ерда тер тўкишарди.

Мистер Дэвидсоннинг гапларини тинглаб, инсоннинг мислсиз жасоратига қойил қолиш мумкин эди. Дэвидсон тиббий миссионер бўлгани боис, уни исталган пайтда исталган оролга чақиришлари ҳеч гап эмасди. Ёмғирлар мавсумида Тинч океанида тўфон кўтарилганда ҳатто кит овловчи кемаларда сузиш ҳам хавфли бўлса-да, Дэвидсон кўпинча қайиқда йўлга чиқар, бу эса ўлим билан ўйнашишдек гап эди. Касаллик ёки бахтсиз ҳодиса ҳақида хабар келса, у ҳечам иккиланиб ўтирмасди. Тирик қолиш учун неча марта тун бўйи қайиғидан сувни тўкиб ташлашга мажбур бўлган, миссис Дэвидсон эса уни бир неча бор ўлдига чиқарганди.

— Баъзан борманг, ҳеч бўлмаса, ҳаво очилишини кутинг, деб яли-нардим, — деди миссис Дэвидсон. — Лекин гапимга қулоқ солмасди. Мистер Дэвидсон жуда қайсар, бирор нарсага аҳд қилдимми, бас, уни йўлидан қайтаришнинг сира иложи йўқ.

— Узим Худога ишониб таваккал қилишдан қўрқсам, маҳаллий аҳолини ҳақ йўлга қандай бошлайман? — ҳайқирди Дэвидсон. — Мен қўрқмайман, қўрқмайман. Улар билишади: агар бошларига мусибат тушиб, менга хабар юборишса-ю, етиб боришнинг имкони бўлса, мен албатта етиб бораман. Яратганнинг йўлида заҳмат чексам-у, Худо менга мадад бермайди, деб ўйлайсизми? Шамол Унинг буйруғи билан эсади, тўлқинлар Унинг амри билан жўшади.

Доктор Макфейл қўрқоқроқ одам эди. Жанговар сафдаги тиббий бўлинмада жарроҳлик қилаётганда снарядларнинг хандақлар устидан чинқириб учиб ўтишига ҳечам кўниқолмас, қошидан оққан тер кўзойнагини намлар — шундай танг ҳолатда қалтираётган қўлларини ўзига бўйсундиришга зўр бериб уринарди. Миссионерга қараб туриб, у хиёл сесканиб кетди ва:

— Қанийди, мен ҳам ҳеч қачон қўрқмаганман, деб айта олсам эди, — деди.

— Қанийди, сиз Худога ишонаман, дея олсангиз, — деди унга жавобан

миссионер.

Ўша куни кечқурун гапдан гап чиқиб миссионер хотини билан оролларга энди келган даврларини хотирлай бошлади.

— Баъзан миссис Дэвидсон иккимиз бир-биримизга термилардик, кўзимиздан дув-дув ёш оқарди. Эртаю кеч тиним билмай ишласак ҳам бирор-бир натижага эришолмаётгандек эдик. Ўшанда ёнимда хотиним бўлмаганда, нима қилардим, билмайман. Руҳим чўкиб, барига қўл силтай деб турган пайтларимда, у менга матонат ва умид бағишларди.

Миссис Дэвидсон бошини эгиб, қўлидаги матога қаради ва озгин яноқлари хиёл қизаргандек бўлди. Қўллари билинар-билимас титраб, гапиришга мажоли келмади.

— Бизга ҳеч ким ёрдам беролмасди. Биз ёлғиз эдик, ўзимизникилардан минглаб мил узоқда, зулмат исканжасида эдик. Ҳолдан тойиб, тушқунликка тушган пайтларимда миссис Дэвидсон ишларини бир четга суриб қўярди-да, Инжилни қўлига олиб, худди гўдакни аллалагандек кўнглим хотиржам тортгунча ўқиб берарди. Кейин китобни ёпарди-да: “Биз нима бўлса ҳам уларни қутқарамиз”, дерди. Шунда Худонинг мадади билан ўзимда ишонч пайдо бўлганини ҳис қилардим ва: “Ҳа, Яратганининг кўмаги билан мен уларни қутқараман. Уларни қутқаришим керак”, дердим.

Дэвидсон столга яқин келди ва худди меҳроб равоғи қаршисида тургандек унинг ёнига туриб олди.

— Ишонсангиз, маҳаллий аҳоли фаҳш ботқоғига шунчалик ботган эдики, қўл ураётган ишлари ғирт ахлоқсизлик эканини уларга сира тушунтириб бўлмасди. Шунда улар одатланиб қолган табиий амалларни гуноҳ деб эълон қилишга мажбур бўлди. Хиёнат, ёлғон гапириш, ўғрилиқ каби айб ишларга қўшиб, баданни кўз-кўз этиш, рақс тушиш, черковга бормасликни ҳам гуноҳлар қаторига қўшдик. Қизларга кўкраги очиқ юришни, эркакларга шалвар киймай юришни тақиқладим.

— Қандай қилиб? — деб сўради доктор Макфейл қизиқсиниб.

— Жарима тайинладим. Ахир, одамларга қўл ураётган ишлари нотўғри эканини кўрсатишнинг бирдан-бир йўли уларни жазолаш. Черковга боришмаса, рақс тушишса, очиқ-сочиқ юришса, жаримага тортдим. Ҳар бир гуноҳ учун маълум миқдорда жарима белгилаб, пул ёки меҳнат эвазига ундирдим. Ниҳоят, уларнинг ақлини киргиздим.

— Бирор марта бўлса ҳам жарима тўлашдан бош тортишмадими?

— Бош тортиб кўришсин-чи, — деди миссионер.

— Мистер Дэвидсонга қарши чиқиш учун отнинг калласидек юрак керак, — деди унинг хотини лабини қимтиб.

Доктор Макфейл Дэвидсонга безовталаниб қаради. Эшитган гаплари уни ажаблантирган бўлса ҳам, эътироз билдиришга ботинолмади.

— Шундан эсдан чиқармангки, охириги чора сифатида мен уларни черков жамоаси аъзолигидан маҳрум қилишим мумкин эди.

— Улар буни кўнглига оғир олишмасмиди?

Дэвидсон хиёл жилмайиб, қўлларини бир-бирига ишқаб қўйди.

— Аъзоликдан маҳрум бўлгач, улар ўзлари етиштирган кокос ёнғоқларининг мағзини сота олишмайди-да. Денгизчилар овлаган балиқдан улуш тегмайди. Бу дегани, оч қолишади. Шундай экан, албатта, оғир олишади-да.

— Буларга Фред Олсон ҳақида ҳам гапириб беринг, — деди миссис Дэвидсон.

Миссионер чақнаб турган кўзларини доктор Макфейлга қадади.

— Фред Олсон оролларда узоқ йиллар яшаган даниялик савдогар эди. Олиб сотар бўлса ҳам, хийлагина бадавлат эди. Бизнинг оролларга кели-



шимиз уни унчалик хурсанд қилмади. Чунки бу одам сира ўз билганидан қолмасди. Маҳаллий аҳолидан олган кокос мағзига ўзбошимчалик билан ҳақ тўлар, бирор нарса ёки ароқ бериб юбораверарди. У шу ерлик аёлга уйланган, бироқ унга ошкора хиёнат қиларди. Бунинг устига ароқхўр эди. Уни тўғри йўлга бошламоқчи бўлдим, қулоқ солмади. Устимдан кулди.

Охирги жумлаларни айтганда Дэвидсоннинг овози йўғонлашди, кейин у бир муддат жимиб қолди. Бу таҳликали жимлик эди.

— Орадан икки йил ўтгач, у касодга учради. Чорак аср йиққан бисотидан айрилди. Мен уни енгдим, ниҳоят, Олсон тиланчидек олдимга эмаклаб келиб, Сиднейга қайтишга изн беришимни сўраб ялинди.

— Унинг мистер Дэвидсоннинг олдига қай аҳволда келганини бир кўрганингизда эди, — деди миссионернинг хотини.

— Олсон бир пайтлари бақ-бақалоқ, йўғон гавдали одам эди, товуши ҳам баланд чиқарди. Лекин менинг олдимга келган қалтироқ савдогарда ўша сахт-сумбатдан асар ҳам қолмаганди. Олсон бирданига қариб қолганди.

Дэвидсон ўйга толиб, ташқаридаги тун қоронғулигига тикилди. Яна ёмғир ёға бошлаганди.

Кутилмаганда пастки қаватдан шовқин эшитилди ва Дэвидсон ўгирилиб савол назари билан хотинига қаради. Бу аллақандай куйни узук-юлуқ қилиб, қулоқни қоматга келтириб варанглаётган граммофон товуши эди.

— Бу нима? — сўради миссионер.

Миссис Дэвидсон кўзойнагини бурнига қаттиқроқ босди.

— Иккинчи класс йўловчиларидан биттаси шу уйдан хона олган. Шовқин ўша хонадан келяпти, шекилли.

Улар жимгина қулоқ тутишди ва кўп ўтмай тўпир-тўпир бошланди — пастдагилар рақс тушишарди. Кейин мусиқа садоси ўчиб, шиша идишларнинг қопқоқлари паққиллаб отилгани ва вағир-вуғур овозлар эшитилди.

— Хоним кемадаги дўстлари шарафига хайрлашув базми уюштирган кўринади, — деди доктор Макфейл. — Кема соат ўн иккида жўнайди, шундайми?

Дэвидсон индамай соатига қаради.

— Тайёرمىсиз? — деди у хотинига.

Миссис Дэвидсон тикишини йиғиштириб, ўрнидан турди.

— Ҳа, тайёрман.

— Ухлашга ҳали эрта-ку? — деди доктор.

— Ўқийдиган анча-мунча нарсамиз бор, — тушунтирди миссис Дэвидсон. — Қаерда бўлмайдик, ухлашдан аввал Инжилдан бир парча ўқиймиз-да, шарҳлари билан ёд олиб, атрофлича таҳлил қиламиз. Бу хотирани зўр чархлайди.

Эр-хотинлар бир-бирларига хайрли тун тилашди. Доктор билан миссис Макфейл ёлғиз қолишди. Иккаласи ҳам бир неча дақиқа индамай ўтирдилар.

— Қартани опкелай, — деди доктор ниҳоят.

Миссис Макфейл унга иккиланиброқ қаради. Дэвидсонлар билан бўлган суҳбат уни бир оз хижолатга солганди. Лекин хоним қарта ўйнамай турайдик, Дэвидсонлар кириб қолишлари мумкин, дейишга ийманди. Қартани олиб келиб, сузаётган эрига қараб хоним ўзини айбдордек сизди. Пастда эса базм тўхтамасди.

Эртаси куни ҳаво очилиб кетди ва икки ҳафта Паго-Пагода қўл қовуштириб ўтиришга маҳкум этилган Макфейллар фурсатни бой бермасликка қарор қилишди. Улар бандаргоҳга бориб қутиларида бир



нечта китоб олдилар. Доктор ҳарбий денгизчилар шифохонасининг бош шифокорини чақириб, у билан биргаликда касалхонадаги барча беморларни кўриб, айланиб чиқди. Губернаторга ҳам ташриф қоғози юбордилар. Йўлда мисс Томпсонни учратдилар. Доктор шляпасини кўлига олиб саломлашганда хоним баланд ва хушчақчақ овозда: “Хайрли тонг, доктор”, деди. Мисс Томпсон худди кечагидек оппоқ либос кийган, узун пошнаги ялтироқ оқ этигининг кўнжидан дўппайиб чиқиб турган бўлиқ болдирлари кишида ғалати таассурот қолдирарди.

— Менинча, кийими ўзига ярашмабди, — деди миссис Макфейл. — Кўринишидан ғирт тутуруқсиз хотинга ўхшайди.

Макфейллар уйга қайтишганда мисс Томпсон айвонда савдогарнинг қора-қура болаларидан бири билан ўйнаб ўтирганди.

— Унга бирор нима де, — шивирлади доктор хотинига. — У бу ерда ёлғиз, кўрмаганга олсак бағритошлик бўлади.

Миссис Макфейл ноқулай аҳволда қолди, лекин у эрининг гапини икки қилишга одатланмаганди.

— Бир уйда турарканмиз-да, — деди у сохта ҳалимлик билан.

— Бунақа кафтдек шаҳарда тиқилиб яшаш азоб-а? — деди мисс Томпсон. — Омадингиз бор экан, хона топдингиз, дейишганига ўлайми яна. Мен бу ерликларнинг уйида яшолмайман, бирор чора кўриш керак-да, ахир. Нега меҳмонхона қуришмайди булар, ҳайронман.

Улар яна бир-икки оғиз гаплашишди. Овозини кўтариб гап сотишни хуш кўрадиган мисс Томпсоннинг ғийбатлашгиси келаётгани сезилиб турарди, лекин миссис Макфейл гапга чечан эмасди.

— Майли, биз энди юқорига чиқишимиз керак, — деди у бироз туришгач.

Кун ботиб, улар кечки овқатга ўтиришганда, Дэвидсон кириб келиб:

— Пастдаги аёл иккита денгизчи билан ўтирибди. Улар билан қандай қилиб танишиб олдийкан, ҳайронман, — деди.

— У тортиниб ўтирмайди, — деди миссис Дэвидсон.

Беҳуда ўтган зерикарли кун ҳаммаларини ҳолдан тойдирганди.

— Агар шу икки ҳафта ҳам шундай ўтадиган бўлса, охирига бориб қай кўйга тушамиз, — деди доктор Макфейл.

— Бирдан-бир тўғри йўл кунни ҳар хил юмушларга тақсимлаш, — деб сўз қотди миссионер. — Мен ёдлашга бир неча соат, такрорлашга бир неча соат ажратаман, ҳаво очиқ бўладими, ёмғир ёғадими, барибир — ёғин мавсумида ёмғирга термилиб ўтиришдан фойда йўқ — бир-икки соат дам оламан.

Доктор Макфейл суҳбатдошига хавотир аралаш қараб қўйди. Дэвидсоннинг режаси унинг юрагини сиққанди. Улар яна қовурилган гўшт ейишаётганди. Чамаси, ошпаз бошқа овқат пиширишни билмасди. Кейин пастдан яна граммофоннинг шовқини эшитила бошлади. Дэвидсон асабийлашиб ўрнидан сапчиб турди-ю, лекин ҳеч нима демади. Эркакларнинг ғўлдирган овози эшитилди. Мисс Томпсоннинг меҳмонлари машҳур бир кўшиқча жўр бўлишаётганди, кўп ўтмай хонимнинг қулоқни қоматга келтирувчи шанғи овози ҳам эшитилди. Кулги-ю, бақир-чақир авжига чиқди. Гапни гапга қовуштиришга уринаётган тепадаги тўртовлон эса стаканларнинг жаранги ва курсиларнинг ғичирлашини эшитиб ўтиришга мажбур эди. Пастда анча-мунча одам йиғилгани сезилиб турар, мисс Томпсон базм уюштирганди.

— Қизиқ, уларнинг барини бир хонага қандай сиғдираркан, — деди миссис Макфейл миссионернинг тиббиёт мавзуидаги суҳбатини бўлиб.

Бу гап хонимнинг нимани ўйлаётганидан далолат берарди. Юзининг учаётганига қараганда табобат ҳақида гапираётган миссионернинг хаёли

ҳам ўша ёқда эди. Бир маҳал, доктор фронтда орттирган тажрибасини гапираётганди, миссионер ҳайқирганча ўрнидан ирғиб турди.

— Нима бўлди, Алфред? — деб сўради миссис Дэвидсон.

— Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас! Шу пайтгача хаёлимга келмаганини қаранг-а. Томпсон ивелейлик.

— Йўғ-э?

— У Ҳонолулуда кемага чиқди. Бу — аниқ. Томпсон ҳунарини шу ерда ҳам давом эттиряпти. Мана шу ерда!

Дэвидсон охирги жумлани ғазаб билан айтди.

— “Ивелей” дегани нима? — сўради миссис Макфейл.

Миссионер қайғули нигоҳини унга қадади ва овози нафратдан титраб кетди.

— Ҳонолулу юзидаги заҳм. Фоҳишалар даҳаси. Тамаддунимизга иснод келтирган жой.

Ивелей Ҳонолулунинг бир чеккасида жойлашган. Қоронғида бандаргоҳ ёқалаб ўтган кўчалар бўйлаб юриб, омонат кўприқдан ўтсангиз, ўнқир-чўнқир, қаровсиз йўлнинг рўпарасидан чиқасиз, кейин фонусга кўзингиз тушади. Йўлнинг ҳар икки томонида машина қўйиладиган махсус жойлар бор, эшик-айвони ялтир-юлтир безатилган, ичкарисидан доим пиано-ла садоси таралиб турадиган қовоқхоналар, сартарошхона ва тамаки дўконлари бор. Ҳаво ҳам қий-чув ва орзиқиб кутилган хурсандчилик шавқи билан тўла бўлади. Кейин бир жинкўча бўйлаб юриб ўнгга ёки чапга буриласиз-да — йўл Ивелейни иккига бўлган — даҳага кириб борасиз. Бу ерда икки қатор қилиб қурилиб, орасига кенг ва текис йўлак солинган, ҳафсала билан яшил рангга бўялган айвонли уйчалар бор. Даҳа худди кўкаламзор шаҳарчага ўхшайди. Тартиб билан қурилган бу серҳашам ва ораста маконда этни жунжиктирадиган нимадир бор эди; ҳали ҳеч қачон айш-ишратга бўлган эҳтиёж бу қадар бекаму кўст бир меъёрга солинмаганди. Йўлак хира фонус билан ёритилган, лекин уйчаларнинг очиқ деразаларидан тушаётган чироқ ёруғи бўлмаса, барибир, ғира-шира кўринарди. Эркаклар деразалари қаршисида китоб ўқиб ёки бирор нарса тикиб ўтирган, кўпчилиги уларга эътибор ҳам бермаётган аёлларга қараб у ёқдан-бу ёққа саланглашар, аёллар орасида ҳам, эркаклар орасида ҳам турли миллат вакиллари учрарди. Бандаргоҳдаги оддий ва ҳарбий кемалардан тушган америкалик қовоғи солиқ маст денгизчилар, оролларга жойлаштирилган полкларнинг оқтанли ва қоратанли аскарлари, икки-уч кишилашиб юрган японлар, гавайликлар, узун ридо кийган хитойликлар, ғалати бош кийимли филиппинликлар — бари шу ерда эди. Ҳаммалари гўё ғамга ботгандек индамай юришар, уларни нафс қийнарди.

— Бу Тинч океанидаги энг бижғиган расво жой! — ҳайқирди Дэвидсон жазавага тушиб. — Миссионерлар бунга қарши кўп йиллар ташвиқот қилишди ва ниҳоят, маҳаллий матбуот ишга киришди. Полиция қимирламади ҳам. Уларнинг баҳонасини биласиз. Бу иллатни енгиб бўлмайди, шундай экан, энг тўғри йўл уни чегаралаб, назоратда ушлаб туриш лозим, дейишади. Аслида эса, ҳаммаси порахўр. Қовоқхона эгаларидан, қўшмачилардан, фоҳишаларнинг ўзидан ҳам пора олишарди. Лекин, охир-оқибат, улар чора кўришга мажбур бўлишди.

— Мен бу ҳақда Ҳонолулуда кемада тарқатилган газеталарда ўқигандим, — деди доктор Макфейл.

— Гуноҳга ботган Ивелей айнан биз бу ерга келган куни бекитилди. Бутун аҳолиси одил судга тортилди. Бир кўришдаёқ бу аёлнинг аслида ким эканлигини пайқамаганимга ҳайронман.

— Гап бу ёқда экан-да, — деди миссис Макфейл. — Мен кема жўнашига

бир неча дақиқа қолганда унинг бортга чиққанини яхши эслайман. Сал бўлмаса кеч қоларди-я, деган фикр хаёлимдан ўтгани ҳам эсимда.

— Бу ерга келишга қандай ҳадди сиғди! — бақирди Дэвидсон жазавага тушиб. — Мен бунга йўл қўймайман.

У эшикка йўналди.

— Нима қилмоқчисиз? — ундан сўради Макфейл.

— Нима қилардим? Пастга тушиб барига чек қўяман. Мен бу уйни...

У хонимларнинг кўнглига оғир ботмайдиган сўзни қидириб қолди. Унинг кўзлари чакна, ҳовлиққанидан ранг-кути ўчган, юзи баттар бўзариб кетганди.

— Пастдаги вағир-вуғурга қараганда, у ерда камида уч-тўртта эр-как бор, — деди доктор. — Ҳозироқ у ёққа кирилса, шошқалоқлик бўлмасмикан?

Миссионер унга ўқрайиб қаради-да, чурқ этмай хонадан отилиб чиқиб кетди.

— Агар мистер Дэвидсон ўзига бирор зиён етишидан чўчиб бурчини бажаришга ботинолмайди, деб ўйласангиз, демак, у кишини яхши билмас экансиз, — деди унинг хотини.

Кейин хоним муштрларини асабий қисиб, бўртиб чиққан ёноқлари хиёл қизариб пастдан эшитилаётган товушларга қулоқ тутта бошлади. Ўамманинг қулоғи динг эди. Миссионернинг ёғоч зинадан тапиллаб тушгани ва пастки хонанинг эшигини шарақлатиб очгани эшитилди. Бирдан қўшиқ садоси тинди, лекин граммофон ғичирлаб бемаза бир куйни чалишда давом этарди. Кейин Дэвидсоннинг овози эшитилди ва оғир бир нарса қарсиллаб қулади. Мусиқа тинди. Миссионер граммофонни полга улоқтирганди. Кейин яна Дэвидсоннинг овози эшитилди, гапларини илғаб олиш қийин эди. Сўнг мисс Томпсоннинг қулоқни қоматга келтириб шанғиллагани эшитилди ва гўё хонадагилар бари бир йўла кекирдақларини чўзиб ўшқираётгандек қий-чув кўтарилди. Миссис Дэвидсон хўрсиниб қўйди-да, муштрларини қаттиқроқ қисди. Доктор Макфейл нима қиларини билмай дам унга, дам хотинига қарарди. Докторнинг пастга тушгиси келмас, аммо хонимлар ундан шуни кутишяптими, йўқми — билишни истарди. Кейин пастда мушт зарбини эслатувчи товуш эшитилди ва бақир-чақир авжига чиқди. Чамаси, Дэвидсонни хонадан улоқтиришганди. Эшик шарақлаб ёпилди. Бир муддат жимлик чўқди ва зинадан чиқаётган Дэвидсоннинг қадам товуши эшитилди. У хонасига ўтиб кетди.

— Унинг олдига борай-чи, — деди миссис Дэвидсон ва ўрнидан туриб ташқарига йўналди.

— Ёрдамим керак бўлса, чақирарсиз, — деди миссис Макфейл ва мисс Дэвидсон хонадан чиққач қўшиб қўйди: — Миссионер жабрланмаган, деб умид қиламан.

— Бўлмаса, нега бировларнинг ишига бурнини тикади? — деди доктор Макфейл.

Улар бир муддат жим ўтиришди, кейин яна граммофоннинг ва-ранглагани ва бемаза қўшиққа атай бақириб жўр бўлаётган овозлар эшитилди-ю, иккаласи ҳам сесканиб тушди.

Эртаси куни миссис Дэвидсон рангида ранг йўқ, ҳолсиз бир алпозда юрди. Боши оғриётганини айтиб нолиди. У бир оқшомда қариб мункиллаб қолганга ўхшарди. Хоним миссис Макфейлга миссионер тун бўйи мижжа қоқмади, деб айтди. Миссионер қаттиқ безовталаниб, соат бешда ўрнидан турибди-да, ташқарига чиқиб кетибди. Унга пиво қуйилган идишни улоқтиришган, булғанган уст-бошидан қўланса ҳид анқирди. Лекин миссис Дэвидсон мисс Томпсон ҳақида гапирганида кўзларида

совуқ учқун чақнади.

— У ҳали мистер Дэвидсонни таҳқирлаган кунни алам билан эслайди, — деди хоним. — Мистер Дэвидсон жудаям бағрикенг инсон, бошига ташвиш тушган бирор-бир одам ҳали унинг ҳузуридан тасалли топмай кетмаган, аммо гуноҳ бор жойда у шафқатсиз, чиндан ғзаби қайнаган дамда ундан ёмони йўқ.

— Йўғ-э, нима қилади? — сўради миссис Макфейл.

— Билмайман, лекин мен мисс Томпсоннинг ўрнида бўлишни ҳечам истамасдим.

Миссис Макфейл сесканиб кетди. Жиккаккина бу аёлнинг ўзига ишонч билан гапиришида одамни хавотирга соладиган нимадир бор эди. Ўша куни тонгда улар бирга ташқарига чиқишаётганди, зинадан ёнма-ён туша бошлашди. Мисс Томпсоннинг эшиги очиқ эди ва улар кир халат кийиб олган хонимнинг қозонда нимадир пишираётганини кўришди.

— Хайрли тонг, — деди у. — Мистер Дэвидсоннинг аҳволи яхшими?

Икковлон гўё мисс Томпсонни кўрмагандек чурқ этмай ғоз юриш қилиб унинг ёнидан ўтиб кетишди. Лекин хоним хохолаб кула бошлагач, уларнинг юзлари бўзарди. Миссис Дэвидсон ялт этиб унга қаради.

— Менга гап отишга қандай ҳаддингиз сиғди? — деб қичқирди у. — Мени ҳақорат қилганингиз учун сизни бу ердан ҳайдаттираман.

— Мистер Дэвидсонни мен чақирмадим-ку, тўғрими?

— Унга жавоб берманг, — шивирлади шошиб миссис Макфейл.

Улар тез-тез юриб, гаплари Томпсон хонимга эшитилмайдиган жойгача боришди.

— Сурбет, сурбет! — бирдан койинишга тушди миссис Дэвидсон. Ғазабдан нафаси бўғилиб қолай деди.

Улар сайр қилиб қайтишаётганида мисс Томпсоннинг қирғоқ тарафга бораётганини кўришди. Хоним, одатдагидек, ясаниб олган, гўё уларни таҳқирламоқчи бўлгандек дидсизларча рангдор гуллар тақиб ташланган катта оқ шляпани бошига кўндирган. Ёнидан ўтишганида мисс Томпсон уларга қараб шодон қийқирди ва яқинроқда турган иккита америкалик денгизчи ўзларига ўқрайиб қараган хонимларни кўриб илжайишди. Улар уйга кириб келишганда ёмғир ёға бошлаганди.

— Томпсоннинг шунча ясангани бир пул бўладиган бўлди-да, — деди миссис Дэвидсон нафратомуз, киноя билан.

Дэвидсон кириб келганида улар тушлик овқатни яримлатишганди. Миссионернинг уст-боши жиққа ҳўл бўлсаям кийимини алмаштирмади. Қовоғини уйиб жимгина жойига ўтирди-да, овқатдан бир-икки қошиқ еган бўлиб, қиялаб ёғаётган ёмғирга термулди. Миссис Дэвидсон мисс Томпсонга икки марта рўбарў келишганини айтганда у жавоб қайтармади. Қовоғининг баттарроқ уюлгани хотинининг гапини эшитганидан дарак бериб турарди, холос.

— Мистер Ҳорнни уни ҳайдаб чиқаришга мажбур қилсак-чи? — деб сўради миссис Дэвидсон. — Бизни таҳқирлашига йўл қўёлмаймиз, ахир.

— Чамамда, унинг бошқа борадиган жойи йўқ, — деди Макфейл.

— Шу ерликларнинг бирортаси билан яшайверади.

— Бунақа ҳавода буларнинг кулбасида яшашнинг ўзи бўлмайди.

— Мен бир кулбада йиллаб турганман, — деди миссионер.

Қоратанли қизалоқ, одатдагидек, ҳазми таом учун қовурилган банан олиб кирганида Дэвидсон унга деди:

— Мисс Томпсондан сўра-чи, унинг олдига қачон кирсам бўларкан.

Қизалоқ уялинқираб бош ирғади-да, чиқиб кетди.

— У билан учрашиб нима қиласан, Алфред? — сўради миссионернинг хотини.

— Унинг олдига бориш менинг бурчим. Мен унга етарлича имкон бермайтуриб ишга киришмайман.

— Сен уни яхши билмайсан. У сени ҳақорат қилади.

— Майли, ҳақорат қилсин. Юзимга тупурса ҳам майли. Унинг қалби ҳали ўлмаган, мен шу қалбни қутқариш учун бор кучимни сарфлашим керак.

Фоҳишанинг масхараомуз кулгиси миссис Дэвидсоннинг қулоқлари остида ҳамон жарангларди.

— У ҳаддидан ошиб кетган.

— Худонинг марҳаматига эришолмайдиган даражада ҳаддидан ошганми? — Кутилмаганда миссионернинг кўзлари йилтираб овози майинлашди. — Йўқ. Бўлиши мумкин эмас. Гуноҳкор гуноҳга дўзахнинг тубидан-да тубанроқ ботса ҳам Исо ундан меҳрини дариф тутмайди.

Қизалоқ хабар келтирди:

— Мисс Томпсон алангали салом йўллаб, агар тақсир Дэвидсон иш вақтида келмаса, хоним у билан исталган пайтда учрашишга тайёр эканини айтди.

Даврадагилар хабарни қовоқ уйиб, сукут сақлаб эшитишди, доктор Макфейл кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Мисс Томпсоннинг сурбетлигидан завқланганини сездириб қўйса, хотини ундан ранжиши мумкинлигини доктор биларди.

Улар овқатни гап-сўзсиз еб бўлишди. Кейин хонимлар яна ҳунарлари билан машғул бўлдилар, миссис Макфейл уруш бошланганидан буён тўқийган сон-саноксиз жун бўйинбоғларининг навбатдагисига уринаётганди. Доктор трубкасини тутатди. Дэвидсон эса паришон нигоҳини столга қадаганча курсисида қилт этмай ўтирарди. Бир оздан сўнг у ўрнидан турди-да, бир сўз демай хонадан чиқиб кетди. Улар миссионернинг пастга тушиб эшикни тақиллатгани ва мисс Томпсоннинг “Киринг” деган шанғиллаган овозини эшитишди. Миссионер унинг олдида бир соатча қолиб кетди. Доктор Макфейл эса ёмғирни кузатарди. Ёмғир унинг асабига тега бошлаганди. Бу ёмғир бизнинг майин ёғадиган инглиз ёмғиримизга ўхшамас, шафқатсиз ва унда табиатнинг аллақандай ибтидоий бузғунчи кучи мужассам эди. Шивиллаб ёғиш ўрнига челақлаб қуйилаётган бу ёмғирдан худди осмон тошаётгандек туюлар, қовурғасимон тунука томни тўхтаовсиз тарақлатиб, кишини ақлдан оздирай дерди. Қутуриб ёғаётганини, тўхтамаётганини кўриб туриб, беихтиёр дод солгингиз келар, суюқларингиз майишиб қолгандек, ўзингизни беҳол, умидсиз ва ночор ҳис қилардингиз.

Миссионер қайтгач, Макфейл у томонга ўгирилди. Хонимлар бошларини кўтаришди.

— Унга минг битта имконият бердим. Тавба қил, деб роса ялиндим. Бу аёл эмас, иблисининг айнан ўзи экан.

Шундай деб Дэвидсон жимиб қолди ва доктор Макфейл унинг кўзлари олайиб, синиққан ёноқлари бўртиб чиққанини пайқади.

— Энди Исо судхўру саррофларни Худонинг уйидан ҳайдаш учун қўлига олган даррани ишлатиш пайти келди, — деди миссионер ва хона ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Унинг лаблари қимтилган, қоп-қора қошлари чимирилган эди.

— Агар дунёнинг нариги четига қочса ҳам ортидан қувиб бораман энди.

Дэвидсон шартта бурилди-да, хонадан чиқиб кетди. Улар миссионернинг яна зинадан пастга тушаётганини эшитишди.

— У нима қилмоқчи? — сўради миссис Макфейл.

— Билмайман, — деди миссис Дэвидсон кўзойнагини артаркан. — Худо йўлида заҳмат чекаётганида мен ундан ҳеч нарса сўрамайман.



Хоним хўрсиниб қўйди.

— Нима бўлди сизга?

— У энди тинкаси қуригунча тинчимайди. Эрим ўзини аяш нималигини билмайди.

Доктор Макфейл миссионер эришган илк натижалар ҳақида ўзлари ижарада турган уйнинг эгаси — метис савдогардан эшитди. Савдогар дўкони ёнидан ўтиб кетаётган докторни тўхтатиб, гурунглашиш учун айвонга чиқди.

Унинг этли юзида хавотир аломатлари бор эди.

— Тақсир Дэвидсон олдимга келиб нега мисс Томпсонга хона берганимни сўради, — деди у. — Ахир, мен ижарага қўяётганимда бу аёлнинг аслида қанақалигини билмасдим-ку. Одамлар мендан ижарага хона сўраганда мен уларнинг тўлашга пули бор-йўқлиги билан қизиқаман, холос. Мисс Томпсон эса бир ҳафталик ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйган.

Доктор Макфейл бу ғавғага аралашмоқчи эмасди.

— Ҳар нима бўлгандаям бу сизнинг уйингиз. Бошпана берганингиз учун сиздан жуда миннатдоримиз, — деди у.

Ҳорн унга ишонқирамай қаради. Макфейл миссионер тарафидами, йўқми, бунга у аниқ билмасди.

— Миссионерлар бари бир-бирини қўллаб-қувватлайди, — деди у секингина. — Агар уларга бирор савдогар ёқмаса, тамом, бояқишнинг дўконини ёпиб жуфтани ростлашдан бошқа иложи қолмайди.

— Дэвидсон мисс Томпсонни ҳайдашингизни хоҳлаяптими?

— Йўқ. Миссионер, агар Томпсон ўзини одоб доирасида тутса, мендан бунга илтимос қилолмаслигини айтди. У менга нисбатан адолатли бўлмоқчи экан. Мен хонимнинг олдида бошқа ҳеч ким келмайди, деб сўз бердим. Ҳозиргина мисс Томпсоннинг ёнига бориб, бор гапни унга айтдим.

— У нима деди?

— Мени бўралатиб сўқди.

Эски каноп шим кийган савдогар ўнғайсизланиб, афтини буриштирди. У мисс Томпсоннинг ўта беадаб аёл эканига амин бўлганди.

— Менинча, Томпсон хоним кетса керак. Олдига одам келиб турмаса, бу ерда қолиши даргумон.

— Унинг шу атрофдаги кулбалардан бошқа борадиган жойи йўқ. Лекин миссионерлар тиш қайраб турган пайтда маҳаллий аҳоли уни уйига киритмайди.

Доктор Макфейл тўхтовсиз қуяётган ёмғирга қаради.

— Менимча, ҳавонинг очилишини кутишдан наф йўқ, — деди у.

Кечкурун тўртовлон меҳмонхонада ўтиришганда Дэвидсон коллежда ўқиган даврини гапириб берди. Пул топиш учун у таътил пайтида дуч келган жойда ишлайверган экан. Пастки қават жим-жит эди. Мисс Томпсон хоначасида ёлғиз ўтирганди. Шу пайт кутилмаганда граммофоннинг товуши эшитилди. Хоним ёлғизлик азобидан қутулиш учун барибир граммофонни қўйганди. Лекин қўшиқ айтадиган одам бўлмагани учун куй ҳам қайғули эшитиларди. Бу гўё эътибор бермаслигини сўраб Дэвидсонга қилинган илтижога ўхшарди. У пинагини бузмай ҳикоясини давом эттирди. Граммофон садоси ҳам тинмади. Мисс Томпсон бир пластинканинг кетидан бошқасини қўярди. Қоронғулик ва сукунат унинг асабига тегаётгандек эди гўё. Ғир этган шамол йўқ, ҳаво дим эди. Макфейллар хонасига ухлагани кириб кетишди, бироқ ҳеч уйқулари келмади. Улар чивиндан ҳимояланиб тортилган тўрнинг ортида пашшаларнинг безовта ғўнғиллашини эшитиб, кўзлари чақчайиб ёнма-ён ётишарди.



— Бу нима? — пичирлади туйқусдан миссис Макфейл.

Ёғоч деворнинг ортидан Дэвидсоннинг овози келаётганди. Бу бир маромда ғулдираб чиқаётган, қатъий оҳангдаги товуш эди. Дэвидсон мисс Томпсоннинг қалбини қутқариш учун овоз чиқариб дуо ўқиётганди.

Орадан икки-уч кун ўтди. Энди, йўлда мисс Томпсонга рўбарў келишганда, хоним сохта самимият билан жилмайиб саломлашмас, худди уларни кўрмаётгандек пардозланган юзини буриб, хўмрайиб ўтиб кетарди. Савдогар Макфейлга унинг бошқа жойдан ижарага уй оламан, деб бекорга овора бўлганини айтди. Кечқурунлари мисс Томпсон граммофонига ҳар хил пластинкаларни қўяр, лекин энди хурсандчилигининг сохталиги сезилиб турарди. Рақс куйи худди умидсизлик навосидек юракни эзиб узук-юлуқ эшитиларди. У якшанба куни граммофонни қўйганда Дэвидсон муқаддас кунда мусиқани дарҳол ўчиришини сўраб олдига Ҳорнни жўнатди. Граммофон овози ўчди ва ёмғирнинг тулука томни тинмай тарақлатаётганини айтмаганда уйга сукунат чўқди.

— Менинча, мисс Томпсон хийла қуйилиб қолди, — деди эртаси куни савдогар Макфейлга. — У мистер Дэвидсоннинг нималарни режалаштираётганини билмайди, шунинг учун тайсаллаб турибди.

Уша куни тонгда хонимга Макфейлнинг ҳам кўзи тушган, унинг бурини жийирмаётганини кўриб доктор ажабланганди. Мисс Томпсоннинг юзида хавотир бор эди. Метис докторга кўз қирини ташлади.

— Мистер Дэвидсоннинг нима қилаётганидан хабарингиз бўлмаса керак-а? — юрак ютиб сўради у.

— Йўқ, хабарим йўқ.

Миссионернинг сирли бир ишни бошлаганини доктор ҳам тусмоллаб турган бир пайтда Ҳорннинг бу саволи ғалати туюлди. Макфейлга Дэвидсон мисс Томпсоннинг атрофини аста-секин тўр билан ўраб олаётгандек, вақти-соати етганда ипни тортадигандек туюларди.

— Миссионер мисс Томпсонга айтиб қўйишимни тайинлади, агар хоним уни кўришни истаса, чақиртириши ҳаманоқ етиб бораркан, — деди савдогар.

— Бу гапни етказганингизда мисс Томпсон нима деди?

— Индамади. Мен ҳам гапиришини кутиб ўтирмадим. Айтишим керак бўлган гапни айтдим-у қайтиб чиқдим. Чамамда, у йиғлагудек бўлиб қолди.

— Ёлғизлик уни эзаётгани тайин, — деди доктор. — Устига-устак ёмғир ҳам. Ҳар қандай одамнинг асабини ишдан чиқаришга шуларнинг ўзи кифоя, — гапида давом этди у ижирғаниб. — Худо қарғаган бу жойда ёмғир ҳеч тўхтайдими ўзи?

— Ёгин мавсумида тинмай ёғади. Йилига уч юз дюйм. Биласизми, ҳамма гап кўрфазнинг шаклида. Бу кўрфаз Тинч океанидаги ёмғирни буткул йиғиб оладигандек туюлади.

— Минг лаънат бундай кўрфазгаю унинг шакли-шамойилига, — деди доктор.

Кейин пашша чаққан жойларини қашишга тушди. У жуда асабийлашаётганди. Ёмғир тўхтаб қуёш чиққан пайтлари ғир этган шамол эсмас, ҳамма ёқ худди иссиқхонадагидек дим ва зах бўлар, гўё атрофдаги ўт-ўлан ваҳимали шиддат билан ўсаётгандек туюларди; баданига расм солиб, сочларини бўяб олган, беташвиш ва қувноқ, болаларча содда маҳаллий аҳолининг юзида ёвуз бир ифодани пайқагандек бўлардингиз. Улар яланг оёқлари билан майда қадам ташлаб ортингиздан юрганда беихтиёр ўгирилиб қарардингиз. Улар исталган пайтда кетингиздан пусиб келиб, узун ханжарларини икки курагингиз орасига санчадигандек туюларди. Уларнинг киртайган кўзларида қандай қора ниятлар яши-

ринганини пайқаш қийин эди. Бу одамларнинг Миср ибодатхоналари деворидаги расмларни эслатувчи қиёфаларида ўта қадим ва мудҳиш бир ифода бор эди.

Миссионер мудом қаёққадир бориб келарди. У банд эди, лекин Макфейллар Дэвидсоннинг нима билан машғуллигини билишмасди. Ҳорн докторга унинг ҳар куни губернаторнинг олдига бораётганини айтди ва бир куни миссионернинг ўзи ҳам губернатор ҳақида сўз очди.

— У жуда қатъиятли одамдек кўринади, — деди Дэвидсон. — Лекин аслида унда матонатдан асар ҳам йўқ.

— Демак, губернатор сиз хоҳлаётган ишни қилмоқчи эмас, — деди доктор ҳазил аралаш.

Миссионер жилмаймади.

— Мен унинг тўғри йўл тутишини истайман, холос. Аслида, одамни бунга ундаш шарт эмас-ку.

— Лекин нима тўғри-ю, нима нотўғрилиги ҳақидаги фикрлар бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

— Агар бировнинг оёғи чирий бошлаган бўлса, шу оёқни кесиб ташлайми, йўқми, деб иккиланаётган одамга жим қараб турармидингиз?

— Оёқнинг чириши — аниқ бир хасталик.

— Жаҳолат-чи?

Дэвидсоннинг айнан нима иш қилиб қўйгани кўп ўтмай ошкор бўлди. Ўша куни тўртовлон эндигина овқатланишган, ҳали тушки ҳордиққа тарқалишмаганди. Иссиқда хонимлар ва доктор туш маҳали дам олишга мажбур бўлар, Дэвидсон эса тамбалларга хос бу одатни ёқтирмасди. Бир пайт эшик ланг очилди-да, мисс Томпсон кириб келди. У хонадагиларга кўз югуртириб, кейин Дэвидсоннинг устига бостириб борди.

— Губернаторга мен ҳақимда нима дединг, ўв, ифлос? — важоҳат билан ўшқира кетди хоним.

Кейин орага бир лаҳзалик жимлик чўқди. Миссионер бўш курсини олдинга сурди.

— Ўтиринг, мисс Томпсон. Ўзим ҳам сиз билан яна бир марта гаплашмоқчи бўлиб турувдим.

— Вой, ҳароми-ей.

Мисс Томпсон шалоқ сўзларни айтиб, бўралатиб сўкинишга тушди. Дэвидсон ювош нигоҳини ундан узмасди.

— Устимга ёғдираётган ҳақоратларингиз менга таъсир қилмайди, мисс Томпсон, — деди у. — Лекин, ўтинаман, бу ерда хонимлар ҳам борлигини унутманг.

Бу пайтга келиб ғазаб отига минган Томпсоннинг кўзи ёшга тўлганди. Юзи қип-қизариб, бўғриқиб кетган, у худди бўғилиб қолганга ўхшарди.

— Нима бўлди ўзи? — деб сўради доктор Макфейл.

— Боягина бир нусха келди. Унинг айтишича, мен биринчи келган кемага ўтириб, бу ердан туёғимни шиқиллатишим керак эмиш.

Миссионернинг кўзида учқун “йилт” этгандек бўлди. Лекин ҳиссиз юзи ўзгармади.

— Бунақа аҳволда губернаторнинг қолишингизга рухсат беришини кутиш ноўрин, — деди у.

— Бу сенинг ишинг, — чинқириб юборди мисс Томпсон. — Мени лақиллатаман, деб овора бўлма. Бу сенинг ишинг.

— Сизни алдаш ниятим йўқ. Ваколлатидан келиб чиқиб чора кўришга уни мен ундагандим.

— Нега мени ҳеч ўз ҳолимга қўймайсан? Сенга зарарим тегмаган-ку, ахир.

— Ишонаверинг, агар зарарингиз текканда ҳам хафа бўлиб

ўтирмасдим.

— Мени бу хароба шаҳарда узоқ вақт қолмоқчи, деб ўйлайсанми? Нима, мен кечагина чўлдан чиқиб келган одамга ўхшайманми?

— Унда нимадан норози бўляпсиз, тушунмадим, — деди миссионер.

Мисс Томпсон жазавага тушиб бир нималар деб ўшқирди-да, хонадан чиқиб кетди. Орага жимлик чўқди.

— Губернаторнинг ниҳоят ишга киришганини эшитиш кўнгилга тасалли беради, — деди Дэвидсон. — Губернатор қатъиятсиз, бўшанг одам. Бу аёл бор-йўғи икки ҳафта туради, кейин агар Апиага кетса, бу ёғи менинг ишим эмас, Апиа Британия қарамоғида, деганди у.

Миссионер ўрнидан туриб хонанинг у ёғидан, бу ёғига юра бошлади.

— Қўлида ҳокимият бор одамнинг ўз вазифасини бажаришдан бўйин товлашдан ёмони йўқ. Улар худди ўз кўзлари билан кўрмаган гуноҳни гуноҳ эмас, дегандек фикрлайдилар. Анави аёлнинг турган-битгани ғалва, бу муаммони шундай қолдириб бўлмайди. Ахири губернаторга очиқчасига гапиришга мажбур бўлдим.

Дэвидсоннинг қошлари чимирилди ва катта ияги бўртиб, башараси қатъий ва ваҳимали тус олди.

— Бу билан нима демоқчисиз? — деди доктор.

— Бизнинг миссиямиз Вашингтоннинг таъсирисиз тўла кучга эга эмас. Губернаторга, агар устидан шикоят тушса, оқибати чатоқ бўлишини эслатиб қўйдим.

— Мисс Томпсон қачон кетиши керак? — деди доктор бир оз жим тургач.

— Сан-Францискога борадиган кема Сиднейдан бу ерга янаги сешанба етиб келиши керак. У ўша кемада кетади.

Унгача ҳали беш кун бор эди. Эртаси куни Макфейл бирор фойдали иш топиш умидида деярли ҳар куни эрталаб борадиган шифохонасидан секин-секин қадам ташлаб қайтаётган эди, зинадан чиқаверишда уни метис савдогар тўхтатди:

— Кечирасиз, доктор Макфейл, мисс Томпсоннинг мазаси йўқ. Уни бир кўриб қўймайсизми?

— Албатта.

Ҳорн докторни аёлнинг хонасига бошлаб борди. Мисс Томпсоннинг ўқишга ҳам, тикишга ҳам ҳафсаласи йўқ эди. У бир нуқтага тикилганча, курсида ялпайиб ўтирарди. Эғнида оппоқ либос, бошида гуллар қадалган катта шляпа. Макфейл унинг упа суртилган юзи сарғайиб, сўлғин бўлиб қолганини пайқади.

— Мазангиз қочгани ёмон бўлибди-да, — деди доктор.

— Э-й, мен касал эмасман. Сизда зарур гапим борлиги учун суриштиргандим. Мени Сан-Францискога борадиган кемада жўнатиб юборишмоқчи.

Хоним Макфейлга қаради, доктор унинг нигоҳида ногаҳоний қўрқувни илғади. Мисс Томпсон титраётган қўлларини қисди. Савдогар эшик ёнида қулоқ солиб турарди.

— Тушунарли, — деди доктор.

Хоним қулт этиб ютинди.

— Ҳозир менинг Сан-Францискога боришим ноқулайроқ. Кеча тушдан ке йин губернаторга борувдим, ўзи билан учрашолмадим. Ёрдамчисини кўрдим, у ўша кемада кетишдан бошқа иложим йўқлигини айтди. Губернатор билан учрашмоқчи бўлиб бугун тонгда уйининг ёнида кутиб турдим, ташқарига чиққач, олдига бордим. Унинг мен билан гаплашгиси келмади, лекин ҳол-жонига қўймаганимдан кейин, агар тақсир Дэвидсон рози бўлса, Сиднейга борадиган кема келгунча шу ерда қолишимга

эътирози йўқлигини айтди.

Мисс Томпсон хавотир аралаш докторга қараб жим қолди.

— Лекин мен нима қила оламан? — деди Макфейл.

— Дэвидсондан сўраб кўрасизми, дегандим. Худони ўртага қўйиб қасам ичаман, агар қолишимга ижозат берса, ўзимни рисоладагидек тутаман. Агар у хоҳласа, уйдан кўчага ҳам чиқмайман. Икки ҳафтага чидаса бўлди.

— Ундан сўраб кўраман.

— Миссионер рози бўлмайди, — деди Ҳорн. — Сешанба кuni у сизни ҳайдайди, шундай экан, тақдирга тан беришдан бошқа иложингиз йўқ.

— Унга Сиднейдан иш топаркан, деб айтинг, доимий иш демоқчиман. Мен кўп нарса сўрамаяпман.

— Қўлимдан келганича уриниб кўраман, — деди доктор.

— Кейин менга жавобини айтинг, хўпми? Шу иш бирёқли бўлмагунча жойимда тинч ўтиролмайман.

Бу илтимос докторни хурсанд қилмади, шу туфайли Макфейл бошқача йўл тутишга киришди. Хотинига мисс Томпсоннинг илтимосини айтиб, миссис Дэвидсон билан гаплашишини сўради. Миссионернинг қаттиққўллиги сезилиб турар, мисс Томпсон Паго-Пагода яна икки ҳафта қолса ҳеч кимга зиёни тегмасди. Аммо доктор, элчилар сингари, бу ишнинг яқунига тайёр эмас эди. Миссионер дарҳол унинг қошига келди.

— Миссис Дэвидсон менга Томпсон билан гаплашганингизни айтди, — деди у.

Бундай кутилмаган ҳамладан сўнг доктор Макфейл очиқчасига гапиришга мажбур бўлган тортинчоқ одамларга хос ғазабни кўнглида туя бошлади. У асабийлашаётганини сизди ва юзи қизариб кетди.

— Мисс Томпсон Сан-Францискога эмас, Сиднейга борса, бундан нима ўзгаради, ҳайронман. Бу ерда ўзини рисоладагидек тутишга ваъда бериб турган пайтда уни ҳайдаш ғирт золимлик, — деди доктор.

Миссионер унга ўқрайиб қаради.

— У нега Сан-Францискога қайтишни хоҳламаяпти?

— Сўраганим йўқ, — тўнғиллади Макфейл. — Мен бировнинг ишига ҳадеб бурун суқавермаслик керак, деб ҳисоблайман.

Ҳарқалай, бу хийла кўпол жавоб эди.

— Губернатор Томпсонга оролдан жўнайдиган биринчи кемага ўтириб, бу ердан кетишни буюрган. У хизмат бурчини бажарди, холос. Мен унинг ишига аралашмайман. Анави аёлнинг бу ерда қолиши хавфли.

— Сиз шафқатсиз, золим одамсиз.

Хонимлар докторга хавотир аралаш тикилиб қолишди, лекин миссионер жилмайгач, уларнинг энди даҳанаки жанг бошланиб кетади, деб бекорга чўчишгани аён бўлди.

— Мен ҳақимда бундай фикрга келганингиздан жуда афсусдаман, доктор Макфейл. Ишонинг, бояқиш аёлни ўйлаб. юрагим тилка-пора бўляпти, мен ўз бурчимни бажаришга уриняпман, холос.

Доктор чурқ этмади. У қовоғини уйиб, деразага термулиб турарди. Ташқарида эса ёмғир ёғаётганди ва кўрфазнинг нарёғидаги дарахтлар орасидан маҳаллий қишлоқчанинг кулбалари кўришиб турарди.

— Ёмғир тинганидан фойдаланиб, бир айланиб келаман, — деди доктор.

— Истагингизни қила олмаганим учун жаҳлингиз чиқмасин, — деди Дэвидсон маъюс жилмайиб. — Сизга ҳурматим баланд, доктор, агар мен ҳақимда ёмон фикрга борсангиз хафа бўламан.

— Сиз ўзингизга шунчалик юқори баҳо берасизки, менинг фикрим сизга зиғирчаям таъсир этмайди, — эътироз билдирди Макфейл.

— Шу ерда мени мот қилдингиз, — мийиғида кулиб қўйди Дэвидсон. Доктор Макфейл бекордан-бекор қўпол гапиргани учун ўзидан ранжиб пастга тушганда мисс Томпсон эшигини қия очиб, уни кутиб турганди.

— Хўш, — деди хоним, — у билан гаплашдингизми?

— Ҳа, лекин, афсуски, миссионер рози бўлмади, — деди доктор кўзини олиб қочиб.

Хоним хўнграб йиғлаб юборди, доктор унга кўз қирини ташлади. Мисс Томпсоннинг юзи докадек оқариб кетганди. Бу Макфейлни чўчитиб юборди ва кўққисдан унинг миясига бир фикр келди.

— Лекин ҳали умидингизни узмай туринг. Менимча, уларнинг сизга бу муомаласи ғирт пасткашлик, губернаторнинг ёнига ўзим бормоқчиман.

— Ҳозирми?

Макфейл бош ирғади. Хонимнинг юзи ёришди.

— Жуда яхши иш бўларди. Ишончим комил, агар сиз тарафимни олсангиз, у қолишимга рухсат беради. Худо ҳаққи, шу ерда эканман, қуюшқондан чиқадиған бирор қилиқ қилмайман.

Нега губернаторнинг қошига бормоқчилигини доктор Макфейлнинг ўзи ҳам аниқ билмасди. Аслида, мисс Томпсоннинг муаммоси уни мутлақо ўйлантирмаётганди. Миссионер унинг ғазабини кўзитганди, доктор эса бир жини кўзиса охиригача курашарди. Борса, губернатор уйида экан. У мўйловига оқ тушган, гавдали, келишган денгизчи эди, эгнига оқ тикдан тикилган гардсиз расмий либос кийганди.

— Бизлар билан бир уйда ижарада турган аёл масаласида келувдим, — деди доктор. — Унинг исми Томпсон.

— Бу аёл ҳақида бир дунё гап эшитдим, доктор Макфейл, — деди губернатор жилмайиб. — Унга янаги ҳафта сешанба куни бу ердан кетишни буюрдим, қўлимдан келгани шу.

— Бунчалик қаттиққўллик қилманг, хоним Сиднейга кетиши учун Сан-Францискодан кема келгунча шу ерда қолишига рухсат беринг. Унинг ўзини рисоладагидек тутишига мен кафилман.

Губернатор ҳамон жилмайиб турар, лекин кўзлари қисилиб, нигоҳи жиддийлашаётганди.

— Жон-жон деб илтимосингизни қондирардим, доктор, лекин мен буйруқни бериб бўлганман, энди уни ўзгартиролмайман.

Доктор вазиятни ётиғи билан тушунтиришга киришганди, губернаторнинг юзидаги табассум буткул йўқолди. У Макфейлнинг гапларини четга қараб, истар-истамас тинглади. Доктор гаплари унга мутлақо таъсир этмаётганини тушунди.

— Хонимни ноқулай аҳволга солганимдан афсусдаман, аммо у сешанба куни кемада жўнаб кетиши керак, тамом-вассалом.

— Аммо қачон жўнаб кетишининг нима фарқи бор?

— Кечирасиз-у, доктор, лекин мен расмий фаолиятим борасида тегишли ҳукумат вакилларигагина ҳисобот бераман.

Макфейл унга ўқрайиб қаради. Кейин Дэвидсоннинг губернаторга дўқ-пўписа қилгани ҳақида айтган гапларини эслади. Губернаторнинг гап оҳангида аллақандай саросима бор эди.

— Дэвидсон — бировларнинг ишига бурун суқаверадиған ҳовлиқма, — деди Макфейл ғижиниб.

— Бу гап орамизда қолсин-у, мистер Дэвидсон менда ҳам унчалик яхши таассурот қолдиргани йўқ, — деди губернатор. — Лекин маҳаллий аҳоли орасига анча-мунча аскар жойлаштирилган, бундай жойда мисс Томпсондек аёлнинг туриши хавфли эканини эслатиб қўйишга унинг ҳаққи бор. Бундан олмай иложим йўқ.

У ўрнидан турди ва Макфейл ҳам кўзғалишга мажбур бўлди.



— Кечирасиз, зарур ишларим бор. Миссис Макфейлга менинг номимдан салом айтиб қўйинг.

Доктор губернатор хузуридан тушкун кайфиятда қайтди. Мисс Томпсон кутиб турганини билгани учун қўлидан ҳеч иш келмаганини айтишга истиҳола қилиб, уйга орқа эшикдан кирди ва зинадан ўғридек оёқ учида кўтарилди.

Кечки овқат маҳали доктор беҳаловат, ичини ит тирнаса-да чурқ этмай ўтирди, миссионер эса аксинча, хушчақчақ ва сергап эди. Макфейлга Дэвидсон ғолибона масрур нигоҳ билан қараб-қараб қўяётгандек туюлди. Кутилмаганда докторнинг миясига губернатор билан учрашиб бирор иш чиқара олмаганимдан миссионернинг хабари бор, шекилли, деган ўй келди. Дэвидсон буни қай гўрдан эшита қолдийкан? Бу одамда қандайдир бир ёвуз куч бор эди. Кечки овқатдан сўнг Макфейл Ҳорннинг айвонда ўтирганини кўриб, у билан лақиллашмоқчи бўлгандек ташқарига чиқди.

— Хоним, губернатор билан учрашибдими-йўқми, деб сўраяпти, — деди шивирлаб савдогар.

— Учрашдим. Лекин у рози бўлмади. Минг афсус, қўлимдан бошқа ҳеч нима келмайди.

— Унинг рози бўлмаслигини билардим. Улар миссионерларга қарши чиқишга ботина олишмайди.

— Нима ҳақда гаплашпсизлар? — деди даврага қўшилиш учун ташқарига чиққан Дэвидсон мулойим жилмайиб.

— Апиага етиб олишларинг учун камида яна бир ҳафта кутишларингга тўғри келади, деб турувдим, — деди савдогар пинагини бузмай.

Ҳорн кетгач, улар меҳмонхонага қайтиб киришди. Мистер Дэвидсон таомдан кейин, одатда, бир соатча ҳордиқ чиқарарди. Шу пайт эшик тақиллагандек бўлди.

— Кираверинг, — деди миссис Дэвидсон ўзининг шанғиллаган товушида.

Лекин эшик очилавермагач, хоним ўрнидан туриб уни очди. Бўсағада мисс Томпсон турарди. Унинг афт-ангори таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Энди у хонимларни йўлда мазах қилган бетгачопар шаллақи эмас, иродаси синган қўрқоқ аёл эди. Унинг одатда яхшилаб турмаклаб қўйиладиган сочи бўйнига ёпишиб тўзғиб ётар, эгнига халат, оёғига тунги шиппак кийган, кийимлари кир-чир эди. Юзидан дув-дув ёш оқар, ичкари киришга ботинолмай турарди.

— Сизга нима керак? — деди миссис Дэвидсон ўқрайиб.

— Мистер Дэвидсон билан гаплашсам майлими? — деди Томпсон ҳаяжонланганидан нафаси бўғилиб.

Миссионер ўрнидан туриб у томон юрди.

— Кираверинг, мисс Томпсон, — деди у хушмуомалалик билан. — Хўш, хизмат?

Мисс Томпсон хонага кирди.

— Ўт... ўткан куни сизга айтган гапларим учун ҳам, бошқалари учун ҳам кечирим сўрайман. Бир оз қизишиб кетибман. Мени кечиринг.

— Э, ҳечқиси йўқ. Мен бунақа ҳақоратларга парво ҳам қилмайман.

Мисс Томпсон қулларга хос итоаткорона бир ҳаракат билан миссионер сари юрди.

— Сиз мени енгдингиз. Енгилганимни тан оламан. Энди мени Сан-Францискога қайтиб кетишга мажбур қилмайсиз-а?

Дэвидсоннинг хушмуомалалиги бир зумда йўқолди, овози дағаллашди.

— Нега сиз у ёққа қайтишни хоҳламаяпсиз?

Мисс Томпсон кўрққанидан елкаларини қисиб олди.

— Адашмасам, ота-онам ўша ерда яшайди. Улар мени бу аҳволда



кўришини хоҳламайман. Ўша ердан бошқа истаган жойингизга боришга тайёрман.

— Нега Сан-Францискога қайтишни хоҳламаяпсиз?

— Айтдим-ку.

Миссионер олдинга эгилиб, Томпсонга тикилиб қаради ва чакнаётган катта-катта кўзлари аёлнинг қалбига қадалаётгандек туюлди. Кейин у бирдан чуқур нафас олди.

— Ахлоқсизлар турмаси.

Мисс Томпсон инграб юборди, кейин тиз чўкиб унинг оёғига тармашди.

— Мени у ёққа қайтариб юборманг. Худо ҳаққи, онт ичаман, бу ёғига яхши аёл бўламан. Қайтиб ёмон йўлга кирмайман.

Мисс Томпсоннинг упа суртилган юзларидан дув-дув ёш оқар, у тинмай ёлворарди. Миссионер эгилиб унинг бошини кўтариб, ўзига қарашга мажбур қилди.

— Ҳамма гап ўша — ахлоқсизлар турмасида, тўғрими?

— Уларнинг кўлига тушиб қолмай деб бу ёққа қочганман, — деди хоним ўпкасини босолмай. — Агар хитлар ушлаб олса, уч йилга қамалиб кетаман.

Дэвидсон уни қўйиб юборди, Томпсон ерга йиқилиб уввос солиб йиғлади. Доктор Макфейл ўрnidан сакраб турди.

— Шуни билатуриб уни ортга қайтишга мажбурлай олмайсиз, — деди у. — Унга имкон беринг. Хоним ҳаётини янгидан бошламоқчи.

— Мен унга ҳаётидаги энг зўр имкониятни туҳфа этаман. Тавба қилдими, энди жазога ҳам чидаб берсин.

Мисс Томпсон миссионернинг гапини нотўғри тушуниб, бошини кўтарди. Унинг қайғули кўзларида умид учқунлари порлади.

— Мени қўйиб юборасизми?

— Йўқ. Сиз сешанба кuni Сан-Францискога жўнайсиз.

Мисс Томпсон инграб юборди, кейин этни жунжиктирадиган бир қайғули товушда чинқириб, бошини ерга ура бошлади. Доктор Макфейл югуриб бориб уни турғазидан уринди.

— Ўзингизни тутинг. Яхшиси, хонангизга боринг-да, ётиб дам олинг. Мен бирон дори топиб тушаман.

Доктор хонимни ўрnidан турғазидан ва пастга суяб тушди. Ёрдамлашишни хоҳламаган миссис Дэвидсон ва хотинидан ғазабланди. Метис савдогар зинада турган экан, биргаллашиб Томпсонни каравотга ётқизишди. Хоним инграб, тинмай кўз ёш тўкар, ҳушидан кетадиган аҳволда эди. Доктор укол қилди. Кейин ҳолдан тойиб асабийлашган бир ҳолатда тепага кўтарилди.

— Уни каравотга ётқизишга тўғри келди, — деди у хонага чиққач.

Хонимлар ва Дэвидсон у чиқиб кетганда қандай ўтиришган бўлишса, ҳамон ўша ҳолатда эдилар. Афтидан, докторнинг йўғида гаплашмаган, қимир этмагандилар.

— Сизни кутиб тургандим, — деди Дэвидсон ғалати, совуқ оҳангда.

— Йўлдан озган синглимиз учун ҳаммангиз мен билан бирга дуо ўқишинларни хоҳлайман.

У тоқчадан Инжилни олди-да, кечки овқат тановул қилинган стол ёнига келиб ўтирди. Уали идиш-товоқ йиғиштирилмаган эди, миссионер чойнакни нарироқ сурди. Кейин йўғон, жарангдор ва таъсирли овозда уларга Исо Масихнинг хиёнаткор аёл билан мулоқоти ҳақидаги бобни ўқиб берди.

— Энди ҳаммамиз тиз чўкиб, суюкли синглимиз Сэди Томпсон ҳаққига дуо ўқиймиз.

Миссионер Худодан гуноҳкор аёлга раҳм-шафқат тилаб, ғайрати

жўшиб, узундан-узоқ дуо ўқий бошлади. Миссис Макфейл билан миссис Дэвидсон кўзларини юмиб, тиз чўкишди. Ноқулай аҳволда қолган доктор ҳам ўнғайсизланиб истар-истамас тиз чўқди. Миссионер воизлардек куйиб-пишиб дуо ўқир, ҳаддан ташқари таъсирланганидан кўз ёшлари юзини юварди. Ташқарида эса ёмғир шафқатсиз куйиб ёғар, бунда одам зотига хос қаҳру ғазаб мужассамдек эди.

Ниҳоят, Дэвидсон қироатини тўхтатди. Кейин бир оз жим турди-да:

— Энди Lord's prayer дуосини такрорлаймиз, — деди.

Дуони ўқиб бўлишгач, улар Дэвидсон билан бирга қадларини ростлашди. Миссис Дэвидсоннинг юзи синикиб, маъюс тортиб қолганди. У тинчланган, кўнгли ором олаётганди. Лекин Макфейллар ўзларини ноқулай сеза бошладилар. Улар нигоҳларини қаёққа қаратишни билолмасдилар.

— Мен пастга тушиб, мисс Томпсоннинг ҳолидан хабар олиб келаман, — деди доктор Макфейл.

У хонимнинг эшигини тақиллатганди, эшикни Ҳорн очди. Мисс Томпсон тебранма курсида овоз чиқармай йиғлаб ўтирарди.

— Нима қилиб ўтирибсиз? — ўшқирди Макфейл. — Сизга ётиб дам олинг, дегандим-ку.

— Ётолмайман. Мен мистер Дэвидсонни кўришим керак.

— Вой бечорагина-ей, бунинг нима фойдаси бор? Барибир, унинг раҳмини келтиролмайсиз.

— У менга, қачон чақиртирсанг дарров етиб келаман, деган.

Макфейл савдогарни имлади.

— Бориб миссионерни чақириб келинг.

Савдогар юқорига чиқиб кетгач, доктор мисс Томпсоннинг ёнида жимгина кутиб турди. Дэвидсон кириб келди.

— Сизни бу ерга чақиртирганим учун мени кечиринг, — деди хоним миссионерга маъюс нигоҳ ташлаб.

— Мен чақиртирасиз деб кутиб тургандим. Илтижоларим Худога етиб боришини билардим.

Улар бир лаҳза бир-бирига тикилиб қолишди, кейин хоним кўзини олиб қочди. У гапираётганда ҳам нигоҳини четга тикиб турди.

— Мен ахлоқсиз аёл эдим. Энди тавба қилишни хоҳлайман.

— Худога шукр! Худога шукр! Илтижоларимизни эшитибди.

Миссионер Макфейл билан савдогарга юзланди:

— Бизни ёлғиз қолдиришлар. Илтижоларимиз Худога етиб борганини миссис Дэвидсонга айтишлар.

Улар хонадан чиқиб, эшикни ёпишди.

— Ё, тавба! — деди савдогар.

Ўша куни кечкурун доктор Макфейлнинг кўзига уйқу келмади, миссионернинг зинадан кўтарилаётганини эшитиб, соатига қаради. Соат икки бўлганди. Лекин миссионер шундан кейин ҳам ухлагани йўқ. Доктор ҳолдан тойиб ухлаб қолгунча уларнинг хоналарини ажратиб турган ёғоч девор ортидан Дэвидсоннинг овоз чиқариб тиловат қилаётганини эшитиб ётди.

Эртаси куни тонгда миссионернинг афт-ангорини кўриб Макфейл ҳайрон қолди. Дэвидсоннинг юзи баттар оқариб кетган, бироқ кўзларида ғайритабиий ўт чақнарди. Афтидан, у қувончини ичига сиғдиролмаётган эди.

— Ҳозироқ пастга тушинг-да, Сэдини кўринг, — деди у. — Эҳтимол, тани соғаймагандир, лекин қалби ўзгаргани аниқ.

Докторнинг мадори қуриб, жини кўзиб турганди.

— Кеча у билан ярим тунгача қолиб кетдингиз, — деди у.

— Ҳа, Сэди ёлғиз қолишга, менинг кетишимга бардош беролмасди.

— Оғзингиз қулоғингизда-ю, — деди доктор ижирғаниб.

Қувончдан Дэвидсоннинг кўзлари порларди.

— Мен Худонинг марҳаматига ноил бўлдим. Кеча тунда адашган қалбни Тангримнинг меҳрибон қўлларига топширишга лойиқ кўрилдим.

Мисс Томпсон оромкурсида ўтирарди. Каравот йиғиштирилмаган, хона тўзиб ётарди. У рисоладагидек кийинишга уринмаган ҳам, эгнига кир халатни илиб, сочларини наридан-бери турмаклаганди. Юзини ҳўл сочиқ билан артган бўлса-да, йиғлайверганидан юз-кўзи шишиб кетганди. Унинг афт-ангорига қараб бўлмасди.

Доктор хонага кирганда Томпсон унга маъносиз нигоҳини тикди. Хонимнинг шашти қайтиб, юраги безиллаб қолганди.

— Мистер Дэвидсон қани? — деб сўради у.

— Уни кўрмоқчи бўлсангиз ҳозироқ келади, — деди Макфейл энсаси қотиб. — Мен сизнинг аҳволингиздан хабар олгани кирувдим.

— Аҳволим яхши. Хавотирланманг.

— Бирор нима едингизми?

— Ҳорн қаҳва келтирди.

Мисс Томпсон безовталаниб эшикка қаради.

— У тезроқ келармикан, у ёнимда бўлса ваҳимам босилгандек бўлади.

— Барибир, сешанба куни кетадиган бўлдингизми?

— Ҳа, у кетишинг керак, деяпти. Илтимос, унга айтинг, тезроқ кирсин. Сиз менга ёрдам беролмайсиз. Ўзир ундан бошқа ҳеч ким менга ёрдам беролмайди.

— Яхши, — деди доктор Макфейл.

Кейинги уч кун мобайнида миссионер вақтини деярли Сэди Томпсон билан ўтказди. У фақат овқат маҳали даврага кўшиларди. Доктор Макфейл унинг истаб-истамай овқатланаётганини пайқади.

— У бор кучини сарфляпти, — деди миссис Дэвидсон зорланиб. — Агар ўзига қарамаса, тинкаси қуриб қолади, лекин у ўзини аямайди.

Миссис Дэвидсоннинг ҳам кути ўчиб, ранги оқариб кетганди. У миссис Макфейлга туни билан мижжа қоқмаётганини айтди. Миссионер мисс Томпсоннинг ёнидан чиққач, силласи қуриганча тиловат қилар, лекин шундан кейин ҳам анча вақтгача ухлай олмас экан. Бир-икки соат ўтгач, ўрнидан туриб кийинаркан-да, кўрфазни ёқалаб узундан-узоқ пиёда айланаркан. У ғалати тушлар кўраётган эмиш.

— Бугун эрталаб у менга Небраска тоғларини туш кўрганини айтди, — деди миссис Дэвидсон.

— Қизик-ку, — деди доктор Макфейл.

Доктор Американи кесиб ўтаётганда поезд деразасидан ўша тоғларни кўрганини яхши эсларди. Дум-думалоқ, сип-силлик улкан дўнгликларга ўхшаш бу тоғлар ялангликда дўппайиб турарди. Макфейл уларнинг аёл сийналарига ўхшашидан ҳайратга тушганини эслади.

Тиним билмаётгани ҳатто Дэвидсоннинг ўзига ҳам оғир тушаётганди. Лекин мислсиз бир ғайрат унинг кучига куч қўшарди. У бояқиш аёл қалбининг туб-тубига яширинган гуноҳни таг-томиригача суғуриб ташлаётганди. Дэвидсон Томпсон билан бирга дуо ўқиб, бирга илтижо қиларди.

— Бу ҳақиқий мўъжиза, — деди миссионер уларга бир куни кечки овқат маҳали. — Бу чиндан-да, қайта туғилиш. Унинг тундек қора қалби ҳозир янги ёққан қордек беғубор. У барча гуноҳларидан пушаймон бўлиб, шундай чиройли тавба қилдики, мен хижолат бўлиб, талмовсираб қолдим. Мен ҳатто унинг кийимига қўл теккизишга ҳам нолойиқман.

— Уни Сан-Францискога қайтариб юборишга юрагингиз қандай дов беради? — деб сўради доктор. — Америка турмасида уч йил ётади. Мен сиз уни бундан сақлаб қоларсиз, деб ўйловдим.

— Наҳотки, тушунмасангиз! Бу ахир зарурат-ку. Сиз мени унга раҳми келмайди, деб ўйлайсизми? Мен уни худди хотиним ёки синглимни яхши кўргандек яхши кўраман. У қамокда қанча азоб чекса, мен ҳам бу ерда шунча азоб чекаман.

— Бўлмаган гап! —бақириб юборди доктор ўзини тутолмай.

— Сиз тушунмайсиз, чунки сиз сўқирсиз. У гуноҳкор, демак, азоб чекиши керак. Мен унинг қай кўйга тушишини биламан. Уни оч қолдиришади, қийнашади, хўрлашади; ўзига одам кўли билан бериладиган жазоларни у очик чехра билан Худо йўлига қурбонлик, деб қабул этишини истайман. У камдан-кам бандасига насиб қиладиган имкониятга эга. Яратганнинг бағри кенг, марҳамати чексиз.

Ҳаяжондан Дэвидсоннинг овози титрай бошлади. У тилига қуйилиб келаётган сўзларни аниқ айтишга қийналиб қолди.

— Кун бўйи у билан бирга ибодатдаман, ёнидан кетсам ҳам ибодатни давом эттираман. Тангрим ундан марҳаматини дариғ тутмас, деб бор кучим билан илтижо қиламан. Унинг қалбида жазоланишга шундай бир кучли хоҳиш уйғотайки, охир-оқибат ижозат берсам ҳам жазосиз қолишдан ўзи бўйин товласин. Мен машаққатли қамок жазоси ўзи учун жон берган Исо Масиҳ пойига кўядиган шукроналик эҳсони эканини Сэди ҳис этишини истайман.

Кунлар жуда секин ўтарди. Пастдаги қаватда азоб чекаётган бояқиш аёл туфайли уйдагиларнинг бари безовта эди. Мисс Томпсон қонхўр бут-парастларнинг ваҳшиёна маросимга ҳозирлашган қурбонига ўхшарди. У кўрққанидан эсанкираб қолганди. Дэвидсонни бир дақиқа ҳам ёнидан узоқлаштирмас, миссионер олдида ўтиргандагина ўзини дадилпроқ сезар, қулдек итоаткорлик билан унга боғланиб қолганди. Хоним тинимсиз йиғлар, Инжилни ўқир ва тавба қиларди. Баъзан ҳолдан тойиб бепарво бўлиб қолар, кейин бу азоблардан қутулишнинг бирдан-бир чорасидек туюлган оғир жазони кутишга чоғланарди. У ўзини исканжага олган бу ғайритабиий кўрқувга ортиқ бардош беролмасди. Гуноҳлари ҳақида ўйлайвериб ўзига оро беришни ҳам унутганди, эгнида палапартиш тикилган халат, сочлари тўзғиган, ирkit бир аҳволда хонасида судралиб юрарди. Тунги кўйлагини тўрт кундан бери ечмаган, пайпоқ ҳам киймаганди. Хонаси тўзиб ётарди. Ёмғир эса аёвсиз қуярди. Охир-оқибат, осмонда сув тугаб битадигандек туюлса-да, лекин ёмғир ақлдан оздирадиган даражада тиним билмай тунука томни тарақлатарди. Ҳамма нарса намиқиб, зах тортиб кетган, деворларни ҳам, ерда ётган пойабзалларни ҳам пўпанак босганди. Уйқусиз тунларда пашшалар жон аччиғида тинимсиз гўнғилларди.

— Ёмғир ҳеч бўлмаса бир кунгагина тўхтаганда ҳам аҳвол бунчаликка бормасди, — деди доктор Макфейл.

Ҳаммалари сешанба кунини, Сан-Францискога йўл оладиган кеманинг Сиднейдан келишини кутишарди. Асаблар чидаб бўлмас даражада таранглашганди. Доктор Макфейлнинг тинчи шу қадар бузилган эдики, шу бадбахт аёлдан қутулишни ўйлашнинг ўзиёқ юрагини афсус-надоматлару қаҳр-ғазабдан аритадигандек туюларди. Бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши. Кема жўнаб кетгач, эркин нафас олишини доктор сезиб турарди. Сэди Томпсон губернаторнинг идорасида ишлайдиган бир хизматчи кузатуви остида кема бортига чиқиши керак эди. Бу одам душанба кун кечқурун келди ва мисс Томпсонга эрталаб соат ўн бирга тайёр бўлиб туришни тайинлади. Дэвидсон хонимнинг ёнида эди.

— Ҳаммасига ўзим кўз-қулоқ бўламан. Уни кема бортига ўзим чиқариб кўяман, — деди у.

Мисс Томпсон индамади.

Доктор Макфейл шамни ўчириб, ўрмалаб пашша қайтаргич тўрнинг тагига киргач, эркин нафас олди.

— Худога шукр, ҳаммаси ортда қолди. Эртага шу пайтда у кетган бўлади.

— Миссис Дэвидсоннинг ҳам хурсанд бўлиши аниқ. Миссионернинг тинкаси қуриб кетди, деяётганди, — деди миссис Макфейл. — Аёл буткул ўзгарди.

— Ким?

— Сэди-да, мен бундай бўлишига ишонмагандим, бунинг иложи йўқ, деб ўйловдим. Бу одамни итоаткорликка ундайди.

Доктор Макфейл индамади ва кўп ўтмай ухлаб қолди. Роса ҳолдан тойгани боис, у ҳар доимгидан кўра қотиб ухлади.

Доктор тонгда билагига тегинган қўлдан уйғониб кетди. Сапчиб тушиб, каравоти ёнида турган Ҳорни кўрди. Савдогар шовқин солманг, дегандек бармоғини лабларига босиб, докторни имлаб чақирди. Доим канош шим кийиб юрадиган Ҳорн ялангоёқ, эгнида шу ерликларнинг лава-лавасидан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. У ёввойиларга ўхшаб қолганди. Доктор каравотдан тураётиб савдогарнинг бадани расм билан тўлиб кетганини кўрди. Ҳорн айвонга юринг, деб ишора қилгач, унинг ортидан ташқарига йўналди.

— Шовқин солманг, — шивирлади савдогар. — Ёрдамингиз керак. Плашни елкангизга ташлаб, оёғингизга бир нима илиб олинг. Тезроқ.

Доктор Макфейлнинг миясидан “ярқ” этиб мисс Томпсонга бирор қорхон бўлган, деган фикр ўтди.

— Нима бўлди? Асбоб-анжомларимни оливолайми?

— Фақат тезроқ.

Доктор ўғринча ётоқхонага қайтиб кириб, кўйлак-иштонининг устидан сув ўтмайдиган плашни, оёғига эса таги резина туфлисини кийди. Кейин улар оёқ учидан зинадан пастга тушдилар. Катта йўлга қараган эшик очиқ бўлиб, эшик ёнига тубжойликлардан беш-олти киши йиғилганди.

— Нима бўлди ўзи? — саволини такрорлади Макфейл.

— Ортимдан юринг, — деди Ҳорн.

Доктор савдогарга эргашди. Тубжойликлар ҳам тўдалашиб уларнинг ортидан юришди. Йўлни кесиб ўтиб, соҳилга чиқишганда докторнинг кўзи сув бўйида бир ниманинг атрофида уймалашиб турган тубжойликлар тўдасига тушди. Қолган йигирма ярдча масофани улар шоша-пиша босиб ўтишди. Докторни кўрган одамлар унга йўл беришди. Савдогар уни олдинга ўтказди ва докторнинг кўзи мудҳиш бир манзарага, ярми сувдан чиқиб турган Дэвидсоннинг жасадига тушди. Макфейл энгашди-да — у фавкулудда вазиятларда эсанкираб қоладиганлар тоифасидан эмасди — жасадни ағдарди. Мурданинг кекирдаги қулоғигача кесилган, ўнг қўлида эса сиқимлаб ушлаган устара бор эди.

— Жасад совиб қолибди, — деди доктор. — Ўлганига анча бўлган кўринади.

— Ишга кетаётган йигитлардан бири унинг бу ерда ётганини ҳозиргина кўрибди, келиб менга айтди. Наҳотки, у ўзини-ўзи ўлдирган бўлса?

— Ҳа. Кимдир полицияга хабар бериши керак.

Ҳорн маҳаллий тилда бир нима деган эди, иккита йигит югуриб кетди.

— Полиция келгунча жасад шу ерда қолиши керак, — деди доктор.

— Улар мурдани уйимга олиб бормади. Мен уни уйимга киритмайман.

— Расмийлар нима деса сиз шуни қиласиз, — деди доктор ғижиниб.

— Жасадни ўликхонага олиб боришса керак, ҳарқалай.

Улар жойларидан жилмай кута бошладилар. Савдогар лава-лавасининг букланган четидан папирос чиқариб, докторга ҳам узатди. Улар мур-



дага тикилганча, тамаки тутатишди. Доктор Макфейлнинг боши қотди.

— У нега бундай қилди экан-а? — деб сўради Ҳорн.

Доктор елкасини қисди. Кўп ўтмай денгиз пиёда аскарининг кузатуви остида замбил кўтарган маҳаллий полициячилар, уларнинг ортидан икки нафар денгиз зобити ва флот доктори етиб келишди. Ҳаш-паш дегунча ҳамма иш бажарилди.

— Энди хотинига билдириш керак, — деди зобитлардан бири.

— Келганингиздан фойдаланиб мен уйга бориб кийимимни алмаштираман. Менингда, хотини уни бу аҳволда кўрса, кўтаролмайди. У ёқ-бу ёғини эпақага келтиргунча хотинига кўрсатмай турган маъқул.

— Тўғри айтасиз, — деди флот доктори.

Макфейл қайтганда хотини кийинаётганди.

— Миссис Дэвидсон эридан роса хавотирланяпти, — деди у докторни кўргач. — Миссионер ухлагани ҳам келмабди. Дэвидсон хоним соат иккида унинг мисс Томпсоннинг хонасидан чиққанини сезибди, лекин миссионер ташқарига чиқиб кетибди. Ахир, шу пайтгача санғиб юрган бўлса, ўлгудай ҳолдан тойгани аниқ.

Доктор Макфейл хотинига рўй берган воқеани айтиб берди ва ундан бу шумхабарни миссис Дэвидсонга эҳтиёткорлик билан етказишни сўради.

— У нега бундай қилади, ахир? — деди миссис Макфейл ўтакаси ёрилиб.

— Билмайман.

— Лекин мен айтолмайман. Айтолмайман.

— Айтишинг керак.

У кўзлари жовдираб эрига бир қараб қўйди-да, ташқарига йўналди. Доктор хотинининг миссис Дэвидсоннинг хонасига кирганини эшитди. Кейин бир дақиқа нафас ростлади ва соқолини олиб ювинди. Кийингач, каравотга ўтириб хотинини кута бошлади. Ниҳоят, миссис Макфейл кириб келди.

— Миссис Дэвидсон эрини кўрмоқчи, — деди у.

— Уни ўликхонага олиб кетишди. Хоним билан бирга борганимиз маъқул. У бу хабарни қандай қабул қилди?

— Менингда, эсанкираб қолди. Йиғламади. Лекин дир-дир титраяпти.

— Ҳозироқ борганимиз маъқул.

Эшигини тақиллатишлари билан миссис Дэвидсон чиқиб келди. Хонимнинг ранги бўздай оқариб кетган, лекин кўзида бир томчи ҳам ёш йўқ эди. Докторга у ўта хотиржамдек туюлди. Ҳеч ким оғиз очмади ва улар жимгина йўлга тушишди. Ўликхонага етиб боришганда миссис Дэвидсон тилга кирди.

— Уни бир ўзим кириб кўришимга ижозат беринглар.

Улар четроққа чиқиб туришди. Тубжойлик бир киши миссис Дэвидсонни ичкарига киритиб, ортидан эшикни ёпди. Макфейллар ўтириб кута бошладилар. Бир-икки нафар оқтанли уларнинг ёнига келиб шивирлашиб гаплашишди. Доктор Макфейл фожеа ҳақида билганларини айтди. Ниҳоят, эшик секингина очилиб, миссис Дэвидсон ташқарига чиқди. Бир зум ўртага жимлик чўқди.

— Энди қайтсак бўлади, — деди миссис Дэвидсон.

Унинг овози тиниқ ва қатъий эди. Хонимнинг нигоҳларидаги ифодани доктор Макфейл тушунмади. Миссис Дэвидсоннинг бўзарган юзида қаҳр қотган эди. Улар бир-бир қадам ташлаб, жимгина ортга қайтишди ва ниҳоят, четида уйлари жойлашган ҳалқа йўлни айланиб ўтишди. Бир пайт миссис Дэвидсон оҳ тортиб юборди. Учаласи ҳам қоққан қозикдай таққа тўхтаб қолишди. Ҳеч кутилмаган бир садо уларнинг қулоғини қоматга келтирди. Шунча пайтдан бери овози чиқмаган граммофондан



ёқимсиз рақс куйи варангларди.

— Бу нима? — дея чинқирди ўтакаси ёрилаёзган миссис Макфейл.

— Юраверинглар, — деди миссис Дэвидсон.

Улар зинадан кўтарилиб даҳлизга киришди. Мисс Томпсон эшигининг ёнида бир денгизчи билан гап сотиб турарди. У бутунлай ўзгариб қолган, тавбасига таяниб, бўйин эгган аёлга ҳечам ўхшамас эди. Хоним пўрим бўлиб кийиниб олганди: эгнида оқ либос, пахтали пайпоқ кийган оёғидаги баланд пошналар ялтироқ кўнжи калта этигидан семиз болдирлари дўппайиб чиқиб турарди. Сочлари ҳафсала билан тараб-турмакланган, бошига ола-була гулли саватдай шляпасини кўндирган. Ёноқлари пуштиранга, қоши қоп-қора, лаблари тўқ-қизилга бўялганди. Хоним кўкрагини кериб турарди. Мисс Томпсон тагин улар илк бора кўрган ўша шаллақи суюқоёққа айланганди. Эшикдан киришлари ҳамано Томпсон хохолаб уларни масхаралаб кула бошлади. Кейин, миссис Дэвидсон беихтиёр тўхтаб қолганда, у оғзига сўлагини йиғди-да, тупуриб юборди. Миссис Дэвидсон титраб-қақшаб ортга ўгирилди, унинг ёноқлари қип-қизариб кетганди. Кейин у қўллари билан юзини бекитганча юқорига югурди. Доктор Макфейл ўзини таҳқирлангандек ҳис этди ва мисс Томпсоннинг ортидан унинг хонасига бостириб кирди.

— Бу нима қилиқ, жин урсин? — дея ўшқирди у. — Анави лаънати матоҳни ўчиринг.

Доктор граммофоннинг ёнига бориб пластинкани суғуриб олди. Мисс Томпсон унга ўгирилди.

— Нима, сиз ҳам менга тирғалмоқчимисиз, доктор? Хонамда сизга бало борми?

— Бу нима деганингиз? — бақириб юборди Макфейл. — Нимага шама қилаяпсиз?

Миссис Томпсон қаддини ростлади. Унинг юзидаги истеҳзони ҳам, жавобидаги нафратни ҳам тасвирлашга тил ожиз эди.

— Эҳ, эркаклар! Сенларнинг сассиқ тўнғиздан фарқинг йўқ! Ҳамманг бир гўрсан. Тўнғизлар!

Доктор Макфейл чуқур тин олди. У ҳаммасини тушунди.

## МАЛЛА

Кема капитани қўлини шимининг чўнтагига тикди ва семизлигию шалварининг чўнтаги олд томондалиги сабабли бир амаллаб кумуш соатини чиқарди. У аввал соатга, кейин ботаётган куёшга қаради. Штурвалдаги канак унга кўз қирини ташлади, лекин ҳеч нима демади. Капитан ўзлари яқинлашиб бораётган оролга тикилди. Кўпикнинг оппоқ узун изи сув остидаги қоятошлардан дарак берарди. Капитан уларнинг орасида кема сиғадиган кенгина ўтиш йўли борлигини билар, оролга яна бир оз яқинлашилса йўл кўринади, деб ўйларди. Кун ботишига бир соатча вақт қолганди. Кўрфаз чуқур, кема бемалол лангар ташлай оларди. Оролдаги кокос дарахтлари орасидан аллақачон кўриниш берган қишлоқ оқсоқоли капитаннинг ёрдамчиси билан қалин дўст эди, шунинг учун кун ботмай қирғоққа чиқишни ҳамма орзиқиб кутаётганди. Капитан ёнига келган ёрдамчисига ўгирилди.

— Бир шиша ароқ олиб тушамиз-да, раққоса қизларни чақирамиз, — деди у.

— Ўтиш йўлини тополмадим, — деди ёрдамчиси.

Ёрдамчиси нимаси биландир Римнинг сўнгги императорини эслатиб юборадиган, тўладан келган, истараси иссиқ қорамағиз канак эди.

– Шу атрофда кема ўтадиган йўл борлиги аниқ, – деди капитан дурбиндан қараб. — Нега кўринмаяпти, ҳайронман. Йигитлардан бирортаси мачтага чиқиб қарасин-чи.

Капитаннинг ёрдамчиси денгизчилардан бирини чақириб унга буюрди. Хўжайин канакнинг тепага чиқиб хабар беришини кутди. Лекин канак кўпикнинг узундан-узоқ изидан бўлак ҳеч вақони кўрмаётганини айтиб бақирди. Самоа тилида худди ороллиқлардек равон гапирадиган капитан уни бўралатиб сўқди.

– У ўша ерда тураверсинми? – деб сўради ёрдамчи.

– Нима фойдаси бор? – деди капитан. – Бу жин ургур гўрсўхта, ба-рибир, ҳеч нимани тополмайди. Ўлай агар, ўзим тепага чиққанимда ўтадиган йўлни аллақачон пайқардим.

У ингичка мачтага ўқрайиб қаради. Болалигидан кокос дарахтларига тирмашиб улғайган ороллиқларга мазза. Капитаннинг гавдаси эса зил-замбил, семиз эди.

– Туш пастга, – деб ўшқирди у. – Сендан ҳеч қандай наф йўқ. Йўлни топгунча сув остидаги қоятошлар бўйлаб сузамиз.

Улар қаршисидан шамол эсмаганда соатига тўрт-беш узел тезликда суза оладиган, керосинда ишлайдиган етмиш тоннали елканли кемада эдилар. Қачонлардир оқ рангга бўялган бу эски тоғоранинг ранги ўчиб, доғ-дуг, чирк босиб кетганди. Ичидан керосин ва доим ташийдиган юки — кокос мағзининг ҳиди анқирди. Сув ости қоятошларигача юз фут қолганда капитан рулдаги денгизчига ўтиш йўлига етгунча қирғоқ ёқалаб сузишни буюрди. Лекин бир-икки мил сузишгач, у ўз йўлидан ўтиб кетганини билди ва кемани орқага бурди. Қуёш бота бошлаган, кўпикнинг оқ изи эса узилай демасди. Охир-оқибат капитан ландовур ёрдамчиларини лаънатлаб, тонггача кутишга рози бўлди.

– Кемани ортга бур, – деди у. – Бу ерда лангар ташлаёлмаймиз.

Улар қирғоқ бўйлаб бир оз сузишди ва кўп ўтмай қоронғи тушди. Кема лангар ташлади. Елканлар туширилгач, кема чайқала бошлади. Апиа-дагилар бир кун келиб бу эски тоғора чўкиб кетади дейишар, кеманинг эгаси – катта дўкондор, америкалик олмон эса бир қоп пул беришсаям унда сузмайман, дерди. Оқ кўйлак ва увадаси чиққан исқирт оқ шалвар кийган хитойлик ошпаз кечки овқат тайёр эканини айтди. Капитан каютага кирганда механик аллақачон стол ёнида ўтирарди. У қилтириқ бўйинли, новча киши эди. Эгнига ҳаворанг халат ва енгсиз кўйлак кийган, тирсагидан билагигача чизилган расмлар кўриниб турарди.

– Энди тунни денгизда ўтказамиз, жин урсин, – деди капитан.

Механик гап қўшмади ва улар индамай овқатлана бошладилар. Каютани мойчироқнинг хира нури ёритиб турарди. Ҳазмиаомга ўрикли консерва ейишгач, хитойлик чой келтирди. Капитан тамакисини ёқиб кема саҳнага чиқди. Рўпарадаги орол тун ёруғида кўланкадай қорайиб ғира-шира кўринарди. Юлдузлар чарақлаб нур сочар, қирғоққа урилаётган тўлқиннинг шовуллашидан бошқа овоз эшитилмасди. Капитан курсига ястаниб тамаки тутата бошлади. Кўп ўтмай кема жамоасидан уч-тўрт киши кема саҳнага чиқди. Уларнинг бирида банжо, бошқасида концертино бор эди. Чолғулар чалингач, бири кўшиқ айта бошлади. Тубжойликларнинг кўшиғи бу чолғулар жўрлигида ғалати эшитиларди. Кейин иккита йигит рақсга тушди. Бу кўл-оёқ ва гавдани жазавали силкитиб ўйналадиган ибтидоий рақс эди. Ҳаракатларда кучли эҳтирос, ҳатто шахвоний майл билиниб турса-да, завқ-шавқдан асар ҳам йўқ эди. Жониворларнинг қилиғини эслатадиган, сеҳр-жозибадан бутунлай холи бу ажабтовур рақсни болаларча содда шўхликлар деса ҳам бўларди. Ниҳоят, улар ҳолдан тойиб, кема саҳнага узала тушиб ухлаб қолишди.

Атрофга жимлик чўқди. Капитан бир аммаллаб курсидан қўзғалди-да, нарвонга тирмашиб пастга тушди. Кейин каютасига кириб, кийимларини ечиб каравотга чўзилди. Тунги ҳаво димлигидан у пишиллаб нафас оларди.

Эртаси куни тонгда, сокин денгиз ортидан қуёш нурларини соча бошлаганда уларни кеча топилмай қийнаган ўтиш йўли кема лангар ташлаган жойдан хиёл шарқда кўринди. Кема кўрфазга кирди. Сув юзаси тиниқ ва сокин, денгиз тубидаги маржонқоялар орасида ранг-баранг балиқчалар сузиб юрарди. Кема лангар ташлагач, капитан нонушта қилиб кема саҳнага чиқди. Булутсиз осмонда қуёш чарақлар, тонгги салқин ҳаво ҳузурбахш эди. Якшанба тонгида табиат ҳордиқ чиқараётгандек, бу сокинлик капитанга ҳузур бағишларди. У эринчоқлик билан қирғоқдаги дарахтзорни кузатар, ўзини эркин ва хотиржам ҳис этарди. Кейин хиёл жилмайди-да, тамакисининг қолдиғини сувга улоқтирди.

– Қирғоққа чиқадиغان вақт келди, – деди у. – Қайиқни келтиринглар!

У нарвонга тирмашиб пастга тушди-да, қайиққа ўтириб чоғроқ кўрфазга етиб келди. Қирғоқдаги барглари сув бетига тегай-тегай деб турган кокос дарахтлари бир текис бўлмаса-да, ажабтовур тартиб билан ўсган эди. Улар ёшига ярашмаган ясама ҳолатда қотиб қолган, ўтган замонларнинг нозу ишваларига уста қариқизларнинг рақс дастасини эслатарди. Капитан дарахтлар орасида кўз зўрға илғайдиган илон изи сўқмоқдан бир-бир қадам босиб, кичкина сойнинг бўйига чиқди. Сойнинг устидан кўприкча солинганди. Аслида буни кўприкча деб бўлмас, чунки бу бир-бирига тақаб ётқизилган, учлари сой тубига қоқилган айиршоҳларга тиралган ўнтача кокос дарахти пояси эди, холос. Силлиқ ва тойғинчоқ ғўлалардан одимлаб ўтаётганингизда қўл билан ҳеч нарсага таяна олмасдингиз. Бунақа кўприқдан ўтиш учун киши довюрак ва абжир бўлиш керак. Капитан иккиланиб қолди. Шунда кўзи сойнинг нариги бетига, дарахтлар орасидаги оқ танли одамнинг уйига тушди-ю, юрак ютиб оёқ учида олдинга юрди. Босган ҳар бир қадамини чамалаб, ғўлаларнинг уланган жойларидан бир амаллаб ўтиб олгач, ниҳоят, оёғи ерга тегиб, нафасини ростлади. Капитан ўй-хаёли кўприқдан эсон-омон ўтиш билан банд бўлгани боис, ўзини кузатиб турган одамни пайқмагани ва энди унинг гапини эшитиб ажабланди.

– Ўрганмаган одамга бунақа кўприклардан ўтиш учун метиндек асаб керак.

Капитан бошини кўтариб рўпарасидаги нотаниш кишига қаради. Афтидан, бу одам боя унинг кўзи тушган уйдан чиқиб келганди.

– Иккиланиб қолганингизни кўрдим, – деди нотаниш киши жилмайиб. – Сойга қулайди-ёв, деб ўйловдим.

– Чучварани хом санабсиз, – деди яна ўзига ишончни ҳис қилган капитан.

– Менинг ўзим ҳам бу кўприқдан йиқилганман. Бир куни кечқурун овдан қайтаётиб милтиғу лаш-лушларим билан қулаганман. Энди куролимни кўтартириш учун хизмакор болани эргаштириб юраман.

У сийрак соқолига оқ тушган, ёноқлари ичига ботган ўрта ёшлардаги киши эди. Эгнида енгсиз кўйлак ва каноп шим, оёқяланг турарди. Инглизчада сезилар-сезилмас шевани аралаштириб гапирарди.

– Нейлсон деганлари сиз бўласизми? – деб сўради капитан.

– Худди ўзи.

– Сиз ҳақингизда эшитганман. Ўзим ҳам шу атрофда яшасангиз керак, деб ўйловдим.

Капитан мезбонининг ортидан шинамгина айвонли кулбага кириб, у таклиф қилган курсига оғир чўқди. Нейлсон виски ва стакан келтиргани

ташқарига чиққанда хонага кўз югуртирди. Кулба уни ҳайратга солди. У умрида бирор марта бунча кўп китобни кўрмаганди. Хонанинг тўрт тарафи ердан шифтгача китоб жойланган тоқчалар билан қопланганди. Устига ноталар уйиб ташланган роял ва китобу журналларга тўла кенг стол ҳам бор эди. Хонада капитан ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. У Нейлсонни ғалатиноқ одам деб эшитганини эслади. Бу ердаги оролларда шунча йил яшаган бўлса ҳам Нейлсон ҳақида бирор киши тайинли бир нарса билмасди, билганлар ҳам уни бинойидек одам, дейишдан нарига ўтмасди. У швед эди.

– Бу ер китобга тўла экан, – деди капитан Нейлсон кириб келгач.

– Китобнинг зарари йўқ, – деди мезбон жилмайиб.

– Ҳаммасини ўқиганмисиз?

– Кўпини.

– Менинг ўзим ҳам ўқишни яхши кўраман. ”Сатидэй Ивнинг Пост”ни пайдарпай жўнатиб туришади.

Нейлсон меҳмонига бир стакан виски қуйиб узатиб, тамаки билан сийлагач, капитан ўзи ҳақида оз-моз гапириб бергиси келди.

– Бу ерга кеча кечқурун келгандим, лекин ўтиш йўлини тополмай денгизга лангар ташладим. Аввал бу йўналишда ҳеч сузмаганман, аммо хўжайинлар бу ерга айрим юкларни етказишни буюришди. Грей деган кишини танийсизми?

– Ҳа, шу атрофда дўкони бор.

– Хўш, унга анча-мунча консерва келтирдим, эвазига кокос мағзини беради. Хўжайинлар Апиада бекор тургандан кўра бу ерга келишимни тайинлашди. Мен, одатда, Апиа ва Паго-Паго орасида қатнайман. Лекин у ёқда ҳозир қора чечак тарқаб, ҳаёт буткул тўхтаган.

Капитан вискидан бир ҳўплаб, тамаки тутатди. У аслида камгап одам эди-ю, лекин Нейлсоннинг нимасидир асабига тегиб уни гапиришга мажбур қилаётганди. Швед унга сезилар-сезилмас кулги ўйнаб турган катта қора кўзларини тикиб қарарди.

– Уйингиз шинамгина экан.

– Ҳа, кўп меҳнатим сингган.

– Дарахтлардан ҳам анча фойда олсангиз керак. Гуркираб ўсибди. Ҳозир кокос мағзининг нархи хийла баланд. Бир пайтлари Уполуда ўзимнинг ҳам плантациям бор эди-ю, кейин сотишга тўғри келди.

Капитан кўзига балодек кўринаётган тушунарсиз китоблар тўла хонага яна разм солди.

– Бу ер сизга зерикарли бўлса керак? – деди у.

– Йўқ, кўникиб кетганман. Иигирма беш йилдан буён шу ерда яшайман.

Капитан яна нима ҳақида гапиришни билмай индамай тамаки тутата бошлади. Афтидан, Нейлсон ҳам сукунатни бузгиси келмаётганди. У ўйчан нигоҳ билан меҳмонни кузатарди. Капитан бўйи олти футдан ошадиган новча ва бақалоқ киши эди. Доғ босган қизил юзидан мой томиб турар, лунжларини эса бинафшаранг томирлар тўрдек қоплаб олганди. Кўзлари қонга тўлган, бўйни қат-қат ёғ орасида зўрға кўринарди. Гарданидаги оқ оралаган бир тутам узун жингалак сочини айтмаса, тақир кал эди; ялтироқ дўнг пешонаси ақл-идрокидан дарак бериш ўрнига, аксинча, қиёфасига ўта аҳмоқона тус берганди. Капитан сариқ жун босган кўкси очиқ ҳаворанг фланел кўйлак ва оҳори тўкилган эски жун шим кийганди. У семиз қорнини дўмпайтириб, йўғон оёқларини керганча курсида ялпайиб ўтирарди. Танасида хипчалиқдан асар ҳам қолмаганди. Нейлсон бу жасад ёшлигида қандай кўринган экан, деб ичида ўзидан эринибгина сўради. Бу бақалоқнинг қачонлардир шўх бола бўлгани унинг тасаввурига сиғмасди. Капитан вискисини ичиб тугатгач, Нейлсон

шишани унга яқинроқ сурди.

– Тортинмай ичаверинг.

Капитан энгашиб йўғон қўли билан шишага узалди.

– Бу томонларга қандай келиб қолгансиз? – деб сўради у.

– Соғлиғимни тиклаш учун келганман. Ўпкам хаста эди, дўхтирлар бир йил ҳам яшолмайсиз, дейишган. Кўриб турганингиздек, улар адашибди.

– Айнан бу ерга кўчиб келишингизга нима сабаб бўлган демоқчи эдим?

– Мен нозиктаб одамман.

– Шунақа денг.

Бу билан нима демоқчи бўлганига капитаннинг ақли етмаганини сезиб Нейлсоннинг қора кўзлари масхараомуз йилтиради. Бақалоқнинг бефаросатлигидан завқланиб, суҳбатни давом эттирмакчи бўлди.

– Сиз кўприкда мувозанат сақлайман, деб атрофга қарамадингиз. Аслида бу ерларни жуда чиройли дейишади.

– Уйчангиз ҳам бежирим экан.

– Дастлаб келганимда бу уй йўқ эди. Ўрнида сариқ, қизил, тилларанг баргли буталар билан девордек ўралган қизил гулли улкан дарахт остида қоziқоёққа тикланган, томи чўнқайган маҳаллий кулба турарди. Атрофда аёллардек кўркам ва мағрур кокос дарахтлари ўсарди. Улар кун бўйи сув бўйида солланиб ўз аксларига маҳлиё бўларди. Мен у пайтда ҳали ёш эдим – ё тавба, ҳаш-паш дегунча орадан чорак аср ўтибди-я – умримнинг қолган уч-тўрт кунини дунёнинг гўзаллигидан баҳра олмоқчи эдим. Бу ер шу пайтгача мен кўрган энг чиройли макон эди. Оролга биринчи марта қараганимда нафасим қайтиб, йиғлаб юборишимга бир баҳя қолди. Ўшанда бор-йўғи йигирма беш ёшда эдим. Дадиллашдим, ўлгим келмаётганди. Негадир айнан шу жойнинг гўзаллиги тақдирга тан беришимга кўмаклашгандай туюлади. Бу ерга келганимда бутун ўтмишим қайгадир ғойиб бўлганини ҳис қилдим, Стокголмдаги университет, кейин эса Бонн – буларнинг бари бегона одамнинг кечмишларидек эди гўё. Мен файласуфлар кўп таъкидлайдиган ҳаёт реаллигига эндигина эришгандай эдим; дарвоқе, ўзим ҳам файласуфман. “Бир йил, – дедим ичимда, – бир йилим қолди. Уни шу ерда ўтказаман, кейин ўлсам ҳам майли”.

Йигирма беш ёшимизда қанчалик ғўр, ҳиссиётга берилувчанмиз-а, лекин шунақа бўлмаганда элликка кирганимизда бунчалик доно бўлармидик... Ичинг, дўстим, ичинг! Менинг вайсашимга эътибор берманг.

У озғин қўли билан шишага ишора қилди ва капитан стаканини бўшатди.

– Ўзингиз ҳеч нарса ичмаяпсиз-ку? – сўради капитан шишани олиб.

– Мен ичмайман, – жилмайди швед. – Мен ўзимни бошқа, нозикроқ усуллар билан маст қиламан. Балки мақтанаётгандирман, лекин ҳар ҳолда таъсири узоқроқ, натижаси эса зарарсизроқ бўлади.

– Штатларда ҳозир кўпчилик кокаин ҳидляяпти дейишади, – деди капитан.

Нейлсон кулимсиради.

– Оқтанлиларни кам кўраман, ҳозир бир қултум виски ичсам зарар қилмас.

У стаканига қиттак виски қуйиб, шарбат қўшди-да, ҳўплади.

– Ниҳоят мен бу макон нега бунчалик гўзаллигини тушундим. Худди океан ўртасида кемани учратиб, мачтага қўнганча чарчаган қанотларини йиғадиган кўчар қўшдек севги бу ерга бир муддат тўхтаб ўтганди. Бетакрор ҳиссиёт ифори май ойида ватаним майсазорларидан келади-ган дўлана ҳидидек ҳавода мавж урарди. Менингча, одамлар қаттиқ



севишган ёки азоб чеккан жойларда аллақандай руҳий тўқисликка эга ҳиссиётнинг сезилар-сезилмас ҳиди қолади ва бу ердан ўтганларга сирли таъсир қилади. Афсуски, буни бошқача тушунтириб беролмайман, — Нейлсон хиёл жилмайди. — Барибир, нима демоқчилигимни тушунишингиз даргумон.

У бир оз жимиб қолди.

— Балки муҳаббат дардига шу ерда мубтало бўлганим учун бу жой менга гўзал туюлгандир, — дея у елка қисди. — Ёки навқирон севгимга уйғун гўзал манзара туйғуларимга таъсир кўрсатдимикан?

Капитандан кўра фаросатлироқ одам ҳам Нейлсоннинг сўзларидан таажжубланган бўларди, чунки Нейлсон ўзи гапираётган гапидан ўзи кулаётгандек туюларди. Қалбини жумбишга келтирган туйғудан ақли кулаётгандек эди гўё. У ўзини ҳиссиётга берилувчанман дея таърифлади-ю, лекин таъсирчанликка ишончсизлик қўшилса оқибати ёмон бўлиши тайин.

Нейлсон жимиб қолди, гўё ниманидир эсламоқчи бўлаётгандек капитанга ғалати қаради.

— Биласизми, сизни аввал ҳам қаердадир учратгандайман, — деди у.

— Негадир сизни эслолмаяпман, — эътироз билдирди капитан.

— Ғалати туйғу, худди юзингиз менга танишдек. Лекин сизни қачон ва қаерда кўрганим ёдимда йўқ.

Капитан елкасини қисди.

— Оролларга келганимга ўттиз йилдан ошди. Шунча вақт ичида учратган одамларнинг барисини эслаб қолиб бўлармиди?

Швед бош ирғади.

— Биласизми, баъзан аввал қадамингиз тегмаган жойлар ҳам танишдек туюлади. Сизга қараганимда менда худди шундай туйғу пайдо бўлаяпти, — дея у ғалати жилмайди. — Балки бурунги ҳаётимда сизни билгандирман. Балки сиз кўҳна Римдаги кема бошлиғи, мен эса эшак эшувчи кул бўлгандирман. Ўттиз йилдан бери шу ердан дедингизми?

– Роппа-роса ўттиз йилдан бери.

– Малла деган йигитни учратмаганмисиз?

– Малла?

– Унинг фақат шу лақабини биламан. Ўзи у билан ҳеч қачон таниш бўлмаганман, бирор марта кўрмаганман ҳам. Лекин барибир уни бошқалардан кўра, масалан, кўп йиллар бирга яшаган ака-укаларимдан кўра яхшироқ тасаввур қиламан. Тасаввуримда у худди Паоло Малатест ёки Ромеодек аниқ сақланган. Айтмоқчи, сиз Дантени ҳам, Шекспирни ҳам ўқимаган бўлсангиз керак?

– Йўқ, шекилли, — деди капитан.

Нейлсон курсига ястанганча тамаки тутатиб маъносиз нигоҳини ҳавода сузиб юрган тутунга қадади. Унинг лабида табассум ўйнади, лекин кўзлари жиддий эди. Кейин у капитанга қаради. Бу одам кишини жиркантирадиган даражада семиз эди. Унинг турқи Нейлсоннинг жиғига тегар, асабини ўйнади. Аммо меҳмони хаёлига келтираётган одамдан мутлақо фарқ қилиши Нейлсонга ҳузур бағишларди.

— Бу Малла деганлари жуда келишган йигит бўлган кўринади. Мен ўша вақтлар уни таниган кўп одамлар, айниқса, оқтанлилар билан гаплашганман. Бари бир овоздан уни кўзни ўйнатадиган даражада чиройли эди, дейишарди. Оловранг сочлари туфайли унга Малла деб лақаб қўйишган. Унинг жингалак, узун сочлари рафаэлчиларни лол қолдирган ўша бетакрор рангда товлангандир, эҳтимол. Лекин Малла бундан ғурурланмаган, чунки у жуда содда йигит бўлган. Агар бундан ғурурланганда ҳам мағрурлиги учун уни ҳеч ким айбламасди. У новча, бўйи олти футдан ошарди. Бир пайтлар шу ерда турган кулбанинг томига тиралган устунга унинг бўйи белгиланган

кертик ўйилганди. Малланинг келбати юнон маъбудига ўхшарди, елкалари кенг, сонлари ориқ; Праксител ясаган Апполонни эслатувчи қоматида аёлларга хос, кўнгилга ғулғула солувчи сезилар-сезилмас назокат бор эди. Сутдай оппоқ, бахмалдай майин бадани ҳам аёлларникига ўхшарди.

– Болалигимда мен ҳам оппоққина эдим, – деди капитан қизарган кўзлари кулгидан қисилиб.

Аммо Нейлсон унинг гапини эшитмаганга олди. У берилиб ҳикоя қилар, гапи бўлинишини истамасди.

– Малланинг юзи ҳам баданидай чиройли эди. Катта, тўқ-кўк кўзларини баъзилар қора дейишар, қора қошию киприклари ҳам бошқа маллаларникига ўхшамасди. Юз бичими бежирим, оғзи эса қонли жароҳатга ўхшарди. Малла йигирмага кирганди.

Шу жойда швед нафасини ростлаб, вискидан ҳўплади.

– У бетакрор эди. Ундан чиройли одам бўлмаган. У ёввойи ўтнинг муаттар гулига ўхшарди. Табиатнинг кутилмаган тухфаси эди у. Бир куни Малла сиз бугун тонгда лангар ташлаган кўрфазга тушади. У Апидаги ҳарбий кемадан қочган америкалик денгизчи эди. Бир маҳаллий саховатпешанинг кўмагида Апиадан Сафотого сузадиган елканли қайиққа ўтириб, шу ерда қирғоққа тушади. Малла нега ҳарбий хизматдан қочганини билмайман. Балки ҳарбий кемадаги тартиб-интизом ёқмагандир ёки бирор машабага аралашиб қолгандир. Жанубий денгизу бу жаннатмакон ороллар уни мафтун этган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан бу ороллар одамга ғалати таъсир қилади, худди ўргимчак тўрига илинган чивиндек уни ўзига боғлаб қўяди. Балки Малла таъсирчан бўлгандир, бу ям-яшил қирлару тоза ҳаво, мовий денгиз, Далила Самсоннинг қувватини сўриб олгандек, унинг шимолликларга хос иродасини синдиргандир. Нима бўлганда ҳам Малла кемаси Самоадан кетгунча кўздан йироқ шу оролларга беркинишга қарор қилган.

У қирғоққа тушиб қаёққа боришни билмай турганида яқинроқдаги кулбадан бир қиз чиқиб, меҳмонни ичкарига таклиф этган. Малла маҳаллий тилда бор-йўғи икки-учта сўзни билган, қиз ҳам инглизчани қарийб тушунмаган. Лекин қизнинг мулойим жилмайиб қилган имо-ишораларидан кейин Малла тортинмай унинг ортидан юрган. Меҳмони курсига ўтиргач, қиз уни ананас билан сийлаган. Мен Малла ҳақида бировлардан эшитганман, холос, қизни эса уларнинг учрашувидан уч йил ўтгач ўз кўзим билан кўрганман. Ушанда у эндигина ўн тўққизга кирганди. Бу қизнинг нақадар соҳибжамол бўлганини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Унинг жамолида тропик атиргулининг барча ранглари жилванарди. Бўйи ўртачадан баландроқ, қадди-қомати келишган, элатига хос юз бичими фаришталарникидек сулув, шахло кўзлари палмалар остидаги сокин оқаётган сув ҳалқасига ўхшарди. Қизнинг тим қора жингалак сочлари елкасигача тушган, боши эса хушбўй гуллар билан безалганди. Нозик қўллари шунчалик чиройли эдики, уларга қараганда одамнинг нафаси ичига тушиб кетарди. У пайтлар қиз жуда қувноқ эди. Унинг майин табассуми юракни ўртар, бадани эса офтоб нурида зарга бурканган буғдойзордек товланарди. Ё Тангрим, уни қандай таърифлай? У мисли йўқ соҳибжамол эди.

Хуллас, бу икки ёш – қиз ўн олти ёшда, Малла йигирмада эди – бир кўришдаёқ бир-бирларини севиб қолишган. Чин муҳаббат ўзи шунақа бўлади. Бу қизиқишларнинг муштараклиги ёки руҳий яқинликдан туғилган меҳр эмас, балки оддий ва соф табиий севги эди. Одам Ато уйғониб боғда ёшли кўзлари билан ўзига тикилиб турган Момо Ҳавони кўрганда шундай севган. Бу жониворлару маъбудларни топиштирадиган, борлиқни мўъжизига айлантирадиган, ҳаётга мазмун олиб кирадиган севги. Севишганлардан доим биттаси севади, иккинчиси ўзини севиш-

га имкон беради, холос, деб айтган доно ва сурбет француз герцоги тўғрисида эшитмаган бўлсангиз керак. Кўпчилигимиз истар-истамас тан оладиган аччиқ ҳақиқат бу. Лекин аҳён-аҳёнда бир-бирини чин кўнгилдан севган ошиқлар ҳам учрайди. Бундай пайтларда кувёш ҳам, Исо Навин Исроил худосига хитоб қилгандагидек, осмонда муаллақ қолади.

Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, бу беғубор, гўзал ёшларнинг муҳаббати ҳамон юрагимни ўртайди. Одатда, сокин кўрфаз узра тунги тиниқ осмонда нур сочаётган тўлин ойни кўрсам юрагим шундай увишади. Бенуқсон гўзалликни кузатиш дилни доим орзиқтиради.

Улар ҳали ўсмир эди. Қиз дилбар, меҳрибон ва оқкўнгил бўлган. Малланинг феъл-атвори ҳақида ҳеч нарса билмайман, лекин ўша пайтда у содда ва очиқкўнгил, қалби ҳам жисмидек бенуқсон эди, деб ишонгим келади. Балки унинг кўнгил митти фавнлар ялангликларда соқолли кентаврларни миниб юрган, олам мурғак паллада қамишдан най ясаб, шаршара сувига чўмилган ўрмон жонзодлари қалби каби ҳали етилмагандир. Бу дунёда қалбдек беҳаловат нарса йўқ, одам уни кашф қилгач, жаннатдан қувилди.

Малланинг оролга келишидан аввал бу ерда Жанубий денгизга оқтанлилар илаштириб келтирадиган хасталиклардан бири тарқаб, маҳаллий аҳолининг учдан бир қисми нобуд бўлган. Ҳамма яқинларидан жудо бўлган қиз узоқ қариндошлариникида кўним топган. Оила бор-йўғи ажин босган икки нафар букри кампир, икки нафар ёшроқ аёл, бир эркак ва боладан иборат эди. Малла уларникида уч-тўрт кун яшаган. Аммо уни қирғоқнинг яқинлигию оқтанлиларни учратиш қилиш эҳтимоли чўчитганми ёки севишганлар бегоналар халал беришини хоҳлашмаганми, хуллас, бир куни тонгда қиз лаш-лушларини йиғиштирган ва иккаласи кокос дарахтлари остидаги ўт босган сўқмоқдан юриб йўлга тушишган, кўп ўтмай сиз боя кўрган анҳорнинг рўпарасидан чиқишган. Малланинг сиз юриб ўтган ҳалиги кўприкчага қадам босишга кўрқаётганини кўриб қиз кулган. Биринчи гўланинг охиригача қиз унинг кўлидан ушлаб борган, аммо шу ерда Малланинг дадиллиги йўқолиб ортга қайтган. У кўприкка қайта қадам кўйишдан бурун уст-бошини ечишга мажбур бўлган, қиз унинг кийимини бошига кўйиб олиб ўтган. Улар шу ердаги бўм-бўш кулбага жойлашишган. Қизнинг бу кулбада яшашга ҳаққи бўлганми (оролларда ерга эгалик ҳуқуқи мураккаб масала) ёки кулбанинг эгаси оролда тарқалган касалликдан ўлганми, қисқаси, улардан ҳеч ким ҳеч нарса сўрамаган ва ёшлар хотиржам яшай бошлашган. Уларнинг ётишга бир жуфт бўйраси, бир парча синиқ ойна ва уч-тўртта ликопчадан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган. Лекин бундай жаннат жойда тирикчилик учун шуларнинг ўзи кифоя эди.

Бахтли одамларнинг ўтмиши бўлмайди, дейишади, бахтли муҳаббатнинг ҳам тарихи йўқлиги аён. Ёшлар кунни бекорчиликда ўтказишса-да, барибир, кунлар уларга қисқа туюлган. Қизнинг маҳаллийча исми борлигига қарамай Малла уни Салли деб чақирган. Тубжойликларнинг содда тилини ўрганиб олгач, у соатлаб бўйрада чўзилиб ётиб қизнинг қувноқ чулдирашини тинглаган. Малла камгап бўлган, балки ўша пайтлар ҳали ақли тўлишмагандир. У Салли панданус баргларида ўраб берган тамакини тутатганча, қизнинг қамишдан чаққон-чаққон бўйра тўқишини томоша қилган. Кулбаларига тез-тез келиб-келиб турган тубжойликлар оролдаги қабилалар ўртасида бир замонлар бўлиб ўтган қирғинлар ҳақида узундан-узоқ ҳикоялар айтиб беришган. Баъзан Малла сув остидаги қоя тошлар орасидан бир сават хилма-хил рангли балиқлар тутиб келтирган. Аҳён-аҳёнда тунда чироқ кўтариб омар балиғини тутишга чиққан. Салли эса кулба атрофидан банан териб келиб қовуриб, одмигина дастурхонини безаган. Қиз кокос ёнғоғидан жуда мазали таомлар тайёрлашни ҳам билган, анҳор қирғоғидаги нон дарахти уларга неъматини ҳадея қилган. Байрам кунлари икковлон чўчқа

боласини сўйиб, қизиган тошда гўшт қовуришган. Анҳорда бирга чўмилиб, кун ботгач қайиқчада кўрфаз бўйлаб сузишган. Қуёш уфққа энганда кўм-кўк денгиз худди Гомер давридаги Юнон денгизидек мусаллас рангига бўялган. Кўрфаз суви эса дам оч яшил, дам бинафша, дам зумрад тусида товланган. Қуёш уфққа бош қўйганда денгиз бир муддат тилла рангга бурканган. Сув остидаги бинафша, жигарранг, оқ, пушти, қизил маржонлар сеҳрли боғни, балиқлар эса капалакларни эслатган. Буларнинг бари эртакка ўхшайди. Сув ости қоялари орасидаги тубига оқ кум чўккан, суви биллурдек шаффоф ҳовузчаларда сузиш роҳат эди. Ниҳоят, кўнгиллари завқу шавққа тўлган ёшлар қўл ушлашиб ўт босган сўқмоқдан юриб кулбага қайтишган. Сайроқи қушлар кокос дарахтлари шохларида тинимсиз чуғур-чуғурлашган. Қоронғи тушгач, Европа осмонидан-да кенг кўринган фалак чақноқ юлдузларга тўлган, севишганларнинг эшик-деразасиз кулбасида енгилгина шабада эсиб турган. Бироқ узундан-узоқ тунлар ҳам уларга қисқадек туюлган.

Қиз ўн олти, йигит эса эндигина йигирма ёшга кирган эди. Тонгги шафақ кулбанинг ёғоч устунлари орасидан кириб, бир-бирининг қучоғида ухлаб ётган бу гўзал навжувонларга мўралаган. Қуёш ҳалал бермаслик учун аввал банан дарахтининг япалоқ барги ортига беркинган-да, кейин ангор мушугининг панжасидек заррин нурларини айёрлик билан уларнинг юзига теккизган. Улар уйқули кўзларини очишиб, тонгни кулиб қарши олишган.

Ҳафталар ойларни қувиб, кўз очиб юмгунча орадан бир йил ҳам ўтган. Улар бир-бирини боягидек – эҳтирос билан демоқчи эмасман, чунки эҳтиросга мудом қайғу, алам ва азоб аралашган бўлади – илк бор кўришганларида қалбларидан жой олган соҳир туйғуни англашган кундагидек самимий, табиий севишган.

Бу муҳаббат қачондир поёнига етиши ҳақида ўйлашмаган ҳам. Ахир, севгида энг муҳими унинг мангу бардавомлигига ишонч эканини биламиз-ку. Аммо бир куни денгиз бўйидан келган тубжойлик уларга қирғоқ яқинида инглизларнинг кит овловчи кемаси лангар ташлаганини айтганда, балки Малланинг кўнглида аллақачон қиз ҳам, ўзи ҳам сезмаган бепарқлик куртаклагандир.

– Зўр иш бўлибди! – деган у ўшанда. – Кокос билан банан бериб, улардан икки фунтча тамаки оламан!

Салли чарчоқ нималигини билмай панданус баргидан ўраб бериб турган тамаки ўткир ва хуштам бўлса-да, Маллага бу унчалик ёқмаган. Унинг аччиқ ва хушбўй, ҳақиқий тамаки чеккиси келиб қолган. Неча ойдан буён трубкасини тутатмагани боис, бу ҳақида ўйлагани ҳамон сўлаги оқа бошлаган.

Бир фалокатни сезган Салли Маллани йўлдан қайтарса бўларди, аммо қиз севгисига шунчалик ишонганки, Маллани кимдир тортиб олиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган. Улар тепаликдаги дарахтзорга чиқишиб катта қутини яшил, лекин ширин ва сувли апелсинга тўлдиришган, кулба атрофидан банан, кокос ёнғоғи, нон дарахти меваси ва манго териб қирғоққа олиб боришган. Малла кичкина қайиқчани меваларга тўлдириб, кема келганини дараклаган ороллик бола билан қайиқда сув ости қояларидан нарига сузиб кетган.

Шундан кейин Салли уни қайтиб кўрмаган.

Эртаси куни бола ҳўнграб йиғлаганча ёлғиз ўзи қайтиб келган ва улар кемага яқинлашгач, Маллани бортдаги денгизчилар чақирганини, бир оқтанли уларни кемага таклиф қилганини айтиб берган. Малла меваларни кема саҳнига тўккач, оқтанли у билан ниманидир келишиб олган. Денгизчилардан бири пастга тушиб тамаки келтирган ва Малла дарҳол трубкасини тамакига тўлдириб чека бошлаган. Бола унинг оғзидан қандай қилиб паға-паға тутун чиқарганини кўрсатган. Кейин кемадагилар Маллага нимадир деган ва у каютага кирган. Бола қизиқсиниб очиқ эшиқдан қараганда шиша

ва стакан келтиришаётганини кўрган. Малла ичиб, чека бошлаган. Денгизчилар қандайдир савол беришганда у бошини чайқаб кулган. Уларни кема саҳнига таклиф қилган ҳалиги оқтанли киши ҳам кулиб, Малланинг стаканини яна тўлдирган. Бирга ичишиб, гурунгни давом эттиришган. Ажнабий тилни тушунмаган бола кўп ўтмай зерикиб, кема саҳнига ёнбошлаганча ухлаб қолган.

Бир пайт биқинидан тепки еган бола сапчиб туриб, кеманинг кўрфаздан чиқаётганини кўрган ва мастликдан оғирлашган бошини столга ташлаганча хуррак отаётган Малла томон югурган. Шу пайт бир денгизчи унинг елкасидан маҳкам ушлаб, ажнабий тилда бўралатиб сўкканча кемадан ҳайдай бошлаган. Маллани уйғотмоқчи бўлиб қичқирганида, болани кўтариб сувга улоқтирган. Қўлидан ҳеч иш келмаслигини англаган бояқиш яқинроқда турган қайиғига сузиб бориб, уни сув ости маржонқоялари томонга буриб, йиғлай-йиғлай эшак эшган.

Бу воқеадан ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки кит овлайдиган кемага денгизчи керак. Борлари ё касалга йўлиққан, ёки қочиб кетган. Капитан Маллани ишга таклиф этганда у рад этган, эҳтимол, кейин уни маст қилиб олиб кетишган.

Салли ғамдан адои тамом бўлган. Уч кун изиллаб йиғлаб, умидсизликдан ич-эттини еган. Тубжойликларнинг уни юпатишга уринишлари бекор кетган. У туз тотмай кўйган. Бутунлай ҳолдан тойиб ўйчан ва бефарқ бўлиб қолган. Кун бўйи қирғоқда кўрфазга термилиб Малланинг тутқиндан қочиб келишини кутган. Кўзларидан дув-дув ёш оқиб, қумлоқдан бир қадам жилмаган. Қоронғи тушгач, сойдан ўтиб қачонлардир бахтга тўлган кулбасига қайтган. Малла оролга келгунича Салли билан бирга яшаган қариндошлари уни олиб кетишга уринишган, бироқ у кўнмаган: Маллани қайтиб келади, деб ишонган ва севгилиси уни қолдириб кетган жойдан топишини хоҳлаган.

Орадан тўрт ой ўтгач Салли ўлик бола туққан, туғруқ пайти бошида турган доя кампир у билан кулбада қолиб бирга яшай бошлаган.

Саллининг ҳаётида севинчдан асар ҳам қолмаган. Вақт ўтган сари айрилиқ азоби енгиллашгандек бўлса-да, унинг ўрнини доимий ўйчанлик эгаллаган. Туйғулари беқарор тубжойликлар орасида бу қадар кучли севгига қодир аёл борлиги тасаввурга сиғмайди. Салли Малланинг бир кун келиб ортга қайтишига ишонган ва ҳар сафар кокос поясидан ясалган кўприкча тарафдан оёқ товуши эшитилганда Малла келдимикан, деган умидда ўша ёққа кўз тиккан.

Нейлсон сезилар-сезилмас хўрсиниб, жимиб қолди.

– Кейин қизга нима бўлди? – деб сўради капитан.

Нейлсон беихтиёр кулимсиради.

– Орадан уч йил ўтгач, у бошқа бир оқтанлини учратган.

– Ўзи уларнинг ҳаёти шунақа, – деди капитан мийиғида кулиб.

Швед унга ўқрайиб қаради. У рўпарасидаги кўпол бақалоқдан нега бунчалик жирканаётганини билмасди. Аммо кўп ўтмай Нейлсон яна хотираларга чўмиб кетди.

У хаёлан йигирма беш йил ортга, ароқ, қимору бузуқликлари билан бадига урган Апиадан илк бор оролга келган чоғларига қайтди. Оғир дардга чалинган Нейлсон у пайтлар бир дунё орзуларини боғлаган мартабали ишидан воз кечганига кўниқолмай юрганди. Вақти келиб машҳур бўлишдек ҳою-ҳавасларни миясидан чиқариб ташлаб соғлиғини асраса, қолган уч-тўрт йиллик умрга қаноат қилиши лозим эди.

Нейлсон қирғоқдан икки милча наридаги қишлоқ четида, дўкандор метис савдогарникида ижарада турарди. Бир сафар у кокос дарахлари орасидаги ўт босган сўқмоқда сайр қила юриб, Саллининг кулбасига дуч келди. Бу маконнинг гўзаллигидан шведнинг юраги ҳаприқиб кетди. Кейин у Саллини



кўрди. Нейлсон умри бино бўлиб ҳали бунчалик чиройли хилқатни учратмаганди. Қизнинг тим қора шахло кўзларига чўккан қайғу унга ғалати таъсир қилди. Канаклар – чиройли халқ, лекин уларнинг чиройи жониворларнинг кўркамлигини эслатади. Бу – бор-йўғи ташқи жозиба. Аммо Саллининг мунгли нигоҳида қандайдир сир, эзилган юракнинг азобу уқубати яширинган эди. Метис савдогар унга қизнинг бошига тушган мусибат ҳақида гапириб берди ва бу ҳикоя Нейлсонга жуда қаттиқ таъсир қилди.

– Нима деб ўйлайсиз, Малла қайтиб келармикан? – деб сўради ундан швед.

– Унинг қайтиши даргумон. Ахир, кема жамоаси билан икки йилдан кейин ҳисоб-китоб қилинади, бу пайтга келиб Малла Саллини эсидан чиқариб юборади. Малла кайфи тарқаб, уйғонганидан сўнг ўзини мажбурлаб олиб кетишаётганини англагач роса жиғибийрон бўлгани тайин, денгизчилар билан муштлашгандир, эҳтимол. Лекин охир-оқибат тақдирига тан берган. Орадан бир-икки ой ўтиб, оролдан кетганига балки хурсанд ҳам бўлгандир.

Бу ҳикоя Нейлсоннинг миясига ўрнашиб қолди. Ўзининг касалмандлиги боисидандир, тасаввурдаги соғлом ва дуркун Малла унга кучли таъсир кўрсатганди. Швед ўзи кўримсизгина эди, шу сабабли бошқаларнинг чиройига юқори баҳо берарди. У ҳеч қачон эҳтирос билан севмаган ва турган гапки, севилмаган ҳам эди. Шундан бу ёш хилқатларнинг муҳаббати ҳақида ўйлаганда кўнгли шодликка тўлиб кетарди. Мангу гўзалликдан сўзларди унга бу муҳаббат. Нейлсон сой бўйидаги кулбачага яна бир марта борди. Тилшуносликка қизиққан, ақлий меҳнатни қўмсаган швед аллақачон маҳаллий лаҳжаларни ўрганишга киришганди. Энди эса, тарки одат амри-маҳол, самоаликлар тили бўйича илмий иш учун маълумот тўплай бошлади.

Саллиникида қолиб яшаётган кампир уни кулбага таклиф қилди. Гурунглашадиган одам топилганидан хурсанд бўлиб, Нейлсонни қава ва тамаки билан сийлади. Швед эса кампирнинг чулдурашига эътибор бермай, зимдан Саллини кузатарди. Салли унга Неапол музейидаги Психеяни эслатди, руҳсори сулув ва беғубор эди. Бола туққанига қарамай, бокира қизлардек кўринарди.

Нейлсон Саллининг овозини эшитгунча икки-уч марта кулбага ташриф буюрди. Шунда ҳам қиз Апиада Малла деган одамни учратмаганмисиз, деб сўраш учун сукутни бузди. Малланинг йўқолганига икки йилдан ошса ҳам Салли уни унутолмаганди.

Кўп ўтмай Нейлсон Саллини севиб қолганини англади. У ҳар куни сой бўйига бормаслик учун иродасини ишга солар, лекин қизни кўрмаса-да, хаёли мудом у билан банд эди. Яқинда куни битишини билган Нейлсон дастлаб Саллини кўриб, аҳён-аҳёнда овозини эшитганига ҳам хурсанд бўлиб юрди, бу унга қувонч бағишларди. Ҳиссиётининг беғаразлигидан у мамнун эди. Нейлсон бу дилбарни ўй-хаёлининг бекасига айлантирмоқчи эди, унга Саллидан бошқа ҳеч нарса керакмасди.

Аммо мусаффо ҳаво, мўътадил иқлим, яхши ҳордиқ ва табиий неъматлар Нейлсоннинг соғлиғига фавқулодда ижобий таъсир қилди. Тунлари аввалгидек куйиб-ёниб иситмалашлар қолди, йўтали босилиб, вазни ошди, ярим йилча қон тупурмади. Шунда Нейлсон ҳали бу ёруғ оламда насибаси узилмаганини англади. Танидаги дардга қулоқ тутаркан, кўнглида эҳтиёт бўлиб яшасам касалим зўраймайди, деган умид уйғонди. Яна келажак ҳақида ўй суриш имконияти пайдо бўлгани унинг руҳини кўтариб юборди. Нейлсон режа туза бошлади. Бирор-бир жиддийроқ фаолият билан шуғулланиш ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Лекин бошқа жойда тирикчиликка етиб-етмайдиган озгина даромадига оролларда бемалол кун кўра оларди. Кокос етиштиради, хат орқали рояли ва китобларини келтиртиради, демак,

иш топилади. Аммо швед кўп ўтмай бу режалар билан юрагини безовта қилаётган хоҳиш-истакдан ўзини чалғитмоқчи бўлаётганини тушунди.

Унга Салли керак эди. Швед Саллининг фақат хуснини эмас, мунгли нигоҳи ортига беркинган кўнглини ҳам яхши кўрарди. У муҳаббати тафтида Саллининг қалбини эритиб, айрилиқ азобини унутишга мажбур қилади. Ҳис-ҳаяжонга берилган Нейлсон мангуга йўқотдим деб ўйлаган ва фалакнинг гардиши билан қайта топган бахтини Салли билан баҳам кўраётганини кўз олдига келтирди.

Нейлсон Саллига бирга яшашни таклиф этганда қиз кўл силтади. Лекин швед саросимага тушмади – қизнинг йўқ дейишини у биларди. Салли эртами-кечми шаштидан тушади. Нейлсоннинг муҳаббати ҳаммасини енгади. Нейлсон ниятини кампирга ошкор этганда кампир ҳам, кўшнилари ҳам аллақачон Саллини унинг таклифига кўндиришга уринишаётганини эшитиб ҳайрон қолди. Аслида ороллик аёл борки, оқтанлининг хонадониде бека бўлишни бахт деб билар, Нейлсон эса тубжойликларнинг меъёрига кўра бадавлат одам саналарди. Шведга ижарага уй берган савдогар ҳам Саллининг қошига бориб уни тўғри йўлга солишга уринди, бунақа омад бошқа келмаслигини, Маллани кутишдан энди наф йўқлигини тушунтирди. Саллининг қайсарлиги Нейлсоннинг иштиёқини баттар кучайтирди, аслида беғараз меҳрдай туюлган туйғу укубатли эҳтиросга айланди. Жаммики тўсиқларни яқсон қилишга бел боғлаган швед Саллини ҳоли-жонига қўймади. Ниҳоят Нейлсоннинг ўжарлиги-ю атрофдагиларнинг гоҳ мулоим, гоҳ қийин-қистовли панд-насиҳатларидан чарчаган Салли розилик берди. Бироқ эртаси куни қалби шодликка тўлиб, унинг олдига келган швед бир пайтлар Малла билан бирга яшаган кулбага тунда Салли ўт қўйиб, ёқиб юборганини кўрди. Саллини қарғаганча йўлига югуриб чиққан кампирни Нейлсон нари қувди; ҳечқиси йўқ, улар кулбанинг ўрнига кошона қурадилар. Роял ва китобларни сиғдириш учун, барибир, европача уй керак-ку.

Шундан кейин Нейлсон ҳозиргача яшаб келаётган ёғоч уйча қурилди, Салли эса унга хотин бўлди. Лекин охир-оқибат қизнинг висолига етган Нейлсон биргаликдаги турмушнинг дастлабки уч-тўрт ҳафтасидагина бахтли яшади. Қаршилиқ қилишдан чарчаган Салли энди ўзи учун қадрсиз нарсани унга топширганди. Нейлсон ғира-шира илғаган Саллининг қалби эса унга бегона эди. Жувоннинг ўзига бефарқлигини швед сезиб турарди. Салли ҳамон Маллани севар, унинг қайтиб келишини кутарди. Нейлсон меҳр-муҳаббатига, ҳамдардлигу очиқкўнгиллигига қарамай Малланинг бир ишораси билан Салли ўйлаб ҳам ўтирмай уни ташлаб кетишини билар, шведнинг дили вайрон бўладими-йўқми, Саллига барибир эди. Бу ҳақда ўйлаш Нейлсонга азоб берарди. Қизнинг кўнглига йўл топишга уринишлари зое кетгач, унинг севгиси аламга айланди. Нейлсон Саллининг юрагини меҳр кўрсатиб забт этишга уринди, аммо жувон тошбағирлигича қолаверди; Нейлсон ўзини бепарво тутиб ҳам кўрди, жувон эса буни пайқамасди ҳам. Тоқати тоқ бўлган кезларда швед уни койир, Салли эса овозини чиқармай юм-юм йиғларди. Баъзан Нейлсон ўзимни ўзим алдадим, унинг қалбига йўл тополмадим, балки унда қалбнинг ўзи йўқдир, деган ўйга борарди.

Нейлсоннинг муҳаббати зиндонга айланган ва энди у бу тутқунликдан қочиб қутулмоқчи эди. Лекин шахд билан эшикни очиб озодликка чиқишга унинг қурби етмасди. Узоқ вақт изтироб чекканидан сўнг, умидини узиб, оғриқни ҳам сезмай қўйди. Юрагидаги эҳтирос олови сўнди. Энди Саллининг нигоҳи бир лаҳза кўприкчага қадалганида унинг юрагини ғазаб эмас, ўкинч ўртаб юборарди. Улар тирикчиликнинг икир-чикирлари билан овуниб, кўп йиллар бирга яшашди. Ҳозир ўтмишдаги жўшқин эҳтиросларини хотирлаганда Нейлсоннинг юзига табассум югуради. Салли қартайиб қолди, ўзи бу ердаги ороллик аёллар тез қартайди. Нейлсон аллақачон уни севмай

қўйган, аммо доимо яхши муомалада бўларди. Энди Саллининг унга кераги йўқ, швед роял ва китоблари билан овунарди.

Шуларни эслаб, Нейлсон беихтиёр гапира бошлади:

– Ортга қайрилиб Малла билан Саллининг қисқа, бироқ оташин муҳаббати ҳақида ўйлаганимда севги ўзининг энг юксак нуқтасига кўтарилганда, уларни бир-биридан жудо қилган тақдирдан иккаласи ҳам бирдай миннатдор бўлиши керак, дейман ўзимча. Тўғри, улар кўп изтироб чекишган, изтироблари гўзал бўлган. Севгининг ҳақиқий фожеаси уларни четлаб ўтган.

– Гапингизга тушунмадим, – деди капитан.

– Севги фожеаси ўлим ҳам, айрилиқ ҳам эмас. Уларнинг муҳаббати яна қанча давом этишини ким ҳам айта оларди. Бир пайтлар қалб кўрингни бериб, бутун борлиғинг билан чин юракдан севган – усиз бир дақиқа ҳам яшолмаганинг – аёлга қараб, уни қайтиб ҳеч қачон кўрмасам ҳам майли, деб ўйлаш қанчалар аламли. Севги фожеаси – бу бепарволик.

Нейлсон шу гапларни гапираётган пайтда ғалати ҳолат рўй берди. У капитанга қараб сўзлаётган бўлса-да, аслида рўпарасида ўтирган одамга эмас, ўзига ўзи гапираётганди. Туйқусдан шведнинг кўз олдида бир қиёфа намоён бўлди – бу рўпарасидаги суҳбатдош эмас, бошқа бир қиёфа эди. Нейлсон гўё одамни ёрулгудек хўппасемиз ёки хоодадек узун кўрсатадиган қийишқ ойнага қараётганди; айна дамда акс ҳолат юз бераётганди: мешқорин қари капитан қиёфасида у фавқулдда бир лаҳза навқирон йигитни кўрди. Нейлсон меҳмонига синчковлик билан тикилди. Хўш, сайр қилгани у нега айнан бу ерга келди? Беихтиёр миясига келган шубҳадан швед сесканиб кетди. Лекин ақл бовар қилмайдиган бу шубҳада жон бордек эди.

– Исмингиз нима? – деб сўради у туйқусдан.

Капитан юзини буриштириб айёрона тиржайди. Унинг башарасида хунук ва аянчли ифода акс этди.

– Жин урсин, узоқ вақт исминни айтиб чақиришмаганидан ўзим ҳам уни эсдан чиқариб юборганман. Аммо ороликлар мени ўттиз йилдан бери Малла деб чақиришади.

У мешдай қорнини селкиллаб пихиллаб кула бошлади. Бу жирканч ҳолатдан Нейлсоннинг этлари жимирлаб кетди. Малла эса ичаги узилгудек бўлиб, қизариб кетган кўзларидан ёш чиққунча кулди.

Бир пайт хонага кириб келган аёл Нейлсонни чўчитиб юборди. Бу тўладан келган, қорамағиз – қартайган сайин ороликларнинг териси қораяди – сочи оппоқ оқарган савлатли аёл эди. Эгнидаги юпқа қора кенг-мўл кўйлагини бўлиқ сийналари туртиб кўтариб турарди. Вазият кескин тус олди. Энди ҳаммаси бир ёқли бўлади.

Аёл Нейлсонга кундалик юмушлар ҳақида нимадир деди. Унга жавоб қайтараётганида Нейлсоннинг овози ўзига қалбакидек эшитилди. Лекин буни аёл сездими-йўқми, билиб бўлмасди. Кейин аёл дераза ёнида ўтирган меҳмонга бепарво қараб қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди. Танг вазият ортда қолди.

Нейлсоннинг қўл-оёғи титрар, тили оғзида ғўладай қотган эди. Ниҳоят, у ўзини қўлга олиб гапира бошлади:

– Агар уйимда қолиб, мен билан бирга тушлик қилсангиз жуда хурсанд бўлардим.

– Афсуски иложи йўқ, – деди Малла. – Анави Грейни топишим керак. Унга молларни топшириб, қайтиб кетаман. Эртагаёқ Апиада бўлишим керак.

– Сизни кузатиб қўйгани дастёр болани чақираман.

– Яхши бўларди.

Малла зил-замбил гавдасини бир амаллаб курсидан кўтарганда швед экинзорда ишлаётган болалардан бирини чақирди.

Нейлсон болага капитанга йўл кўрсатишни тайинлади, болакай кўприкчадан пилдираб юриб кетди. Малла унинг ортидан йўл олди.

– Кўприқдан йиқилиб тушманг тагин, – деди Нейлсон.

– Тушингизни сувга айтинг.

Малла кокос дарахтлари ортида кўздан ғойиб бўлди, бироқ швед унинг ортидан кўзини узмай, дераза ёнида ҳайкалдек қотиб турарди. Ниҳоят, у курсига чўкиб, оғир тин олди. Нейлсоннинг бахтига зомин бўлган кимса ҳали шуми? Наҳотки, Салли шунча йил севиб, изтироб билан кутган Малла шу бўлса? Шум тақдирнинг ўйинини қаранг! Нейлсоннинг қаҳри кўзиди, ўрнидан ирғиб туриб ҳамма нарсани чилпарчин қилиб ташлагиси келди. Ҳа, уни алдашди. Улар ниҳоят учрашдилар – Малла билан Салли бир-бирини танимадилар. Нейлсон аянчли кулди, асабий қаҳқаҳа зўрайдандан зўрайиб, жазавага айланди. Маъбудлар уни лақиллатишди. Умрининг ярми зое кетди.

Ниҳоят, Салли кириб тушлик тайёр бўлганини айтди. Нейлсон унинг рўпарасида ўтириб овқатланишга уринди. Ҳозиргина шу ерда ўтирган бақалоқ меҳмон ҳамон армон билан эслайдиган ўша севгилиси эканини билганда Салли нима деган бўларди? Кўп йиллар бурун Салли етказган азоблардан безиллаб юрган пайтларда Нейлсон жон-жон деб унга буни айтарди. Чунки ўшанда Салли уни қай кўйга солган бўлса, у ҳам жувонни шундай азоблаган бўларди; аслида бу нафрат эмас, муҳаббат эди. Бироқ энди Нейлсонга барибир. У бепарво елкасини қисди.

– Боя келган одамга нима керак экан? – деб сўради Салли.

Нейлсон дарҳол жавоб бермади. Салли ҳам қартайиб қолганди. Семиз қари тубжойлик аёл. Нейлсон энди бир пайтлар нега уни телбаларча севганини тушунолмасди. Саллининг пойига қалбидаги дуру гавҳарларни тўқди, унга эса бунинг кераги ҳам йўқ экан. Бекор! Бари бекор! Ҳозир Саллига қараб Нейлсон кўнглида нафратдан бўлак ҳеч нарсани ҳис қилмасди. Бунга ортиқ чидаёлмайди. Ниҳоят, Нейлсон жавоб берди:

– У кема капитани экан. Апиадан келибди.

– Ҳа-а...

– Уйимдан хабар келтирибди. Акам оғир касал экан. Мен ортга қайтишим керак.

– Узоқ вақтга кетяпсизми?

Нейлсон елкасини қисди.

*Инглиз тилидан  
Алишер ОТАБОЕВ таржимаси*





# БОЛҚОН ЭПКИНЛАРИ

Косово Республикаси Болқон ярим оролида жойлашган, Оврупода XXI асрда пайдо бўлган янги давлатлардан биридир. 2008 йилда у Сербиядан ажралди ва ўз мустақиллигини эълон қилди, бугунда дунёнинг етмишдан ортиқ давлати уни расман таниган ва халқаро алоқалар ўрнатилган. Майдони 10 887 км<sup>2</sup> (дунёда 166 ўринда), аҳолиси 2,2 млн. киши. Пойтахти Приштина. Расмий тили албанча ва сербча. Халқининг 90 фоизи албанлар; ўлкада турклар, серблар, бўшнақлар, лўлилар ҳам яшайди. Интернетдаги маълумотларга кўра, 2004-2008 йиллар орасида Рамуш Харадина, Байрам Қосимий, Ибрагим Ругова, Фатмир Сайдий, Ҳошим Тачи президент сифатида ўлкани бошқардилар. Бугунда Косовонинг президенти Атифете Яхяага, бош вазирини Ҳошим Тачи.

Бу юрт бой ва қадимий маданиятга эга. Кейинги икки минг йилликдаги тарихига кўз ташласак, жаҳонгир Александрнинг ватани Македонияга қўшни Косово кейинроқ туркий Хун салтанатига, Византия империясига, сўнгра бу ерга кўчиб келган славянларга макон бўлди, 9-асрдан насронийлашди; 1339-1912-йилларда Усмонли империяси таркибидаги бу юртда турк-мусулмон маданияти ҳам шаклланди. 1912-13 йиллардаги Болқон урушлари натижасида бу ерда мустақил Арновуд албан давлати қурилди. 1946-90 йиллар орасида эса Югославия Федератив Республикаси таркибига киритилди ва ниҳоят, шўролар ва социализмнинг чўкиши оқибатида Косово ҳам истиқлолига эришди.

Косовода албан адабиёти каби турк адабиёти ҳам ўз тарихи ва тадрижий тараққиёт йўналишига эга. Болқон оролида булғорлар, хорватлар, македонлар ва турклар 600 йилдан бери ёнма-ён яшагани учун тилларида, маданиятларида бир-бирларига таъсир этган нуқталар кўп. Масалан, серб ва хорват тилларида етти мингтадан, македончага ундан ҳам ортиқ, булғорчага беш минг туркча сўз кирган. Можар ва румин тилларида ҳам бу таъсирни кўриш мумкин, аммо Болқонда энг кўп туркча сўз ўзлашган тил арновуд-албан тилидир. Бу жараёнда албанларнинг мусулмон динида эканлиги ҳам балки бир омил бўлгандир. Қисқаси, Косовода албан тилидаги адабиётга йўлдош ўлароқ, Косово турк адабиёти ҳам мавжуддир ва у бугунги Болқонда яшаётган 12 миллион мусулмон аҳоли маданияти билан, умуман бизнинг туркий адабиётимиз билан ҳам боғлиқдир. Шу жиҳатдан қараган ҳолда, Косово турк шоирлари ижодини илк бор ўзбекчага ўғирар эканмиз, аруз ва бармоқ вазнидаги мумтоз аъёналарга боғлиқ шеърларни, шунингдек, модерн йўналишга оид асарларни ҳам ўқувчимизга таништиришни кўзда тутдик.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган бу шеърлар дунёдаги барча туркий тилли адабиёт намуналарини қамраб олган 32 жилдлик «Туркия ташқарисидаги туркий адабиётлар антологияси. 7 жилд. Македония, Югославия-Косово турк адабиёти» китобидан саралаб олиниб таржима қилинди.

Тоҳир ҚАҲҲОР,  
ЎзДЖТУ доценти



**Ҳожи Умар ЛУТФИЙ**

(1870-1928)

**ИШҚИНГ**

Кўнгилга тажалли этибон кудрати ишқинг,  
Маҳв этти тубан туйғуларим ҳайбати ишқинг.

Бир бахт элига учди у дам руҳи равоним,  
Кўрдим у фано, орти бақо сарвати ишқинг.

Ориф ўқитибдур мени ул мактаби дилда,  
Этмиш мени-да орифи ҳақ неъматини ишқинг.

Фонийлигим авроқини ишқ ёқди, кул этти,  
Дил лавҳини пок айлади тарбияти ишқинг.

Ё Раб, на буюк неъмат эмиш неъматини ишқинг,  
Пурзавқу сафо қилди мени жаннатини ишқинг.

Билдимки яшаб, неъмату лутфинг чеки йўқдир,  
Энг тотли фақат маънавийи лаззатини ишқинг.

Касбий эмас ул мартабайини ишқини илоҳий,  
Бир Лутфини худо фатҳига бу давлатини ишқинг.

**Фаҳрия ЧЕРКАС**

(1929)

**ШАМОЛ**

Чақирмоққа арзир,  
Тинмасдан чақир:  
«Кел, шамол, бағримга!  
Ичимда бақир!..»

**ЁЛҒИЗЛИК**

Шеър — бир эрмак ва ё одатдир,  
Ё жумбоқли бир ҳақиқатдир,  
Биз кўниккан хаёл, ҳаётдир,  
Ё изланган бир истеъдоддир.

Ёлғизлик —  
Бир ҳолатми, айтгил,  
Ё бир туйғу,  
Офатми, айтгил?..

## Неъматиллоҳ ҲОФИЗ

(1939)

### **БОСАМОҚ**

Қутлуғ зинам — босамоғим бор,  
У онамдан қолган бир ёдгор.

Чиқмоқдаман тепага бир-бир,  
Оёқларим титрайдир зир-зир.

Босамоқдан юксалмоқ оғир,  
Энмоқ қандай бўлар — ким билир?

Пастга тушмоқ истамам ҳеч чоқ,  
Бироқ тупроқ тортадир, тупроқ.

### **КЕТГАНИНГДАН КЕЙИН**

Сен кетгач мен сўзлайин кимга?  
Салқин тушди кийимларимга,  
Бир оғриқ бор қуёш нурида,  
Қайғу бор кўк юлдузларида...  
Қушлар  
Ҳар дам чекадир фарёд,  
Кетганингдан сўнг шудир ҳаёт.

Болаликнинг тотти қолмади,  
Дудоғимда аччиқ чанг тотти.  
Кўзларимда ёмғир ҳавоси,  
Қулоғимда ҳасратлар саси,  
Дунё мендан юзин бурди жим,  
Кетганингдан кейин мен ўлдим.

### **ЁНҒИНЛАР**

Қўряпсизми, бир ёнғин бор қишлоқларда,  
Ўт туташмиш балки чироқ, ўчоқлардан...  
Уйлар ёнар, жонлар ёнар овлоқларда,  
Чопинг, тезроқ сўндирайлик ёнғинларни.

Қаранг, ёнган қоғозларда шонлар ёнар,  
Кеча, бугун ерда оққан қонлар ёнар,  
Ҳар учқунда арвоҳ, шаҳид жонлар ёнар,  
Чопинг, тезроқ сўндирайлик ёнғинларни.

Минора ҳам, қаранг, ўтда ёқилмоқда,  
Ҳайкалларнинг тоши ёниб, йиқилмоқда,  
Алангалар босқини бор қалъа ёқда,  
Чопинг, тезроқ сўндирайлик ёнғинларни.

Чопинг, ахир ёнмоқда юрт тупроқлари,  
Ёнмоқдадир тарихларнинг япроқлари,  
Ёнмоқдадир оталарнинг байроқлари,  
Чопинг, тезроқ сундирайлик ёнғинларни.

## **КУЗ**

Куз келиши маълум бўладир  
Кўк юзининг кўз ёшларидан,  
Япроқ тўккан оғочларидан.

Қушлар йиғлаб учиб ўтаркан,  
Сувлар синграб қўшиқ айтаркан,  
Куз келиши маълум бўладир.

Боғлар етти рангда куладир,  
Хумлар мусалласга тўладир,  
Куз келиши маълум бўладир.

Одамларнинг кийинишидан,  
Болаларнинг суюнишидан  
Куз келиши маълум бўладир.

## **Ҳасан МАРЖОН**

(1944)

### **СОПОЛ КОСА**

Бизда одат  
Хотин ўғил туққанда,  
Гулсуви берилар сопол косада –  
Бола қайда юрса, эс-хушли бўлсин.

Бизда одат  
Келинлар қиз туққанда,  
Гулсуви берилар сопол косада –  
Қиз қайда бўлса ҳам, номусли бўлсин.

### **ИНОНМА**

Мени чайнасалар, қораласалар,  
Инонма!

Зулматда кезиб ҳар саҳар,  
Қуёш нурларини уйғонтирган – мен.  
Асабий, сўконғич, қўпол десалар,  
Инонма!

Қаҳр этиб, сўксам ҳам агар,  
Тинчим ўғирлаган кунни сўкамен.

## **БУГУН**

*Шоир Зайнал Бексочга*

Бугун  
Бир ёғдуни  
Бир булут суд қилмоқда,

Нурнинг инъикосини  
Жиноят деб билмоқда.

Бугун  
Бир булбулга  
Ташланар тошдай жимлик,

Ошиқни  
Жазолаб,  
Қилсам дер у ҳокимлик.

## **ЮРАК**

Бор эди,  
Йўқ бўлди,  
Йўқлигини тошдан ўйдилар;

Уни унутганча,  
Буни совуқ-совуқ севмоқ учун  
Ичига тош қўйдилар.

Ўҳ-ҳ-ҳ...

Эҳ, у ўлмас,  
Ўлолмас,  
Чунки ҳеч яшамади.

## **Олтой РАЖАБЎҒЛИ**

(1949)

### **БИР ҚАНОТЛИ ҚУШ**

Кўкларники эмассан ортиқ,  
Ер юзини севмаган, ҳей, қуш!  
Бир қанотинг кеча узди ўқ,  
Жон узмоғинг бугун кўп нохуш...  
Ҳаво кирли,  
Сувлар оғули,

Ҳар кун ортар қонларда оғу,  
Ташвиш ортар,  
Оёқлар боғли,  
Ў-ў-ў, учмоққа йўқдир ҳеч чоғим...

Бир қанот-ла бўлса ҳам  
сен уч!  
Шу учганча қайтиб тушма ҳеч —  
Кўкнинг теран-теранлигига  
Учиб кетгил,  
қайтиб келма, қуш.

## Зайнал БЕКСОЧ

(1952)

### ***ДЕВОНАВОР ТУШ***

Бир иш қилсак иккимиз, шошсак —  
Бир одимда минг йилни ошсак!

Яп-янги бир ҳаётга кетсак,  
Ортадаги минг йилни унутсак.

Энди туғилган  
Бир гўдак бўлсак,  
Инсонлик уйин янгидан солсак.

Бўлмаса ҳеч миршаб,  
Қўмондон, аскар,  
Жиноятчи, қотил, занжиру турма,  
Шундай ҳаёт курсак!  
Кел, юзинг бурма!..

Кўзинг оч, ҳей девона, кўп хаёл сурма!

### ***РУМ ЭЛИДА КУЗ***

*Шоир Суот Энғауллига*

Яна йўлга тушдик соғинч, ҳасрат-ла,  
Юракларни йўлга тўшаб асфальтдай.

Минг-минг йил кўчдик, бот кўчмоқ чоғидир,  
Умр — бир шип-шийдам  
тол буюғидир.

Чўпон қўноқ қилди, дардин тингладик,  
Шаҳар не, қишлоқ не, фарқин англадик,  
Жавобсиз қолмиш кўп ариза, истам ... —

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**



Қаламим бош эгди,  
Тутдилар мотам.

Не-не йўллар ўтдик,  
Бошни тик тутдик,  
Ишимиз — чираниш, бу эсимизда.  
Манглайга ёзилмиш ғурбат, не этдик,  
Сўзимиз, тилимиз — номусимизда.

Рум элида куздир — боғбузум фасли:  
Узумлар узилар, қушлар талашли;  
Эски қароқчилар  
Йўлда бу замон,  
Юракда най инграр,  
Яқиндир тўфон.

## Оқим Рифат ЯШАРАН

(1953)

### **КИМСАСИЗ**

Кўприқдан ўтди келин  
Ярамни тешди тилинг  
Қирғоқларда изларим  
Олиб кетмасин селинг

Сувларнинг усти сарин  
Қайиқнинг туби теран  
Болқондаман кимсасиз  
Кўприк остида ерим

### **АЛОҚАЛАР УЗИЛГАН ЕР**

Шошмайман энди ҳеч сиз ёққа  
Шошилмоққа йўқ энди тоқат  
Шошадиган ерим қолмади

Ҳаёт отдай кишнар  
Ўзин олдга ташлар  
Мин дейди  
Минмайман  
Минишларим битган  
Сев дейди севгисизлар  
Юнус Эмра айтганидай сев  
Севгингиздан ўргилдим сизнинг  
Ой билмайдир

Сувларда изим  
Сувлар узра  
Гизланган гизим

Қани қайда  
 Сўлим ўнгларим  
 Олдим ортим  
 Тору кенгларим  
 Ёнимда сўнгсизлик  
 Мен ўртадаман

Тўкаман  
 Тўлдираман  
 Тўлмас бўшлиқ

Бўшлиқда яшайдирман  
 Турган ерим йўқ

### ***ЁМОНЛАР БИРЛАШДИ***

Баттол тупроқ баттол ер  
 Ёт ўтларга тўлибдир

Бот-бот ботадир тикон  
 Овчига ўлжа жайрон

Кўз очсанг бўҳтон тухмат  
 Кўз юмсанг сўкиш фақат

Сен ҳақда не ёлғон бор  
 Билмайсан дунё билар

Эҳ Калўғлон  
 Калўғлон  
 Бирлашмиш барча ёмон  
 Яхшилар ҳам бирлашсин  
 Пайтидир келган замон

### ***ЁМҒИРДА ИВИГАН КЎРИНИШ***

Ғавғони Кўрдим Фақат  
 Меҳрни Кўрмадим

Меҳрсиз Ғавғонинг  
 Ғавғосиз Меҳрнинг  
 Бориға Лаънат

Аразлаган Ҳаётдан Давлат  
 Хафалигим Ичимга Сиғмас  
 Ёмғирда Ивийдир Ташқим  
 Асосий Қонунга Уйғун Қиёфам

Чақмоқларнинг Ўткинчи Ишқи  
 Шап Деса Туғилар  
 Шап Деса Улар

Оғочлар Ечинди  
Уялмас Ҳеч Энди  
Қизлар Кийинди

Қизлар Ечинганда  
Оғочлар Ёнди  
Уялди Кийинди

Хотинлар Ечинганда  
Оғочлар Кийинганда Гўзал

Кечмиш Замонада Кун Кўрар  
У Ерда Яшар  
Битта Кўзи Бор  
Ўшандан Қарар

Ҳеч Бир Ерда Ўлмоқ Истардим  
Ҳеч Бир Нарса Юз Бермагандай

Мен Борман  
Йўқлигим Мен Билан Бордир  
Йўқ Бўлсам  
Бор Дея Санар  
Кўнглим Тўқ

*(Борман Йўқман  
(Бору Йўқ)*

Тонготарни Кунботардан Бошлар  
Тунга Кирар Қўшниникидан

Энг Сўнги Бир Нуқтаиди Ўзи  
У Нуқтада Йўқолди Изи

Ўлганди  
Жанозаси  
Ўқилиб Бўлганди  
Фақат Ёмғир  
Ёмғир Ёғарди  
Энди Олдин Ва Кейин  
Сувлар Ортга Оқарди

Туркчам Билан Кафанланг Мени  
Дуолар Ўқисин Мавлудчи Қушлар  
Улар Бир Ён  
Бир Ёнда Азони Замон  
Мозорим Тошига Тилимни Қўйинг

# Усмон БАЙМОҚ

(1954)

## **КИМСАСИЗ ТУН**

Бир тунки, туганмас,  
Кимсасиз, етим.  
Юзлаб қуёш ўлди, жунжикар этим.

Кўк мағрур, тошбағир,  
Булутни осар,  
Ер-кўк орасида турғун васваса.

Сургунми, қирғинми —  
Ғира-ширада  
Ўлурлар... ўлурман шу депарада.

Оғизлар тош тўла.  
Ўсар кўлкалар.  
У сенми? У менми? Савол тилкалар.

Ўртамизда бир тун.  
Кетаётган кема дудук чаладир.

## **ҲУРРИЯТ**

У бир дуркун боладир,  
Ҳовучида қуёш бор.  
Кўзларида сўнмас нур,  
Хаёллари эркин, ҳур.

У бир дуркун бола-да,  
Шамол бордир қўлида,  
Юксак учар варраги,  
Эрклик истар юраги.

У бир дуркун боладир,  
Кўзи уфқни оладир,  
Кўнглида — қуёш, ният,  
Унинг ўзи — ҳуррият.

*Турк тилидан  
Тоҳир ҚАҲҲОП таржималари*





Генри Райдер  
ХАГГАРД



## КЛЕОПАТРА

Роман  
ИККИНЧИ КИТОБ

VI боб

*Adabiyoti*

*Ушбуда Хармиананинг рашики ва эътирофи саҳнаси; жавобан Хур Моҳнинг кулгани; қонли ҳаракатга тайёргарлик ва кайвони Атуанинг Хур Моҳга етказган хабари ҳақида ривоят қилинади.*

Мен чуқур хаёлга толганча бир жойда қимир этмай туриб қолдим. Сўнг тасодифан кўзим атиргул чамбарига тушди ва уни кўлимга олдим. Бир жойда қанча вақт турганимни билмайман, бироқ охири кўзимни кўтариб қараб, Хармианани кўрдим – у бутунлай эсимдан чиқиб кетган эди. Гарчи ўша паллада фикрларим ундан жуда узоқда бўлса-да, мен саросима ичида ғазабдан унинг юзи лов-лов ёнаётганини ва у оёқчаси билан ерни бетоқат тепаётганини пайқадим.

– Э, бу сенмидинг, Хармиана? – дедим мен. – Сенга нима бўлди? Оёқларинг қотиб кетгандир, чунки тахмонда шунча узоқ қолиб кетишинга тўғри келди. Биз Клеопатра билан майдончага чиққанимизда нега билдирмасдан чиқиб, қочиб кета қолмадинг?

– Рўмолим қани? – сўради у ғазабли кўзларини менга тикиб. – Шойи рўмолимни шу ерда тушириб қолдирган эканман.

– Нега рўмолим қани дейсан? Наҳотки кўрмаган бўлсанг? Клеопатра жиғимга тегавергандан кейин, мана бўлмаса, деб пастга отиб юбордим.

– Хотиржам бўлинг, кўрдим, кўрганда ҳам ҳаммасини жуда яхши кўриб турдим. Рўмолимни отиб юбордингиз, анави атиргул чамбарини эса – уни отиб юборолмадингиз. Ахир бу маликанинг совғаси эди-да, шу боисдан шоҳ Хур Моҳ, Исида коҳини, маъбудларнинг суйган бандаси, ўзини Мисрнинг уйғониши ва гуллаб-яшнаши йўлига фидо қилган тождор фиръавн уни кўз қорачиғидай сақлайди ва ундан завқланади. Бир тутам хашак чамбар қаёқда-ю, менинг шойи рўмолим қаёқда, – фоҳиша маликамикз устингдан кулса, уни отиб юбориш керак экан-да!

– Нималар деяпсан ўзи? – сўрадим мен, унинг овози тобора аламли чиқаётганидан таажжубга тушиб. – Гапларингнинг бари бошдан-оёқ жумбоқ-а?

– Нималар деётганимни тушунмай қолибсизми? – У бошини орқага силтади, унинг оппоқ, текис қайрилган томоғини шунда кўрдим.

Журнал вариантнинг охири. Боши ўтган сонларда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

57

– Ҳеч нима деётганим йўқ, асосий гап нимадалигини ўзингиз мендан кўра яхшироқ билсангиз керак, менинг айтиб ўтиришимга ҳожат йўқ. Одам деган ҳам шунчалик соддадил бўладими, Ҳур Моҳ, оғажоним? – давом этди паст овозда, аммо заҳархандалик билан. – Унда мен ўзим тушунтириб бера қолай: сизни буюк хатар кутиб турибди. Клеопатра сизни ўзининг машъум тўрлари билан чирмаб олди ва сиз уни деярли севиб қолдингиз, Ҳур Моҳ, ҳа, эртага ўлдиришингиз керак бўлган одамни севиб қолдингиз! Ҳа, энди шундай тураверинг-да, илон аврагандай кўлингизда ушлаб турган чамбарга тўйиб-тўйиб қарайверинг, ҳа, бу ўша сиз менинг рўмолим ортидан отиб юборишингиз керак бўлган чамбар. Бўлмаса-чи, ахир у Клеопатранинг бошини безаб турган эди-да. Бу муаттар атиргул чамбаридан Цезарь ва кўплаб бошқа эркаклар сочининг ҳам ёқимли ҳиди келиб турибди-да. Менга айтинг-чи, азизим Ҳур Моҳ, сизлар майдончада турган вақтингизда ўз такаллуфларингиз билан яна анча-мунча ишларни ҳам дўндириб қўйгандирсизлар? Чунки мен яшириниб турган тахмондан менга ҳеч нарса кўринмасди. Севишганлар учун бундан қулай жой бўлар эканми, қалай? Вақт ҳам худди шунга мос, хўп деяверинг. Шак-шубҳа йўқ: бугун барча юлдузлар устидан Венера ҳукмронлик қилмоқда.

У бу гапларни ҳаяжонга берилмай, мулойим оҳангда ва ҳатто эркаланиб айтаётган бўлса-да, аммо тилидан бол эмас, заҳар томиб турар, ҳар бир сўзи юрагимни жизиллатиб куйдириб ўтарди, азбаройи ғазабим кўзиганидан унга қандай кескин жавоб айтишни ҳам билолмаётгандим.

– Ҳа, сиз фурсатни бой берадиганлардан эмассиз, – чақишда давом этди у менинг саросималанганимни кўриб, — эртага ханжарингиз зарбидан абадий тинадиган лаблардан бугун сиз бўсалар оляпсиз! Ҳаммасини аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиққансиз ва фурсатни ғанимат билмоқдасиз – бундан улуғроқ ва табаррукроқ хулқ-атвор бўларканми?

Шу ерга келганда сабр косам тўлиб, тилга кирдим.

– Менга бундай тўхматлар қилишга нима ҳаққинг бор, зумраша? – қичқирдим мен. – Ё ўзингнинг ва менинг кимлигимни унутдингми? Аҳмоқона кинояларинг билан менга бундай маломатлар қилишга қандай ҳаддинг сиғди?

– Сиз ўзингизни ким каби тутишингиз кераклиги менга кундай равшан, – шартта қайириб ташлади у. – Фақат ҳозир кимлигингизни билмаган эдим. Буни фақат сиз биласиз – сиз ва Клеопатра билади.

– Нимани назарда тутяпсан ўзи? Ахир малика ўзи...

– Малика? Ана холос, ҳали фиръавнимизнинг маликалари бор эканми?

– Ахир Клеопатранинг ўзи бу ерга тунда келиб, мен билан гаплашмоқчи экан.

– Юлдузлар ҳақида, Ҳур Моҳ, юлдузлар ва атиргуллар ҳақида гаплашмоқчи бўлган, шундан бошқа уни ҳеч нарса қизиқтирмайди!

Унинг бу гапига нима деб жавоб бердим – эслолмайман, зеро, бусиз ҳам қоним қайнаб турган эди, қизнинг заҳарли тили ва мулойимгина бўлиб чиқаётган кинояли овози устига устак бўлди. Фақат бир нарсани биламан: унга шундай қаҳр билан муомала қилдимки, шўрлик қизнинг нақ ўтакаси ёрилаёзди, юнонча кўйлак кийиб келганда амаким уни боплаб тузлаганда қандай ҳолга тушган бўлса, бу гал ҳам худди шундай бўлди. Ўша оқшомдагидек бу сафар ҳам кўз ёши қилмоқчи эди, фақат ҳозир у йиғламади, балки овозининг борича ўкраб юборди.

Охири мен жимидим, ич-ичимдан хижолат чека бошладим, ҳали ғазабим босилганича йўқ эди, ғуссадан юрагим бир тутам бўлди. Гарчи қиз хўнграб йиғлаётган бўлса-да, ҳақини қўймаётганди. Вақти-вақти билан заҳарли ва ўткир нишларини санчиб-санчиб олаётганди.

– Менга бунақа кўпол гапиришга нима ҳақингиз бор? Бу ёвузлик, бу



эркак кишининг иши эмас! Аммо эсимдан чиққан экан: ахир сиз эркак эмассиз-ку, бор-йўғи қоҳинсиз! Балки, Клеопатра билангина эркакдирсиз!

– Мени ҳақоратлашга нима ҳақинг бор? Бу гапларинг билан нима демоқчисан?

– Нима ҳақим бор? – сўради у менга тимқора кўзлари билан қараб; бу кўзлардан тонгги шабнамлар лолагулнинг япроғидан томиб тушгани каби унинг нафис юзидан тўкилмоқда эди. – Нима ҳақим борлигини айтайми? Эҳ, Хур Моҳ, наҳотки шунчалар сўқир бўлсангиз. Наҳотки сиз билан бу тахлит гаплашишга қандай ҳаққим бор-йўқлигини ростданам билмасангиз. Начора, унда мен сизга очигини айтишимга тўғри келади. Искандарияда бундай эътироф жиноят ҳисобланмайди. Эшитинг, қандай ҳаққим бор экан? Бу аёл зотининг буюк ва муқаддас ҳуқуқи, бу чексиз муҳаббат билан севиш ҳуқуқи! Мен сизни ана шу муҳаббат билан севаман, Хур Моҳ, аммо бўлган ишлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, бу муҳаббатимни, менинг бахтли бўлиш ва шарманда бўлиш ҳуқуқимни мутлақо сезмаяпсиз. Оҳ, мендан жаҳлингиз чиқмасин, Хур Моҳ, мендан юзингизни ўғирманг, мени энгилтак аёл деб билманг, чунки лабларимдан охири аламли сўзлар учиб чиқди – мен зинҳор энгилтак аёл эмасман. Мен – қандай шаклга соламан десангиз, ўша шаклга кирадиган аёлман. Мен – ҳайкалтарош қўлидаги мумман, ундан нимани чаплаб яасангиз, ўша чиқади. Қалбимда эзулик ва нур долғаси кўтарилиб келмоқда ва агар сиз менинг дарғам, менинг йўлбошчим бўлсангиз, қалбим мени ҳеч қачон орзу қилмаган, тушимга кирмаган руҳи баланд ва олижаноб мамлакатга олиб келади. Бироқ борди-ю, сизни йўқотгудек бўлсам, унда мендаги барча ёмон нарсани тутиб турган тизгинни ҳам йўқотаман ва шунда кемам парча-парча бўлиб кетса ҳам розиман! Сиз мени билмайсиз, Хур Моҳ, менинг нозиккина жисмим ичида қанақанги қудратли кучлар бир-бири билан олишаётганини қаёқдан ҳам билардингиз! Сиз учун мен бор-йўғи гуноҳқор, айёр, инжиқ, мияси бўм-бўш аёлман. Ишонинг, аслида ундай эмас! Узингизнинг энг олий фикрларингизни мен билан баҳам кўринг, мен сиз билан тенг шерик бўлай, ақлингизни қандай ечилмас сир қийнамоқда, бунинг тагига етишда мен сизга ёрдам бераман. Бизнинг сиз билан қонимиз битта, орадаги арзимаган тафовутни муҳаббат супуриб юборади, муҳаббат бизнинг битта вужуд бўлиб бирлашиб кетишимизга ёрдам беради. Бизнинг мақсадимиз ҳам битта, биз бир шу тупроқни севамиз деб бир хилда онт ичганмиз. Мени қалбингиз тўрига олиб кириг, Хур Моҳ, Юқори ва Қуйи Миср тахтида ўзингиз билан ёнма-ён ўтқазинг ва онт ичиб айтаманки, мен сизни ердаги одамлардан биронтаси ҳам кўтарила олмайдиган юсакликка олиб чиқаман. Борди-ю, мендан юз ўгирадиган бўлсангиз, шўрингиз қуригани шу, зеро, мен сизни кунпаякун қиламан! Шундай қилиб, расм-русумларимизни назар-писанд қилмай, ўзимнинг қизлик вазминлигим ва одобимни четлаб ўтиб, сизга севгимни изҳор этдим, гўзал малика Клеопатра мени шундай дангал иш тутишимга сабаб бўлди, у ўзига эрмак учун найранглари билан нодон мунажжимим Хур Моҳни забт этишга азму қарор қилган маккорликнинг жонли тимсоли. Энди менга жавоб беринг, қулоғим сизда.

У қўлларини тугди ва мен томон атиги бир қадам ташлади-да, бўздай оқарган, титраган ҳолда кўзларини менга тикди.

Мен бамисоли тилдан қолган эдим, зеро, аксига олгандек, унинг фусункор овози ва эҳтиросли сўзлари юракни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган мусиқадек менга қаттиқ таъсир қилган ва ҳаяжонга солганди. Борди-ю, бу аёлни севадиган бўлсам, ҳеч шубҳасиз, унинг оловида куйиб кетган бўлардим; бироқ унга нисбатан заррача севгини ҳис этмаётган эдим. Ақл билан эҳтиросни чақириш эса қўлимдан келмасди. Миямда турли

манзаралар лип-лип қила бошлади, нимагадир бирдан кулгим кела бошлади, асаблари ҳаддан ташқари таранг тортилган одамда одатда шундай бўлади. Мен Хармиананинг бошимга атиргул чамбарини бостириб кийгазиб қўйган ўша оқшомги зиёфатни кўз олдимга келтирдим. Кейин мен минорадан отиб юборган унинг рўмолини эсладим. Ана, Хармиана тахмонга яшириниб олиб, Клеопатранинг, унинг сўзлари билан айтганда, найранглари кузатяпти, унинг заҳарли сўзлари қулоғимга чалинди. Охири кўнглимга шундай гаплар келди: қизик, Хармианани ҳозир кўрганида ва сўзларини эшитганида амаким Септа нима деган бўларди, худди қопқонга тушгандек, мен пайдо бўлган ғалати, чалкаш ҳолат ҳақида нима деган бўларди? Мен қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. – Эҳ нодон, шу кулгим билан ўзимни ҳалокатга маҳкум этгандим!

Хармиана баттар оқариб кетди, юзи кўкиш тусга кирди, тайёр мурда, унда менинг аҳмоқона кўнгилчоғлигимни етти қат ерга кўмган ифода пайдо бўлди.

– Хўш, бундан чиқди, Хур Моҳ, – деди у шивирлаб, ерга қараганча, – менинг сўзларим бор-йўғи сизга завқ бағишлабди-да?

– Йўқ, Хармиана, йўқ, – жавоб бердим мен, – бу аҳмоқона кулгим учун сендан узр сўрайман. Ахир алам қилганидан кулдим мен. Сенга нима ҳам дер эдим? Сен нималарга қодир эканлигинг тўғрисида шу қадар тўлқинланиб ва кўтаринки руҳда гапирдинки, сен тўғрингда мен бундан ошириб нимани ҳам айта олардим?

Хармиана ғужанак бўлиб олганди ва мен жим бўлдим.

– Гапираверинг, – шивирлади у.

– Мен кимман ва мен нимани бажаришим керак, бошқалардан кўра кўпроқ сен биласан, ҳа, сен; яна шуни ҳам биласанки, мен Исидага бахшидаман ва илоҳий қонун сени севишим ҳақида ҳатто ўйлашимга ҳам изн бермайди.

– Тўғри, – сўзимни бўлди у ҳамон паст овозда ва ўша-ўша кўзини ердан узмай, – буни мен биламан, яна шуни ҳам биламанки, сиз ўз онларингизни буздингиз, амалда бўлмаса ҳам қалбингизда буздингиз, онларингиз осмондаги бир тўп булутдай тарқаб кетди: ХҲР МОҲ, СИЗ КЛЕОПАТРАНИ СЕВИБ ҚОЛДИНГИЗ!

– Бўхтон! – қичқирдим мен. – Фоҳиша, сен мени аврамоқчи ва бурчимга хиёнат қилишга, Мисрнинг юз-кўзича юзимга ювиб бўлмас доғ чаплашга ундамоқчи бўляпсан! Эҳтиросга, иззат-нафсга берилиб, эҳтимолки, ёвузлик қилишга, ташналиқдан илҳомланиб, сен қизлик иффатингни сақловчи тақиқлардан кўз юмишгача бординг, бундан ор қилмадинг, мени севишингга иқрор бўлдинг! Эҳтиёт бўл, ҳар нарсанинг ҳам чек-чегараси бўлади! Жавоб айтишимни хоҳлаганмидинг? Начора, сен қандай сўраган бўлсанг, худди шундай очиқчасига жавоб бераман. Хармиана, мени сен билан мамлакат олдидаги бурчим ва ичган онтимгина боғлаб турибди, бошқа ҳеч нима йўқ ўртамизда! Меҳр тўла нигоҳларинг билан мени аврашга ҳарчанд уринма, юрагим бундан тезроқ уриб кетмайди. Ҳатто сенга нисбатан дўстона туйғуларим ҳам беному нишон йўқолди, зеро, шу дамдан бошлаб сенга заррача ишончим қолмади. Аммо яна бир карра огоҳлантириб қўяй: эҳтиёт бўл! Сен менга кўнглинг хоҳлаганча зарар етказишинг мумкин, аммо, борди-ю, муқаддас ишимизга тирноқча зарар етказишга журъат этгудек бўлсанг, билиб қўй, сен тирик қолмайсан! Мен ҳамма гапни айтдим. Уйин тугади.

Ғазабдан ўзимни қаерга қўйишни билмасдим ва гапларимни тинглар экан, Хармиана орқага чекиниб кетаверди, кетаверди ва охири деворга бориб тақалди, қўллари билан юзини яширди. Мен гапдан тўхташим ҳамон у қўлларини туширди, у менга қаради, аммо унинг юзи ҳайкалдай

жонсиз эди, фақат кўзлари атрофини сиёхранг кўлка қуршаган, икки лахча чўғдай ёниб турарди.

– Ҳа, ўйин тугади, – такрорлади Хармиана паст овозда, – саҳнага қум сепиш қолди, холос. – У гладиатор жангларидан кейин қон тўкилган майдонга майда қум сепилишини эслатмоқда эди. – Нима ҳам дердим, – давом этди у. – Бу қадар жирканч хилқат ғазабингизни бекорга исроф қилишингизга арзимайди. Мен ошиқни ташладим ва ютқаздим. Ханжарингизни бериб тулинг, кўкрагингизга, кийимингиз орасига яшириб қўйган ханжарингизни беринг, мен ҳозирок, бир дақиқа ҳам фурсатни бой бермай бу шармандалиқдан қутулай! Бермайсизми? Унда ҳеч бўлмаса гапимга қулоқ солинг, эй шоҳ Хур Моҳ, айтган гапларимни эсдан чиқаринг, ёлвораман, бундан кейин ҳеч қачон мендан кўрқманг. Мен ҳам аввалгидек сизга ва ўзимизнинг умумий ишимизга садоқат билан хизмат қилажакман. Хайр!

У кўллари билан деворга ёпишганча у ердан қорасини ўчирди. Мен эса хобгоҳимга бордим-да, ўзимни тўшакка ташладим ва қийноқдан инграб юбордим. Ҳайҳот, режалар тузамиз-да, аста-аста умид биносини кўтарамиз, вақт бу уйга қанақа меҳмонларни олиб келишини билмаймиз. Олдиндан кўриб-билиб бўлмайдиган нарсани ким кўриб, ким билар экан-а?

Охири ухлаб қолдим ва тун бўйи алоқ-чалок тушлар кўриб чиқдим. Уйғониб қарасам, деразадан қуёш нури тўкилмоқда, бу кун бизнинг қонли ниятларимиз ижросини кўражак. Хурмозор боғ орасида қушлар қувноқ сайрар эди. Ҳа, мен уйғондим ва ўша заҳоти бир офатни кўнглим сезиб, юрагим санчиб оғриди. Зеро, бугунги кун абадият қаърига маҳв бўлишидан олдин мен кўлларимни қонга, менга ишонадиган ва мени ўзининг дўсти деб биладиган Клеопатра қонига бўяшим кераклигини эсладим. Мен уни ёмон кўришим керак, нима учун менда унга нисбатан нафрат йўқ? Бир вақтлар ушбу интиқом ишига юксақ жасорат каби қарар ва уни амалга оширишга зор-интиқ эдим. Энди бўлса... энди бўлса... виждонан тан олиб қўя қолай: ўзимнинг шоҳона наслимдан жон-жон деб воз кечай, фақат мени мана бу оғир вазифадан халос этсалар, бас. Аммо, афсуски, бундан қутулолмаслигимни аъло даражада билардим. Паймонани охиригача сипқоришим шарт, акс ҳолда умрбод шармандалиқдан икки юзим қора бўлмай. Ортимдан Мисрнинг, барча маъбудларнинг кўзлари тек кузатиб турганини ҳис этдим. Мен ўзимнинг самовий онам Исидага тавалло қилдим, бу ишни амалга ошира олмагим учун менга куч ато этишини илтижо қилиб сўрадим, ҳеч қачон дуоларимга зам қилмаган эҳтирос ва ихлос билан ибодат қилдим, аммо, таажжубки, илоҳа менинг нолау афғонларимга жавоб бермади. Нима учун? Нима бўлди? Бизни боғлаб турган риштани ким узди? Маъбуда ҳаётида биринчи марта ўзининг суюкли ўғли ва содиқ қулининг илтижоларини эшитишни истамай қўйиши нечук юз берди? Наҳотки юрагимда унга қарши гуноҳ содир этган бўлсам? Мен Клеопатрани севишим ҳақидаги гапни Хармиана қаердан олди? Наҳотки бир севгини деб шунчалар азоб чекишим керак бўлса? Йўқ, минг карра йўқ! Бу шунчаки сотқинлик ва қон тўкилишига қарши ёруғ оламнинг табиий норозилиги, холос. Маъбуда шунчаки менинг кучимни синаб кўришга қарор қилган ёки эҳтимол, у ҳам ўзининг раҳмат нури ёққан порлоқ чеҳрасини қотилликка қасд қилаётганлардан тескари ўгириб олаётгандир?

Даҳшат ва ғазабдан титраганча ўрнимдан турдим ва ишлар билан шуғуллана бошладим, аммо бу гўёки мен эмасдим. Машъум рўйхатдаги барча исмларни ёдлаб олдим, ичимда ҳаракатлар олдинма-кейинлигини такрорладим, бу ҳам камлик қилгандай, ҳаттоки, хаёлан фиръавннинг фуқароларига эртага бутун дунёни ҳайратга соладиган мурожаатни

тузиб чиқдим:

– Искандария фуқаролари ва Миср мамлакатининг аҳолиси, – мурожаат ана шундай бошланар эди, – маъбудларнинг хоҳиш-иродаси ила Муқдония Лагийлари сулоласидан Клеопатра ўз жиноятларига яраша жазоланди...

Мен меҳнат қилишда давом этардим, аммо ҳаммасини тушда қилаётгандек бўлардим, гўё менинг на ихтиёрим бор эди, на хоҳишим, мени ташқаридан қандайдир кучлар ҳаракатлантираётганга ўхшарди. Вақт ўтиб борарди. Кундуз соат учда олдин шартлашиб олинганидек амаким Сепанинг уйига келдим. Бу ўша, уч ой муқаддам, кечқурун, Искандарияга сузиб келганда биринчи кирган уйим эди. У ерда кенгаш раҳнамолари хуфия тарзда йиғилишарди, улар Искандарияда бош кўтарганларга раҳбарлик қилишлари керак эди, улар ҳаммаси бўлиб етти киши эди. Мен кириб, хона эшиклари қулфлангач, улар қаршимда тиз чўкиб таъзим қилишди. “Дунё тургунча туринг, азиз фиръавнимиз!” деб хитоб этишди. Лекин мен улардан туришларини илтимос қилдим ва айтдимки, мен ҳали фиръавн эмасман, мен ҳали тухумдан чиқмаган жўжаман.

– Тўғри, шахзода, – кулди амаким, – аммо жўжанинг тумшуғи пўстлоқни ёриб бўлган. Агар бугун тунда ханжар билан зарба беришнинг урдасидан чиқсанг, демак, бунча узоқ йиллар давомида Миср бу тухумларни бекорга босиб ётмаган бўлади. Сенга нима ҳам халақит берарди? Биз тўғри ғалаба сари бормоқдамиз, бизни ҳеч ким тўхтатмайди.

– Ҳаммаси маъбудларнинг хоҳишига боғлиқ, – жавобан дедим мен.

– Йўқ, – эътироз билдирди амаким, – маъбудлар бу ғалабани бандасининг иродасига буюрганлар – сенинг иродангга, Ҳур Моҳ, сенинг ироданг эса енгилмас, чўнгдир. Қара, яна бир нечта рўйхат бор. Бизни қўллаб, ўттиз бир минг қурулди жангчи онт ичган, улар Клеопатранинг ўлими ва сенга тож кийдирилиши ҳақидаги хабар етиб келишига маҳтал туришибди. Беш кундан кейин Мисрнинг барча қалъалари бизнинг қўлимизда бўлади, хўш, ўшанда биз нимадан кўрқамиз? Римдан ҳам кўрқмаймиз, аввал у ўз ишларини бир ёқлик қилиб олсин; бунинг устига биз триумвират билан иттифоқ тузамиз ва керак бўлса, ундан пул бериб қутулиб оламиз. Мамлакатда пул етарли, борди-ю, талаб этилса, уни қаердан топишни биласан, Ҳур Моҳ, бу пул Кемет эҳтиёжи учун, қора кун учун махфий жойга яшириб қўйилган, римликлар икки дунёда ҳам уни топишолмайди. Ким бизга ёмонлик қилиши мумкин? Ҳеч ким. Эҳтимол, бу омонат шаҳарда кураш бошланиб кетар, эҳтимол, яна битта фитна бордир, унинг иштирокчилари Мисрга Арсинояни келтириб, уни тахтга ўтқозишмоқчидир? Унда Искандарияга қаттиққўллик қилишга тўғри келади, ҳатто керак бўлса, уни вайрон қилинади. Арсинояга келсак, эртага, маликанинг ўлими маълум бўлгандан кейин биз одамларни оёққа кўтарамиз, улар маликанинг синглизини асфалософилинга жўнатишади.

– Бир болакай ҳам бор, Цезарион, – дедим мен. – У – Клеопатранинг меросхўри, модомики, устларидан Цезарион ҳукмронлик қилар экан, римликлар Миср бизга қарайди, деб даъво қилишлари мумкин. Бу ерда катта хатар бор.

– Ҳеч қанақа хатар йўқ, – эътироз билдирди амаким, – эртага Цезарион Аментида, уни ёруғ дунёга келтирган одам билан учрашади. Мен бунинг ҳам ғамини еб қўйганман. Птоломейлар насли илдиз-пилдизи билан кўпориб ташланмоғи керак, токи маъбудларнинг қарғиши урган бу дарахт илдизларидан бошқа битта ҳам бутоқ ўсиб чиқмасин.

– Қотилликсиз қилса бўлмайдимми шу ишларни? – ғамгин сўрадим мен. – Қон дарёларини ўйласам, дунё кўзимга қоронғу кўриниб кетади.

Бу болани мен яхши биламан: у Клеопатрадан гўзаллик ва Цезардан буюк ақлни мерос қилиб олган. Уни ўлдириш жиноят бўлур эди.

– Одам деган ҳам шунақа кўнгилчан бўладими, Хур Моҳ? Сени та-ниёлмай қолдим, – қатъий оҳангда деди амаким. – Қаердан олдинг бу раҳмдилликни? Агар бола сен таъриф қилгандай ростданам шунақа бўлса, уни ўлдириш учун асослар тагин кўпаяди. Наҳотки ўсиб, қудратли арслонга айланадиган ва сени тахтдан учириб юборадиган арслонвач-чани тирик қолдиришни хоҳласанг?

– Нима ҳам дердим, шундоқ бўла қолсин, – жавоб бердим мен, хўрсиниб. – Ҳеч бўлмаганда унинг кўплаб азоблардан қутулгани қолади ва Аментига ёвузлик қилмасдан кириб келади. Келинлар, энди ҳаракатлар кетма-кетлигини муҳокама қилайлик.

Биз узоқ ўтирдик, қандай қилиб ва қай ҳолатда иш тутган яхши, шуни муҳокама қилдик ва охирида ҳар бир дақиқани ғанимат билиб ва олий мақсадимизни чуқур англай туриб, мен гарчи олдингидай кўтаринки руҳда бўлмаса ҳам юрагим жонланаётганини ҳис этдим. Хуллас, ҳаммасини шартлашиб, келишиб олдик, муваффақиятсизлик эҳтимолини истисно этдик; агар борди-ю, бугун тунда Клеопатрани ўлдиришимга кутилмаган ҳолатлар халал бергудек бўлиб қолса, биз эртагача кутиб тураимиз ва ўшанда ҳаракатни бошлаб юборамиз, зеро, Клеопатранинг ўлими бутун мамлакат бўйлаб халқ бош кўтариб чиқишига ишора вазифасини ўташи керак. Кенгашни тугатиб, биз яна ўрнимиздан турдик, қўлларимизни муқаддас тимсолга қўйиб онт ичдик, уни бу ерда ифодалашимга рухсат этилмаган. Амаким мени ўпиб қўйди, унинг тимқора кўзларида севинч ва умид ёшлари йилтилларди. У мени дуо қилиб туриб айтдики, ўз ҳаётини, агар бор бўлганда мингта ҳаётини фидо қилса, буни чинакам бахт деб биларди. Фақат Мисрни худди аввалгидек озод кўрса, мени, қадимги фиръавнлар зурёдини тахтга ўтказса, бас. У Ватанимизни чин дилдан ва беғараз севарди ва унинг тикланишига бор кучини сарфлар эди. Мен ҳам уни ўпиб қўйдим ва биз тарқалдик. Мен у билан бу дунёда бошқа бирон марта ҳам кўришмадим, нариги дунёда эса у Йалу далалари орасида жаннат лаззатларидан баҳраманд бўлиб ётибди, менинг қисматимга эса бундай лаззатдан баҳра олиш ёзилмаганди.

Мен амакимнинг уйдан чиқиб кетдим ва ҳали эрта бўлганидан катта шаҳарнинг кўчалари бўйлаб тез-тез одимлаб борарканман, бизнинг жангчиларимиз тўпланиши керак бўлган барча дарвозаларни кўздан кечириб борардим. Пировардида, соҳил бўйида, Искандарияга сузиб келганимда кемадан тушган жойимда – очиқ денгизда бир кема кўринди.

Азбаройи юрагим қисилганидан кўзларимни кемадан узолмас ва фақат бир нарсани орзу қилардим: шу кемага чиқиб олсам-да, унинг оппоқ елканлари мени дунёнинг нариги чеккасига олиб кетса, у ерда ҳеч кимга билдирмай умр кечирсам, ўлганимдан кейин эса ҳамма мени унутиб юборса. Кейин яна битта кема кўринди, у бу ерга Нилдан сузиб келганди, ундан соҳил бўйига саёҳатчилар тушиб келишди. Бир дақиқача туриб, уларни бемалол бир-бир назардан ўтказар эканман, бу одамлар Абидосдан келган эмасмикан, деб ўйлаб турган эдим ҳамки, бирдан ёнимда таниш овоз янгради:

– Оҳ-ҳо-о! Ана шаҳару мана шаҳар, менга ўхшаган кампирга бу ерда пишириб қўйибдимми? Бу оломон ичида мен излаган одамларни қандай қилиб ҳам топардим? Бу сомоннинг ичидан нина қидирган билан баравар-ку. Ҳой товламачи, қани, туёғингни шиқиллатиб қол! Гиёҳлар солинган саватимга тегма, бўлмаса маъбудлар ҳаққи қасам ичаман, уларнинг ёрдамида бошинга нақ офатни юбораман!

Мен ҳайрат ичида қайрилиб қарардим – не кўз билан кўрайки, қаршимда



менга юзма-юз бўлиб энагам, кайвони Атуа турибди. У мени дарҳол таниди, зеро, титраб кетди, буни кўзларим жуда аниқ илғади, бироқ атроф ғиж-ғиж одам бўлганидан у ҳайратини ошкор қилмади.

– Менинг муҳтарам хоҷам, – хавотир ичида деди у, ўзининг ажиндор юзини менга қаратиб ва қўли билан сирли ишора қилиб, – менинг меҳрибон хоҷам, кийимингга қараганда, сен мунажжимсан, менга эса мунажжимлардан иложи борича нари тур, деб қаттиқ тайинлаб қўйишган, зеро, уларнинг ҳаммаси алдоқчилар ва бир тийинга қиммат кўзбўямачилар бўлишармиш, фақат ўзларининг юлдузига сиғинишармиш; шу боисдан ҳам поктийнат, поксийрат аёл сифатида тескари иш қилмоқчиман ва сенга ёрдам бермоқчиман. Иймоним комил: бу Искандарияда, ҳаммаси одамлардагидай бўлмаган жойда мунажжимлардан бошқа ҳеч кимга ишониб бўлмайди, бошқаларнинг бари алдоқчилар ва ўғрилар. – Кейин овозини баралла қўйиб гапиришга ўтди, чунки биз қалин оломондан четга чиқиб олган эдик ва энди гапимизни ҳеч ким эшитмаётганди: – Подшоҳим Хур Моҳ, мен отанг Аменемхетдан хабар олиб келдим.

– Отам соғ-омон юрибдими? – сўрадим мен.

– Ҳа, отдай, аммо буюк воқеани кутавериш силласини қуритиб юборди.

– У менга қандай хабар юборди?

– Ҳозир айтаман. У сенга яхши дуолар ва меҳрини юборди, бошингга даҳшатли хатар соя солаётганини айтиб қўй деди, аммо у қанақа хатарлигини очикроқ айтмади. Фақат у мендан айтиб юборган сўзларни биттама-битта такрорлайман: “Маҳкам бўл ва сен зафар қучгайсан”.

Мен бошимни кўтардим, зеро, бу сўзлардан юрагим яна муздай бўлди ва қўрқувдан қаттиқ сиқилдим.

– Айтган ишлар қачон амалга ошиши керак? – сўради кайвони.

– Бугун тунда. Қаёққа боряпсиз?

– Олийҳиммат Сепанинг уйига, Ана қоҳинникига. Сен мени ўша ёққа олиб бориб қўя олмайсанми?

– Йўқ, мен ортиқ ҳаялламаслигим керак; кейин, икковимизни биргалликда кўришлари ҳам керак эмас. Ҳой, бу ёққа кел! – қичқирдим мен ҳаммолга; у шу ерда ишсиз айланиб юрарди, унга пул бердим-да, кампирни Сепа амакимникига олиб бориб қўйишини буюрдим.

– Хайр, – шивирлаб деди кайвони, — эртагача омон бўл. Маҳкам бўл ва сен зафар қучгайсан.

Мен одамлар гавжум кўчалардан юриб кетдим, ҳамма ортга чекиниб, менга йўл берарди, зеро, менинг шуҳратим ошгандан-ошиб кетганди.

Кетиб борар эканман, гўё кафтларим тагидан қулоғимга бир маромда: “Маҳкам бўл... Маҳкам бўл... Маҳкам бўл...” деган сўзлар чалинаётгандай бўлди, кейин эса ернинг ўзи мени огоҳлантираётгандек туюла бошлади.

## VII б о б

*Ушбуда Хармиананинг сирли гаплари ҳақида; Хур Моҳнинг Клеопатра хобгоҳида пайдо бўлиши ва унинг мағлубияти ҳақида ривоят қилинади.*

Кеч кирди, мен ёлғиз расадхонамда Хармианани кутардим, у олдиндан келишганимиздек, ортимдан кириб келиши ва мени Клеопатранинг хобгоҳига олиб кириши керак эди. Ҳа, мен ёлғиз ўтирардим, олдимда эса малика юрагига санчишим керак бўлган ханжар ётарди. Ханжар тиғи узун ва ўткир эди, сфинкс кўринишидаги сопи эса соф олтиндан ишланганди. Мен ёлғиз ўтирардим ва толеимни очинглар, деб маъбудларга таваллолар қилардим, аммо маъбудлар чурқ этмаётган эдилар. Охири кўзимни кўтардим ва рўпарамда Хармиана турганини кўрдим. У



Ўзим ҳар доим билган кўзлари чақноқ ва эркаланиб турувчи Хармиана эмасди, балки ранги оппоқ оқариб кетган, кўзлари маъносиз боқувчи бошқа Хармиана эди.

– Шоҳ Ҳур Моҳ, – деди у, – Клеопатра сизни ўз ҳузурига чорлаяпти, у юлдузлар нимадан каромат қилаётганини билмоқчи.

Шундай қилиб, қисматим ҳал бўладиган он етиб келди!

– Боряпман, Хармиана, – жавоб бердим мен. – Ҳамма нарса шайми?

– Ҳа, хоҷам, ҳамма нарса шай: Павел салкам бир бочкани ичиб олган ва дарвоза олдида турибди, иккала қул кетди, фақат биттаси қолди, легионерлар ухляшяпти, Септа ва унинг ҳарбий гуруҳи келишилган жойда, шарқий дарвозадан сал нарида аллақачон тўпланиб бўлган. Биз тирноқча нарсани ҳам назардан қочирганимиз йўқ, малика Клеопатра ҳам ҳадемай қисмати фожиали анжом топишидан мутлақо беҳабар, кушхона томон югуриб бораётган қўй ўзини ажал қучоғига отаётганини қайдан билсин.

– Яхши, – дедим, – кетдик унда.

Мен ўрнимдан турдим-да, ханжарни қўйнимга яширдим. Кейин хонтахта устида турган шаробли қадахни олдим ва уни охиригача сипқардим, зеро, кун бўйи туз тотмаган эдим.

– Шошманг, мен сизга бир гап айтмоқчиман... – ҳаяжон билан гапира бошлади Хармиана. – Ҳали вақтингиз бор. Кеча тунда... кеча тунда.., – унинг сийнаси тез-тез кўтарилиб туша бошлади, – туш кўрибман, тушим сира хаёлимдан кетмаяпти; сиз ҳам, менимча, туш кўрган бўлишингиз керак. Лекин туш – барибир туш-да, келинг, уни эсдан чиқарайлик, майлими, муҳтарам хоҷам?

– Ҳа, ҳа, албатта, – жавоб бердим мен, – қизиқ, шундай муҳим дақиқаларда нега қаёқдаги гаплар билан фикримни чалғитяпсан?

– Мени кечиринг, ўзим ҳам билмайман, аммо бугун тунда, Ҳур Моҳ, тақдиримизда буюк воқеалар содир бўлиши керак ва у тўлғоқ азобидан қийналаётган хотиндай мени... ёки сизни босиб, янчиб ташлайди, Ҳур Моҳ, ёки ҳар икковимизни ҳам. Борди-ю, пешонамизга ҳалок бўлиш ёзилган бўлса, токи ҳозирча кўзим тирик экан, ўз оғзингиздан эшитсам дейман, ҳалиги айтганим бор-йўғи бир туш эди, ҳа, эсимдан чиқараман, деб айтсангиз бўлди менга...

– Ҳа, бу дунёдаги ҳамма нарса тушдан бошқа ҳеч нарса эмас, – дедим мен ўз тушимни ўйлаб, – сен ҳам тушсан, мен ҳам тушман, оёғимиз остидаги қаттиқ ер ҳам, беҳад даҳшатли мана бу тун ҳам, мана бу ўткир пичоқ ҳам – булар бари туш бўлмай, нима? Бизлар уйғонганда дунё қанақа бўларкин?

– Ана, шоҳи жаҳоним, Ҳур Моҳ, энди сиз ҳам менинг кайфиятимга тушиб олдингиз. Узингиз айтгандек, бу ҳаётдаги ҳамма нарса туш; у кўз олдимизда ўзгариб туради. Биз кўриб турган тушлар бир-биридан ажойибу ғаройиб, улар бир жойда тўхтаб турмайди, балки қибла осмонидаги булут каби сузиб юради, гоҳ тоғ-тоғ бўлиб тўпланади, гоҳ тарқаб кетади; гоҳ қуйилиб келаётган кўрғошиндай қораяди, гоҳ тилладай ялтиллаб товланади. Шу боис эртага уйғонганимизча менга атиги биргина сўзни айтсангиз. Ўтган тунда иккаламиз ҳам туш кўрган эдик. Мен ўзим кўрган тушдан эсимда қолгани шуки, ўзимни шарманда қилгандай бўлибман, сиз эса – менинг шармандалигим устидан кулгандай бўлибсиз, хулласи калом, кўрган тушингиз хотирангизда абадий муҳрланиб қолдими ёки у бирданига ўзгариб ҳам қолиши мумкинми? Эсингизда бўлсин: тушларимиз қанчалик ғаройиб ва эртақнамо бўлмасин, барибир уйғонганимиздан кейин уларнинг тарз-тариқалари шууримизда эҳромлар каби абадий ва ўзгармас бўлиб қолади. Улар

Ўтмишнинг ўзгаришлари таъсир этмайдиган жойида қолаверади, у ерда барча буюк ва кичик нарсалар, ҳаттоки бизнинг тушларимиз, Ҳур Моҳ, худди тошга айлангандек, ўзининг асл қиёфасида қотиб қолади ва улардан мангу Вақт қабри қад кўтаради.

– Мени кечир, Хармиана, – жавоб бердим, – сени хафа қилиш менга оғир, аммо ўша тушим ўзгаргани йўқ. Кеча иккаламиз ҳамма гапни очиқчасига айтиб гаплашдик ва ҳозир ҳам ўшандан бошқа ҳеч нима айтолмайман. Сени ўз синглимдай, ўз дўстимдай севаман, бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Начора, миннатдорман сиздан. Бўлар иш бўлди. Ўтмишдаги тушларни унутайлик – энди бошқача тушлар кўрайлик. – Шундай дея у жуда ғалати жилмайиб қўйди, ҳеч қачон илгари унинг кўзида бунақа маънони кўрмаган эдим: қизнинг юзида қисмат ўз муҳрини босган жабрдийданинг эмас, балки бўлғувси бахтсизлик, фалокатлар қайғусидан башорат бор эди.

Мен нодон ва шу боисдан ҳам сўқир эдим, ўз юрагим мотамига ботган эдим ва шунинг учун ҳам бояги жилмайиш билан мисрлик Хармиана ўз бахти, ёшлиги билан видолашаётганини тушунмаган эдим; бу қизда севгига бўлган умид ғойиб бўлганди, бурчнинг табаррук ришталаридан Хармиана нафрат қиларди. Шу кулгиси билан у ўзини Ёвузликка йўллаган она – Ватандан ва маъбудларидан юз ўгирган, муқаддас қасамидан юз ўгирганди. Ҳа, ўша бир лаҳзанинг ўзидаёқ бу қизнинг табассуми Миср тарихини ўзгартириб юборганди. Агар шу табассум Хармиана юзида акс этмаганда, Октавиан дунё ҳукмдори бўлмас эди, Миср эса яна озодликка эришган ва буюк ҳам қудратли давлатга айланган бўлурди.

Келиб-келиб, шуларнинг ҳаммасини аёлнинг биргина табассуми ҳал қилганди!

– Нега менга бунақа ғалати қараяпсан, Хармиана? – сўрадим ундан хавотирланиб.

– Шундай пайтлар бўладики, тушимизда куламиз, – жавоб берди қиз. – Ана энди ҳақиқатан ҳам вақт етди; орқамдан юринг. Бардам бўлинг ва сиз зафар қучгайсиз, шоҳим Ҳур Моҳ! – Шундай дея у қаршимда таъзим қилди, қўлимни олиб, ўпди. Кейин менга яна бирров ғалати қараб қўйди-да, зинадан пастга туша бошлади ва саройнинг бўм-бўш танобийларидан бошлаб кетди.

Қорамармар устунлар шифтни кўтариб турган ва ганчкори танобий деб аталадиган кошонага келиб тўхтадик. Ундан у ёғи Клеопатранинг боргоҳлари бўлиб, мен уларни биринчи марта малика ухлаб ётган вақтда кўрган эдим.

– Мени шу ерда кутиб туринг, – деди Хармиана, – келганингизни Клеопатрага хабар қиламан. – Шундай деб тезда ғойиб бўлди.

Юрак уришини санаб, мен узоқ, эҳтимол, ярим соатча кутиб турдим, бамисоли туш кўраётгандек эдим ва зиммамдаги вазифани адо этиш учун тинмай кучимни тўплашга ҳаракат қилардим.

Ниҳоят, Хармиана пайдо бўлди, у оғир одимлаб келар, боши эгик эди.

– Клеопатра сизга мунтазир, – деди у, – киринг, посбонлар йўқ.

– Ҳаммаси тамом бўлгандан кейин сени қаердан топаман? – овозим хириллаб сўрадим мен қиздан.

– Мени шу ердан топасиз, кейин эса биз Павелнинг олдига борамиз. Бардам бўлинг ва сиз зафар қучгайсиз. Хайр, Ҳур Моҳ!

Шундай қилиб, мен Клеопатра хобгоҳи томон йўл олдим, аммо парда ёнида бирдан орқага бурилиб қарадим ва шамдонлар ёритиб турган

бу бўм-бўш танобийда ғалати манзаранинг гувоҳи бўлдим. Мендан ҳув узоқда, шамдоннинг шундоқ тагида, унинг нурларига томон тўғри бетма-бет, бошини орқага ташлаган ва қўлларини қисирлатган ҳолда Хармиана турарди, унинг чехрасида ажал келгандаги азоб акс этган эдики, буни тасвирлашдан ожизман. Зеро, унинг шу нарсага иймони комил эдики, мен, унинг севиклиси, дунёдаги энг азиз одами, ёруғ оламда топган бахти ўлим сари кетаётибман ва у мен билан мангуга видолашмоқда.

Аммо ўша пайтда мен бу борада ҳеч нима билмас эдим; ва яна бир карра айтиш ва онийлик ҳайратдан сўнг пардани сурдим, остонадан ҳатлаб ўтдим ва Клеопатранинг хобгоҳида пайдо бўлдим. Муаттар ҳидга тўла хобгоҳнинг тўридаги шойи тахтиравонда башанг оппоқ либосда малика ёнбошлаб ётарди. У қўлига дастаси жавоҳирот қадаб безатилган туяқуш патли елпиғич ушлаб олганди ва эринчоқлик билан ўзини ўзи елпир эди; тахтиравон ёнида унинг фил суягидан ясалган арфаси (лираси) ва хонтахтача бор эди, хонтахтача устида эса анжирли баркаш, икки қадаҳ ва ёкутранг шароб солинган суроҳий (кўза) турибди. Мен пасайтириб қўйилган шамдон ёруғида аста ёруғ оламнинг маъшуқаси, ўзининг ақлдан оздирувчи бор гўзаллигини кўз-кўз қилаётган Клеопатра ётибди. Ҳа, дарҳақиқат, ўша фожиали тундагидек у ҳеч қачон бу қадар гўзал бўлмаганди. У ёкут рангли шойи болишлар орасида уфқнинг заррин осмонида чарақлаб турган юлдузга ўхшарди. Унинг сочлари ва либосларидан муаттар ҳид таралар, овози сеҳрли мусиқадай жаранглаб чиқар, мовий, хумор кўзларида гоҳ учқунлар милтиллар, гоҳ дарғазаб бўлган подшоҳ кўзларидек ёнар эди.

Мана шундай аёлни ўлдиришим керак!

Аста унинг олдига бордим, кейин таъзим қилдим, аммо у мени пайқамади. У шойи ўрин-тўшаклар ичида ётарди ва унинг жавоҳирот қадамали елпиғичи худди парвоздаги қушнинг ёрқин қанотлари каби уни тўсиб турарди.

Охири мен тахтиравон ёнида тўхтадим ва у менга кўзларини кўтариб қаради, гўё чиройли сийнамни кўриб қолмасин дегандек қуш патли елпиғичи билан кўкрагини тўсиб олди.

– Э-ҳа, бу сенмидинг, дўстим? Келибсан-да, – қўнғироқдай овозда деди у. – Сендан хурсандман, ёлғиз жуда зерикиб ўтиргандим. Биз яшаб турган бу олам ғам-ғуссадан иборат! Атрофга қарасанг, ғиж-ғиж одам, аммо кўнглинг тусаб кўргинг келадиган бирон кимса йўқ. Нега ҳайкалдай қотиб турибсан, ўтир. – Шундай дея у елпиғич билан ўриндиғининг оёқ томонидаги оромкурсини кўрсатди.

Мен яна таъзим қилдим ва оромкурсига чўқдим.

– Мен маликамизнинг ҳукмларини адо этдим, – гап бошладим иродам етганчалик ўзимни тутиб ва бор маҳоратим ила юлдузлар кароматини ўқидим: – Мана, барча меҳнатларимдан кейин мен тузган жадваллар. Агар маликам изн берсалар, юлдузлар буржини тушунтириб берай. – Шундай дея у папирусни ўқиётганида орқадан унга яқинлашиб кураги остидан ханжар санчиш учун ўрнимдан турдим.

– Кераги йўқ, Ҳур Моҳ, – хотиржам деди у, ўзининг ҳорғин, сеҳрловчи табассуми билан жилмайиб. – Ўрнингдан кўзғалма, фақат жадвалларингни берсанг, бас. Серапис ҳаққи қасам ичиб айтаманки, сенинг юзинг ҳаддан ташқари чиройли, юзингга кўзимни узмай, тўйиб-тўйиб қарасам дейман!

У режамизни барбод этганди ва менинг унга папирусни узатишдан бошқа чорам қолмаганди; папирусни узатар эканман, ўзимча ўйлай бошладим, ҳозир у жадвалларни кўра бошлайди, мен кўққисдан унга

ташланаман-да, ханжарни юрагига санчиб ўлдираман. У папирусни олаётиб, қўлимга тегиб кетди. Кейин ўзини жадвалларни ўқиётган киши қилиб кўрсатди, аммо ўзи унга қарамаётганди, кўзининг қири билан мени кузатар эди – мен бунни аниқ кўрдим.

– Нега қўлингни кўксингга босяпсан? – бир дақиқадан кейин сўради у, зеро, мен ҳақиқатан ҳам ханжар сопидан тутиб турардим. – Юрагинг оғрияптими?

– Эҳ, нимасини айтасиз, маликам, – пичирлаб дедим мен, – худди тарс ёриламан деяпти.

Малика ҳеч нарса деб жавоб бермади, бироқ яна кароматли жадвални ўқиётган киши бўлиб олди, ҳолбуки ўзи кўзини мендан олмаётганди.

Фикрим миямда жазавали чарх урарди. Бу жирканч жиноятни қандай амалга оширсам экан? Ханжар билан шартта ташланайми? У кўриб қолса, дод сола бошлайди, олишади. Йўқ, қулай пайт келишини пойлаш керак.

– Хўш, бундан чиқди, Хур Моҳ, юлдузлар бизга қулайлик туғдирмоқдалар, шундайми? – сўради у охири, эҳтимолки, қандайдир бир ички сезги билан.

– Шундай, маликам.

– Жуда соз. – Шундай дея у папирусни мармар хонтахтачага ташлади. – Демак, кемалар тонгда сузиб кетади. Жанг ғалаба билан тугайдими, мағлубият биланми, аммо фитналар жонимга тегиб кетди.

– Бу ғоят мураккаб чизма, маликам, – эътироз билдирдим мен, – агар йўқ демасангиз, буржга қандай аломатларни асос қилиб олганимни тушунтириб берардим.

– Йўқ, азизим, ташаккур, керак эмас; юлдузларнинг инжиқликлари меъдамга тегиб кетди. Сен кароматли жадвал тузиб бердинг, менга шуниси кифоя; сен ҳалол одамсан ва бундан шу нарса келиб чиқадики, сенинг кароматларинг ҳақ. Шунинг учун менга ҳеч нарса ни тушунтириб ўтирма, ундан кўра, кел, кўнгилхушлик қилайлик. Қани, нима қиламиз? Сенга рақс тушиб беришим мумкин – рақс санъати борасида менга тенг келадигани йўқ! Аммо бу тўғри келмайди, ҳар ҳолда бу малика деган номимга ярашмайди! Топдим: кўшиқ айтаман! – У тахтиравонга ўтириб олди, оёқларини туширди, арфани ўзи томон тортди ва бир неча бор торлар устида бармоқларини югуртирди, кейин ғоят майин овозда ажойиб ишқий кўшиқни куйлай кетди.

Унинг хобгоҳни тўлдириб янграган таъсирчан овозининг сўнги оҳанглари тинди, аммо юрагимда улар янграшда давом этарди. Аби-доснинг хонанда қизлари орасида бундан ҳам маҳорат ила ва бундан ҳам янграқ овозда ижро этилган кўшиқларни кўп тинглаганман, аммо биронтаси ҳам юрагимни бу қадар ларзага солмаган, бу қадар майинлик ва жўшқинлик билан сеҳрлаб олмаган эди. Унинг фақат овози мўъжиза яратмаганди – муаттар осудалик мени эртактлар оламига олиб бориб қўйганди, у ерда туйғуларимизни жўштирувчи ҳамма нарса бор эди; шеърга басталанган мусиқадаги эҳтирос ва доноликка мен асло бас кела олмас эдим, уни куйлаган энг гўзал аёл шоҳнинг ғолибона таровати ва назокати олдида мен ҳеч нарсага арзимас эдим. Зеро, у куйлаётганида менга шундай туюлдими, гўё биз иккаламиз тун қўйнида жимир-жимир қилган юлдузлар акс этиб турувчи ёзги денгиз бўйлаб сузиб бораётгандаймиз. Арфа торлари янграшдан тўхтади. Клеопатра эса кўшиқнинг сўнги мисраларини жўшиб ижро этган кўйи ўрнидан турди ва бирдан қўлларини мен томон узатиб, ўзининг фаттон кўзларини кўзларимга қадади, енгиб бўлмас бир куч мени унга қараб торта бошлади. Лекин мен ўз пайтида ҳушимни тўплаб олдим ва оромкурсидан жилмадим.

– Бу қанақаси, Ҳур Моҳ, сен ҳатто менинг самимий қўшиғим учун ташаккур билдирмоқчи эмасмисан? — Охири сўради малика.

– О, маликам, – эшитилар-эшитилмас шивирладим мен, зеро, овозим ўзимга бўйсунмаётган эди, – мен каби йигитлар сизнинг қўшиқларингизни тингламаслиги керак! Улар юрагимни шунақанги ағдар-тўнтар қилиб ташладик, қўрқиб кетдим.

– Нималар деяпсан, Ҳур Моҳ, сен ҳеч нарсадан хавотир олмасанг бўлади, – деди у қикирлаб кулиб, – сенинг ўй-хаёлларинг аёл ҳусни тароватидан қанчалик узоқлиги ва эркакларнинг заиф жиҳати сенга қанчалик ёт эканини биламан мен. Муздек темир билан бемалол ишрат сурса бўлади, унга ҳеч нарса даҳшат солмайди.

Мен ўзимча ўйлай бошладим, агар кучли оловга қўйса, энг совуқ темир ҳам лаққа чўққа айланиши мумкин, аммо ҳеч нарса демадим ва, гарчи қўлларим қалтираб турса-да, ажал қуролининг сопини яна қисимлаб олдим; ўз қатъиятсизлигимдан ўзим даҳшатга тушмоқда эдим, мен батамом ўзимни йўқотиб улгурмагунимча тезроқ ҳаракат қилишим, барибир уни қандай ўлдириш йўлини ўйлаб топишим керак.

– Менга яқинроқ кел, – ишвали овозда давом этди малика. – Яқинроқ кел, ёнимга ўтир, бир мириқиб суҳбатлашайлик, сенга айтишим керак бўлган гапларим талайгина. – Шундай дея менга жой бўшатиб, у ўзининг шойи тахтиравонида нарироқ сурилди.

Мен энди зарба беришни анча осон бўлади, деб ўйладим, оромкурсидан кўтарилдим-да, тахтиравонда ундан сал берироққа жойлашдим ва хитоним тагига яширилган ханжарни тутамладим. Аммо у яшиндан ҳам тезликда қўлимдан тутди ва ўзининг оппоқ бармоқлари билан юмшоқ қисимлади.

– Юзинг ғалати бўлиб кетдими, Ҳур Моҳ? – деди у. — Тобинг йўқми?

– Ҳа, сиз ҳақсиз, назаримда, мен ҳозир ўламан! – дедим мен бўғилганимдан шивирлаб.

– Унда ёстиққа ётиб, дамингни ол, – жавоб берди малика, қўлимни қўйиб юбормай. Бу мени сўнгги кучларимдан ҳам маҳрум этди. Ҳуруж тезда ўтиб кетди. – Расадхонангда ҳаддан ташқари кўп уриниб юборгансан. Деразадан шундай ёқимли тунги шабада эсяптики, гулларнинг хуш бўйига тўймайсан, киши! Қояларга келиб урилаётган тўлқинлар шовқинига қулоқ тут, улар гўё қулоғимизга алланарсаларни шивирлаётгандек, шунда ҳам фаввора шалдирашини босиб кетгудек бўляпти. Филомела қўшиғини эшитяпсанми? У ўз муҳаббати ҳақида ошиғига қанчалик назокат билан ривоят сўзлаётибди! Ҳақиқатан ҳам худди эртақлардагидек тароватли бугунги тун, табиатнинг мўъжизавий мусиқаси жўр бўлиб таралаётган минглаб овозлар билан лиммо-лим у! Унда дарахтлар ва қушлар, баҳри муҳитнинг оқёл тўлқинлари ва шамол овозлари илоҳий уйғунликда бир-бирига пайваста бўлиб кетаётир. Биласанми, Ҳур Моҳ, назаримда, сенинг сирларингдан биттасини топгандайман, томирларингда оқаётган қон оддий авом қони эмас – сен ҳам подшоҳлар авлодидансан. Бундай муборак ниҳол фақат шоҳлар дарахти бўлиб вояга етади. Ҳеч сийнамдаги муборак япроқ тасвирини кўрганмисан? У маъбудлар ичида энг буюги Осирис шарафига чекиб ишланган. Унга сенга сажда қилгандай сажда қиламан. Мана, ўзинг очиб қара!

– Қўйиб юбор мени, – ҳансираб дедим ўрнимдан туришга ҳаракат қилиб, аммо мен бутунлай ҳолдан тойган эдим.

– Йўқ, шошиб қаёққа борасан, наҳотки мени ёлғиз ташлаб кетмоқчи бўлсанг? Ёнимда яна бирпас ўтир, илтимос қиламан. Ҳур Моҳ, наҳотки сен ҳеч қачон севмаган бўлсанг?

– Йўқ, маликам, ҳеч қачон! Мен севги нималигини билмайман, буни



тасаввуримга ҳам келтиролмаيمان. Қўйиб юбор мени! Ортиқ чидолмайман... Бошим айланиб кетяпти...

– Эркак киши бўлатуриб ҳеч қачон севмаганмиш – эй маъбудлар, шунақаси ҳам бўлар эканми?! Қиз юраги сенинг юрагинга монанд урганини ҳеч қачон эшитмагансан, маъшуқа ошиқ кўкрагига ёпишиб, шивирлаб севгисини изҳор қилганида унинг кўзлари ёшлардан намланганини ҳеч қачон кўрмагансан! Сен ҳеч қачон севмаган эмишсан! Аёл қалби гирдобига ҳеч қачон ғарқ бўлмаган эмишсан, табиат – бизларнинг поёнсиз танҳолигимизни бартараф этишда ёрдам берганини ҳеч қачон ҳис этмаган эмишсан, зеро, муҳаббатнинг олтин тўрига уланган икки мавжудот бир-бирига қўшилиб, биттага айланишини ҳам билмас эмишсан! Эй буюк маъбудлар, унда сен ҳеч қачон яшамаган экансан, Хур Моҳ!

Шу сўзларни шивирлаб айтар экан, у мен томон сурилди, сўнг чуқур эҳтиросли хўрсиниб бир қўли билан мени кучоқлади ва кўзимга тубсиз мовий кўзларини қадаб, ўзининг сирли, ишвали табассуми билан жилмайди, бу жилмайишда ҳозир очилган гулдек оламдаги барча гўзаллик жамулжам эди. Унинг шоҳона сийнаси менинг кўксимга тобора маҳкамроқ, тобора нозлироқ ёпишиб келмоқда эди, унинг ширин нафасидан бошим айланиб кетди ва ниҳоят, унинг лаблари менинг лабларимга ёпишди.

О, ҳайф менга! Ажал кучоғидан ҳам машъумроқ ва бедавороқ бу бўса мени самовий умидим Исидани, ичган онтимни, ор-номусимни, она диёримни, дўстларимни, бутун дунёни унутишга мажбур этди, – мен фақат бир нарсани эсладим – мени Клеопатра эркалаяпти ва ўзининг севгилиси ва ҳукмдори деб атаяпти.

– Энди эса, – шивирлаб деди малика, – мени севишинг исботи тариқасида бир қадаҳ шароб нўш эт.

Мен шаробли қадаҳни кўтардим ва бир томчи қолдирмай сипқордим, шундан кейингина шаробга оғу солинганини англадим.

Мен тахтиравонга ағдарилдим ва ҳали ҳушим жойида бўлгани билан тилим калимага келмас, ҳатто қўлимни қимирлата олмас эдим.

Клеопатра эса мен томон энгашди-да, кўкрагимдаги кийимим қатидан ханжарни сугурди.

– Мен ютдим!!! – қийқирди у узун сочларини орқага ташлаб. – Ҳа, ютдим! Бу ўйинга тикилган дов Миср эди, маъбудлар ҳаққи қасамки, ўйнаса арзийдиган ўйин эди бу! Демак, мана шу ханжар билан, менинг шоҳ рақибим, сен мени ўлдирмоқчи бўлгандинг, сенинг тарафдорларинг эса саройим дарвозаси олдида тўпланиб, ҳали ҳам кўзлари тўрт бўлиб туришгандир? Ухлаб қолганинг йўқми, ишқилиб? Эшит-чи, мана бу ханжарни сенинг юрагинга санчсам, нима дейсан?

Унинг нималар деяётганини эшитиб ётардим ва сушт, ҳолсиз ҳаракат билан ўз кўрагимни кўрсатдим, зеро, бундан ўлганим минг карра афзал эди. Малика қаддини азод кўтарди, қўлини орқага силтади, ундаги ханжар ялтираб кетди. Ана, ханжар пастга тушди, унинг учи кўксимга санчилди.

– Йўқ! – яна баланд овозда деди у. – Сен менга жуда ёқиб қолдинг. Бундай барно йигитни ўлдириш ҳайф. Сенга ҳаёт инъом этаман. Кунинг битмаган экан, тахтини йўқотган фиръавн! Даврон сур, шўрлик, тубан кетган, аёл бармоғида қўғирчоқ бўлиб қолган шаҳзода! Менинг тантанамга зеб бўлиб юриш учун яшай қол!

Мен бошқа ҳеч нарса кўрмаётган эдим, ҳолбуки қулоқларим остида булбул чаҳ-чаҳи таралар, денгиз шовқини эшитилиб турар, Клеопатранинг қаҳ-қаҳ уриб кулишлари ғалаба таронаси бўлиб янграр эди. Ҳушим бошимдан учди, мен уйқу салтанатига дохил бўлдим, аммо мени унинг хирқирагандек кулгиси таъқиб қилар эди – у мен билан бутун умрим давомида ҳамроҳлик қилди ва энди сўнги йўлга кузатиб қўймоқда эди.

## VIII б о б

*Ушбуда Ҳур Моҳнинг ҳушига келгани ҳақида; у ётган жой ёнидаги мурда ҳақида, Клеопатранинг келгани ва ма-ликанинг тасалли сўзлари ҳақида ривоят қилинади.*

Мен яна уйғондим ва яна ўзимни ўз хонамда кўрдим. Ҳайрон қолганимдан сапчиб тушдим. Начора, бундан чиқди, мен яна туш кўрибман-да? Ҳа, бўлмаса-чи, албатта бу кўрганларим бари туш эди! Ахир, нафсиламрини айтганда, мен Исидага хиёнат қила олмас эдим, амаким Сепа етакчи бўлган ботирлар ҳаётини қисмат ҳукмига топшириб қўя олмас эдим-ку! Наҳотки, улар саройнинг шарқий дарвозаси олдида беҳуда кутаётган бўлишса? Наҳотки, бутун Миср шу пайтгача кутаётган бўлса – ва беҳуда кутаётган бўлса? Йўқ, ҳамма нарса бўлса бўлару, аммо бундай бўлиши мумкин эмас! Мен шунчаки ёмон туш кўрдим, агар яна шунақа туш кўрсам борми, юрагим тарс ёрилади. Ёвузлик кучлари менга юборган бунақа даҳшатни кўргандан ўлган афзал. Ҳа, ҳа, албатта, булар бари эзилган тасаввурдан туғилган мудҳиш туш, холос, аммо мен қаердаман? Ҳозир қаерда ётибман? Мен ганчкори танобийда бўлишим ва олдимга Хармиана чиқиб келишини кутишим керак эди-ку.

Аммо бу ганчкори танобий эмасди ва, эй буюк маъбудлар, афтидан мен ухлаган тўшакнинг оёқ томонида хунук дўппайиб ётган нарса нима бўлдийкин? Қон юқи оқ матога ўралган одамни эслатувчи ёмон бир нарса – нима?

Овозим борича қичқириб, худди арслондай ўзимни дўппайган нарса устига отдим ва бор кучим билан унга мушт туширдим. Менинг оғирлигимдан ҳалиги нарса бир томонга ағдарилди. Даҳшатдан телбаланиб, оқ матони шириллатиб йиртдим: икки букилган, тиззалари осилиб қолган ияги томон тортилган эркак кишининг қип-яланғоч мурдаси ётарди ва бу мурда посбонлар бошлиғи римлик Павелники эди. У қаршимда ётарди, юрагига ханжар санчилган эди, – сфинкс кўринишидаги олтин сопли менинг ханжарим! – унинг тоғдай кўксига бир парча папирус қистирилганди, унда лотинча ҳарфларда алланималар ёзилганди. Энгашиб, ёзувни ўқидим:

HARMACHIDI SALVERS EGO SUM QUEM SUBDERE MORAS .  
PAULUS DISCE HINC QUID PRODERE PROSIT.

“Салом, Ҳур Моҳ! Мен ўша сотиб олганинг римлик Павелман. Билиб қўй, сотқинларнинг тақдири ана шундай аянчли бўлади!”

Кўнглим айниб, бошим айланди, чайқала-чайқала бошдан-оёқ қотган қон доғлари билан қопланган мурдадан нари кета бошлади. Чайқала-чайқала сурилиб юриб, охири деворга бориб урилдим ва ўша ерда тек туриб қолдим, дераза остида қушлар сайраб, тонгни шодон олқишлар эди. Бундан чиқди, бу туш эмас, ўнг эди, оҳ, йигит кишининг йиқилгани – ўлгани дейдилар, мен тириклай ўлган эдим, ҳа, энди тирик ўликман!

Мен кекса отам Аменемхетни ўйладим. Бироқ ўғли шармандаи шармисор бўлгани ва унинг умидларини қаро ерга кўмганини билса, чидаёлмай жон таслим қилишини ўйлаб, вужудимни даҳшат чулғади. Ватанга содиқ қоҳин ҳақида, менинг севимли, бугунги узоқ тун давомида ишорани кутган, аммо уни олиш насиб этмаган амаким Сепа ҳақида ўйладим! Юрагим яна бир тутам бўлди: уларга ва барча тарафдорларимизга энди нима бўлади? Ахир исёнчи битта мен эмас эдим – мени ҳам кимдир сотган эди. Ким сотди экан? Балки, ўлиб ётган Павелдир. Аммо Павелни сотган деб бўлмасди, чунки мен билан баб-баравар меҳнат қилган фитначилар ҳақида у ҳеч нарса билмас эди! Аммо махфий рўйхатлар менинг

кўкрагимда, кийимим орасида эди... О, Осирис, улар гумдон бўлган эди! Мисрнинг уйғонишига муштоқ бўлганларнинг барчасини Павелнинг тақдири кутмоқда. Бу фикр мияга яшиндай келиб урилди. Ҳушдан кетаётганимни ҳис этиб, аста ерга сирғалиб тушдим.

Кўзимни очганимда соялардан англадимки, вақт туш бўлибди. Бир амаллаб ўрнимдан турдим; Павелнинг жасади худди ўзининг машъум соқчилик вазифасини адо этаётгандек ўша жойда ётарди. Мен жонҳолатда эшикка отилдим. Эшик қулфлог эди, ташқаридан посбонларнинг оғир қадам товушлари келарди. Улар кимдандир махфий сўзни сўрар эдилар, кейин найзаларининг сопини ерга уришгани эшитилди. Лўкидонлар сурилди, эшик очилди ва хонага очилиб-сочилиб, шоҳона либосда ғолиба Клеопатра кириб келди. Унинг бир ўзи кирди ва ортидан эшик ёпилди. Мен тўқмоқ ургандай қарахт турар эдим, у эса енгил одимлар билан менга яқинлашди-да, ёнимда туриб олди.

– Салом, Ҳур Моҳ, – чаҳ-чаҳ сайраганча кулиб деди у. – Бундан чиқди, ҳудайчим сени топибди-да. – Шундай деб у Павелнинг жасадини кўрсатди. – Пуф-ей, бунча бадбўй бўлмаса. Ҳой, посбонлар!

Эшик очилиб, икки қуролланган галл остонадан ҳатлади.

– Олиб чиқинглар мана бу ириб ётган ўлакساني, обориб қузғунларга ташланглар, бир тўйиб олишсин. Шошманглар, аввал бу сотқиннинг кўкрагидан ханжарни суғуриб олинглар. – Посбонлар мурда устига эгилдилар, Павелнинг юрагидан қон юқи ханжарни куч билан суғуриб олишди ва хонтахтача устига қўйишди. Кейин елкаси ва оёқларидан олишди-да, ташқарига олиб чиқиб кетишди. Қулоғимга уларнинг зинадан тушаётгандаги оғир одимлар чалиниб турди.

– Назаримда, Ҳур Моҳ, сен зўр мусибатга гирифтор бўлдинг, – деди малика, қадам товушлари тингач. – Тақдир чархпалаги кутилмаганда ўзгарди-қолди. Агар манови сотқин бўлмаганида, – у Павелнинг жасади олиб чиқиб кетилган эшик томонга ишора қилди, – мен ҳозир у каби мана шундай жирканч томошага сабаб бўлур эдим ва хонтахта устида ётган ханжар менинг қоним билан бўяларди.

Бундан чиқди, мени Павел сотган экан.

– Ҳа, – давом этди малика, – кеча меникига тунда келганимда мени ўлдиргани келганимни билган эдим. Сен дам-бадам қўлингни кўксинга олиб борганимда қўлинг ханжар сопини тутганини ҳам сезган эдим, қалбинг қаршилиқ кўрсатган ишни амалга ошириш учун бор жасоратингни тўплаган эдинг. Ҳаётимиз қил устида тургандаги хаёлий дақиқалар чиндан ғаройиб эди, мана шундай дақиқалар учун яшасанг арзийди, мен иккаламиздан қай биримиз ғолиб келаркинмиз, деб ўйлар эдим, зеро, мана шу яккама-якка олишувда ҳар икковимиз кучда ҳам, мунофиқликда ҳам тенг эдик.

— Ҳа, Ҳур Моҳ, сени посбонлар қўриқляпти, аммо мен сени алдамоқчи эмасман. Қамоқхона занжирларидан кўра мустаҳкамроқ ришталар сени боғлаб турганини сезмаганимда, сени менга ёмонлик қилишингни билмаганимда, зеро, барча легионларим бир бўлиб ҳам найзалари билан барбод этолмайдиган виждонинг мени ҳимоя қилиб турарди, сен аллақачон ўлиб кетган бўлардинг, азизим Ҳур Моҳ. Мана, сенинг ханжаринг, – у ханжарни менга узатди, – қўлингдан келса, ўлдир мени. – Шундай дея қаршимда туриб, сийнасини яланғочлади ва кута бошлади; унинг кўзлари хотиржам менга тикилиб турарди. – Сен мени ўлдиролмайсан, – яна гапира кетди у, – зеро, шундай ишлар борки, биронта ҳам эркак, – мен сенга ўхшаган мард эркакларни назарда тутаяпман, – бажара олмайди ва бундан кейин яшаб қолмайди; бу ишлардан энг даҳшатлиси, Ҳур Моҳ, сени севадиган аёлни ўлдиришдир. Нима қилаяпсан, тўхта! Ол кўксингдан

ханжарни, зеро, сен мени ўлдирмас экансан, ўзингни яшашдан маҳрум қилиб, оғирроқ жиноят содир этган бўласан, эй қасамхўр, Исида хоҳини! Ёки Аментидаги дарғазаб илоҳ олдида ҳисоб беришдан қўрқяпсанми? Нима деб ўйлайсан, ўзини шармандаи-шармисор этган, қасамини бузган ва энди қонли қўллари билан олқишлагани келган фарзанди аржумандига Осмоний Она қай кўзлари билан қараркин? Қилган гуноҳингни қаерда ювасан, башартики умуман ювишга имкон беришса?

Бунисига энди чидаёлмас эдим, юрагим аламга тўлиб кетганди. Ҳайҳот, малика ҳақ эди; менинг ўлишга ҳаққим йўқ. Шу қадар кўп гуноҳга йўл қўйган эдимки, ўлим ҳақида ҳатто ўйлаёлмас ҳам эдим! Мен ўзимни тўшакка ташладим ва тирноқча умиди қолмаган одам каби кўзларимдан алам ёшлари селдай тушиб йиғлаб юбордим. Бироқ Клеопатра яқин келди, ёнимга ўтирди ва тинчлантиришга уриниб, оҳиста қучоқлади.

– Йиғлама, жонгинам, бошингни кўтар, – булбулдек ёқимли овозда деди у, – ҳали ҳаммаси бой берилган эмас, мен сендан мутлақо жаҳлим чиқаётгани йўқ. Ҳа, ҳаёт-мамот ўйини бўлаётган эди, аммо мен сени огоҳлантирган эдим, сенинг афсунларингга қарши мен ўзимнинг аёллик жозибаларимни ишга соламан дегандим, кўриб турибсанки, мен – енгиб чиқдим. Ҳам аёл сифатида ва ҳам малика сифатида сенга қаттиқ ачинаман, фақат ачинибгина қолмайман, сенга ҳамдардман ҳам; лекин бу билан ҳам чекланмоқчи эмасман: мен сенинг азоб чекишларингга тоқат қилолмайман. Аждодларим эгаллаб олган тахтни жанг билан қайтариб олиш ва ўзининг қадимий Кемет диёрини озод этиш учун қилган ҳаракатларинг ҳаққоний ва таҳсинга сазовордир. Қонуний малика бўлиб мен ҳам ўз вақтида шундай иш тутгандим ва шафқатсизлик қилишдан ўзимни тўхтатиб қололмагандим, зеро, шунга онт ичган эдим. Шу боис ҳар доим буюк ва жон фидо одамларга кўрсатиб келганимдек, сенга ҳам беғараз ҳамдардлик кўрсатишга азму қарор қилганман. Сен ҳаддан ташқари тубанликка йўл қўйганингдан кўрқасан, аммо бу ҳам қадрлашга арзийдиган нарса. Аёл сифатида, сени севувчи аёл сифатида қайғунгга шерикман. Аммо билиб қўй: ҳали сен учун ёруғ кунлар бор. Режанг пухта тузилмаганди, зеро, менга яхши маълумки, ҳатто мендан тожни тортиб олганингда ҳам, тўнтариш муваффақиятли чиққанида ҳам Миср мустақил давлат сифатида яшай олмаган бўлур эди. Сенга айтсам, Ҳур Моҳ, Римни ҳисобга олмай бўлмайди. Юрагингга умид учқуни солмоқчиман: менинг аслида қандайлигимни одамлар билишмайди. Бу улкан мамлакатда қадимги Кеметни мендай беғараз севгучи йўқ, Ҳур Моҳ, мен Мисрни сендан кўра кўпроқ яхши кўраман. Аммо шу пайтгача мен гўё кишанбанд эдим – урушлар, кўзғолонлар, фитналар, фиска-фужурлар оёқларим ва қўлларимни боғлаб қўйганди, халқимга ўзим истаганчалик хизмат қила олмас эдим. Аммо энди, Ҳур Моҳ, сен менга ўргатасан. Сен менинг севгилимгина эмас, маслаҳатчим ҳам бўласан. Клеопатранинг юрагини забт этиш ҳазилакам иш эмас. Ахир бу уятдан умрбод юзи қуйган сендек бир эркак зоти пўлат тиг санчмоқчи бўлган юрак! Ҳа, сен, айнан сен халқимнинг кўнглига йўл топишда ёрдам берасан. Биз биргаликда ҳукмронлик қиламиз, қадимги ва янги мамлакатни ягона салтанатга, янги ва қадимги тафаккурини ягона дунёқарашга бирлаштирамиз. Кўриб турганингдек, ҳаммаси яхшиликка олиб келмоқда – бундай бўлишини фақат тушда кўриш мумкин: сен фиръавнлик тахтига ўлтиргайсан, аммо сен бунга у қадар шафқатсиз ва қонли йўлдан бормайсан.

Шундай қилиб, Ҳур Моҳ, сенинг хиёнаткорлигингни хаспўшлаш учун ҳамма ишни қиламиз. Пасткаш римлик ниятингни менга келиб чаққани учун сен айбдор эмассан-ку. Шундан кейин сенга май ичириб, махфий рўйхатни олиб қўйдим ва қийинчиликсиз уни ўқиб, мағзини чақдим. Буюк

фитна муваффақиятсиз чиққани, унинг иштирокчилари мамлакат бўйлаб тарқалиб кетгани, сен ўз бурчинга содиқ қолиб Ватанга хизмат қилишда давом этганинг, сенга табиат ато этган қуролдан фойдаланганинг, Миср маликаси кўнглини забт этганинг, унинг самимий муҳаббатидан фойдаланиб, ўз мақсадинга етмоқчи бўлганинг, Нил ватанини қудратли қанотларинг остига олмақчи бўлганинг учун сени ким айблади? Айт, Ҳур Моҳ, ўйлаган ўйларим чакки эмас, тўғрими?

Чўкка чўпга ёпишар, дегандек, ғам-андуҳларим зулмати ичида заиф умид учқуни йилтиллаганини ҳис этиб, бошимни кўтардим. Ўтган вақт мобайнида биринчи марта тилга кириб дедим:

– Мен билан бирга бўлганлар... менга ишонганлар... уларга нима бўлади?

– Сен отанг Аменемхетни, Абидослик кекса қоҳинни; оташин ватанпарвар, унча кўркам бўлмаса-да, қалби буюк амакинг Сепанинг ташвишини чекмоқдасан.

У, Хармианани ўйлаган эдим, аммо йўқ, малика бу исми тилга олмади.

– ...ва жуда кўп бошқа одамлар ҳақида сўраяпсан, ҳа, мен барчаларини биламан!

– Уларнинг тақдири нима бўлади?

– Гапимга қулоқ сол, Ҳур Моҳ, – жавоб берди у ўрнидан туриб қўлини елкамга қўяркан. – Сен учун мен уларнинг барчасига олий ҳиммат кўрсатаман. Жазоланмаса бўлмайдиганларгина жазога тортиладилар. Тахтим ҳаққи ва Мисрнинг барча маъбудлари ҳаққи қасам ичаманки, кекса отангга тирноқча ҳам ёмонликни раво кўрмагайман, агар кеч бўлмаган бўлса, амакинг Сеп ва унинг ёнидагиларни ҳам афу этгайман. Мен бобокалоним Эпифан тутган йўлдан бормайман, бир вақтлар Ахилл Трояда Гекторнинг жасадини ўз жанг аравасига боғлаб судратгандай, бобокалоним ҳам Афинисни, Павзирасни, Хезифусни ва Иробастузни аравага боғлашни амр этганда мисрликлар унга қарши бош кўтарган эдилар. Фақат, Гектордан фарқли ўлароқ, Антиоҳ Эпифан уларни тириклай аравага боғлаб, от чоптирган. Ахилл Гектор шўрликни аравага боғлаб, у билан шаҳар деворларини айланиб чиққан эди. Агар орангизда бўлса, яҳудийларни аямайман, бошқа ҳаммани афу этаман, зеро, яҳудийларни жинимдан ёмон кўраман.

– Орамизда яҳудийлар йўқ, – жавоб бердим мен.

– Йўқ бўлса, яна яхши, зеро, уларни афу этмаган бўлардим. Наҳотки одамлар айтганидек мен шунақа шафқатсиз бўлсам? Сенинг рўйхатингда, Ҳур Моҳ, ўлимга ҳукм этилганлар анчагина эди, мен эса бор-йўғи биргина одамни – ярамас римликни – икки бора сотқинни ҳаётдан маҳрум қилдим. Айт-чи, Ҳур Моҳ, сенга кўрсатган марҳаматим юкидан эзилиб кетмаяпсанми? Зеро, сен менга ёқасан, аёл учун эса, ишонавер, бу анча ишончли далил, тўғрими? Ҳа, Серапис ҳаққи онт ичаман! – У бирданига аста кулиб қўйди. – Мен фикримдан қайтаман: сенга бу қадар кўп нарсани текинга бермасам керак. Менинг марҳаматим муздини тўлашинг керак бўлади ва анча қиммат тўлашингга тўғри келади – сен мени ўпасан, Ҳур Моҳ.

– Йўқ, – жавоб бердим мен, соҳибжамол нотиқдан юзимни ўгириб, – бу ҳақиқатан ҳам ҳаддан ташқари қиммат тўлов. Мен сизни ҳеч қачон ўпмайман.

– Йўқ дейишдан олдин ўйлаб кўр. – Малика жаҳлдан хўмрайди. – Яхшилаб ўйлаб кўр, икки йўлдан бирини танла. Ахир мен бор-йўғи аёл кишиман, Ҳур Моҳ, эркак кишидан “йўқ” сўзини эшитиб ўрганмаган аёлман. Нима қилсанг ўзинг биласан, аммо, борди-ю, сен менга йўқ дейдиган бўлсанг, сенга инъом қилмоқчи бўлган мурувватни қайтариб оламан. Шу



боис, эй, қоҳинлар ичида энг покдомани, танла: ё севгимнинг оғир юкини зиммангга оласан, ёки тез орада отанг ва барча фитначилар жаллод қўлида нобуд бўладилар.

Мен маликанинг ҳақиқатан ҳам ғазабланганини кўрдим, зеро, унинг кўзлари ёнар, сийнаси эса баланд кўтарилиб тушарди. Мен хўрсиндим ва уни ўпдим ва мана шу бўса менинг шармандали куллигим занжири-ни қулфлаб қўйди. Малика эса Афродитанинг тантановор кулгиси ила ханжарни ўзи билан олиб, шитоб билан чиқиб кетди.

Клеопатра фитнамизнинг юрагига кира олдим, йўқми, мен ҳали билмадим, мени нега тирик қолдиришди, нима учун бу урғочи йўлбарс юракли аёл бизга мурувват кўрсатди – билмасдим. Ҳа, мени ўлдиришдан қўрқганини билмасдим, зеро, фитнеса ниҳоятда кучли эди, қўшалок тож эса унинг бошида зўрға илиниб турарди, борди-ю, мени ўлдирилибди деган миш-миш тарқалгудек бўлса, мамлакатда исён кўтарилар ва гарчи энди мен эгаллай олмасам-да, унинг тагидаги тахт ағдариб ташланарди. Қўрқувдан ва сиёсий мулоҳазалардангина унинг мен номларини сотган одамларга мурувват кўрсатганини, муқаддас аёл ишқи эмас, – ҳолбуки, нафсиламрини айтганда, у мени жуда ёқтириб қолганди, – балки хиёнаткорона ҳисоб-китоб уни эҳтирос ришталари ила мени ўзига боғлашга ундаганини билмасдим. Барибир ҳам уни ҳимоя қилиш учун ўз сўзимни айтишим керак эди: ҳатто унинг устида соя солиб турган булут тарқалиб бўлганда ҳам у менга садоқатини сақлаб қолди, Павел ва яна бир одамдан ташқари ҳеч ким тожи ва ҳаёти тортиб олинмоқчи бўлган Клеопатрага қарши фитнесада иштирок этгани учун олий жазо – ўлимга ҳукм этилмади. Аммо бу одамлар озмунча азобларга гирифтор этилмадилар!

Шундай қилиб, малика кетди, аммо унинг гўзал қиёфаси, қайғу ва уят минг ҳайдаганим билан юрагимда муҳрланиб қолди. Оҳ, қанақанги аччиқ онлар кутмоқда эди мени, чунки мен ўз мусибатимни дуолар билан енгиллата олмасдим. Мен ва илоҳа Исида ўртамиздаги алоқа узилган эди, маъбуда ўз қоҳинининг таваллоларига жавоб бермаётганди. Ҳа, бу онлар аччиқ ва зулматли эди, аммо бу зулмат ичида Клеопатранинг юлдузли кўзлари чарақлаб турарди ва севги сўзларини шивирлаётган унинг овози акс садо бермоқда эди. Менинг ғамли паймонам ҳали тўлмаганди. Юрагимда умид милтиллайди, мен олий мақсадга эриша олмасдим, аммо йиқилиб тушган жарлик қаъридан бир амаллаб чиқиб оламан ва зафар сари бошқа, текисроқ йўлни топаман, деб ўзимни ишонтирар эдим.

Жиноятчилар ўзларини ана шундай алдайдилар, содир этган ёвузликларни муқаррар тақдирга тўнкайдилар, яхшилик йўлида ёмонликлар қиламиз ва виждонимизни ўлдираамиз, зарурият ҳукмига қараб иш тутамиз, дея ўзларини ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Аммо беҳуда, ҳаммаси беҳуда, зеро, гуноҳ йўлида уларни муттассил виждон азоби таъқиб қилади, олдинда эса ҳалокат кутади, бу йўлдан юрганларнинг ҳолига вой! Жиноятчиларнинг жиноятчиси бўлмиш менинг ҳолимга вой!

## IX Б О Б

*Ушбуда Ҳур Моҳнинг посбонлар қўриқчилигида келиши; Харминанинг унга нафратини изҳор қилиши Ҳур Моҳнинг озод этилиши ва Квинт Деллийнинг келгани ҳақида ривоят қилинади.*

Эшигим ёнидаги посбонлар, менга егулик ва ичгуликни индамай олиб келиб берадиган қуллардан ва Клеопатрадан бошқа ҳеч кимни кўрмай, ўз хонамда асир бўлиб, мен роппа-роса ўн бир кун яшадим, Клеопатра эса деярли ҳамма- вақт мен билан бўлар эди. У севги ҳақида менга тинимсиз

гапирар эди, ammo мамлакатда нималар содир бўлаётгани тўғрисида ломим демасди. У ҳар сафар турлича бўлиб келарди – гоҳ қувноқ кулар ва ҳазиллашар, гоҳ юсак фикрларни ўртоқлашар, гоҳ оташин муҳаббатнинг ўзи бўларди-қўярди, гўё унинг учун муҳаббатдан бошқа ҳеч нарса йўқдай; қандай кайфиятда келмасин, у ҳар гал бошқача жозибага эга бўларди. У Мисрни улуғ давлатга айланишда унга қандай ёрдам беришим, халқнинг қисматини қандай енгиллаштиришимиз ва Рим лочинини ўз ихтиёри билан учиб кетишга мажбур этишимиз тўғрисида гапиришни яхши кўрарди. Гарчи аввалига у кўз олдимда келажак манзарасини чиза бошлаганда унинг гапларини эшитишдан бош тортсам, у аста-секин менга тобора яқин келиб, ўзининг сирли тўри билан мени чирмаб оларди, мен бу тўрдан қутулиб чиқа олмагач, худди у каби ўйлай бошлардим. Кейин мен унга аста юрагимни очдим ва Мисрни қандай уйғотмоқчи бўлганим ҳақида озмоз сўзлаб бердим. У гапларимни жиддий тинглар, режаларимни фикр тарозисига солиб ўлчарди, бу режаларни амалга ошириш учун нима қилиш керак, дерди, қайси йўл билан Мисрга ҳақиқий динини қайтариб бермоқчи ва қадимги эҳромларни қайта тикламоқчи эканини тушунтирарди – қайта тиклабгина қолмай, балки маъбудларимизга сиғиниш мумкин бўлган янги эҳромларни қуриш ҳақида сўзларди.

Шу тариқа малака юрагимга чуқурроқ кириб олди, унинг барча бурчакларини эгаллаб, лиммо-лим килиб тўлдирди, ҳаётимдан бошқа ҳамма нарса тортиб олингани боис мен уни дардманд юрагимнинг бутун эҳтироси ила севиб қолдим. Менда Клеопатра севгисидан бўлак ҳеч нарса қолмади, мен у билан яшар эдим, ўзининг биттаю-битта боласини ардоқлаган бевадай унга гиргиттон эдим. Шундай бўлдики, шармисорлигим айбдори мен учун ҳаёт чашмасига айланиб, кўз қорачиғидан ҳам, бутун ёруғ оламдан ҳам қадрли бўлиб қолди. Мен уни соат сайин янада кучлироқ, янада ташнароқ севар эдим ва охири ўтмиш мана шу севгига фарқ бўлиб кетди, ҳозир эса тушга ўхшаб қолди. Зеро, у мени ўзига бўйсундириб олганди, номус ва оримни ўғирлаганди, умр бўйи ювилмас бадномликка гирифтор қилганди, мен, сўқир бир аянчли махлуқ, тубан бир нодон, ўзимни чирмаётган тўрни ўпар ва қулдай етти букилиб, жаллод ортидан эмаклаб борардим.

Ҳозир ҳам уйку юрагимнинг сирли қулфларини очиб, қамалиб ётган ваҳималарни тафаккурнинг кенг тоқига қўйиб юборганда, мен ҳамон аввалгидай, тушларимда мана шу шоҳ аёлни кўраман, у кучоқларини кенг очиб, мен томонга учиб келади, кўзларида севги нури чарақлайди, лаблари хиёл очиқ бўлади, гажак сочлари ҳилпирайди, юзида эса самовий латофат ва кучли эҳтирос – бу нарсаларни фақат ва фақат унда кўриш мумкин эди. Неча йиллар сўнгида бир вақтлар келганидек, унинг ҳузуримга келганини тушимда кўраман. Кейин уйғонаман-да, у – турган-битган рўё деб ўйлайман.

Бир куни у олдимга ўшандай келди, унда мен ўз хонамда ҳибсда яшар эдим, юриб келмади, учиб келди, Антонийнинг Шомдаги ҳарбий ҳаракатлари муҳокама қилинаётган қандайдир муҳим кенгашдан жуфтакни ростлаб тўғри бу ёққа чопдим, деб тушунтирди. У, одатдагидек, шоҳона либосларда бўлиб, қўлида туғро тутган, бошига қўндирган олтин чамбари манглайини қоплаб турарди. Кулиб, у тўшагим устига мен билан ёнма-ён ўтириб олди; кенгаш танобийсида қабулга чақирилган элчилар жонига тегиб кетибди, уларга сизларни ташлаб кетишга мажбурман, чунки Римдан шошилини хабар олинди, деб эълон қилибди; топган баҳонасидан ўзи завқланмоқда эди. У дик этиб ўрнидан турди, бошидаги чамбаракни олди-да, менинг бошимга кийгазиб қўйди, елкамга ридони солди, қўлимга таёқчани тутқазди ва қаршимда таъзим қилди. Кейин яна

хандон ташлаб кулди, лабларимдан ўпди ва сен менинг чинакам шоҳим ва ҳукмдоримсан, деди.

Бироқ мен Абидос эҳромидаги тож кийдириш маросимини, ҳидлари ҳали-ҳануз димоғимдан кетмаган унинг атиргул чамбарини эсладим, ўрнимдан сапчиб турдим, ғазабдан оқариб кетдим, бошимга қўндирган анови матоҳни олиб ташладим ва тутқунинг бўлсам ҳам, мени хўрлашинга йўл қўймайман, дедим. Афтидан, важоҳатим шунчалик даражада бўлганки, у қўрқиб кетди ва мендан ўзини четга олди.

– Сенга нима бўлди, азизим Хур Моҳ, – чулдираб деди малика, – сал ўпкангни боссанг бўларди. Нега хўрланар экансан? Нега маъбудлар ва одамлар олдида мен фиръавн бўлмайман, деб ўйлайсан?

– Сени қандай тушунишим керак ўзи? – сўрадим мен. – Сен мен билан никоҳдан ўтиб, бу ҳақда бутун Мисрга эълон қилмоқчимисан? Ҳозир мен учун фиръавн бўлишга бошқа йўл бормикан?

Малика кўзларини ерга тикди.

– Балки, севгилим, мен ростдан ҳам сен билан никоҳдан ўтмоқчидирман, – эркаланиб деди у. – Менга қара, бу ерда, қамоқда оппоқ оқариб кетгандан ва деярли ҳеч нима емаяпсан. Баҳслашма. Сени бу ерда ҳибсда сақлаётганим сабаби, ҳаётингни ва номусингни қутқариб қолиш. Биз бундан кейин ҳам шундай қилишимиз керакки, гўё сен менинг маҳбусимсан. Акс ҳолда ҳамма устингдан маломат қилиб, ўлдириб юборади – билдирмай қотилни юборишади-да, сени тугатиб қўя қолишади. Аммо бу ерда озиб-тўзиб ётаверишингни кўришга тоқат қилолмайман. Шунинг учун эртага сени озод қиламан ва сени ҳеч қандай айби йўқ, деб эълон қиламан-да, сен мунажжимим бўлиб яна саройда пайдо бўласан. Сенинг фитнага ҳеч қандай алоқанг йўқ, мен бунга узил-кесил амин бўлдим; бунинг устига ҳарбий ҳаракатлар борасидаги барча кароматларинг рўёбга чиқди – гарчи сенга миннатдорчилик билдириш учун сабаб кўрмасам-да, бу ҳақиқатан ҳам шундай, зеро, сен кароматларингни ўз хиёнатларинг манфаатларидан келиб чиқиб тузганингни тушунаман. Энди эса хайр, анови бурнига хода етмайдиган ҳафтафаҳм элчилар ҳузурига борай; сендан ёлбориб илтимос қиламан, Хур Моҳ, салга ғазаб отига миниб, ловуллаб кетаверма, зеро, бизнинг муносабатларимиз нима билан тугаганини сен билмайсан.

Шундай дея бошини енгил силтаб, у кетди. Мен билан никоҳдан ўтмоқчилиги борасидаги очиқ айтган гаплари миямга маҳкам ўрнашиб қолди. Тўғриси айтилган: ўша лаҳзаларда у буни чин дилдан хоҳлаётган эди, гарчи мени оташин муҳаббат ила севмаган бўлса-да, менга чин юракдан боғланиб қолгани ва ҳали мен унинг жонига тегиб улгурмаган эдим.

Эрталаб Клеопатра келмади, аммо Хармиана келди – ҳалокатимнинг машъум тунида хуш кўрмаган ўша Хармиана. У келиб, қаршимда туриб олди, ранги оппоқ оқариб кетган, кўзларини ердан олмасди ва дастлабки сўзлари биланок мени худди илондай чақиб олди.

– Мени маъзур тутгайсиз, – гап бошлади у тасалли оҳангида, – ҳузурингизга Клеопатра ўрнида келишга журъат этганим учун узр сўрайман. Аммо бахтим билан кўришиш ҳам насиё бўлибди-да, деб ўкинманг: ҳадемай у келиб қолади.

Унинг сўзларидан ғужанак бўлиб олдим, бунга ажабланмаса ҳам бўларди, у эса тарози палласи ўзи томонга оққанини ҳис этиб, ҳужумга ўтди.

– Мен ҳузурингизга, Хур Моҳ, – афсуски, энди шоҳим деёлмайман! – Сизга озод бўлганингизни айтгани келдим! Ўз шармисорлигингиз билан юзма-юз учрашиш ва унинг аксини сизга ишонган барча одамлар кўзида кўриш учун озодсиз. Шармисорлигингиз сувлар қаъридаги сояларга

ўшаб озодликда бўлади. Сизга шуни айтгани келдимки, йигирма йилдан ортиқроқ тайёрланган фитна абадий барбод бўлди. Тўғри, фитначилардан биттаси ҳам ўлдирилмаган, фақат амакингиз Сеп а ўлдирилган бўлиши мумкин, чунки у ғойиб бўлиб қолди. Бироқ барча раҳнамолар қўлга олинди ва кишанбанд этилди, ё бўлмаса қувғин қилинди. Одамларимизнинг руҳи синган, курашувчилар ҳар қаёққа тарқаб кетди. Момақалди роқ бўлай-бўлай деб турган эди, аммо бўлмади – шамол булутни ҳайдаб кетди. Миср ҳалок бўлди, абадий ҳалок бўлди, унинг сўнги умиди барбод этилди. Энди мамлакатимиз ҳеч қачон қўлига қурол олиб кўтарил а олмайди, энди у абадул-абад куллик бўйинтуруғини бўйнидан ололмай судралиб яшайди, золимларнинг қамчиларидан елкаси қон сизиб юраверади!

Мен қаттиқ инграб юбордим.

– Афсус, мени сотдилар! Бизни Павел сотди.

– Сизни сотишдимми? Йўқ, сотқин аслида сизнинг ўзингизсиз. Клеопатра билан ёлғиз қолганингизда нега уни ўлдирмадингиз? Жавоб беринг, қасам ургур!

– У менга оғу ичирди, – дедим мен.

– Эҳ, Хур Моҳ! – деди бағритош қиз. – Одам шу қадар ҳам тубан кетадимми? Мен бир вақтлар кўрган шаҳзода қаёқдаю ҳозиргиси қаёқда: энди ёлғон гапиришдан ҳам ҳазар қилмайдиган бўлиб қолибсиз! Ҳа, сизга ишқ оғусини ичиришганди! Сиз Мисрни, унинг уйғонишига муштоқ барча одамларни фоҳишанинг битта бўсасига сотдингиз! Ҳайф сиздай одамга, шарманда! – У бармоғини менга нуқиди ва кўзларимга тикка қаради. – Сиздан ҳамма юз ўгиради, ҳамма! Пасткашларнинг пасткашига айландингиз! Жирканчсиз! Қани, қўлингиздан келса, ундай эмасман, деб кўринг-чи! Сизга яқин боришдан ҳазар қиламан! Қанчалик палид, қанчалик кўрқоқ эканингизни биласиз ва шунинг учун унинг кафшларини ўпиб, тўғри қиласиз, кейин эса у бир тепиб, сизни керакли жойга – ахлатхонага учуриб юборади. Аммо виждонли одамлардан иложи борича узоқроқ юринг!

Унинг чаёндек чақаётган нафратли ва захролуд сўзлари қийноғига чидолмай, юрагим тиришиб типирчилар эди, аммо унга нима деб жавоб беришни билмасдим.

– Қандай қилиб, – дедим охири хириллаган овозда, – қандай қилиб сен, шунча одамлар ичида битта сен сувдан қуруқ чиқдинг, сени сотмайдилар, ўша-ўша маликанинг маҳрамисан ва ўша-ўша мени хўрлайсан, ҳолбуки, яқингинада сени севаман деб онт ичган эдинг-ку? Ахир сен аёлсан, наҳотки эркак ҳам қоқилиши мумкинлигини тушунмасанг?

– Рўйхатда менинг исмим йўқ эди, – жавоб берди у ерга қараб. – Сизга бахтли имконият тақдим этаман: бирварақайига мени ҳам сотиб қўя қолинг, Хур Моҳ! Ҳа, сизнинг тубан кетишингиз ҳаммадан ҳам мени кўпроқ азобга солди, чунки мен бир вақтлар сизни севардим, наҳотки буни сиз ҳали ҳам эсласангиз? Бизга азиз бўлганларнинг шармандалиги бир жиҳатдан бизнинг ҳам шармандалигимиздир, у бизга умрбод кетмайдиган бўлиб ёпишиб қолади, чунки биз бу бир чақага қиммат нарсани юрагимизнинг туб-туби билан кўр-кўрона севгандик. Бундан чиқди, сиз ҳам бошқалар каби ғирт овсар экансиз-да? Бундан чиқди фоҳиша малика қучоқлари тафти баданидан кетмаган сиздек одам тасалли учун бошқа ҳеч кимга эмас, тўғри менга мурожаат қилаётибсиз?!

– Балки ғазаб ва рашк туфайли бизни айнан сен сотганинг эҳтимолдан узоқ эмас, – дедим мен. – Хармиана, жуда олдин, ҳали бошланишидаёқ амаким Сеп а “Хармианага ишонма”, деб огоҳлантирган эди, виждонан айтадиган бўлсам, энди унинг сўзларини эслаб...

– Сотқинлар худди шунақа бўладилар! – гапимни бўлди у бутун вужуди билан тутақиб. – Сотқинлар атрофидаги ҳаммани сотқин деб биладилар ва ҳаммадан шубҳаланадилар! Иўқ, мен сизни сотмаганман; сизни анави разил, муттаҳам Павел сотди, унинг асаблари дош беролмади ва шунга яраша жазосини олди. Мен ортиқ бундай ҳақоратларни эшитишни истамайман. Ҳур Моҳ, – сизни энди ҳеч ким шоҳ деб атамаяжак! – Ҳур Моҳ, малика Клеопатра сизга бир гапни айтиб қўйишимни амр этди: сиз озодсиз ва у сизни Ганчкори танобийда кутар экан.

Шундай дея узун киприклари орасидан менга тез бир қараб қўйди-да, таъзим қилиб чиқиб кетди.

Шу тариқа мен ҳибсхонадан чиқдим-да, сарой бўйлаб юриб кетдим; тўғридан эмас, айланма йўлдан бордим, зеро, азбаройи даҳшат ва уятдан одамларга қаролмас, қарасам, уларнинг юзида мендек бир сотқинга нисбатан нафратни кўришдан қўрқар эдим. Бироқ уларнинг чеҳрасида ҳеч қанақа нафрат йўқ эди, зеро, фитнадан хабари борлар эса мени кўрса қочар эди. Хармиана эса, шубҳасиз, мени кутқармоқчи бўлиб, бу тўғрида чурқ этиб оғиз очмаганди. Бунинг устига Клеопатра мени, фитнага дахлдор эмас, деб ҳамманинг қулоғига қўйиб қўйганди. Бироқ айбим чидаб бўлмас оғирлик билан устимдан босар эди, мен озби чўп бўлиб қолгандим, ҳеч ким мени ҳозир суҳсурдай йигит деб айтолмасди. Гарчи мен озод ҳисоблансам-да, аслида ҳар бир қадамим ортидан кузатиб туришарди, мен сарой дарвозасидан ташқарига чиқишга ҳаққим йўқ эди.

Шундай қилиб, ҳузуримизга Квинт Деллий етиб келиб, нохуш хабарни айтди. Бу сотқин рим патриций бўлиб, фақат толеи порлоқ одамларгагина хизмат қиларди. Унинг айтишича, триумвир Марк Антоний Филипдаги жангда ғалаба қозонолмай, ўз қўшинларини Фракиядан Осиёга олиб ўтган ва ўзининг очкўз легионерларига олтин билан маош тўлаш учун тобе шоҳларни талон-тарож қилаётган экан.

Ўша кунни мен яхши эслайман. Узининг шоҳона либосида Клеопатра Катта қабуллар танобийсидаги олтин тахтида ўтирарди, у сарой маслаҳатчилари қуршовида бўлиб, улар орасида мен ҳам бор эдим. Ниҳоят малика: “Триумвир Антонийнинг элчиси олиб кирилсин!” — деб амр этди. Улкан эшиклар ланг очилди, посбон галлар олқишлаб чалаётган карнайларнинг гумбур-гумбури орасида лашкарбошилардан иборат аъзолари ҳамроҳлигида ярқиллаган тилла совут ва қип-қизил шойи плашида римлик элчи кириб келди. Юз ва ияклари тухумдай силлиқ эди – соқол ва мўйловини обдан қиртишлаб олдирганди, ўзи хушрўй, аммо чеҳраси ўзгариб турарди, оғзи қимтилган бўлиб, тиниқ кўзлари одамга шубҳали боқарди. Жарчилар унинг исми, унвони ва эгаллаб турган лавозимларини эълон қилар экан, у кўзларини катта-катта очиб, тўлинойдек порлаб ўз тахтида хотиржам ўтирган Клеопатрага қараб турди ва ўз-ўзидан равшанки, у ҳайратдан лол қолган эди. Ниҳоят, жарчилар жим бўлишди, элчи эса бир жойда тураверди, лоақал қимирлаб ҳам қўймади. Шунда Клеопатра унга лотин тилида мурожаат қилди:

– Хуш келибсан, муҳтарам Деллий, қудратли Антонийнинг элчиси, бизнинг майда подшоҳлик бўлган мамлакатимизга бамисоли Марснинг ўзи келгандек, жумлаи, жаҳонни қаноти остига олгандек бўлди. Хуш келибсан ғарибона Искандариямизга. Илтимос, келишдан мақсадингни бизга маълум эт!

Бироқ айёр Деллий ҳамон сукут сақлар ва яшин ургандек бир жойда тек турарди.

– Нима бўлди сенга, муҳтарам Деллий, тилдан қолганмисан? – сўради Клеопатра. – Ёки бепоён Осиёда узоқ саргардон юравериб, она тилингни эсдан чиқардингни? Яна қанақа тилларни биласан? Айт, биз ўша тилда



гаплашамиз, зеро, биз ҳамма тилларни биламиз.

Шунда элчи жарангдор, тилёғлама оҳангда сўзлаб кетди:

– Маъзур тутинг мени, Мисрнинг соҳибжамол маликаси, ҳа, рўпарангизда мен тилдан қолганим рост, ҳа, бу қадар буюк ҳусни таважжух бандаларни тилдан қолдириб, ақлдан оздириши табиий. Туш чоғида чарақлаган қуёшга боққан одамнинг кўзига атрофдаги нарсалар кўринмайди, худди шундайин, мен ҳам, Миср маликаси, рўпарамда номоён бўлган бу офтобжамолни кўрдиму ўй-хаёлларимнинг ҳам, инонихтиёримнинг ҳам ва ҳис-туйғуларимни ҳам бошқаришдан буткул ожиз қолибдурмен.

– Сенга қойил қолмай илож йўқ, – деди Клеопатра, – кўриб турибманки, Киликияда сен хушомадгўйлик мактабидан ёмон ўтмагансан.

– Назаримда, Искандарияда бир мақол бор: “Қанча хушомад сўзларни айтиб наҳ урма, улар булутларгача етиб бормайди”. Бошқача айтганда: маъбудлар бандаларнинг мақтовларига муҳтож эмас. Аммо нима учун келганимни маълум қилгайман. Мана, Миср маликасига буюк Антонийнинг муҳри босилган ва имзо чекилган номаси, унда давлат ишлари тўғрисида сўз кетади. Агар йўқ демасангиз, уни кўпчилик ҳузурида овоз чиқариб ўқиб берай?

– Номани оч-да, овоз чиқариб ўқи! – амр қилди Клеопатра.

Шундай қилиб, элчи маликага таъзим қилди, муҳрни юлиб олди ва номани ўқий бошлади

– “Triumvir Republicae Constituenae номидан” триумвир Марк Антоний Рим халқининг марҳамати ила Юқори ва қуйи Миср маликаси рутбасига ноил бўлмиш Клеопатрага саломлар йўллагай. Бизга маълум бўлдики, сен Клеопатра, ўз ваъданга хилоф ҳолда ва бурчингни бажармай, мулозиминг Аллиенни қўшин билан ва мулозиминг, Кипр ҳукмдори Серапионни ҳам қўшин билан олий Учлар иттифоқи триумвиратга қарши бош кўтарган қотил Кассийни қўллаб-қўлтиқлаш учун юборибсан. Бизга яна шу нарса маълумки, сен уни қўллаб-қувватлашга катта флот тайёрламоқда экансан. Бетўхтов Киликияга йўл олишингни, у ерда олий насаб Антоний билан учрашувингни ва сенга қарши қўйилган барча айбловларга ўз оғзинг билан жавоб беришингни талаб этамиз. Огоҳлантирамизки, агар бизнинг ҳукмимизни бажармасанг, ўзингга ёмон бўлажак. Хайр”.

Клеопатра сурбетларча бу дўқларни эшитиб, кўзлари чакнади ва олтин арслон бошига қўйиб олган қўллари мушт бўлиб тугилди.

– Аввалига шириндан-ширин хушомадлар қилинади, – деди у, – кейин эса ширинликка мазахўрак бўлиб қолишимиздан қўрқиб, зардоб ичирадилар. Менга қара, Деллий: бу номада, тўғрироғи, ушбу суд қақирув қоғозида санаб ўтилган барча айбловлар бошидан охиригача бўҳтон ва маслаҳатчиларим буни тасдиқлашлари мумкин. Аммо урушлар ва сиёсатларга тааллуқли бизнинг амалларимизда, айниқса, ҳозирги вақтда сенга ҳисобот бермоқчи эмасмиз. Биз салтанатимизни ташлаб чиқмаймиз ва олис Киликияга сузиб бормаймиз, ҳуқуқсиз айбдорга ўхшаб, олийнасаб Антоний сўроғи олдида ўзимизни оқлаб ўтирмаймиз. Агар Антоний биз билан суҳбатлашишни ва бу муҳим ишларни муҳокама этишни истаса, майли – денгиз очиқ ва биз уни шоҳларга хос тантанаю дабдаба билан кутиб оламиз. Бу ерга ўзи сузиб келсин. Мана, Деллий, сенга ва сен номидан келган триумвиратга бизнинг жавобимиз.

Аммо Деллий ғазаб қилишдан ўзини тутиб қолувчи аъёнга хос босиқ қулиб қўйди-да, яна сўзлай кетди:

– Миср маликаси, сиз олийнасаб Антонийни билмайсиз. У нома ёзишда бешафқат, унда фикрларини шундай ифода этадики, гўё қўлида тутган нарсаси қонга беланган найзадек. Аммо у билан юзма-юз кўришгач,



дунёда бу улуғ саркарда қанчалик илтифотли ва камтар бўлса, шунчалик жасоратли эканига амин бўласиз. Маслаҳатимга қулоқ солинг, эй малика! Унинг олдига боринг. Бундай кўпол жавоб билан мени унинг олдига қайтариб юборманг, зеро, агар Антоний сизнинг номангиз билан Искандарияга келгудек бўлса, Искандариянинг ҳам, Миср халқининг ҳам ва сиз, Миср маликасининг ҳам шўри қурийди! У кўшинлари билан сузиб келади, сиз билан жанг қилади ва кудратли Римга дўқ қилишга журъат этганингиз учун сизга жуда оғир бўлади. Ёлбораман, унинг амрига итоат этинг. Қўлда қурол билан эмас, дунё ноз-неъматлари билан Киликияга келинг. Қулф урган гўзаллигининг бутун жилваси билан, энг асил ва шоҳона либосларда, зеб-зийнатларга кўмилиб қадамранжида қилинг, шунда олижаноб Антонийдан хавотир олмасангиз бўлади. – Элчи маликага маънодор боққанча жим бўлиб қолди; мен эса унинг нимага шама қилаётганини англаб, ғазабдан юзимга қайноқ қон урганини ҳис этдим.

Клеопатра ҳам тушунди, зеро, иягини кўлига тираганча ўйланиб қолди, кўзлари туманлашди. У шу тариқа унсиз ўтираверди, маккор аъён Деллий эса уни қизиқиш билан кузатарди. Тахт ёнида бошқа сарой хонимлари билан турган Хармиана ҳам вазиятни тушуниб турарди, зеро, унинг чеҳраси чақмоқ чаққанда оқшомги булутлар ёришиб кетгандай ял-ял ёнаётганди. Сўнг яллиғ сўниб, юзи аввалгидек оппоқ тусга кирди:

– Муҳтарам Деллий! Бу унча-мунча жўн иш эмас, шу боис ҳаммасини обдан ўйлаб, бир тўхтамга келишимиз учун бизга вақт керак. Ҳозирча саройимизда ўн кун дам ол, кўнгилчоғлик қил, албатта, бизнинг афтода аҳволимиз кўтарган даражада.

Элчи бироз ўйланиб турди-да, сўнг жилмайиб жавоб берди:

– Ташаккур, малика. Бугундан бошлаб санаганда, ўнинчи куни жавоб учун ҳузурингизга келаман, ўн биринчи куни эса ҳукмдорим Антоний қошига сузиб кетаман.

Клеопатра ишораси билан яна карнайлар ғат-ғут қила кетди ва Деллий таъзим қилиб, саройни тарк этди.

## Х б о б

*Ушбуда Клеопатранинг саросимаси; маликанинг  
Хур Моҳга ваъда бериб ичган қасами ҳақида; шунинг-  
дек, Клеопатрага Хур Моҳ эҳром Қаъридаги яширин ха-  
зинанинг сирини очгани ҳақида ривоят қилинади.*

Ўша тунда Клеопатра мени ўзи яшайдиган уйга чақирди. Мен келиб, унинг ҳаддан ташқари саросимага тушганини кўрдим; илгари ҳеч қачон уни бундай бесаранжом аҳволда кўрмагандим. У бир ўзи бўлиб, худди қафасдаги она шердай мрамор хонада у ёқдан-бу ёққа юрар эди, денгиз узра тўпланган булутдай фикрлари бошида ғужғон ўйнар ва кўзлари тубида шуъласи акс этар эди.

– Оҳ, келдингми, Хур Моҳ, – деди у енгил нафас олиб ва кўлимдан тутиб. – Маслаҳат бер, зеро, ҳали сира ҳам бу каби доно маслаҳатга муҳтож бўлмагандим. Худолар менга қанақа ҳаёт ато этганлар ўзи – баҳри муҳитдай бўронли! Болаликдан қисматимга бир кун ҳам беташвиш кун насиб этгани йўқ ва ҳеч қачон насиб этмайди, шекилли. Яқинда ҳаётим қил устида эди, сенинг ханжарингдан мўъжиза кутқариб қолганди, Хур Моҳ, энди бўлса, янги мусибат, гўё уфқ остида тўпланган қора булут бирданига тепамга етиб келган-у, чақмоқларини чақа бошлади. Анови йиртқич юракли мақтанчоқ сенга ёқадими? Мана шунақаларни тузоққа илинтирсанг-да! Гаплари қанақанги майин-майин! Гапирмайди, мушук

каби миёвлайди ва ҳар лаҳзада тирноқлари билан чангаллашга шай. Нома ҳақда нима дейсан? Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сурбетлик! Биламан бу Антонийни. Уни муштдай қизалоқлигимда, энди бўй етай деб турганимда кўргандим, аммо ўшандаёқ ақлим ўткир, аёлларга хос эди, мен уни дарров тушунгандим. Геркулесдек паҳлавон, аммо тўнка, аммо шу тўнканинг ичидан бирданига доҳиёна ақл чиқиб қолади. Ишратпараст; унинг эркатойликларига йўл қўйиб берган ҳар қандай одамни орқасидан жон деб кетаверади, аммо эътироз билдиришга арзийди – у сенинг қон душманинг ҳам. Дўстга вафодор, башартики, ўз дўстларини севса; тез-тез ўзининг манфаатларига зид келадиган қилиқлар қилади. Бағри кенг, жасур, қийин ҳолларда бардошли ва чидамли, фароғатли кунларда – шароб шайдоси ва аёлларнинг қули. Антоний ана шунақа. Унинг ўз хоҳиш-иродасига тескари ўлароқ тақдир ва тасодиф омад тўлқини устига чиқариб қўйган эркак билан қандай иш тутиш керак? Шундай кун келадик, ўша тўлқин пастга инади, аммо ҳали унда парвоз қилиб турар экан, у чўкаётганлар устидан кулади.

– Антоний ҳам бир одам-да, – боши юмалоқ, – жавоб бердим мен, – дўстдан душманлари кўп одам душмани кўп одамни енгса бўлади.

– Ҳа, уни енгса бўлади, аммо у бир ўзи эмас-да, Ҳур Моҳ, у учтадан биттаси, Кассий эса нодонлик қилиб ўз бошига етди. Рим кўп бошли аждарнинг бошини чопгандек гўё. Хўш, нима бўпти? Аждарнинг бир бошини чопсалар, иккинчи, учинчи бошлари вишиллаб ҳамла қилади. Бу ёқда Лепид ва ўғилча Октавиан ҳам бор, у жаллод, Лепидни, ё Антонийни, ё Клеопатрани енгса, жасадларига бемалол, тантанавор жилмайиб қараб қўяди. Агар мен Киликияга бормасам, Антоний сўзсиз парфияликлар билан иттифоқ тузади ва мен ҳақимда ифлос мишмишлар тарқатиб (баъзилари рост) — ўз легионларини Миср устига ташлайди. Унда нима бўлади?

– Нима бўларди? Уни ҳайдаб Римга қайтариб юбориш керак.

– Эҳ, Ҳур Моҳ, сенга гапириш осон, ва балки биз сен билан ўн икки кун олдин олиб борган курашимизда мен ютмаганимда сен фиръавн бўлар эдинг ва Антонийни эпчиллик билан енгиб ташлардинг, зеро, сени қўллаб-қувватлаш учун бутун Миср оёққа турарди. Аммо мени Миср яхши кўрмайди, маликасини кўргани кўзи йўқ, унинг томирларида юнон қони оқади; мен эса сенинг тарафдорларингнинг буюк фитнасини барбод этдим, унда Миср аҳолисининг ярми бирлашган эди. Мана шу одамлар мени қўллаб-қувватлаш учун оёққа турадими? Миср менга ишонганида эди, мен, албатта, Рим олиб келган барча қўшинларга қарши тура олган бўлардим; аммо Миср мендан нафратланади ва римликларга бўйсунини афзал билади; ўз вақтида Эронга бўйсунганидай. Мен ҳам Мисрни ҳимоя қила олган бўлардим, агар олтинларим бўлганида; мен аскарлар ёллардим ва улар пул учун мен томонда туриб жанг қилар эдилар. Аммо пул йўқ; ҳазинам бўшаб ётибди. Замин Еримиз бой бўлгани билан мен тоғдай қарзларимни ҳеч нарса билан тўлаёлмайман. Мана бу урушлар мени хонавайрон қилди, бир талантни ҳам қаердан олишни билмайман. Балки, сен, Ҳур Моҳ, – у менга яқин келди-да, кўзларимга тикилди, – томиригда оққан қонингга кўра, эҳромлар коҳини, балки, сен, агар ўнлаб авлодлар наридан бизгача етиб келган афсоналар алдамаса, балки олтинни қаердан олиш сирини биларсан? Мамлакатни ҳалокатдан, севгилингни Антоний чўриси бўлишдек қисматдан сақлаб қолиш керак-ку! Айт-чи, ҳазина ҳақидаги анови афсона – эртаки ёки бор гапми?

Мен бир оз ўйлаб турдим-да, кейин дедим:

– Фараз қилайлик, бу афсона – ҳақиқат, фараз қилайликки, оқсоч мозийнинг буюк фиръавнлари тарихимизнинг қора кунларида Кеметни

қутқариш учун яшириб қўйган хазинани сизга кўрсатарман, аммо сиз бу бойликдан ҳақиқатан ҳам мана шу эзгу мақсадда фойдаланишингизга ишонсам бўладими?

– Бундан чиқди, хазина бор экан-да? – жонланиб сўради Клеопатра. – Йўқ, мендан жаҳлинг чиқмасин, Хур Моҳ, зеро, сенга виждонан тан олиб айтаман, “олтин” сўзининг ўзи бошимизга мусибат тушган шу қора кунда юракни шундай севинчга тўлдирадидики, саҳрода булоқ дуч келгандан ҳам ортиқ деявер.

– Шундай хазина бор деб ўйлайман, – жавоб бердим мен, – уни ўзим ҳеч қачон кўрган эмасман. Аммо у қаерга қўйилган бўлса, ўша ерда ётганини биламан, зеро, кимки унга нопок қўлини тегизса ва ўзининг ғаразли фикрларини амалга ошириш учун фойдаланса, шундай қарғишга қоладидики, хазина кўрсатилган жойдан фиръавнлардан биронтаси мамлакатнинг бошига энг оғир мусибат тушганида ҳам ундан олишга журъат этолмайди.

– Э, қадимги замонларда барча ҳамма нарсадан кўрққан, – эътироз билдирди малика, – ёки улар бошига тушган мусибатлар у қадар катта бўлмаган. Бундан чиқди, Хур Моҳ, сен бу хазинани менга кўрсатасан, шундайми?

– Агар у ҳамон ўша ерда ётган бўлса кўрсатишим ҳам мумкин, аммо сен ундан фақат Мисрни римликлардан қутқариш ва Миср халқи ҳаётини енгиллаштириш йўлида фойдаланаман, деб қасам ичишинг керак.

– Қасам ичаман! – астойдил жўшқинлик билан деди малика. – Кеметнинг барча маъбудалари ҳаққи, агар менга бу хазинани кўрсатсанг, мен Антонийга уруш эълон қиламан ва Антоний менга юборганидан ўн баробар ҳақоратли нома билан Деллийни Киликияга қайтариб юбораман. Бу билан чекланиб қолмайман, ундан ҳам кўпроқ иш қиламан, Хур Моҳ: тез орада иккаламиз никоҳдан ўтамиз ва бу ҳақда бутун дунёга маълум қиламан, кўнглингдаги ниятларни ўзинг амалга оширасан ва мамлакатимиздан Рим калхатини ҳайдаб юборасан.

Шу тариқа малика чин инсонга хос ҳаққонийлик ва самимийлик ила менга қараб гапирар эди. Мен унга ишондим ва таназзулимдан кейин биринчи марта ўзимни бахтли ҳис этдим. Мен учун ҳали ҳаммаси бой берилганича йўқ ва мен телбаларча севган Клеопатра билан биргаликда ўзимга мисрликларнинг ҳурматини ва ҳокимиятни ҳали ҳам қайтариб оламан, деб ўйладим.

– Қасам ичсанг-чи, Клеопатра! – талаб этардим мен.

– Қасам ичаман, севгилим! Мана шу муҳр билан қасамимни тасдиқлайман! – у пешонамдан ўпди. Мен ҳам уни ўпдим ва биз эр-хотин бўлгандан кейин қандай яшай бошлаймиз ва Антонийдан қутулиш учун нималар қилишимиз кераклиги ҳақида гаплаша бошладик.

Шундай қилиб, мен яна бир карра афсунга берилдим ва алдандим, ҳолбуки агар Хармиананинг ашаддий рашки бўлмаганида, бу рашк уни (бундан кейин ўзингиз кўрарсиз) мудом янги-янги жинойтларга ундамаганда, Клеопатра ростдан ҳам мен билан никоҳдан ўтган ва Римдан ўзини тўсиб олган бўларди. Шунда пировард-оқибатда унинг учун ҳам, Миср учун ҳам яхши бўларди.

Биз деярли тонггача суҳбатлашиб ўтирдик ва мен хазинани ёпиб турган сир пардасини унинг олдида аста очдим – бу пирамида қаърида ётган битмас-туганмас бойлик эди. Эртагаёқ йўлга тушишга келишиб олдик. У ерга икки кунда етиб борамиз-да, тунда бойликни қидиришга тушамиз. Эрта тонгда хуфия тарзда қайиқ шай қилинди, юзига чодра ташлаб Клеопатра қайиққа чиқди, бу билан у Хор-эм-ахет эхромига зиёратга кетаётган мисрлик аёлдан сира фарқ қилмасди. Мен ҳам у билан зиё-

ратчилар либосида сузиб кетмоқда эдим, бундан ташқари маликанинг энг содиқ мулозимларидан ўнтаси эшкакчилар кийимида эди. Орамизда Хармиана йўқ эди. Канопдан Нил бўйлаб бизга йўлчи шамол ҳамроҳлик қилди ва биринчи тундаёқ ой ёруғида сузиб Саисга етиб келдик, шу ерда бир оз дам олдик. Тонгда қайиғимиз яна йўлга тушди, кун бўйи тез ҳаракат қилдик ва катта масофани босиб ўтдик, шу боис кун ботгандан икки соат кейин олдинда Бобил деб аталувчи қалъа чироқлари кўринди. Биз қаршидаги соҳилга яқин бордик ва билдирмайгина баланд қамишзор орасида қирғоққа тушдик.

Кейин ҳаддан ортиқ эҳтиёткорликка риоя қилганча эҳром томон яёв юриб кетдик, – орадаги масофа икки лигга бор эди.

Мен, Клеопатра ва содиқ занжи қул учовимиз кетиб борардик, қолган мулозимларни кемада қолдирдик. Клеопатра учун буғдойзор орасида ўтлаб юрган бир эшакни тутиб олишга муваффақ бўлдим. Унинг устига чакмонимни ташладим-да, маликани миндириб, сўнг эшакни ўзимга таниш сўқмоқдан ҳайдаб кетдим, занжи эса ортимиздан эргашиб келарди. Бир соатдан кўпроқ юргач, биз катта дамба ёнидан ўтдик ва рўпарамизда ойдинда учлари осмонга қадалиб турган улуғвор пирамидалар — эҳромлар намоён бўлди; ҳузурбахш ҳаяжон ичида чурқ этмай, руҳлар жойлашган мархумлар шаҳри бўйлаб яна юриб кетдик, атрофида даҳмалар гердайиб қад кўтариб турарди ва охири тош майдончага кўтарилдик, унинг улуғвор тахти – Хуфу эҳроми ёнида туриб қолдик.

– Ишончим комилки, – шивирлаб деди Клеопатра сиртига миллионлаб диний тимсоллар ўйиб ишланган, ой нурида ялтираб турган мрамор иншоотларнинг тепасига қарар экан, – ишончим комилки, ўша замонларда Мисрга одамлар эмас, маъбудлар ҳукмронлик қилганлар. Бу жой ўлимнинг ўзидай ғамгин экан, шу билан бирга улуғвор ва бизга бегона. Биз шу эҳромга киришимиз керакми?

– Йўқ, бунга эмас, – дея жавоб бердим, – яна юрамиз.

Мен уларни сонсиз қадимги даҳмалар орасидан бошлаб кетдим, охири юриб-юриб буюк Хефрен эҳромигача етиб бордик. Унинг соясида тўхтадик ва учи кўкка қадалган баҳайбат қизил тош ёдгорликни томоша қила бошладик.

– Бу ўшами? – яна шивирлади малика.

– Йўқ, у эмас, – жавоб бердим мен. – Яна юриш керак.

Яна даҳмалар ёнидан ўтиб боравердик, уларнинг охири кўриная демасди, аммо биз эҳромларнинг энг улуғи соясида тўхтадик ва ҳанг-манг бўлиб қолган Клеопатра бу жонон ёдгорликнинг ойнадай силлиқ сиртидан кўзларини узолмай қолди. Ёдгорлик ўзининг қора базальт пойдевори узра ҳар тунда ой нурини осмонга қайтарганча неча-неча минг йиллардан бери қад кўтариб турарди. Дарҳақиқат бу пирамидалар ичида энг чиройлиси эди.

– Шу ердами? – сўради малика.

– Ҳа, шу ерда, — дедим.

Осирис раҳматига олган илоҳий зот Менкаурга бағишланган диний маросимлар учун мўлжалланган эҳром билан пирамида пойдевори оралиғидан ўтдик ва пирамиданинг шимолий томонига келиб қолдик. Шу ерда энг ўрталикда фиръавн Менкаурнинг исми ўйиб ёзилган эди, ушбу пирамидани у қурган эди, уни ўзига мақбарага мўлжаллаган бўлиб, кўплаб жавоҳирларни шунинг ичига яширган, Ватан бошига қора кунлар тушгудек бўлса, Кеметни сақлаб қолиш учун асқатар, деб ўйлаган.

– Агар хазина ҳали ҳам шу ерда турган бўлса, – дедим мен Клеопатрага, – у бобокалоним замонидан бери шу ерда турган, унда хазина қаршингдаги пирамиданинг қоқ юрагида ётибди; уни олиб чиқишнинг

ўзи бўлмайдими – қаттиқ машаққатларга учраймиз, катта хавф-хатарларни енгиш керак, телба бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ичкарига киришга шай-мисан? Зеро, ўзинг кириб, уни бир ёқли қилганинг тўғри бўлмасмикан?

– Сен-чи, Хур Моҳ, занжи қул билан бориб, хазинани кўтариб кела қолинглар, – деди у; зеро, ундаги мардоналикдан асар қолмаганди.

– Йўқ, Клеопатра, – жавоб бердим мен, – сени деб ва Мисрнинг фаронлиги деб хазинага қўл урмайман, зеро, барча жиноятлар ичида бу энг куфронийсидир. Мен фақат бир иш қилишим мумкин, холос. Мен хазина сирига эгалик қилиш учун дунёга келганман, борди-ю Каметнинг тахт сўраб турган ҳукмдори талаб қилса, унга хазина ётган жойни кўрсата оламан, хазинани олмоқчи бўлганлар илоҳий Менкауэр ёзиб қолдирган огоҳномага риоя этишлари лозим. Огоҳномани ўқиб, агар фиръавн Каметнинг аҳволи чиндан хатарли ва фалокат муқаррар, деган тўхтама келсаю маъбудлар қарғишидан қўрқмай хазинани олса, начора, бу куфроналик учун айб унинг гарданига тушади. Мен ўқиган йилномаларда айтиладики, учта тождор Каметимиз бошига фалокат ёғилган мудҳиш дамларда мақбарага киришга журъат қилган. Булар илоҳий малика Хатшепсут – маъбудаларга тенг, ердаги мўъжиза; унинг илоҳий акаси Тутмос Менхеперра ва илоҳий Рамзес Ми-Амондир. Аммо бу шоҳаншоҳлардан биронтаси ҳам огоҳномани ўқиб кўргандан кейин хазинага дахл қилишга журъат этмаган; ҳа, маблағга эҳтиёж катта бўлган, аммо огоҳномадаги гаплардан улар кўпроқ кўрққанлар. Натижада ушовлари ҳам хазинани олмай қайтиб кетишган.

Клеопатра ўйланиб қолди, сўнг жасурлиги кўрқувидан устун келганини англадим.

– Ҳеч бўлмаганда хазинани ўз кўзим билан кўраман-ку, – деди у.

– Шундай бўлсин, – жавоб бердим.

Бизга ҳамроҳ бўлиб келган занжи қул иккаламиз харсангларни тўплаб, пирамида пойдевори ёнидаги мен билган жойга бир-бирини устидан қалаб чиқа бошладик. Тошлар одам бўйи барабар кўтарилгач, мен унинг устига чиқдим-да, фақат менгагина маълум бўлган ихчамгина, дарахт япроғидек келадиган дўнгчани қидиришга тушдим. Уни узоқ қидиришимга тўғри келди, зеро, саҳродан хумларни учираиб олиб келувчи шамол ва қуёш ҳатто базальтни ҳам аяб ўтирмаганди. Бироқ охири уни бир амаллаб топдим ва дўнгчага бор кучим билан астойдил босдим. Шу пайт минг йиллардан бери жим ётган тош бурилди-да, қаршимда бир одам зўрға сиғадиган мўъжазгина йўлак очилди. Тош бурилгани ҳамон йўлак ичидан гўё қарилик туфайли оқариб кетган каттакон кўршапалак отилиб чиқди, у шу қадар баҳайбат эдики, қанотини ёйса, нақ бургутдай келарди, зеро, бунақасини ҳеч қачон кўрмаганман. Кўршапалак қанотларини қоққанча Клеопатранинг тепасида муаллақ турди-да, сўнг аста айланиб-айланиб осмонга кўтарилди, охири ой ёруғи қўйнида кўринмай кетди.

Клеопатра беихтиёр чинқириб юборди, кўршапалақдан кўзини узмай қараб турган занжи қул эса кўрққанидан ерга ётиб олди – бу пирамиданинг қўриқчи руҳи эканига у чиппа-чин ишонган эди. Гарчи уларга бир оғиз бир нима демаган бўлсам-да, менинг ҳам юрагим бир тутам бўлди. Шунча йиллар ўтди, аммо Осирис раҳматига ноил бўлган Менкауэрнинг руҳи ҳозир бўлганига мен ҳам ишонгандим, у кўршапалак қиёфасига кириб, бизни огоҳлантириш учун ўзининг табаррук масканидан учиб чиққан.

Ҳаво туриб қолган йўлакни шамоллатиш учун бирпас кутиб турдим. Унгача шамларни олдим, уларни ёқдим ва учаласини ҳам йўлак оғзига қўйдим. Кейин харсанглар уюмидан пастга тушдим, қулни бир четга олиб ўтдим-да, Абидосдаги ўзининг муқаддас қабрида ухлаб ётган Одамининг тирик руҳига бағишлаб кўзим билан кўриб, гувоҳ бўлганим сир ҳақида



ҳеч кимга лом-мим демайман, дея онт ичишга мажбур қилдим.

У худди айтганимдай қилди, қўрққанидан эс-хушини йўқотиб, аъзойи бадани қалт-қалт қиларди шўрликнинг. У қасамига содиқ қолди ҳам.

Кейин мен туйнукка суқулдим, белимдан ўзим билан олиб келган арқонни айлантириб боғладим ва Клеопатрага бу ёққа кўтарилинг, дея ишора қилдим. У кўйлаги этагини белидаги камарига ўтказиб, юқорига тирмашиб чиқди, мен уни туйнукдан ичкарига тортиб олдим ва ниҳоят, гранит тошлар қоплаб чиқилган йўлакда Клеопатра мен билан ёнма-ён турарди. Сўнг ўзим билан олиб келган ва фақат сирдан огоҳларгина ўқий оладиган қилиб тузилган харитага қараб, ҳамроҳларимни қоп-қоронғи йўлакдан минг йилдан бери гунг бўлиб ётган пирамида ичига бошладим. Бояги харита менгача аждодларимдан илоҳий Менкаура пирамидаси ва Осирис раҳматига ноил бўлган ушбу буюк фиръавннинг маросим эҳроми коҳинларидан қирқ бир авлод орқали етиб келган энг қадимги ҳужжатлардан кўчириб олинганди. Шамларимизнинг омонат алангалари ҳам титрарди, шуларнинг ёруғида туриб қолган, шилимшиқ иссиқ ва рутубатдан бўғилиб, айланма йўл билан пастга тушдик. Бир вақт тош қопламалари тугади, биз қояга ўйиб ишланган айвонга чиқиб қолдик. У, юз тирсак тик пастга инарди, кейин иниш яна ҳам қиялаб кетди ва кўп ўтмай девор ва шифтлари оққа бўялган, аммо мендай бир бўйдор одам тик туролмайдиган даражада паст хонада пайдо бўлдик; хонанинг бўйи йигирма тирсак, эни ўн беш тирсак эди ва унинг оқланган деворлари бошдан-оёқ бўртма нақш билан қопланганди. Шу ерда Клеопатра ерга чўқди ва бирпас дам олмоқчи бўлди, зеро, иссиқ ҳаво силласини қуритиб юборган, ўзи қоронғидан қаттиқ қўрқарди.

– Утирма! – буюрдим мен. – Бу ерда узоқ қолиш мумкин эмас, хотирамиздан айрилиб қолишимиз мумкин.

Малика ўрнидан турди ва қўлимдан олиб, мен билан биргаликда хонани кесиб ўтди, биз шифтдан тарновлар узра сирғалиб турувчи залворли гранит эшик олдига келиб қолдик. Мен яна харитага қарадим. Оёғим билан у ерда белгиланган тошни босдим-да, кута бошладим. Билмайман, қандай куч билан зилдай гранит аста ва бир текисда кўтарилди бошлади ва қоя қатламида йўл очилди. Биз ундан юриб ўтдик-да, иккинчи гранит эшик олдига келиб қолдик. Мен яна режада белгиланган тошни оёғим билан босдим ва ушбу эшик ўз-ўзидан ланг очилди, биз ундан ҳам ўтдик, бироқ шу топ рўпарамизда олдинги иккаласидан ҳам залварлироқ учинчи эшикни кўрдик. Сирли рамзлар билан ёзилган харитам белгиларига риоя қилиб, эшикнинг белгиланган жойига бир урдим ва эшик сеҳрлангандай пастга сирпана бошлади ва охири тепа чеккаси ер билан баравар бўлди. Биз остонадан ҳатлаб ўтдик-да, яна йўлакда пайдо бўлдик, у пастга равон тушиб борди-да, етмиш тирсакдан кейин бизни баландлиги тўққиз тирсакдан ортиқроқ, эни тўққиз тирсак ва бўйи ўттиз тирсак, бошдан-оёқ қора мрамор қопламали катта хонага олиб келди. Мрамор фаршда каттакон гранит тобут ётарди, унинг қопқоғига фиръавн Менкаура хотинининг исми ва унвони ўйиб ёзилганди. Бу хонанинг ҳавоси тоза эди, ҳолбуки унинг қаердан киришини билмасдим.

– Ҳазина шу ердами? – шивирлади Клеопатра.

– Йўқ, – жавоб бердим мен, – ортимдан келавер.

Мен уни катта хилхона еридаги туйнукдан ўтиб олганимиз йўлакка бошлаб келдим. Туйнук тош девор – тикин билан ёпиларди, аммо ҳозир эшик ағдарилиб ётарди. Биз мана шу лаҳмдан, эллик тирсакли йўлакдан эмаклаб ўтдик ва ниҳоят, чуқурлиги етти тирсакли қудуққа кўзимиз тушди. Арқоннинг бир учини белимга, иккинчи учини эса қояга қоқиб ўрнатилган ҳалқага боғладим, мен шамни қўлимда ушлаб пастга тушдим ва илоҳий



Менкауэрнинг сўнги оромгоҳи бўлган жойда пайдо бўлдим. Сўнг занжи қул арқонни тортиб олди ва Клеопатра белига боғлади-да, пастга туширди, мен эса уни қучоғимга олиб қабул қилдим. Занжи қулга бизни тепада, қудуқ оғзида қайтишимизни кутиб тур, деб буйруқ бердим, ҳолбуки у ёлғиз қолаётганидан жон-пони чиқиб, нима қилишини билмаётганди. Бироқ биз бораётган жойга унинг ҳамроҳлик қилишига ҳожат йўқ эди.

## Х И Б О Б

*Ушбуда илоҳий Менкауэр даҳмасининг кўриниши; фиръавн кўксиде ётган тилла тахтачага нималар ёзилгани ҳақида; Клеопатра ва Ҳур Моҳ хазинани қандай олиб чиқишгани ҳақида; даҳмада яшовчи руҳ ҳақида ва Ҳур Моҳ ва Клеопатранинг муқаддас мақбарадан қочиб чиқишлари ҳақида ривоят қилинади.*

Биз шифти куббасимон, ўртача катталиқдаги хонада турардик, девор ва ерларига катта-катта гранит парчалари қоплаб чиқилган. Олдимизда базальт харсангидан уйча кўринишида ўйиб ишланган ва олтин бошли сфинкснинг орқасига миниб олган илоҳий Менкауэрнинг тобути ётибди.

Биз ҳузурбахш даҳшатдан қотиб қолдик, устимиздан сукунатнинг даҳшатли юки, бу муборак даҳманинг маънос тантанаворлиги босиб турарди. Бошимиз узра осмонга ҳаддан ташқари баланд кўтарилган қудратли пирамида сиртидан ёқимли тунги ел ғириллаб эсарди. Биз эса пастда, унинг танаси ичида, улкан қоя қаърида, базальт пойдевор тагида турибмиз. Биз тинчини бузмоқчи бўлганимиз марҳум билан юзма-юз эдик ва тириклар дунёсидан бу ерга тиқ этган товуш этиб келмасди – қани, бир ғивир этган шабада бўлса, қани, бирор нарса қилт этиб қимирласа, ҳаёт борлигини эслатиб, юрактешир танҳолигимизни юмшатса. Мен тош тобутдан кўзимни узолмаётгандим; унинг оғир қопқоғи олиб ташланган ва ўзи ёни билан турарди; атрофни неча минг йиллик қалин чанг қоплаган.

– Қара, – шивирладим мен, қадимги муборак рамзларни кўрсатиб, уни кимдир деворга бўёқ билан чизган бўлиб, мазмунидан бир нима келиб чиқарди.

– Уқи-чи, Ҳур Моҳ, – ўшандай шивирлаб илтимос қилди Клеопатра, – мен бу ёзувларни билмайман-ку.

Мен ўқий кетдим:

“Менким, Рамзес Ми-Амон, Камет мамлақати бошига буюк мусибат тушган кун ва шу соатда ушбу даҳмани келиб кўрдим. Мусибатим катта, юрагим ҳар қанча бардошли бўлса-да, мен Менкауэр қарғишидан кўрқаман. Эй, мендан кейин бу ерга келгучи зот, борди-ю виждонинг пок бўлса, Каметимиз бошига чиндан офат ёғилган бўлса, яхшилаб ўйлаб кўр-да, шундан сўнг мен қолдирган нарсани ол”.

– Ҳўш, қани ўша хазина? – шивирлади Клеопатра. – Сфинкснинг олтин бошими?

– Хазина анави ерда, – дедим мен тош тобутни кўрсатиб. – Яқинроқ келиб, диққат билан қара.

У қўлимдан ушлаб олди ва биз тош тобутга яқин бордик.

Боя айтганимдай, қопқоқ кўчириб олинганди, аммо тош тобут ичида рангли нақшу нигор билан безатилган фиръавн тобути бор эди. Биз сфинкс устига чиқдик, мен тобутдан чангни пуфлаб ташладим-да, унинг қопқоғида ёзилган сўзларни ўқидим. Мана ўша ёзувлар:

“Фиръавн Менкауэр, осмон фарзанди”.

“Фиръавн Менкауэр, қуёшнинг шоҳ ўғли”.

“Маъбуда Аут юраги остида ётган фиръавн Менкауэр”.

“Сенинг самовий онанг Нут сени ўз муқаддас номинг қаноти остига олгай”.

“Сенинг самовий онанг Нут исми – осмон сири?”

“Сенинг самовий онанг Нут сени маъбудлар зумрасига киритгай”.

“Сенинг самовий онанг Нутнинг нафаси, сенинг фиръавнларинг кулини кўкка совургай”.

“Эй фиръавн Менкауур, сен мангу тириксан!”

– Ахир қани хазина? – яна сўради Клеопатра. – Ҳа, бу ерда илоҳий Менкауур жасади ётибди, аммо фиръавнларнинг жасади чуриган суякдан иборат, олтиндан эмас; агар сфинкснинг боши олтиндан бўлса, уни қандай оламиз?

Мен маликага ҳеч нима деб жавоб бермадим, бироқ сфинкс устида ўша-ўша турган кўйи фиръавннинг бош томонидаги тобут қопқоғидан ушлашни буюрдим, ўзим эса унинг қарама-қарши томонидан тутдим. Кейин менинг буйруғим билан қопқоқни тепага сурдик, у осон кўчди, чунки маҳкамланмаган экан ва биз уни ерга қўйдик. Тобутда фиръавннинг мўмиёланган жасади ётарди – уч минг йил аввал қандай қўйилган бўлса, ҳашамлари одмигина эди. Ҳозирги жасадларнинг юзини ёпгандайин унинг юзида олтин ниқоб йўқ эди, боши вақт ўтиши билан сарғайиб кетган мато билан ўроғлиқ ва қизил бўз дока билан айлангириб боғлаб унинг остидан очилган нилуфар поячалари суқиб-суқиб қўйилганди. Кўкрагида ҳам нилуфар гулчамбари бўлиб, унинг ичида бир сидра муборак ёзувлар билан қопланган каттагина олтин лавҳа бор эди. Мен олтин лавҳани қўлимга олдим-да, ёруққа олиб келиб, ўқий бошладим:

«Менким, Осирис ўз раҳмати ила сарафроз этган, Кемет мамлакатининг бир вақтлардаги фиръавни бўлган, насиб этилган умрини ҳалол яшаб ўтган ва ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси, Англаб Бўлмас чизиб берган йўлдан борган Менкауур ўз даҳмасидан туриб мenden кейин тахтини қисқа муддат эгаллайдиган зотга мурожаат қилурмен. Гапимга қулоқ солинглар. Осирис васлига восил бўлган менким Менкауурга ҳали ҳаётлик вақтимда кўрган бир тушимда пайғамбарона ҳукм бўлган эдики, Кемет мамлакатига ажнабий босқинчилар зулми хавф солгай ва унинг ҳукмдори беҳад миқдордаги бойликка муҳтож бўлгай, токи кўшинларни қуроллантириб, ажнабийларни қувиб солгайлар. Ақлу ҳушим тириклигида мenden жоиз шул ишни адо этдим.

Маъбудлар марҳамати ва саховати ила мўл-кўл сарвату давлатлар эгаси бўлдим, Гор замонидан буён биронта фиръавн мен билан тенглаша олмас эди – менинг минглаб сигирим ва ғозим, ҳўкизим ва кўйим, минг ботмон доним, юзлаб қирот олтиним ва дур-ғавҳарларим бор эди; мен бойлигимни кўз қорачиғидай асрадим ва умрим ниҳоясида уни дунёдаги энг ғўзал ва йирик тошлар – зумурадларга айлантирдим. Бу тошларни Камет бошига қора кун тушганда олишни васият қилурмен. Аммо ер юзида текин бойликка ўч ёвузлар ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади, улар мен мамлакатга васият қилиб қолдирган бойликни ўғирлашлари ва улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин; билиб қўйки, эй ҳали дунёга келмаган авлод, мен дунёдан ўтиб, устимга келганинда ва мана бу тош лавҳага ёзилганларни ўқишга амр этганимда, маълуминг бўлғай: хазина менинг жасадим ичига яшириб қўйилган. Сени огоҳлантираман, эй ҳали дунёга келмаган ва Нут қорнида ухлаб ётган авлод! Борди-ю, Кеметни унинг душманларидан қутқариш учун бойликлар сенга чиндан зарур бўлиб қолса, қўрқмасдан ва имилламасдан мени тобутдан чиқариб ол, кафанни еч ва кўкрагимдан хазинани ол ва сенга менинг дуоларим ва маъбудларнинг ҳидоятлари ёр бўлгай; сендан фақат бир нарсани илтимос қиламан: жасадимни қайта

тобутга жойлаб қўй. Борди-ю, маблаққа эҳтиёж у қадар кучли бўлмаса ёки кўнглинда риёкорона ўй-хаёллар бўлса, сенга Менкаурунинг лаънатлари ёғилгай! Хокни булғаганларга ҳомийлик қилувчига лаънатлар бўлсин! Маъбудларни ҳақорат қилганларга лаънатлар бўлсин! Бир умр мусибатлардан бошинг чиқмагай, азоб-уқубатларда ўз қонингга беланиб ўлгайсан, қийноқларинг эса абадий давом этгай, оҳ-воҳларингга чек-ниҳоя бўлмагай! Зеро, у ерда, Аментида биз сен билан яна юзма-юз бўлгаймиз, эй балохўр!

Хазина сирини сақлаш учун менким, Менкауру, мархумлик уйимнинг шарқ томонида маросим эҳроми барпо этишни амр қилдим. Сирни бир-бирига шу эҳромнинг олий қоҳинлари ҳавола қилгайлар. Борди-ю, олий қоҳинлардан биронтаси бу сирни фиръавн ёки фиръавн тожини кийиб, унинг тахтида ўтирган аёлдан бошқа бировга очадиган бўлса, у ҳам тавқи лаънатга гирифтор бўлгай. Осирис раҳматига олган менким, Менкауру, мазкурни ёздим.»

– Хазинани оламиз, – деди Клеопатра. – Биздан аввал келган шохлар бизчалик оғир аҳволга тушмаган. Бунинг аслида шундай эканини сен яхши тушунасан, акс ҳолда Хатшепсутми, ёки Рамзесми, ё бошқа бирорта фиръавнми зумуррадларни тобутдан олган бўлар эди. Аммо ундай қилишмаган, уларни биз учун қолдиришган, чунки ўшанда ҳали фурсат етмаган бўлган. Энди ишончим комилки, ўша фурсат етиб келди, чунки агар жавохирларни олмасам римликлар албатта Мисрни босиб олишадди ва сирни етказиши мумкин бўлган фиръавнлар унда қолмайди. Йўқ, қўрқув-пўрқувни бир четга қўяйлик-да, ишга киришайлик. Нега рангинг бу қадар бўзариб кетмаса? Юраги тоза одам ҳеч нарсадан қўрқмайди, деб ўзинг ҳозиргина ўқидинг-ку, Ҳур Моҳ.

– Узинг биласан, – дедим мен яна, – ўзинг ҳал қил, бироқ қалбингга яна бир қарра қулоқ сол, зеро, агар янглишсанг, тавқи лаънатга қоласан-да, умрбод ундан қутулолмайсан.

– Ҳур Моҳ, сен фиръавннинг елкасидан ол, мен эса унинг... Вой, бу ер жуда қўрқинчли экан! – Шундай дея у менга ёпишиб олди, – қоронғида кўзимга шарпа кўрингандай бўлди! У устимизга бостириб кела бошлади-да, кейин бирдан ғойиб бўлди! Кетдик бу ердан! Сенга ҳеч нарса кўришмадимми?

– Йўқ, Клеопатра, ҳеч нарса кўрингани йўқ; аммо у илоҳий Менкаурунинг руҳи бўлгани рост, зеро, руҳ бир вақтлар ўзи яшаган фоний жисм атрофида ҳар доим айланиб юради. Тўғри айтасан, кетдик бу ердан; шуларни ўйлаганингдан хурсандман.

Малика кудуқ томон интилган ҳам эдики, яна тўхтади ва деди:

– Йўқ, ҳеч қанақа шарпа йўқ эди, менга шунақа кўринган, бунақа даҳшатли жойда қўрқувдан эзилган тасаввур чиндан бир-биридан ёмон нарсаларни йўқдан бор қилади. Ўлсам ўламанки, зумуррадни олиб кетаман! Менинг сўзларимни унутгайсан.

– Мана, ҳамма гапни эшитдинг, Клеопатра, – тантанавор оҳангда дедим мен. – Энди қалбингга қулоқ сол; бир тўхтама кел ва ўз тақдиринг ҳаққи янглишма.

Малика ўйчан бошини эгди.

– Юрагим чопмаяпти, қўрқиб кетяпман, – деди охири у. – Кетдик бу ердан.

– Кетдик, – дедим мен енгил нафас олиб ва тобут қопқоғини кўтариш учун энгашдим. – Яшириб нима қилдим, мен ҳам қўрқиб кетяпман.

– Бирпас тўхтаб тур; мана бу олтин лавҳага илоҳий Менкауру нима деб ёзганди? Афтидан, у зумуррад ҳақида гапирганди-ёв. Зумуррад эса ҳозир анқонинг уруғи, жуда қиммат туради. Умр бўйи яхши кўрганим зумуррад,

аммо бенуқсон жавоҳирни умрим бино бўлиб кўрган эмасман.

– Сенинг яхши кўриш-кўрмаслигининг аҳамияти йўқ, – эътироз билдирдим. – Бу ерда бошқа гап бор: Каметнинг аҳволи шу қадар оғирми, қалбинг яширин риёдан холими – буни фақат сен биласан.

– Эҳ, Хур Моҳ, сен тагин сўраб ўтирибсан-а? Бундан ҳам қора замон бўларканми? Хазинада олтин йўқ, олтинсиз Рим билан жанг қилиб бўларканми? Сенга хотин бўламан ва Римга уруш эълон қиламан, деб онт ичган мен эмасмидим? Уша онтимни ҳозир яна такрорлайман – шу ерда, кўлимни марҳум фиръавн кўксига қўйиб, муқаддас даҳманинг ўзида такрорлайман.

Ҳа, илоҳий Менкауэрнинг тушида кўргани рост бўлиб чиқди. Энди имиллаш йўқ, қани, бўлақол! – Шундай дея у эгилди-да, ўз кўли билан тош тобут ичидан тўрт ганч идишдан бирини олди, одатда уларнинг қўриқчи маъбудлар боши шаклидаги қопқоқлари зич ёпиқ бўлиб, ичига илоҳий Менкауэрнинг юраги ва ичак-чавоқлари солиб қўйиларди. Аммо идишлардан биронтасида ҳам биз ҳеч нарса топмадик, уларда таомилдаги нарсалар – юрак ва ичак-човоқларгина бор эди, холос.

Кейин иккаламиз сфинкснинг устига чиқдик, жуда катта қийинчилик билан илоҳий фиръавннинг мўмиёланган жасадини чиқариб олдик ва уни ерга қўйдик. Клеопатра ханжаримни олди, у билан жасаднинг устидан айлантириб ўраб чиқилган мўмиёли докаларни ва нилуфар гулларини кесди, кимнингдир меҳрибон кўли уч минг йил олдин докалар тагига қўйиб чиққан гуллар ерга тушиб, чангга қорилди. Кейин биз доканинг учини узоқ қидирдик, барибир ҳам топдик – у жасаднинг бўйни ёнидан қайириб қўйилган экан. Уни кесишга тўғри келди, зеро, у жуда қаттиқ ёпишиб, қотиб кетганди. Биз, ниҳоят, муборак жасаднинг кафанини ечишга тушдик. Мен тоштобутга суюнганча тошда ўтирдим, жасад шундоқ тиззам устида ётибди, мен уни айлантирар, Клеопатра кафанни ечар эди – дунёда бундан бемаза, бундан ифлос иш бўлмаса керак. Бир вақт дока тагидаги бир нима ерга тушди – бу фиръавннинг олтин таёқчаси бўлиб, учига каттакон сайқалланган зумуррад кўндирилган эди.

Клеопатра таёқчани олди-да, унга тикилиб қолди. Кейин уни бир четга қўйди ва биз яна ўзимизнинг куфрона машғулотимизга қайтдик. Малика докани айлантириб ечаркан, орасидан тилла буюмлар ва безаклар тўкилиб тушарди, одатда тобутга марҳум фиръавн билан бирга қўйиладиган бу буюмлар, билагузуклар, мунчоқлар – жажжи-жажжи созлар, сопига гавҳар қадаб безалган болтачалар, илоҳий Осирис ҳайкалчаси, қутлуғ Кемет рамзи кабилар эди. Охири барча докалар ечиб бўлинди, унинг тагидан кафан кўринди, у хушбўй мой шимдирилган канопо мато бўлиб, тошдай қотиб кетганди, – қадимда хунармандчилик ҳозиргидек ривожланмаган эди ва мўмиёлаш санъати ўзининг олий чўққисига кўтарилиб улгурмаганди. Канопо кафанга суйри шаклда “Менкауэр, Қуёшнинг шоҳ ўғли” деб ёзиб қўйилганди. Биз бу кафанни ҳарчанд уриниб ҳам ечолмадик, у баданга зич ёпишиб, қотиб кетганди. Кейин бунақа иссиқда ҳадемай ҳушдан айрилишимизга кўзимиз етиб, минг йиллик чангдан ва тутатқиларнинг бош айлантирувчи ҳидидан бўғилиб, бу муборак ва тинч жойдаги қадимги даҳма ичида қанақанги куфроналиклар содир этилаётганидан кўрқиб ва дағ-дағ қалтираб, жасадни ерга қўйдик ва сўнгги қопламани ханжар билан текис бўлақларга бўлиб, кесиб ташладик. Аввало фиръавннинг юзини очдик, уч минг йилдан бери бу чехрага ҳеч кимнинг кўзи тушмаганди. Бу пешонаси дўнг олижаноб чехра бўлиб, бошига шоҳлик нишонаси – олтин чамбар кийгизиб қўйилганди, чамбар тагидан хушбўй мойлар таъсири билан сарғайган оппоқ соч толалари тушиб турарди. На ажалнинг совуқ муҳри, на секин ўтган уч минг йиллик

вақт оқими қовжиروق чехрасини хунуклаштир маган, улуғворлигидан махрум этолмаганди. Биз жасад чехрасига узоқ тикилиб қолдик ва ундан сира кўзимизни узолмасдик, бироқ охир-оқибатда кўрқувни енгиб, кафани сириб еча бошладик. Мана, рўпарамизда чиримаган, сариқ, ҳаддан ташқари кўрқинчли тана қип-яланғоч бўлиб ётибди. Чап ёнида кесилган жой бўлиб, ундан мўмиёчилар фиръавннинг ичак-човоқларини суғуриб олганлар, бироқ у шунчалик маҳорат билан тикилган эдики, унинг ўзини базўр топдик.

– Гавҳарлар шу ерда, ичкарида, – шивирладим мен, зеро, жасад жуда ҳам оғир эди. – Начора, юрагинг шерники бўлса, бир вақтлар фиръавн бўлган, энди хокдан ясалган бу шўрлик уйга эшик очгин. – Шундай дея мен ханжарни узатдим, – яқинда Павелнинг умрига зомин бўлган ўша ханжар эди бу.

– Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади, – деди малика, ўзининг оппоқ гўзал чехрасини мен томонга қаратиб ва кўрқувдан катта-катта очилиб кетган мовий кўзларини жасад юзига тик қадаб. У ханжарни олди, тишларини қисди ва жонли маликанинг қўли уч минг йил муқаддам яшаб ўтган фиръавннинг ўлик баданига суқилди. Шу лаҳзадаёқ биз телпада занжи қўлни қолдирган лаҳм оғзидан қулоғимизга инграган овоз келди! Биз даст ўрнимиздан туриб кетдик, ammo ингрок такрорланмади, лаҳмдан олдингидек пастга ёғду тушиб турар эди.

– Ваҳмдан бу, – дедим. – Бошладикми, охиригача етказайлик.

Шу тариқа, ёғочдай қотган танани аёвсиз титкилаб, жуда қаттиқ саъй-ҳаракат билан туйнук очдик, қулоғимга тинимсиз равишда ханжар учи ичкарида ётган тошларга тегаётгани эшитилиб турар эди.

Клеопатра қўлини фиръавннинг жонсиз кўкрагига юборди-да, ниманидир олиб чиқди. Нарсани ёруққа яқин олиб келди-да, қичқириб юборди, зеро, фиръавннинг зим-зиё қорнидан олиб чиқилган нарса чарақлаб кетди, бу одам боласига кўриш камдан-кам насиб этадиган ёмби зумуррад эди. У тип-тиниқ тўқ яшил рангда бўлиб, жуда катта эди, заррача нуқсонни йўқ, кўнғиз кўринишида; пастки томонига чўзинчоқ доира – суйри шакли ўйилган бўлиб, суйри ичида илоҳий Менкауур, Қуёш ўғли номи битилган.

Малика пайдар-пай туйнукка қўлини тикар ва пайдар-пай фиръавн кўкрагига қуйилган хушбўй мой ичидан йирик-йирик зумуррадларни олиб чиқар эди. Баъзи тошларга сайқал берилган бўлса, баъзиларига йўқ, ammo барчаси тип-тиниқ ва тўқ яшил тусда бўлиб, нуқсондан номнишон кўринмасди, уларнинг чиндан баҳоси йўқ эди. Клеопатранинг қўли эса кўрқинчли кўкрак ичига ҳамон тушиб-чиқмоқда эди ва биз, ниҳоят, ҳаммаси бўлиб бир юз қирқ саккиз дона жавоҳир санадикки, бутун ер юзида бунга тенг келадиган бойлик йўқ эди. Ўл сўнги бора тош қидириб кўкракка шўнғиганида, ундан зумуррад эмас, балки йирик-йирик икки дона дур олиб чиқди, бунақасини ҳеч ким ҳеч қаерда ҳали-вери кўрган эмас; дурлар каноп мато парчасига ўраб қўйилган экан. Бироқ бу дурлар ҳақида кейинроқ гаплашамиз.

Шундай қилиб, биз хазинани чиқариб олдик ва ана, олдимизда бир уюм бўлиб товланиб турибди. Жавоҳиротнинг шундоқ ёнида подшоҳ ҳокимиятининг олтин рамзлари, зеб-зийнатлар ётарди, уларнинг атрофида хушбўй мой шимдирилган латта-путталар сочилган, уларнинг бадбўй ҳидидан димоғ ачишиб, бош айланарди, мангу ўлмас Осирис, Аментида тахт сурган оқсоч фиръавн Менкауурнинг тилка-пора қилиб ташланган жасади ҳам шу ерда.

Биз ўрнимиздан турдик ва виждонимизни бениҳоя даҳшат чулғади – охир табаррук нарсаларни оёқости қилиш ишлари бажариб бўлинган эди ва қидириш иштиёқимиз баланд бўлгани билан энди матонатимиз



етишмасди, шу қадар қаттиқ даҳшатга тушган эдикки, биз тилдан қолган эдик. Мен Клеопатрага қараб им қоқдим. У фиръавни елкасидан, мен оёқларидан олдим-да, икковлашиб уни кўтардик, сфинкс устига олиб чиқдик ва уч минг йил ётган тобут ичига жойладик. Мен кафан қийқимларини ва жасад устидан ечиб олганимиз матони унинг устига ташладим ва тобутни қопқоғи билан ёпиб қўйдим.

Биз йирик-йирик зумурадларни бир жойга тўплادик, мен уларни чакмонимга ўрадим. Қолганини Клеопатра кўкрагига яшириб қўйди. Бебаҳо хазинанинг зилдай юкини олиб биз дабдабали даҳма, кишига доноларча сирли табассум билан кинояомуз боқиб, олтин юзида хотиржамлик акс этиб турувчи сфинкснинг устидаги тош тобутга сўнги бор кўз югуртирдик. Орқага ўгирилдик-да, шифтда туйнук бор жойга қараб юрдик.

Туйнук тагига етиб келиб тўхтадик. Мен тепада қолган занжи қулни чақирдим ва қулоғимга кимнингдир жавобан паст овозда ва қабиҳларча кулгани эшитилди. Юрагим орқага тортиб кетди, ҳатто иккинчи марта қичқиришга ботинолмадим, аммо имиллаш мумкин эмаслигини билиб турардим. Клеопатра ҳар сонияда ҳушдан кетаман дерди, шунинг учун шартта арқонни тутдим-да, чаққонлик билан юқорига, йўлакка кўтарилдим. Шам ёниб турарди, аммо занжи қул кўринмасди. Ҳойнаҳой, сал нарига бориб ўтирган ухлаб қолган бўлса керак, деган тўхтамага келдим, сўнг мен: «Арқон билан белингдан боғла», деб Клеопатрага қичқирдим, кейин жуда қийинчилик билан уни юқорига тортиб чиқардим. Шамларни қўлимизда тутганча бир оз дам олдик-да, занжи қулни қидириб кетдик.

– У қўрқиб кетган-да, қочиб қолган, шамларни эса қолдириб кетган, – деди Клеопатра. – О, Буюк маъбудлар! Анави ким бўлди?

Мен шамни олдинга қилиб, қоронғиликка тикилиб қарадим ва рўпарамда намоён бўлган манзарани эсласам, ҳозир ҳам баданим жимирлаб, томиримдаги қон муз қотади. Юзини бизга қаратиб, қоятошга суяниб, кўлларини ҳар томонга ёйиб, занжи қул ўтирарди – аммо у ўлик эди! Унинг кўзлари косасидан чиққан, жағи осилиб тушган, семиз бетлари салқиллашган, сийрак сочлари ҳурпайган эди, юзида шунақанги бир ғалати даҳшат ифодалари қотиб қолган эдики, уни кўрган ҳар қандай одам ҳушдан оғиши ҳеч гап эмасди. Аммо буниси ҳали ҳолва эди! Баҳайбат оқ кўршапалак унинг иягига тирноқларини қаттиқ ботириб, осилиб турарди. Бу мен йўл очганимда пирамида ичидан учиб чиққан ва осмонга ғойиб бўлган, бироқ биз билан бирга даҳманинг қоқ ўртасигача қайтиб келган кўршапалакнинг ўзи эди. У занжи қулнинг иягига осилиб олиб, аста-аста чайқалар, унинг қизил кўзлари қандай ёнишини кўриб турардик.

Қўрқувдан тош қотганча биз оёқда базўр тик турар ва мана бу совуқдан-совуқ махлуқдан кўз узолмас эдик, у эса бирдан ўзининг улкан қанотларини ёйди, чангалини бўшатиб, занжининг иягини қўйиб юборди-да, биз томонга қараб учди. Бир вақт оппоқ қанотларини аста-аста қоққанча тўғри Клеопатранинг рўпарасида ҳавода муаллақ туриб қолди. Кейин бамисоли ғазабланган аёлдай қаттиқ чийиллаб қичқирди ва ўзининг таҳқирланган даҳмаси эшигига қараб учди, қудуққа шўнғиди ва тош тобут турган хонага ғойиб бўлди. Мен беҳол деворга суяниб қолдим. Клеопатра эса ерда эмаклаб, бошини тирсаклари орасига олганча жонҳолатда қичқира бошлади, у қичқирар ва ўзини сира тўхтата олмасди, қичқириқлари бўм-бўш йўлақларда акс садо бериб янграр ва азбаройи қаттиқ янграганидан гумбаз ёрилиб кетгудек бўлмоқда эди.

– Тур ўрнингдан, маликам! – буюрдим. – Турақол, бизни таъқиб қилаётган руҳ қайтиб келмасидан аввал бу ердан қочиб қолайлик. Агар ҳозир қўрқоқлик қилиб, имиллайдиган бўлсак, муқаррар ҳалок бўламиз.



– Чайқала-чайқала малика оёққа турди ва буюк маъбудлар ҳаққи, унинг қўрқувдан бужмайган бўздек юзи ва ёнаётган кўзларини ҳеч қачон унутмасам керак. Шоша-пиша шамларни қўлимизга олиб занжининг бамисоли ёмон тушда кўрган даҳшатли жасади олдидан ўтдик, мен маликанинг қўлидан ушлаб олган эдим. Фиръавн Менкаура хотинининг тош тобути турган катта хилхонагача етиб олдик, ундан ўтдик ҳам, кейин йўлақдан югура кетдик. Борди-ю, кўршапалак барча учала залварли эшикни ёпиб қўйган бўлса, унда нима бўларди? Хайрият, эшиклар очиқ эди ва биз яшин тезлигида эшиклар томон отилдик; мен тўхтадим-да, фақат сўнггисини ёпдим. Харитада белгиланган жойдаги тошни босган эдим, зилдай эшик пастга қулади ва бизни марҳум занжидан ва унинг иягига ёпишиб чайқалаётган газандадан ажратиб қўйди. Биз деворларига бўртма нақшлар чекилган оқ хонада эдик, энди фақат сўнги тик баландликдан ошиб ўтиш қолганди. Оҳ, бунча оғир бўлмаса бу баландлик! Икки марта Клеопатра ердаги силлиқ тошда сирпаниб кетиб, йиқилиб тушди. У иккинчи марта йиқилганида биз йўлнинг қоқ ярмида эдик – у шаъмни қўлидан тушириб юборди, агар маликани ушлаб қолмаганимда, шам билан бирга унинг ўзи ҳам ўмбалоқ ошиб тушар эди. Бироқ уни ушлаб қоламан, деб мен ҳам қўлимдаги шамни тушириб юбордим, шам сакраб-сакраб пастга думалаб кетди ва биз зим-зиё қоронғилик ичида қолдик. Балки бу зулмат қўйнида бошимиз узра дўзахдан чиққан анов махлуқ айланиб учиб юргандир!

– Дадил бўл! – дедим ҳаяжон ичида. – Оҳ, севгилим, дадил бўл. Ҳа, баландлик тик экан, аммо кўпи кетиб, ози қолди; бу ер қоронғи бўлгани билан йўлак тўғри кетган, бу ерда ҳеч қанақа хатарга дуч келмаймиз. Агар жавоҳирлар оғирлик қилаётган бўлса, ташлаб юбор уларни.

– Ҳе, йўқ, зинҳор ташламайман, – шивирлаб деди малика, қийналиб нафас оларкан. – Шу ергача кўтариб келиб, энди зумуррадларни ташлаб юборарканманми? Ундан ўлиб қўя қолганим афзал!

Бу аёл қалбининг чинакам улуғлиги менга шунда намоён бўлди; зим-зиё қоронғилик қўйнида, кечирган даҳшатлардан дағ-дағ титраган ва ҳаётимиз қил устида турганини англаган ҳолда у менга маҳкам ёпишиб олган эди ва бошни айлантирувчи тик йўлақдан кўтарила бошладик. Бир қадам, икки қадам... бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаганча биз олға интилардик, юрагим ҳар лаҳзада тарс ёрилгудек бўлаётганини ҳис этиб турардим, ниҳоят, маъбудларнинг марҳаматими ёки ғазабими, бизни бир жойга олиб келди – бу ерда эҳромнинг тор йўлаги орқали тушиб турган заиф ой нури кўринди. Яна бир оз ҳаракат қилган эдик, ўзимизни йўлақдан чиқаверишда кўрдик, худди фаришталар нафасидек, саррин тунги шабада юзимизга урилди. Мен туйнуқдан ситилиб чиқдим ва харсанглар уюми устида турганча Клеопатрани кўтардим-да, ташқарига чиқариб олдим. Малика аста сирғалиб ерга тушди ва ҳаракатсиз ётиб қолди.

Мен титроқ қўлларим билан айланма тошдаги дўнғчани босдим, у сурилди-да, гўё эҳромга яширин кириш йўли ҳеч қачон очилмагандек, бир жойда туриб қолди. Мен пастга сакрадим, занжи қул билан қалаб чиққан харсангларни ҳар ёққа сочиб ташладим. Клеопатрага қарадим. У ҳушидан кетиб ётарди, ранги шу қадар оқариб кетган эдики, аввалига уни ўлиб қолган, деб ўйладим. Мен қўлимни унинг юрагига қўйдим ва юраги уриб турганини сездим; мен ўзим ҳам шунчалик қийналиб кетган эдимки, малика билан ёнма-ён ўзимни қумга ташладим: ҳеч бўлмаганда бироз дам олиб, дармонга кириб олиш керак-ку.

## XII б о б

*Ушбуда Ҳур Моҳнинг қайтиши; унинг Хармиана билан уч-  
рашуви ҳақида ва триумвир Антонийнинг элчиси Квинт Дел-  
лийга Клеопатра берган жавоб ҳақида ривоят қилинади.*

Ниҳоят, туриб ўтирдим-да, Миср маликасининг бошини тиззамга қўйиб, уни ҳушига келтира бошладим. Ҳатто эзилган, ҳолдан тойган, узун сочлари кўйлаги тагида ёйилиб ётган ҳозирги аҳволида ҳам у нақадар гўзал ва жозибадор эди! Бу аёлнинг чеҳраси оппоқ ойдинда янада гўзаллашиб кетганди, унинг гўзаллик ва жиноятлари ҳақидаги хотира устимизда қад кўтариб турган пирамида билан эш бўлиб кетганди! Чуқур ҳушдан кетиш унинг чеҳрасидаги макр изларини ўчириб, фақатгина ўлмас аёлликнинг тун қоронғилиги юмшатган илоҳий малоҳати қолган бўлиб, ўлим билан уйқу бир-бирига ўхшаса-да, улар бир-биридан бутунлай бошқа эканини яққол намоён этиб турарди. Мен ундан кўзимни узолмаётган эдим ва юрагимда унга бўлган муҳаббат жўшиб кетмоқда эди. Назаримда, бу қадар тубан кетганим ва уни деб ювиб бўлмас гуноҳлар содир этганим, у билан биргаликда биз бундай даҳшатни бошдан кечирганимиз учун ҳам уни янада кучлироқ севиб қолмоқда эдим. Ўз ихтиёримиз-ла кўрилган даҳшат силламни қуритган ва иқдор бўлган ҳолда мен бутун юрагим билан унга интилардим. Унинг менга куч-мадор ато этишига интиқ, мунтазир эдим, чунки ёруғ оламда менинг ундан бошқа ҳеч кимим қолмаганди. У хотиним бўлишга онт ичди ва биз ҳозир қўлга киритган хазина ёрдамида у билан бирга Мисрга олдинги қудратини қайтарамиз, унинг душманларини ер билан яксон қиламиз, – ҳали ҳаммасини тўғриласа бўлади. Эҳ, юзига ажал соя солиб турган оппоқ бу аёлнинг бошини яна қачон ва қаерда тиззам устига қўйиб ўтириш имкони бўлишини кошки билсайдим! Келажакдаги ўша лаҳзани олдиндан кўра билиш қудратига эга бўлсайдим!

Мен унинг қўлини силай бошладим, сўнг жилдим-да, лабларидан ўпдим ва менинг ўпичимдан у кўзини очди – кўзини очди-да, кўркув ичида босиқ чинқириб, нозиккина жуссаси бир титраб тушди, сўнг кўзларини катта-катта очиб, менинг юзимга тикилди.

– Оҳ, бу сен экансан, сен! Энди эсладим – сен мени қутқардинг, анави газанда яшайдиган лаҳад ичидан чиқариб олдинг! – Шундай дея у мени қўллари билан қучоқлаб ўзига тортди ва чўлпиллатиб ўпди. – Кетдик, муҳаббатим менинг! Тезроқ кетайлик бу ердан! Шунақанги сувсаб кетдимки... Эй маъбудлар, ўлиқдай чарчадим ўзиям! Мана бу зумуррадлар бўлса, кўксимга тикандай ботиб кетяпти. Ҳеч ким бойликни бу қадар қийинчилик билан қўлга киритмаган бўлса керак. Кетдик, кетдик, мана бу даҳшатли эҳромнинг сояси устимиздан босиб тушяпти. Қара, осмон бўзаряпти, бу тонг қанотларини ёйиб чиқаётганидан дарак. Олам қандай гўзал, кириб келаётган кунни кўриш қандай бахт! Мана бу мангу тун ҳукмрон, борса келмас маконда энди ҳеч қачон тонг жамолини кўриш менга насиб этмаса керак деб ўйлагандим! Кўз олдимдан ўлиб кетган қўлимнинг чеҳраси сира кетмайди, унинг иягида анави жирканч махлуқ чайқалиб турибди. Ўзинг ўйлаб қара, у энди газанда билан ўша ерда абадул-абад бирга ўтиради, ҳа, абадул-абад! Қўй, кетдик. Бир қўлтум сув топилармикан? Ўша бир қўлтум сувга зумуррадларни жон деб берган бўлардим.

– Экинзор далалар атрофида – эҳром ортида ариқ бор, у узоқ эмас! – дедим, – Биров кўриб қолса, зиёратчилармиз, тунда бу ердаги даҳмалар орасида адашиб қолдик, деб тушунтирамиз. Шунинг учун юзингни рўмолингга яхшилаб яшириб ол, Клеопатра, ўзингни ҳам маҳкамроқ ўраб

ол; бу тошларга ҳеч кимнинг кўзи тушмаслиги керак.

У ўраниб олди, юзини яширди, мен уни даст кўтардим-да, эшакка мингаздим – эшак сал нарига боғлаб қўйилганди. Биз водийдан аста олға қараб юриб кетдик ва юриб-юриб, шоҳ Сфинкс қиёфасидаги Миср фиръавнлари тожини кийган, кўзлари муттасил шарққа томон тикилган маъбуд Хур-ма-ахет (юнонлар уни Хур Моҳ деб аташади) ҳайкали ёнига етиб келдик. Шу паллада қуёшдан таралган илк нурлар ҳарир тонг пардаси оралиғидан сизиб ўтиб, Хур-ма-ахетнинг самовий осудаликни ифодаловчи лабларига келиб кўнди – Ол шафақ Тонг маъбудига салом бериб, уни ўпиб қўйди. Уфқдан тошиб оқаётгандек йигирмата пирамида узра қуйилиб, борлиқни чароғон қилиб юборди-да, ўн минг мақбара равонларига бостириб кирди. Сахро қумлари заррин оқим остида қолиб кетди, осмондан туннинг зиёдай чодири сириб олиб ташланди, яшил, далалар сершоҳ ва бўйдор хурмозорлар алайна-ошкор кўзга ташлана бошлади. Ниҳоят, уфқ ортида ўзининг шоҳона тўшагида ётган шоҳ Ра тантанавор ўрнидан турди – кун бошланди.

Биз гранит ва ганчдан бунёд этилган қасрдан ўтдик, у фиръавн Хуфу Миср тахтига ўтирганидан анча олдин маъбуд Хур-ма-ахет шарафига қурилган. Ёнбағирни қиялаб пастга тушдик ва анҳор ёқасидан чиқдик. У ерда мириқиб сув ичиб олдик ва сув лойқа бўлишига қарамай, Искандариянинг энг сара майларидан ҳам тотли туюлиб кетди. Юз-қўлларимизни чайиб, мақбаранинг чанг курумларини ўзимиздан аритдик, тетиклашиб, сахт-сумбатимизни ҳам тартибга солиб олдик. Клеопатра сувга энгашиб бўйнини юваётганда унинг қўйнидан бир зумуррад сирғалиб анҳорга тушиб кетди ва мен уни бақатўнлар орасидан базўр қидириб топдим. Кейин Клеопатрани яна эшакка мингазиб қўйдим ва аста йўлга тушдик, зеро, мен чарчоқдан оёқда зўрға турардим.

Сихор қирғоғи томон кетиб боряпмиз, чунки лангар ташланган кемамиз ўша ерда турарди. Охири биз кемага яқинлашиб қолдик, йўлда атиги бир нечта деҳқон учради, холос, улар меҳнат қилгани ўз далаларига кетишаётган эди, мен эшакни олган жойимга қўйиб юбордим.

Кемага чиқиб қарасак, эшакчиларимиз ухлаб ётишган экан. Биз уларни уйғотдик, занжи ҳақида эса ҳозирча у шу ерда яшаб туради, деб айтдик ва бу соф ҳақиқат ҳам эди. Биз зумуррадларни ва ўзимиз билан олиб келишга муваффақ бўлган барча тилла зеб-зийнатлар ва буюмларни яхшилаб беркитиб қўйдик.

Биз Искандариягача қарийб беш кун суздик, зеро, ҳамроҳ шамол эсиб турарди; ҳа, мана шу беш кун умримизнинг энг бахтиёр дамлари бўлган эди! Тўғри, аввал Клеопатра хомуш, жуда маҳзун бўлиб турди, зеро, эҳром ичида кўрилган даҳшатлар уни таъқиб қилиб, бир лаҳзада тинч қўймаётганди. Бироқ, кўп ўтмай, ундаги шоҳона руҳ уйғониб, юрагини тошдай босиб турган юкни олиб ташлади ва яна аввалги маликага айланди-қолди – бир қарасанг, қувноқ, бир қарасанг, юксак хаёллар билан банд, яна қарасанг, эҳтирослари жунбушга келган, бир қарасанг, муздан совуқ; гоҳ ўзини осмонда тутса, гоҳ самимий ва оддий аёлдай хушмуомала – хуллас, шамолдай беқарор ва осмондай гўзал, тубсиз бир хилқат. Вақт ихтиёрига бўйсунмай, тунлар бирин-кетин учиб ўтарди, улар чексиз бахтга лиммо-лим эди, менга ҳаёт инъом этган эди бу тунлар – биз бир-биримизни қўлимиздан тутганча палубада ўтирар, тўлқинларнинг кема биқинига келиб урилганидаги шовқинларига қулоқ тутар, ойнанинг сувдаги узундан-узун аксини, ой нурларини шимиб кетаётган қоп-қора сувнинг кумушдай жимир-жимирини томоша қилиб тўймасдик. Биз бир-биримизни қанчалик севишимиз ҳақида тинимсиз гапирар, Миср учун нималар қила олишимиз мумкинлигини муҳокама қилар эдик. Мен

маликага Рим билан бўладиган уруш борасида кўнглимда пайдо бўлган режалар ҳақида сўзлар эдим, – нима бўлганда ҳам энди бисотимизда етарли маблағ бор, биз ўз эркимизни ҳимоя қила оламиз; малика барча режаларимни қўллаб-қувватлар ва меҳрибонлик билан нима ўйлаган бўлсанг ҳаммасига розиман, ахир, сен ўзинг доно одамсан-да, дерди яккаш. Тўрт кеча кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди.

Оҳ, Нилда кечган бу тунлар! Улар ҳақидаги хотиралар ҳали-ҳануз мени ҳаяжонга солади. Ойнинг сувдаги акси майда бўлақларга бўлиниб, мавжланишини қайта-қайта тушимда кўриб чиқаман, муҳаббатини шивирлаб изҳор этган Клеопатранинг овозини эшитаман, изҳор ва иқрор сўзлари тўлқинлар шовқини билан қўшилиб кетади. Уша фараҳбахш тунлари мангулик қаърига маҳв бўлди, уларни ёритиб турган моҳтоб сўнди; бизни кўксидан бешиқдай тебратаётган тўлқинлар шўр денгизга қўшилиб, унга сингиб кетди, бир-биримиз билан ўпишган, қучишган жойда замонлар ўтиб ҳали дунёга келмаган ошиқ-маъшуклар ўпишар, қучишар. Бу тунлар жуда кўп нарсаларни ваъда қилган эди, аммо уларнинг рўёбга чиқишини насиб қилмаган экан, у бор-йўғи бачкигул бўлиб чиқади – гул сўлиб, ерга тушди-да, хазонга айланди ва бахт ўрнига бошимга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган балолар ёғилди. Зеро, ҳаммаси зулмат ва фано билан тугайди ва нодонлик уруғини сепган одам қайғу-алам ҳосилини олади. Оҳ, Нилда кечган бу тунлар!

Бироқ туш ниҳоясига етган эди – биз яна Лохйос бурнидаги гўзал саройнинг жирканч деворлари ортида пайдо бўлдик.

— Ҳой Ҳур Моҳ, Клеопатра билан қаёққа бориб келдиларинг? – сўради мендан Хармиана, қайтган кунимиз мен билан тасодифан тўқнаш келиб. – Янги сотқинлик фикри келиб қолдимиз кўнглингизга? Ёки бошқалар халал бермасин деб, икки хуштор хилватга уриб кетдиларингми?

– Клеопатра билан фавқулодда давлат аҳамиятига молик махфий ишлар билан кетган эдим, – қуруққина қилиб жавоб қайтардим мен.

– Шунақами ҳали! Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, билиб қўйинг, энг бехосият қушлар тунда учади. Сиз эса, Ҳур Моҳ, ўзингизга етганча ақлли одамсиз, Мисрда очиқ-сочиқ юришингиз мумкин эмаслигини яхши биласиз.

Унинг сўзларидан жоним нақ ҳиқилдоғимга келиб кетди, зеро, бу ажаб-товур қизнинг киноялари юрагимга наштардек ботди.

– Наҳотки бир дақиқа ҳам захрингни сочмай туrolмасанг? – сўрадим ундан. – Бўлмаса, билиб қўй: мен сен ҳатто яқин боришинг мумкин бўлмаган жойда бўлдим; биз Антоний билан урушда Мисрни сақлаб қолиш ва Римнинг ўлжасига айланмаслигига ёрдам берадиган маблағни қўлга киритишга ҳаракат қилдик.

– Оббо шоввозлар-ей, – деди Хармиана, менга тез қараб қўйиб. – Нодон! Бекорга овора бўлибсиз, Миср барибир Антонийнинг ўлжасига айланади, ўзингизни минг ўтга-чўққа урганингиз фойдасиз. Миср учун сизнинг ҳозир неча пуллик қадрингиз қолипоти?

– Менинг ўзимни ўтга-чўққа урганим беҳудадир балки; аммо Антонийга қарши Клеопатра жанг бошласа, у Мисрни эгаллай олмайди.

– Эгаллай олади ва худди шу Клеопатранинг ёрдамида, албатта, Мисрни ўзиники қилиб олади, – деди Хармиана ва кинояли жилмайди. – Малика ўзини барча аъёнлари билан Кидна бўйлаб, ундан кейин Искандарияга тантанавор сузиб ўтганида, ҳеч шубҳасиз, мана бу рўдапо Антоний эргашиб боради, қарабсизки, сиз қул бўлганингиздек, у ғолиб бўлиб турибди.

– Бўхтон! Сен ёлғон айтяпсан! Клеопатра Тарсга сузиб бормади ва Антоний Искандарияга қадам босмайди, борди-ю, келганда ҳам фақат

уруш қилгани келади.

– О-ҳо, шунга ишончингиз комилми? – шундай дея Хармиана аста кулиб қўйди. – Нима ҳам дердим, шунақа чучварани хом санаб юраве-ринг, сизга балки шу ёқар. Уч кундан кейин ҳаммаси маълум бўлади. Бировларнинг чирмандасига ўйнашга шунақанги суягингиз йўқки, қараб маза қиласан, одам! Яхши қолинг! Боринг, жазманингиз билан орзуларга берилинг, зеро, дунёда ишқдан тотли ҳеч нарса йўқ.

Уша куни Клеопатрани бошқа кўрмадим, аммо эртасига биз учраш-дик. Унинг дили хуфтон бўлиб, мен билан очилиб гаплашмади ҳам. Мен Мисрни ҳимоя қиладиган кўшинлар ҳақида гап очган эдим, у суҳбатдан бош тортди.

– Нега жиғимга тегаверасан? – жаҳл билан ташланиб қолди у менга. – Таш-вишлардан тинка-мадорим қуриб кетганини наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Эртага Деллийга жавобни айтиб, жўнатиб юборай, ана ундан кейин сен айтган ишларни муҳокама қиламиз.

– Бўпти, мен эртагача, сен Деллийга жавоб айтгунинггача кутаман, – де-дим. – Биласанми, кеча ҳамма саройда маликанинг сирларини сақловчи деб атайдиган Хармиана, ўзимизнинг шу Хармиана кеча онт ичиб айт-дики, Деллийга: “Менга тинчлик керак, Антонийнинг ҳузурига сузиб бораман”, деган эмишсан.

– Хармиана режаларимдан беҳабар, – шартта деди Клеопатра ва жаҳл билан ер депсиб қўйди, – борди-ю, у тилини тиёлмай қолган бўлса, шу заҳотиёқ саройдан унинг думини тугиб қўяман, бунинг энг яхши давоси шу. Дарвоқе, нафсиларини айтганда, – ўзига ўзи эътироз билдириб деди у, – барча махфий маслаҳатчиларимни бир қилиб олганда ҳам унинг мияси улардан кўра яхшироқ ишлайди, бунинг устига ҳеч ким Хармиа-началик бу ақлдан унумли фойдалана олмайди. Ўзинг биласан, анави зумуррадларнинг бир қисмини Искандарияда яшайдиган бой яхудийларга сотдим – сотганда ҳам жуда қимматга сотдим – ҳар бир донасига беш минг сестерцийдан олдим. Аммо ҳаммаси бўлиб бир нечтасинигина сот-дим, тўғриси айтиш керак, улар шундан ортиғини сотиб олишмас экан, жавоҳирларни кўрганда уларнинг қай қолга тушишганини бир кўрсанг эди, очкўзлик ва ҳайратдан кўзларининг пахтаси чиқиб кетди. Энди эса, Ҳур Моҳ, мени ўз ҳолимга қўй, итдай чарчаганман. Эҳром тубидаги анави расво тун сира кўз ўнгимдан кетмаяпти.

Мен ўрнимдан турдим-да, таъзим қилдим, аммо кетишга шошилмадим.

– Кечир мени, Клеопатра, никоҳдан ўтишимиз нима бўлади?

– Никоҳдан ўтишимиз дейсанми? Ахир биз эр ва хотин эмасмизми?

– Ҳа, аммо халқ олдида, одамлар олдида эмас-да. Ўзинг ваъда берган эдинг.

– Тўғри, Ҳур Моҳ, ваъда берган эдим, эртага, мана бу сурбет Деллий-дан қутулиб олишим биланоқ мен ваъдамни бажараман ва бутун саройга сени Клеопатранинг ҳукмдори деб эълон қиламан. Саройдан ҳеч ёққа кетмай тургин. Кўнглинг тўлдими энди?

Шундай дея у ўпишим учун қўлини узатди, ўзи билан ўзи олишаётган-дай, менга ғалати қараб турарди. Мен кетдим, аммо тунда Клеопатрани яна бир марта кўришга ҳаракат қилдим, аммо бунинг иложи бўлмади. “Малика ҳузурларида Хармиана борлар”, дер эдилар занжи қуллар яккаш ва ҳеч кимни қўймас эдилар.

Эртасига сарой машварати катта тахт танобийсида тушга бир соат қолганда йиғилди, мен ҳам келдим; юрагим гоҳ дукиллаб урса, гоҳ тўхтаб қолаётгандек эди – Клеопатра Деллийга нима деб жавоб бер-ганини тезроқ билсайдим, мен Миср маликасининг ҳукмдори бўлганим ҳақидаги эълонни тезроқ эшитсайдим. Аъёнлар битта қолмай келишган;



маслаҳатчилар, амалдорлар, ҳарбий саркардалар, занжилар, сарой хонимлари – барча-барчалари шу ерда бўлиб, уларнинг ясан-тусанларидан ақл шошарди. Аммо бир Хармиана кўринмасди. Бир соат ўтди, бироқ Клеопатра билан Хармианадан ҳамон дарак йўқ. Ниҳоят, ён эшиқдан билдирмайгина Хармиана кириб келди ва тахт ёнидаги сарой хонимлари орасидан жой олди. У ўша заҳоти менга кўз ташлаб қўйди ва унинг кўзларида мен тантанани кўрдим, ҳолбуки бу ниманинг тантанаси эканини билмасдим. У аллақачон мени ерга кўмганини ва Мисрни ҳалокатга маҳкум этганини қандоқ ҳам билар эдим?

Карнайлар овози янгради ва башанг маросим либосида, манглайига тиллақош қўндирган малика тантоновор кириб келди, Клеопатра марҳум фаръавннинг ичидан чиқариб олган қўнғиз шаклидаги каттакон зумуррад унинг кўксига юлдуздай порлаб турарди. У ярқиллаган зирҳ-совутлардаги қўриқчи галлар ҳамроҳлигида тахт сари юриб келди. Унинг гўзал чехраси хомуш кўринар, кўзлари қандайдир бефарқ боқарди, гарчи барча аъёнлар нима бўлишини сабрсизлик билан кутишаётган бўлса-да, малика кўзларидаги сирни ҳеч ким уқа олмаган эди. Клеопатра ҳар бир ҳаракати катта меҳнат эвазига бўлаётгандек тахтга оҳиста чўқди ва бош жарчига юнончалаб мурожаат қилди:

– Муҳтарам Антонийнинг элчиси ҳозирми?

Жарчи таъзим қилди ва: “Ҳа, ҳозир”, деб жавоб берди.

– Айтинг, кирсин ва жавобимизни эшитсин.

Эшик ланг очилди ва ҳарбий саркардалар ҳамроҳлигида мушукдай юмшоқ одимлаб саройга Деллий кириб келди, у олтин совут устидан қирмизи чакмон кийиб олганди. Кириб, тахт олдида чуқур таъзим бажо қилди.

– Буюк ва соҳибжамол Миср маликаси, – риёкорона сўзлай кетди у, – ўзлари лутфан амр қилганларидек, мен бугун олижаноб триумвир Антоний номасига сизнинг жавобингизни эшитмоқ учун ҳозир бўлибдурмен. Жавобни олгач, эртага Киликияга, Тарсга сузиб кетурмен. Қўпол гапларим учун маликамизнинг бир қошиқ қонимдан ўтишларини ўтингаймен, маликам, аммо айтмасам бўлмайди, айтилган сўз – отилган ўқ дейдилар, шу боис ҳазрати олиялари ақиқ лаблари ила неки сўз ирод этсалар, аввал уни обдан ўйлаб, кейин айтсалар. Антонийга қарши уруш эълон қилгудек бўлсангиз, У сизни аяб ўтирмайди, янчиб ташлайди. Аксинча, ҳусни таважжуҳ ила, онангиз – маъбуда Афродита денгиз мавжидан пайдо бўлгандай, Антоний ҳузурига қадамранжида қилсангиз, ҳеч қанақанги мағлубият сизга хатар солмагайдур, у сизни малика ва аёл қалбига ҳуш келадиган барча инъомлар ила кўнглингизни чоғ қилгай, сиз салтанатга, муҳташам қасрларга, шаҳарларга, ҳокимиятга, шон-шавкату сарватга эга бўласиз ва сизнинг тожингизга ҳеч зот кўз олайтиришга журъат этолмагай. Шуни унутмангки, Антоний Машрикдаги барча мамлакатларни ўзининг жанговор қўлида тутиб турибди, унинг хоҳиш-иродаси ила шоҳлар тахтга ўтиргайлар; агар уни норози қилгудек бўлсалар, улар тахтдан ҳам, ҳаётдан ҳам жудо бўлгайлар.

У таъзим қилди-да, қўлларини кўкраги устига қўйиб, сабр билан жавобни кута бошлади.

Дақиқалар ўтиб борарди, Клеопатра эса, жим, у бамисоли Хур-ма-ахетдек тилсиз-забонсиз, ҳеч нарсани сезмагандек ўтирар, маҳобатли шоҳ саройи деворларига қарайди-ю, аммо кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётганди.

Сўнг унинг майин овози мусиқадай садо берди – у тилга кирганди, мен ҳаяжон билан кутардим, мана ҳозир Миср маликаси Римга уруш эълон қилади.

– Муҳтарам Деллий, сен буюк Антонийдан бизга, Мисрнинг донолиқда у қадар пешқадам бўлмаган маликасига олиб келган нома мазмуни устида узоқ мулоҳазалар юритдик. Биз унинг мағзини обдон чақдик, маъбудларнинг қоҳинлари билан, энг доно дўстларимиз билан маслаҳатлар қилдик, қуш ўз полапонлари рўшнолиги учун жон кўйдирганидек, халқимиз фаровонлиги ташвишида ёнган қалбимиз овозига қулоқ солдик. Сен денгиз ортидан бизга олиб келган таҳқир сўзларни, менинг назаримда, шонли Мисрнинг маликаси ҳазрати олияларига эмас, балки миттигина мазлум мамлакатнинг қандайдир миттигина подшочасига юборилганда, маъқул бўлур эди. Шу боисдан биз нечта легионни қуроллантира оламиз, бизнинг буйруғимиз билан денгизга нечта трирема ва галера сузиб чиқа олади, барчасини ҳисоб-китоб қилиб, қанча пулимиз борлигини ҳам хомчўт қилиб чиқдик, маълум бўлдики, уруш олиб бориш учун биз барча зарурий ашёларни сотиб олишимиз мумкин экан. Пировардида, гарчи Антоний кучли бўлса-да, у Миср учун кўрқинчли эмас, деган қарорга келдик.

Малика жим бўлиб қолди. Танобийда гулдурос қарсақлар янгради. Бу билан ҳамма Клеопатранинг мағрур жавобидан ҳаяжонга келганини изҳор этди. Фақат Деллийгина унинг сўзларини қайтариб ташламоқчи бўлгандек, қўлларини олдинга чўзди. Бироқ малика яна гапира кетди:

– Муҳтарам Деллий, шу билан ўз жавобимизни тугаллашни истардик ва қудратли тош қалъаларимизда ва жангчиларимизнинг қалб қалъаларида мустаҳкам ўрнашиб олиб, ишга киришаверсак ҳам бўларди. Аммо биз ундай қилмаймиз. Биз мишмишлар муҳтарам Антоний қулоғига муттасил етказиб турилганидек у бизни бу қадар қўполлик ва ҳақорат ила айблаганчалик ишлар қилганимиз йўқ; шу боис биз ўзимизни оқлаш учун Кликияга бормаймиз.

Яна гулдурос қарсақлар янгради, ҳаяжондан юрагим қафасдаги қушдай типирчилай кетди; кейин яна жимлик чўқди ва Деллий сўради:

– Бундан чиқди, Миср маликаси, мен Антонийга бориб, сиз унга қарши уруш эълон қилганингизни етказишим керакми?

– Э, йўқ, – жавоб берди малика, – биз тинчлик эълон қиламиз. Қулоқ солсангиз-чи, ахир: биз улар олдида ўзимизни оқлаш учун Киликияга бормаймиз, дедик ва биз ҳақиқатан ҳам ўзимизни оқлаш учун у ёққа бормаймиз. Бироқ, – шунча вақт мобайнида у биринчи марта жилмайди, – биз Киликияга сузиб боришга ва бетўхтов сузиб боришга розимиз, мақсадимиз эса Кидна соҳилларида бизнинг шоҳона мавқемизни ва сулҳпарварлигимизни исбот этишдир.

Мен унинг гапларини эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Ё нотўғри эшитдимми? Наҳотки Клеопатра ўз ваъдасидан шу қадар осон воз кечса? Нима қилаётганимни ўзим билмаган ҳолда телбаларча қичқирдим:

– Ҳой маликам, эсингиздан чиқдимми?

У мен томон она йўлбарс шиддати билан ўгирилди, кўзлари чакнади, чиройли бошчаси ғазаб билан ортга силтанди.

– Ўчир овозингни, қул! – деди у. – Сухбатимизга аралашишни сенга ким қўйибди? Сен юлдузларни бил, уруш ва тинчлик – дунёга ҳукмронлик қилувчиларнинг иши.

Уятдан ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Шу топ Хармиананинг юзида яна тантанали табассумни кўрдим, кейин бу юз тундлашди – балки менинг ҳозирги аянчли аҳволимга ичи ачигандир?

– Сиз бу сурбет жоҳилни бепичоқ сўйдингиз-ку, – деди Деллий, ярқироқ узук таққан бармоғи билан мени кўрсатиб. – Энди эса, эй Миср маликаси, олижаноб сўзларингиз учун сизга миннатдорчилик билдиришимга изн...

– Биз сенинг миннатдорчилигингга зор эмасмиз, муҳтарам Деллий; бизнинг мулозимимизга таъна қилишинг ҳам одобга зиддир, – унинг гапини

бўлди Клеопатра, ғазабли хўмрайиб, – биз ёлғиз Антонийнинг оғзидан чиққан миннатдорчиликни қабул қиламиз. Хўкмдорнинг қошига қайтиб бор-да, унга айт, у бизни муносиб кутиб олиши учун барча тайёргарликни кўриб бўлиши биланоқ кемаларимиз ортингдан йўлга тушади. Энди эса, хайр! Кемангда марҳаматимизнинг камтарона белгиси сифатида кичик бир совғамиз сенга мунтазир.

Деллий уч карра таъзим қилди ва эшик томон йўналди, барча сарой аъёнлари эса малика нима деркин, дея ўринларидан туришди. Балки малика барибир онтини бажаради ва бутун Миср олдида мени ўзининг шоҳ эри деб атайди, деган умидда мен ҳам кутиб турдим. Аммо ундан сас-садо чиқмаётганди. Ушандай маънос тумшайганча у ўрнидан турди ва ўз посбонлари хўкмронлигида кўшни Ганчкори танобийга ўтиб кетди. Шунда аъёнлар ҳам тарқала бошладилар ва менинг ёнимдан ўтишар экан, амалдорлару маслаҳатчилар бир-бир менга нафрат билан лабларини буриб қўйишди. Улардан биронтаси ҳам менинг сиримни билмасди, бизнинг Клеопатра билан муҳаббатимиз ҳақидаги ва унинг менга хотин бўлишга қарор қилгани ҳақидаги гаплар уларнинг етти ухлаб тушига кирмаганди, аммо барчалари менга ҳасад қилар эдилар, зеро, мен маликанинг муруввати остида эдим, энди менинг расвойи радди маърака бўлишимдан улар суюнибгина қолмай, очиқчасига дўппиларини осмонга отмоқда эдилар. Бироқ уларнинг суюнишлари билан ҳам, нафратланишлари билан ҳам ишим йўқ эди, мен аламдан тош қотиб турар ва барча умидим чиппака чиқиб, оёғим остидаги ер бир томонга оғиб кетаётгандек ҳис қилмоқда эдим.

### ХIII Б О Б

*Ушбуда Хўр Моҳнинг Клеопатра юзига солган айбловлар ҳақида; Хўр Моҳнинг Клеопатра тансоқчилари билан жанги ҳақида; Бреннинг унга берган зарбаси ҳақида ва Клеопатранинг хуфия тавбаси ҳақида ривоят қилинади.*

Ниҳоят, тахт боргоҳида ҳеч ким қолмади, мен ҳам ўз хонамга кетишга чоғландим, бироқ шу дақиқада занжилардан бири елкамдан қоқиб қўйди-да, кўполлик билан, “Малика ҳузурларига боринг, у киши сизни кўрмоқчилар”, деб буйруқ берди. Бир соатгина муқаддам бу ярамас занжи оёғимнинг чангини кўзига суртишга юкуниб юрганди, аммо ҳозиргина бўлиб ўтган гап-сўзларни бу ҳам эшитганди – қулларнинг бўлгани шу – Худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртибди, дегандек, бу ҳам мени тепкилаб ташлашга тайёр эди. Чўққидан ерга кулаб тушган одам шармандалиқнинг бутун дард-аламини ҳис этади. Шу боис буюкларнинг кўрган куни курсин, зеро, уларни ҳар қадамда хорлик хавфи таъқиб қилади!

Мен қулга шунақанги ғазаб билан қарадимки, у худди кўрқоқ итдай мендан сапчиб ўзини нари олди; сўнг Ганчкори танобийга ўтдим ва посбонлар мени ичкарига қўйиб юборишди. Танобийнинг ўртасидаги фаввора олдида Хармиана, юнон қизлари Ирада, Марира ва яна бир неча сарой канизаклари бор эди.

– Боринглар, – деди малика уларга, – мен мунажжимим билан гаплашмоқчиман.

Барчаси чиқиб кетди, малика иккаламиз қолдик.

– Уша ерда тур, – деди у, шунча вақт ичида биринчи бор кўзини кўтариб. – Менга яқин келма, Хўр Моҳ: сен менинг ишончимни йўқотдинг. Балки, ёнингда яна ханжаринг бордир. Римлик билан суҳбатимга аралашишга нима ҳақинг бор эди-ю, қандай журъат қилдинг? Жавоб бер?

Қоним қайнаб кетди, худди бўрон вақтдаги тўлқинлардек, юрагимда алам ва ғазаб мавж ура кетди.

– Йўқ, сен менга жавоб бер, Клеопатра! – амрона талаб қилдим мен. – Менкаурунинг, мангу ўлмас Осириснинг ўлик юрагига қўлингни қўйиб ичган тантанали қасаминг қаёқда қолди? Мана бу римлик Антонийга қарши уруш эълон қиламан, деб ичган қасаминг қаёқда қолди? Бутун Миср олдида сени шоҳ завжим деб эълон қиламан дея ичган қасаминг қаёқда қолди?! – Овозим узилиб, жим бўлиб қолдим.

– Ҳа-я, Ҳур Моҳ, қасамлар ҳақида аввал сенга эслатсак бўлармиди, ахир сен ҳеч қачон қасамингни бузмагансан-ку! – чаёндай ниш уриб гапира бошлади малика. – Барибир ҳам, сен, Исида қоҳинлари ичида энг покдомони, ўз дўстларини ҳеч қачон сотмаган, дунёдаги энг содиқ дўст, ўз тахтини, ўз мамлакатини ва ўз эркини аёлнинг ўткинчи севгисига ҳеч қачон алмаштирмаган, энг лафзи пок, энг етук, энг олижаноб эркак, барибир ҳам менинг онтларим қуруқ сўз эмаслигини билмайсан.

– Мен сенинг кинояли саволларингга жавоб бермайман, Клеопатра, – дедим бор кучим билан ўзимни босиб, – гарчи сен ўз оғзинг билан айтмаганингда ҳам мендан бу хатоликлар ўтган. Булар барчасини қаёқдан билишимни сенга тушунтириб берай. Сен Антоний ҳузурига бормоқчи бўляпсан, анави маккор римлик маслаҳат берганидек, энг башанг либослар билан ясаниб борарсан ҳам ва жасадини булар ҳам бир базми жамшид қилсин, дея қузғунлар олдига ташламоқчи бўлган одамнинг билан базми жамшид қиларсан ҳам. Балки сен Менкауру жасади ичидан ўмарган, қора кунга деб Миср минг йиллардан бери асраб келган хазинани кўнгилхушликлару базму зиёфатларга совурарсан ва бу билан Мисрнинг шармандаларча ҳалокатига сабабчи бўларсан ҳам. Буни билишимнинг сабаби шундаки, сен қасамхўрсан ва мени боплаб тузладинг, мен эса, мен эса сени севиб қолдим ва сенга Худога ишонгандай ишондим; билишимнинг сабаби шундаки, кун-кеча мен билан никоҳдан ўтишга онт ичган эдинг, бугун эса устимдан заҳархандалик билан кулиб, мени мана бу римлик олдида ва бутун сарой олдида ҳақорат қилдинг!

– Сен билан никоҳдан ўтаман деб онт ичибманми? Эй маъбудлар, никоҳ нима дегани ўзи? Ахир бу юракларнинг ҳақиқий иттифоқи бамисоли учиб кетаётган мезон ипагидек гўзал ва ҳаддан ташқари енгил, аммо икки қалбни бирлаштириб турувчи ришта эмасми? У эҳтироснинг рўёларга тўлиқ баҳри муҳити узра сузганда тонгги шабнам томчиларига сингиб кетмайдими? Никоҳ кўпроқ темир занжирни эшикка соладигандек бўлиб кўринмайдими? Никоҳдан ўтиш бу икки жонни бир-бирига умрбод, мажбуран боғлаб қўйиш эмасми? Энг оғир ўлимга маҳкум этилган қул каби бири чўкканда унинг ортидан иккинчиси ҳам сув тубига ғарқ бўлмайдими? Никоҳ эмиш. Мен никоҳдан ўтишим керак эмиш! Эркимни қурбон қилайми, ўз ихтиёрим билан бўйнимга энг оғир қуллик бўйинтуруғини осиб, судралиб юрайми? Зеро, манман деган эркаклар куч-қувватидан фойдаланиб, аёлни жирканч нарсага айланиб бўлган тўшақда бирга ётишга ва аллақачон севги маъносини йўқотиб улгурган мажбуриятларни бажаришга мажбур этадилар! Топеи паст бўлиб туғилганларнинг шўр қисматини четлаб ўтолмасам, малика бўлишимдан қандай маъно бор? Билиб қўй, Ҳур Моҳ: дунёда аёл икки нарсани ўзи учун балои азим деб билади – ўлимни ва никоҳни. Лекин ўлим никоҳдан кўра ёқимлироқ, зеро, у бизга жонимиз ҳаловатини инъом қилади, никоҳ эса, агар у бахтсиз бўлса, бизни тириклайин Аменти жаҳаннамида тайёрлаб қўйилган беҳисоб азобларга гирифтор этади. Йўқ, мажбур қилишни кўтаролмайдиган ва бировнинг муҳаббатини ҳеч қачон зўрлик билан тутиб қололмайдиган чинакам пок, улуғ инсонлар шаънига маломат қилувчи ҳасадгўй қора

халқнинг тухматлари доғ тушира олмайди, шунинг учун, Хур Мох, мен сева оламан, аммо ҳеч қачон никоҳдан ўтмайман!

– Ахир куни кеча, Клеопатра, сени завжим деб атайман, тахтда сени ёнимга олиб, бунинг бутун Мисрга эълон қиламан, деб онт ичган эдинг-ку!

– Кеча, Хур Мох, ой қўрғонлаши бўрондан дарак берган эди, бугун эса кун чарақлаб турибди. Аммо, ким билсин, эртага жала қўйиб берар, ким билсин, балки Мисрни римликлардан қутқариш учун энг яхши ва энг осон йўлни танларман. Ким билсин, Хур Мох, балки сен мени хасми ҳалололим деб атарсан.

Унинг ёлғон гапларини ортиқ кўтара олмасдим, у мени майна қилаётганини кўриб турардим. Мен юрагимни тилка-пора қилаётган бор захримни унинг юзига тўқдим.

– Клеопатра, сен Мисрни ҳимоя қилишга онт ичган эдинг – энди эса уни Римга сотишга шай турибсан! Мен сенга сирини очган хазиналардан фақат Мисрнинг йўлида фойдаланаман, деб онт ичган эдинг, хўш, нима бўлди? Сен улар ёрдамида Мисрнинг шаънини ерга кўмишга ва абадий кишанбанд этишга тайёрланмоқдасан! Сен мен билан никоҳдан ўтишга онт ичган эдинг, чунки мен сени севардим ва сен учун бор-йўғимни қурбон қилгандим, хўш, нима бўлди? Сен устимдан куляпсан ва мени рад этяпсан! Шу боис менинг, йўқ, менинг эмас, балки менинг оғзимдан каромат қилаётган даҳшатли маъбудлар гапларига қулоқ сол: Менкаур қарғиши сени албатта уражак, зеро, унинг табаррук хазинасини сен талон-торож этдинг ва улар хоқини ҳақорат қилганинг айна ҳақиқатдир! Энди эса мени қўйиб юбор, эй фусункор жисмдаги иллатлар тажассуми, қўйиб юбор мени, бўҳтон маликаси! Мен сени севиб, ажалимни чақирган эканман, сенга эмас, тақдирнинг сўнги лаънатига ошиқи беқарор бўлган эканман! Изн бер, эл ичра бориб йўқолай-да, сенинг башарангни бошқа ҳеч қачон кўрмай!

Малика ғазаб ичида ўрнидан турди, унинг ғазаби ниҳоятда даҳшатли эди.

– Эркинликка чиқиб, менга қарши фитна-фасодлар тўқишинг учун қўйиб юборайми? Йўқ, Хур Мох, мен сенинг ортиқ фитна-фасодлар тўқиб, тахтимга тамагирлик билан қарашинга йўл қўймайман! Киликияга, Антонийнинг ҳузурига йўл олганимда сен ҳам ёнимда бўлишинг керак – менинг амрим шу, у ерга боргач, эҳтимол, сени қўйиб юборарман! – Мен жавоб сўзи айтишга оғиз очиб улгурмаган ҳам эдимки, малика ёнида осифлик турган бонгни урди.

Жарангдор бонг садоси ҳали тиниб улгурмаёқ танобийга битта эшикдан Хармиана ва Клеопатранинг сарой хонимлари, иккинчи эшикдан – маликанинг тўртта тан қўриқчиси, жиғали дубулға кийган ва узун-узун оқиш сочли бақувват жангчилар кириб келдилар.

– Мана бу сотқинни ҳибсга олинг! – қичқирди Клеопатра мени кўрсатиб. Посбонлар бошлиғи – бу ўша Бренн эди – кўлини силтаб салом берди-да, қиличини яланғочлаб мен томон кела бошлади.

Аммо азбаройи ғазабдан ҳаётим ҳам кўзимга кўринмай кетаётганди, – майли, мени қийма-қийма қилиб ташласин, мен тайёр жиннига айлангандим, Бреннга ташланиб ияги тагига гурзидай муштумим билан айлангириб бир солган эдим, барзанги юзтубан йиқилди, мрамор фаршда совути қаттиқ жаранглаб кетди. У ерга қулаши билан мен унинг қиличини ва думалоқ қалқонини кўлимга олдим ва тиш-тирноғигача қуролланган навбатдаги аскарга рўбарў бўлдим, у қичқириб менга ташланган эди, унинг зарбини қалқон билан қайтардим ва ўзим унга қилич солдим. Бор кучим билан зарба берганимдан қилич зирҳини тешиб ўтиб, душманим бўйнининг тагига санчилди: тан қўриқчисининг тиззалари букилди ва у



аста йиқилиб, жон берди. Навбати билан келган учинчиси қилич солишга шайланиб улгурмасидан аввалроқ ўзини менинг қиличим учуда кўрди – қилич тўғри унинг юрагига санчилиб, у ҳам тил тортмай ўлди. Сўнгра сўнгги тан кўриқчиси: “Таранис!” деб қичқирганча мен томон интилди ва мен ҳам унга пешвоз чиқдим, зеро, қоним қайнаб кетганди. Аёллар қулоқни тешгудай қичқирар эдилар, фақат Клеопатра тик турганча индамай тенгсиз жангни кузатарди. Сўнгги соқчи билан тўқнаш келдик ва мен бор қаҳру ғазабим билан унга ташландим – ҳа, бу чинакам кучли зарба бўлган эди, зеро, қилич темир қалқонни қоқ иккига бўлиб юборди-ю, ўзи ҳам синиб тушди, энди мен қуролсиз қолган эдим. Тантанавор ҳайқирик билан тан кўриқчиси қилични баланд кўтарди ва бошимга туширди, аммо мен қалқонни пана қилиб улгурдим, у яна қилич солди ва мен яна зарбани қайтардим, бироқ у учинчи бор қилич солганида англадимки, бу тахлит олишув узоқ давом этиши мумкин эмас, “Ҳайт!” дея қичқирганча қалқонимни башарасига қададим, рақибнинг қалқони устидан сирғалиб, менинг қалқоним унинг кўкрагига бориб урилди ва у чайқалиб кетди. Рақибим мувозанатини тиклашга улгурмади, вақтида хаёлини чалғитдим-да, белидан ушлаб тортдим.

Эҳтимол, роса бир дақиқача мен ва дароз посбон жон-жаҳдимиз билан олишдик, бироқ мен ўша кунлари шу қадар кучли эдимки, охири уни кўғирчоқдай кўтардим-да, куч билан мрамор фаршга улоқтирдим, унинг битта ҳам соғ суяги қолмади ва у мангуга жим бўлиб қолди. Аммо мен ўзим ҳам оёқда туролмадим, унинг устига терақдай қулаб тушдим, қулаётганимда боя муштумим билан урилиб ерпарчин қилган ва бу ерда сал ўзига келиб олган посбонлар бошлиғи Бренн орқадан билдирмай келди-да, мен ўлдирган аскарлардан бирининг қиличини кўтариб, бош ва елкаларимни тилим-тилим қилиб яралаб ташлади. Аммо мен ерда ётардим ва қилич узоқдан етиб келгунча зарба ўз кучини йўқотган, бунинг устига қалин сочларим ва каштали қалпоғим зарбани анча юмшатган эди, шу боис Бренн мени оғир ярадор қилган бўлса-да, аммо ўлдиролмади. Бироқ энди ортиқ жанг қилишга ҳолим йўқ эди.

Қочиб кетган занжилар жанг овозини эшитиб, бир жойга ғуж тўпланиб олганча бизни кузатар эдилар, мен кучдан қолганимни сезишди-да, шартта менга ташланишди, пичоқлари билан чавақлашга шайланишди. Бироқ енгилганимни кўрган Бренн энди мени ўлдиришга шошилмаётган эди, у шунчаки тепамда туриб, кутар эди. Занжилар эса, шубҳасиз, мени бурда-бурда қилиб ташлар эдилар, чунки Клеопатра барчамизга худди туш кўраётгандек қараб турар ва ҳеч кимни тўхтатмаётганди. Мана, ҳозир улар бошимни орқага қайирдилар, мана, уларнинг пичоқлари тиғи томоғимга келиб тақалди, бироқ шу топ Хармиана мен томон отилди-да, уларни итариб-итариб ташлади, “Итлар, кўрқоқлар!” деб қичқирганча гавдаси билан мени тўсиб олди, шу боис энди улар мени ўлдиролмас эдилар. Шунда болохонадор қилиб сўкина-сўкина Бренн аввал битта, кейин иккита, сўнг учта ва шу тариқа барча занжиларни туртиб, мендан нарига суриб ташлади.

– Унинг ҳаётини сақлаб қолинг, малика! – деди тансоқчи Клеопатрага ўзининг жангари тилида. – Юпитер ҳаққи, қасамки, бу чинакам шавкатли жангчи экан! Унинг биргина зарбасидан мен ўзим кушхонадаги ҳўкиздай ағдарилиб тушдим, одамларимдан бирваракайига учтаси бежон чўзилиб ётибди, тагин бу қуролсиз эди, ҳужумни кутмаган эди! Йўқ, бундай жангчига ёмонлик қилиш керак эмас! Йўқ, малика, унинг ҳаётини асраб қолинг ва уни менга топширинг.

– Ҳа, унга шафқат қилинг! Ҳаётини сақлаб қолинг! – деди Хармиана ранги бўздай оқариб ва аъзои бадани қалт-қалт титраб.

Клеопатра бизга яқин келди-да, икки ўлик тан қўриқчисига ва мени мрамор фаршга улоқтириб юбориб, ҳозир жон талашаётган аскарига қаради, ўзининг жазмани – менга қаради, куни-кеча у вафодорлигидан наҳ уриб, онт ичганди, бугун эса шу онти бўйича унинг эри бўладиган мен қора қонимга беланиб ётардим, яраланган бошимни эса Хармиана оппоқ кўйлагига кўйиб олганди.

Кўзим маликанинг кўзи билан тўқнашди.

– Менга ҳаёт керак эмас! – базўр шивирладим мен. – *Vae victes!*

Маликанинг юзи қип-қизариб кетди – хижолатдан қизарганига шубҳа қилмайман.

– Бундан чиқди, Хармиана, барибир уни чин дилдан севар экансан-да, – деди у енгил киноя билан, – акс ҳолда нозик баданинг билан уни ёпиб олмаган ва мана бу хунаса кўппаклар пичоғидан ҳимоя қилмаган бўлардинг. – Шундай дея у занжиларга нафратли нигоҳ ташлади.

– Йўқ! — ўртаниб деди қиз. – Мен уни севмайман, аммо шундай мард жангчини кўрқоқлар хиёнатларча ўлдиришларига жим қараб туrolмайман.

– Тўғри, у жасур, – деди Клеопатра, – баҳодирларча олишди, мен ҳатто Римда, гладиаторлар жангида ҳам бундай жон олиб, жон берган ботирни кўрмаганман! Начора, мен унга ҳаёт инъом этаман, ҳолбуки бу менинг кўнгилчанлик қилганим бўлади – аёлларга хос кўнгилчанлик. Мунажжимни ўз бўлмасига олиб боринглар ва тузалиб кетмагунча ёки ўлиб қолмагунча ундан кўз-қулоқ бўлиб туринглар.

Бошим айланиб, кўнглим айниди ва ҳолдан тойиб, бўшлиққа, йўқликка тушиб кета бошладим...

Тушлар, тушлар, тушлар, уларнинг охири кўринмас ва тинимсиз ўзгариб турар эдилар. Назаримда тушлар йил сайин мени азоблар баҳри муҳитига олиб кетаётгандай эди. Мана шу тушлар орасидан тимқора кўзли нозик аёл чехраси лип этиб кўриниб қолар ва оппоқ кўли ҳар менга текканида ҳузурланиб оғриқни унутар эдим. Менга яна шоҳона чехра намоён бўлар эди, у шиддаткор тўлқинлар устидан чайқалаётган тўшагим узра эгилар эди – кимнинг чехраси бўлса ҳам у сира менга тутқич бермасди, аммо унинг ҳусни жамоли беҳад тез ураётган томиримга оқиб келарди, у менинг бир қисмим эканлиги аён... болалик манзаралари кўз олдимдан лип-лип ўта бошлайди, тушимда Абидосдаги эҳромни кўраман, оппоқ соч-соқолли Аменемхет, отамни... ва Аментидаги улғувор танобийни, чоққина меҳробу унинг атрофидаги оловпўш илоҳларни туш кўрганим-кўрган, туш кўрганим-кўрган! У ерда муттасил кезиб юраман, илоҳий онам Исидани чақираман, аммо унинг қиёфасини эслай олмайман: шунча чақираман – бефойда! Меҳроб устига булут парчаси иниб тушмайди, фақат вақти-вақти билан илоҳий овоз даҳшатли эълон қилади: “Ер ўғли Ҳур Моҳнинг номи Азалдан бўлган, бор ва то абад бўладиган Зотнинг жонли китобидан ўчиринг. У ўлган! У ўлган! У ўлган!”

Бироқ бошқа бир овоз унга жавоб берди: “Йўқ, йўқ, шошмай туринг! У йўл кўйган ёмонлигига тавба қилади, Ер ўғли Ҳур Моҳнинг номини Азалдан бўлган, бор ва то абад бўладиган Зотнинг жонли китобидан ўчирманг! Азоблари жиноятини ювади!”

Кўзимни очдим, қарасам сарой минорасидаги ўз бўлмада ётибман. Шу қадар силлам қуриган эдики, кўлимни базўр кўтара олардим ва кўксимда юрагим жон бераётган қушдай типирчиларди. Мен бошимни буролмасдим, қимирлай ҳам олмасдим, аммо қандайдир қора офат ўтиб кетгандек, кўнглимда ажиб бир хотиржамлик бор эди. Шам ёруғидан кўзим қамашиб кетди ва мен кўзимни юмиб олдим; кўзимни юмар эканман, зина томондан аёл киши кийимининг шитирлаган овози қулоғимга

чалинди, менга яхши таниш бўлиб қолган енгил ва тез одим товушлари ҳам эшитилди. Бу Клеопатранинг одимлари эди!

У ичкарига кирди-да, аста менга яқин кела бошлади. Унинг қандай яқинлашиб келаётганини сезиб турардим. Иссиғи бутунлай ўчмаган юрагим унинг ҳар бир ташлаган одимига монанд тепар, ажал янглиғ туш зулмати ичидан унга нисбатан буюк муҳаббат кўтарилиб келарди, муҳаббат билан биргаликда нафрат ҳам бақамти эди, улар яккама-якка олишувга тушиб, кўнглимни баттар вайрон қилади. Малика бошим узра эгилди, юзимни унинг хушбўй нафаси силаб ўтди, мен ҳатто унинг юраги қандай ураётганини ҳам эшитиб турардим! У янада пастроқ эгилди ва лаблари оҳиста манглаймга тегди.

– Бечора, – паст овозда деди у. – Бечора, адои тамом бўлибсан, сен тирик қолмайсан! Тақдирнинг сенга қолганда қаҳри қаттиқ келди. Кўзга ҳаддан ташқари яқин эдинг, охири мендек бир йиртқичнинг ўлжасига, мен олиб бораётган сиёсий ўйиннинг қурбонига айландинг. Ҳа, Ҳур Моҳ, ўйиннинг шартларини сен айтишинг керак эди! Бу фитнагар коҳинлар сендан олим чиқаришибди-ю, аммо инсон ҳақидаги билимлар билан қуроллантира олмадилар, табиат қонунларининг енгилмас босимидан ҳимоя қила олмадилар. Бу ҳам етмагандай, сен бутун юрагинг билан мени севиб қолдинг – оҳ, кошки буни мен билмасам! Сендек мардонавор одам бу кўзларни севиб қолдинг, улар қароқчилар кемасининг чироқлари янглиғ сенинг кемангни ўзи томон чорлайверади, чорлайверади-да, охири у қояга урилиб, парча-парча бўлиб кетди; сен бу лаблардан қанчалик эҳтирос билан бўсалар олмасдинг, улардан учиб чиққан ҳар бир сўзга чипа-чин ишонардинг, бу лаблар эса сени алдагани-алдаган эди, ҳатто сени қул деб атади! Начора, курашда кучлар тенг эди, зеро, сен мени ўлдирмоқчи эдинг, шундай бўлса-да, сенга чин дилдан ачинаман. Бундан чиқди, сен ўлар экансан-да? Алвидо, алвидо, севгилим! Ёруғ дунёда сен билан энди ҳеч қачон учрашмаймиз, балки шундай бўлгани ҳам дурустдир, зеро, ким билсин, агар тирик қолганимда сен билан қандай иш тутган бўлар эдим, сенга кўрсатган онийлик меҳрибонлигим эса ўтиб кетди. Ҳа, сен ўлар экансан, манави пахмоқсоқол нодон олимлар шундай дейишяпти, агар сени ажал қўлига топширадиган бўлишса, бу ишлари уларга жуда қимматга тушади. Бу ўйинда мен ўз соққамни сўнгги бор ташлаганимдан сўнг биз қаерда учрашамиз? У ёқда, Осирис салтанатида биз сен билан теппа-тенг бўламиз. Бир оз вақт ўтар ва биз яна учрашамиз – бир неча йилдан кейин ёки бир неча кундан кейинми, балки эртанинг ўзидадир; мен тўғримда ҳамма нарсадан воқиф бўлганимда мендан юз ўғирмайсанми? Йўқ, бу ерда мени қанчалик кучли севган бўлсанг, у ерда ҳам шундай севасан! Чунки сендай одамнинг севгиси ўлмайди, уни хафагарчилигу аразлар ўлдира олмайди. Ҳимматли юракни тўлдирган севгини фақат нафратгина ўлдириши мумкин, у заҳар сингари уни еб ташлайди ва уни қип-яланғоч шармандали ҳолга солиб, суюкли мавжудотнинг ҳақиқий моҳиятини ошкора этади. Сен аввалгидек менга топинишинг керак, Ҳур Моҳ, зеро, шунчалик иллатга тўлиқ бўлгани билан менинг қалбим буюк ва сенинг нафратингга сазовор эмас. О, қани эди, сен мени севганчалик мен ҳам сени севолсам! Тан кўриқчиларимни ўлдирганимда сени қарийб севиб қолган ҳам эдим, ҳа, деярли севиб қолгандим, аммо бу севгида нимадир етишмас эди.

Менинг юрагим юрак эмас, тош, метин-у, ҳеч кимга бўйсунмайди, ҳатто дарвозани ланг очиб қўйганимда ҳам биронта эркак зоти уни забт этолмайди. О, ёлғизлик мени қанчалар жонимга текканини билсайдинг, яқин деб билган одамнингнинг қалбига сингиб кетсам нақадар ажойиб иш бўларди! Сиёсат ҳақида, одамлар ҳақида, саройимдаги дабдабаю

асъаса ҳақида бир йил, бир ой, жиллақурмаса бир соатгина эсламасам, унутсам ва бор-йўғи оддий бир суюкли хотин бўлсам дея орзу қиламан! Алвидо, Ҳур Моҳ! Буюк Юлийнинг қошига бор, уни ўзинг ўз санъатинг билан яқинда марҳумлар салтанатидан чақириб олган ва қаршимда намоён этган эдинг, унга мисрлик шоҳ аёл саломини етказ. Нима ҳам дердим, мен сени алдадим, Ҳур Моҳ, мен Цезарни ҳам алдаган эди, балки тақдир ҳам ҳаётлигимда мен билан ҳисоб-китоб қилар ва мен ўзим алданган бўлиб чиқарман. Алвидо, Ҳур Моҳ, алвидо!

Малика эшик томон йўналган ҳам эдики, яна бир аёл киши кўйлагининг шитирлаши қулоғимга чалинди, тушиб турган ёруғда нариги аёлнинг оёқчаси кўзга ташланди.

– Ҳа, сенмидинг, Хармиана. Ғамхўрликни ҳам жойига қўйибсан-ку, у ўляпти.

– Ҳа, – деб жавоб берди Хармиананинг овози, қайғудан ифодасиз бир тусда. – Ҳа, шундай, маликам, табиблар шунақа дейишяпти. Қирқ соат ўзини билмай ётди, лаблари олдидаги туклар гоҳо бутунлай қимирламай қолаяпти, бошини кўкрагига қўйиб, кўп қулоқ солиб кўрдим, юраги бир марта ҳам урганини эшитмадим. Тўққиз кун, тўққиз тун бўлди, ундан бир зум кўз узмай қараб ўтирибман, мижжа қоққаним йўқ, кўзларим худди қумга тўлиб қолгандай ачишяпти, чарчоқдан ётиб қолмасам бўлди, ишқилиб. Меҳнатларимга олган мукофотим бу! Ҳаммаси ана шу ярамас Берннинг ғирромларча зарбасидан бўлди – Ҳур Моҳ ўляпти!

– Севгида киши қилган меҳнاتини миннат қилмайди, Хармиана, яхшиликни олибсотарнинг тарозисида ўлчамайди. Ўзида борини очиккўнгиллик билан қўшқўллаб тутқазади, қанча берганининг юзига бормайди. Агар бисотидаги борини бериб бўлиб, кўнгил хазинаси бўшаб қолганда ҳам ҳали оз бердим, деб ўйлайди. Бемор тўшаги остида ўтказган мана шу уйқусиз тунлар сенинг қалбингга азиз; бу ғамгин манзара сенинг ҳорғин кўзларингга сурур бағишлаши керак. – Баҳодир ҳозир чорасиз ётибди, бола онага муҳтож бўлгани каби у ҳам сендай бир ожиза ғамхўрлигига муҳтож. Тан ол, Хармиана, севгингга жавоб айтмаган бу эркакни севасан, ҳозир у сенинг ихтиёрингдалигида, унинг кўнглида ҳаётдан ажралган зулмат ҳукм суриб турганида сен унга бор меҳрингни бериб, ғамхўрлик кўрсатяпсан, тузалиб кетса, бирга бўлиб, бахт нашидасини сурамиз, деб хаёл суряпсан.

– Мен уни севмайман, маликам, буни сизга исботлаганман ҳам! Сизни, маликаи улёни, менга опамдан азиз инсонни ўлдирмоқчи бўлган одамни қандай сева олардим? Унга раҳмим келганидан қараб ўтирибман, холос.

Клеопатра босиқ кулиб қўйди.

– Раҳминг келгани – ўша муҳаббат бўлади, Хармиана. Аёл севгисининг йўлларини ҳеч ким англаб етган эмас, сенинг муҳаббатинг эса ҳақиқатан ҳам англаб бўлмайдиган нимадир содир этган, мен буни биламан. Аммо муҳаббат қанча кучли бўлса, у йиқилиб тушиши мумкин бўлган чоҳ ҳам шунчалик чуқур бўлади, кейин яна осмонга кўтарилади-да, яна пастга тушади. Шўрлик Хармиана! Сен ўз эҳтиросларинг чирмандасига ўйнаяпсан: ҳозир сен тонг осмони каби беғуборсан, бироқ рашк юрагингни ўртай бошлаганида эса денгиз каби бешафқат бўлиб қоласан. Биз, аёллар, шундай яратилганмиз. Тез кунлар ичида аламноқ бедорлигинг тугайди-да, кўз ёши тўкиш, пушаймон чекиш ва эслашдан бошқа ишинг қолмайди.

Шундай деб малика кетди.

*Рус тилидан Амир ФАЙЗУЛЛА ва  
Маҳкам МАҲМУД таржимаси*



# ШУЪЛАЛАНГАН МАВЖЛАРНИНГ САСИ

**Ш**у йилнинг 1-8 феврал кунлари Вьетнамда Осиё Халқаро шеър-ият фестивали бўлиб ўтди. Унда 28 мамлакатдан 87 нафар шоир иштирок этди. Улар орасида мамлакатимиздан шоир ва таржимонлар – Аъзам Обид ва Гўзал Бегим ҳам бор эди. Анжуман мамлакат пойтахти Ханойдан Ханойдан 400 км узоқда жойлашган Халонг Бай вилоятида тантанали равишда очилди ва Ханойда давом этди. Вьетнам президенти Трионд Тан Санг билан бўлган учрашув фестивал иштирокчиларини мамнун этди. Муҳтарам Президент билан шоирлар ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Ҳиндистон, Сингапур, Россиядан борган ижодкорлар билан бир қаторда ўзбек шоираси Гўзал Бегим адабий алоқалар ривожига қўшган ҳиссаси учун Вьетнам Республикаси медали билан тақдирланди.

Қуйида сизга тақдим этилаётган бир гуруҳ замонавий Вьетнам шоирларининг шеърлари ана шу кунларнинг ёруғ хотираси сифатида қалбингизга кириб боришидан умидвормиз.

Буй Сим Сим

## ШАМОЛГА ҚАРШИ КУН

Сени севмоқ учун йўл ёқалаб қуёш нурларига қарши  
боряпман,  
Охирлаган иш кунида одамларни, шамолни қаршилаб,  
Инонмоқ учун ишонувчанликка, юрагимга тескари қараб,  
Орзусиз дайдияпман кўкдаги қуш қанотларидай.

Мен кетиб боряпман вақтга, маконга басма-бас,  
Унутмоққа ишқни, таъмагир ҳаётга басма-бас,  
Жимликни жим севган юракка қарши,  
Қайғуни уйғотиб, дунёга келтирдим яшил эҳтиросни.

Сенга гапиргим келар узундан-узоқ,  
Кузги дарахтни айланиб учган баргдай титрадим,



Ер шари нима қилар тугаса яшилликлар,  
Нима бўлар ёнингда бўлмайд қолсам бир куни.

Кимсасиз ҳам қизил чанги бўлмаган  
Туннинг жимлигига қайтиб кираман.  
Кўчалар ғампараст, елкамизни елпийди еллар,  
Фақат ушбу оқшом – биламан мен, ҳа...

## **УНУТ ВА ЭСЛА**

Севиш учун эслаш етарли эмас,  
Бегоналик учун унутиш шартмас.  
Икки йўл оралаб изсиз излайман сени,  
Бир томон энгашиб, қўйиб юбораман бошқа бирини.

Оқшом мавжланади кўкда юлдузлар,  
Эшитилар шамолнинг нафис шивири.  
Майсалар кўзларин майин юмишган,  
Малаклар тушишар кўз илғамас кўкдан.

Юраклар лиммо-лим муҳаббат билан,  
Тўлқинлар шовури – хотираларим,  
Тўртта жаранглаган қатлам оралаб,  
Исмим айтиб чорласанг, юрагим тошар.

## **Тю Тхи Тхом**

### **НОМСИЗ**

*(Л.М.га бағишланади)*

Тоғларга чўкиб кетиб, тошга эврилма,  
Ғамнинг қарсиллаши,  
Кундузги қуёшнинг кўзин қувнатар,  
Тунда сизиб чиқиб кўз ёшлар.

Тўлқин уролмаслик қайғули ахир,  
Кўтарилиб-тушгучи, қулаб-тикланган,  
Олис соялардай кетиб борар елканлар,  
Осмон ва сув – ортимда пўртана турар кимсасиз.

Шодланарли – шамол бўлмаслик,  
Тўнкарилган сўз асли қасам.  
Ишқ абадийми?  
Ҳа? Йўқ?  
Денгиз ҳаётни элтар иштиёқ соҳилларига...

Дафъатан эшитилар шамол увлаши  
Ва яна дафъатан оқшомнинг саси,  
Думалаган мавжларнинг намли шовқини  
Майдалаб сочилган ясси учқунлар.

## **БИР КУНИ**

Алангага қиёсласа бўлар севгини,  
 Ҳаётни булут-ла ёнма-ён қўймоқ,  
 Сени солиштирдим пўртана билан,  
 Шамолнинг ишқига мангу бойланган.

Ишқ ҳар лаҳза оловланади,  
 Тебранган булутлар,  
 Ғуж-ғуж тўлқинларнинг шиддати мисол  
 Кундалик ҳаётга ўрмалар оқлик.  
 Оқшом оёқ қўяр, кетиб борар қўрқув хуружи...  
 Булут – тўлқин – ҳаёт бекик айлана.

Бир куни парвозга чоғланар ҳаёт,  
 Бир куни муҳаббат кулга дўнади,  
 Бир куни тўлқинлар қўлдан тўкилар...

## **КУЗ ТУЙҒУСИ**

Бир куни кун ўтиб кетади кузга.  
 Шимолий – шарқий шамол  
 Тирноқгул ифорида йўллар заҳиллик.  
 Юрак хотиралардан донг қотиб қолар.  
 Ёз оловин яширар, илиқ ҳаво қайтмас ортига...  
 Бир куни шеърлар ивиб ҳўл бўлар,  
 Уларни бекитгим келмас (ёмғирдан).  
 Биз иссиқ гўшага ташриф буюрдик.  
 Мажолсиз эдик, бахтнинг яшил илдизларин узиб олишга.  
 Ортада қолиб кетар исмсиз гуллар.

Кузги гуллар чопар очилмоқ учун.  
 Сонсиз тўфонларнинг хира излари.  
 Бизнинг ўтмишдаги уйга келиб, қолар мангуга кимдир.  
 Қиё очиқ эшик тирқишида алла садоси.

Кузги туйғулардан титраниб-титраб,  
 Шошаман нам шеърларни қуритмоқ учун.  
 Елкам узра ястанар сен келар йўллар,  
 Қачонлардир унутилган туш.

Эски ваъдам сари келяпман қайтиб.  
 Кутавериб, изларинг кўқарар олис йиллар ортида.  
 Энгашган елкаларда кечмишнинг юки.  
 Ўтмишни эсга тизиб, куз сариқ гулларин тўзғитиб сочар...

Ло Нган Шун

## **ОСМОН ВА ЕР**

Самога узатар ер қўлларини,  
 Осмон жуда олис  
 Баландлай олмас.

Жудолик қайғусига шўнғийди осмон  
Ер сира тебранмас –  
Олис йўллари.

Кўк ва ернинг юзлаб йиллари  
Бир-бирига даҳлсиз улар.  
Сен билан яқинмиз: бу сенсан, бу мен –  
Кўллариингни бер.

Нгуен Куанг Тхиеу

## **ЮЛДУЗЛАР**

Юлдузлар шуъласи-ла сийлолмаймиз бир-биримизни,  
Дедим, сени кўндириб йиғламасликка.  
Ғамгин дарахт илдизидай тош орасида  
Сочларим кўксингга тўкилар, тўлар.

Юлдузлар нафасида кучишдик бу кеч,  
Илғамадик неча-неча тунларни.  
Юлдузлар гўзалдир, етмас изларим,  
Узиб беролмайман уларни сенга.

Юрак ютолмадим унутишга, майин сўзларни тердим.  
Мажолсиз ҳар битта кўрқувдан кўрқдим.  
Менга суяндиг сен, мен тахир таъмларга,  
Осмон ёғдусига таянмоқда ер.

Тунги сахро узра Сен ва Мен бормиз,  
Кулбасиз, таомсиз, либоссиз титраб кучишдик.  
Бизни уйғотса тонг, нимадан бошланади кун,  
Денгизми йўлимиз ёки чангалзор.

Милён йил аввалги ер шарин излайман бу тун,  
Ё милён йил ўтиб, сариқ чанглариини элтарми шамол.  
Юрак ҳовучлаймиз ҳам шодланамиз,  
Биз охирги жуфтлик ва ё биринчи?

Ҳали билолмасмиз нечанчи тун бу.  
Биз дунёнинг икки янги меҳмони.  
Бир-бировни кучиб илк хўрсиниқда.  
Кўқдан юлдузларни чорлаймиз бир-бир.

Нгуен Чонг Тао

## **КАТТАЛАР УЧУН БОЛАЛАРЧА ШЕЪР**

Оламдан ўтса-да ўрмон бор ҳали, ич-ичимда кўкараверар  
Қандайдир одам бор, кўз юмса-да кўз очаверар.

Жавоб бор, тураверар сўроқ шаклида,  
Ишратпараст руҳ бор, кезиб юрар зиёфатларда.

Ота бор, она бор, болалар – сағир,  
Тўлин ой бор – елимланган гуручларга армуғон эмас.

Қадрдон уйи йўқ ер ва осмон бор,  
Митти қувонч бордир, чексиз, ҳудудсиз қайғу.

Қайиқсузиб борар дарёлангани, яшилликлар майсалангани,  
Ҳаёт юриб борар қўрқинчлангани, кўнгил шамолланади.

Шафқат бор, хотир бор, кўз ёш ва кулгу,  
Лаҳза дийдаси бор, минг йиллардир ялтиллаб турар.

### **ИНОНСАНГ – ИНОН, ИНОНМАСАНГ – ЙЎҚ**

Қирқ бешта муваққат зиналарни босиб ўтдим мен тоққа,  
Ипдан нозик йўғонликда масофа мендан сенгача.

Инонсанг – инон, инонмасанг – йўқ.

Саланганлар уй қурган ғорларда бўлдим,  
Етиб боролмадим таъқиқ таомга.  
Қайсики қиролларни бахтли қилган ривоятларда,  
Гоҳида ҳайиқдим шоҳ бўлмоқликка.

Инонсанг – инон, инонмасанг – йўқ.

Қачондир қизиқчи,  
Ҳаёти рангсизлигин гапирган эди, кўз ёшлар тўқдим.

Инонсанг – инон, инонмасанг – йўқ.

Мен шоирман,  
Инонмайман ёзган сўзимга.

Инонсанг – инон, инонмасанг – йўқ.

## **Хиу Тхинь**

### **САВОЛ**

Мен ердан сўрадим: Ер билан ер қандай яшайди?  
– Кўкка кўтарамиз бир-биримизни (тоғ ҳосил бўлар).  
Сувга савол бердим: Сув билан сув қандай кун кўрар?  
– Тўлдирамиз бир-биримизни (яралар денгиз).  
Майсалардан сўрдим: майса майса-ла тиллашар қандай?  
– Тўқисак бир-биримизни уфқ яралади.  
Мен сўрадим: Одам қандай яшар шу тахлит?  
Мен сўрдим: Одам қандай яшар шу тахлит?  
Мен сўрадим: Одам қандай яшар шу тахлит?

## **ДЕНГИЗ УЧУН ЁЗИЛГАН ШЕЪР**

Мен сендан олисдаман  
 Ой каби ёлғиз (якка, кимсасиз)  
 Қуёш ҳам ёлғиз (биргина)  
 Бўйи ва энига тўлғонар денгиз,  
 Елканлари ташлаб кетган  
 Яккаю ёлғиз...  
 Шамол қамчи эмас  
 Бўй кўрсатар тош келбатли тоғ.  
 Сен туннимас  
 Мени бўяб қўйдинг бинафша рангга.  
 Сени олиб келмасдан  
 Тўлқинлар ҳеч ёққа бош олиб кетмас  
 Чунки у ақлимдан айирди мени...

## **ОЛИС ВА БЎМ-БЎШ**

Жуда олис ва бўм-бўш  
 Сўрайдирман қушлардан бетин  
 Кўча тўла одам, бироқ сенинг изларинг қайда?  
 Олис ва бўм-бўш  
 Қадамларим ёлғиз  
 Бандаргоҳда сўрайман  
 Қайиқларда тўлқинлардан ниманидир жўнатдими у?  
 Жуда олис ва бўм-бўш  
 Сўрайдирман савдо расталаридан  
 Кўзгу харид қилган харидор  
 Қайтиб келдими?  
 У қайтди фақат бир бора  
 Ярқироқ кўзлари боқди жимгина.

## **МЕНИНГ УКАМ ФАН ТХИЕТ**

Олмагандинг бу ердан бирорта хасни  
 Дўнгликлар ястанган буюк хас-чўпзор.  
 Гулхандек қопланган яшил майсазор.  
 Атрофга қарайман ҳамма – бу сенсан,  
 Сен аскар – Укам.  
 Ўрмон ва тоғлардан ҳатладинг-ўтдинг,  
 Қирғоққа чиқдиму  
 Денгизни кўрдим.  
 Қайлиқнинг кўзлари нишонга олгич.  
 Окоп тиғиз, сочилади қум.  
 Мавжларга қийқирар балиқчи қушлар...  
 Қара,  
 Юрагимдай урмоқда денгиз,



Олислар узилар  
 Кема арқонидай қирғоқни қўйиб,  
 Шамолни тинглаган елканлар каби...  
 Оқшом эсар яна  
 Юлдузлар куйигидан қоронғу фалак  
 Аскар кетиб борар,  
 Дунёни қайғудан қутқармоқ учун  
 Тоғ, ўрмон оралаб.... бу ёғи денгиз!  
 Ажал оғриқлари юракни қоқди.  
 Ҳа, денгизга етиб бўлмади.  
 Сен шу ердасан!  
 Излабман изингни,  
 Умидни ўзимга хасса, деб билдим.  
 Тань Кан тоғларининг  
 Дак То, Ша Тай, Дак Пет қояларида  
 Жала бизни чайди тинмасдан.  
 Ортига қайтардим охирги йўлни,  
 Талвасали иситма онлар.  
 Ҳар бир қадамнингни эсга оляпман  
 Сал қолса ўзгарарди ҳамма-ҳаммаси –  
 Ва сен денгиздасан!  
 Қисмат дафтарин ортга варақлаб бўлмас.  
 Ниманидир ёзиб ёки ўчириб.  
 Қайси рангда эди соҳилдаги мавж,  
 Энг сўнгги жанг-ла қўл сиқишдинг қачон?  
 Бу ҳақда сукутда денгиз сувлари.  
 Бироқ сен, мана, қараб турибсан  
 Ҳу-ув ўша дўнгликда  
 Тўсиб ўзинг юрган ўлкани.  
 Ҳаво ранг майсага айланиб кетдинг.  
 Мен билан биргасан,  
 Буғдой поясидай хуш таёқчалар.  
 Байрамга уйларни ясантиргандик  
 Меҳробда куйдирди онам уларни.  
 Букчайиб чарчади.

Фан Тхиет дўнглиги,  
 Шовқиндан пастлайди туннинг овози,  
 Сариқ оловларда милтиллар шаҳар.  
 Ухламаяпсанми, менинг балиқчи укам?  
 Илиқ тўлқинларин ирғитар денгиз,  
 Гўёки суҳбатга чорлайди бизни...  
 Олисда титранар Фан Тхиет олови.  
 Сен мангу биз билансан, укам.  
 Мангу биз билан!

*Рус тилидан  
 Гўзал БЕГИМ таржималари*



Виктор  
АСТАФЬЕВ

## ҒАМГИН САРГУЗАШТ

Роман

Олтинчи боб

Света — шамоллашлар, турли таъсирларга тезда учиниб қоладиган қизалоқ, совуқ тушиши билан касалланиб қолди. Қишлоқда у жуда эркин юрар, қандайдир боғча опаларининг кун тартибларига бўйсуниб яшаши шарт эмасди. У жисмонан чиниқиб, расм чизиш, шеър ёдлаш, рақсга тушиш каби одатларни унутди. Қизалоқ кўчадан бери келмас, кучукчалари билан ўйнар, болалар билан ғижиллашар, кун сайин тўлишиб борар, бувисининг чапани кўшиғини куйлаб юрарди: «Эй, рота командирлари, бизга пулемёт беринг! Бизга замбарак беринг, бизлар қувнамоқчимиз...»

Мана, касалманд набира яна Полевки қишлоғига қайтди. Энди бобоси индамайгина, ими-жимиди, бувиси эса жўшиб-тошиб, ҳаддан зиёд хурсанд бўлишади. Ёш ота йўл давомида қизгинанинг саволларидан, дунёнинг ўй-ташвишларидан ғоят толиқди. Боз устига, оёқлари роса чарчади: автобус Починкадан нарига қатнамас, механизаторлар йиғим-терим пайтида узоқ қишлоқларга борадиган йўлнинг дабдаласини чиқаришган, очигини айтганда эса, у ёқларга борадиган одамнинг ўзи ҳам йўқ эди. Сошнин Света билан Полевкининг яккам-дуккам уйлари оралаб лой кечиб борар экан, кампирларнинг сўлғин қарам баргларига монанд юзлари дераза ойналарига қадалди: «ким келаётган экан? Осмондан фазогир тушиб келган бўлмасин тағин?», деган хаёлда эдилар.

Сирасини айтганда, Сошнин қорнини тўйғазгач, бир оз мизғиб, Починкага яёв жўнаши, у ердан унутилмас ва қадрдон Хайловска етиб олиши, сўнгра электричкага ўтириб, уйига жўнаб кетиши лозим эди. Лекин у, аввало, бу ернинг янгиликларини тинглашга, қайнонаси узатган арзномадалолатнома аталмиш қоғозни ўқиб чиқишга мажбур бўлди:

«Ўртоқ милиционер, Сошнин Леонид Викентьевич! Биз бечора етимларни ҳамма тарк этди. Ушандан бери бизни ҳимоя қиладиган, ҳолимиздан хабар оладиган бирор кимса йўқ. Шу сабабли сиздан ёрдам сўраяпман. Вениамин Фомин қамоқдан чиқиб, Тугожилинога қайтиб келди ва атрофдаги беш қишлоққа солиқ солди. Мени, Арина Тимофеевна Тариничевани пичоқ, болта ва шунга ўхшаш кескир нарсалар билан кўрқитиб, ўзи билан ётишга, илмий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, яшашга мажбур қилди. Мен эллик ёшдаман, у эса йигирма етти ёшда. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, колхозда ишлаб-ишлаб тинкаси қуриган аёлнинг ҳоли нима кечади? Бунинг устига, иккита эчким, тўртта қўйим, мушугим, Рекс номли итим ҳам бор. Ҳаммасини едириш, ичириш керак.

Уйимга келгандан бери бир тийинлик даромади йўқ. Нуқул харажат, менинг қарамоғимда яшайди, ишлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Ўзи ичиб юргани етмагандай, кўча-кўйда дўстларини учратиб, уларни ҳам ароққа тўйғазади. Мен билан кўп жанжаллашади, кўрқитади, ҳатто, бўғиб

Охири. Боши ўтган сонда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

114

ташлайман, дейди. Ўзим колхоз бузоқларига қарайман. Дам олишим керак. У бўлса тинчлик бермайди, ароқ ичгани-ичган. Мени ундан халос қилинг, қизил қалампирдан баттар жонимга тегди. Уни қайтадан қамоққа (унинг асли макони ўша ер) олиб кетинг. Фақат, кўзимдан йўқотсангиз бўлгани. Илгарилари, мен билан яшамасдан олдин ҳам, у шунақанги бебошликлар қилиб юрарди. Безорилиги учун суд қилишди. Онаси қазо қилди. Хотини қаёққадир ғойиб бўлди. Энди пичоқ менинг ҳам суягимга бориб тақалди, бас!

Суякларим, томирларим, бутун аъзои баданим қақшаб оғрийди. Касалман, баъзан еб-ичишга ҳолим бўлмайди. У бўлса, рашк қилади, қийнайди, бунинг устига, ёшинг эллиқда бўлса, рашк қилишга бало борми? Ўн беш ёшимдан бери колхозда ишлайман, у суллоҳ бўлса, туни билан каравотда ётиб олиб, жиннилик қилади, нималарнидир ғўлдирайди, тишларини ғижирлатади, қамоқдагиларнинг қўшиқларини айтади, чироқни бекордан-бекорга ёқади. Давлатнинг энергиясини тежамайди. Ой сайин электр учун тўрт сўм ва яна аллақанча тийин тўлайман.

Ярим кечада сакраб туради-да, даҳшатли товуш билан ўкириб, мени тирқиратиб қува бошлайди. Ҳар кеча уч, тўрт марта уйдан қочиб чиқиб, қишлоқ кўчаларида санқийман. Ҳамма уйқуда, қаёққа боришимни ҳам билмайман. Қайтиб уйга кириб, ечинмай, яна қочишга шай бўлиб тураман. Бу ҳақда ҳеч ким, ҳатто қўшнилар ҳам билишмайди. Сиздан илтимос, менинг арз қилганимни унга билдирманг. Бўлмаса у чопиб ташлашдан ҳам тоймайди. Ўзингиз бир илож қилиб, бу ердан секингина узоққа олиб кетинг. У одамхўр, қонхўр! Қишлоқларни талаб, хотинларга озор бериб юрибди. Сизга мурожаат қилишимни онангиз Евстолия Сергеевна Чашина маслаҳат берди. Худо у кишига куч-қувват берсин. Мен айтиб турдим, у киши ёзди, ўзимнинг қўлларим қалтирайди. Боз устига, саводимнинг ҳам мазаси йўқ».

\* \* \*

Одамлари санжоблашиб қолган қишлоқларда бундай воқеалар тез-тез бўлиб турарди. Аёллардан бўлак аҳолиси қолмаган, деярли бўм-бўш қишлоққа келиб қолган босқинчи бечораларга азоб берар, жонидан тўйдирарди. Зўравонга қарши чоралар кўрилар, у сургун қилинар ё яна қамоққа жўнатиладди. Лекин «ҳалок» бўлганларнинг ўрнига дарров янги «қаҳрамон»лар пайдо бўлар, мана шунақанги арзнома милицияга етгунча, аёлнинг ноласини биров эшитгунча, қарабсизки, қотиллик ёинки талончилик содир бўлиб турибди.

«Далолатнома»га қўшимча қилиб, Евстолия Сергеевна яна шуларни айтди: дарёнинг нарёғида, Грибково қишлоғида ҳамон икки қари кампир яшамоқда. Шу боис деразаларда нур кўринади, мўрилардан тутун чиқади. Уйларнинг бирида шаҳарга, болалари ҳузурига кетишни истамаган қайсар кампир яшайди. Қўшни ҳовлида эса урушдан сўнг бева бўлиб қолган кампир умргузаронлик қилади.

Қишда камроқ ўтин сарфлаш, вақтни яхши ўтказиш учун ҳар иккала кампир бир уйда яшашади. Улар Хайловск саноат артелининг буюртмаси билан ҳар хил кашталар тўқишади. Ўша, урушдан сўнг бева бўлиб қолган кампир Починка дўконида ҳаммага эшиттириб шундай деса бўладими:

— Энди кўнглим жойига тушди. Кашта тўқиб, уч-тўрт танга ишладим. Куним битиб ўлиб қолсам, кишиларга ҳам, ғазнага ҳам оғирлигим тушмайди.

Веня Фомин кампирнинг пули борлигини эшитиб қолди. У қайиқда дарёдан кечиб ўтди-да, қоронғи тушгач, кампирнинг уйига бостириб кирди, бўйнига пичоқ тиради:

— Пулларни бу ёққа чўз! Бўлмаса, сўйиб ташлайман!

Кампир «миқ» этмади. Пулни ҳам бермади. Талончи бечора кампирнинг бошига сочиқ боғлаб, таёқча билан буради. У қамоқда ўрганган усул билан кампир бояқишнинг бошини қаттиқ сиқа бошлади. Кампир бурнидан тирқираб қон оқса-да, сирни бой бермади. Лекин Веня, ахир, бу маҳаллий душман, пул қаерда сақланишини англаши унча қийин эмас. У қўлини икона орқасига суққан эди, пул — бир юз олтмиш беш сўм ўша ерда экан.

Венька Фомин ўз ёр-биродарлари билан бир ҳафта қутуриб базми жамшид қилди. Бева кампир бўлса, лаш-лушларини тугунчага жойлаб, Хайловск қариялар уйига — қолган умрини давлат ҳисобидан ўтказишга равона бўлди. Энди ўша ерда ғариблардек, давлат ҳисобидан яшамоқчи.

\* \* \*

Хайловск йўлида, ёзда тез-тез қуриб қоладиган ирмоқ ортидаги тепаликларда Тугожилино қишлоғи жойлашган. Қишлоқдаги кўпчилик уйлар қулаб тушган, деразалари тамбалаб ташланган. Фақатгина бузоқхона ёнида ҳаёт аломатлари сезилади. Чўпон сўкинади. Трактор тариллайди. Бир-биридан фарқ қилмайдиган, эти суягига ёпишиб, куруқшаб қолган икки-уч чоғли аёл куйманиб юришади. Сошнин йўл-йўлакай қишлоққа кириб, сурбет талончига пўписа қилиш ёки ўзи билан олиб кетиб, Хайловск милиция бўлимига топшириш ниятида эди. Лекин Вениамин Фомин билан кутилмаганда учрашишга тўғри келиб қолди.

Леонид энди мириқиб ухлай бошлаган эди ҳамки, қайнотаси Маркел Тихонович эҳтиёткорлик билан енгидан тортди. Куёви уйғониб, ўзига келишини кутди-да, Тугожилинода Венька Фомин аёлларни бузоқхонага қамаб қўйиб, агар бош оғриғига 10 сўм бермасаларинг, ҳаммангни бузоқмузоқларинг билан қўшиб ёқиб юбораман, деб дўқ ураётганини айтиб берди.

— Э-э, жин урсин! — сўкинди Сошнин. — Ҳеч қаерда тинчлик йўқ экан-да!

У шамол, ёмғир ва балиқ ови таъсирида униққан телпагини, эски енгил камзулини кийди. Леонид ишдан бўш пайтларида доимо фуқароча кийинарди. Телба шамол, изғирин, шилта намлик таъсирида ўзини жуда ғариб ҳис этди. Тараддудланиб, нималарнидир ўйлаб, сал тўхтаган бўлди. Кейин бошини силкиб, телпагини қулоғигача бостириб кийди ва йўлга равона бўлди. Уни Света билан кузатиб чиққан Маркел Тихонович куёвининг афтода кайфиятини кўриб, «эркакча ёрдам» таклиф этди. Сошнин рад қилди, қизчасини кўтариб, лабларини унинг хўл ёноғига босди.

— Иссиққа қайтинглар, — у шундай деди-ю, юзини ёқаси билан битта-яримта қор учқунлари аралашган ёмғирдан пана қилиб, шилта лойни чалп-чулп босиб, жўнаб қолди.

Тик оёқда мудраб бораётган Сошнин далалар ва кичик ўрмонча орқали ўтадиган яқин йўлга бурилди. Ҳар ер-ҳар ерида бошоқлар сочилиб ётган пахмоқ далаларда донлаб, оғирлашиб қолган қарғалар, ёввойи каптарларни чўчитиб юборди. Улар тўп-тўп бўлиб ўзларини яланғоч ўрмонга урдилар. Чала ўрилган буғдой бошоқлари, сомон ғарамлари дардманд танадаги яра-чақаларга ўхшаб, ириб-чириб ётар, кузги намгарчилик таъсирида жонланган дарёчанинг лой қирғоқларида яккам-дуккам зиғир поялари тебранар, шамол учириб туширган, сув ювиб кетган шох-шаббалар у ер-бу ерда тикилиб қоларди.

Дарахтларнинг эгилиб ётган учларига, дарёдаги шох-шаббаларга, тошлоқ ерларга кўниб олган, қорайиб кўзга ташланиб турган қарға-зоғлар тўқ, бефарқ, надоматли қағиллаш билан одамларни кузатишарди. «Нима қилиб санғиб юришибди булар? Тинчгина ухлаб ётишса бўлмайдими?»

Кун кўришга ҳам қўйишмайди...»

Яланғоч, музлаган дарахтзорлар, тақир далалар ёқалаб майин тўлқинланиб оқаётган дарё соҳилидаги мажнунтоллар, буталардаги куздан қолган яккам-дуккам барглар, озуқа тежалсин деб, совуққа ҳайдаб чиқарилган, тиззасигача балчиққа ботган ирkit бузоқчалар, дўнгликлардаги ҳўл ўт-ўланларнинг нимасинидир йўқотиб қўйиб, уни қидиришдан чарчаган, қадди дол кишиларга ўхшаб кетиши – ғариблик, совуқ мавсум, ёмон об-ҳавога кўникиш, азалий, хокисор рози-ризолик хислари лиммо-лим эди.

Туғожилинонинг тамаки рангидаги гўннга ботган бузоқхонаси олдида – девор тагида бир тўда аёллар (асосан, кампирлар) илма-тешик, чириётган бўлса-да, ҳали илиқ хариларга қапишиб туришарди. Сошнинни кўриб, ҳаммалари бирданига типирчилаб, уввос солиб қолишди.

«Бадкор! Бадкорлар! Унинг танобини тортиб қўядиган одам топилма-япти. Азалий маҳбус, дайди. Онасининг бошига етди... У ўзи ёшлигидан шунақа...»

Сошниннинг кўзи бузоқхона томидаги очиқ ерга тушди. У уст кийимларини ечиб ташлаб, бекорчиликдан тўлишиб бораётган қоматига чиппа ёпишган нимчада қолди. Тўсинга осилиб, томга чиқди. Сўнг шифтга тушди, тўрт-беш ёғочни нари суриб, электр чироқлари зўр-базўр нур сочиб турган хонага сакради. Сакрагандаям, жуда ноқулай сакради. Майиб оёғи тагин лат еди, сирпанчиқ гўннга ўтириб қолди, шимини булғади.

Қоп-қора, чирий бошлаган, ёриқларидан балчиқ сизиб чиқаётган полда турган касал бузоқлар келгиндига бефарқ нигоҳ ташлашар, маърашмас, озиқ ҳам сўрашмас, фақат онда-сонда йўталиб қўярдилар, холос. Сас-сиз, нимқоронғи бузоқхонада ўхтин-ўхтин йўталиб қўярдилар, намчил оғилхонада тақдирга тан бериб, маҳкумларга ўхшаб оғир нафас олардилар. Қарияларга ўхшаб хириллаётган жониворларнинг ҳеч ким, ҳеч нима билан иши йўқ. Фақат олисда, қоронғилик қаъридан бузоқчанинг эринчоқ бир маъраши эшитилди. У ҳам умидсизликдан шу захотиёқ жим бўлди. Сўнгра пўстлоқ остида ғимирлаётган қурт овозига ўхшаган зўр-базўр қитирлаш эшитилди. Ғажиб ташланган тўсинлар, охурларга қараб, бузоқча чирий бошлаган ёғочни кемиряпти, деб ўйлади Сошнин. Бошқа бузоқ шилта лой кўтончадан чиқиб, сирпанчиқ бўлса-да, ҳали балчиққа бутунлай ботиб кетмаган юпқа ёғоч устида ётар, яна бир бузоқ эса тўсинга осилганича қуюқ сўлакларни оқизиб, унинг қулоғини шиммоқда эди. Ҳар икки томонига гўнг уйиб қўйилган сирпанчиқ йўлак окопга ўхшаб кетарди. Сошнин озуқа хонасига ўтиб кетди. Эшикни очиб, кўрқувдан эслари оғаёзган икки аёлни чиқариб олди. Улар овозлари борича уввос солиб, бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилиб, ўзларини рўпарадаги қия очиқ эшикка урдилар. Ана шу эшик олдидаги аравада ўрмондан келтирилган хушбўй пичан ғарами устида Венька Фомин беозоргина ухлаб ётарди. Сошнин уни аравадан судраб туширди. Ёқасидан ушлаб, қаттиқ силтади. Венька Фомин ўзи қаерда, нима бўляпти, билолмай, кўзларини бақрайтирди. Киприк қоқди, қўли билан оғзини артди.

— Сен кимсан, менда нима ишинг бор?

— Мен, бу мен, лекин сен ўзинг кимсан?

— Мен сендан сўраяпман, кимда нима ишинг бор?

— Юр, дарвозадан ташқарига чиқайлик, ўша ерда аёллар ким, нима эканини тушунтириб беришади.

— Саёқ, аблаҳ! — ўкирди Венька Фомин ва бедага санчиб қўйилган дастаси синиқ паншахани тортиб олди. Паншаха эски, занглаб кетган, икки тишига гўнг ёпишиб, қалинлашиб қолган, уларнинг ўртасида эса яна икки тишининг қолдиғи қариянинг синиб тушган тишларига ўхшаб кетарди.



«Ох, бу эркаксиз қишлоқлар! Бу ерда ҳамма нарса сўнги кунларни бошидан кечираётгандай, ҳақиқий ҳаёт йўқ...»

— Ёриб ташлайман, мараз! — Венька жангда милтиқ ушлаган пиёда аскарга ўхшаб, қўлида паншаха билан Сошниннинг устига бостириб келди.

— Ташла паншахани, ифлос! — Сошнин Фоминнинг истиқболига юрди ва бу ҳаракати билан уни ҳайратга солди.

— Яқинлашма, ёриб ташлайман! Яқинлашма! — чийиллади Венька Фомин.

Бузоқхонанинг қия очиқ дарвозаси томон чекинаркан, у паншахани ташлаб қочиб қолишни, қадрдон далалар ва ўрмонларга кириб, ғойиб бўлишни мўлжаллаб турарди. Сошнин уни бурчакка қисиб, чекинадиган йўлни кесиб қўйди.

Венька Фоминнинг танаси ҳам, юзи ҳам арақзада, эрта тушган ажинлар чуқур из солган, қовоқлари қопдек салқи, тарам-тарам ёрилган лаблари чеккасида кўпик қотиб қолганди. Умуман олганда, у ногирон, адойи тамом бўлган, аянчли бир кимса-ю, лекин жуда бадкор, ҳеч қандай ифлосликдан қайтмайдиган одам. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Ташла паншахани! — бақирди Сошнин ва ушлашга шайланиб Фомин томонга сакради.

Веня Фомин деворга қапишиб, ҳимояланмоқчи бўлиб, паншахани кўтарди. Сошнин уни чалиб йиқитган, қўлидан паншахани тортиб олиб, барча азият чекканлар ҳаққи гарданига бир-икки туширган ва автобусда Починкага олиб келган бўларди. Аммо дарвоза олдида чириган беда аралаш суюқ гўнг ҳамма ёққа ёйилиб ётарди. Сошнин ҳозир оёққа ки-йиш учун бошмоқдан қулайини тополмади, майиб оёғи гўнгга сирпаниб йиқилди ва қўлига суяниб қолди. Ана шунда азалий маҳбуснинг қабиҳ одати — йиқилганни уриш — ўзини намоён қилди. Веня Фомин қисқа ҳаракат билан паншахани ўқталди. Сошнин шу заҳотиёқ кўкракка берилиши керак бўлган зарбага чап берди. Лекин барибир, паншаха мўлжалга тегди. Сошниннинг тиши ғижирлади, паншаха елка остига санчилди. Веня Фомин шоқолга ўхшаб, тишларини ғижирлатиб, паншахани босди ва Сошнинни сарғимтир, ачиган гўнг устига йиқитди.

Куч билан сакраб турган Сошнин паншаха дастасининг синган еридан ушлаб, елкасидан суғуриб олмоқчи бўлди. Бўлмади, аччиқ бир оғриқ вужудини куйдириб юборди.

— Айтдим-ку сенга, яқинлашма деб. Айтдим, яқинлашма... — қўрқиб кетган Веня Фомин бурчакка қисилиб олганича терга ботган юзини, лабларини артарди. Қуриб қолган кўпик майдаланиб, ёрилган лабларидан кепакдай тўкилар, Фоминнинг ўсиб кетган яккам-дуккам соқолига илашиб қоларди.

— Паншахани тортиб олсанг-чи, ифлос! — иложсизликдан бақириб юборди Сошнин.

\* \* \*

Ундан кейин юз берган воқеалар ҳаммаси узоқ-узоқда, қандайдир тўхтаб қолгандай содир бўлди. Веня Фомин осонгина паншахани тортиб олди. Сошниннинг бошини чақмоқ тешиб ўтгандай бўлди. Леонид паншаханинг ифлос, занглаган тишида қон қотиб қолганини кўрди. Чайқалиб кетди, қон оқаётган ярани чангаллади, пешонасини деворга тиради. Девордан шиптир ва кўнгилни айнитадиган озуқа ҳиди келиб турарди. Леонид бир оз нафасини ростлагач, чўнтагидан дастрўмолини олиб, уни ярасига босди. Бир зумда жиққа қон бўлган дастрўмол елкасидан сирпаниб, қорнига тушиб кетди.

— Дастрўмолингни бер! — рақибига қарамай қўл узатди Сошнин. Веня Фомин тутилавериби кулранг тусга кириб қолган латтани узатди.

— Нима қилиб қўйдинг, ифлос! — ингради Сошнин ва кир латтани Фоминнинг йиғлоқи хушомад акс этган башарасига улоқтириб, ташқарига отилди.

Молбоқар аёллар бузоқхонадан анча узоқда, бир-бирларининг кетидан лой кечиб, югуриб бораётган Сошнин ва Фоминни кўриб, Веня уни сўйиб ташлаш учун қувлаб юрибди, деган хаёлга бориб, бор овозда уввос тортдилар. Сошнин эса бузоқхонага қайтиб келиб, кийимларини кийиб, Полевкига қараб югуриши, Маркел Тихоновичдан отни эгарлашни илтимос қилиши лозим эди. Лекин от ўрмондами, ё далада ўтлаб юрибдими, ким билади? Бутун полевкиликлар бақириб-чақириб, отни тутмоқчи, эгарламоқчи бўладилар. Аксига олиб, араванинг бирор ишкали топилади, балчиқ ўртасида ўқдан ғилдирак чиқиб кетади. Ё қишлоқ ўртасида, ёинки чиқаверишда, барибир, лойга ботиб қолишади. Маркел Тихонович қийналиб кетади. Қайнонаси бўлса, ҳар галгидек душманларни лаънатлаб, нутқ ирод эта бошлайди. Светани кўрқитиб юборишади. Ўзлари билан бирга олиб кетишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас...

Дастрўмолингна эмас, ичкийим ҳам елимлашиб, белига тушиб кетди. Нимча қонга тўлиб, сонларигача тушди, чап бошмоғида шилпиллаб қолди. Ярадорнинг лаблари куруқшаб, оғзида темир таъми пайдо бўлди. «Бунчалар тез! Ишим жуда пачава шекилли...»

— Ёрдам берсанг-чи, — зўрға хириллади Сошнин.

Веня Фомин шоша-пиша елкасини тутди. Сошниннинг қўлини ўзининг гарданидан ўтказиб олди. Бу эсипаст ярадорларни жанг майдонидан қандай олиб чиқишларини кинолардами, суратлардами кўрган экан.

— Во-ой, аблаҳ. Яна қўлга тушдим. Яна бошим балога қолди! — нола қиларди у, — пешонамга қамоқдан бўлак нарса битмаган экан. Мен адоий тамом бўлдим энди... — Веня Фоминдан кучсизгина тер оқарди. Чак-чак томаётган тердан чирик беда бўлаклари титрар, булар лабларидан оқиб тушганда Веня ялар ва тупуриб ташлашни унутиб, ютиб юборар, нола-фиғон қилишда давом этарди.

Сошниннинг оёқларидан дармон қуриди, кўз ўнгида чор атроф балиқ пардасидай бўлиб, кулранг тусга кирди. Венядан оқаётган ифлос тер, гўнг ва беданинг ачимсиқ ҳиди, бузоқнингми, одамнингми пешоб ҳиди уни бўғмоқчи бўларди гўё. Веня Фомин ҳар хил гиёҳларни ароқ ўрнида қайнатиб ичиб, буйрагини аллақачон ишдан чиқарган, пешобини тутиб туролмасди.

Ҳидларни ҳатто совуқ шамол ҳам тарқатолмаган, улар Сошнинни тобора маҳкам ўраб олиб, тепасида, вужудида айланар, бечоранинг қургиси келарди.

\* \* \*

Починка медпункти эшигида каттакон, эски қулф осифлиқ эди. Дам олиш куни. Жафо чеккан кишилар бир-бирларини қучоқлаб, ҳансираганларича эшик олдида туришар, қулфга иложсиз нигоҳ ташлашарди. Веня Сошнинни деворга суяб, ўтказиб қўйди. Ўзининг ит ҳиди анқиб турган камзулини устига ёпди.

— Мен ҳозир... ҳозир... ҳозир... Мен у аблаҳни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келаман! Ўша жазмани, ўрмон қоровулининг тагидан тортиб оламан! Қоровул уни тузоққа илинтирмоқчи бўлиб юрибди... Ҳозир...

Ҳеч ким фельдшер аёлга тузоқ қўймаган, унинг ҳам бировга тузоқ қўйгиси йўқ эди. У анча ёшга бориб қолган. Эркин аёл, якшанба кунидан кўнглига сиққанича фойдаланмоқда. Ювиш, тозалаш, саранжомлаш

дегандек. Медпункт ҳам саранжом-саришта, зарур бўлган ҳамма доридармонлар, ҳатто бир шишача спирт ҳам бор. Фельдшер аёлнинг ўзи ҳам тоза-озода, меҳрибон, газетага мақтаб ёзса ҳам бўлаверади. «Тузалиб чиқсам, албатта, газетага мақтаб ёзаман!» — бу ўша куни Леониднинг хаёлидан кечган ҳазилга мойил сўнги фикр эди. Кейинги пайтларда Сошниннинг кўнгли ҳазил-мутойибани, айниқса, ўзининг устидан кулишни тез-тез тусаб турарди.

Аҳволи унчалик ёмон эмаслигига умидвор бўлиб, ваҳимага тушмаслик учун юрагидаги кўрқувни енгил кайфият билан енгиллашган Сошниннинг жароҳатини чаққон ҳаракатлар билан боғлаётган фельдшер аёлнинг ҳазил-мутойибага иштиёқини бир зумда синдирди-қўйди.

— Вой, жароҳатнинг ифлослигини қаранг. Пуфаклаб турибди. Қон кўпириб, тирқираб чиқяпти. Ўпка пардаси зарарланган. Ким сизни бу кўйга солди? Наҳот, сен шундай қилган бўлсанг?! — фельдшер медпункт остонасида аянчли қиёфада, енгилда яшириб чекаётган Веня Фоминга ўқрайди:

— Ҳа, сени онанг қамоқ учун туққан! Ўша ерда ёзлаб, қишлайсан. Сеннинг касб-коринг шу! Хизмат вазифасини ўтаб турган милиционерга, қўл кўтарибсан! Энди кунингни кўрасан! Оладигангни оласан!..

Фельдшер қалтираб турган Сошнинни каравотга ётқизди, устига чойшаб тортиб, аллақачон эскириб қолган ёмғирпўши билан беркитди.

— Нима, у милиционерми?

— Ўзингни гўлликка солма, — деди қаҳр билан фельдшер ярадорни ёш болага ўхшаб аллалар экан.

— Мен қаердан билибман, ахир?

— У Полевки қишлоғилик Чашинларнинг куёви-ку!

— Вой, адо бўлдим, — нола қилди Веня, — Тугожилинода нима қилиб юрибди, бўлмаса? Ўлиб қолади-ку! Мени эса деворга тикка қўйиб отиб ташлашади.

— Сени аллақачон отиб ташлаш керак эди. Ташқарига чиқиб чек, кўтир!

\* \* \*

Хайловск касалхонасидан «Бензин йўқ, боз устига, бугун дам олиш куни. Умуман олганда эса қишлоқ жойларига «Тез ёрдам» юбориш бизнинг вазифамизга кирмайди. Агар керак бўлса, беморни ўз машинангизда олиб келинг», дея жавоб қайтаришди.

Хайловск касалхонасидагилар қишлоқ фельдшери билан пойтахтликларга хос калондимоғлик билан гаплашишарди. Сошнин телефонни ўзига тортиб, туман милиция бўлими бошлиғи Алексей Демидович Ахлюстиннинг уйига кўнғироқ қилди. Бензин топиб бериб, «Тез ёрдам» машинасида уни вилоят касалхонасига етказишга ёрдамлашишни илтимос қилди. Хайловск шифокорлари яқшанба шарафига кўнғилхушлик қилишаётганини, бу вақтичоғликлар балиқ овида ёинки дам олиш уйида ғоят фаоллик билан ўтказилишини Сошнин яхши биларди. Ўзи эса, фельдшернинг авзойига қараганда, душанбагача тирик қолиши даргумон.

— Яра жуда хавфлими, Лёня? — сўради Ахлюстин.

— Афтидан, хавфлига ўхшайди, Алексей Демидович.

— Ҳозир ҳаммани оёққа турғизаман!

\* \* \*

Ахлюстин «Тез ёрдам» машинасида етиб келди ва Веня Фоминни кўрган заҳоти ғазабдан қалтираб:

— Майиб, мубтало! Ифлос, мурдор! Сен нега бу дунёга келдинг, ўзи?! Яхши одамларнинг умрига зомин бўлиш учунми? Эҳ, сен ароқхўрлар,

жиноятчилар! Давлатнинг бошига тушган бало бўлдинглар-ку!

Сошнинни замбилга ётқизиб, машинага жойлаштиришди. Фельдшер унинг устини ўз уйдан олиб келтирган иссиқ адёл билан ёпиб, ёнига ўтирди. Веня Фоминни ҳам шу машинага тиқиштириб, вилоят тергов ҳибсхонасига топширмоқчи бўлишди.

— Гражданин бошлиқ! Гражданин бошлиқ! — машинанинг очиқ эшигига қўлларини тираб ёлвора бошлади Веня Фомин, — йўлда мени бўғиб ўлдиради. Унинг қўлидан келади, ахир, ҳуши ўзида йўқ-ку!..

— Айтдим-ку, бу мараз, деб! Фақатгина ўз жонини ўйлайди, — Ахлюстин Лёняга ўгирилди. — Хайр энди, Лёня, — у оталарча меҳрибонлик билан Сошниннинг кўксини сийпаб қўйди. — Бардам бўл!

Алексей Демидович қарияларга ўхшаб, ўзига ярашмаган ҳаракат билан қўлларини ёйди. Бунинг ноўринлигини фаҳмлаб, одатдаги фалсафий гапларини айтмаслик учун ўгирилди. Ҳозир бунақа гапларнинг мавриди эмасди.

Энди йўлга чиқамиз деб туришганида коржомо кийиб, кўзойнак таққан бир пойгачи тўрт томонга лой сачратиб, мотоциклда етиб келди. Юриб бораётган уловдан сакраб тушиб, ўзини «Тез ёрдам» машинасига урди. Тинимсиз жавраётган бу киши Паша Силакова эди.

— Лёня! Леонид Викентьевич! Нима бўляпти ўзи? Ҳа-а, сенми, мурдор! Эҳ, сен сассиқ! Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман! — Паша Веня Фоминга ташланди. Бадкорни лойга йиқитди ва устига миниб олиб, дўппослай бошлади.

Алексей Демидович Веня Фоминни зўрға ажратиб олди. Лойга булғанган бадкорни қишлоқ кенгаши биноси томонга судраб кетар экан, қўл силтади: — Кетаверинглар!

Паша Силакова эса уларни таъқиб қилишда давом этиб, каттакон этиклар билан Венянинг ортига боплаб тепарди. Этикданми, бадкорнинг ортиданми лой парчалари атрофга учар, Веня эса дадасининг калтагидан қочмоқчи бўлган болакайга ўхшаб, думбасини қўллари билан бекитишга ҳаракат қиларди.

— Ҳайдасанг-чи, ахир! — инқиллади Леонид.

Веня Фоминни тепкилаб бораётган Паша Силакова ва ўзининг «ҳайдасанг-чи, ахир», деган чинқириғи — Леонид ўнгида кўрган, эшитган нарсалар шу бўлди. У ҳушидан кетди.

Куз ёмғирлари ювган, ўнқир-чўнқир, кимсасиз йўлда машина қаттиқ чайқаларди. Ярадор ҳушидан кетди. Кўз ўнгида эса абжағи чиққан каламуш кўриनावерди. Вейсқда навбатчилик пайтида у шаҳар марказида жойлашган, одам кам бўладиган сомсахонага тез-тез бориб турарди. Бу ерда каттакон дока қалпоқ кийиб олган, юзлари қирмизи, қувноқ қизлар ишлашарди. Улар Сошнин учун мойни сира аяшмас, сомсани товада худди Лина холадек қип-қизартириб пишириб беришарди.

Кунларнинг бирида милиционерлар навбатчи машинада ўша сокин, ям-яшил кўчадан кетиб боришарди. Бирдан уларнинг кўзлари эски, чирий бошлаган уйдан чиқиб, кўчани кесиб ўтиб, сомсахонага қараб бораётган мўйловдор катта каламушга тушиб қолди. Ҳайдовчи тезликни оширди. Каламуш жон аччиғида чийиллади. Асфальтда бир парча тери қолди, холос. Шаҳар санитарлари — қарғалар ўлакساني пок-покиза туширишди. Ўшандан бери Сошнин сомсахонага қадам босмай қўйди. Ўша жойни эслади дегунча, кўз ўнгида қорни қаппайган каламуш пайдо бўлар, кўнгли айнирди.

Починка йўлида қайт қила-қила шунчалар қийналдики, оқибатда юраги безовта бўла бошлади. Қийноқнинг зўридан силқиб қон оқарди. Ярадор йўлда бўйнигача сарғиш, ифлос суюқликка ботиб қолди. У қандайдир

ғайриинсоний кучаниш билан бошини кўтарар, катта очилган оғзи бадбўй суюқликка тўлишига йўл қўймас, лекин кўз ўнгида қотиб қолган каламушдан сира халос бўлолмасди. Каламуш ҳамон унинг ортидан чийиллар, айниқса, бурилишларда бу товуш кучаяр, ҳўл, яланғоч каламушчалар туғилаверарди.

Асфальт йўлга чиқишгач, каламушнинг товуши ўчди. Лекин Леониднинг боши танасидан жудо бўлди, машина даранглаб, у бурчақдан-бу бурчақка думалай бошлади. Мана, боши ҳам ғилдираклар остида ғарчиллади, лекин чийиллаган товуш чикмай, тарам-тарам ёрилган асфальтда кўзлари очиқ қолди. Йўл ёқасидаги дарахтлар учида ўтирган қора қарғалар бутоқлар билан тумшуқларини тозалаб, асфальтда қолган бошни чўқишга ҳозирланишарди. Улар Леонидга болалиқдан жуда яхши таниш бўлган кўзлардан, шимол русларининг кулранг-кўкимтир кўзларидан ея бошлайдилар.

— Бошимни!.. Менинг бошимни унутибсизлар! Бош-ши-им! Бошимни олинглар ердан!

У қаттиқ қичқирди, буни ҳатто қарғалар ҳам эшитишди. Улар қўрққанларидан учиб кетишади ва бошига тегишмайди, деб ўйлади. Аслида эса у қип-қизил гўшти чиқиб қолган лабларини зўрға қимирлатганди, холос. Лабларига нимадир тегди, оғзини куйдириб, бурун катаklarини ёндириб, боши туриши лозим бўлган жойга урилди ва жуда қисқа вақт бўлсада, нафасини ростлади. Тириклигини, боши ўрнида эканини пайқади.

Лекин яна боши ўрнида милиция ёниб-ўчувчи чироғининг нури липиллаб қолди. Бироқ бу нур кўк ҳам, қизил ҳам эмас, негадир сарғиш, гўнг рангида эди. У яна бошини кўтарар, суюқлик оғзи, бурнини тўлдиришига йўл қўймас, лекин сариқ оқим секинлик билан шафқатсизларча бостириб келаверарди. Леониднинг оғзи тўлиб кетган, томоғи бўғилар, ҳаво етмагандан томирлари тортишиб, уни ғужанак қилар, пайларини бурдаларди. Енгилгина гавдаси билан Сошнинни босиб турган қишлоқ фельдшери ярадор тананинг талвасасига бас келолмас, кўз ёшларини шашқатор қилиб ёлворар, илтимос қилар ва қичқирарди:

— Жонгинам... Азизим... Типирчилама! Типирчиламасанг-чи! Тинчлан! Қон кўп оқяпти! Азизим... Жонгинам... Тезда шаҳарга етамиз. Яқин қолди. Жонгинам.. Тезда шаҳарга етамиз. Яқин қолди. Қара, сен қанақа кучлисан! Албатта, тирик қоласан! Сен яшайсан...

## Еттинчи боб

Леонид жарроҳлик амалиётидан сўнг бир кеча-кундуз ўтгач, ўзига келди. Уни ўша, оёғи синганда даволанган жарроҳлик хонасида, ўша, ҳеч ким ўрнини боса олмайдиган Гриша Петерягин ямаб-ясади. Фақат Гриша Петерягиннинг энди бир тўда ёрдамчилари бор эди.

Леонид дераза ёнидаги ўша каравотда ётарди. У дераза ортида қари теракнинг қуриб қолган шохи борлигини биларди. Ўраб-чирмалган, атрофи шиша идишчалар билан тўлдириб ташланган Сошнин ўша таниш терак, ўша суяқдек мўрт танани кўриш учун кўзғалгиси келар, лекин бунинг иложини қилолмасди. Юзига тегиб турган қўллар ва баъзи-баъзида оғзини ёпиб қўядиган сочлар ҳидидан, кўз ўнгида титраб турган туманли нур қўйнидан Леркани таниди. У Леонидга қошиқчада сув ичирди. Узоқдан «бемор кўзини очди» деган товуш қўлоғига чалинди. Ҳақиқатан ҳам кўз очгани, оча олишини ўз-ўзига исботлаш учун Леонид жуда кўп куч сарфлади. Вужудидаги жами кучни бир ерга тўплади. Зўр бериб, фикрини йиғиб олди-да, дераза ортидаги теракни, ёлғизгина қуруқ танани нигоҳи билан қидириб топди. Куз шамоли куни битган танадаги пўстлоқнинг



қолган-қутганини учирмоқчи бўлар, лекин юқорироқда сўлиб, музлаган, ерга тушиб улгурмаган япроқлар ҳамон шитирлаб турарди. Миттигина қушча қишда жон сақлаш учун пўстлоқ ва барглар орасига беркинган қумурсқаларни топиш учун танани, бутоқларни кавлаштирар, баргларни тўқар, музлаган оғир барг узилгач, ҳавода учиб юрмай, жониворни кўрқитиб юборадиган овоз чиқариб, пастга тушиб кетарди. Қушча «пирр» этиб учиб, ўткир кўзлари билан баргни кузатишдан тўхтамас, сўнгра хотиржамланиб, яна ўз иши билан машғул бўларди.

«Бир умр ана шундай ҳаёт кечиради, озиқ излайди, ташвиш, таҳлика тортади, баҳорни орзиқиб кутади. Қандай яхши! Қандай гўзал!..»

Инсон нигоҳини сезган қушча ишни тўхтатди, ноз билан бошчасини, болаларникига ўхшаган шишинқираган, нимранг қовоғини солинтириб, ойна ортидан унга нигоҳ ташлади. Бу нимжон киши ўзига ҳеч қандай зиён етказа олмаслигини англагач, шу заҳотиёқ хотиржамланиб, машғулотини давом эттирди.

— Қу... қу... қуш-ча! — деди Леонид зўрға шивирлаб ва тирик жонзотни кўраётгани, у ҳам ўзига боқаятганини англаб, йиғлаб юборди.

\* \* \*

Яна бир кеча-кундуздан кейин у кўзларини очмай сўради:

— Қаердаман?

— Ўша, ўша жойдасан. Ғоя ҳам ўша-ўша. Қабоҳатни йўқотиб, яхшилиқ тантанаси учун курашиш керак. — Қулоқлари битиб қолган, Лерканинг овози узоқ-узоқлардан эшитиларди.

У кўзларини пирпиратиб, атрофга назар ташлади. Леркадан унга қараб қалин симлар тортилганди. Демак, улар бир умрга мустаҳкам боғланишган.

Унинг ҳазиллашгиси, уй-рўзғор, оила хусусида валақлашгиси келарди. Ҳозир бу энг кулгили мавзулардан ҳисобланади. Ялтироқ найчалардан қандайдир нурли бир суюқлик оқар, пуфакчалар ҳосил қилар, симлар эса марҳум жасаидан тортиб олинган томирларга ўхшаб, кўрқинчли кўринарди. Лекин шиша найчалардаги зўлдирчалар баҳорда оқ қайин танасидан оқаятган шарбатга ўхшаб, қувноқлик ва шошқалоқлик билан думалашарди. Фақат, афсус, ҳеч қандай товуш эшитилмасди. Лекин барибир яхши. Ўзи шундоқ яхши, вассалом! Нимадир қимирлаб, шошилиб, тетикланиб турибди.

Бу нима деган гап ўзи? Оёғини тикиб қўйишгандан бери у бу ердан кетмаганмиди, нима бало? Ёинки уни яна майиб қилиб қўйишдимиди?

— Э- э-ҳа, Тугожилино. Бузоқхона. Аёллар. Веня Фомин... «Бу қандай бедодлик? Нуқул дўппослашади, майиб қилишгани-қилишган... Қачон бунга чек қўйилади ўзи? Бунинг адоғи борми?»

Леониднинг ўзига раҳми келиб кетди. Яна кўзларига ёш қалқиди. Обидийда қилгиси келди. У ўгирилмоқчи эди, бўлмади. Симбанд қилинган, боз устига, мадори ҳам йўқ. Лерка икки кеча ухламаганди. Эрининг ёноғида ёш кўриб, юзларини қўли билан бекитди. Лекин кўзёшлари бармоқлари орасидан сизиб чиқди.

— Сен, қарчиғай, бир кун эмас, бир кун бу азиз бошингни тупроққа кўясан, — Лерка қойиллатиб, маромига етказиб сўкинарди.

Леонид жон қулоғи билан эшитишга тайёр эди. Умуман, у ҳозир ҳаммага, ҳамма нарсага қулоқ тутишга, тинглашга рози эди. Бу шундай бир бахтки!

— Қишлоқда Тангрининг ҳам, бошлиқлару одамларнинг ҳам ёдидан чиқиб кетган пастқам бир гўшада жиноятчини қўлга олибдилар! Бизда қаҳрамонлик учун ҳамма ерда ўрин бор, демоқчи бўласиз-да? Жон тас-

лим қилишинга озгина қолибди-ку!

Леонид қўлини зўрға кўтариб, Лерканинг тиззасига қўйди. Хотинининг тиззаларини дуркунгина, дум-думалоқ, қуёш нури тушиб турган ҳолатда тасаввур этди. Қачонлардир, қай вақт, қайсидир асрда, ётоқхонада шундай ҳолат юз берганди. У тимирскиланиб, хотинининг бармоқларини топиб, сиқмоқчи бўлди:

— Ўша пастқам бир гўшада сен тентакни...

— Учратиб қолдим, — қўшиб қўйди Лерка.

— Худди шундай!

— Хўш, кейин-чи, кейин нима? Мен сизни учратдим ва ўтмиш хотиралари пажмурда қалбимда жонланди яна. Шундайми?

— Худди шундай, жонланди яна!

— Офарин, қойил қилдинг! Қаттиққўл тезкор ходимнинг кўнгиллари меҳрибонлик, ноз-финоқ тусаб қопти-да. Лирик туйғулар кўзиб кетибди-да. — Лерка дераза томон ўгирилди. Унинг кўзлари ёшга тўла эди.

— Ҳақиқатан ҳам, бу ерда қушча бор экан! — ҳайратланди у. — Кўзинг жуда ўткир, қарчиғай! Ўлгудай синчковсан! Шу сифатларинг қаторида озгина ақлинг ҳам бўлгандами, ажойиб эр, ажойиб эркак бўлардинг-да!

— Ҳалиям, мен жуда ақллиман. Ақлим кўплигидан ўзимни жуда ноқулай сезаман. Ақлим жуда узун, сочим қисқа.

— Кўп сафсата сотаверма! Ақли расоларни занглаган паншаха билан тешиб ташлашмайди. Ақллилар, боз устига, ёзувчиларни тўппончада отишади.

— Милиция кийимида бўлганимда бунчаликка бормасди. У мени зиёли саёқлардан деб ўйлади... — Сошнин чуқур нафас олди, шошиладиган жойи йўқ. Унинг жудаям валақлашгиси келар, хотини билан анчадан бери чақчақлашмаган эди. — Зиёлиларинг ким бўлишибди?! Уларни чавақлаш, сочини қирқиш керак...

— Сен бунчалик кўп ҳазиллашинг мумкин эмас. Ҳазиллашиш учун ақл, куч сарф бўлади. Сенда эса унисиям, бунисиям йўқ...

— Қорним оч, овқат егим келяпти, хотинвой!

— О-о! Мана бу бошқа гап!

У бу гап ҳам бир амаллаб тирик қолди. Ёноқлари қирмизи, эндигина тўлиша бошлаган ошпаз қиз учинчими, тўртинчими куни «ўз қариндоши»ни кўргани келди. Сошнингга ўша қизнинг қонидан қуйишганди.

Қиз сал нариророқда туриб омонлашди:

— Салом, хўш, саломатлигингиз қандай, ўртоқ лейтенант?

Яна йиғлаб юбормаслик учун Сошнин ҳаддан ташқари кўп куч сарфлаб, ўзини қўлга олди. Қизни ёнига имлади:

— Бу ёққа келинг. Менга яқинроқ келинг! — Сошниннинг юраги жойидан узилиб кетгандай бўлди. Ана шуларни деб «ўтга ҳам, сувга ҳам кирсанг бўлади!» Соғлиғим яхши. Яхши бўляпти, — у ошпаз қизнинг сирка буриштирган, томирлари кўриниб турган, пиёз ҳамда Лина ва Граня хола-ларнинг қадрдон ҳиди келиб турган қўлини олиб ўпди. Сўнгра куч тўплаб, қизнинг шамол таъсирида сал ёрилган, қирмизранг таранг ёноғидан ҳам ўпди. Бу қилиғи билан уни беҳад уялтириб қўйди. Қизни ноқулай аҳволдан қутқазиш учун кўз ёши тўкиб, жилмайиб турган Леркага ишора қилди:

— Мана бу менинг хотиним! Унинг онгида заррача ўтмиш сарқити йўқ. Рашк нималигини билмайди. Замонавий аёл-да...

Леонид бир ярим ой касалхонада ётди. Яна бир ой уйда ўтирди. Сўнгра уни ногиронликка чиқаришди. Бир йил муддатга. Хўш, ундан кейин-чи? Албатта, шаҳар милиция бўлими улкан даргоҳ. Вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам ҳар хил бўлинмалар талайгина. Қайсидир гўшадан унга қарилик нафақасини кутиб ётиш учун тинчгина иш топиб беришади.

Лекин бунақа ишнинг унга кераги йўқ.

— Фронтда разведкачилик қилган киши, — дея ҳикоя қиларди Лавря-казак, — бошқа қисмга сира кўниқолмайди. Жиноят қидирув бўлимида ишлаётганлар ҳам худди шундай: бир жойда ўтириб, тинчгина ишлашни ёқтиришмайди.

\* \* \*

Веня Фомин устидан бўладиган очиқ судни Тугожилино қишлоғида ўтказмоқчи бўлишди. Анчадан бери бекор ётган қишлоқ клубини очишди. Лекин клуб шу қадар совуқ, печлари шу қадар ночор аҳволда эдики, судни марказий кўрғон — Починка қишлоқ кенгашига кўчиришга қарор қилишди. Маданият уйи ёпиқ. Ёздан буён таъмирлай бошлаган карпатлик ёлланма қурувчилар ишни жуда чўзиб юборишганди.

Судланувчини у ёқдан-бу ёққа олиб юришар экан, у тоза энгил-бош кийиб, қорнини тўйғазди, бинойидай отиб олишга ҳам улгурди. Дўсти Арина Тимофеевна Тариничева унинг ҳамма гуноҳларини кечирган, «севгилиси» яқинида бўлишга интилар, ҳеч кимга билдирмай, чўнтагига ҳали сигарет, ҳали гугурт, қоғозлари кир-чир конфетларни солиб кўярди.

Судга жуда кўп одам тўпланди. Атроф қишлоқлардан янги кийимларни кийиб, велосипед, мотоцикл минган кишилар келаверишди. Гармонь овози янгради. Ароқхўрлар пайдо бўлишди. Деярли бўшаб қолган қишлоқчаларда зерикарли, бир маромда кун кечираётган кишилар тўпланиб, чақчақлашиш, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашга баҳона топилганидан хурсанд эдилар. Шунча тўс-тўполонга ўзи сабабчи бўлганлигини сезган судланувчи қаддини ғоз тутиб юрар, қўллари билан турли имо-ишоралар қилиб, аёлларга гап сотарди. У пайт топиб, жабрланувчининг олдига келди. Ярадор елкасига шапатилаб, соғлиғини суриштирди. Веня Сошниннинг бир ўлимдан қолганини, нафақага чиққанини Аринадан эшитганди. Шу боис чаккасини қашлаб, хиринглаб кўйди: Сошнин унга паншаха санча қолса бўлар экан. Ана унда ўртоқ Фомин нафақа олиб, маза қилиб ётар, у бўлса, жиноятчиларни тутиш билан овора бўлиб юраверарди.

— Умуман, мени кечирасан! — жиддий тортиб хулоса қилди Веня Фомин, — шу ерлик эканлигини билмабман. Маҳаллий эркакларни мен жуда қадрлайман. Улар жуда оз қолишган.

Суд давомида Веня ўзининг маҳмаданалигини кўрсатди. У жараён бутун қонун-қоидаларга мос олиб борилишини эътибор билан кузатар, судья, маслаҳатчилар, қораловчи ва оқловчи бирор қонунни бузишса, уларнинг хатосини тузатиб кўярди. Веня Фомин мураккаб судлов ишини тажрибада яхши ўзлаштириб олганлигини англаган халқ унга ҳурмат билан қулоқ тутарди. Шундай мураккаб фанни ўзлаштирибдими, демек, унинг калласи жойида, — дейишарди аёллар, — фақат шундай ақлли бош аҳмоқ одамга насиб қилган экан.

Суд аizza-базза, жуда узоқ давом этди. Гувоҳ аёлларнинг айримлари бефаросатликдан, айримлари Арина Тариничева илтимосига кўра кўрсатмаларни чалкаштириб юборишарди. Бирдан «Веняни нари борса, уч йилга кесишади. Кимё заводига ишга жўнатишади. Чунки, ҳамма жойда ҳам ишчи етишмайди», деган шивир-шивирлар юриб қолди.

Лекин Сошнин уни узоқ муддатга қамашларини биларди. У учинчи маротаба судланяпти. Боз устига, бир-биридан қаттиқ моддалар билан айбланяпти. Ҳақиқатан ҳам, судланувчини 10 йилга қаттиқ режимли қамоқ жазосига ҳукм этишди. Унинг кайфи дарҳол тарқади, бурнини енги билан артиб кўйди, елкалари титрай бошлади. Аёллар уввос солишди. Судланувчига сўнги сўз берилганида, у секин қўл силтаб кўйди. Ари-

на Тариничева соқчини итариб юбориб, хўнграганча Веня Фоминнинг бўйнига осилди. Бу ерлик бўлмаган бир барзанги маст-аласт гўнғилларди: «Н-но-тўғ-ри-и имтиҳон! Ўн йил, нима учун? Бир изқувар тозини яралагани учунми? Улар жуда кўп, ҳаммамизга етиб ортади. Но-тўғ-ри имтиҳон! Мен бир неча маротаба маҳбус бўлганман. Бунақа иш учун қанчага қамаш кераклигини биламан. Шикоят ёз, дўстим...»

Леонид димиқиб кетган қишлоқ кенгаши биносидан чиқиб, дарё қирғоғидаги қарағайзорга борди. Ўша ердан Веня Фоминни қандай олиб кетишганини кўриб турди. Раҳмдил аёллар Веня соқчи олдига тушиб кетаётганига қарамай, томоғини яна хўллаб олишига имкон яратишга улгуришган, бадкор йиғидан қизарган, ювошгина Арина Тариничевани кучоқлаб олганди.

— Мени кутгил ва мен қайтарман, ҳамма ажиналарни қолдириб доғда! — суяқдор мушти билан пўписа қилиб, қишлоқ бошлиқлари томон бақирарди Веня Фомин, — ҳаммангиз кутинг. Мен шох синдириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Мен сизларни озодликнинг қадрига етишга ўргатаман...

\* \* \*

Леонид Паша Силакованинг уйида овқатланди-да, қайнона-қайнотасиникига бормай, Хайловска кетди. У ердан деярли бўм-бўш, мудроқ электричкада уйига жўнади. У вагон деразасидан сокин далалар, қишлоқлар, кичик бекатлар, йўл чеккасидаги уйчалар, ботқоқлардаги яккам-дуккам дарахтлар, яланғоч, олачипор қайинларни томоша қилар, чуқур ва беадад ғам оғушига ғарқ бўлганди. Йўқ, унинг Веня Фоминга раҳми келмас, шу билан бирга тантана ҳам қилмас, кўнглида бадхоҳлик йўқ эди. Узоқ йиллар милицияда ишлагани учун қалбида жиноятчиларга нисбатан меҳр-шафқат қолмаган эди. Ҳали ҳеч ким охиригача тушуниб етмаган, тушуниши сира мумкин бўлмаган бу самовий «русларга хос меҳр-шафқат» ҳисси азал-азалдан асрлар оша рус кишиси вужудида ҳамдарадлик, эзуликка интилиш туйғуларини аллалаб келади. Лекин худди шу вужудда дардманд кўнглининг қайсидир қоронғу бурчагида жуда тез кўзғаладиган, бирданига аланга олиб кетадиган, турли қиёфага кира оладиган ёмонлик, қабоҳат яшириниб ётади.

... Яқинда хунар-техника билим юртини тамомлаган ёшгина бир йигит ичиб олиб, зиғир комбинатининг аёллар ётоқхонасига кирмоқчи бўлди. У ерда меҳмонда бўлган жазманлар она сути оғзидан кетмаган болакайни ётоқхонага йўлатишмади. Муштлашиш бошланиб кетди. Йигитчанинг башарасини пачоқлаб, уйига «алла» қилишга жўнатиб юборишди. У эса аламда йўлида учраган биринчи кишини ўлдириб ташлашга қарор қилди. Биринчи учраган киши эса ёшгина соҳибжамол аёл бўлиб чиқди. Аёл иккиқат, бўйида олти ойлик боласи бор эди. У Москвада дорилфунунни муваффақиятли тугаллаётган, таътилда Вейска эрини кўргани келганди. Хунар-техника билим юрти битирувчиси уни темирйўл нишаблигига ирғитди-да, тош билан зўр бериб бояқишнинг бошини ёра бошлади. Ҳали нишабликка қулаётганидаёқ аёл ўзининг ўлимга маҳкум эканлигини англади ва ортидан сакраган йигитга илтимос қила бошлади:

— Мени ўлдирманг. Ҳали жуда ёшман, яқинда фарзанд кўраман, — бу гаплар қотилни баттар қутуртириб юборди.

Шоввоз турмадан биттагина хат йўллади. У ҳам бўлса, овқатнинг ёмонлигидан нолиб вилоят прокуратурасига ёзилган шикоят эди. Суддаги сўнги сўзида у шундай ёздилар:

— Мен, барибир, кимнидир ўлдирган бўлардим. Нима, шундай яхши аёл учраб қолганига мен айбдорманми?

Ёш-у, ғўр эмас, ёшлари ўттиздан ошиб қолган, китобсевар эр-хотиннинг уч фарзандлари бор эди. Улар болаларни яхши боқишмас, хабар олишмасди. Устига-устак, тўртинчи бола туғилиб қолди. Эр-хотин бир-бирларини жуда қаттиқ севишарди. Уч бола жондан безор қилиб турганида тўртинчисига бало борми? Улар чақалоқни ёлғиз қолдирадиган одат чиқаришди. Ўғилча эса дуркунгина, жони қаттиқ, туну кун чинқиргани-чинқирган. Бора-бора чинқирмай қўйди. У пишиллар, ҳиқилларди, холос. Қўшни аёл тоқат қилолмади, гўдакни бўтқа билан тўйғазмоқчи бўлиб, деразадан уйга кирди. Лекин бўтқанинг энди кераги йўқ. Чақалоқни қуртлар еб бўлаёзган эди. Боланинг ота-онаси аллақандай қоронғи чорбоғда эмас, Ф.М.Достоевский номидаги вилоят кутубхонасининг ўқиш залига бекиниб олишганди. Ўша энг буюк инсонпарвар Достоевский эса инқилоб туфайли ҳатто биттагина бола ҳам азият чекадиган бўлса, мен бунақа инқилобни тан олмайман, дея бутун дунёга овоза қилган, жар солган эди...

... Яна бир эр-хотин жанжаллашиб қолишди. Она эрининг дастидан қочиб кетди. Ота ҳам уйдан чиқиб кетиб, тараллабедод ароқхўрлик қилиб юраверди. Ҳар қанча кўнгилхушлик қилса, ароқ бўғзига тикилиб ўлса ҳам майли эди, лаънати. Фақат, уйда ҳали уч ёшга ҳам тўлмаган бола қолиб кетгани ҳеч кимнинг ёдида йўқ экан. Бир ҳафтадан сўнг эшикни бузиб киришса, ҳатто пол тирқишларидаги лойни, ўрмалаб юрган қумурсқаларни туриб ейишни ўрганган болагинага кўзлари тушди.

Болалар уйда дистрофия, рахит ва ақлий заифликни енгиб, ўғилчани омон сақлаб қолишди. Лекин у ўрганиб қолган бир қилиқни йўқотишнинг сира иложи бўлмапти. Бояқиш ҳамон ниманидир ушлаб олмоқчи бўлади.

Ҳар қанақасига кун кечириш мумкин: яхши ва ёмон, келишиб ва келишмай, тўғри ва нотўғри. Леониднинг доимий шериги Федя Лебеда жуда тўғри ҳаёт кечиради. Шу боис у ярадор бўлиш у ёқда турсин, ҳатто, бирор ери хаста бўлгани ҳам йўқ. Шаҳар яқинида унинг қарийб уч қаватли нақшинкор дала ҳовлиси, ҳатто, ўша вилоят ички ишлар бошқармасидаги сингари қимматбаҳо, лекин дидсизлик билан безатилган кошнлари бўлган камини ҳам бор. Лебеданинг дала ҳовлисида мусиқали ёзувлар жуда кўп, рангли телевизор, «Запорожец» бўлса-да, ҳар қалай, ўз машинасига ҳам эга. Булар ўғрилиқ, юлғичлик билан эмас, балки милиция ходимининг камтаргина маошига сотиб олинган. «Яшай билиш, яшай олиш керак!» — дейди Федянинг «Шимор» ресторанида ходима бўлиб ишлайдиган хотини Тамара. Санъатга ихлосмандлиги ва Маяковский асарларини ўқишни яхши кўрганлигидан, эҳтимол, Полевки қишлоғидаги «орқа тоғ»лари мустаҳкамлигидандир, Лерка Тамаранинг бу шиориға эътибор қилмасди. Балки, бутунлай эътибор бермасди, деб ҳам бўлмас, ҳарқалай, Сошнин бундан уч йил бурун Хайловскдан қадрдон шахри Вейск-ка қайтаётиб, электричкада учратган бечора аёл сингари бу масалани биринчи ўринга қўймасди, холос.

Леониднинг рўпарасида ўтирган ўша афтодаҳол аёл бошини вагон деворига тираганича, йўл бўйи йиғлади. Аввалига у кўз ёшларини дастрўмолчаси билан артиб турди. Дастрўмол жиққа ҳўл бўлгач, дуррачасини қаровсизликдан жундай пахмоқ бўлиб қолган оқ сочли бошидан тортиб тушириб, ёшларини арта бошлади.

— Мени кечирасиз, — деди аёл Сошнин ўзига қараб турганини сезгач, сўнгра сочларини, у ер-бу ерини тузатган бўлиб, қўшиб қўйди:

— Эримнинг умрини хазон қилдим. Шундай яхши одамнинг ҳаётига зомин бўлдим...

Аёл яна кўз ёшларга ғарқ бўлди. Лекин у кўнглини бўшатгиси келарди. Умуман олганда, жуда оддий бир воқеа тарихини сўзлаб берди. Бу воқеа шунчалар оддий эдики, уни жудаям оддий, деб додласанг ҳам, ҳайқирсанг



ҳам камлик қилади.

Бир эр-хотин одмигина ҳаёт кечирардилар. Улар камтарин хизматчилар бўлиб, маошлари ҳам, имкону иқтидорлари ҳам ҳаминқадар эди. Эр-хотин кўп ишлашар, бир-бирларини севишарди. Болалар — ўғил ва қизлари туғилмасидан илгари кинотеатрга боришар, дам олиш кунлари дарёда чўмилишар, қишда эса чанғида сайр этишарди. Жуда унчалик кўп бўлмаса-да, у-бу ўқиб туришар, телевизор кўришар, хоккей ишқибозлари ҳам эдилар. Улар жуда бахтиёр эдилар. Болалар катта бўлишмоқда, иш, ташвишлар билан кунлар ўтиб борарди. Лекин вақти келиб, аёл ҳовлилардаги машиналар, шаҳар чеккасидаги дала ҳовлилар, дўстлари, танишлари уйдаги гилам, биллур идишлар, магнитофон, чиройли кийим-кечак ва мебелларга ҳавас билан қарай бошлади...

У ҳам шунақа буюмларга эга бўлгиси келиб қолди. Эрини бошқа, сердаромадроқ, ёғлироқ ишга ўтишга ундашга тушди. Эр қайсарлик қилиб туриб олди. Хотин эса уни: «Сендан ажраламан, болаларимнинг дийдорини кўролмайсан», дея кўрқитди. Эр сердаромадроқ ишга ўтди ва кунларнинг бирида маошидан ташқари, ҳатто, рангли телевизорга етадиган пул олиб келди! Иккинчи марта бутун бошли гиламга етадиган пул олиб келди. Учинчи марта... эса уйга қайтиб келолмади. Энди уни беш йил кутишга тўғри келади.

Мана энди ўша аёл қамоқхонага эри билан биринчи учрашувга борибди. «Қара, жиноятчи эрингни яхшилаб кўриб ол! Томоша қил! Сен шундай бўлишини истаган эдинг!» — деди эрим. Мен бўлсам, тиз чўкиб, унинг қўлларини, оёқларини ўпяпман, у эса менга тескари қараб, ҳеч нимани кўришни, эшитишни истамайди. Ийғламайди ҳам. Олиб борган нарсаларимни ҳам олмади. Ҳеч бўлмаса, бир йил кўзига кўринмаслигимни буюрди. Энг охирида: «Болаларга раҳмим келади», — деди, холос...

Ҳа, ҳаёт жуда ранг-баранг, ҳар ким ҳар хил яшайди. Яқиндагина, Сошнин нафақага чиққандан сўнг, янги тумандаги янги омонат кассасида кечаси сигнализация ишга тушиб қолди.

Жиноят қидирув бўлимидан давлат автомобиль инспекциясига, сўнгра соқчилик хизматига ўтиб олган Федя Лебеда Вейск махсус мактабини яқиндагина тугаллаган ёшгина ходим билан сигнал бўлган ерга жўнади. Федя Лебедада қурол бор эди. Лекин шундай бўлса-да, касса ёнига ёш, қуролсиз ходим борди. Келиб қарашса, қандайдир бир киши эшикка тимирскиланяпти. Ёш ходим рисоладагидек қилиб: «Гражданин, ҳужжатингизни кўрсатинг», — деди.

«Ҳо-ози-ир», — деди нотаниш кимса ва қўлини қўлтиғига тиқиб, тўппончани чиқарди-да, кетма-кет учта ўқ билан милиционерни ер тишлатди.

Федя Лебеда эса тирик қолди, соғ-саломат юрибди. Тушунтириш хатларида шундай изоҳ беради: «Жой унчалик хавфли эмас-у, миясиз, шалоқ бир кишида қурол бўлишини ким билибди дейсиз?» Федя Лебеда капитан эди. Катта лейтенантликка туширишди. Ҳозир эса бўлимда навбатчилик қиляпти. Уни тинчгина соқчиликдан бесаранжом ишга ўтказишди. Лекин бу ерда ҳам у «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида ишлайверади... Қарабсизки, майор ёки полковник унвонига сазовор бўлгунча хизмат қилади. Ёшгина ходим эса «марҳум» деган абадий унвонга сазовор бўлди. Чунки, Федя Лебеда кўнглида яширинча ўйлашича, унинг ўзи аҳмоқ эди. Сошнин Федяга ўхшаган номураккаб кишиларнинг фикру хаёли, ишлари, ҳаётда тутган йўли тўғрилигига бўлган комил ишончини олдиндан кўра биларди. Яхшиямки, Федя урушдан кейинги йилларда туғилган. У фронтга тушиб қолса борми, қанчадан-қанча ёш йигитларни ўз ўрнида ўққа дучор қилган бўларди.

«Ҳаёт манзараси мана шунақа!» — Леонид фикрларини Алексей Демидович Ахлюстин сўзлари билан якунлади. «Се-ля-ви — назарий таҳлил қилиш жуда мушкул», — вайсайди билағон Сираквасова. «Эҳ, ҳаёти қўтир, кучоқлашга одам йўқдир!» — уф тортади Лавря-казак. «Бу ҳаётнинг ўзи шунақа, балиқ овига ўхшаб кетади. Баъзан илинади, баъзан илинмайди...» Сирасини айтганда, Паша тоғанинг фалсафаси ҳаётга, воқеликка энг яқин, содда, тушунарли.

Биргина умрида юз йигирма йил қамоқ жазосини олиб улгурган, Худоба сиғинишни, жуда қаттиқ тартибли қадрдон қамоқхонаси кечки мактабида савод чиқаришни бошлаб юборган махбус, бепоён кенгликларда, худди йигитлардек мотоцикл учириб юрган Паша Силакова, «кайфияти бузилмасин», деб судга келмаган қайнотаси Маркел Тихонович, Починкага ясан-тусан қилиб борган, бутун афт-ангори, кўриниши билан «ҳақиқатан судлаш керак бўлган кишини топмабсизлар, судларингиз ҳам ўзига яраша», демоқчи бўлаётган қайнонаси, суднинг ўзини қандайдир кўнгилочар томоша сифатида қабул қилаётган кишилар — буларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳаёт деб аталади. Бу ўша-ўша, «ё илинадиган, ё илинмайдиган», қувноқ, бетакаллуф, ақл бовар қилмайдиган даражада шафқатсиз ҳаёт. Вагон ойнасидан «лип-лип» ўтиб турган қишлоқчалар, ўрмону ботқоқликлар, йўл чеккасида ҳатто электрчакани қошига ҳам тайёр турган ит сингари жуда мураккаб ва оддий ҳаётнинг ўзгинаси.

Суд тинкасини қуритган, йўл ва ичкилик чарчоғи элитган Веня Фомин эса турма машинаси панжараси ортида маза қилиб ухлаб ётибди. У ҳеч нимани ўйламайди ҳам. Бахтиқаро болаларнинг ота-оналари, ёшгина онанинг умрига зомин бўлган ҳунар-техника билим юрти талабаси, ўз умридан ҳам узоқ қамоқ жазосини олган, қочмоқчи бўлганда кўлидан ўқ еган, художўйликка муккасидан кетган ўша машҳур махбус — буларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳаёт ҳақиқати, воқелик, ўртоқ Сошнин. Қўлингдан келса, таҳлил қил, ҳаёт ҳақиқатини англаб етиш даражасига кўтарил. Бўлмаса, болта ушлашни билмай туриб, дурадгорликни даъво қилишга не ҳожат?

Заминдаги жамики мавжудот борлиғи — ҳақиқат. Ер, осмон, ўрмон, сув, қувонч, ғам-алам, кўз ёшлари, кулги, оёқларнинг тўғри-эгрелигидан қатъи назар, сенинг ўзинг, фарзандларинг — буларнинг ҳаммаси — Ҳақиқат. Ҳақиқат — инсоннинг энг табиий ҳолатидир. Қичқирган, нола чеккан, йиғлаган билан йўқотиб, адо этиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, у ҳар бир қичқириқ, ҳар бир оҳ-воҳ, кўшиқ, йиғи билан биргаликда нола чекади, йиғлайди, кулади, ўлади ва қайта туғилади. Ҳатто, одатдагидек, ўз-ўзинга ёки бировга ёлғон сўзлашинг ҳам ҳақиқат. Энг кўрқинчли қотил, ўғри, калтафаҳм бошлиқ, айёр ва дажжол кўмондон — жуда ноқулай, жирканч ҳақиқатдир. Буюк шоир «Бу заминда ҳақиқат йўқ. Лекин, эвоҳ, ундан юқорида — коинотда ҳам ҳақиқат йўқ-ку!» — дея нола чекканида, ёлғондакам обидийда қилмаётгани. У олий адолат, инсонлар не-не азоб-уқубатлар билан тушуниб етадиган Буюк ҳақиқат ҳақида гапирмоқда эди. Бу ҳақиқатнинг баланд чўққисини забт этмоқчи бўлганлар қулаб тушишади, ҳалок бўлишади, ўз тақдирлари, бутун бошли халқлар тақдирини чилпарчин қилишади. Лекин улар алпинистларга ўхшаб, ўлим кўланка солиб турган баланд қояга қайта-қайта тирмашаверадилар. Ҳақиқатни тушуниб етиш — инсон умрининг энг асосий мақсади, мазмунидир. Ана шу ҳақиқат йўлида инсон нурафшон чўққилар, яратувчи онг сари йўлчи юлдуз, нарвон бўлиб хизмат қиладиган бир ҳақиқат яратадики, уни яратмаслиги мумкин эмас, яратмасликнинг иложи йўқ.

Лекин бутун умри қамоқда кечган, кўнгил поклиги учун Худоба сиғинадиган махбус — яхши ҳақиқат эмас. У ёлғондан ҳам даҳшатлироқ.

\* \* \*

Сошнин ўзини мажбур қилиб, бир амаллаб ўрнидан қўзғалди. Ойна олдида тик туриб, қафтлари билан юзини сийпалади. Соқоли негадир жуда тез ўсган эди. Йўғ-е, бу ер қоронғу. Шундай туюлаётгандир. Ёинки хотиралар таъсирида юзи қорайиб қолибдими? Ҳар қалай, шундай бўлса керак. Бўлмаса нашриётга жўнаш олдидан соқолини қиртишлаган, ўзига оро берган эди-ку?

Сошнин тароқни ҳўллаб, тўзғиган сочларини тартибга келтирди, бошини сийпаб қўйди ва почтани олиб келгани жўнади. Зинапоя ости ҳамон ўша ифлослигича турарди. Тамаки қолдиқлари, шиша бўлаклари, темир тиқинлар, гугурт, сигарет қутилари, йиртиқ қоғозлар. Эзғиланган балиқ бошлари, нон бўлаклари. Шу ернинг ўзида, полга тўшалган газета устида кимдир қулайгина жойлашиб олган. Ёнида стакан, ярми тишланган олма, ёрлиғи ҳўл каттакон шишада мусаллас.

— Дў-с-т-и-им, — деган овоз келди зина остидан, — ҳозир тунми, кундузми?

— Тонг отди.

— Тонг отдими? Эҳ, мана, яна бир кун ҳам етиб келибди. Вақтнинг чопиб ўтишини қаранг-а. Бунақада бутун умр ўтиб кетганини ҳам билмай қоласан.

Леонид газеталарни олиб, зинадан кўтарилар экан, ортидан ҳазин қўшиқ эшитилиб турарди. Еттинчи уйнинг меҳмони жуда ғамгусор «қўшиқчи» экан.

Газета қатида Маркел Тихоновичдан келган хат бор эди. Сошнин уни тоқатсизлик билан очди.

«Салом, хайрли кун, қадрли ўғлим Лёня! Сизнинг соғлигингизни ўйлаб, юрагим қонларга тўлди. Қанотим бўлганида, ёнингизга учиб борардим. Лекин учиб кетишнинг иложи йўқ. Сигир — кема лангаридай ушлаб турибди. Хўжалиқдаги шунча ишларни ташлаб, кетиб бўлмапти. Боз устига, кампир ёлғиз қолса, кечалари кўрқади. Авваллари у шайтонми, попми, эрми, ҳеч нимадан кўрқмасди. Бироқ социализм душманлари ва каминангиз билан жангу жадалларда асаблари ишдан чиққан кўринади...»

Леонид кулиб қўйди-ю, хатга кўз югуртира бошлади. У мактубни уйқу олдидан қайтадан яхшилаб ўқиб чиқишга қарор қилди. «Бизга етиб келган овозаларга қараганда, сиз хотинингиз билан яна бошқа-бошқа яшаётган эмишсиз. Бу биз учун катта ғам-қайғу. Нима қилишга ҳайронсан киши. Фақат бир нарсани айтмоқчиман, биз эркаклар у нодон аёлларни асрашимиз, аяшимиз, шафқат қилишимиз даркор. Улар бизсиз кун кўра олишармикан? Сенга айтганмидим, йўқми, 1949 йилда сира тоқат қилолмадим, уйдан кетиб қолдим. Қўшни Тугожилино қишлоғилик ажойиб бир бева аёл билан яшай бошладим. Мен уни ёшлигимдан билардим, хуш кўрардим. Унинг уйини, ҳовлисини, анжомларини гулдай қилиб тартибга келтирдим. Қудуғини тозаладим, мол-ҳолига қарашдим. Маза қилиб, бир-биримизга тўймай яшай бошладик. Хотиним, қайнонанг адои тамом бўлди. Чунки унинг қўлидан бирор юмуш келмасди-да. Унга фақат ақиллаш, вайсақилик қилиш бўлса. Жазаваси тутганидан, келиб, дераза ойналарини синдириб кетарди. Безовталаниб қолдим, у, ахир, ҳуши жойида бўлганида ҳам уй ишларига қарашмасди. Ҳозир жазаваси тутиб турганида ҳоли не кечдийкин? Бўйнимдан ип боғлагандай уйга қайтиб бордим. Ҳамма нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳеч нима пиширилмаган, сигир соғилмаган, бутун қишлоқни бошига кўтариб маърайди. Асаларилар бўлса она-болани уйдан чиқишга қўймайди. Лерка бир аҳволга тушиб қолган. Шундай пайтда мен фақат ўз тақдиримни ўйлашим мумкинми, ахир?! Уларнинг хор-зор бўлишига йўл қўя олармидим. Кампир бўлса, суюқоёқ, деб атайди. Зино

устида қўлга туширганман, дея даъво қилади...

Сен уни, менинг сусонғич қизимни дўппосласанг бўлармиди? Албатта, ўласи қилиб эмас, шундоқ, кўзи очилсин деб. Лекин қандоқ қилиб ҳам дўппослайсан? Аёл. Хотин киши-да! Бунинг устига, қизингнинг онаси.

Хатнинг жавобини булбул ёзни кутгандек кутаман. Света билан Янги йилдан кейинми, қачон хоҳласангиз, ўшанда келаверинг. Биз сизларни кўришга ҳаммиша муштоқмиз. Яқинда сигир туғади. Тоза сут соғлиқ учун жуда фойдали. Ҳаётларингизга аралашмоқчи эмасман, кампирнинг ҳам бундай қилишига йўл қўймайман. Фақат ҳаммаларингизга жуда раҳмим келади. Сен жамоат тартибини сақлашда майиб бўлиб, инга кириб олгандай ётибсан. Егулик овқат йўқ. Уйинг иситилмаган... Мана, кўз ёшларим ҳам соқолимга оқиб тушяпти...»

Янги йилда Маркел Тихонович барча орден медаллари мустаҳкам қилиб тақиб қўйилган кўк костюмини кияди, асал ароғидан ичиб олиб, ҳузур қилиб жилмайганича қўшнилари ҳам ароқ билан сийлай бошлайди. «Мен камбағал бечораман, кийим-бошим йиртиқ-ямоқ. Шу боисдан ҳеч ким мени хотинликка олмас, бироқ...»

Евстолия Сергеевна эрига калондимоғлик билан қўл силтайди. «Бечора бўрининг биргина кўшиғи бор эди. Шуни ҳам сен ўрганиб олибсан!» — у шундай деганича чолнинг овозини эшиттирмай, баланд, жарангдор товуш билан хониш қила бошлайди: «Биз чилангарлармиз, руҳимиз ёш, навқирон, бахт калитларини оловда тоблаимиз ўзимиз... — «Калитлар», «Калитлар», «Калитлар!» — Евстолия Чашина дастасида ёшлиқда ўзлари куйлаган қўшиқдан ҳали нималарнидир эслай олишларидан хурсанд бўлган кампирлар унга жўр бўлишади. Евстолия Сергеевна эса қўшиқ бошлаши биланоқ нигоҳлари пўлатдек товланади, чаккаси оқариб кетади. Уй бекаси ҳаммага жангари нигоҳ ташлаб, стулга мушт уради: «Бизнинг бутун умримиз кураш, кураш демақдир!»

Кампирлар эса, одатдагидек, тилёғламалик қила бошлашади. «Ҳа, шунча ёрлиқ, ташаккурномаларни сенга бекордан-бекорга беришмаган, ахир, Толя! Бекорга эмас! Кураш — натижа демақдир!»

Ватан учун, қадрдон далалар учун эридан кўра мана шу аёллар хизмати кўпроқ сингганига чин юракдан ишонган хотини билан ғижиллашиб ўтирмаслик учун Маркел Тихонович икона ўрнига «Рекорд» телевизори қўйилган бурчакка тиқилади. Телевизорда эса калта трусича, юпқа пайпоқ кийиб олган фигурали учиш усталари гир айланиб, этакларини киндиккача кўтаришади.

«Уят, шармандалик! Буларнинг ота-оналари қаёққа қарашар экан. Ҳукумат, бошлиқлар нега индашмайди? Қизлар шамоллаб, нимжон бўлиб қолишади. Аскарликка ярамайдиган болалар туға бошлашади. Бунақада Ватанни ким ҳимоя қилади?» — телевизор ёнида ўтирганча ташвишланади Маркел Тихонович. Евстолия Сергеевна чийиллаб гап қилади: «Қизлар, чолим фигурачиларнинг трусиги тушиб кетишини кутиб ўтирибди! Хомтама бўлма, тушиб кетмайди. Ҳозир резинка қанақалигини билмайсанми? Бизлар чилвир узилиб кетса ёинки жазманлар узиб юборса борми, трусикни белда осилтириб, рақсга тушаверардик...»

«Шундай, худди шундай, Толя! — маъқуллашади дугоналар. Илгариги ҳаёт, ҳаётмиди? Қолоқлик, қоронғулик. Энди эса яшаган сари яшагинг келаверади. Чор-атрофда электр чироқлар, чароғон. Телевизор, егулик етарли. Фақат, энди соғлиқ бўлса бўлгани...»

\* \* \*

Товуқ шўрва аллақачон пишган эди. Хонада сув ўтларими ёинки Тугожилино бузоқхонасинингми ҳиди сузиб юрарди. Сошнин ҳушини йўқотиб,

гўнг шилтасига беланганидан бери бу ҳид ундан нари кетмасди. Сал чарчади, асабийлашди дегунча, ўша каламуш тушига кириб, уни қийнайди. Ғадир-будир асфальт узра судралади, типирчилайди. Қарғалар қағиллаб, бошидан чўқиб, уни мажақлашади.

Леонид совун кўпигида пиширилгандек, шилимшиқ товуқ гўштини эри-нибгина, иштаҳаси кўтармай тановул қилди. Чой ичгач, столга ўрнашиб олишга уринди. Стол тебранар, ғижирларди. Оқшомлари об-ҳаво ёмон бўлган кезларда оёқлари оғрир, кўзга кўринмас бир дард елкасини ёндириб турарди. Бугун эса оғриққа сира чидаб бўлмасди. Қаердаги қаланғи-қасанғиларни бор куч билан калтаклайман деб эски яраларни безовта қилди. Ахир, у муртадлар Леонид индамаса ҳам ичиб-ичиб, бир кун девор тагида ўлиб қолишлари турган гап-ку!

Милиция бўлиמידан ҳеч ким қўнғироқ қилмади. Демак, у калтаклаган шоввозлар ҳеч қаерга арз-дод қилишмаган. Яраларини амаллаб боғлаб, «оҳ-воҳ» қилиб бўлгач, яна мастлик уйқусига фарқ бўлиб ётишибди. Уларни ҳеч нима ташвишга солмайди. Юракларида ҳеч кимнинг, ҳеч ниманинг дарди, алами йўқ.

Сошнин ўринда ётганича телефонга қўл узатди. Чирокни ёқмай, пайпаслаб рақам терди. Гўшакдан «Сизга ким керак?» деган товуш эшитилди. У ким кераклигини айтди. Йўлақдан туриб, деворни тақиллатганлари шундоқ эшитилиб турарди.

— Тиббиёт ходимларига салом бердик! Автомат телефонларингиз бугун худди соатдек ишляпти-я...

— Гўшакни узиб олишга ҳали улгуришмаган, шекилли. Хўш, ишларинг қалай, тузукми? — деди Лерка.

— Жуда яхши, аъло даражада.

— Нима, бирор кор-ҳол юз бердимми?

— Нега бундай деяпсан?

— Бўлмаса, сен телефон қилмасдинг. Яна юпатишим, кўнглингни кўтаришим керакми? Ёинки душманлардан халос қилайми?

— Ҳожати йўқ, душманларимни ҳозиргина ер билан яксон қилдим.

— Ҳа, мана бу энди жиддий гап. Хўш, улар қаерда, ким, неча киши эди?

— Ўз уйимизда, зинанинг тагида. Улар уч киши эди.

— Тиббий ёрдам кўрсатишдимми?

— Ҳожати бўлмади.

— Ҳой, сен омадли исковуч, қараб тур, бир кун эмас-бир кун ўзингни ҳам чавақлаб кетишади...

Леонид «исковуч»га жавобан «пари пайкар» дейишдан тийилди-да, ўзини мақтаб кўйди: «О, қойил. Анча-мунча эсинг кириб қолибди!»

— Овқат-повқат едингми ўзи?!

— Ҳа, товуқ шўрва пиширгандим. Дадамдан хат олдим.

— Мен ҳам. Яна гўшт ҳам юборибди. Янги йилда чўққани сўйишган экан.

Сошниннинг хотини: «Янги йилга эмас, бизнинг келишимиз шарафига», демоқчи бўлди-ю, сўнг тилини тишлади. У яраш йўлида янграган ана шу биргина оҳангни қувватлаши, рағбатлантириши керак эди. Лекин у уста кўрмаган сўз устаси, бундай қилмади.

— Сенга маза-да, — деди у ва кўшиб кўйди, — дарвоқе, дадам сени калтаклаш керак, деб маслаҳат беряпти.

— Бу гапларни у ўзининг севимли газетаси «Сельская жизнь»даги «фойдали маслаҳатлар» туркумидан ўқиб-ўрганган. Сен бир оз сабр қил, мен кир ювиб, у ер-бу еримни тузатиб, тайёр бўлай, сўнг майли, дўппослайвер, — Лерка кўз ёшларини зўрға тийиб турарди.

Иккаласи ҳам жим қолишди.



— Агар бирор зарур гапинг бўлмаса, мен кир юваётган эдим. Светани дам олиш кунлари ёнингга олиб кетсанг бўлади. У дарров кўнглини хушлайди. Биринчида ўқиса-да, замонавий. Ақлли қизалоқ. БАМда жуда катта ойлик тўлашларини қаердандир эшитиб қолибди. Мактабни тугатгач, ўша ёққа бораман, дейди. Яна артистларнинг қаерда ўқиши ҳам уни қизиқтиради. Қайси синфдан бошлаб олтин занжирча, зирак тақиш мумкин? Шунингдек, севги ҳаётда неча маротаба учраши, болалар қаердан пайдо бўлишини ҳам билишни истайди. Боз устига, бизнинг қувноқ ҳовлимизда унга айрим нарсалар ҳақида бепул сўзлаб бераверишади. Сенинг қалам ҳақинг қизингнинг ясан-тусанига етмай қоладими, деб кўркаман. Вой, бўлди энди. Мен кетишим керак.

— Шошма, шошма, Светани менга ошириб, ўзинг қаёққа кетмоқчисан?

— Қаёққа бўларди, учрашувга-да! Бульдозерчи қўшним менга теккин, деб ҳол-жонимга қўймайпти. Унинг интизор кўнгли меҳр, севги тусабоқпти. Ўзига умр йўлдоши излаётпти. Ҳар ой тўрт юз сўм маош олади.

— Бульдозерчи қорамойга беланиб юради. Сен эса қордек оппоқ халатда юришинг керак.

— Қорамойни ювса кетади. Ҳозир шунақанги кимёвий моддалар борки. Вой, бўлди, мен худди нинанинг устида тургандайман. Света машинани қовлаштира бошлади. У, ахир, ҳаддан ташқари қизиқувчан қизалоқ.

— Бўлмаса, учрашгунча хайр!

— Хайр, кўнгироқ қилиб тур, кайфиятинг яхши, йўғ-е, ёмон бўлганда.

— Бўпти.

— Хўп, мен кетдим бўлмаса.

— Менга қара, агар сен биров...

— Нима, «агар мен биров...»

— Майли, ҳаммасини тушундим. Тунинг хотиржам кечсин!

— Сенга эса тескариси — нохотиржам тун ҳамроҳ бўлсин!

— Ҳа, ишлашга уриниб кўраман!

— Ҳар қандай меҳнатда ҳам омад ёр бўлсин!

— Миннатдорман. Ташаккур! Тўхта!

— Яна нима демоқчисан?

— Граня холани кўрганингга анча бўлдими?

— Эҳ-ҳа, гап бу ёқда экан-да? Йўқ, уни яқинда Тинчлик кўчасида каттакон кути кўтариб юганида кўрдим. У ҳозир етимхонада ишлайди. Болаларнинг энгил-бошини тўплаб юради.

— Граня хола у ерга қандай қилиб жойлашиб олибди?

— Бунинг ажабланадиган ери йўқ! Граня хола ишлайдиган касалхонада етимхона мудираси, ҳаммага маълум ва машҳур Алевтина Ивановна Горячева даволаган. У шундай одамни ўзи билан олиб кетмаслиги сира мумкин эмасди.

— Ҳа-а, демак, Граня хола латта-путта йиғиб, ота-оналари кураш ва меҳнатда тобланиб, гўзал Ватанимизнинг бепоён кенгликларида тараллабедод қилиб юрган тирик етим болаларга ёрдам беради-да.

— Доимо, азал-азалдан шундай бўлган. Кимдир ташлаб кетади. Кимдир топиб олади... Вой, мен ҳали Светани чўмилтириб, ухлатишим керак-ку! Дарвоқе, бир нарсани айтишга мажбурман. Ҳаётда сен жуда кўп айрилиқ ва йўқотишларга дучор бўлгансан. Лекин Граня холадан ажралиш — сен учун энг оғир, кечирилмас йўқотишдир. Бу борада ҳеч кимдан юпанч кутиб ўтирма.

— Нима қилай? Ҳаёт мен ўйлагандан ҳам мураккаброқ экан.

— Сен зиёли бўлиб кетибсан! Замонавий зиёлилар ахлат тўла челақни чиқариб ташлашга эриниб, ҳаёт мураккаб эканлигини баҳона қиладилар... Вой, бўлди энди, Худо ҳаққи. Мен кетай! — Лерка шундай деганича

гўшакни ташлаб, кетиб қолди.

Сошнин узоқ вақт гўшакни қўлида ушлаб турди. Қоронғулик қаъридан, серғалва иш, суҳбат ва кўнгилхушлик билан банд бўлган бошқа бир дунёдан телефон жиринглашига ўхшаган товуш қулоққа чалинарди.

### Саккизинчи боб

Сошнин ўша, бошқа дунёни кўргиси келиб қолди. Эшикни қулфлаб, зинанинг тагига қаради. Зина тагида ёнида бўш шиша думалаб ётган киши тинчгина ухларди. «Эй, худо, булардан безор бўлдим-ку».

Кўчада изғирин кучаймоқда, энди ёмғир томчиламас, фақат томлардан шитирлаб сочилар, сумалаклар учида музлаб ётган томчилар йилтирарди. Осмонда, қуюқ зулмат аро у ер-бу ердан бир чеккаси кемтик юлдузлар мўралайди. Темирйўл вокзали чироқлари энди ёрқинроқ порлайди, шаҳарнинг кўп қаватли уйлари яқинроқ келиб қолгандай. Фақат Вейка дарёси қирғоғидаги чироқларнинг сарғиш нури ҳамон оқимтир буғ қўйнида сузиб юради. Вокзал ортидаги борган сари аниқроқ кўзга ташланаётган тепаликлар ҳар галгидек яширин ўйчанлик, улуғворликка тўла.

Вокзал томондан Ленинград поезди келганлиги тўғрисидаги эълонлар эшитилиб турибди. Сошнин жимгина, ҳеч кимга билдирмай, ҳамма-ҳаммани, энг аввало, ўз-ўзини тарк этиб, дунёнинг бир чеккасига кетиб қолгиси келди. Бу истак юрагида шу қадар кучли эдики, дод дегиси келарди. Қаяққадир, нима учундир жўнаб кетаётганларга яна бир карра ҳавас қилди. Бу кишиларнинг қандайдир мақсади, машғулоти, уйлари бор. Кимдир, нимадир уларни узоқ-узоқларга чорлайди. Эҳтимол, қаердадир, уларни кутишади ҳам.

\* \* \*

Ўн бир яримда ораста «Шимол ёғдуси» поезди Москвага жўнаши келди. Очиқ дарвоза ёнида бир қатор турли русумдаги машиналар турар, уларнинг орасида Сошнин рақамини яхши биладиган қора «Волга» ҳам бор эди. Бу машина ҳозир шаҳарнинг казо-казоларидан бири бўлган Володя Горячевга хизмат қиларди.

Володя Горячевнинг тоғаси Вейск темир йўл бўлимининг бошлиғи эди. Кўзга кўринган маҳаллий раҳбар, жамоат арбоби бўлган бу киши транспорт, шаҳар ва шаҳар аҳолиси учун жуда кўп фойдали ишлар қилганди. Унинг хотини табиатан жуда оқкўнгил, ажойиб аёл Алевтина Ивановна негадир туғмади. Шу боисдан, Горячевка қишлоғида Горячевнинг серфарзанд синглиси қазо қилганидан сўнг, улар кенжатой Володяни ўзларига фарзанд қилиб олишди. Эр-хотин болақайни жуда севиб қолишди, эркалаб, папалаб ўстира бошлашди. Йигитча шўх, шаддод бўлиб, мустақилликни жуда яхши кўрар ва у темир йўл бошлиқлари яшайдиган «тепа»дан «паст»га тушмаслиги, Граня хола ҳужрачаси атрофида уюшган «меҳнаткаш халқ» қаторига қўшилмаслиги керак эди.

Володя болаларга қўшилиб ишлар, энгил-бош йиртарди. Алевтина Ивановна «паст»га тушар, Володяга таъсир ўтказиб, уни меҳнат жамоасидан ажратиб олишга ҳаракат қиларди. Лекин унинг яқка ўзи бутун бошли жамоага қарши нима ҳам қила оларди дейсиз?

Кунларнинг бирида Володя касал бўлиб қолди. У иситмада ёнар, ҳеч нарса емас, «аччиқ олма», яна алланималар топиб беринг, дея чинқирганича Алевтина Ивановнани уйда ўтиришга қўймасди.

«Болани буздинг, хазон қилдинг! Қаердаги дайди, қаланги-қасангиларга қўшиб қўйдинг! Энди қилмишинг учун жавоб бер!» — Граня холага зуғум қиларди Алевтина Ивановна.

Граня хола ўйланиб қолди. Болакайларни у ҳеч қачон олма билан сийламаган, олма олишга пули етмасди. Лекин охири гап нимадалигини тушунган Граня холанинг чехраси ёришиб кетди. У қийиқчада икки дона чўғда пиширилган картошка, бир ҳовуч майда пиёз, бир кафт кулранг, дағал тузни ўради-да, совғани меҳнаткаш, қимматли болажонига юборди. Кичик тўрача буларнинг ҳаммасини пок-покиза туширди. Оппоқ дастурхонни қасддан булғади ва шу кундан эътиборан тузала бошлади. Тузалгач эса, қулоқсиз болакай яна «тепа»дан «паст» га – темир йўлда ишлагани тушди.

Володя Горячев ўрта мактабни ҳеч сўзсиз олтин медаль билан тамомлади. Сўнгра технология институтини ҳам, албатта, имтиёзли диплом билан тугаллади. Шундан сўнг яна аллақандай академияга ҳам бош урди. Қарабсизки, у бирин-кетин амал курсиларини эгаллаб, тобора баландга кўтарилаверди. Фақат унинг мартабаси темир йўл иши бўйича эмас, балки қурилиш соҳасида эди. У катта вазифа иқир-чиқирларини тезда ўзлаштириб олди-да, Вейск шаҳридаги энг улкан қурилиш ташкилоти ҳисобланган «Вейскгражданстрой»нинг муносиб хўжайинига айланди. Бу улкан даргоҳда ўн мингдан ортиқ киши меҳнат қилар, уларнинг орасида қанча бекорчи, қаланғи-қасанғилар борлигини ҳатто, ташкилот бошлигининг ўзи ҳам билмасди.

Сошнин касалхонадан оқсоқ оёқ билан қайтгач, вилоят ижроия кўмитасида тинчгина бир гўшада навбатчилик қилиб юрган кезларида Горячев билан тез-тез учрашиб турарди.

— Саломатлик тилайман, ўртоқ бошлиқ! — Володя Горячев қўлини чаккасига қўйиб, ўзининг темир йўл транспортида бирга ишлаган дўсти билан омонлашар, сўнг кучини синамоқчи бўлиб, атайлаб қўлини қисарди.

— Хуш келибсиз, бўлажак маҳбус! — зўр иштиёқ билан жавоб қайтарарди Сошнин ва Володянинг қўлини шундай қисардики, у ўтириб қоларди.

— Дарров одамни маҳбуслар қаторига қўшиб қўясан-а! — қўлини ҳавода силкитиб ғўлдирарди Володя Горячев, — шунча кучинг бўлатуриб, ўзингни ногиронликка урибсан!

— Куч-қувват бўлмаса, биз нимага ҳам арзирдик, — заҳарханда қиларди Сошнин, — билақда куч бўлмаса, сенинг тоифангдаги кишиларга бас келиб бўлмайди. Мана, сен бўлсанг, юрагим сезиб турибди, албатта, одил судлов органлари қўлига тушасан ва тўппа-тўғри «Кимё» заводига ишга борасан. Чунки сизлар ўғрилиқ билан шуғулланасизлар.

— Биз ўғрилиқ қилмаймиз, балки иқтисод қиламиз.

— Биламан, маҳаллий радиодан эшитдим, — Сошнин бармоғи билан радиоприёмнигини тақиллатди, — «Вейскгражданстрой» жамоаси минг тонна бетон, темир ва қурилиш ашёларини иқтисод қилди». Афтидан, сизларга ашёларни ортиқча беришса керак?

— Э, ҳа, оғзингни очиб тур, албатта беришади. Бериб бўпти. Кетингдан олиб келиб беришади. Фақат қулоқ-чакканга! Кўп миқдордаги нарсадан оз-оз олинадиган бўлса, бу ўғрилиқ эмас, бўлиб олиш дейилади. Ўзимизнинг олтин давримиз — болалигимизни эслайсанми?

— Буларнинг ҳаммаси ёдимда, фақат сен унутмасанг бўлди...

— Биз нима бўлибмиз. Боғча болаларидай бир гап. Мана, сибирлик чаққон йигитлар бир миллиард иқтисод қилишга қарор қилишибди. Мана буни кўлам деса бўлади.

— Наҳот, бир миллиард ўмаришмоқчи бўлса?!

— Оббо, ўзингга ҳам қамоқдаги мижозларингдан роса юқибди-да! Нега ўмаришар экан? Ҳеч қандай ўмаришнинг ҳожати йўқ! Агар сибирликлар дарёлар ва тайгада сочилиб ётган ёғочларни йиғиб олиб, чала

қурилишларни қуриб битказиб, қишлоқ хўжалигида тартиб ўрнатишса, улар халқнинг бир эмас, эҳтимол, беш ёки ўн миллиард пулини ғазнага қайтарган бўлишади. Қайтараётганда кечирим сўрашни ҳам унутишмайди. «Биздан олдинги бошлиқлар буларни талон-торож қилишган, сотиб ичишган. Биз бўлсак, аломат кишилармиз, йиғиштириб олдик!» дейишади.

— Ана холос, пишди гилос!

— Мана сенга холос, мана сенга гилос!

— Демак, мени бир кун эмас, бир кун барибир қамоққа тушади, деб ўйлайсанми?

— Бу эҳтимолдан узоқ эмас!

— Ҳаётда янги давр бошланяпти. Ўгирилиб қарашга ҳам улгуриб бўлмаёпти. Нуқул, давр, даврлар...

\* \* \*

Пойтахтдан келган қайсидир «олий ҳазрат»ни кузатишмоқда. Дўстона, хайрихоҳ кайфиятдаги кишилар эътиборидан тантиқланиб кетган меҳмон мастона қилиқлар қилар, вагоннинг кенг очиқ эшигидан ичкарига киролмай, кузатувчиларнинг қўлларидан қўлларига ўтиб кетаверарди. «Ҳазрат»нинг афт-ангори, биқинига осилган қоринчасига қараганда, у унчалик катта амалдорлардан эмас. Нар и борса, бирор бош бошқарма ёки вазирликда хизмат қилади. Лекин шунга қарамай, Вейск жамоатчилиги перронни тўлдириб турибди. «Вейскгражданстрой» бош инженери Ведерников, чақонгина, вайсақи касабга уюшмаси аъзоси арбоби Жаюсов шу ерда. Техника хавфсизлиги бўлими ҳисобидан маош оладиган икки жамоатчи нозанин ҳам келишган.

Яқиндагина Политехника институтини битирган, ихтирочилик бўлими ходимлари Добчинский билан Бобчинский, ўзларини сал сипороқ тутиб турган бошқа ширакайф кимсалар ҳам кузатиб қолувчилар сафида эдилар.

Қовоғи солиқ, юзлари қизил доғларга тўлиб кетган Володя Горячев бир чеккада зерикиб, мунғайиб турар, «олий ҳазрат»га зўрма-зўраки жилмайиб қўярди. Володяни вагон ёнига таклиф этишди. У меҳмон билан бир қадахдан коньяк сипқорди. Жамоатчи нозанинлар чапак чалиб қийқиришарди: «Охиригача ичинг! Оқ уринг, оқ!» Добчинский ва Бобчинскийга Николай Васильевич Гоголь шундай ажойиб тавсиф берганки, бундан яхшироқ тасвирлашнинг сира иложи йўқ. Шу боисдан, буюк ёзувчиларимизга узр айтиб, таъзим бажо этамиз-да, ўша таснифни эслатиб ўтамыз: «Петр Иванович Добчинский, Петр Иванович Бобчинский — шаҳар помешчиклари, иккаласи ҳам паканагина. Қизиқувчан, бир-бирларига жуда ўхшашади. Ҳар иккаласининг ҳам қоринчалари сал осилган. Жуда тез гапиришади. Ҳаддан ташқари қўл ҳаракати, ишораларга зўр беришади. Добчинский Бобчинскийдан сал баландроқ ва жиддийроқ. Лекин Бобчинский Добчинскийга қараганда очикроқ ва чақонроқ».

Вейсклик Добчинский ва Бобчинскийларнинг номлари Гоголь қаҳрамонларидан фарқ қилади. Бирининг номи Эдик, иккинчисиники Вадик. Бундан ташқари, улар юпқа мовутдан сюртук эмас, замонавий чет эл костюмларини кийиб олишган. Ширчойранг пўстинларининг очиқ ёқаси остидан кўкракларидан улар жуда олий маълумот эгаси эканликларини билдирувчи ҳаворанг нишон тез-тез кўзга ташланиб туради. Тўмтоқ кокилчалар ўрнига Добчинский ва Бобчинскийнинг аёллардек узун сочлари бор, ёш бўлишларига қарамай, оғизларида тўла ясама тиш. Бармоқчаларида узуклар, тўғнағичлари олтиндан, бўйинбоғлари рангдор, араб ёинки Эрон юртларидан келтирилган. Добчинский ва Бобчинский мутеларча уддабуронлик билан «олий ҳазрат»нинг дум-думалоқ думбала-

ридан ушлаб, суюб туришар, у бўлса, ҳадеб сирпаниб, қўлларидан тушиб кетишга ҳаракат қилар, йиқилиб тушар ва бу билан Добчинский ҳамда Бобчинскийни беҳад шод этарди. Жамоатчи нозанинлар қийқирганларича думалаб кетган телпак ортидан чопқиллашар, оғизларининг таноби қочиб, ийиб кетиб, телпакни қимматли меҳмоннинг жуда доно, тепакал бошига қўндиришарди.

Айни пайтда, тузланган оқ кўзиқоринли идишлар, тол хивичидан тўқилган саватчаларда музлатилган клюква, ибодатхонада тайёрланган антиқа шарбатлар вагонга чиқарилмоқда, олий меҳмоннинг бўйнига уч жуфтлик ўйинчоқ лапта осилган. Зиғир матосидан қўлда тўқилган сержило сумкада шишалар жаранглаб турар, черковнинг катак-катак тизимчаси боғланган қоғозга ўроғлик, бир вақтлар нобуд бўлмайд қолган яна бир қадимий икона Вейскни тарк этмоқда эди.

Маҳаллий қалам соҳиби Костя Шоймардонов маст-аласт, ёқавайрон қичқирганича у ёқдан-бу ёққа югурар, фотоаппарат чироғи билан ҳамманинг кўзини қамаштирар, зўр бериб кузатувчилар даврасида ўзини кўрсатишга уринарди. У яқинда касалхонага, Сошниннинг ёнига келиб, кўрсатган «қаҳрамонлигини ёритмоқчи» бўлганда, Леонид уни Хайловск туманини айланиб, қишлоқни ҳимоя қилиш учун матбуотда жиддий мақола билан чиқиш қилишга қўндиришарди бўлганди. Лекин бу текинтомоқ, ювиндихўрнинг қишлоқ билан неча пуллик иши бор?

«Шимол ёғдуси» поезди эҳтиром билан ўрнидан қўзғалди. Улуғвор қиёфали проводник меҳмонни ҳурмат билан бир чеккага суриб, вагон зинасини бекитди. «Олий ҳазрат» эса ҳамон телпагини силкитар, кузатувчиларга ҳавойи ўпичлар юборар эди. Нозанин жамоатчилар «Яна келинг! Яна меҳмон бўлиб келинг! Бажонудил таклиф этамиз. Келсангиз, бош устига!..» дея ҳиқиллашарди. Добчинский билан Бобчинский қоқилиб-туртиниб поезд ортидан югуришар, тезлик Гоголь замонасидек бўлганда борми, улар ўзлари сезмаган ҳолда Москвагача югуриб боришлари турган гап эди. Лекин ҳозир XX аср. Поезд буферларини гумбурлатиб, темирларни ғижирлатиб, моторини гуриллатиб, Добчинский билан Бобчинскийни ахлат босган ғамгусор темир излари ёқасида етимлардек ёлғиз қолдириб, илдамлаб кетди.

Сошнин Володя Горячевнинг ёнидан индамай ўтиб кетмоқчи эди, бўлмади. У, афтидан, Леонидни олдинроқ кўрган, шекилли, бош қимирлатиб омонлашди-ю, осмон гумбазига нигоҳ ташлаганича ёнма-ён кета бошлади. Унинг юзидаги доғлар кетмаган, чамаси, ўзича сўкиниб борарди.

— Комедия ёзадиган бўлсанг, қўшиб қўй бу кўринишни! Албатта, қўшиб қўй! Фақат пировардида энди бошқарма бизнинг барча талабномаларимизни қондириши аниқ эканлигини ёзишни унутмасанг бўлгани. Ҳалиги, олий мақом одамча керакли кишиларнинг ҳаммасига Вейскда, айттайлик, Чебоксаридагидан кўра яхши кутиб олиб, иззат-икром кўрсатишларини хабар қилади. Унинг шахсий дўкони йўқ. Уғлим Юра куйлаганидек: «Чегарачи ўрнида турибди». Демак, буржуйлардан ҳам бирор нарса олиб бўлсан. Шунинг учун у қадрдон Ватанида ўз халқидан ўғирлай бошлайди, товламачилик қилади. Чебоксарига ажратилган скрепер машина, йўл вагончаларини бизга беради, техника эҳтиёт қисмлари билан таъминлайди. Қарабсизки, биз уй-жой қурилиши режасини бажарамиз, паррандачилик фабрикасини муддатидан илгари ишга туширамиз, чўчқачилик комплекси тайёр бўлади ва ниҳоят, ёш томошабинлар театри қурилишини тугаллаймиз! Биз, ишчилар, зиёлилар, деҳқонлар — ҳамма-ҳамма учун яхши бўлади. Чебоксарига эса режа тўлмагани учун ҳайфсанлар ёғилади. Битта-яримтасини ишдан олишади... Туф-е! Қуриб кетсин!



Онасининг гўрига! — Володя Горячев оёғининг остига тупурди. — Қачон қутуламиз бу расвогарчиликлардан? Қутулиш мумкинми, ўзи?! Ҳали болалигиданоқ Алевтина Ивановнанинг уринишларига қарамай, Володя Горячев хулқ-атворда сиполикка эришолмаганди. Қолган умрини Володянинг уйида кечираётган Алевтина Ивановна ўғли ҳар гал болохонадор қилиб сўкинганида юрагини чангаллар, у ҳам тоғаси сингари раҳбарлик лавозимида ишлаш оқибатида қуюшқондан чиқиб кетган, академияни битиргач эса сира эплаб бўлмаепти, дея тушунтирмоқчи бўлар, бегуноҳ ва мусаффо набирачасига отасининг касри тегмасин, дея қуйиб-пишарди.

Володя Горячев «Волга» эшигини очиб имлади:

— Ўтир, ўртоқ бошлиқ, обориб қўяман. Эвазига турмага тушсам, тегишли озиқ-овқатни навбатсиз ўтказиб юборарсан, ахир.

— Раҳмат, Володя, бир оз пиёда юрмоқчиман.

— Оёғинг оғримайдими?

— Э, оёққа нима, жин урармиди? — Леонид кўлида фотоаппарат билан машинадан-машинага югуриб, «Йигитлар, кетдик. Ҳали емакхона столларида анча егулик турибди! Шунча нарса нобуд бўлиб кетаверади?» — деб чақираётган Костя Шоймардоновни кузатиб турарди. — Оёқ дуруст энди...

— Саёқ, товламачи! — Шоймардоновнинг товушини эшитиб, афтини буриштиради Володя Горячев ва машина эшигини ушлаганича, мақтаниб қўйди, — ҳозир биз меҳмонларни ресторанда эмас, ибодатхонанинг собиқ емакхонасида кутамиз. Квас, бочкада тузланган карам, кўзиқорин, дудланган балиқ шўрваси билан сийлаймиз... Ана кўрдингми, биз тараққиёт ва режаларнинг уддаланиши учун нақадар юксак савияда кураш олиб боряпмиз! — дея бошлиқ ҳорғин эшикни ёпди-да, ёқалашиш, йўлини қилиш, гапнинг индаллосини айтганда, ишлаш, ишлаб туриб, каллани ҳам ишлатишда давом этиш учун машинасини ғизиллатиб жўнаб кетди.

\* \* \*

Аллақачон бекитилган Сазонтъевск ҳаммоми олдида Сошнин Лавря-казакнинг ола отига дуч келиб қолди. Жониворнинг эгаси эса улфатлари — Паша тоға, Аристарх Капустин, собиқ жангчиларнинг, Леониднинг кўз ўнгида қариб қолган аллақандай арзандаси билан хайрлашгиси йўқ эди. Леонид юганни қўлига олди, аравани қайтарди, улфатларни ўтказиб, уларни шу яқин орадаги уй-уйларига элтиб қўйди. Энг охирида Лавря-казакнинг уйига жўнашди.

— Ҳалиги мишиқи сени нариги дунёга жўнатиб юборишига озгина қолибди-да?! Биласанми, мен сени касалхонага кўришга бормоқчи бўлиб турувдим, лекин отни кимга қолдираман, боз устига, хотиним таъқиб этгани-этган. Айниқса, оқшомлари ҳеч қаерга чиқишга қўймайди. Урушдан сўнг мен Вейскада жононлар билан роса маишат қилганман, казаклигимни намойиш этганман. Охир-оқибат ишончини йўқотиб қўйдим. Лёш, сенга ичиш мумкин эмасми, қиттайгина ҳам-а? Менда бор. Мана, — Лавря-казак қўлтиғидан қорамтир шиша чиқарди. Шишанинг қоғозига «ғилдирак мойи» деб ёзиб қўйилганди.

— Йўқ, Лавря тоға, мумкин эмас, бир қултум ҳам!

— Оббо, ит-ей, одамни не қўйга солиб қўйибди! Лёш, сен менинг отимни отхонага оборсанг бўлармиди?.. Оғирлашиб қолибман, шекилли...

— Жоним билан, Лавря тоға, бемалол! Фақат, аввал сени уйга элтиб қўйай, сўнгра, майлими?

— Бўпти, Лёша, бўпти. Яраларинг эса тўйгача битиб кетади. Мана, мени қара, ҳамма ерим илма-тешик, бутун жойим қолмаган. Лекин зарари йўқ, отдайман! Зўр! Арақ ҳам ича оламан, онда-сонда кампиримнинг ҳам кўнглини оламан, хо-хо-хо. Мен қари аҳмоқни кечир, Лёш. Мен эмас,

вино мақтантиряпти, вино! Лекин ҳозир хотиним шунақанги таъзимимни берадики, бунинг олдида фронт бир пул бўлиб қолади!..

Сошнин Лавря-казакни уйи эшигигача чиқарди-да, тез пастга тушиб, аравани ҳайдаб кетди. Чунки Лавря-казакнинг хотини эри билан бирга келган кишига ташланиб қолади. Иш биргина ота ғури, қозихона билан тугай қолса, майлига эди. Лекин кампир супурги билан ҳам тушириб қолишдан тоймайди.

Пастдаги хонадоннинг коржома чолворлари қопланган эшиги қия очик эди. Леониднинг ортидан еттинчи рақамли уй эшиги дабдаласи чиқиб кетган кесакига қарсиллатиб урилгани ҳамон, бутун ёғоч уйни қимирлатиб юборадиган бу зарбага кўниккан Тутишиха кампир кўриниш берди ва уни бармоғи билан имлаб чақирди:

— Лёш! Ҳой, Лёша! Баққа кел! Буни қарагин-чи, бизга нима обкелишди! — деди кампир ва бахтиёрликдан қийқириб юборди.

Олдинги хонада Тутишиха кампирнинг набираси Юлька ойна олдида куйманар ва у ҳам чексиз бахтиёрлиги туфайли ҳиринглагани-ҳиринглаган эди. Юльканинг орзуси рўёбга чиққан — унинг эгнида қора нафармон рангли барқут костюм бўлиб, чўнтаклари, ёқалари заррин ҳошияли эди. Лекин бу энгил-бошда энг асосий нарса — шим. Почалари ёнламасига мис кубачалар, ҳар ер-ҳар ерида учтадан кўнғироқча. Улар шунақанги жиринглайдики, симфония, жаз, рок, поп музика — ҳамма-ҳаммаси шу думалоққина кўнғироқчаларда мужассамлашган. Дунёнинг жамики мўъжизаси, оҳанглари, бутун санъати, ҳаётнинг бор мазмуни, ўзига чорловчи сир-синаоти шуларда! Костюмга қўшимча сифатида Италияда тикилган қордек оппоқ нимча, олтин ҳал югуртирилган баланд пошналар туфлича, ипаксимон оқ рангли пахмоқ улама соч ҳам олинган.

— Вой, Лёша тоға! — Юлька Леониднинг бўйнига осилди, — мен шунчалар бахтлиманки! Буни менга дадам билан ойим олиб келишди. Ригада денгизчилардан сотиб олишибди. Албатта, жуда қиммат, лекин арзийди-да!..

« — Қутулишибди! Яна ота-она меҳрини латта-путтага алмаштиришибди-да! — ижирғанди Сошнин Юльканинг суяқдоргина қўлларини бўйнидан туширар экан.

— Қувонганиндан бўғиб қўйма тагин!

— Бўғаман ҳам! Янчаман ҳам! Ажаб қиламан! — деярли хушини йўқотгудек бўлиб чийилларди Юлька.

Столда бир шиша «Рига бальзами», оқ ароқ, бир ҳовуч дудланган майда балиқ, шоша-пиша, эпақасиз очилган «Шпрот» консерваси, ол-малар, қоғозга ўроғлиқ Рига қора нони бўлаги, телба-тескари уйиб ташланган алланарсалар. «Булар эвазига кампирнинг ҳам оғзини мойлаб қўйишибди!» — иложсиз хўрсинди Сошнин бор кучи билан юзига қувонч, бахтга ҳамдамлик тусини беришга ҳаракат қилар экан.

— Табриклайман, Юля, муборак бўлсин! Сенга жуда ярашибди! — қувонч билан сўзларди Сошнин, — энди темир йўлчилар қўрғони, э, темир йўлчилар нимаси, бутун Вейск шаҳрининг барча кўча ва туманлари куёвтураларини сих кабоб қиласан!

— Қўйсангиз-чи, Лёш тоға! Сиз ҳар доим менинг устимдан куласиз, масхара қиласиз. Тўғриси айтинг, Лёш тоға, ярашганми ўзи? — Юлька орқага чекиниб, эркаланиб, шимини кўтариб, кўнғироқчаларини жирингла-тарди. Тутишиха кампир қувонганидан ўйинга тушиб, қарсақ чаларди.

— Лёш, мен билан ичгин! Биз бугун шунчалар хурсандмизки!.. — дея таклиф қилди Тутишиха кампир сахийлиги тутиб кетиб. У қадахчага фақат «бальзам»нинг ўзини қўйди, — жуда фойдали ичимлик. Сенга эса, бермайман! — набирасига кўзларини бақрайтирди у.

— Менга кераги ҳам йўқ! Татиб кўрдим, аччиқ экан. Шампан виноси бўлганда бошқа гап эди.

Леонид қадаҳдаги бальзамни бир оз камайтириб, унга ароқ қўшди ва кампирга бошқа ичмасликни тайинлаб, кетишга тараддудланди.

— Лёша, сенга бирор нарса пишириб бериш керак эмасми? Полларингни ювиб берайликми ё? Бир оғиз айтсанг бўлди! — деди кампир ва неварасига зуғум қилди: — Ҳой, сен мишиқи, костюмни еч, бўлди энди!

— Вой, бувижон! Ётоқхонага, қизларнинг олдига бирров бориб келсамми, дегандим. Хўп дея қолинг?!

— Кўзингга қара! Бир оёғинг у ерда, бир оёғинг бу ерда бўлсин, ғиз этиб бориб кел, — рухсат берди кампир.

Леонид бўғзига келган хўрсиниқни босиб, ўз хонасига кўтарилди. Соат салкам тунги икки ярим бўлибди. Навниҳол латтапараст ўз матоҳларини кўз-кўзлагани кетди. Юлька тонг-саҳарда қайтади. Қайтмаслиги ҳам мумкин. Сўнгра кампир неварасини койиган бўлади. Бақириб-чақиради, сочиқни силкиб, ўдағайлайди, вассалом!

### Тўққизинчи боб

Тутишиха кампир темир йўлчилар қўрғонидаги еттинчи рақамли уйда, ўғли Игорь Адамович ҳузурда бундан ўн саккиз, эҳтимол, йигирма йил бурун пайдо бўлган эди. Лекин у ҳеч ёққа кетмаган, ҳеч қаердан пайдо бўлмаган, бир умр шу ерда истиқомат қилгандай туюларди. Шунга қарамай, Тутишиха кампирнинг таржимаи ҳоли жуда ранг-баранг, ҳаёти сермазмун эди. У ўзи ҳақида ҳикоя қилганда қўллари билан дераза ортига ишора қилиб, «мен ҳув анави ғарб томонларданман», дерди. У темир йўл бекатида буфетчи бўлиб ишлар, ичкилик ва эркак зотига жуда эрта ружу қўйганди. Бунақа кўнгилхушликлар билан жиноятнинг ораси жуда яқин — бир бахягина. Камомадга йўл қўйгач, уни қайта тарбиялаш учун, ҳатто, Байкалдан ҳам нарироқда бўлган аёллар қамоқхонасига юборишди. У ерда узундан-узоқ темир йўл барпо этилаётганди. Шу боис иш жуда кўп эди. Асосан, тупроқ ишларини бажаришга тўғри келарди. Зоя буфетчининг қўлига каттакон белкурак бериб, ер қазишга буюрдилар. У бўлса оғир меҳнатга ўрганмаган, ёшлигидан бунақа ишларга хуши йўқ эди. Онаси, бекат ресторани ошпази қизига ҳеч қанақа иш буюрмасди. Азал-азалдан шу нарса маълумки, аравакашнинг оти доим зўриққан, беванинг қизи эса эркатой бўлади.

Зоя белкурак билан бир кун, икки кун, бир ҳафтача ишлаб кўрди. Сира таъбига ўтирмади. Шундан сўнг, у йўл-йўлакай, бехосдан соқчи бошлиғининг елкасига туртиб ўтиб, қийқирадиган одат чиқарди: «Оббо, қоракўзгинам-ей, ерга йиқитишингга сал қолди-ку...» Бошлиқ қанчалик тўпори бўлмасин, ҳар қалай, охир-оқибат, нозик ишораларни тушуниб етди. Зояни ҳузурига таклиф этди, чектирди. Қарабсизки, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Зоя буфетчини умумий ишлардан озод қилиб, ошхонада идиш-товоқ ювишга ўтказишди. Хўш, кейин десангиз, у ердан ўзи орзу қилган раҳбарлар буфетига ўтиш унчалик қийин бўлмади. Бу вазифада Зоя ўзини жуда сипо тутди. Бошлиқлар кўз ўнгида кўп ичмади, оилали эркакларга илакишмади.

Оқ-сарикдан келган, қадди-қомати расо, дўндиққина бу аёл уч йиллик қамоқни ялло қилиб ўтказди-да, чўнтагига маълумотномаларни солиб, ғарб йўналиши бўйлаб жўнаб кетди. Лекин ғарбгача жуда олис йўл бошиш керак эди. Узоқ кутилган озодлик эса турли нағмалар билан йўлдан оздирарди. Зоя йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, бир вақт қараса, қандайдир бекатга келиб қолишибди. Бекат ёнида чорбоғча, чорбоғчада

ўриндиқ бор эди. Сариқ хазон тўшалган ўриндиқда икки эркак ўтириб олишган. Ўрталарида бир шиша ароқ, катта бодринг ва бир буханка нон.

Зоя поезддан тушди-ю, ҳалиги эркакларга сўз қотди.

Эркаклар қўйиб узатишди. Чақчақлаша бошладилар. Бир вақт Зоя қарасаки, поезд кетиб қолибди. Лекин у Ғарбга томон кетаётганини биларди. Шошиладиган ери, излаб борадиган бирор кишиси йўқ. У темир йўл бўйлаб, қуёш ботадиган томонга қараб кетаверди. Қуёш ботадиган томон ғарб бўлишини у мактабда ўқиганди.

Зоя юра-юра жуда чарчади. Бир вақт олдинда сариқ рангга бўялган уйчани кўриб қолди. Уйча атрофида ҳар хил ашқол-дашқол, ёғоч тўсинлар билан ўралган, ён томонида эса қудуқ, челак бор. Занжирбанд ит темир йўлга тикилганча кимнидир кутяпти.

Зоя уйчага қараб юрди. Ит тишларини қайраб, ириллаб унга ташланди. Зоя пинагина бузмади: «Ҳой, кўппак, хўп, сен мени еб қўйдинг ҳам дейлик. Лекин ўлкамизда икки юз миллион жон яшайди. Яна қанча қолишини биласанми? Ҳа, ҳа, ана шунақа! Ҳаммасини еб битириб бўпсан!»

Яна бир неча дақиқалардан сўнг кўппак ўз хатосини англаб етиб, худди ўша тўпори соқчи бошлиғига ўхшаб, Зоянинг кўксига бош қўйди. У аёлнинг лабларидан ўпар, ширингина тамшаниб, думини ликиллатар, садоқатга мойил товуш билан увиллаб қўярди.

Иморатчалар ортида, четан ичкарасида товуқлар потирлаб юришар, пастакина оғил эшиги ортида, чўчка яккаликдан нолигандай «ах-ах-ах-ах», деб қўярди. Чорбоқчада, ҳали қирқилмаган карам барглари орасида сигир сандирақлар ва ниманидир кавшарди. Зояни кўргач, маъраб қўйди.

Зоя «ҳа, ҳа», дея овоз берди, сигирга яқинлашиб, бўйнидан қучди, жафокаш обидийдалари тўкилди. Ювошгина сигир заъфарон хазон рангида бўлиб, пешонасида оқ тамғаси бор. Бир шохи рисоладагидек, боши узра ойдек қайрилиб турибди. Иккинчиси эса негандир олдинга қараб, деярли кўзи устига осилган. Ҳойнаҳой, хўжайин ароқ кайфидан сўнг, бош оғриғига ғажиган кўринади.

Уйча эшиги қулфланмаганди. Зоя ичкарига кирди, атрофга разм солди. Хона иккига бўлинган. Рус печи, ўтхонаси бор. Сал торроқ биринчи қисмда ҳамма анжом — жиҳозлари бўлган ошхона, вагон тахтаси қоқилиб, «Гудок» газетаси елимлаб ёпиштирилган тўсин ортида эса каравот, ёғоч стол қўйилган хобхона. Дераза тоқчасида гултуваклар, ёғоч тўсинга расмлар илинган. Ўнгда идиш-товоқ қўйилган жавон. Ҳамма анжомларга қатъий қилиб, «МПС» сўзлари ёзиб қўйилган. Ҳарна, бошпана деса арзигулик жой. Фақат ҳамма анжомларда дағал эркак қўл излари сезилади. Керосин ҳиди анқиб турибди. Лекин керосин ҳидини босиб, сергўшт карам шўрванинг ёқимли бўйи димоқни қитиқларди. Зоя печкага қаради. Худди ўзи ўйлагандай! Ўтхонада бир қозон карам шўрва, ёнида товада жингиртоб қилиб пиширилган картошка. Зоя жуда очқаб кетганди. Овқатларнинг барини печдан олди, даҳлизчадаги бочкада бодринг, печ тепасидаги саватдан катта-катта помидор топди. Меҳмон стол тузади ва ниманидир ўйлаб, хона ўртасида туриб қолди. Бурчақда сўниқ шам ушлаган аллақандай ҳур қиз тасвирланган икона. Зоя фикрлаш, бош қотиришда давом этди ва бирдан қийқирганча ўзини даҳлизга урди. У ерда катта ёғоч яшик турар, олдида қум тўлдирилган тоғора. Яшиқда керосинли бидонлар, белкурак, тормоз бошмоқлари ва шунга ўхшаш темир йўл анжомлари бор эди. Яшик тепасида эса аптечка, аптечкада «МПС» сўзлари ёзилган идишда спирт бор эди. Ахир, спирт деганингиз аптечкада бўлмай, бошқа ерда бўлармиди! Зоя спиртни стаканда сув билан омихта қилди. Жунбишга келган кимёвий аралашма тинишини кутиб турди-да, бир томчи ҳам қолдирмай ичди. Сўнг эса иштаҳа билан

тушлик қилди. Карам шўрвада катта бир бўлак чўчка гўшти ҳам бор эди. Зоя уни инсоф билан тенг иккига бўлди, яна сув ва спиртни омихта қилиб, кучи кетмаслиги учун устини қоғоз билан бекитиб ҳам қўйди. Бир оз ўйлаб тургач, сарқитларини кўппак олдига элтиб ташлади. Унга Пулкан деб ном қўйиб олди. Итнинг номи бошқа эди. Лекин кўппак шу кундан бошлаб ўз номидан ҳазар қила бошлади, уни бир умрга унутди, меҳмон опа атаган номни худди мукофотдек қабул қилди.

Стал устини йиғиштиргач, Зояни уйку босди. Тўшакни кўздан кечирди — эркак ҳиди келиб турибди. Чойшаб аллақачондан бери ювилмаган, кир-чир. Зоя сандиқни очиб, чойшаб, жилд, сочиқ олди. Қудуқ ёнига чиқиб, оёқларини ювди, ўрмон томонга бир назар ташлаб олгач, оёғидан баландроқ жойини ҳам покизалади. Совуқдан жунжикканича муздай сув таъсирида қирмизи тус олган тўқ, дўндиққина юзчасини қўллари билан сийпалаб қўйди. Девордаги ойнага қараб, сочларини таради, чап кўзини қисиб, ўз-ўзига карашма қилди. Унча-мунча ишлар ўз йўлида-ю, лекин кўз қисиш, қош қоқиш хунарини у яхши эгаллаганди.

\* \* \*

Йўл назоратчиси Адам Артёмович Зудин адаши Одам Ато сингари ҳали бўйдоқ, сўққабаш, Момо Ҳавонинг этагидан тутиб улгурмаган эди.

Одам Ато деганингиз бўйдоқ бўлиши керак-да, ахир. Унинг шаҳардан ўн икки чақирим олисдаги кулбасига бекатдан ёинки йўл ётоқхонасидан Момо Ҳаволар онда-сонда ташриф буюришар, лекин тайгадаги бир маромдаги зерикарли ҳаёт жонларига тегиб, тезда қочиб кетишарди. Мана энди, Адам — Одам Ато темир йўлни кўздан кечириб қайтиб келса, вой онажоним-ей, уйида, унинг каравотида Момо Ҳаво ухлаб ётибди! Оқ-сарикдан келган, юзи тоза, мусаффогина. Бу ҳур қиз, жаннат фариштаси, албатта. Бошқача бўлиши мумкин эмас! Қаранг, хонага кирибди, нимаики зарур бўлса, ҳаммасини топиб олибди, тановул қилибди, ичибди. Лекин овқатнинг ҳам, ичкиликнинг ҳам тенг ярмини қолдирибди. Момо Ҳаво ўзи шундай қилиши керак-да! Чунки Одам Ато билан Момо Ҳаво бир олмани тенг иккига бўлиб ейишган. Шунинг учун ҳам эр-хотин жуфтнинг ярми дейишади. Кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам инсоф-адолат юзасидан умр кечиришлари керак. Адам шоша-пиша карам шўрва ичар экан, шулар ҳақида ўйларди. У Момо Ҳаводан кўз узмас, овқат қошиқдан кўксига тўкилар, шўрва ҳўплагани сайин шошқалоқлиги ортар, сабр-бардоши тугаб борарди. Бу Тангри таолонинг иши! Худонинг ўзи марҳамат қилиб, ёввойилашиб қолган эркак хузурига шундай нозанинни юборибди. Ҳа, ўша ғамхўр, меҳрибон Тангримнинг каромати бу! Йўл бошқармасидан эса бунақанги каромат кутиб бўлсан. Улар керосин, пилик ва фонусларни жуда кам беришади, асбоб-анжом мутлақо йўқ. Асбоб-анжомни ҳам, озиқ-овқату аёлни ҳам ўзинг топ, дейишади. Ахир, бу аёл деганингиз темир йўлда думалаб ётмайди-ку! Ёлғизлик, ғам юрагини эзган Адам баъзан ёмғир, совуқ, қорбўронга ҳам қарамай, йўл ётоқхонасига боради, битта-яримта аёл нигоҳига сазовор бўлармиканман, дея азият чекади. У ерда эса вазият ҳар хил бўлади. Адам — Одам Ато асабийлашар, стулда безовта қимирлаб қўярди. Маълумингизки, қари эркак уч кунлик овқат бўлса ҳам еяверади, ҳозир эса... «Эҳ, шу карам шўрвани ҳам, тушликни ҳам жин урсин!» Адам қошиқни ташлади, каловланиб, зўрға ечинди. Биргина ич кийимда қолди. Оёғини гиламчага ҳафсала билан артди-да, чойшабни кўтариб, яхшилаб иситилган тўшак ичига кирди. Адам бир муддат жимгина чўзилиб ётди. Қараса, ҳеч ким ҳайдаб солмаяпти. Шунда Одам Ато Момо Ҳавога янада яқинлашиб, унинг пинжига тикилди. Қулоғига шу сўзлар чалинди: «Эҳ, сиз эркаклар! Ҳаммангиз йиртқиш



хайвонсизлар! Совуқдан, шамол, изғириндан кела солиб, совуқ панжалар билан иссиққина баданни ғижимлай бошлайсизлар-а!..»

Шундай қилиб, Адам уйланиб олди. Ўз қилмишидан ўзи лол, ҳайрон бўлди. Одам Ато ва Момо Ҳаво жуда қувноқ, ҳатто жўшқин ҳаёт кечирардилар. Адам неча марталаб болта ёки мисрангни боши узра кўтариб, хотинини тирқиратиб қувди. Лекин бир марта ҳам етолгани йўқ. Хотин қурғур чаққон эди. Милтиққа сочма ўқ жойлаб, отиб ташламоқчи бўлди — теккизолмади. Адам уйи деразаси олдида ўзини турникка осди — арқон узилиб кетди. Бечора Адамни шу кўйга солган нарса — Момо Ҳаво — Зоянинг ақлни шоширувчи эҳтироси ва одамларга бўлган муҳаббати эди. Ўз навбатида, одамлар ҳам уни жуда яхши кўришарди.

Ўғли туғилмагунча Зоя эри билан қонуний никоҳдан ўтишдан бош тортиб юрди. Ўғлига у Игорь деб ном қўйди. Ўғли эмин-эркинликда тез ўсди. Зоя ҳам ўзини босиб олиб, меҳрибон онага айланди. Пайт пойлаб, бекат буфетига қочиб қолишни бас қилди. Адам бўлса, яна бир қиз, бир ўғилни дунёга келтириб, Зояни ўзига маҳкамроқ боғлаб қўйиш режасини тузди. Лекин хотин анойилардан эмасди. Ўзини серфарзандлик, майда-чуйда ташвишлар билан қул қилишларига йўл қўймади. Игорь улғайиб, электровоз машинисти бўлиш учун темирйўлчилар билим юртида ўқий бошлагач, Зоя аввалгидек куч-ғайрат билан маишатбозликни бошлаб юборди.

Онаси Вейскда, темир йўлчилар кўрғонидаги еттинчи рақамли уйда пайдо бўлганида Игорь Адамович ишга жойлашиб олган, уйланиб ҳам улгурган эди. Она эри қазо қилганини, бошқа борадиган жойи йўқлигини, энди ўғли билан яшаяжagini билдирди.

\* \* \*

Шундай қилиб, у яшаб кетди. Яшаганда ҳам узундан-узок умр кечирди. Саккиз хонадонли бу уй эгалари ишлари чиқиб қолганда, кинога кетишганда, ёнги зудлик билан бирор ерга чақирилганда, болаларини пастдаги хона эшигидан киритиб юборишга одатланишди. Зудинлар хонадонида эса одатдагидек хониш эшитиларди: «А-ту-ту-ти, а-ту-ту-ти, а-ту-ту-ти...» Бу Зоя бувининг товуши. У кимнингдир боласини, баъзан бир неча болани тиззасида аллалаб, ўйнатиб ўтирарди.

Зоя буви ҳаддан ташқари сўконғич, оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Ичкиликни яхши кўрарди. Ичиб олгач, ҳаёсиз қўшиқларга сал одамшаванда тус бериб, куйлай бошларди. Қаҳри келиб қолганда кампир кўрган-кечирганларини ёдга олар, қамоқхонада маҳбуслар, ҳар хил қаланғи-қасанғилар «ўз аёллари»га қандай хушомад қилишларини ҳикоя қилиб берарди.

Болакай тушмагурлар жуда ижодкор халқ. Улар кампирнинг қўшиғини ўз ҳолича қайта ишлашар, атрофни бошларига кўтариб, куйлаб юришарди. Володя Горячев Зоя бувининг оғзаки ижодини ўрганиш учун еттинчи уйга яширинча келиб-кейтиб турарди. Зоя бувининг эса бора-бора ўз номи унутилиб, болалар туғилаверган сайин кампирнинг «ту-ти, ту-ти»си эртаю кеч тинмайдиган бўлиб қолди. Тутишиха кампир қўшиқ сўзларини, нақоратини ҳар мақомга солиб, ўзгартириб кўрди. Лекин еттинчи уй ва унинг атрофидаги болакайлар бу янгиликларни ўзлаштиролмадилар. Кампир ту-ти, ту-ти ўрнига «Уди» сўзини қўйиб кўрди, бу ҳам таъбига ўтирмагач, болаларниқига яқинлашиб қолган ақли билан янгилик йўлига ўтиб олди. Рус оғзаки ижодини бир янгилик билан бойитди: «А тути, тути, тутил, потерял мужик бутил, шарил-шарилне нашёл, сам заплакал и пошёл».

Сўнги таҳрир ҳаммани қаноатлантирди. Чунки матнда хизмат ҳақи,

қандай миннатдорчилик билдириш лозимлигига очикдан-очиқ ишора сезилиб турарди. Шундан сўнг холис хизмат учун ҳамма ҳисоб-китоблар унчалик катта ҳам, қиммат ҳам бўлмаган «бутил» — шиша ёрдамида амалга ошириладиган бўлди.

Юлька исмли набирачаси дунёга келгач, Тутишиха кампир ўғлига шундоқ буйруқ берди:

— Нафақа исроф бўлмасин учун менга минбаъд ҳар ҳафтада чоракта ароқ олиб берасан. — Кампирнинг нафақаси ҳам ҳамин қадар. Унга йўл назоратчиси ёрдамчиси сифатида эски пул ҳисобида икки юз эллик сўм миқдорида нафақа белгилашган эди.

Кампир набирали бўлгач, анча мулойимлашиб қолди. Унинг қора ўй-хаёлларини Юлькага бўлган бемаъни, аммо ёруғ муҳаббат туйғуси босиб кетдими ёинки улар ўз-ўзидан хира тортиб қолдими, ҳарқалай, касалманд, йиғлоқи, доимо бурни оқиб турадиган набирачаси бир нав юрганда кампир кўзларини юмиб олиб, вужудида йиллар деярли кўмиб юборган туйғуларни жонлантитарди. «Мен нариги қирғоқда маймунжон терардим, бунисига ўтдим-да, жонгинам-ла сайр этдим», «Сен кўприқда тик турма, папоғингни силкитма, энди мен сеникимас, жонгинам, деб атама!» Кунларнинг бирида у сассиз, кўз ёшларсиз бир ғам билан ўша туйғуни жонлантиришга муваффақ бўлди: «Жоним, соҳибжамолим, шамъи шабистоним, куйдинг-ёндинг, севдинг ва туриб ташлаб кетдинг...» Кампир куйлаб бўлиб, ўрнидан сакраб турди, ҳеч ким қараб турмаганмикан, деб атрофга аланглади ва ўзи аллақачонлар тарк этган Ватани — ғарб томонга қараган дераза ойнасига серажин пешонасини босди.

\* \* \*

Юльканинг онаси идора хизматчиси эди. У тез-тез касал бўлиб турар, туғиши мумкин эмасди. Лекин у ҳомиладорлик воситаси билан тузалиб кетишига умид қиларди. Ҳақиқатан ҳам бояқиш шу қадар соғломлашиб кетдики, темир йўлчиларнинг бепул чиптасидан фойдаланиб, ҳар йили сиҳаттоҳма-сиҳаттоҳ айланадиган одат чиқарди. Дам олгани эри билан ҳам, яққа ўзи ҳам кетаверарди. Ана шундай саёҳатларнинг биридан у қайтиб келмади. Айтишларича, Қора денгизда чўкиб кетганмиш.

Яхши касби, катта маоши бўлган ёш, салобатли Игорь Адамович бева бўлиб қолмади. Ўзи ўрта маълумот олиш учун ўқишни давом эттираётган ишчи ёшлар мактаби ўқитувчиси Викторина Мироновна Царицина унга оила қуриш ва бошқа айрим масалаларда, савод чиқаришда тезгина кўмаклашиб юборди. Викторина Мироновна жуда ёшлигида — пединститутда ўқиб юрган пайтларида Клара ва Лера исмли эгизак қизалоқларни орттириб олишга улгурганди.

Викторина Мироновнанинг темир йўл бошқармасига қарашли уйда хонадони бор эди. Игорь Адамович тез орада эски уйининг рақамини ҳам унутиб юборди. Оқибатда юзлари кўм-кўк, оёқлари ингичка, нимжон Юля ақлан заифлиги сабаб ҳатто пединститутда ўқишни ҳам уддалай олмади. Викторина Мироновна уни бир амаллаб мактабгача тарбия билим юртига жойлаштириб қўйди. Ана энди, бир неча йилдирки, Юля ўзини ҳам, таълим-тарбия тўғрисидаги фанларни ҳам қийнаб, шу даргоҳда овора бўлиб юрибди. Унинг ота-онаси икки қизни тарбиялаб, вояга етказгач, саёҳат ва дам олиш фикрига тушиб қолдилар. Маза қилиб, тараллабедод умр кечира бошладилар. Улар Европа ва яқин атрофдаги мамлакатларда бўлишди. Дала-ҳовли сотиб олиб, гулчиликка меҳр қўйишди. Бу орада Юля жазманлари ёрдамида ўзига кафан бичарди. Унинг жазманлари орасида ўша почапўстинли, ўзи дўппослаган олифта ҳам борлигини Леонид бирдан эслаб қолди. У, чамаси, улфатлари билан зина тагида Юляни ку-

тиб ўтирган. Аксига олиб, тепадаги қўшни Леонид келиб қолганини қаранг.

Тутишиха кампир Юлясиз яшай олмас, пиёда аскарлар ротасидаги фельдфебелга ўхшаб, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, унга ақл ўргатар, панд-насихат қиларди.

— Сен, ахир, дуч келганга илакишиб кетаверма-да, — чинқириқ товуш билан набирасини койирди у, — бўйингда бўлиб қолмаслиги учун кун сана ёки ампула ют.

— Капсула, бувижон. Ампула шишада бўлади.

— Хўш, шишада бўлса нима қипти? Бир марта қийналасан, кейин эса ихтиёринг ўзингда, маза қилиб юраверасан! Бўлмаса, қараб турсам, сенинг ҳар бир кўнгилхушлигинг эллиқ сўмга тушяпти. Сенларга бунча пулни даданг қаердан топиб берсин? У бечоранинг бошида уч алвастининг ташвиши. Аксига олгандай, ҳар учаласи ҳам ўлгудай шаҳватпараст. Билмадим, кимга тортган булар ўзи? Мана, мен ўзим шунақа шўх, шаддод эдим. Лекин каллам жойида эди. Калламни ишлатардим! Уқитувчи хонимнинг қизлари ҳам анча иштиёқманд кўринишади...

\* \* \*

Кампир хуштаъм бальзамга тўйиб олиб, ароқни ҳам ичиб битириб, ухлаб ётибди. Юля бўлса, ясан-тусан билан ақл-фаросатда ўзидан қолишмайдиган дугоналарини ҳайратга солади. Паша тоға эса ҳамон минғирлаб, кўл ва ҳовузлардан номақбул усуллар билан балиқ овлаб юрган, виждонини йўқотиб қўйган қария Аристарх Капустинни тўғри йўлга солиб қўйишга ҳаракат қиларди. Қўйиб берса, Аристарх портловчи модда ишлатишгача бориб етади ва қарабсизки, турмага ҳам тушиб қолади.

Лавря-казак завжаи муҳтарамаси зуғумидан отилиб кетган вулқонга дош бериб, энди қизиган моддалар совиб, кратер тубига чўкишини кутиб ўтирибди. Ҳамма нарса жой-жойига тушгач, у оёқ учида юриб, ҳожатхонага киради. Шишалар, қоғоз халтачалар орасидан «ғилдирак мойи» деган сўзлар ёзилган идишни топиб олади. Шу идишда қолган лаънати бир неча томчи уни тинчгина ухлашга қўймаяпти. Етимхонада Граня холанинг кўзи зўрға илинади. Қуш уйқуси билан ухлаб, бахтсизлик туфайли етим бўлиб қолган, ота-оналари ташлаб кетган ёинки сотиб ичган кичкина одамчалар уйқусини сергаклик билан кўриқлайди.

Кечаси клуб ва ўйингоҳлар, ресторан, кутубхона, маданият уйлари бекилади. Лекин самолётлар учаверади, соқчи ва қоровуллар ўз ўрнида туришади. Тугожилинолик Веня Фомин турма вағонида қаланғи-қасанғилар билан тиқилишиб ухлайди, ўзини қаерга олиб кетишаётганларини билмайди. Уни эса узоқ юртларга, жуда узоқ муддатга олиб кетишяпти. Эҳтимол, унинг ҳуда-беҳуда сарфланган умри қайтиб келишга етмай қолиши ҳам мумкин.

Эшикни ёғоч тамба, темир илгак билан маҳкам бекитиб олган эр-хотин Чашинлар қиздирилган иссиқ уйда бошқа-бошқа ухлашмоқда. Уйқусизлик қийнаган Маркел Тихонович «хоним»ни безовта қилмаслик учун ўғринча хўрсиниб қўяди. У набирчасини соғинган. Қизи, куёви тўғрисида ўйлайди, фронтни эслаб қолса ҳам ажабмас. Одамлар орасида у урушни камданкам хотирлайди. Баъзи-баъзида хўрсиниб қўяди: «Энди бунақа қиёмат-қойимни сира Худо кўрсатмасин...»

Билағонларни бир амаллаб ухлатган маҳаллий маданият мутафаккири Сираквасова эснаганича аллақандай Сошнин деган кимсанинг дабдаласи чиқаёзган кўлёмасини варақлайди.

Катта амалдор Володя Горячев ухлашга ҳозирланяпти, юрагида меҳмонни, ўзи ўйлаб чиқармаган бўлса-да, гирдобга тортиб кетган ўша ҳушомад у тартиб-қоидаларни бўралаб сўкмоқда. Худо берган фарзанди

қобилнинг чинқироқ овозини марҳум эри товушидан ажратолмайдиган Алевтина Ивановна бўлса, набирачаси Юранинг устини маҳкам беркитади, тунчиروқнинг яшил нуруни унинг юзидан бошқа ёққа буради. Дераза ортига, кўчага тикилади. У ўзига ишониб топширилган етимхона болалари ҳақида ўйлайди. Бу ерда у фарзандсизлиги учун гуноҳини ювмоқчи бўлгандай, болакайлар ҳаётидан уларнинг бетайин, жинояткор оналари содир этган шафқатсизликни ўчириб ташлашга, келажак йўлини ўнглашга ҳаракат қилади.

Ишлаб чарчаган Лерка ва Света ғиштин иморатнинг тор ва диққинафас хонасида энсизгина ўринда бир-бирларини кучоқлаб ётишибди. Бу иморат янги давр талабларига мослаштирилиб, «меҳмонхона русумидаги уй», деб аталяпти.

Бўлинма бўйича навбатчиликда кимдир Федя Лебеданинг ўрнига келгандир. Еттинчи уйда калтак еган ҳалиги уч шоввоз, аламларидан, қасд олгилари келиб, кимнидир дўппослашлари, майиб қилиб қўйишлари ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

\* \* \*

Дераза ортида чироқ силкинади. Сумалаклар шамол таъсирида майдаланиб, сочилиб кетади. Электровоз пешонасидаги прожектор нури, бўғиқ «дут-дут»лаш тунги йўловчиларни хотиржамлантирди. Эҳтимол, Юлянинг Болтиқ бўйидаги жуда расм бўлган сиҳатгоҳда дам олиб қайтган сахий дадаси биринчи кун ишга чиққандир. Кўчада одамлар борган сари кам учраяпти. Ер айланиши ҳам секинлашиб боряпти. Лерка билан Света ҳамон ухлашяпти... «Эй худойим, фақат аҳмоқона ҳодисаларни эслаб қолиш, кўриш мумкин бўлмаган нарсаларни кўриш, тинчгина яшамай, ўзини ўтга, чўққа уриш қобилияти менда қаердан пайдо бўлган?»

Леонид ўзи ҳақида ана шуларни ўйлашга улгурди. Эҳтимол, бир неча дақиқа ухлади ҳам. Бирданига ингичка чинқирик уни ўрнидан турғазиб юборди. Кимдир бировни сўймоқда ёинки уйига яширинча қайтаётган Юляни бирор бадмаст ушлаб олиб, зина тагига судраган кўринади.

Сошнин шимини кияётиб, деразага ҳайрон бўлиб тикилиб турган ҳам эдики, ўзи бекитишни унутган эшик очилиб, остонага йиқилиб тушган Юля унга қўлларини чўзганича эмаклаб кела бошлади:

— Лёша тоға! Лёша тоға! Бувим...

Сошнин Юлянинг устидан сакраб ўтиб, бир сакрашда пастки эшик ёнига етди ва уни ланг очиб юборди.

Тутишиха буви қуруқшаган қўлларини кўксига қўйиб, уст кийимлари, оёғида нимдош шиппак билан чойшаб устида ётар, юзида хайрихоҳ ним табассум қотиб қолган, ярим юмуқ кўзлари Леонидга боқиб турарди. Сошнин унинг совиб қолган кўзларини беркитди. «Рига бальзами»нинг сопол идишини чайқатиб кўрди. Кампир унинг маслаҳатига қулоқ солмаган, «фойдали» ичимликни охиригача ичиб қўйган экан.

Агар Леонид кечаси кампирдан бальзамни олиб қўйганида олам гулистон эди. Йўқ, у бундай қилмади, ахир, унинг ўз ишлари, ташвишлари бор. Бунақада бировнинг бировга иши бўлмай қолади-ку!

— Бас қил! — деди у эшикда ҳиқиллаб турган Юляга, — тез бориб дадангни, Викторина Мироновнани чақириб кел, мишиқи ойимча! Энди сен нима қиласан? Бувингсиз қандай яшайсан?!

— Во-о-ой, Лёша тоға, кетманг. Мен бир ўзим кўрқаман... Кетманг, хўпми... — пўстинини кияётган Юля тугмаларини ўтказолмай бидилларди, — мен ҳозир бир зумда қайтиб келаман.

Тутишиха кампирни боқий дунёга иззат-икром, дабдаба билан кузатдилар. Игорь Адамович туққан онажонидан ҳеч нарсани аямади. Кампирни

эски қабристонга эндигина қўшилган янги қабристон тупроғига топширишди. Эски қабристон ҳам унчалик кўхна эмас, қирқ бешинчи йилларда яланғоч, тош-тупроқли тепалиқда барпо этилганди.

У ерда ҳозир қалин ўрмонзор пайдо бўлган. Бир қисм дарахтлар ўтқазилган, бир қисми дарё ортидан, Вейск ўрмони, темир йўл ихота дарахтларининг шамол учириб келган уруғларидан кўкарган. Заминда ҳаёт давом этади, ернинг ўғити кўпайиб бораверади. Ҳаммаси ўз йўли, навбати билан.

Леонид Тутишиха кампирнинг шойи билан ўралган тобутига бир сиқим тупроқ ташлади-ю, ҳаво илигандан сўнг ёққан қор устидан тўғри эски қабристон томон юриб кетди. У қандайдир севинч билан илдам қадам ташлар, нигоҳлари онаси ва Лина хола қабрининг белгиси бўлган дарахтни изларди.

Кўзи янги бўялган панжара олдида ғамирлаётган темирйўлчилар кийимидаги бўйни қийшиқ кимсага тушди. Бу Граня хола эди. Леонид унинг тиловатига халал бермаслик учун ёнидан индамай ўтиб кетди. У фақат Граня холадай барваста, салобатли аёл худди мактаб боласидай кичрайиб қолганига ажабланди, холос. Чичанинг қабр тошидаги сурати офтоб, қор, ёмғир таъсирида кулранг доғ шаклига келиб қолган, лекин, офтидан, Граня хола бу доғда ҳамон эрининг сиймосини кўра олади, унинг гуноҳларини кечирши учун Тангрига сиғинади. Ўз навбатида, Тангри таоло гуноҳқор бандаси — Граня холани ҳам унутмасин ва жонини ими-жимиди, азоб-уқубатсиз олсин. Шаҳар кенгаши эса унинг жамият учун қилган хизматлари, фидойилиги эвазига, Худонинг иродаси билан пешонасига битган умр йўлдоши ёнига, ана шу қабристонга кўмишга рухсат берармиди?..

Онаси ва холасининг қабрларини ўраб турган панжара ичкарисини қурум босган қалин қор қоплаб ётарди. Шаҳар мўриларида бурқсиган қурум шу ергача етиб келибди. Леонид панжара эшикчасидаги симни очиб ўтирмади. У панжаранинг ўткир тишларини ушлаб турар, бу сокин маконга тикилганча, ўзи учун энг азиз, қадрдон аёллар ер қаърида, қор тагида қандай умри басар қилаётганликларини тасаввур этмоқчи бўлар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Энди уларга ҳеч қандай ёрдам қилиб бўлмайди. Қалб ҳароратини бахш этишнинг, меҳрибонлик кўрсатишнинг иложи йўқ. Мана шу кунни олайлик. Бу нима ўзи? Тубсиз осмон, қор оқлигидан, тепадан нур сочган қуёш таъсирида янада ёрқинлашган кун ва ғуж-ғуж одам кўмилган қабристон. Бу қабристоннинг тиқилинч қаърида – қор тагида, Сошнингдан бўлак ҳеч ким танимаган, билмаган икки киши ётибди. Улар мангу сукутга кетишган. Қани улар, қаёққа ғойиб бўлишган? Ахир, улар бор эди, мавжуд эди-ку! Улар ухлашар, хаёл суришар, ташвиш чекишар, ўз-ўзидан кўпайишар, мол-мулк йиғишарди. Муштлашишар ва яна ярашишар, қаёққадир боришар, кимнидир яхши кўриб, кимнидир ёмон кўрар, баъзан азоб чекиб, баъзан хурсанд бўлишарди...

Мана энди уларга ҳеч нима керак эмас. Уларнинг ҳеч ким билан ишлари йўқ. Ҳамма нарса тўхтаб қолди. Энди тириклар ўлим мазмунини тушуниш учун ҳар қанча уринишмасин, бунинг уддасидан чиқишолмайди. Ҳар қанча афсус чекишмасин, тирикларнинг бу ёруғ дунёни тарк этганлар олдидаги гуноҳи тугамайди.

Баҳорда қабристонда ахлатларни ёқишаётганда шамол туриб қолса бўладими? Аланга қабрлар, буталар оралай бошлади. Ҳамма ёғоч анжомлар ёниб кетди. Темир панжараларда эса бўёқ жизғанақ бўлиб қолди. Қабристондаги кўпгина қабрлар вайронлигича қор тагида қолиб кетди. Панжара ва ёдгорликларни чанг босди. Қабрлар ҳувиллаб қолди. Қор ғариб бошларни кўздан пана қилди, ғам-қайғу масканини оппоқ кафан,



жуда серандуҳ кафанга буркади.

Аланга Сошнинлар қабрига ҳам етиб келди. Панжара бўёғини эритиб юборди. Тешиклардаги суратларни куйдирди. Ёзда Леонид панжара ва соддагина ёдгорлик лавҳаларини бошқатдан ҳаворанг бўёқ билан бўяб қўйди. Ўриндиқ ўрнатди. Лекин янги сурат қўймади. Нима кераги бор? Аввалги суратларда аёллар жуда ёш кўринишади. Сошниннинг ёдида қолган онаси, холасига сира ўхшашмайди. Уруш йилларида онасининг суратга тушишга вақти ҳам бўлган эмас. Лина хола эса қамоқдан қайтгач, Леониддан яширинча черковга қатнайдиган бўлиб қолди. Шундай бўлгач, еттиёт бегона, лоқайд одамларга уларнинг суратини кўз-кўз этишга не ҳожат? Хўжакўрсинчилик қабристондан бошқа жойларда ҳам текилиб ётибди.

Онаси ёдида, лекин у Лина холасини яхшироқ эслайди. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам жуда яхши кўради. Соғиниб, ғам чекади. Ўзи тириклиги, улар эса ер қаърида ётганлигидан азобланади. Улар жуда яқин орада ётишибди. Қўл узатса, етгулик. Лекин айна вақтда шунчалар йироқ. Ҳеч ким уларга етолмайди, кўролмайди, хафа ҳам қилолмайди. Туртиб юборишнинг, ҳақорат қилишнинг ҳам иложи йўқ. Бу армон Леонидга чексиз азоб беради, қийнайди. Ҳа, ҳеч кимни иситолмайдиган, бепарво куёш нуридан шунчалар ёрқинлашиб кетган осмоннинг ҳам уларга ҳеч қандай дахли йўқ. Улар ер қаърида ётишибди. Остларида ҳам, устларида ҳам қора ер. Эҳтимол, ер аллақачон уларнинг хокини ўз вужудига сингдириб улгургандир. Ҳозирга қадар у миллион-миллион оддий ва буюк, қора ва оқ, сариқ ва қизил одамларни, ҳайвонот ва ўсимликларни, гул, кўкат ва дарахтларни, бутун бошли миллатлар ва қитъаларни хоки туроб қилган. Ўзи аслида ер ана шундай шафқатсиз, гунг, соқов, қора ва оғир бўлиши керак. У агар ҳис қила олганида, азоб чекишга қодир бўлганида аллақачонлар парчаланиб кетган, хоки коинот узра сочилган бўлур эди. Ер ўзи ато қилган нарсаларни қайтиб бағрига олиш билан биргаликда, инсонлар ғам-аламини, дардини ҳам ўзига олади. Бу билан у кишилар ҳаётининг давомийлигини, ўзларигача яшаб ўтган инсонлар хотирасини ёд этиб туришларини таъмин этади.

— Онажон, Лина хола, мени кечиринглар. — Леонид телпагини ечиб, чуқур таъзим бажо этди ва негадир тез қад ростлай олмади. Юрагида тўпланиб қолган ғам янада оғирлашиб қолди. Унинг ёрқин киш куёши истиқболига бош кўтаришга, жойидан қимирлашга мадори қолмаганди.

Ниҳоят, у боши совуқ қотаётганлигини ҳис этди. Телпагини икки қўллаб, бостириб кийди. Атрофга қарамай, бўғзига текилиб келган аччиқ кўз ёшларини йўтал билан енгилга интилиб, қабристон дарвозаси томон юриб кетди.

\* \* \*

Эски қабристондан чиқаверишда у икки кишининг қорасини кўриб қолди. Уларнинг бири бели ингичка пальто, мўйна телпак кийиб олган, замонавий этикларини бир-бирига уриб қўярди. Иккинчисининг қомати кичкинагина, саллагулга ўхшаган боши катта, дум-думалоқ. Худога шукр, болани Лина холанинг жун рўмолига ўрашга ақли етибди. Пийма калиш, қўй жунидан тўқилган қўлқопчалар, қалин пўстинча кийган Света қўлчаларини кулгили тарзда кериб турарди. «Автобусдан кечикиб қолдик, ҳамма машиналар кетиб бўпти, биз ҳар эҳтимолга қарши янги қабристондан бу ерга келдик» қабилдаги ортиқча гап-сўзларни эшитиб ўтирмаслик учун Сошнин кела-сола Светани кўтариб олди-ю, бағрига босди. Қизи индамайгина дадасининг бўйнидан қаттиқ қучди, оғизчасини унинг қулоғига босиб, секин иссиқ нафас пуфлади.

Леонид неғадир оғир қадам ташлармиди ёинки Леркага шундай туюлдими, ҳар қалай, у одатдагидан кўпроқ оқсоқланарди. Унинг қор тўла бошмоқлари йўлнинг яхмалак сиртида қаттиқ ғирчилларди. Нима дейиш, нима қилишни билмай қолган Лерка кутилмаганда болаларнинг масҳараомуз кўшиғини айтиб, уни кўнглида мазах қилишга тушди: «Бир сўм, беш тийин йўқдир текин, Олиш учун ишлаш керак лекин!»

«Менга нима бўляпти, — бирдан ўзига келди Лерка, — бутунлай эсим оғиб қолдимми, нима бало? Ёинки ёввойилашиб кетибманми? Унинг ахир оёғи азоб беряпти-ку! Афтидан, оғир милиция этигини кийиб юролмаса керак».

Хотин эркакка эргашиб, итоаткорлик билан майда қадам ташлай бошлади. Энди унинг ҳам этиклари ғирчилларди.

Сошнин темирйўлчилар қўрғонига олиб борадиган нишаб йўлга бурилганда, Лерка «Сен қаёққа кетяпсан ўзи?» дея норозилик билдирмоқчи бўлди. Лекин бундай қилмади. Чунки Леонид: «Уйга! Бегоналарникида, бурчак-бурчакларда санғиб юрганларинг етар энди!» — дея бақриб бериши турган гап. Бунинг устига, еттинчи уйда таъзия маросими. Граня хола ва Викторина Мироновнага ёрдамлашиб юбориш керакдир, эҳтимол. Бошқача бўлган тақдирда ҳам, Леонид кейинги пайтларда оғир, серғалва кунларни бошдан кечирди. Сироквасова билан ади-бади айтиш, аллақандай безорилар хужуми. Ўзи доим унга кимдир хужум қилгани-қилган. Умуман, у доим ташвиш-тахликали ҳаёт кечиради. Нимага бундай қилади? Ахир, бусиз ҳам қабристонда янги қабрлар тўлиб ётибди-ку! Уни яқин кузақда кенгайтиришган эди. Неғадир, одамлар ўз умрларига ўзлари зомин бўладилар. Ахир, бунинг тескариси бўлиши керак-ку! Қийинчиликларни биргалашиб енгиш, камчиликларга тоқат қилиш лозим...

\* \* \*

Еттинчи уйнинг оғир эшиги Леониднинг ортидан қарсиллаб ёпилиши биланоқ Граня хола унга зуғум қилди:

— Сен қаерларда санғиб юрибсан? Одамларни иккинчи бор столга ўтказиш керак. Бу ерга аллақандай фахрийлар суқилиб кириб, кўшиқ айтмоқчи бўлишяпти...

— Бунинг менга нима дахли бор, Граня хола?

— Ҳаммасини қувиб чиқар! Олиб кет!

— Мен энди милицияда ишламайман, Граня хола.

— Хўш, ишламасанг, нима бўпти?! Барибир, кимдир тартиб ўрнатиши керак-ку, ахир! Хўжайиннинг ўзи бўлса, ароққа тўйиб олди. Ҳеч кимни кўргиси, эшитгиси келмайди. Онажонининг ғамини чекапти.

Граня хола нимадандир қаттиқ хафа, дарғазаб эди. Ҳойнаҳой, етимхонадаги иш уни шу кўйга солган. Ҳали туғилган пайтларидаёқ қимматли ота-оналари томонидан тақдирлари, ҳаётлари остин-устун қилинган болакайлар қисмати юракни юмшатмас, билъакс, Граня хола сингари буюк сабот ва чидам эгаларини ҳам бағритош қилиб қўяр экан.

... Она аталмиш бир мавжудот ўз чақалоғидан жуда айёрлик билан қутулмоқчи бўлибди. Боласини темир йўл вокзалидаги автомат юк сақлаш камерасига тиқиб қўйибди. Хайриятки, Вейск милиционерлари соғ-саломат юрган собиқ қулфбузар ўғрилларнинг ҳаммасини яхши билишади. Вокзал яқинида яшайдиган ашаддий қулфбузар ўғриллардан бири камера сандиқчасини бир зумда очди. У ердан қирмизранг боғич билан боғланган тугунчани олиб, уни ғазабга тўлган оломон олдида баланд кўтарди. «Қиз бола! Миттигина қизалоқ! Ҳаётимни шунга бағишлайман. Бутун ҳаётимни! Фақат унга! — деди қулфбузар. — Чунки... Эҳ, қанжиқлар! Шундоқ митти болакайни!..»

Кўп марталаб судланган, ушланган, қамалган жафокаш бошқа гапи-ролмади. Аччиқ кўз ёшлари уни бўғмоқда эди.

Энг қизиқарлиси шундаки, ўша қулфбузар ҳақиқатан ҳам бутун ум-рини қизалоққа бахш этди. Дурадгорликни ўрганиб олиб, «Прогресс» ширкатида ишлай бошлади. Юмшоққўнгил бир аёлга уйланди. Уларнинг ҳар иккаласи қизча қаршисида шунчалар титраб-қақшашади, шунчалар эркалаб, папалашадики, асти қўяверасиз. Ҳатто, улар ҳақида газетада «Олижаноблик» деб аталадиган мақола ёзса ҳам бўлаверади.

Сошнин Светанинг уст кийимларини ечди, шўрвали қозончани плитага қўйди, қоғоз туташтирди ва печга ўтин қалай бошлади. Света печка эшик-часи қаршисидаги пастак курсидада бир оз ўтирди, сўнгра супургини олиб, полни супура бошлади.

Лерка эшик кесақисига суяниб турар, ўша лаънати жавоннинг бир бурчаги кўриниб турган ўртадаги уйча эшигидан кўз узмасди. Хўжайин уни ечиниш, ичкари ўтишга таклиф этмас, печга ўтин қалаш билан овора эди. Унинг бирор-бир бошқа эркак кимлигини билмаган «парипайкар»и эса ечинишдан, хонакилашиб қолишдан қўрқарди. Энди у эрига, уйига қайтиб кўникиши, тортинчоқлигини енгиши керак.

— Мен у ёққа кетаман, — деди Леонид боши билан эшикка ишора қилиб. — Боришим керак. Сен бўлсанг, Света, иссиққина шўрвани ичиб ол, истасанг, китоб ўқи, истасанг, ўйна. Телевизор томоша қилсанг ҳам, майли. Лекин ишлайдимми, йўқми, билмайман. Анча бўлди ундан фойдаланмаганимга.

Света супуришни бас қилди, дадасига чимирилди, сўнгра нигоҳини онасига қадади. Лерка индамайгина эшик кесақисидан четланиб, Сошнинни ўтказиб юборди.

Зинапоя тагида, ёйилиб кетган қўлмақда кулранг нимадир ётарди. «Ах-лат челақ!» — фаҳмлади Сошнин. Тўйлар, тантанали кўнгилхушликларга уни анчадан бери йўлатишмасди. Лекин таъзия маросимларидан ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Урф-одат шунақа. Бу ҳам ўзимизники — русларники.

— Ҳой, — Сошниннинг кўксидан нимадир жунбишга келди. — Ҳой, хотин, бу ёққа кел, менинг ўйнашимни яхшилаб кўриб ол! — унинг қачонлардир бўлиб ўтган жанжални эслаш билан Леркани узиб олгиси келиб турган эди. Лекин ўзини дарҳол босиб олди. Лавря-казак жуда вақтида сўз қотиб қолди:

— Сен, Леонид Викентьевич, украинлар таъбири билан айтадиган бўлсак, бирваракайига бутунлай қуюшқондан чиқиб кетибсан. Тез орада бадхоҳлик ботқоғига ботиб кетасан, жигарим!..

*Орденларни мамлакат бизга бекорга тақдим этмаган,  
Буни билар ҳар қандай жангчи...  
Биз жангга тайёрмиз, ўртоқ Ворошилов,  
Биз жангга тайёрмиз, Сталин падари бузрукворимиз...*

Қўлларини иягига тираган Лавря-казак паст товушда қўшиқ айтар, Паша тоға, Аристарх Капустин, қўшнилари, Тутишиха кампирнинг кўп сонли «шогирдлари» ва шунчаки таниш-билишлар дастрўмолчалар учи билан кўзларини хўллаб, фахрийларга жўр бўлишарди.

Игорь Адамович кишилиқ костюмида, ялтироқ бошмоқ билан онасининг каравотида юзтубан ётар, қимирламас, товуш ҳам чиқармасди. Викторина Мироновна назокат билан меҳмонларни сийлар, эри томонга ташвишли нигоҳ ташлаб қўярди. Анвойи камзул, ажнабий жубба кийиб олган Юля стол атрофида куйманар, у ҳаммага бегона, ҳеч кимга кераги йўқдек эди. Унинг нигоҳи хонага кирган Леонидга тушиб, аянчли жилмайди.

— Бу ёққа кел, Лёша тоға, бу ёққа марҳамат!

Хонандалар Леонидни кўриб, куйлашни бас қилмоқчи бўлишганди, лекин у столга ўтириб, одатдагидек қаттиққўллигига бормай, сўз қотди:

— Куйлайверинглар. Зарари йўқ. Зоя бувининг табиати очиқ эди, куйлашни яхши кўрарди...

— Вой, бувижоним, бувижонгинам! — Юля ёввойи бир товуш билан чинқирди-ю, Леониднинг елкасига бош қўйди. Леонид қизнинг кичик, беақл бошига мос бўлмаган, қулоғига тушиб қолган улама сочни силади, томоғига тикилиб қолган аччиқ бир нарсани йўқотиш учун кучаниб йўталди.

Лерка келди. Сошнин сурилиб, Викторина Мироновна уйдан келтирган тақир гиламча тўшалган тахтадан, ўз ёнидан жой бўшатди.

— Азиз бувижонимизнинг жойлари жаннатда бўлсин, — деди уялинқираб Лерка ва кенг идишдан бир қошиқ бўтқа олди, кафтини қошиқча тагида тутиб, авайлаб оғзига олиб борди. Кўзларини ердан кўтармай, узоқ чайнади.

Граня хола чўқиниб олди, сўнгра йиғлаб юборди. Қўшни аёллар бурунларини тортиб, кўзларини артиб қолишди. Кимдир оддийгина қилиб, «Мана, умр деганлари шу экан-да. Бор эди, йўқ бўлди-қолди...» — деди. Бу сўз ҳар қанча оддий, ҳар қанча содда бўлмасин, унга ҳеч ким, ҳеч қачон кўниколмади.

Ҳеч ким бу ғамгин суҳбатни давом эттирмади, бошқа куйламадилар ҳам. Юракни гард-ғубордан тозалайдиган узоқ суҳбат бўлмади, кишиларни биродарлик, ўзаро раҳм-шафқатга мойил этувчи ғамгин қўшиқлар ҳам куйланмади.

\* \* \*

Кечаси Сошнин оҳорли тўшақда қимирламай ётарди. Ёнгинасида, юпқа тўсин ортида, қабристонда шамоллаб қолган Света пишиллаб ухляпти. Леониднинг пинжига журъатсизгина тикилганича Лерка ҳам уйкуга кетган. Леонид девордаги эски соат аниқ, чиқиллаб ишлаб турганини кўрди. Света уни калит билан бураб, тоб беришни яхши кўради. Леонид соатни бурашни доимо ёдидан чиқарарди. Оила иттифоқи дарз кетганидан сўнг бир кеча-кундуз ўтгач, соатнинг тошлари полга тиралиб, тўхтаб қолди. Жимжитлик. Тўртинчи хонадонда вақт тўхтаб қолган эди.

Сошнин яна қимматли ва расм бўла бошлаган бу соат йўқсиллар хонадонига қаердан, қандай қилиб келиб қолгани тўғрисида бош қотира бошлади. Лекин ҳеч нимани эслай олмади, тўқиб чиқаролмади ҳам. Умуман, ҳеч нимани ўйлагиси келмас, унинг уйида ҳам, кўнглида ҳам омонатгина бўлса-да, ноёб бир ором ҳукмрон эди. У тирикчилигини бир амаллаб йўлга қўйиши, ҳаёт икир-чикирлари тагига етиши лозимлигини тушунарди. Ёзув столига ўтиришдан олдин бошдан кечирган, кечираётган воқеаларни янгичасига таҳлил қилиш, кишиларга аввалгидек зийрак ва шафқатсиз, тезкор ходим кўзи билан эмас, балки бошқа соҳа одами назари билан қараш, тушунишни ўрганиш керак. Олдинги ишида ароқзада, хотинбоз бевалар, мўлтонилар, кичик ва катта ўғрилар — «отахон» ва «малика»лар, қўшмачи ва юлғичлар, вокзал ва чордоқ сокинлари, дайди ва бошқа қаланғи-қасанғиларни «саралаш» жуда осон эди. Лекин бу ахир фақатгина юз қатлам... Ёки пасткисимикан? Дераза тоқчасидаги чанг. Дераза, ойна ортида эса ҳар хил кишилар тентирайди. Югуради, яшайди, рақсга тушади, хурсандчилик қилади, йиғлайди, ўғирлайди, сўнги парча нонини бировга беради, ўзини, авлод-аждодларининг муқаддас нарсаларини фидо этади, жуда кўп одамлар, далалар, ўрмонлар туғилади, ўлади.

«Много лесу много вересиночек...» У ҳар қанча ҳаракат қилмасин,

Полевки қишлоғида эшитган частушкани охиригача эслаб улгуролмай, ухлаб қолди.

У аввалига тинчгина ухлади. Кейин илакишиб қолган қўрқинчли туш азоб бера бошлади. Балиқчилар ифлослантирган, пармалар билан илма-тешик қилинган баҳорий муз устида қизил қалпоқчали қизалоқлар диконглар, у ёқдан-бу ёққа югурарди. Муз бу қирғоқдан ҳам, наригисидан ҳам ажраган, ҳадемай дарё жунбишга келади. Муз устида ўша қизалоқдан бўлак бирорбир жон йўқ. Леонид тикила-тикила қизча Света эканлигини таниб қолди, бақирмоқчи бўлди, лекин худди шу аснода дарё ҳаракатга келиб, музлар қасир-қусур сина бошлади. Сошнин қирғоқ бўйлаб югурар, аниқроғи, югурмоқчи бўлар, лекин бунинг иложи йўқ эди. У Светани чақирди. Лекин баланд товуш учун кўксиди ҳаво етишмасди. Шунда у ўзини дарёга ташлади-да, музни муштлири билан синдиришга уринди. Лекин муз синмасди. «Ёғоч, ёғоч билан синдир!» — Федя Лебеданинг товуши келди. Қаердандир тахта топилиб қолди. Леонид тахта билан музни парчалаб, кўксини ўткир парчаларга тираганича, қайнаб турган лойқа сувга тобора чуқурроқ кирар, Света томонга интиларди. «Хайриятки, сув совуқ эмас. Оқава. Шина заводидан чиқадиган иссиқ оқава сув. Шунинг учун ҳам совуқ эмас-да». У бир амаллаб қизча ёнига ёриб ўтди. Қўлларини чўзди. Бироқ худди шу сонияда муз бир неча қисмга бўлиниб кетди-ю, бепарво кулиб турган қизалоқ чаккасига қип-қизил «2» баҳоси турган дафтар варағидек чирпирак бўлиб, у ер-бу ерини юлдузлар тешиб ўтган зим-зиё осмонга кўтарилиб кетди. «Бу ахир, нариги дунё-ку!» — фаҳмлади Леонид ва бор овоз билан «А-а-а!» — дея бақирди. Аслида эса, зўрға ғингшиди ва тўшақда бир сакраб уйғонди.

— Сенга нима бўлди? — шивирлади Лерка.

— Ухла, ухлайвер, ҳеч нима бўлгани йўқ, — Леонид енгил тортиб, нафасини ростлади ва Леркани кафти билан тўшаққа қисди. Ҳаракатсизликдан қўли карахт бўлиб қолгунча шундай ушлаб тураверди. Сўнгра қизидан хабар олиш учун ўрнидан турди. Қизалоқ чойшабни осилтириб, ёстиқни тушириб юборганича қўл-оёқларини кериб, Лина холанинг сандиғини кучоқлаб, ухлаб ётарди. Унгача бу сандиқ Светанинг узоқ қариндошлари ихтиёрида эди. Улар бу сандиқда ўзларининг никоҳ қўйлақлари, одмигина сеплари, ҳар хил рўмоллар, бўхчалар, чойшаб ва кашталарини сақлашарди. Света уларни ҳеч қачон кўрмаган ва энди кўролмади ҳам. «Бу ўринда энди даврларнинг узвий боғлиқлиги ҳақида сафсата сотишнинг ҳожати йўқ. Бу узвийлик узилган. Узвийлик ҳақидаги ҳикматли сўз энди шоирона ташбеҳдай янграмайди. У ҳозир шундай қаҳрли маъно касб этдики, аҳамияти, мазмунини англаб етиш, эҳтимол, вақт ўтиши билан бизга насиб этар. Эҳтимол, биз ҳам эмас, балки Света мансуб бўлган авлод, дунё борлигидан буён энг фожиавий ҳисобланган ана шу авлод бу ишни амалга оширса, ажабмас...»

Сошнин эҳтиёткорлик билан ёстиқни қизининг боши тагига қўйди, чойшабни тўғрилади ва сандиқ ёнига тиз чўқди. Ёноғини қизчасининг бошига секингина босди-да, ширин, ҳаётбахш бир ғам қўйнига ғарқ бўлди. У ўзига келганида юзлари ҳўл эди. Лекин у кўз ёшларидан уялмади, заифлиги учун ўз-ўзидан нафратланмади, серҳиссиётлиги учун одатдагидек ўз устидан кулмади ҳам.

Леонид ўрнига қайтди, қўлларини боши орқасига қўйиб, Леркага онда-сонда кўз қирини ташлаб ётаверди. Лерканинг боши эрининг қўлтиғига тикилиб қолганди.

Эру хотин. Эркак ва аёл. Бир ёстиққа бош қўйишади. Биргалиқда умр кечиришади. Нон еб, сув ичишади. Иўқсизлик ва касалликларни бирга бартараф этишади. Мана бунақа болачаларни катта қилишади. Биттагина



болани ҳам зўр-базўр ўстиришади. Уни вояга етказгунча ўзларини ҳам, фарзандларини ҳам беҳад қийнаб юборишади.

Эркак ва урғочи жонзотлар табиат ҳукми билан қўшилишиб, ҳаётларининг давомийлигини таъминлайдилар. Лекин инсонлар жамиятга кўмаклашиш, камолга етиш, юрак қонларини ёстиқдошлари юрагига қуйиш, шу қон билан ўзларида бўлган жамики эзгуликларни ҳаёт йўлдошларига ўтказиш учун қовушадилар. Ота-оналари уларни бир-бирларига тортиқ этишганда ҳар бирининг ўз ҳаёти, табиати, одатлари бор эди. Энди эса ана шу икки хил ашёддан кўп асрлик мухташам бинода Оила аталмиш бир гўша бунёд этиш керак бўлади. Бу қайта туғилишга ўхшаб кетади. Заминда ўзига ўхшаганлар орасида сарсари кезган эркак ва аёл тақдир тақозоси, ёинки ҳаётнинг қудратли қонуни туфайли қовушадилар. Эр-хотин бўладилар. Бир-бирини билмаган, борлигидан ҳатто хабардор бўлмаган аёл ва эркак қон-қариндош бўлиш, ота-оналаридан сўнг ҳаётни давом эттириш, ўзлари ҳам ота-она қисматини бошдан кечириш, қўшақариш, сўнгги манзилгача бирга етиб бориш, бир-бирларидан ҳеч ким билмайдиган ғам, азоб билан ажралиш учун қовушадилар.

Нақадар буюк сир-синоат! Уни англаш учун минглаб йиллар сарфланган, лекин худди ўлим сингари, оила сир-асрорлари ҳам тушуниб етилган, ҳал этилган эмас. Қайси сулола, жамият, салтанатда оила бузила бошла-са, эркак ва аёл бир-бирини тополмай, сарсон бўлса, ўша салтанатнинг кули кўкка совурилган. Қайси сулола, жамият, салтанат оила барпо этмаган, унинг асосий қонуниятларини емирган бўлса, у ерда қўлга киритилган тараққиёт билан мақтаниб, қурол-яроғ жарангига зўр берадилар. Оила емирилиши биланоқ, ҳамжиҳатлик, иттифоқ ҳам инқирозга юз тутган, ёмонлик яхшилиқдан устун кела бошлаган, оёқ остидаги ер эса ўзларини одам деб юрган, аслида бунга ҳеч қандай асослари бўлмаган бир тўда қаланғи-қасанғи, мурдорларни ютиб юбориш учун тарам-тарам ёрилган.

Лекин ҳозирги телба дунёда эр хотинни тайёргина ҳолда олишни истайди. Хотин ҳам, ўз навбатида, яхши, иложи бўлса, жуда ҳам яхши, бенуқсон эрни излайди. Дунёда энг муқаддас ҳисобланган оила ришталарини мазах қилган, ҳамма яхши аёллар вужудига оз-оздан сингиб кетган ёмон хотин ҳақидаги кўҳна ҳикматни сийқалаштириб юборган замонавий маҳмаданалар, афтидан, яхши эр хусусиятлари ёмон эркакларнинг ҳаммасига оз-оздан тарқатилганини билишса керак. Ёмон эркак ва ёмон аёлни қопга тикиб, денгиз тубига чўктириш керак, вассалом. Бундан осон, жўн иш йўқ. Лекин энг аввало ана шу жўнлик сари ҳаддан ташқари шалдироқ, ҳаёт бўронлари пачоқлаган, сузувчанлигини йўқотган оила кемасида сузиб бориш керак.

«Эру хотин — қўш ҳўкиз», «Хотин эрнинг маҳрига тушган», — Леониднинг оиладек мураккаб нарса ҳақида билган ҳикматлари шуларгина эди, холос.

«Қани, ўртоқ Даль луғатларида нима дейилган экан?» У Лерканинг устидан секин ошиб ўта бошлади. Света билан бирга ухлаб, унинг ҳар бир ҳаракатини кўришга одатланган, яккаю ягона фарзандининг ҳатто нафас олишини эшитадиган Лерка уйғонмаёқ қўли билан ёнини пайпаслади.

— Сенга нима бўлди? — яна бўғиқ товуш билан сўради у.

— Ухла, ухлайвер, ҳеч нима бўлгани йўқ, — яна паст товушда жавоб берди Леонид хотинининг устини чойшаб билан ёпар экан, — печкани ёқаман. Света совқотди.

Хона совуқ бўлмаса-да, у печкани ёқди. Очиқ эшикчаси олдида ўтириб, иссиқ ҳаводан нафас олди. Чиройли, тетиклик билан рақс тушаётган алангага тикилди. Уз сочларига ўралиб, эмин-эркин чўзилиб ётган Леркага кўз қирини ташлаб, стол томонга йўналди.

Қачонлардир Вейск станцияси техник идорасида эскиргани учун яроқсизга чиқарилиб, Лина холага бутунлай бериб юборилган ёзув столи тепасида дарслик китоблар, мактаб анжомлари учун токча қоқиб қўйилганди. Ҳозир бу токчада дераза томонга қийшайганича луғат, қўлланмалар, севимли китоблар, шеър ва қўшиқ тўпламлари турибди. Улар орасида семафорнинг яшил чироғидай бўлиб «Рус халқ мақоллари» китобининг муқоваси кўзга ташланиб турибди. Ёш адиб ва оилавий ишларда чиниққан эр қалин китобнинг ўртасидан очди. «Эр-хотин» бўлими кенг, мўл — ўн икки варақни эгаллаганди. Ўтган асргача ёш рус миллати оила масалаларида анчагина тажриба тўплаган ва уни оғзаки ижодда акс эттирган эди.

«Яхши хотин ва ёғлиқ карам шўрва — бундан ортиқроқ бахт излаб юрма», «Жуда ақлли, ўрнида айтилган гап», — захарханда қилди темирйўлчилар қўрғонининг мутафаккири. Лекин тез орада саҳифаларда шунақанги очиқ-ойдин фикрлар кўпайиб кетдики, унинг пичинг қилгиси келмай қолди. «Ўлим ҳам, хотин ҳам худонинг ирода-сидир», «Уйланиш бор — ажралиш йўқ», «Ким билан никоҳ ўқилган бўлса, ўша билан жаноза ҳам ўқилса», «Қуш қаноти билан кучли бўлса, хотин эри билан гўзалдир», «Эримнинг паноҳида бўлсам, ҳеч кимдан қўрқмайман».

«Шунақа! Бўлмасам-чи! — Леонид бу дафъа халқ мақолини қувватламади, — сизларни замонавий аёл билан таништириб қўйганда, билардинлар!» У беихтиёр Леркага кўз қирини ташлади. «Хотин этик эмас, оёқдан ечиб ташлаб бўлмайди», «Тўппа-тўғри», — хўрсинди Сошнин ва китобни ўз жойига қўйди. Луғатларда бўлмаса ҳам Тутишиха кампирнинг ўгитлари одамшаванда ҳаёт кечириш учун етиб ортади. «Оилаларнинг бузилиб, аёллар эркаклар билан ажрашиб кетишига сабаб нима, биласизларми? — сўрарди у. — Сабаб шуки, эр-хотин бошқа-бошқа ётишади. Болаларини, бир-бирларини ҳафталаб кўришмайди. Оила нима билан мустаҳкамлансин, ахир? Адам билан ғижиллашган, баъзан муштлашган пайтларимиз ҳам бўларди. Лекин эр-хотин жанжаллашишса ҳам бир кўрпа тагида ётишди! Кечаси Адам билмасдан қўлини устимга қўярди. Мен бўлсам, иссиқдан оёғимни унинг устига ташлайман. Бир вақт қарабсизки, уйда жимжитлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлиб қолибди...»

«Бу ҳам тўғри, — хўрсинди Сошнин. — Кампир мураккаб вазифаларни ортиқча гап-сўзсиз, оддий, лекин аниқ усул билан ҳал этарди».

Леонид хона ўртасида бир муддат турди, бошини сийпалаб қўйди. Жавон ортидан тонг мўъжазгина нигоҳ ташламоқда эди. «Лекин бу тобутни, барибир, ўтин қилиб юборишга тўғри келади, — деди у қўтир иншоотни силаб қўяр экан. Жавон эса қари кўппакка ўхшаб, ғадир-будир тили билан унинг бармоқларини тирнар, кафтини хайрихоҳларча қитиқларди.

«Бошқа илож йўқ, дўстим, замонавий туриш-турмуш қурбонлар талаб қилади! Бизда бирор бир янгилик қурбонларсиз юзага келмайди», — захарханда қилди тўртинчи хонадон хўжайини.

Сошнин осойишта ухлаётган оиласи бағридаги фароғатдан лаззатланиб, кучига ишониб, столга қапишганида тонг аллақачон рутубатли қор уюмидай бўлиб, ошхона деразасидан думалаб кирмоқда эди. Леонид хурсандчиликдан қийқириб юбормаслиги учун столи шалвираган қўллари билан ушлаб, эски идора чироғига чўзилди. Темир қалпоқни буриб, нурни тоза, оқ қоғозга туширди ва унинг тепасида узоқ вақт жим туриб қолди.

*Рус тилидан  
Жўра ФОЗИЛ таржимаси*



## Ясуси ИНОУЭ

**Я**суси Иноуэ ҳарбий шифокор оиласида таваллуд топган бўлиб, олти ёшидан сўнг Сидзуок вилоятида истиқомат қилувчи бувиси қўлида тарбия топган. Вояга етгач, Канадзав шаҳрига кўчиб келган ва шу ерда ижод билан жиддий шуғулланган. У Кюсю ва Киото университетларида таҳсил олган. Кейинги йилларда унинг асарлари, айниқса оммалашиб кетган. 1949 йилда Рюноске Акутагава номидаги мукофотга, 1976 йилда «Миллатимиз фахри» нуфузли мукофотига сазовор бўлган. 1964 йилда у Япония Санъат Академиясининг аъзолигига сайланган. 1984 йилда «ПЭН-Клуб»нинг япон бўлими раҳбари Ясунари Кавабатадан сўнг президентлик лавозимини эгаллаган.

## ЖИЛВАГАР ТЎТИЧА

Боғим чоққина бўлса-да, куз келиши билан бу ерга ҳар хил қушлар учиб келишади. Шу яқин атрофда отчопарга туташ боғ ҳам бор, қушлар ана ўша ерда тўпланишади ва гоҳ у ранглиси бўладими, гоҳ бу ранглисими, йўл-йўлакай менинг боғимга учиб келаверишади. Баъзи қушлар эҳтимол ўша боғнинг ўзида яшашар ва кўнгилларини хушлаш учун менинг боғимга ташриф буюришарди. Улар нафақат менинг боғимда бўлишарди, балки қўшни ҳовлиларга ҳам келиб туришарди. Қаерда лоақал бир тутам яшил майсами, бир-иккита дарахтми бўлса бўлгани, ўша ерда қушлар ҳозир у нозир эди. Биз истиқомат қилаётган даҳанинг ажойиблиги ҳам шунда — Сэтага туманига қарашли бўлган бу ўртача даромадга эга даҳанинг бошқа ҳеч бир эътиборга арзирли жойи йўқ, десам ёлғон бўлмас.

Шу йил баҳорда боғимдаги чуғурчуқ уяларидан бирини читтак эгаллаб олди ва бу ерда ўз палапонлари билан нақ кузгача яшади. Уч жуфт мусича-кидзибато теварак-атрофда тинмай айланиб учиб юрарди — эҳтимол, улар менинг ё бўлмаса ҳамсоямнинг дарахтига ин қўйишгандир. Баъзан йиғирмата-ўттизта улкан чуғурчиқлар тўдаси учиб келарди: улар майсалар устига бемалол жойлашиб оларди-да, оз-моз чўқигандек бўларди ва яна шу заҳоти қий-чув кўтарганча кўздан ғойиб бўларди. Бу ерга ҳатто каптарлар ҳам учиб келарди, мана бу иккита жуфтга бир қаранг, улар гўё ўтлоқни сотиб олгандек ҳеч нимага парво қилмай, жойларидан жилмай ўтираверарди. Уларни кузатиб юрган катта ўғлим, бундай ҳолатда қушлар мудраётган бўлади, деб қолди.

Чумчуқлар, ҳақкалар ва чуғурчиқлар гала-гала бўлиб учиб келарди-да, бутун яйловга ёйилиб тарқалиб, биргаликда чувалчангларга ҳужум бошлардилар. Қизининг айтишича ҳақкалар сержаҳл ва ёвуз бўлармиш, улар баъзан чумчуқ ва чуғурчиқлар олдига пусиб келиб, уларга ташланиб қолармиш. Эҳтимол, ҳақкаларнинг кўзлари ўткирдир, бошқа қушлар қаерда

қорин тўйғизишларини улар аниқ-тиниқ кўриб турарлар.

Шу йилнинг кузи — октябрь ойининг бошларида айвондаги ўз хизмат хонамда чой ичиб ўтирардим. Бирдан боғимда нимадир рўй берди... Буни қаранг! Йигирматача чумчуқ орасида мутлақо уларга ўхшамайдиган қандайдир яшил қушчага кўзим тушиб қолса бўладими. Бу жилвагар тўтичанинг худди ўзгинаси эди. Билишимча, бундай тўтичанинг ёввойиси бўлмасди, демак, қушча кимнингдир уйида яшаган ва у ердан учиб кетган.

Мен боққа тушдим. Чумчуқлар галаси бирдан пир этиб учиб кетди. Тўтича бир оз улгурмай қолди, лекин хийла бесўнақайлик билан бўлса-да, барибир парвоз қилди ва ҳамма қушлар кўчанинг нариги юзидаги сердарахт бошқа боққа беркинишди.

Ўша куни худди шу чумчуқлар галаси яна учиб келди. Бу айнан ўша тўданинг ўзи — чунки анави сабзаранг қушча ҳам улар орасида эди. Бироқ бу сафар мен боққа тушиб ўтирмадим. Ҳа, чиндан ҳам, бу қушча чумчуқларга ўхшамасди. Унинг ранги ҳам, кўриниши ҳам бутунлай бўлакча эди. Шунда чумчуқлар нимадандир чўчиди ва гур этиб учиб кетди. Кетидан тўтича ҳам парвоз қилди. Фақат қушча чумчуқлар каби моҳир парвозчи эмасди. Чунки у бўшангқираб ва бесўнақай ҳаракат қиларди. Шундай бўлса-да, барибир у гала изидан қолмай, қўшни уйнинг томида уларга етиб оларди ва ҳаммалари биргаликда кунботар томонга йўл олишарди. Ушанда хотинимга:

— Чумчуқлар анави томнинг тепасида тўтича келгунча кутиб туришди. Сабзаранг қушча уларга етиб олгандан кейин ҳаммалари биргаликда парвоз қилишди, — дедим мен.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? — деди хотини.

— Бўлмасам-чи. Улар, гарчи чумчуқ бўлса-да, қисматини қушлар галаси билан боғлаганни ҳеч қачон ташлаб кетмайдилар. Ана шу садоқат уларни одамлардан ажратиб туради. Чумчуқлар — беозор жонивор, жилвагар тўтича ҳам улардан қолишмайди. Тўғри, унинг патлари сал бошқачароқ, хўш, бошқача бўлса нима бўпти? Бу пат деганлари фақат мана шу ўткинчи ҳаётдагина асқотади, холос, ҳаёт эса жуда қисқа. Майли, энди у қолган умрини биз чумчуқлар билан баҳам кўраверсин десалар керак-да, — дедим мен.

Ўша куни оқшом уйда учта меҳмонимиз бор эди. Кечки овқат пайти мен ўша жилвагар тўтича ҳақида уларга сўзлаб бердим. Сўнгги пайтлар одамлар орасида қабихликлар авж олиб боряпти, биронта ёқимли гап қулоққа чалинмай қолди, лекин қушлар дунёсида аҳвол бошқача, у ерда кўнглинга таскин берадиган воқеалар содир бўляпти: тўтича чумчуқлар галасига кўникиб кетди, энди у ўша олам қонунлари билан яшайди. Тўтичамиз — ажойиб, уни жон-жон деб ўз бағрига олган чумчуқлар ундан ҳам ажойиб.

Меҳмонларимиз ортиқча эҳтиросга берилмай: «Йўғ-э! Наҳотки! Бўлиши мумкин эмас! Бу ахир жуда қизиқ-ку!» — дея сал ажабсиндилар. Ҳикоям меҳмонларни унчалик қойил қолдирмаганига амин бўлдим, тўғриси бундай бўлади деб сира кутмовдим.

— Кўрганларингиз балки сиз ўйлагандан сал бошқачароқдир. Нима бўлганда ҳам тўти тўти-да, у асло чумчуқ бўлолмайди, чумчуқ ўз оти билан чумчуқ, улар ҳеч қачон бирга яшамайди. Эҳтимол, аллақачон бир-бирини унутиб ҳам юборгандир ва ҳозир бошқа-бошқа жойларда истиқомат қилишар, — деди меҳмонлардан бири. Улардан роса хафа бўлдим. Садқайи одам кетинглар-е! — демоқчи бўлдим-у, тилимни зўрға тийдим.

\* \* \*

Орадан тахминан ярим ойча вақт ўтди, мен сайр қилгани боққа кирдим ва чумчуқлар галаси ичида юрган яна ўша жилвагар тўтичага кўзим тушди. Мен отчопардаги ўриндиқлардан бирида ўтирардим. Лекин у ерга пойга учун бормагандим. Пойга вақтида иложи борица бу ерлардан ўзимни узоқроқда тутишга ҳаракат қилардим, бироқ ўша куни биронта от пойгага чиқмагани,

ўриндиқлар бўшаб ётар, мен куз офтобига ўзимни солиб, эрмакка газета мутолаа қилгани у ерга боргандим. Бирдан:

— Вой, анави жилвагар тўтичани қаранг! — деган сўзлар қулоғимга чалинди. Бу мендан ўн беш қадамча нарида иш тўқиб ўтирган ўттиз ёшлардаги аёлнинг ҳаяжонли овози эди. Чиндан ҳам ўриндиқ зинапоясини чумчуқлар галаси эгаллаб олган, анави сабзаранг ёлғиз тўтича ҳам уларнинг орасида уймалашиб юрарди.

— Бу ростдан ҳам тўтича-ку, — шунга ўхшаш яна бир товуш қулоғимга чалинди. Овоз эгаси юқори қатордан тушиб келди. Бу эгнига шим ва свитер кийиб олган элликлар атрофидаги эркак бўлиб, негадир у кўзимга иссиқ кўринди. Афтидан, боғда сайр қилишга ишқивозлардан бўлса керак. Доим ўзи билан мўъжазгина радиоприёмник олиб юрарди. Аёл, эркак ва мен — ҳаммамиз бир-биримизга яқин келдик ва чумчуқларни биргаликда кузата бошладик.

— Бир ой аввал бу тўтичани ўзимизнинг боғда кўргандим, — дедим мен. — Ўшанда ҳам тўтича чумчуқлар орасида эди.

— Йўғ-э! Наҳотки? — Эркак қизиқиб қолди-да, галага яна ҳам диққат билан разм сола бошлади. Аёл эса:

— Қани энди уни ушлашнинг иложи бўлса. Зап ноёб қуш эканми? — деди суқ билан.

Шунда чумчуқлар бирдан пир этиб учиб кетишди, тўтича боёқиш эса ҳар доимгидек ҳавога аранг кўтарилди ва гала изидан қанот қоқиб кетди.

— Бу қушлар жудаям зийрак жонивор-да, — дедим мен аёлдан жаҳлим чиқиб.

\* \* \*

Ўшандан буён сайрга чиққанимдагина эмас, бошқа пайтда ҳам чумчуқлар галасига кўзим тушса бўлгани, ҳар сафар тўтичани кўриб қолиш илинжида тўхтардим. Бироқ жилвагар тўтичани кўриш менга бошқа насиб этмади. Уйдалигимда ҳам боққа чумчуқлар учиб келишса, ўтирган жойимдан сакраб турардим-да, уни излай бошлардим, лекин афсус...

Қиш ҳам эшик қоқмоқда, тўтича ҳам аста-секин эсимдан чиқа бошлади. Фақат аҳён-аҳёндагина бир эсимга тушиб қолганида, чумчуқлар орасида унинг аҳволи не кечди экан, деб кўнглимдан ўтказиб кўярдим, холос. Бу менга нимаси биландир ахлоқсиз қизи уйдан қочиб кетган шўрлик отани эслатиб юборарди.

Ноябрь ойининг қуёшли кунларидан бирида, мен боғ ёпилишидан сал олдин, аниқроғи, соат тўрт бўлмасдан у ерга етиб бордим. Модомики, сайр қилишдан мосуво эканман, жилла қурса одатга айланиб улгурган кундалик вазифамни бажаришга киришиб, боғдан шоша-пиша кетиб борардим. Ўрмондаги яланғоч қолган поялар орасидан ботаётган қизғиш қуёш ялт этиб кўзга ташланарди.

Дарахтзордан чиқаётиб, мўъжазгина радиоприёмник кўтариб олган эркакка урилиб кетдим. Бу ўша, отчопардаги ўриндиқда бир-икки оғиз суҳбатлашишга тўғри келган ҳалиги эркак эди.

— Анави жилвагар тўтичани яна кўриб қолдим, — деди у. Янглишмасам, унга мана шу йўлақда кўзим тушди. Чумчуқлар бу сафар аввалгидан ҳам кўпроқ эди. Санасангиз, бемалол ўттизтача чиқарди. Улар орасидаги анави сабзаранг қуш, тўдадагилар қандай бўлса, ўшаларга тортиб кетганди. Кўриб кўзларимга ишонмадим. Биласизми, менимча, у ўзининг тўти эканини ҳам нутиб қўйган. Чамамда, у ўзини чумчуқ деб ўйлайди.

— Наҳотки? — Мен нима дейишни ҳам билмай қолдим. Биз ёнма-ён борардик. Боғ ёпилай деб қолганди.

— Ҳар ҳолда, ўзининг чумчуқлардан фарқ қилишини билса керак?

— Йўғ-э, менимча, у буни билмайди. Лекин чумчуқлар орасида қандайдир



битта ранг-баранг бошқачароғи юрганини, унинг ҳам ўзлари каби куш тоифасидан эканини кўраётган бўлишса, эҳтимол, кейин...

— Чумчуқлар-ку билишар, бироқ тўтича...

— Менимча, бу сабзаранг кушча ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини фаҳмлаганида эди, чумчуқлар билан қолиб кетмаган бўларди. Буни англашга тўти ожизлик қиляпти. Ҳамма бало мана шунда.

Шунда эркак бирдан кулиб юборди, юзидаги ажинлар икки баравар кўпайди.

— Ҳасрат дафтаримни очганим учун мени маъзур тутинг, бироқ гап шундаки, менинг ҳам қисматим тўтиникидан қолишмайди. Мен ҳам бошқаларга ўхшамаслигимни фаҳмлашга ожизлик қилиб, бир умр чумчуқлар орасида яшаб келдим. Бу йил ёшим бир жойга борганда ишдан кетдим. Насиб этса, келаси баҳор янги ишга жойлашмоқчиман, аввалги ишимда тўтидан фарқим қолмаганди.

— ...

— Мен савдо-сотиқ ишини эпполмайман, бунга уқувим йўқ, лекин аҳмоқлигимга бориб, савдо ишлари билан шуғулланувчи бир ширкатга ишга жойлашиб кўйдим-да, синов муддатини ўтагунимча тишимни тишимга кўйиб ишладим. Мана буни, мен сизга айтсам, ҳақиқий фожиа деса бўлади. Тўғри, мен ҳалол тер тўкиб ишладим, ширкат ҳам мендан домангир бўлмади ва синов муддати тугагунча мени ушлаб турди. Худди чумчуқлар галасига ўхшаб.

Боғдан чиқишимиз билан кетимиздан дарвозанинг панжарасимон темир тавақасига қулф урилди. Биз яна беш дақиқача суҳбатлашиб, сўнг хайрлашдик.

\* \* \*

Отчопардаги ўриндикда ўтириб олиб, иш тўқиш билан машғул бўлган аёлни ўшандан кейин декабрь ойидагина учратиш қолдим. Боғдан чиқаётиб, дарвоза олдида унга урилиб кетишимга сал қолди.

— О... — Биз бир-биримиз билан бош эгиб саломлашдик, у мени дарров танимади, лекин бир оз ўтгач:

— Вой, сиз билан, афтидан...

Ўшанда менга инжиқ бола бўлиб туюлган аёл бу гал кўзимга бирам мулойим ва сулув кўриниб кетди.

— Нима, сиз шу яқин-атрофда яшайсизми?

— Бу ердан ўн дақиқалик йўл, холос. Ҳозир эрим югуриш билан шуғулланаяпти, мен уни олиб кетгани келдим. — Дарҳақиқат, кўчанинг нариги бетида енгил машина турарди.

— Ушандан кейин жилвагар тўтичага бошқа кўзингиз тушмадими? — сўрадим ундан. Бунга астойдил қизиқаётган эдим.

— Йўқ, бошқа кўрмадим.

— Эсингизда бўлса, трибунада яна бир одам бор эди. Ўша кишини яқинда учратиш қолгандим, у ўша тўтичани боғда яна кўрганини айтди.

— Йўғ-эй? Унда тўтичанинг аҳволи қандай экан? Ўзиям бирам ёқимтой, бирам фаросатли куш эдики. Чумчуқлар орасида қийналиб қолган бўлса керак, боёқиш. Қандай чидаб яшаётган экан?

— Бечора ўзининг жилвагар тўтича эканидан ҳам беҳабар. Ўзини чумчуқ деб ўйласа керак. Тўғриси, бу мендан чиққан фикр эмас... — дедим мен.

— Ҳа. Бу кимнинг хаёлига келибди дейсиз, — ажабланиб жавоб берди аёл. — Биласизми, ўша тўтича ҳақида эримга гапириб бергандим, у: «Ўша тўтича деганинг мен бўламан», — деса бўладими. — Аёл аста елка учуриб кўйди-да, кулиб юборди. — У: «Ўзим жилвагар тўти бўлсам-да, чумчуқлар орасида яшайман, нима қилай, чидайман, илож қанча», — деди.

— ...

— Эрим рассом.

— ...

— Эрим ҳамкасаба-рассомларни чумчуқлар галасига ўхшатади ва уларнинг орасида тўтичанинг косаси ҳеч қачон оқармайди, деб ҳисоблайди.

— ...

— Айтгандай, келгуси баҳор Гиндздаги К. галереясида унинг шахсий кўргазмаси бўлади.

— Энди бунисига нима дейсиз? Шундан кейин ҳам уни тўти дейишда давом этаверасизми?

Шу ерда аёл бирдан шошиб қолди-да:

— Вой, ана менинг тўтичам ҳам келиб қолди. Узр, энди мен борай, кўришгунча. — Аёл хайрлашди-да, кўчанинг нариги бетига, машина турган томонга қараб юриб кетди. Узоқдан спорт майкасидаги бўйдор спортчи йигит кўринди. У хазонлар ер билан битта бўлиб тўкилиб ётган хиёбон бўйлаб чопиб келарди. Олисдан келаётган одамнинг асли-насли қанақалигини билмадим-у, лекин у ёш ва тетик кўринарди.

\* \* \*

Яқинда ёнимга ўрта ёшлардаги кўриниши тажанг бир аёл келди.

— Мен резаворфурушнинг дўконида эшитиб қолдим, — деди аёл, — одамлар боғингизда чумчуқлар орасида юрган жилвагар тўтичани кўришган экан, балки ўша менинг тўтичамдир? Чунки меники ҳам худди шунақа ранг-баранг эди.

Аёл, тўтичани яна кўриб қолсак, унга қўнғироқ қилишимизни ўтинди. Тўтикуш оддий тўтикушлардан эмаслигини, у чет элдан келтирилганини ва жуда қимматбаҳо туришини зўр бериб тушунтирди.

— Уни, албатта, тутиш керак. Биласизми-йўқми, Японияда бундай кушлар жуда камёб...

— Тўғри, бир пайтлар боғимга сабзаранг тўтича учиб келганди, лекин бунга жуда кўп бўлди. Ушандан бери у бошқа кўринмади, балки бундан кейин ҳам кўринмас, — дедим мен.

— Ҳар ҳолда яна билиб бўладими, мабодо кўриниб қолса, илтимос, менга сим қоқиб юборсангиз. У боёқишни ахир чумчуқлар ўғирлаб кетишган, энди қўйиб юборишмаяпти!

— ...

— Уни тутмаса бўлмайди, — деди такрорлаб аёл.

Унчалик ҳам кўнгилга ўтиришмайдиган бу меҳмон кетгандан сўнг ўзимнинг иш хонамга қайтдим-да, чека бошладим ва боққа чиқдим. Кузнинг сўнги япроқлари сочилиб ётган майсаларни босиб одимлаб юрарканман, тўтичанинг беҳудага қуйиб-пишаётган собиқ эгаси тўғрисида ўйладим. Йўқ, тўтича энди чумчуқлар билан парвоз қилаверсин. Уни тутишнинг ҳожати йўқ.

Бу қанақа куш ўзи, анави кекса эркакнинг гапига ишонайми, ё рассом айтганигами, тўғриси, ҳеч ақлим етмай қолди, лекин шуни ишонч билан айтишим мумкинки, қафасдаги ҳаётдан кўра қушча ҳозир чумчуқлар билан озод ва бахтиёр. «Чумчуқлар уни қўйиб юборишмаётганмиш — гапнинг тутуруқсизлигини қаранг!» — дедим овоз чиқариб. Уни меҳрибонлик билан бағрига олган қушларни наҳотки ўғри деб бўлса, аксинча, улар тўтичанинг ғамхўр-ҳимоячилари. Ростдан ҳам тўтича балки чет элдан олиб келингандир, бироқ энди у аллақачон япон қушчасига айланиб бўлган ва бир оз ёввойи-лашган ҳам, ҳозир тўтича уларнинг энг эъзозли меҳмони бўлиб чумчуқлар билан аҳил-иноқ яшаяпти.

*Рус тилидан  
Дилдора АЛИЕВА таржимаси*



## Франческо ПЕТРАРКА



## СОНЕТЛАР СУЛТОНИ

Ўрта асрларнинг охири, Уйғониш даврининг бошланиши эди. Ўрта асрларга хос ижтимоий, диний, фалсафий, бадиий тафаккурда инсоний қадр-қимматни ҳимоя қилиш (гуманизм) даврининг асосий ғоясига айланди. Дин ниқобидаги ёвуз кучлар жаҳолатпарастларнинг халқни доимо даҳшатли қўрқувда тутиш мақсадида, ҳур фикрловчиларни шафқатсиз таъқиб қилиши, ҳатто гулханда ёқишига қарши илк эътирозлар очиқ айтила бошлади. Қиролларни ва руҳоний оталар - кардиналларни, епископларни ақл-идрок, олижаноблик, элпарварлик руҳида иш тутишга чақириш тараққийчи зиёлиларнинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Руҳонийликни шоирлик ва мутафаккирлик билан қўшган ана шундай тараққийчи зиёлилардан бири Франческо Петрарка эди. У 1304 йилда Флоренцияга яқин Ареццо шаҳарчасида зиёли оиласида туғилди. Отаси ёш Франческони ҳуқуқшунос ёки руҳоний мансабдор бўлишини истарди Шу сабабли бошланқич мактабни тугатгач, уни судьялик, қозилик ишларига ўқитди. Аммо, Франческо кейинчалик «Авлодларга мактуб»да айтганидек, адолат ўрнатувчилар яхши қонунлардан ҳам ёмонлик, нопоклик йўлида фойдаланишларини билгач, бу соҳадан узоқлашди. Усмирлигидаёқ бадиий ижодга, шеърятга қизиқди, Ҳомер достонларини, Эсхил, Софокл, Эврипидни, Вергилий, Горацій, Овидийни севиб ўқиди. Узи ҳам антик давр мумтоз шеърятини руҳида ижод қилди.

Франческо ўз сонетларида, канцоналарида, балладаларида, мадригал ва секстина (олтилик)ларида ҳаётдаги севги, ёр гўзаллигини ва инсоний фазилатларни куйлаш ҳам илоҳий ва муқаддас маънавий неъмат эканлигини кўрсатди, теран фикр, нозик туйғуларга бой мисраларида тасвирлади.

Ф.Петрарка сонетларида ишқ-муҳаббатдан бошқа мавзулар, адолат, ҳақиқат, дунё ва охират, меҳр-оқибат, тубанлик ва олийҳимматлик, зolimлар ва ёвузларга нафрат куйланар, илм-маърифат эъзозланар эди. Мана шу сифатлари ва фазилатларига кўра шоирнинг асарлари аввал айтганимиздай, ўрта асрларнинг тугалланиши ва Уйғониш даврининг бошланиши деб юксак баҳоланади.

Шоирнинг ишқий сонетларида ҳам бадиий воситалар ёрқинлиги, ранг-баранглиги, таъсирчанлиги ёрқин кўринди. Шоир бир сонетида айтади: «Кўнглимда ҳайрат ва қўрқув, ёнғин ва музлик (антитеза, тажнис санъати — М.М.). Тинчим йўқдир булар жангидан. Учай дейман

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

160

булутдан баланд, аммо замин нотинчлиги оёқдан тортар. Кўзсиз — кўраман, тилсиз — қичқираман. Авф тилайман. Яшагим ҳам, ўлгим ҳам келмас. Азобларда яшаш — мукофотимдир...»

Бошқа бир сонетида Петрарка ёзади: «Бобил қизғончиқлик ва хасислик сингари барча жиноятлар ва иллатларни ўз мешига солиб тўплайверди. У Венера билан Вакхга (шаҳват ҳамда маст-аластликка — М.М.) топинар эди. Бобил меши ёрилиб кетиб, жиноятлар ва иллатлар бутун дунёга тарқалди. Лекин мен яхши замонлар келишига умид қиламан. Ер юзига яхши бир султон келиб, ҳокимиятни Бағдодга топширгусидир. Ана шунда ботил динлар, бутлар, санамлар парчаланиб, очкўз боёнлар, мансабдорларнинг оғзига олов тўлар. Оламга мусаффо руҳлар қайтади ва қадимгилар орзу қилган олтин замон қайтиб келажак...»

Франческо Петрарка асарларида шўх, қувноқ оҳанглар ҳам бор, аммо кўпчилиги дардли, қайғулидир. У «Менинг сирларим» номли фалсафий суҳбатида Шарқ мутафаккири, «Ихёи ўлум» ва «Кимёи саодат» муаллифи Муҳаммад Фаззолийга яқин фикр юритади: «Дўстларим менга табиатшунослик илми билан шуғуллан, деб маслаҳат берадилар. Мен айтаманки, «Ҳали ўзимнинг нималигимни, кимлигимни билмай туриб, балиқлар ва ўсимликларни ўрганишим ақлга мувофиқ эмас.» Петрарка ижодини Святослав Бенза, Н.А.Веселовский, Б.Томашевский ва бошқалар чуқур тадқиқ этганлар.

Петрарка ижоди Уйғониш даврига замин тайёрлади. Унинг асарларида берилган гуманистик ғоялар Францияда «Плеяда» шоирларига, Испанияда Гонгора, Португалияда Камоэнс, Англияда Шекспир, Россияда А.С.Пушкин, М.Лермонтов, Тютчев, Фет, К.Бальмонт, Вяч. Иванов, Н.Гумилёв, А.Блок, Полшада Адам Мицкевич, Германияда И.В.Гёте, Ҳ.Ҳайне ижодига ҳаётбахш таъсир кўрсатган. Поляк адиби Ян Парандовский Петрарканинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гўзал бадиа яратган.

Таржимон

## АВЛОДЛАРГА МАКТУБ

Мабодо менинг арзимас, фақирул-ҳақир номам замонлар ва маконлараро келгуси авлодларга етиб борса, мабодо эй, келажақдаги ўқувчим, менинг кимлигим ва нималарни ёзганим сени сал-пал қизиқтириб қолса (аслида ўша замонларга исмим ва ижодим етиб боришига унчалик умид бўлмаса-да), мен ҳақимда чала-чулпа қандайдир заиф хабарлар ва миш-мишлар қулоққа чалинса, одамлар менинг ҳақимда ё ҳаддан зиёд мақтовлар айтса, ё ҳаддан зиёд ерга уриб гапирса, бу сўзларга шубҳа билан қарасангиз, сизларга ойдинроқ бўлсин деб, шул мактубни ёзмоқдаман. Ростини айтсам, мен ҳам сизларга ўхшаган оддий бир одам эдим, насл-насабим баланд ҳам, жуда паст ҳам эмасди. Рим қайсари Август айтганидай, уруғ-авлодим анча қадимий эди. Табиатида ростгўйлик ҳам, камтаринлик ҳам йўқ эмасди, фақат айрим ёмон одатларим бу фазилатларимга путур етказарди.

Ёшлигим — ғўрлигим мени алдади, йигитлигимда ўзимга бино

1 Франческо Петрарка замонида атоқли дин арбоблари, епископлар фарзандлари бировларга зарар етказмаслиги учун уйланмас, оила қурмас эдилар (Тарж.).

қўйиб янглишдим. Қарилик аввалги ҳаётимдаги адашувларни тушунимга ёрдам берди. Барча ёшдагилар ва барча замонлар аҳлининг кўнглидагини билгич Тангрим менга англандики, ёшлигимизда биз бандалар кибру ҳавога берилиб, йўлдан адашган эканмиз, қариликда кеч бўлса ҳам, гуноҳларимизга тавба қилиб, ўзимизни англашимизга имконият берилар экан. Камина ёшлигимда бақувват бўлмасам-да, аммо хиёл чаққон, серғайрат эдим, чиройда ҳам кам эмасдим, олов йигитлигимда (қизларга) ёқар эдим, икки яноғим оқ-қизилу, кўзим ўйноқи, бировга узоқ қараб қолувчи эди, аммо ёшим олтмишдан ўтганида нигоҳим бироз хиралашиб, кўзойнакка муҳтожлик сезилди. Ҳамиша дуркун бўлган жисмим қариликда заифлашди, қарилик лашкари — турли касалликлар баданим қалъасига ҳужум бошладилар.

Камина умримда бойлик, мол-дунёга ҳирс қўймадим, уни ёмон кўрганим учун эмас, балки мол-дунё топиш учун ўзимни ўтга-чўққа ургим келмасди. Катта базм, зиёфатлар қилиш учун бойлик топишга ҳам қизиқмасдим. Дастурхоним эл қатори, камтарона эди. Меҳмондорчиликларга (аслида маст-аластлар базмига) ҳушим йўқ эди. Шунинг учун турли базмларга бормасдим, меҳмон кутиб олишга вақтим ҳам йўқ эди. Аммо дўстлар даврасида ўтириш, беғубор шўхликлар менга ҳам ёқарди, улфатларим йўқлаб келса, севиниб кутиб олардим. Таомни иложи борича, кўпчилик билан баҳам кўрардим. Дабдаба, ҳашаматни хушламас ва ортиқча даҳмаза деб ўйлаб, ёмон кўрардим. Турли кўнглихушликлардан ўзимни тиярдим, уларни тинчлик, хотир-жамликнинг душмани деб билардим.

Илк ёшлигимда Худои таоло менга покиза ва муносиб бир гўзал ишқини ато этди. Бу севги изтироблари узоқ давом этиши мумкин эди, аммо Тангри у гўзални ёшлигида, ниҳоллигида раҳматига олиб, бу ўлим мени севги оловида ёнишлардан халос этди. Ростини, мен у қизга эҳтиросли вужудим билан ҳам интилардим, аммо кўнглимнинг бир чеккасида бу ҳирс, эҳтиросни лаънатлар эдим. Авжи куч-ғайратга тўлган қирчиллама ёшларимда ҳам мен манфуртубан вужудий эҳтиросларимни жиловлаб ола билган эдим. Энди бошқа мавзуга ўтаман. Мен кўпроқ бошқаларни қадрлар, ўзимни ҳаммадан паст тутар эдим. Жаҳл-ғазабимни ҳам бошқаларга эмас, ўзимга сочардим. Табиатан жиззаки, жаҳлдор бўлсам-да, тез ўзимни босиб олардим, гина-кудурат ва кек сақламасдим, ёмонлик қилганларни унутиб, яхшилиқ қилганларни ёдда тутардим. Олижаноб дўстликни, дўстликка садоқатни қадрлар эдим. Аммо, афсуски, инсон қариганида кўпчилик дўстларидан айрилиб, ёлғиз қолар экан.

Умрим давомида князлар ва қироллар каминага шунчалар иззат-ҳурмат кўрсатдиларки, бу баъзиларнинг ҳасадини келтирди. Шу сабабли мени иззат-ҳурмат қилган қудратли зотлардан узоқроқ юришни, ҳеч кимга боғланмай, эркин яшашни хуш кўрар эдим. Озодлигимни бўғиши мумкин бўлган одамларга нафратим чексиз эди. Энг буюк тождорлар (қироллар) менга иззат-ҳурмат кўрғазилганда гўё мусобақа қилар эдилар, сабабини мен ҳам билмасдим, ўзлари ҳам билмасалар керак.<sup>1</sup> Фақат шуни билдимки, буюк қиролларнинг менга марҳамат кўрсатишлари каминага (ижодда) қулай имкониятлар туғдирди.

Камина ақлу заковатим жуда ўткир эмас, ўзимга яраша бўлиб, эзгу ва нажоткор билимларни тез ўрганишга, маънавий-фалсафий билимларга, шеъриятга кўпроқ қизиқардим. Кейинги вақтларда шеъриятдан сал узоқлашиб, фалсафий, диний, муқаддас, сирли илмларга рағбатим

1 Сабаби — шоирлик шон-шухрати, истеъдодни қадрлаш бўлган (Тарж.).



ортди. Шеърят энди мен учун ҳаёт беазаги бўлиб қолди. Қадимги замонлар мени кўпроқ қизиқтира бошлади. Бу ташвишли замондан кўра (улуғворликларга бой) ўтмиш замонларда туғилганимда яхши бўларди, деб ўйлайман. Шу боис тарихчиларнинг асарларини ўқишни яхши кўрардим, зеро, ўтмиш замонларда ҳам адоват, душманлик (қирғин урушлар) мени хафа қилса-да, ҳар ҳолда бор ҳақиқатларга, уларни ёзган мутафаккирларга ишонар эдим.

Ёзишда тилим анча равон, жонли, фасоҳатли бўлиб қолди, император Август фасоҳат санъатини ўрганишга кўп вақт ва куч сарфлаганлиги мени ажаблантиради. Ваъзларим тингловчиларга хуш келар эди. Аммо, ўрни ва тингловчиларнинг савиясига қараб, нутқимни сал ўзгартирардим. Фикримча, нотиқнинг қандай гапириши эмас, қандай умр кечириши муҳимроқдир. Фақат тил фасоҳати билан шуҳрат қозониш мен учун аҳамиятсиз эди.

Хуллас, камина Флоренцияда яшаб, кейин Ареццога қувғин қилинган, ўртаҳол, деярли камбағал оилада туғилиб ўсдим (Шу ерда муаллиф ўзининг милодий 1304 йилнинг 20 июлида, душанба куни туғилганлигини эслатади — М.М.).

Қисман тақдир, қисман иродам (феъл-атворим) тақозоси билан шу кунларга етиб келдим. Туғилган жойим Ареццода бир йил ҳам бўлмай, оиламиз Флоренциядан 14 минг қадам (деярли 14 км.) наридаги, Анцизга кўчиб ўтди. Бу ерда отамнинг мулки бор эди, шу ерда олти йил яшадим. Саккиз ёшимда онам қувғиндан қайтиб келгач, Пизода бир йил яшадик. Шундан сўнг Алп тоғлари ортида, Галлияда, Рона дарёсининг чап соҳилида, Авиньон шаҳрида турдик. Бу ерда Рим руҳоний раҳбари (Рим папаси) масиҳийлик динидаги учликни узоқ йиллар тақиқлаб қўйган эди. Бундан сал аввал папа Урбан V Исо Масиҳнинг муқаддаслигини қайта тиклади, сўнг бу ишидан афсусланди (Катolikлар Исони Худонинг ўғли демайдилар – Тарж).

Болалигим ва ёшлигимнинг кўп йилларини Рона дарёси бўйларида ўтказдим. Албатта, бошқа жойларга ҳам бориб-келиб турардим. Тўрт йил нарироқдаги Карпантра шаҳарчасида яшаб, ўқидим. Мактабда грамматика (сарф, наҳв), диалектика (жадал) ва риторика илмларини ақлим етганича ўргандим. Сўнг тўрт йил Монпелье шаҳрида қонун ва ҳуқуқ илмини ўргандим, сўнг Болоньяда уч йил фуқаролик ҳуқуқи курсини тугатдим. Кўпчиликнинг фикрича, мен шу соҳани давом эттирганимда ёш бўлсам-да, кўп нарсаларга эришган бўлардим.<sup>1</sup> Аммо мен бу илмларни отам ва онамнинг истаги билан ўргандим. Аслида бу илмлар жамиятда адолат ўрнатишга хизмат қилиши зарур эди, аммо ҳокимият вакиллари бу қонунларни нопоклик билан тинимсиз бузганлари сабабли халқ учун фойдасиз бўлиб қолган эди. Бу қонунлардан нопок ишларда фойдаланиш менинг кўнглимга бегона эди, улардан ҳақ иш учун фойдаланганларни тинч қўйишмас, қонунларни билмасликда айблар эдилар.

Хуллас, 22 ёшимда Авиньонга қайтиб келдим ва ижод қилишга киришдим. Шу ерда шеърларим билан танилиб, шон-шуҳрат қозона бошладим. Кўпчилик одамлар мен билан танишувга интилар эдилар, сабабини билмадим.<sup>2</sup> Аммо ёшлик ғурури билан бундай шон-шуҳратга ўзимни муносиб деб билардим. Хусусан, Рим курияси (ҳокимияти) мажлисларини (оқилона нутқлари билан) безовчи давлат арбоблари Жа-

1 Парижликлар ҳаёти шоирга ёқмаган бўлса керак, шу боис бу шаҳар ҳақида сўз очмай қўя қолган (Тарж).

2 Шоир камтарлик қилмоқда. Шон-шуҳратининг сабаби — севги ҳақидаги сонетларининг жозибасида эди (Тарж).

комо ва Жованни Коломна жаноблари мени ҳурматлаб, ҳомийлик қила бошладилар. Ҳозир бу иззат-ҳурматларни эслаб, хижолат бўламан. Машҳур ва беқиёс Жакомо мен билан сал танишгач, Пиреней тоғлари этагидаги Гаскон мулкига (дам олишга) таклиф этиб, ўзи билан олиб кетди. Жаннатмакон мулк соҳиби ва яқинлари мана шу ёз фаслида нафис суҳбатлари билан мени шундай эркалатиб ардоқладиларки, ҳамон у кунларни эсласам, юрагим орзиқади. Шундан сўнг бу сафардан қайтиб, ул ҳазратнинг севимли биродари (укаси) Жованни Коломнанинг чорбоғида яшадим. Улар мени жуда эъзозладилар<sup>1</sup>.

Аммо кўнглимда Франция ва Германияга саёҳат қилиш иштиёқи бор эди. Ҳомийларимга турли баҳона-сабабларни кўрсатдим, аслида асосий сабаб — жаҳон кезиш (халқ ҳаётини ўрганиш) эди. Шу саёҳатимда аввало Парижга бордим, одамларнинг бу гўзал шаҳар ҳақида айтганлари тўғрими, хатоми эканлигини билмоқчи эдим.

Париждан қайтиб, болаликдан буён кўришни орзу қилганим — Римга бордим. У ерда мени азиз хонадон соҳиби (Жакомо ва Жованниларнинг отаси) Стефано Коломна мени ўз фарзандидай кутиб олди ва беҳад меҳрибонликлар кўрсатди. Бу зот умрининг охиригача мендан меҳроқибатини аямади. Менинг ҳам у кишига меҳр ва ҳурматим чексиздир.

Римдан қайтгач, (оиламиз учун қувғин жойи бўлган) Авиньонда бир кун ҳам тургим келмай қолди. Излаб-излаб, охири, Авиньондан 12 чақирим олисда, теварак-атрофдаги барча булоқларнинг манбаи бўлган Сорга булоғи бўйида Тўғон деб аталувчи ширингина бир водийни топиб, 34 ёшимда севимли барча китобларим билан ўша ерга кўчиб ўтдим.

Шу булоқ бошида мен кўп йиллар яшаб, нима ишлар қилганимни ёзсам, ҳикоям жуда чўзилиб кетади. Хуллас, шу сўлим маъвода мен кўп йиллар яшаб, деярли барча асарларимни ёзганман, ўша вақтдан бошлаб қўйган баъзи ижодий ғояларимни ҳозир ҳам ўйлайман. Гўзал манзараларнинг ўзи мени “Буколика” (Чўпон кўшиқлари) туркумидаги шеърларимни ёзишга илҳомлантирди. Буни ва яна икки китобни мен ўша вақтда Кавалйонда кичик епископ бўлиб турган дўстим Филиппга бағишладим. У ҳозир Сабинада кардинал-епископлик хизматида. Менинг ёшлиқдаги эски дўстларимдан шу киши қолди.

Бир куни ўша атрофдаги тоғларни кезиб, Африкали Сципион (Карфагенлик буюк лашкарбоши Ханнибални енгган Рим саркардаси – М.М) ҳақида қаҳрамонлик руҳида бир поэма ёзишни ўйлаб қолдим. Поэмани завқ ва илҳом билан ёза бошладим, аммо мавзу қийинлигидан уни тугатолмадим. Ёзилган қисмларини дўстларимга ўқишга берган эдим, шу сабабли “Африка” деб аталган бу поэма ҳали ёзилиб тугамай туриб, машҳур бўлиб кетди. Уша хилват, овлоқ жойда яшаётганимда (поэмани ўқиб) севинган ҳокимият вакилларидан бир кунда икки жойдан, Рим куриясидан ва Париж университетидан менга ғолиблик гулчамбарини бериш таклифини юборишибди. Бу иккала хушxabардан мен ёшлик ғурури билан жуда севиндим. Ахир казо-казо муҳтарам зотлар мени шу олий мукофотга муносиб кўришибди.<sup>2</sup> У вақтда ўзимни бу шарафларга муносиб кўрардим. Фақат бу икки таклифдан қай бирини танлашга қийналиб қолдим. Маслаҳат сўраб, юқорида зикр этилган кардинал Жованни Коломнага мактуб юбордим, чунки у мен турган жойдан энг яқин масофада эди, шу қадар яқинки, кечқурун ёзиб юборган мактубим-

<sup>1</sup> Қадимги Рим империяси парчаланиб кетган, Византия-Шарқий Рим империяси ҳам салжук туркларига қарам бўлиб қолганди. Италия ўша вақтларда Генуя, Неапол, Венеция, Падуя, Верона, Парма, Флоренция каби кичик мустақил қиролликлардан иборат эди (Тарж).

<sup>2</sup> Қадимги Олимпия мусобақалари давридан қолган дафна гулчамбари олтиндан ясалган. Бундай мукофотни Рим шоири Вергилий ҳам олган. Ҳозирги Нобел мукофотини эслатади (Тарж).

га эртасига чошгоҳда, соат учларда жавобини олдим. У менга Римни танлашни маслаҳат берди. Аввалги мактубим ва бу маслаҳатни қабул қилганим ҳақида жавоб мактубим ҳозиргача сақланиб қолган. Ёшлигимга бориб, бу мукофотга ўзимни муносиб кўрсам-да, бошқа нозиктаъблар нима деркин, деб шу мазмунда маслаҳат олиш учун аввал Неаполга, буюк қирол ва файласуф Роберт ҳузурига бордим. Қирол Роберт олим, доно ва одил подшоҳ эди, бу ҳақда, ўқувчим, сен ҳам билсанг керак. Мен қандай яхши ният билан келганимни билиб, қирол Роберт севиниб кетди. Эҳтимол, бу ёш шоирнинг ишончини қозонгани ва шоирнинг шон-шуҳратига шерик бўлиш (тарихда қолиш) шодлиги бўлса керак. Хуллас, қирол билан бир неча кун суҳбат қурдик. У “Африка” поэмасини ўқиб, боши осмонга етгач, бу асарни унга бағишлашимни ўзи илтимос қилиб қолди. Мен, албатта, нозиктаъб қирол, файласуфнинг бу илтимосига йўқ дейишим мумкин эмас эди. Хуллас, гулчамбарни кимдан қабул қилиш масаласини қирол ва камина бир неча кунларда, маълум вақтларда қизгин муҳокама қилдик. Қирол Роберт учинчи таклифни — дафна гулчамбарини ўзининг Неапол қироллигидан олишни айтди. Мен бундай марҳаматга кўпдан-кўп миннатдорлигимни, аммо Рим шон-шуҳрати муҳимроқ, олийроқ эканлигини тушунтирганимдан сўнг қирол Рим сенатига тавсиянома ва миннатдорчилик туйғулари ифодаланган мактуб ёзиб, менга йўлбошловчи-етакчилар қўшиб берди. Қиролнинг бу шоҳона баҳосига ўша вақтда ўзим ҳам ишонардим. Аммо ҳозир буни ёшлик ғурури ва ғўрлиги деб биламан.

Хуллас, камина Римга йўл олдим. Минглаб римликлар (сенаторлар, олимлар, шоирлар) қатнашган тантанали буюк шодиёна маросимида дафна гулчамбари бошимга қўйилди. Бу воқеалар ҳақида менинг хатларим, назм ва насрда ёзган асарларим сақланиб қолган.

Дафна гулчамбари менга ҳеч қандай билим бермади, фақат ҳасадгўйларни кўпайтирди. Лекин бу ҳақда ҳам гапни чўзиб ўтирмайман, ҳозир бунинг ўрни ҳам эмас. Хуллас, шундан сўнг мен Пармага бордим, у ернинг ҳукмдорлари, Корреджо хонадони синьорлари бир-бири билан чиқиша олмаса-да, барчаси менга олий даражада иззат-ҳурмат кўрсатдилар. Бу зотлар ҳукмдорлик қилган йилларда бошқарув шу қадар адолатли, халққа ғамхўрлик шу қадар ҳавас қиларли бўлганки, бу ҳақда ҳозиргача ҳамма гапиради, ўйлашимча, бизнинг замонада энди бу каби адолатли бошқарув топилмайди. Менга ўша вақтда кўрсатилган ғамхўрликларни эсласам, бунга муносиб эмас эдим деб, ҳозиргача хижолат чекаман.

Кунлардан бирида тоғда (Пиреней тоғида) сайр қилиб юганимда, Энца сойидан кечиб ўтиб, Режа водийсида шу қадар хушманзара жойларни кўрдимки, завқ-шавққа тўлиб, “Африка” поэмасининг давомини ёза бошладим. Аввал сўниб қолган илҳомим қайта авж олди, аммо ўша куни ва кейинги кунларда ҳам оз-оздан ёзиб, тўлдира бошладим. Ижодга қизиқиб кетиб, Пармага қайтдим ва чеккароқ, хилватроқ бир жойда тинчгина бир ҳовли-жойда (аввал ижарада яшаб), сўнг уни сотиб олиб, ўша ҳовлида поэмани охирига етказдим. Асарни жуда қисқа вақтда тугатганимга ҳозир ҳам ажабланаман.

Шундан сўнг яна Алп тоғлари ортидаги Сорга булоғи бўйига қайтдим. Ёзганларим яна шуҳрат қозонгани сабабими, ҳар ҳолда ўша замондаги энг буюк, фозил, одил ҳукмдорлардан бири кенжа Жакомо Каррари (Падуа қироли) назарига тушибман. У, каминага Алп тоғлари ортига ҳам мактублар ва одамларини юбориб, мени меҳмонга чақириб, қайта-қайта илтимос қилаверди. Мен энди жаҳон подшоҳларидан олисроқда, тинч ҳаёт кечиришни истардим, улардан ҳеч нарсани умид ҳам қилмас

эдим. Охири бу қиролга ҳурматсизлик бўлмасин, эҳтимол у ажойиб инсондир, деб, Пармага ҳамда Веронага бориб, бир неча кун тургач, сўнг Падуяга йўл олдим. Падуя қироли мени самовий меҳмонни кўргандай, бениҳоя иззат-ҳурмат билан кутиб олдики, буни сўз билан ифодалаш қийинлигини билиб, пинҳон сақлашга аҳд қилдим.

Падуя қироли менинг ёшлик чоғларимда диний мансабга тайёрланганимни билар экан, шу сабабли у менга Падуя бош руҳонийси (каноник) вазифасини таклиф қилди. Аммо қиролга умри вафо қилмади. Икки йилдан сўнг само фаришталари уни чақириб олдилар. Бу бақосиз дунёда барча шодликлар, гўзалликлар ўткинчи экан. Агар шу қиролга Тангри кўпроқ умр берганида менинг сарсон-саргардонлигимга ҳам чек қўйилган бўлур эди. Кейинчалик ўйласам, у каби олижаноб инсонга бу дунё муносиб эмас экан.

Қирол Жакомо Каррари ўрнини ўзи каби оқил ва фазилатли ўғли эгаллади. У ҳам, отаси каби, менга кўп иззат-ҳурмат кўрсатди. Аммо отаси менинг тенгдошим ва дўстим, бетакрор инсон эди, унинг ўрнини ҳеч ким босолмасди. Шу қайғули ўйлар билан (қиролнинг ўғлига миннатдорчилик билдириб), Падуяни тарк этдим ва беморларга ҳавони алмаштириш зарур бўлганидай, яна Францияга қайтдим, бу ерда аввал минг марталаб кўрган одамларни кўрдим, аммо қайғум тарқалмади.

*Рус тилидан  
Маҳкам АНДИЖОНИЙ таржимаси*

### **Дарвоқе...**

*Петрарканинг муҳаббат мавзuidaаги аксарият сонетлари севгилиси Лаурага бағишланган. Юзлаб сонетлар, хусусан, икки қисмдан иборат китобда шоирнинг ҳароратли туйғулари, ишқ изтиробию висолнинг ушалмаган илинжи акс этади. Уттиз йилдан зиёд вақт мобайнида Лаура Петраркага илҳом бахш этувчи малак бўлиб келган. Бироқ... атрофдагилар, ҳаттоки баъзи яқин дўстлари ҳам Лаура – ижодкор тасаввурidaаги хаёлий сиймо, деган фикрни илғари сурганлар.*





## Лион ФЕЙХТВАНГЕР



**Л**ион Фейхтвангер 1884 йил Германиянинг Мюнхен шаҳрида туғилган. У ижодининг илк паллаларида журналистика ва театр танқидчилиги билан шуғулланган. Унинг дастлабки йирик асари “Харбий асирлар” деб номланади. Ундаги туркум пьесаларда биринчи жаҳон уруши фожиаси тасвирланади. Адибнинг “Томас Вендт”, “Яҳудий Зюсе”, “Кўримсиз герцогиня”, “Қувғин”, “Яҳудийлар уруши” каби роман ва трилогиялари XX аср немис адабиётининг нодир асарлари сифатида эътироф этилган.

### ШАККОК ФИКРЛАР

Ўсмирлик чоғларимда Лев Толстойнинг буюк асарларини тинимсиз ва завқ-шавқ билан қилган мутолааларим таассуротлари ҳали ҳануз ёдимдан чиқмайди. Икир-чикирларигача яхши эслайман. Гарчи ёзувчи ўзининг романларида илгари сурган реалистик ғоялар натурализмга мутлақо дахлдор бўлмаса-да, улар ўша пайтда менга янги бир воқеликни кашф этиб берган эди.

Камина шуларнинг далдасида чўнг бир сабрсизлик ва муштоқлик билан буюк ижодкорнинг фалсафий асарларини ўрганишга киришиб кетдим. Ва афсуски, бир нарсадан ҳафсалам пир бўла бошлади: бу асарларни ўқиш жараёнида изчил ва чуқурроқ таҳлил эта борганим сари, мазкур романлар руҳига ёт бўлган мистицизм, инсон ақл-заковати идрок этишдан йироқ мавҳум башоратгўйликлар меъдамга тегиб кетди.

Мен кейинчалик шу нарсани англаб етдимки, кўпинча буюк ёзувчиларнинг қарашлари бора-бора чигал тус олиб уларнинг нафис асарларини безаб турган тафаккур инжуларидан ҳамин қадар ортда қолаётгандек бўлиб туюларкан. Ва улар, мен ўз асаримда китобхон қалбида мароқ уйғотадиган нарсалар ҳақида эмас, балки умуман бошқа мавзуда фикр юритган эдим, дея ўз мухлисларини ишонтиришга ҳаракат қилишаркан.

Гёте ҳамкасбларига қарата: “Ҳадеб сафсата сотавермасдан ижод қил!” деб уларни рағбатлантиради. Гарчи шоир юсак олийжаноб туйғулар, умумбашарий қадриятлар ҳақида жўшиб-тошиб гапирган бўлса-да, ўзининг тумтароқ ва қарама-қарши фикрларидан воз кеча олмади. Шунингдек, турли жанрларда яратган асарларида кўпчилик томонидан ошқора инкор этилган эстетик тамойилларни ўзича ёқлаб келди.

Бутун ҳаёти давомида ўз драматик салоҳиятини намойиш этишга интилган ва бунга маълум даражада эришган Фридрих Хеббел<sup>1</sup> дўсти ва биографи Куга: “Мен пьесаларимда айтмоқчи бўлган фикрларимни кўлимда таёқча тутган ҳолда мухлисларимга тушунтириб беришим керакка ўхшайди”, дея зорланади. Унга энг алам қиладиган жиҳати – ҳатто

<sup>1</sup> Ф р и д р и х Х е б б е л ь – драматург ва театр назарийетчиси. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаган.



асарларини саҳналаштирган режиссёрлар ҳам уни яхши тушунмай, муаллиф энг аҳамиятли деб билган кўринишларни олиб ташлагани экан.

Романларининг ғоявий-бадий савияси фалсафасидан ғоятда устун турадиган ва унга мутлақо мувофиқ келмайдиган буюк сўз усталари қаторига классик мисол қилиб Лев Толстойни келтириш мумкин. Умри ниҳоялаб бораётган ёзувчи барибир “зулматни нур ёриб”<sup>1</sup> чиқишига умид қилиб, ўзининг шоҳ асарлари “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина” дан тонади. Шуниси таажжублики, ҳар икки асар ҳам ёши бир ерга бориб қолган адибнинг эстетик тасаввурларига тўғри келмас ва унинг ўзига бўлмағур санъат намунаси бўлиб туюларди. Турли хурофотлардан холи китобхон “Ҳожимурод” повестида Толстойнинг ахлоқий меъёрларига тўғри келмайдиган ғояларни пайқаб олиши қийин эмас.

Муқаддас Китобга шиор қилиб олинган “Ёвузликка қарши исён кўтарма!” деган бағоят хавfli тезис мўйсафид Толстой таълимотининг моҳиятини ташкил этиши керак эди. Аслида эса ёзувчи ўзининг деярли барча асарларида “Ёвузликка қарши кураш!” деб одамларни истибдодга қарши курашга даъват этиб келади.

Толстойнинг буюклиги шундаки, даҳо ижодкорга хос илоҳий салоҳият унинг “онг-шуури” бузиб талқин этган ғояларни муттасил равишда тузатиб келади. Сўз устасининг ўткир ва тийрак нигоҳи ҳодисалар моҳиятини ҳис-туйғулари воситасида илғаб олиб, уларни ёлқинли сўзлар ёрдамида ифодалаб бериш санъати инсон ақл-идрокила англаб етишга ожизлик қилган воқеликни қайтадан тиклай олиш имконини беради.

## АДАБИЁТ – ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРУВЧИ КУЧ

1. Бадий асар хориж китобхони кўлига бориб теккунча кўпдан-кўп тўсиқларни ошиб ўтади. Ҳатто энг мукамал ҳисобланган таржима ҳам аслиятнинг туб моҳиятини, муаллиф қалбидан ва асари саҳифаларидан жой олган руҳий кечинмаларни тўлиғича очиб беролмайди. Шунга қарамасдан асарнинг иккинчи умри бошланади: энди у ўзига, гарчи жуда олисда бўлса ҳам, янги-янги китобхонларни худди оҳанрабодай торта бошлайди. Ва ўзининг бутунлай янги, хорижлик учун бегона бўлган оламига олиб кириб, унга шу олам манзараларини кўз-кўзлагиси, уни шу муҳитга кўниктиргиси келади.

Лекин, барибир ҳар қандай ёзувчи вақти келиб, яратган асарларининг таржимада нақадар беўхшов ва дағал чиққанлигини эътироф этса керак. Ёдимда, бир сафар Генрих Манн: “Келинг, буни кўнглимизга яқин олиб юрмайлик. Буюк рус адибларининг мумтоз асарлари бизга нечоғлиқ паст савиядаги ўгирмаларда етиб келган бўлмасин, улар қалбимизни қанчалик теран эгаллаганлигини асло унутмаслигимиз керак”, дея менга тасалли берган эди.

Мумтоз адабиёт замон ва макон сарҳадларини ошиб ўтиб, ўзига кенг йўл очиб олади. Антик адабиёт намуналаридан биламизки, Агамемноннинг ўз қизини қурбонликка келтириши, Антигона бўлса ғазаб ва эҳтирос ўтида ёниб, оғасининг жасадини дафн этишга саъй қилиши – буларнинг ҳаммаси биз учун мутлақо ғалати ҳолат бўлиб туюлади. Шунга қарамасдан, орадан уч минг йил ўтибди ҳамки, Ҳомер қаҳрамонларининг тақдири, уларнинг ботиний ва зоҳирий олами бизни ҳайратга солади.

<sup>1</sup> “Зулматда ҳам зиё таралаверади” – Толстойнинг инжил ғояларига йўғрилган сўнги драмаларидан бири.

Троянинг забт этилишини Ҳомердан кўра биз ўзимиз яхшироқ биламиз ва бизга маълумки, фактларни баён этишда буюк шоир хатога йўл қўяди. Нима бўлгандаям, шоир қахрамонларининг ғалати тарздаги ички ва ташқи кўринишига, ҳар қандай жабр-зулм қалбимда нафрат уйғотишига қарамасдан Одиссей Пенелопанинг куёвларини шафқатсизларча ўлдириши менга мароқ бағишлайди.

Қария Приам ўғли Гекторнинг жасадини беришни сўраб Ахиллесга ялиниб-ёлворганда ва бунга жавобан Ахиллес: “Ҳой чол, куфрим кўзиб, вужудимни ғазаб алангаси чулғаб олмасдан ва жаҳл устида сениям ўлдириб қўймасимдан бу ердан жўнаб қол!” – деган лаҳзаларда мен ботинимда Приамнинг кўркувдан дағ-дағ титрашини ҳамда ғазабини тия олмаётган Ахиллеснинг беназир олижаноблигини бирваракайига ҳис этганман.

Инжили шариф баён этилган нафис назм ҳам ўқувчини нақадар мутаассир қилади. Юсуф алайҳиссалом тарихини сўзлаб берган ровий ҳам, шоҳ Довуд ҳаётини қоғозга туширган ёзувчи ҳам бу битикларнинг ақлдан ташқаридалиги ва шунчаки ривоят эканлигига қарамасдан, уларнинг пурмаъно қатларидан чинакам меҳр-муҳаббат туйғулари уфуриб турганлигини ҳамда беқиёс аҳамиятини яққол ҳис этиш мумкин.

2. Ёзувчи макон чегарасини замонга нисбатан энгил ошиб ўтади. Шу мақсадда Шарқ халқлари адабиётига назар ташлаймиз. Қадимги ҳинд шоири Бхаса (тахм. 450 – 650 й.) нинг “Сопол арава” драмаси асосида ақл бовар қилмас тантиқ қисматга ишониш ғояси ётади. Драмага жамиятда тутган ўрни бизга мутлақо ёт бўлган бой оиладан чиққан фоҳиша раққоса тақдири асос қилиб олинган. Ҳар ҳолда, асар мутолаасида ҳам, сахнада томоша қилаётган чоғимизда ҳам ҳиндларнинг ҳаётни нечоғлиқ идрок эта олиш салоҳиятини дарҳол англаб етамиз...

“Бўр билан чизилган доира” номли қадимги хитой драмаси ҳам бизга бу халқнинг ички ва ташқи ҳаётини ғоят аниқ ҳамда мукаммал бажарилган юзта этнографик тадқиқотдан кўра ҳар томонлама батафсил очиб бера олганлигига худди шу йўсинда ишонч ҳосил қиламан.

Чор Россияси ҳақида кўплаб илмий-оммабоп асарлар билан танишиб чиқдим, лекин бу мамлакат ўзининг бор бўй-бастини менга дафъатан Толстой ва Чехов асарларида яққол намоён этди. Наполеон Россияга қарши уюштирган ҳарбий юришлар тўғрисида икки юзга яқин илмий, бадиий ва тарихий китобларни синчиклаб ўрганиб чиққан эсам-да, уларнинг моҳиятини “Уруш ва тинчлик” романини бир марта ўқиб чиқишдаёқ англаб етганман...

Хитой инқилобининг рўй бериши ва мақсадлари ҳақида қатор сермазмун очерклар ёзилган, бадиий асарлар битилганлигига қарамасдан, унинг кўп жиҳатлари, ҳатто Хитой тарихи ва маданиятига қизиқувчилар учун ҳам мавҳум ҳамда қуруқ фактлардан иборатлигича қолиб келмоқда. Ҳолбуки, Тянь-Цзяннинг “Аравакаш” асарини кўлга олган китобхон тасавурида бу ўлканинг бутун сурату сийрати яққол намоён бўлади ва ўқувчи асар воқеаларига сингиб кетиб, хитойликлар ҳаёти билан яшай бошлайди.

3. Шуниси қизиқки, ижодкорнинг яхши асари ўз ватанидан ташқаридаям барчага ўз таъсирини ўтказаверади. Бадиий асарга чет эллик китобхон бутунлай бошқача муносабат билдириши мумкин. Башарти китоб яхши ёзилган бўлса, у мустақил равишда яшашда давом этади ва аксар ҳолларда муаллиф ўйламаган вазиятда ҳам турмушга ўз таъсирини ўтказаверади. Шунда асарнинг ёзувчига иккинчи даражали бўлиб туюлган жиҳатлари бирданига юзга қалқиб чиқиб, юксала боргани сайин у янгича аҳамият касб эта бошлайди.

Шекспир драмалари эндиликда Россия ва Хитойда муаллиф бу асарларга юклаганидан кўра бутунлай бошқача мазмунда талқин этилмоқда.

Бу драмалардан ҳозирги кундаям жўшқин ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Эҳтимол, немис ўқувчиси Генрих Маннинг “Собиқ фуқаро” ва “Устоз Гнус” романлари қатига сингиб кетган нозик руҳни бошқа ўқувчилардан кўра теран англаб ета олар. Шуниси қизиқки, бу романларда ўз ифодасини топган Германиянинг умумий қиёфасини ажнабий ўқувчи хийла осон илғаб олишини хориж матбуоти эътироф этмоқда.

Максим Горкий асарларида русийзабон китобхонга майда-чуйда бўлиб туюлган деталлар хорижликнинг кўз ўнгида бутунлай бошқа бўёқларда жилоланиши ва унинг хотирасида маҳкам ўрнашиб қолиши мумкин. Ана шуларнинг ҳаммаси унга Россиянинг мўъжаз қиёфасини чизиб бера олади.

Марк Твеннинг Гекльберри Фини америкаликлар наздида болаларбоп китобдан бошқа нарса эмас. Янги дунё китобхонлари Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган мазкур асар аччиқ ғам-алам билан ёзилганлигини англамай ҳам қўйишган. Немис ёки рус китобхони адибнинг ўткир қаламига хос аччиқ юморнинг бутун теранлиги ҳамда оламшумул аҳамиятини чандон кучли идрок эта олади.

Жаҳон адабиёти тийрак китобхонга уни ажнабийдан айнан нима ажратиб туришини кўрсатиб беради, шунингдек, айнан жаҳон адабиёти дунёнинг турли чеккаларида яшовчи халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлашга хизмат қилади.

Гарчи ҳаётбахш китоблар одамлар ичига жуда секинлик билан кириб борса-да, улар ўқувчи қалбига маҳкам ўрнашиб, узоқ сақланади. Шакли шамойили ўзига ўхшаган ажнабийни ўз кўзлари билан кўриб турган китобхон тасаввурида ўқиб чиққан китоби қаҳрамонлари намоён бўла бошлайди.

Яхши китоблар дунё халқлари ўртасида дўстлик ва биродарлик ипларини боғлашга хизмат қилади. Ҳайратангиз хаёлот маҳсули бўлган Дон Кихот ва Санчо Пансо сингари ўлмас қаҳрамонларни яратган Мигель де Сервантес: “На денгизларни ошиб ўтаётган кемалар, на саҳрою даштларни босиб ўтаётган карвонлар, на ўзингнинг оёқларинг етти ёт бегона, номаълум юртлар сарҳадларига ЯХШИ КИТОБларчалик теран ва яқин кириб бора олмайди”, деганида қанчалар ҳақли эди.

*Рус тилидан Илҳом ҲАФИЗОВ  
таржимаси*



Муҳаммадҷон  
ХОЛБЕКОВ



## ЛОТИН АМЕРИКАСИ: "СЕҲРЛИ РЕАЛИЗМ" ЖОЗИБАСИ

*Хорхе Луис Борхес  
ижодиға чизгилар*

1960 йиллар бошида Лотин Америкаси адабиётида майдонга келган «янги роман» жанридаги мисли кўрилмаган муваффақиятлар китобхонлар эътиборини тортди. Ушбу ўзига хос «юксак ҳодиса» мазкур адабиётнинг бадиий мазмун-моҳиятини таърифлаб бера оладиган атамани ҳам тақозо қилди. Тез орада бундай атама топилди. Дарвоқе, 1925 йилда немис санъатшунос олими Франц Рюо Фарбий Европа адабиётида бўй кўрсатган экспрессионизм эстетик оқимини «сеҳрли реализм» деб номлаган эди. Аслида, бу атама бадиий ижод вазифалари, умуман олганда, Лотин Америкаси насридаги реализм тамойилларини тўла очиб бериш учун унчалик тўғри келмайди.

Чунончи, Хорхе Луис Борхес, Хуан Карлос Онетти, Габриэль Гарсия Маркесларнинг бадиий тўқималари, бадиий оламни кўриш тамойиллари ёки Хулио Кортасар асарларидаги фантастик воситалар умуман бошқа қонуниятларга асосланади. Алехо Карпентьер ижодида эса «сеҳр» аксарият ҳолларда Жанубий Америкага Африка қитъасидан зўрлаб олиб келинган қора танлилар ва туб аҳоли – хиндуларнинг кўҳна афсона ва ривоятларига бориб тақалади, бу эса қадимдан қолган адабий аънанани янгилаш эди. XX аср Лотин Америкаси адабиётида етакчилик қилган том маънодаги реализм ҳақида ҳам айнан шу фикрни айтиш мумкин. Адабиётда Ла-Плата кўрфази ва унинг атрофидаги улкан ҳудудларнинг муайян услубга солинган ёрқин бўёқлари ўзгача жозибага эга бўлди. У Карпентьер ва Маркес ижодидаги Гаити ва Куба ороллари, Венесуэла ва Колумбия дашту биёбонларининг «мўъжизакор реаллиги» ва ақл бовар қилмас воқелигидан кескин фарқ қилади. Бундай вазият қадимий ва замонавий афсоналарга мурожаат қилиш, қолаверса, юқорида номи зикр этилган адибларнинг ҳар бири ўзи шахсий услубини яратишга боғлиқ қонуниятлар билан ҳам изоҳланади.

Айни замонда, XX аср Лотин Америкаси адабиётидаги «сеҳрли» ва «реал» тамойилларни қайта англаш ҳамда ижодда мужассамлаштириш бир қанча босқичлардан ўтганлигини ҳам назарда тутиш лозим. Улардан дастлабкиси – муайян ҳудудда пайдо бўлган ва ривожланган бадиий тажрибани батафсил ўрганиш ва ҳудудий чегараларни «ёриб ўтиш» билан белгиланади. Иккинчиси эса 1930-40-йилларда дунёга келган ва гўзал, бетакрор афсоналарга асосланган «ҳинду» адабиёти аънаналарининг

равнақ топиши билан чамбарчас боғлиқ. Шак-шубҳасиз, «Лотин Америкаси янги романи» яратувчиларининг ҳар бирига, аниқроғи, уларнинг серқирра ижоди учун ўзи туғилиб ўсган замин ва қондош миллатнинг оғзаки ва ёзма ижодий таъсири катта аҳамиятга эга эди.

Дарҳақиқат, Лотин Америкаси адабиёти жаҳон минбарига Европа ёки АҚШ адабиётига қараганда анча кеч кўтарилди. Улкан қитъанинг асосан испан ва португал тилларида битилган шеърятти ва бадиий насри учун француз адиблари Оноре де Бальзак ва Эмиль Золянинг адабий мероси 1920-йилларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган эди. Шу билан бирга ўша пайтларда бу ҳудудларда ҳам «саҳнага шахдам чиққан» модернизм шеърятти Европа адабиёти учун долзарб бўлган «цивилизация инқирози» муаммосига жиддий эътибор берганлиги муҳим ҳодиса эди. Фарқи шундаки, Европа адабиёти ва санъатидаги символизм эстетик оқимиға ўхшаган ҳодиса Лотин Америкаси адабиёти ва санъатида «модернизм» деб қабул қилинди. 1910-20-йиллар Лотин Америкаси адабиётида катта мавқеда бўлган авангардизм йўналишига мансуб шоир (Мексикадаги экстридентизм, Бразилиядаги «Антропофагия» гуруҳи, Аргентинадаги ультраизм) ларнинг фаолияти ҳам уларнинг «цивилизация инқирози» муаммосига жиддий қарагани, ундан қаттиқ хавотирга тушганидан дарак беради. Сирасини айтганда, Лотин Америкаси адабиётида ҳам худди Европадаги каби, анъаналарга содиқ қолиш ва бадиий маҳоратни ошириш, изланиш руҳи ҳукмрон эди.

1921 йилда ёш бўлишига қарамай, етарлича ҳаётти ва ижодий тажриба орттирган Хорхе Луис Борхес (1899-1986) Европадан Буэнос-Айресга қайтади ва, кўп ўтмай, газеталардан бирида ўзининг «Ультраизм» деб номланган, бир қарашда оддий ва жўн кўринса-да, манифест, яъни мурожаатномадек янграган мақоласини эълон қилади. Шу тариқа аргентиналик китобхонлар испан авангард адабиёти билан танишадилар. Ўша йиллар Аргентина адабиётида бир вақтнинг ўзида ҳар хил, баъзан бир-бирига мутлақо зид анъаналар ёнма-ён яшарди. Инчунин, XIX аср ўрталарида Хосе Эрнандес (1834-1886) куйлаган халқ қаҳрамони, бутун умрини Аргентинанинг бепоён даштларида ўтказган отлиқ чўпон — «гаучо ҳақида роман»лар машҳур эди. 1926 йилда ёзувчи Рикардо Гуиральдес (1876-1926) ўзининг «Дон Сегундо Сомбра» (1926) романида юксак маҳорат билан гаучонинг идеал портретини, аниқроғи — ёрқин қиёфасини тасвирлади. Ёзувчи Бенито Линч (1881-1951) 1910-20 йилларда ёзилган романларида гаучо ва авлодлари ҳаётининг ижтимоий муҳити ҳамда психологик қиёфасини тасвирлаб берди.

Француз романнависи Эмиль Золядан таъсирланган ёзувчи Мануэль Гальвес (1882-1951) ўзининг катта шов-шувга сабаб бўлган «Нача Регулес» (1919) ва «Шаҳар атрофидаги харобалар тарихи» (1922) романларида шаҳарнинг қоронғи ва хилват туманларидаги «яширин ҳаётни аёвсиз фош этади». Мазкур романларда тасвирланган дунёнинг «сеҳрли таровати» машҳур бастакор Эваристо Карриего (1883-1912)нинг мусиқий асарларидаги танго садолари поэтикасига жуда яқин эди. Кишиларнинг ҳаёти ва ўлимини бошқарадиган илоҳий, ғайритабиий кучлар ҳақида ҳикоя қилувчи фалсафий қиссалар муаллифи Орасио Кирога (1879-1937) ижоди эса мутлақ бошқа руҳда ривожланди.

Борхес ва унинг маслакдошлари учун бундай хилма-хил йўналишдаги асарлар вазиятни тўғри баҳолаш, энг муҳими, ўз йўли ва оҳангини топишда, ўртадаги чегарани аниқ белгилаб олишда катта ёрдам берди. Аргентина пойтахти Буэнос-Айресда 1920 йилларда «Флорида» ва «Боздо» ижодий гуруҳлари шаклланди. Биринчи гуруҳ ўз номини шаҳарнинг бадавлат зодагонлари истиқомат қилувчи тумандан, иккинчиси эса —



камбағаллар яшовчи даҳадан олган эди. «Флорида» гуруҳини Борхес атрофидаги шоирлар ташкил қилди; «Боздо» гуруҳига эса асосан ёзувчилар тўпланган эди. «Флорида» аъзолари бир қадар шуҳрат қозониб, адабиёт аҳли эътиборини ўзига қаратишга муваффақ бўлишди. Борхес ва унинг сафдошлари 1924-27 йилларда нашр этган «Мартин Фьерро» журнали Аргентина маданиятида кўзга кўринарли ҳодисага айланиб, ўтмишга ҳолисона эътибор туфайли тилга тушди. Бу ерда гаучолар оламига муносабат Линч ёки Гуиральдес асарларидаги романтик дунё талқинидан кескин фарқ қиларди. Борхеснинг ўз ижодида муайян бадиий замон ва макон, аниқроғи, танго поэзияси образлари, аънаналари билан суғорилган шеърларидаги ёрқинлик айнан шу билан изоҳланади. Бундай образлилик унинг «Эваристо Каррьего» (1930) тўпламига кирган шеърлардаги маиший икир-чикирлар, ғарибона ҳаёт тафсилотларидан кескин фарқ қилади.

Борхеснинг 1920 йилларда ёзган шеърларида танго мавзуси марказий ўрин эгаллайди. Уларда шаҳар атрофидаги хароба маҳаллалар, жазирама пайтида одамларга тўлиб кетадиган қаҳвахоналар, дам олувчиларнинг севимли эрмаги — патефонда мусиқа тинглаш ва рақсга тушиш муайян вақтга боғлиқ бўлмаган рамзий маъно касб этади. Булар — ёзувчининг келажакдаги фалсафий фикрлари, бадиий тафаккури учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди, десак янглишмаган бўламиз. Адолатсизлик ва зулмга қарши чиқиш, ўлимни очиқ юз билан кутиб олишга тайёр довурак гаучо образи ва унинг «авлоди» бўлмиш — шаҳар четидаги харобаларда туғилиб ўсган «ошна»си насроний черков тан олмайдиган китобларда тасвирланган аждодларга хос хотиржамлик ва эҳтиросини ўзида мужассам этганлигини Борхес, кейинчалик, «Танго тарихи» (1952) эссесига эътироф этган эди. Адиб, фикрини давом эттириб, «биз бу дунёга яқинлашгудек бўлсак, қачонлардир йўқотиб қўйган ўтмишимизни қайта топиб оламиз», деб таъкидлайди. Масалан, «Жануб» (1953) ҳикоясида тасвирланган китобсевар Дальман ё алаҳсираб, ё кимнингдир сеҳр-жоду иродаси туфайли ўз уйини ташлаб, қандайдир «бошқа ҳаёт», яъни овлоқда, номаълум темир йўл бекатида, ўтган аср либосидаги гаучолар ёнига тушиб қолади ва шу тариқа ўтмишни ўз кўзи билан кўради. Журъатсиз Дальман олдида танлаш зарурати қўйилади: яъни у яккама-якка курашишга «даъват» қилинади. Дальман чангда ётган дудама ханжарни кўтариши ёки айни пайтдаги кескин вазият ўнгида эмас, ҳаёлида кечаётганлигини англаб, фикр ортига «бекиниб олиши» мумкин. Дальман беҳаловат уйқу «мантиғи»га итоаткорона бўйсунди ва ханжарни кўтаради. Шу тариқа унинг олдинги ҳаётида устувор бўлган «мутлақо бошқа» мантиқ йўққа чиқади. Муқаррар ўлим олдидан у «бегона» — бир вақтнинг ўзида романтик ва қаҳрамонона — ўтмиш қандайлигини ҳис этиб кўради. Бироқ ҳикоянинг «тантанавор» хотимаси ўқувчини чалғитмаслиги, икки ёқлама тушунишга йўл қўймайдиган тарзда ўқилиши лозим. Эҳтимол, Дальман қалбида осмонўпар тоғлар ва бепоён ям-яшил даштликлар макони — бағри кенг Аргентинада туғилиб ўсган алпқомат гаучонинг «ирсий хотира»си уйғонгандир. Балки кутубхоначи Дальман, китоб шайдоси Дальман, ҳаётни китоблардан ўрганган Дальман, фанога абадий ғарқ бўлишдан олдин, жонидан ортиқ севган китоблардаги ҳаёлий дунёга «қайтгандир».

Нима бўлганда ҳам, бадиий тўқима, Борхес наздида, сеҳрли кучга эгадир. Тасаввур кучи бутун бошли мамлакат, кейинчалик бутун бошли сайёра («Ҳаёллар», 1944) тўпламидаги «Тлён, Укбар ва Учинчи олам» (новелласи) ни вужудга келтиради, десак аниқроқ бўлади. Бадиий тўқимадан ранглари уйғун, товушлари оҳангдош, хушманзарали, ҳар

томонлама қулай ва гўзал дунёнинг пайдо бўлиши – бу кундалик ҳаётга қарши чиқишнинг утопик шаклидир. Аммо бу бир вақтнинг ўзида антиутопия ҳамдир, негаки, бадиий тўқима реал ҳаётимизга ёриб кириб, уни ўзига тўлиқ бўйсундиради. Новелла сўнгида ровий Тлён сайёраси реаллигидан бошқа бадиий тўқима — ўзи яратган китоблар оламига «яшириниш»га мажбур бўлади. Бир-бирига қарама-қарши қўйилган бадиий маконлар ҳақида бундай тасаввур Борхес томонидан имкон қадар мураккаблаштирилган. Новелла кўп нарса ҳақида оғиз очмасдан ўқувчини алдай оладиган ровий маҳорати ҳақидаги суҳбат билан бошланиши бежиз эмас, албатта. Новеллани ўқиганимизда, икки, гоҳида бир нечта маънога эга бўлиш, ноаниқлик, ўй-фикрларни ниқоблар остида яшириш Борхеснинг бадиий тамойили эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ахир дунё ҳақида ростакам сўзлаб бериш, уни сўз билан ифодалаш, қолаверса, дунё ҳақидаги ҳикояга нуқта қўйиш, ёзувчи фикрича, мумкин эмас. Зеро, ёзувчи персонажлари ҳаётнинг ҳар томонлама пухта ўйланган, таърифи аниқ формуласини яратиш, қолаверса, мукамалликка эришиш, ўз тақдирини олдиндан билишга интилиш, Курраи заминнинг «кутубхонаси»да керакли «китоб»ни топиш илинжида умр кечириш хусусиятига эга.

Дарҳақиқат, оламни ўзига хос тизим сифатида англаш, табиат сирларини, ҳаётнинг қадрини билиб олиш учун китобларни қайта-қайта ўқиш ақлдан оздиради. Масалан, «Қум китоби» (1975) новелласи қаҳрамони, китоблар китоби саналмиш сеҳрли китобни кўлида маҳкам ушлаб, ундан кўзини узмас экан, бу «ҳақиқат» сирини англай бошлайди. Бир вақтнинг ўзида тушунадик, Ҳаётнинг универсал рамзига яқинлашиш ақлдан айиради, пировардида телбаликка олиб келади. Билимнинг керагидан ортиқчалиги «Мен», яъни инсоннинг руҳий марказини ич-ичдан емиради, уни ҳалокат ёқасига олиб келади, чунки инсон чексизликка жон-жаҳди билан интилади, уни ҳам, унинг ортида нима жойлашганлигини ҳам билиб олишга ҳаракат қилади. Ақлдан озишига сал қолган қаҳрамон жаҳаннамнинг шамоли уфуриб турган китобдан қутулади.

«Фунес, Хотира мўъжизаси» (1942) номли новеллада зотли айғирдан йиқилиб оғир жароҳат олган йигит ҳақида ҳикоя қилинади. Ўқувчини таажжубга соладиган новелла қаҳрамони, бедаво дардга чалиниб, ўз атрофида, бевосита содир бўлаётган унга тааллуқли воқеаларни майда тафсилотигача эслаб қолади. Фунес узоқ вақт юролмай уйда ўтиради ва атрофдаги одамлар назаридан қолиб кетади, шу сабабдан ўтган кун воқеа-ҳодисаларини эслаш, китобларни ўқиб билим олиш билан ўзини овутади. Бироқ хотирасида муҳрланиб қолган воқеа-ҳодисалар қутилмаганда уни қийнай бошлайди. Абсолют хотира юкини кўтара олмай, унинг азобига чидай олмай у ақлдан озади. Борхес дунёқарашига хос бўлган ушбу новеллада реаллик фантастика оламининг «реаллиги» билан қоришиб кетади.

Билъакс, «Алеф» (1949) новелласи қаҳрамони замонлар ва маконлар кесишган нуқтасини топиб олади. Алеф – бу дунё қулфининг калит солинадиган тешиги, яъники дунёдаги жами мавжуд воқеа, ҳодисаларнинг кесишган нуқтасидир. Алефни англаб бўлмайди, сўзлаб бўлмайди, аммо у мавжуд... Сеҳрли Алеф баҳридан ўтаркан, қаҳрамон ижодий илҳом манбаидан ҳам юз ўгиради. Ҳикояни сўзлаб бераётганда ровийнинг шундоқ сезилиб турган самимиятсизлиги, гапни хаспўшлаши, воқеаларни қисқача тасвирлаб бериши ўқувчини тағмаъно, қўшимча мазмунни ахтаришга мажбур этади. Новелла батафсиллик билан тасвирланган қаҳрамон Карлос Архентиносдан очикдан-очик нафратланиш, натижада, унинг ижодий услубини қабул қилмасликка ундайди, яъни ровий атроф-муҳит, ҳайвонот ва наботот оламининг «Алефчасига» каталогини тузишни ис-

тамайди. Бироқ асосий масала бунда эмас. Мутлақ билим ва хотирадан қочиш мавзуси орқали («Фунес, Хотира мўъжизаси») ровий, яъни бош қаҳрамоннинг яна бир муҳим жиҳати – севикли аёли Беатрис хиёнатини тан олишни хоҳламаслиги ҳам моҳирона очиб берилади.

Alter ego — бу Зигмунд Фрейд кашф этган ҳодиса, тахаллус ёки бошқа ном ортида яширинган лирик қаҳрамон, қолаверса, бадиий образ ҳам бўлиши мумкин. Бу атама адабиётда, ўзаро ёки бевосита муаллиф билан чамбарчас боғлиқ персонажларни тасвирлаш жараёнида кенг қўлланади. Борхес ҳам кўп ҳолларда ўзининг alter ego (лот. — «бошқа Мен»), яъни инсоннинг реал ёки ўйлаб чиқарилган муқобил шахси орқали фикр юртишни афзал кўради. Бу эса адибнинг шахсий тавба-тазарру, кўнглидаги гапни очиқчасига айтиш шаклини англатади ва ўз ўрнида, у бадиий тўқимани янада мураккаблаштирувчи услуб эканлиги намоён бўлади.

Умри давомида қийнаб келган кўз ожизлиги, кутубхонадаги жонидан ортиқ яхши кўрган иши, бахтли онлар, яъни Европага уюштирилган саёҳатлар ва у ердаги қайноқ, сермазмун ҳаёт, бир нечта ҳаммуаллифлар билан ишлаш ва содиқ дўстлар даврасида кун ўтказиш — буларнинг ҳаммаси Борхеснинг ҳикоя қилиш услубини расмий ҳужжатлар қолипига солишга хизмат қилган эди. Айнан ушбу ўзига хос услубда инсон ҳаётига фантастика, аниқроғи, реаллик ичига нореал тасвирнинг ёриб кириши ўқувчини ҳайратга солса ажаб эмас. «Ҳужжатларга асосланган» услуб воқеага, ишга алоқадор бадиий тафсилотлар билан тўлдирилади, бойитилади. Шоирона қилиб айтганда, қоронғилик чулғаб олган ҳашаматли хонадаги жавонда турган биллур идишлар, кумуш буюмлар, деворда осиб турган суратлар, тартиб билан терилган китоблар чакмоқ ёруғида кўрингандек туюлади. Ёки дераза ёнида турган қаҳрамоннинг юзида маъюслик бор, яъни у ўлим жазосига адолатсиз ҳукм этилганлигидан кўзлари ёшга тўлгандек кўринади. Ёки пештоқ устунлари пушти ранга бўялган, сербар пешайвонига мрамор тошлар қўйилган, баланд деразалари ой нурида ялтираб турган уйни ўраб олган боғдаги хиёбонларда увиллаб эсаётган шамолда, эман дарахтларининг шитирлашида арвоҳлар гапиргандек туюлади. Бу уй қаҳрамонники, лекин у останага етолмай ҳалак. Бундай тафсилотлар Борхес асарларида ўзига хос маъно касб этади. Бу зинҳор кундалик ҳаётни, маиший икир-чикирларни тасвирлаш, бир сўз билан айтганда, баёнчилик эмас. Сўзнинг том маъносида, бу халқнинг турмуши, моддий ва маънавий маданиятини намоён этувчи бадиий тафсилотлар ҳам эмас. Ўқувчи кўз ўнгида муаллифнинг субъектив мушоҳадаси, ҳаётни шоирона ҳис этиши томон кенг йўл очиларкан, у асарнинг фалсафий мазмуни юксак бадиий парвозга яқинлашаётганини англаб боради.

Борхес учун маънавий-ахлоқий меъёрлар, инсоннинг ҳис-туйғу ва руҳий кечинмалари эмас, балки қаҳрамонларининг Курраи заминдаги қандайдир бир сирли, «сеҳрлаб, ўз оғушига олувчи» замон ва макон билан тўқнашуви муҳимдир. Ушбу сирли ва сеҳрли замон ва маконнинг жумбоғи (айнан ўхшашлик ёки кескин фарқ, қиёс ва тафовут)ни ечиш — Борхес ижодининг асосий мавзусидир. Лекин ечимларнинг универсал калити (шифри) осонликча очилмайди. Адиб яратган аксар ҳикояларнинг хотимасидаги оҳанг ўзгаришлари айнан шундан келиб чиққан. Бамай-лихотир файласуфларча фикр юритиш, фалсафий фалакларда парвоз этиш кўққисдан ровийнинг «бедаво дарди ва ҳаддан толиққанлиги» ёки қаҳрамоннинг «мусибатга йўлиққанлиги ва бахтиқаролиги»ни эслатиш билан алмаштирилганлигини кузатамиз.

Аммо, пировардида, ушбу якунловчи қисмлар коинотдаги ўзга оламни барпо этувчи (Тлён сайёраси, Укбар мамлақати) ёки Ердаги ўзга олам моделини яратувчи («Тармоқланган сўқмоқлар боғи») онг куч-қудратига

бас келолмайди. Субъективлик, кенг тасаввур, ҳаёт ҳақиқатини билиб олишга интилувчан ақл-идрокнинг уйғунлиги, бир-бирига чамбарчас боғланганлиги, Борхес фикрича, бир вақтнинг ўзида, улкан кучга эга ва шу билан бирга, осонгина енгилиши мумкин. Бу уйғунлик инсонни реалликдан узоқлаштириб, ҳаёлий воқелиқдан осмонга кўтариб, яна ҳақиқий ҳаётга қайтаради, бироқ муқаррар ўлимдан қутқара олмайди. Лекин у жон бериш, нариги дунёга рихлат қилиш пайтини, ушбу бир зумда ўтиб кетувчи лаҳзани Худо яратган оламнинг бир таркибий қисмидек англаш учун имконият яратади. Масалан, «Тармоқланган сўқмоқлар боғи» (1941) новелласидаги гўзал боғни эккан, кунни тунга улаб уни парваришлаган, қолаверса, унга бутун ҳаётини бағишлаган Боғбон ва унинг авлоди — кейинги Боғбон ҳамма нарсаларни олдиндан сезиш, ҳаттоки тақдирларидаги шодон ва қувноқ ёки қайғули-ҳасратли кунларини ҳам башорат қилишдек «сеҳрли кароматга» эгадирлар (Мазкур ҳикоя «Жаҳон адабиёти» журналида (2009) М.Маҳмудов ва А.Абдуқодиров таржимасида босилган).

«Сирли мўъжиза» (1943) новелласи қаҳрамони — Яромир Хладик исмли шоир бешафқат тақдир билан талашиб-тортишиб бошлаб қўйган драмасини яқунлаш учун муҳлат олади. У яҳудийлар қирғини пайтида фашистлар отган ўқдан яраланган, ўлим олдида асарига сайқал бераркан, қуёш нурлари остида бахтиёр ҳаётга эришгандек бўлади. Шоирнинг ҳаётдан мамнунлик ҳиссини уйғотувчи ижодий фаолиятини ўзгалар эътироф этмаслиги Борхес учун унчалик муҳим эмас. Шоир драма байтларини ҳаёлида, тасаввурида тўқир экан, уларни оқ қоғозга кўчириш ҳақида ўйламайди, негаки у қуёш нурларини тўсиб қўйган, унинг иссиғини ўтказмайдиган баланд зах девор олдида отиб ташланишини кутиб турибди. Умрининг мазмунига айланган драмасини охиригача етказиш учун вақт тўхтаб туради, яъни шамнинг милтираб турган оловидек ўчиб ёнувчи онгидаги вақт тўхтабди. Айни пайтда эса баланд деворлар ортида жўшқин ҳаёт қайнайди, бир сония бўлсин тўхтамайди. Ижод сеҳри, шу тариқа, алоҳида олинган шахс учунгина теран маънога эгадир.

Шунга қарамасдан, истеъдодли ижодкор тафаккуридаги тўқима унинг шахсий вақти, аниқроғи, муайян замон ва маконда унга ўлчаб берилган вақт чегарасидан ўтиши мумкин. Мисол тариқасида «Хоин ва қаҳрамон мавзуси» (1944) ҳикоясида тасвирланган ирландиялик Килпатрикнинг қисматини — кечмиш-кечирмишларини келажак авлодга етказишни унинг содиқ дўсти ўз зиммасига олади ва буни бажаради. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, бош қаҳрамоннинг набираси бўлмиш Райен, машҳур бобоси ҳақидаги асарни ўқир экан, беихтиёр унинг хиёнатини ўзи ҳам такрорлайди.

Мазкур конструкция, ёки бошқача қилиб айтганда, мавзунинг ўзига хос тарзда ечилиши Борхес ижодида қандайдир бир парадоксал, яъни мантиққа зид кўринишда намоён бўлади. Ҳаётдаги ҳодисаларнинг даврийлиги, яъни ўзига хос даврни ҳосил қилиши, хоинона ҳаракат ва қаҳрамонликнинг муқаррар равишда такрорланиши, бир қарашда, Тақдир гардиши айланиб, яна жойига қайтишини англатади, яъни инсон ҳаётда ниманики режалаштирса, унинг ҳаммаси беҳуда. Худди тунда юлдуз учиб, осмон қаърида сўнгандек. Бироқ инсон бунга ҳеч қачон кўнмайди, муқаррар ўлим олдида бўй-басти билан мағрур тураверади. Фалак гардишининг тўхтовсиз айланиши, ҳаётнинг кўз очиб юмгунча ўтиб кетаётганлиги, тақдир эврилишлари инсон иродасини буколмайди. Негаки, ўша такрорланиш нуқтасидан келажакнинг сон-саноксиз вариантлари худди дарахтнинг шох-бутоқлари каби ўсиб, тармоқлаб кетади. «Тармоқланган сўқмоқлар боғи» новелласининг қаҳрамони: «Айнан ҳозир, айнан шу он олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган тақдир, келажак мавҳумлиги ол-



дида юракка ғулгула солувчи ҳис-туйғуни туғдиради», дея иқрор бўлади. «Хоин ва қаҳрамон мавзуси», новелла қаҳрамони ҳардамхаёл Райеннинг «узоқ ўйланиб, тараддуд кўриши», бир қарорга келиши, тўлиқ англаган ҳолда ўз хоинона хатти-ҳаракатини аждоди Килпатрикнинг олдиндан режалаштирган сценарийсида бажарадиган ролига қора сиёҳ билан ёзиб қўйилгандек рўй беради.

Адиб ижодида Курраи замин ва Тарих кутубхона ёки китобга қиёсланади. Ушбу билим макони бўлмиш кутубхона ёки билим тажассуми бўлмиш китоб образи вазиятга қараб ўзгаради, яъни китоб хотимаси силлиққина муқаддимасига ўтиб кетади ёки сон-саноксиз қўшимча сюжетларни туғдиради ёхуд китобхон кўз ўнгида «Қум китоби»га айланади; уни икки марта бир жойда очиб бўлмайди, уни ҳар сафар янги-янги саҳифадан ўқишга мажбур бўлаверасан киши. Адиб асарларини ўқирканмиз, беихтиёр муқаддас китобларни эслаймиз. Қуёш нурга тўлдирган бу дунёда ҳеч нарса янги эмас, ҳар қандай сўз эса бир вақтлар ёзилган матндан олинган бир зарра, холос («Алеф» тўпламига кирувчи «Художўйлар» (1949) новелласи). Шундай экан, ижод қилишга нима ундайди, ижодий илҳом қаердан келади, ижодий куч-шижоат нима сабабдан битмас-туганмас чашмага ўхшайди?

Борхеснинг бу саволга жавоби сўзга бўлган ишонч билан тўйинтирилган. Унинг ишончи комил, битта матнни ҳар сафар бир оҳангда ўқиш мумкин эмас, қолаверса, бир матнни икки марта ёзишнинг ҳам имкони йўқ. Бошқа замонларда бошқа одам томонидан, сўзма-сўз қилиб такрорланган бўлса ҳам майли, барибир матн бошқа бўлади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, такрорланишлар бетакрор — Борхеснинг универсал парадокси, мантиққа, соғлом ақлга зид асарларининг бош мавзуси ана шундан иборат.

Бир-бирига сира ўхшамас, гоҳида зид, гоҳида яқин маданиятларга хос теран фалсафий мушоҳадалар, шубҳа туғдирмайдиган далилларни ипга маржон тизгандек тизган ёзувчининг ёрқин истеъдоди, билимдонлиги ақл-заковат бобида ундан ҳеч ҳам қолишмайдиган китобхонларни тақозо этади. Номлар ва парчалар, исмлар ва лавҳалар — ёзувчининг асосий материали, унинг бадиий тили, у яратган тизимнинг белгиларидир. Инсоннинг деярли барча хатти-ҳаракатлари, аниқроғи, яхши ва ёмон қилмишлари, адашув ва шубҳаланишлари, ғалаба ва мағлубиятлари Борхес томонидан қачонлардир ёзилган матндан парчалар келтиришдек акс этади, қачонлардир айтилган сўзларни ўзгача такрорлаш ёхуд субъектив тарзда талқин қилишдек туюлади. Ҳар хил босқичларда ўша-ўша яккаю ягона сўзни «тушуниш, маъносини англаш учун пинҳон шаклни намоён этиш ёки, аксинча, хаспўшлаш мумкин... Антик даврнинг буюк шоири Ҳомер ўзининг «Илиада» ва «Одиссея»сини не-не машаққатлар билан ёзди, лекин Курраи заминнинг бепоён дашту саҳроларида, беўлчов замон ва маконда кунлардан бир кун келиб яна бир марта «Одиссея»ни ёзишлари мумкин эмас» («Ўлмас» (1947) (Маҳкам Маҳмудов таржимаси). Шу боисдан ҳам Борхеснинг бадиий оламида яшовчи персонажлар, «Одиссея»ни ким ёзганини тагига етишга интилар экан, китобхон ҳукмига ўзаро суриштирув жараёнида аниқланган сон-саноксиз иқтибос ва изоҳларни тақдим этадилар. Борхес учун бундай изланишларнинг натижаси катта аҳамиятга эга эмас, унга жараённинг ўзи, яъни интеллектуал баҳс-мунозара, ақлни ишга солиб жумбоқни ечиш жараёни муҳимдир. Айрим тадқиқотчилар Борхес асарларида гапнинг мураккаб тузилиши, бошқа матнларга ҳавола қилиш ёки уларни ўзгача талқин этиш, иқтибос, мажозий маъно ва ўхшатмалар, конкрет ва мавҳум тушунчаларнинг кесишган нуқталари, умумлашмалар кўплиги худди кенг ёйилган матодаги моҳирона ишлан-



ган нақшларга ўхшайди, деб таъкидлайдилар. Асарларда теран англа-наётган ҳақиқатнинг чек-поёни йўқ. Ҳар бир асарнинг мазмун-моҳиятига ўша асарнинг акси — «антикитоб»да қарши чиқилади ва қизғин баҳсда тўғрилиги ёки нотўғрилиги исботланади. Яширинча ёки ошкора истехзо билан мийиғида кулиб қўярган, адиб ушбу «антикитоб»ларни қалаштириб ташлайди, бирма-бир териб қўяди; ҳеч иккиланмасдан ўзининг бошқа ҳикояларида тасвирлаган персонажларига, илмий ва бадиий матнларига ҳавола қилади, улардан бутун бошли бобларни келтиришдан ҳам тоймайди, уларни юз марта тўғриланган парча ва иқтибослар тағмаъносига устамонлик билан жойлаштиради.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратайлик. Борхес ижодида китоб образи, аниқроғи, бадиий тафсилотга катта жой ажратилади. Худди шундай ролни унинг бошқа машҳур рамзлари — кўзгу ва лабиринтлар ўйнайди. Бу тасодифий ҳол эмас. Асарларини ўқирканмиз, «инъикос», «вариантлар кўплиги» адибнинг бадиий ижод фалсафасидаги асосий категориялар эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жўшқин ва серқирра ҳаёт, объектив воқелик — бутун борлиқнинг мураккаб усулидек намоён бўлади. Яъни «Тармоқланган сўқмоқлар боғи» новелласида Курраи замин чексизлиги ғояси мужассамлантирилиб, ўрта асрларда хитойлик до-нишманд Цюй-Пен йўлаклари беҳисоб лабиринтга ўхшатиб ёзган («Қизил қасрдаги туш») романида ҳам, XX асрда боғбон яратган сўқмоқлари айри боғда ҳам ўз ифодасини топади. «Художўйлар» новелласида лабиринт нафақат тузоққа, балки ҳақиқат ортидан қувиш метафорасига айланади. «Тлён, Укбар, Учинчи сайёра» новелласи персонажларидан бири: «Кўзгулар бор нарсани кўпайтириб кўрсатади», деб таъкидлайди. Инсон хаёллати ҳам кўзгуга ўхшайди, чунки фантазия, Борхес наздида, оламларни кўпайтиради, сеҳрли яратувчанлик кучига эга бўлади. У яратган асарларнинг кучи, «сирли реализми» бундай нуқталарда ёниқ нурга айланиб кўринади. Уларнинг кучи, барҳаётлиги шунда.

### Дарвоқе...

*Хорхе Луис Борхес Оскар Уайльднинг “Бахтли шахзода” эртагини инглиз тилидан таржима қилганида ўн ёшли болакай эди.*

*Jahon  
Adabiyoti*

# ИЖОДИЙ ЭРКИНЛИКНИНГ ТОТЛИ МЕВАЛАРИ



Улуғбек  
Ҳамдам

**Б**угун адабиётимизда пайдо бўлаётган турли йўналишлар, оқим ва анъаналар ҳақидаги баҳс-мулоҳазалар матбуотимизда тез-тез кўзга ташланиб турибди. Адабиётшунослар Улуғбек Ҳамдам ва Раҳимжон Раҳматнинг суҳбатида модернизм, абсурд, реализм каби тушунча ва атамалар, уларнинг моҳияти, назарий методологик асослари, янги пайдо бўлаётган асарлар, ёзувчининг ижодий лабораторияси ҳақида фикр юритилади.

Суҳбат



Раҳимжон  
Раҳмат

**Раҳимжон Раҳмат:** Улуғбек! Анчадан бери адабиётшунос ва ижодкорлар Европа модернизм адабиёти ҳақида кўп фикрлар билдирмоқдалар. Абсурд қаҳрамон деган гаплар ҳам кўпайган. Айрим олимларимиз мақола ёки илмий иш ёзса, аввал Европа модернизм адабиёти ҳақида гапириб, кейин ўзбек модерн адабиёти деган жумлани ишлатишади. Янги яратилган асарлардан модернизм унсурларини, абсурд қаҳрамонни излашади. Ҳатто Европа модернизми тўғрисида жиддийроқ мақола ўқимаган, абсурд қаҳрамон нима эканлиги билан унчалар таниш бўлмаган айрим олимлар ҳам янги замон Европа адабиёти тўғрисида мақола ёзмоқчи бўладилар. Ва улар, ўзлари тўлиқ англамаган ҳолда, янги асарларни Европа модерн адабиётининг оқавасига айлантириб қўйишади. Айтмоқчиманки, айрим адабиётшунослар насримизда пайдо бўлаётган анчайин жиддий янгиликларни кимларгадир тақлид сифатида баҳолашяпти. Гоҳо «фалончи ўзбекнинг Кортасари, пистончи ўзбекнинг Борхеси» деган гаплар тез-тез қулоққа чалиниб қоляпти. Бу гапнинг тагида янгиланаётган миллий насримизни камситадиган нозик маъно бор.

Шуни унутмаслик керакки, адабиёт ҳамиша ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ равишда ривожланади ёхуд турланади. Масалан, Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар жадид адабиёти вакиллари дидир. Бу сиймоларни шу атама билан атасак маъқул бўлади. Жадид адабиётини ҳаракатга келтирган куч эса, биринчи навбатда, жамиятда юзага келган сиёсий-ижтимоий ғоядир. Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов каби улкан шоирларнинг пайдо бўлиши ҳам ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаш туйғуси билан боғлиқдир. Коммунистлар давлатининг парчаланиши ва мамлакатимизнинг озодликка эришиши муносабати билан адабиётимизда жиддий ўзгаришлар юз берди. Диққат қилинг: кўп йиллик янгиланишлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги янги тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланди. Модернизм эса бевосита илм, фалсафа ва жамият

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

179

кишилари руҳиятидаги ўзгаришларга асосланади. Албатта, бизлар ҳам бутун дунё илмини ўрганишимиз, ўрганганларимиз асосида миллий бадиий тафаккурда янгиланишлар қилишимиз лозим ва даркор. Лекин мавжуд адабиётимизни модернизм деган улкан ҳодиса остига бостириб димиқтириб қўйиш ярамайди, деб ўйлайман мен. Унутмайлик: модернизм реал тарихий заминда ва конкрет ҳодисалар таъсирида юзага келяпти.

Модернистлар вақт, макон, табиат тасвири, қаҳрамон портрети, сюжет чизиғи ва бошқа анъанавий романга хос унсурлардан чекиниб, кичик бир детал билан кифояланган кўйи шу детални универсал маъно ташийдиган рамзга айлантиришган. Илк бор Фрейд кашф қилган: ижод – худди туш каби ботиний онг (бессознательность) га сафардир. Ботиний онг эса рамзлар воситасида ўз мавжудлигини намоён қилади. Машҳур Кафка ўз романларидан бири ҳақда гапириб, «сонь одной ночи», «бир кеча кўрган тушим» деб атаганди. Реал онга хос мантиқий, жўяли фикрлаш орқали ботиний шуурдаги маъно-мазмунни англашиб бўлмайди. Шунинг учун модернист ижодкорлар сўз тузилишини ҳам ўзгартириб юборишган. Модернистлар илк бор ўзини ҳар жиҳатдан ночор ва нотавон ҳис қиладиган, гўё ёвузлик қуршовида қолган «кичкина» одамни асар қаҳрамони қилиб танлашган. Айтмоқчиманки, ўзбек адабиётидан модернистик йўналишларни излаётганлар бу адабий оқим ҳақида ҳаққоний ва етарли маълумотга эга бўлишлари лозим. Албатта, ижодкорларимиз модернизм адабиёти намуналари ва уларнинг ижодий услубидан яхши хабардор. Яна айтаманки, Европа модернизмнинг вужудга келишига муайян ижтимоий-маънавий ва илмий муҳит сабаб бўлган.

**Улуғбек Ҳамдам:** Мўътадил иқлим, уйғун муҳит бўлмаса, анъаналар кўчириб келтирганингиз билан кўчат томир отмайди. Шу маънода бугунги ўзбек адабиётдаги янги изланишларни ўтган асрнинг биринчи ярмида Европада туғилган модернистик оқимнинг ғариб тақлиди дейиш анчайин хом гап. Бир-бирига монанд ижтимоий-тарихий даврлар ўхшаш кайфиятли адабиётларни вужудга келтиради. Эътибор қилинг: дунё фольклорида қанчадан қанча бир-бирига менгзайдиган қаҳрамонлар мавжуд. Нима, уларнинг бари бошқа биттасидан кўчирганми? Йўқ-да. Ижодий таъсирланиш албатта бўлади, лекин бу ўриндаги энг муҳим омил ўша миллатлар тарихидаги сиёсий-ижтимоий-маданий ва психологик муҳитининг ўхшашлигидир. Ўхшаш муҳитлар ўхшаш адабий қаҳрамонлару уларнинг бир-бирига мос кайфиятларини дунёга келтиради. Демак, Европанинг модернистик адабиёти бу Европаникидир ва бу адабиёт ўз даврида вазифасини ўтаб, асосан ўша ерда қолди. Биздаги модерннома адабиёт кайфиятига Европа модерн адабиётининг оз-моз ижодий таъсири (кўпроқ шаклий маънода) бўлса бордир, лекин у моҳият-эътибори билан ўз юртимиздаги ижтимоий-психологик ўзгаришлар заминидан туғилди.

Модернизмнинг пайдо бўлишидаги турли омиллар ҳозир кўпчилик зиёлиларимизга маълум. Мен бир нарсага эътиборингизни жалб этмоқчиман: ижодкор вақти-вақти билан бошқача услубда ёзишга ўзида ички эҳтиёж сезиб туради. У мавжуд ҳақиқатни ҳар доим бир хил услуб ва оҳангда акс эттиришдан зерикади. Бунинг учун кескин ижтимоий-тарихий сабаб бўлиши шарт эмас. Демокчиманки, ҳаёт энг «сокин» даврларда ҳам шунчалар ранг-баранг ва ақл бовар қилмас мўъжизаларга тўлаки, ижодкор услубининг турланиб туришига ҳаммиша имкон қолаверади.

Аслида, бундан-да муҳим гапим шуки, ҳамма измлар, аввало, реализм туфайли, унинг қаршисида мавжуддир. Реализм бу шоҳкўча бўлса, романтизм, натурализм, модернизм ва постмодернизм каби ўнлаб бошқа измлар шу она кўчадан бошланувчи, унинг ён-верида жойлашган ёндош кўчалардир. Пировард натижада улар яна шу бош кўчага келиб туташади.

Шундагина улар маъно касб этади. Уларнинг қиммати, аҳамияти фақат шоҳқўчанинг борлиги важдандир. Чунки ижодкор фантазияси ҳар қанча учқур бўлмасин, у ўзини не чоғли модерн ҳисоблаб, шу руҳдаги асарлар битишга чоғланмасин, барибир, ёзганлари алал-оқибатда ўқувчи ботинидаги реаллик туйғуси билан ўлчанади. Аввало, унинг ўзи ана ўша реаллик туйғуси билан иш кўради, тафаккур юритади, қоғоз қоралайди. Бас, шундай экан, реализм дарахт бўлса, қолган барча измлар (ҳозиргача мавжуд ва ҳатто келажакда ниш урадигани – барча-барчаси) унинг кўпдан-кўп шоҳларидир. Ёки реализм шундай заминки, унинг бағрида ҳар хил дарахтлар мисол кўпдан-кўп ИЗМлар вояга етиб туради.

Биздаги янги (модерннамо) адабиётнинг миллий заминда илдиз отганлиги ҳақ гап. Ҳа, бу адабиёт Европа модерн адабиётидан кўчирилган нусха ёки унга тақлид эмас. У бизнинг анъанавий йўлимиздан бошқачароқ шакл ва мазмунга эга ўз адабиётимиздир. Шу маънода уни модерн адабиёти дейишимиз ҳам бироз баҳсталаб. Бу ном ғоят шартли. Топа олсак, миллий адабиётимизда қарийб сўнгги йигирма йил мобайнида бўй кўрсатиб, бугунга келиб эса қаддини тиклаб олган ушбу адабий йўналишга бошқа илмий-асосли ном беришимиз керак.

XX аср муқаддимасидан бошланган адабиётимизни «Янги ўзбек адабиёти» деб номлаганмиз. Ушанда ҳам наср, ҳам назмда тубдан ўзгаришлар юз берган, илк драматик асарлар вужудга келган ва бу чинакамига янги ҳодиса, янги адабиёт бўлган эди. Адабий шакллар асосан ташқаридан – ўзга адабиётлардан қабул қилиниб олингани ҳам ҳақиқат: роман, драма ва янги шеър шакллари эсланг. Аср адоғидаги янгиланиш эса бир қадар бошқача табиатга эга. Бунда шакл ва моҳиятнинг ўзи ичкаридан ёриб чиқди. Демак, ташқаридаги адабиётга тақлиднинг ҳиссаси ўта салмоқли бўлмаган. Чунки ижодкорнинг дунёни бадиий-эстетик жиҳатдан қабул қилиши ва акс эттиришида илдизли ўзгаришлар юз берди-да. Назаримда, ушбу ҳодиса Янги ўзбек адабиёти эмас, ўша Янги адабиётнинг иккинчи тўлқини деган номга муносиброқ. Аслида, номдан ҳам муҳимроқ гап шуки, бугун ижодкорнинг бадиий тафаккур тарзи янгиланди, бас, Янги адабиётнинг пайдо бўлиши муқаррардир! Бу адабиётни қайси ном билан атасангиз ҳам (модернми ва ёки яна битта янги адабиёт дебми, бунинг унчалик катта аҳамияти йўқ!) у шартли номлигича қолаверади.

**Раҳимжон Раҳмат:** Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, ёзувчиларимиз орасида ҳозирги замон илми, фалсафаси, психология фанидаги янгиликларга кўпам эътибор бермайдиганлари ҳам учраб туради. Ахир, биргина Фрейднинг асарлари ғарб кишининг реализм ҳақидаги тушунчаларини тубдан ўзгартириб, адабиёт ва санъатда турли оқимлар вужудга келишига сабаб бўлди. Мен ўзим тенги бир неча ёзувчининг ижодини жиддий кузатиб боряпман. Динлар, дунё халқлари тарихи, илмдаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бу ёзувчиларимиз чиндан ҳам миллий насримизда салмоқли ўзгаришлар ясапти. Аслида ўзбек насрида жиддий ўзгариш содир бўлиб улгурган, фақат ҳозирча танқидчиларимиз бу ўзгаришни тўла идрок этиб, пайқаб улгуришгани йўқ.

Менинг назаримда, ёзувчи икки хил ҳолатда яхши асар ёза олади: саёҳат ва илм ўрганиш. Масалан, ҳаммамиз севиб ўқийдиган Хемингуэйнинг ҳаёти фақат саёҳатларда ўтган, уруш нима эканлигини англаш учун эса уч марта урушга борган. Илм воситасида улкан ёзувчига айланган Борхес эса асосий вақтини кутубхонада ўтказган. Охири йилларда асарлари дунёда машҳур бўлган Коэльо ҳам анчайин сирли илмлар билан шуғулланганлиги маълум.

Жорж Оруэллни олайлик. Жуда кўп ўзбек адиблари шу ёзувчининг асарларини ўқиб кўришмаган ҳали. Оруэлл сиёсатни бадиий асарга ай-

лантирган. Бунинг учун эса бутун умр сиёсий ҳодисалар тўғрисида мақола ёзадиган журналист бўлиб ишлаган.

Сизнинг «Мувозанат» романингиз, мен бундан яқиндан хабардорман, атрофингизда содир бўлган ва бевосита шахсий ҳаётингизга дахлдор шиддатли ҳодисалар натижасида ёзилган. Яъни, асарингизга асос бўлган ҳаётий материални аввал яшаб ўтиб, кейин уни роман шаклида қоғозга туширгансиз.

Назар Эшонқул ва Исажон Султон ривоятлар, асотирлар, илм-фандаги янгиликлар, дунёнинг турли бурчакларида содир бўлган турли даврлардаги тарихий ҳодисалар воситасида инсон қалби, қисматини бадиий талқин қилиб ҳикоялар ёзишяпти. Улар, айтиш мумкинки, анъанавий роман учун детал бўладиган оддий унсур – образни дунёни англаш воситасига, универсал маънога эга бўлган рамзга айлантира олишади. Анъанавий насримизда деҳқон ҳақида ёзилган асарда бу касб эгасининг ҳаёти, дунёқараши, дард-изтиробини акс этади. Дейлик, деҳқон образи дунёнинг тузилиши ҳақида универсал маъно ташийдиган рамзга айланмайди. Янги асарларда эса, деҳқоннинг ҳаёти мақсад эмас, бир восита сифатида танланади, бу восита орқали ёзувчи одам ва олам ҳақидаги ўзининг диний-фалсафий хулосаларини баён қилади. Демак, деҳқон ҳақида асар ёзишдан мақсад – деҳқон эмас, янгича прозанинг муҳим жиҳати шу – мавзу ва қаҳрамон восита бўлиб хизмат қилади.

Айтмоқчиманки, кўлига қалам тутган ижодкор ўзи яхши билган ҳаётий материални ўзига маъқул услубда қоғозга тушираверсин. Ўзбек ўқувчиси учун турли йўналишларда ёзилган жуда кўп асарлар керак.

**Улуғбек Ҳамдам:** Ҳамма гап ана ўша ҳаётий материалнинг борлигида, ёзувчи ўта муҳим гапининг чипқон даражасида пишиб етилишидадир. Бизнинг авлод ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган улкан, оламшумул ўзгаришларнинг қайноқ бағридан ўтди. Энди бунга эътибор беринг: ана ўша воқелик ижодкорнинг кўнглидан ҳам ўтдимиз, ҳамма гап шу ерда. Юрган дарё, дейди халқимиз. Ижодкорнинг юраги тўлиб-тошиб оқувчи дарёга айланмагунча ундан ўқувчи баҳра топмайди. Бошқа томондан, таъкидлаганингиздек, тамаддун тараққиёти силсиласида жиддий янгиликлар ясаган илмий кашфиётлардан бохабарлик бугунги ижодкор учун фарз даражасида бўлмоғи керак. Чунки ёзувчи ё шоир ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, ўз кучини ана ўшандай ихтиролар билан чархлаб турмаса, илдизига сув етиб бормайдиган дарахтдек секин-аста қовжирай бошлайди. Тахминан қирқ ёшларгача ёзганлари кўзларга суртиб ўқиладиган, кейинги қораламаларининг қиймати ҳамин қадар бўлган ижодкорларимиз озми?.. Нега? Чунки, аввало, улардаги захира тугаган. Яна бир муҳим жиҳат шуки, ижодкор ўз юрагининг поклигига аҳамият бермоғи, биробарин, ўз қалбининг бир умрлик садоқатли кўриқчисига айланмоғи шарт. Қорайиб кетган юрак билан нафақат зўр, балки ўртамиёна асар ёзиш ҳам мушкул. Ёзиш санъатинининг кўпдан-кўп сиру асрори тагига етган, тизган сатрларида наинки стилистик, балки биронта орфографик хато учрамайдиган ижодкорларимиз бор. Уларнинг асарларидаги шакл санъатларига тасанно деймиз, лекин минг афсуски, уларнинг кўпчилигида мазмун тўпиққа ҳам чиқмайди, асардан вулқондек отилиб чиқиб, ўқувчи юрагига тўғри бориб уриладиган бадиий зарб йўқ, худди қишда туманлар орасидаги хира кўриниб турган қуёшдек тафтсиз, нурсиз. Улар барпо этаётган адабиёт танқидчи А. Отабоев таъбири билан айтганда, масхарабоз минган ёғоч отга ўхшайди. Демак, бундай «восита» билан бир мунча вақт томоша кўрсатиб, одамлар эътиборини тортиш мумкин, холос, лекин у билан бирон манзилга сафарга чиқилмайди. Лекин шукрки, кўнгилга умид бахш этувчи носирларимиз бор: сиз қайд этган номлар қаторида С. Унар,



Н. Жалолоддин, А. Йўлдош, Л. Бўрихон, З. Қуролбой кабилар жиддий асарлар яратиш йўлида уринаётгандек туюлади. Ўз АС саҳифаларида берилган Э.Аъзамнинг «Ступка» ва Х. Дўстмуҳаммаднинг «Қичқириқ» номли ҳикоялари жиддий адабий жамоатчиликда ижобий таъсир уйғотди. «Тафаккур» журналида Н.Муҳаммад Рауфхоннинг «Чилла», «Шарқ юлдузи»да «Этақдаги уй» номли рамзий ҳикоялари чоп этилди. «Ёшлик» журналида эълон қилинган «Баҳоуддиннинг ити», «Қултой» (Н. Эшонқул), Ўз АС даги «Сувдаги коса» (Исажон Султон), «Шарқ юлдузи» даги «Сиртлон» (Шомирза Турдимов) зўр ҳикоялар. Камнома ва камсуқум Н. Боқийдан ҳам катта бадиий кашфиётлар умид қилсак арзийди. У «Суратдаги аёл» ҳикояси билан янгича ёзиши мумкин эканлигини кўрсатди. Хуллас, ҳозирда насримиз уфқлари кенгая бошлаган. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да. Чунки биз кейинги 20-25 йил мобайнида чиндан-да жаҳоншумул ижтимоий-тарихий эврилишларни бошдан кечирдик, энди уни бадиий идрок қилиш, англаш ва ҳис қилиш даврига кириб келдик. Бу дегани шуки, уларни бадиий адабиётда қойилмақом қилиб акс эттириш учун реал имкониятга ниҳоят эришиб турибмиз. Рўёбга чиққан ишлар бу – ҳали ҳамир учидан патирдек гап. Асосийлари олдинда. Ҳар ҳолда менга шундай туюлмоқда.

**Раҳимжон Раҳмат:** Бизнинг ёзувчиларимиз ўз меҳнатларини рўёбга чиқаришни яхши ўрганиб олишгани йўқ. Бизлар бу масалада ҳалиям Муқимийнинг издошимиз. Айтмоқчиманки, ижодорларимизнинг асарлари бутун дунёга милёнлаб тиражда тарқалмаяпти. Оғизга тушган «Алхимик» асарини бир неча марта ўқиб чиқдим ва бу асар бутун дунёда нима учун бу қадар шовқин солиниб ўқилганини унчалик тушунмадим. Ҳозирги кунда ёзувчиларимиз «Алхимик»дан кўра яхшироқ асарлар ёзишяпти. Лекин уларнинг ёзганлари тор доира ва илмий жамоатчилик даврасидан нари чиқолмаяпти. Мен ҳам орзу қилардим: ўзбек ёзувчиларининг асарлари бутун дунёда беш милёнлаб нусхада тарқалса. Бу нарсани амалга ошириш учун реклама ва бизнес деган тушунчаларни билиб олиш керак, менимча. Шунингдек, бугун дунё билан адабий алоқани кучайтириш лозим, деб ўйлайман. Инглиз адиби ёзган оддий дедектив асар 10 миллион нусхада бутун оламга тарқалади. Хўш, нима учун бизнинг ёзувчиларнинг асарлари бундай натижага эришмаяпти?

**Улуғбек Ҳамдам:** Ҳаққи рост. Назаримда XX аср ўзбек шеърини ўзининг сифат даражасига кўра жаҳоннинг исталган илғор шеърини билан ёнма-ён тура олади. Насримизда ҳам бармоқ билан санарли бўлса-да шундай асарлар бор. Аммо чиндан ҳам ўзбек ижодкорлари асарларининг хориждаги мутолааси кўнгилдагидек эмас. Хўш, ўзбек адабиётининг дунё бўйлаб яхши ўқилиши учун нималар қилиш лозим? Биринчидан, юртимизнинг иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳавас қиларлик поғоналарга етишмоғи йўлида бор имконимизни сарфламоғимиз жоиз. Бунга ҳамма, еттидан етмишгача сафарбар бўлмоғи керак. Жумладан, ижодкорлар ҳам. Нега? Чунки иқтисодий ва маънавий баркамол бўлган мамлакат ҳамма вақт эътиборни тартади. Эътибор эса алал-оқибатда унинг адабиёту санъатига бўлган қизиқишга олиб келади. Иккиламчи, таржимон масаласи. Ўзбек ва чет тилининг бутун бадиий товланишлари билан баробар биладиган мутаржимлар авлодини тарбиялаш лозим. Улар ижодкор бўлишлари шарт. Чунки асар бадииятини нозик ва теран ҳис қилмасдан унинг аслиятдаги тароватини бериш амримаҳол. (Чўлпон, У. Носирларнинг Пушкин ва Лермонтовдан, Э. Воҳидовнинг Гёте ва Есениндан, А. Ориповнинг Дантедан қилган таржималарини эсланг!) Учунчидан, сара асарларни танлаб таржима қилиш, чиройли ва сифатли ҳолда нашр этиб, тарқалиши учун чора-тадбирлар кўриб чиқилиши керак. Тўртинчидан, тар-

жима меҳнати моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоғи зарур. Жамиятда шундай тизимнинг мавжудлиги ва доимо ишлаб туриши жудаям асқотади. Албатта, мазкур муаммонинг бешинчи, олтинчи, еттинчи ечим тахминлари ҳам бор, лекин бир четдан бошланса, у ёғи юришиб кетади.

**Раҳимжон Раҳмат:** Ҳозирги яратилаётган бадиий асарлардаги муҳим жиҳат шуки, улар бир-бирига озгина бўлса ҳам ўхшамайди. Бу нарса кўнгилда умид уйғотади. Дейлик, Қодирийдан бошланган миллий ўзбек прозасида муайян ижтимоий-сиёсий муҳит сабаб то 90-йилларгача ифода услуби ва мавзуда жиддий янгилик деярли кузатилмади ҳисоб. 90-йиллардан кейин эса бири иккинчисиникига ўхшамаган услубга эга бўлган ёзувчилар кўзга кўрина бошлади. Бу жараённинг тезлашиши ижодий эркинлик билан боғлиқ бўлса керак.

**Улуғбек Ҳамдам:** Битта замонда яшаганликларига қарамай, Қодирийдан кейиноқ Чўлпон янгича ёзган эди. «Ўткан кунлар» билан «Кеча ва кундуз»ни солиштириб кўринг-а! Мавзудан тортиб, услуб ва тилгача, ҳамма-ҳаммаси Чўлпонда Қодирииникидан тубдан фарқ қилади. Энг муҳим фарқ уларнинг дунёни бадиий-эстетик қабул қилишида кўринади. Чунки катта ижодкорнинг яна битта катта ижодкорга тақлид қилиши мумкин эмас. Қолаверса, Чўлпон ҳамisha янгилик тарафдори бўлган, «бир хил»ликдан ўлатдан қочгандек қочган. Лекин надоматлар бўлсинким, бундай янгиланиш тамойиллари куртак ҳолидаёқ янчиб ташланди...

Кўникиб қолиб аҳамиятини бир қадар унутгандек бўляпмиз, аслида ижодий эркинлик – ижодкор учун ҳаёт-мамот масаласи. Бугун яхши ёзолмаётган ёки умуман ёзмаётган ёзувчи, шоир ва драматург бўлса, аввало ўзидан ўпкаласин. Чунки унинг боши устида ҳеч ким «манавиндай ёз, анавиндай ёзма» деб, мафкуравий қамчи ўйнатиб тургани йўқ. Мавзу танлаш ва уни ёритишда ҳозир ёзувчи эмин-эркин. Чинакам ижод учун шу эркинлик қаршисида қолган барча важ-корсонлар баҳонадан бошқа нарса эмас. Чунки ижодий эркин бўлмагани туфайли ҳам вақтида Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғуллом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Шайхзода каби улкан ижодкорлар ўзларини тўлиқ намоён қилолмадилар. Биргина Ойбекнинг ижодий потенциалига эътибор қилинг, унинг энг юксак адабий чўққиларни забт этгулик кучу қудрати мафкуравий тушовлар боис юзага чиқмай, ботинда қолди. Бугун биз ана шундай аччиқ сабоқларни ёдда тутмоғимиз ва мавжуд ижодий эркинликдан максимал даражада фойдаланишимиз даркор. Сиз айтаётган услубий ранг-баранглик шак-шубҳасиз ижодий эркинлик деб аталган неъматнинг дастлабки ширин меваларидир. Адабий боғимизнинг кенг ва ундаги мевали дарахтларнинг хилма-хил бўлиши келажакда миллатимизнинг ботиндаги ижодий қувватларини ҳам ҳаракатга келтириб юборишига ишонаман.






**ЖАҲОН**  
МАДАНИЯТИ  
ВА САНЪАТИ

**О**дамзот ҳеч қачон тиниб-тинчи-майди, доимо ҳаракатда. Оламнинг асосини эса ҳаракат ташкил қилади. Бу – ердан самогача, энг кичик заррадан энг улкан мавжудотгача тенг амал қиладиган азалий тартиботдир. Демак, борлиқнинг асосини ҳаракат ташкил қилар экан, инсониятнинг жавҳари бўлмиш тафаккур ва қалб ҳам мудом изланишда, ғоялар, туйғулар, эҳтирослар, ҳадик ва ҳаяжонлар тўлқинида олға интилишда давом этади. Ҳаракат руҳни бойитади, олам мувозанатини таъминлайди. Ҳаракатсизлик ва лоқайдлик, аксинча, руҳни ўлдиради, инсоннинг маънавий оламини таназзулга бошлайди. Қалб ва тафаккурнинг олий маҳсули ва айни чоғда ўзгалар қалбига йўл очувчи соҳалар бўлган санъат, адабиёт, кино олами эса руҳий юксалиш жараёнининг асосий воситаларидандир. Чунки бир даҳо истеъдоднинг яратган мўъжизакор ҳайратлари бутун оламни ҳаяжонга солиши, қанчалаб дилларда титроқ уйғотиши мумкин.

Ижодкорлар дунёсида кечаётган шундай ажиб ҳаракатлар, тасодифу ихтиёрий равишда рўй берган ва бераётган турли ҳодисалар, бахт ва фожиага тўла тақдирларнинг сон-саногии йўқ. Оламга машҳур шахсларнинг таваллуд айёми эса уларни яна хотирлаш учун кичик бир сабабдир. Журналимизнинг “Жаҳон маданияти ва санъати” деб номланган бўлимида ана шу йўналишдаги маълумотларни беришда давом этамиз.

## УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

### “НАЗМ ТАРЖИМОНИ – ШОИРНИНГ РАҚИБИ”



Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижоди замонавий ўзбек миллий адабиёти тарихининг олтин саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Роппа-роса бир йилдан кейин бу буюк шоир, адиб, драматург, публицист, мунаққид ва таржимон туғилган кунига 115 йил тўлади. Истиқлол шарофати билан нишонланган шоирнинг 100 йиллик айёмидан шу вақтгача кечган давр мобайнида Чўлпон ижодини ўрганиш ва асарларини нашр этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Чунончи, шу йили “Чўлпон фонди” ва

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

185

“Akademnashr” нашриёти ташаббуси билан Чўлпоннинг тўрт жилдлик “Асарлар”и нашр этила бошланди. Шу кунларда мазкур нашрнинг дастлабки икки жилди босмадан чиққан.

Чўлпон (1898-1938 й.й.) бор-йўғи қирқ йил яшади. Шу қирқ йиллик умрининг катта қисми хасталик, таъқиб ва тазйиқ остида кечди. Шунга қарамай, у шеърят соҳасидаги изланишлари билан ўзбек шеърятини янги ижодий довонга олиб чиқди; Европа насри, жумладан, романнавистлик анъаналари ва бадиий ютуқларини ўрганиб, замонавий ўзбек насри, жумладан, романчилигини Абдулла Қодирий билан бирга юқори чўққига олиб чиқди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза ва Фитратдан кейин шекспирона кўламдаги “Ёрқиной”, “Хужум” сингари драмаларни ёзиб, миллий драматургия равнақи йўлида фаол ижод қилди; 1924-1926 йилларда Москвада фаолият юритган ўзбек драма студиясининг ижодий ҳаётида таржимон ва драматург сифатида иштирок этиб, замонавий ўзбек театр санъатининг майдонга келишига улкан ҳисса қўшди.

Чўлпон бошқа қаламкаш биродарларидан фарқли ўлароқ, жаҳон адабиётининг нозик билимдони, оташин тарғиботчиси ва моҳир таржимонидир. Агар Абдулла Қодирий Европа адабиётининг бадиий ютуқлари билан Жўржий Зайдон романлари, озарбайжон ва татар тилларига қилинган таржималар воситасида танишган бўлса, Чўлпон, бир томондан, рус адабиёти, иккинчи томондан, Европа адабиёти, учинчи томондан, ҳинд адабиётини махсус ўрганиб, ўзбек адабиётининг ижодий уфқларини кенгайтириш йўлларини қунт билан ахтарди. У миллий адабиётимизга Карло Гольдони, Уильям Шекспир, Александр Пушкин, Николай Гоголь, Антон Чехов, Рабиндранат Тагор ижодига хос янги бадиий тамойилларни олиб кирди.

В.Жуковскийнинг: “Наср таржимони – адибнинг қули, назм таржимони – шоирнинг рақиб”, деган ғаройиб бир ибораси бор. Агар биз Пушкиннинг машҳур “Булбул ва гул” шеърининг Чўлпон қаламига мансуб таржимасини ўқисак, унинг таржимага, Пушкиннинг устози В.Жуковский айтмоқчи, шоирнинг рақиб сифатида ёндашганига гувоҳ бўламиз. Чўлпон Шарқ мотивлари балқиб турган бу шеърнинг вазнини ҳам, ҳижоларини ҳам мутлақо сақламаган. Лекин шундай таржима қилганки, у Пушкин шеърининг руҳи ва нафосатига заррача хиёнат қилмаган ҳолда уни ўзбек таржима санъатининг шоҳ намунаси даражасига кўтариб, ўзбек шеърятининг ва ўзбек китобхонларининг ҳам мулкига айлантирган. Ана шундай бадиий қудрат ва талант соҳиби бўлган Чўлпон кўпинча турмуш аравасини юргизиб туриш мақсадида Е.Зарт, Д.Мордвинкин, Л.Орешин, А.Яковлев, А.Серафимович сингари ўртамеёна рус ёзувчиларининг асарларини таржима қилишга мажбур бўлган. Аммо таржимоннинг шу санокдаги таржималарига ҳам назар ташласангиз, уларда қандайдир чўлпонона сўз ва иборалар, тасвир воситаларини кўриб, дилингиз яйраб кетади.

Шубҳасиз, Чўлпоннинг таржимонлик даҳоси, энг аввало, У.Шекспирнинг буюк трагедияси – “Ҳамлет”ни ўзбек тилига таржима қилишда тўла намоён бўлди. Бу таржима асар китоб тарзида нашр этилиб, ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик драма театри саҳнасида намойиш этилган.

Ўзбек таржима мактаби бир неча даврларни босиб ўтди. Замонавий ўзбек таржима мактабига 20-30-йилларда Чўлпон тамал тошини қўйди ва бу иш унинг издошлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир ва Миртемирлар томонидан муваффақият билан давом эттирилди. Ана шу ижодий жараёнда ўзбек тили жаҳон адабиётининг мумтоз асарларига заррача шикаст етказмаган ҳолда таржима қилиш мумкин бўлган тилга айланди, жаҳондаги илғор адабий тиллардан бири даражасига эришди. Чўлпон “Ҳамлет”ни ёки “Борис Годунов”ни ўзбек

тилига таржима қилган вақтда унинг олдида Шекспир даври ҳаётига ёки Борис Годунов яшаган даврга оид тушунчалар, атамалар, сўз ва ибораларнинг ўзбекча нусхасини топиш ёки кашф этиш вазифаси турган. Бу ўта мураккаб ва ўта машаққатли вазифа эди. У бутун ижодий салоҳиятини шу масалага қаратиб, “Ҳамлет”ни шундай таржима қилдики, бу таржима шу кунга қадар таржимонлар учун намуна вазифасини ўтамоқда.

Бундан бир неча йил аввал Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Абдулла Қодирий, Фитрат ва Абдулла Қаҳҳор қаторида Чўлпоннинг ҳам “Тўла асарлар тўплами”ни нашрга тайёрлаш мақсадида унинг адабий меросини тўплашга киришган эди. Жамланган 10 жилдлик материалларнинг тенг ярмини Чўлпоннинг оригинал асарлари, қолган ярмини эса таржима асарлар ташкил этди.

*Наим Каримов  
Филология фанлари  
доктори, профессор*

## РАНГЛАРДА АКС ЭТГАН ТУЙҒУЛАР



Голландия тасвирий санъати олтин асрининг йирик намоёниси Рембрандт Харменс ван Рейнинг (1606-1669 й.й.) ижоди бошқа мўйқалам усталаридан ўзига хос услуби ва фалсафаси билан яққол ажралиб туради. У ўз асарларида инсон изтиробларини шу қадар ҳиссиётга тўлиб тасвирлаганки, унга тасвирий санъатда бу каби ҳолат кузатилмаган.

Рембрандт Харменс ван Рейн 1606 йилнинг 15 июлида Голландия жанубидаги кўҳна Рейн дарёси бўйидаги сўлим Лейден гўшасида таваллуд топган. Унинг отаси Хармен Герритсзон ван Рейн ўзига тўқ тегирмон соҳиби эдики, оиладаги мана шу омил Рембрандтдаги ноёб иқтидор юзага чиқишида катта аҳамият касб этди.

Рембрандт дастлаб Лейден университети қошидаги лотин мактабида таҳсил олади. Уғлидаги тасвирий санъатга бўлган катта қизиқишни кўрган отаси уни 13 ёшида маҳаллий тарихчи рассом, католик динига мансуб Якоб ван Сваненбюрхга шогирдликка беради.

Рембрандт 1623 йили Амстердамда Италияда малака ошириб қайтган, тарихий, мифологик воқеаларни тасвирлашга ихтисослашган Питер Ластмандан сабоқ олади. Ластманнинг ранг-барангликка бўлган иштиёқи ёш рассомга катта таъсир кўрсатади. Тўрт йиллик сабоқдан сўнг она қишлоғига қайтган Рембрандт дўсти Ян Ливенсом билан биргаликда ўз устахонасини очади ва қисқа вақтда машҳур бўлиб кетади. Рассомнинг илк асарлари сирасига кирувчи «Авлиё Стефаннинг тошбўрон қилиниши», «Қадимги тарихдан саҳна кўриниши», «Ҳарам оғасининг чўқинтирилиши» картиналари ўзининг ноанъанавий услуби, рангдорлиги билан эътиборни тортади. Рассом моддий дунёнинг ҳар бир қиррасини ўта нуктадонлик билан ва Инжил афсоналарига ҳамоҳанг акс эттиришга ҳаракат қилади. Унинг деярли барча қаҳрамонлари томошабин олдида ажабтовур шарқона либосларга, қимматбаҳо безакларга бурканганча на-



моён бўлади. Кейинроқ яратилган “Муסיкий қочирим”, “Соул қаршисидаги Давид”, «Товит ва Анна» номли асарлари эса муаллифнинг ижоди янги поғонага кўтарилганидан далолат беради. Ушбу асарларда Рембрандт бой ҳаёлотли орқали қаҳрамонларининг ички кечинмаларини ўзига хос рангларда ифода этади.

Рембрандт йигирма беш ёшда яна Амстердамга келади. Амстердамдаги дастлабки йиллар Рембрандт ҳаётидаги энг бахтли онлар бўлди. 1634 йилда у Саския ван Эйленбурх билан турмуш қуради. Бу никоҳ рассомга оилавий бахт билан бирга шаҳарлик бадавлат кишилар билан яқинлашиш имконини беради. Бинобарин, унинг қайнотаси шаҳарнинг ҳурматга сазовор кишиларидан бири эди. Шундан сўнг унинг асарларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораверди. Бу вақтда Рембрандт турли қиёфалар тасвирига кўпроқ урғу бера бошлади. Бу эса рассомнинг портрет яратишга бўлган қизиқишини оширди ва у кейинчалик амстердамлик ўзига тўқ хонадонлар эгаларидан портретлар учун буюртмалар ола бошлади.

Моддий жиҳатдан ўзини анча тиклаб олган Рембрандт энди аждодлари томонидан яратилган буюк санъат асарларини тўплай бошлайди. Ўша пайтлар шаҳар кўчаларида шундай ноёб асарларни сотувчи кишиларни кўплаб учратиш мумкин эди. Ана шу асарларни синчковлик билан ўрганган Рембрандт одамни тўлақонли тасвирлашни ўз ижодининг асосий йўналиши сифатида белгилайди. Бу борадаги изланишларининг ҳосиласи ўлароқ “Андрис Графф портрети” асари дунёга келади. Рассомнинг ўз рафиқаси Саския тасвирланган асарлар ўша йилларда яратган энг муваффақиятли портретлари сифатида эътироф топган. Рассом ушбу асарларида Саскияни турли ҳолатларда тасвирлаган.

1641йилда уларнинг оиласида ўғил фарзанд – Титус дунёга келади. Афсуски, яна уч фарзанд болалигидаёқ ҳаётдан кўз юмади. Орадан кўп ўтмай, рассом рафиқасидан ҳам айрилади: Саския сўнгги фарзанди дунёга келгандан бир йил ўтиб вафот этади. Рассом ҳаётидаги ана шу нохуш йиллар унинг «Оқпадар ўғил қовоқхонада» номли асарида ўз аксини топган.

Италиялик буюк рассомлар билан ҳамкорлик Рембрандтга нафақат портрет жанрида ижод қилиш, балки афсона ва диний мавзуларда кўпқиррали картиналар яратишига туртки берди.

Рембрандт 1669 йилнинг 4 октябрида Амстердам шаҳрида вафот этади. У шаҳардаги Вестеркерк қабрстонида кўмилган. Ҳаёти давомида Рембрандт қарийб 350 картина, 100 дан ортиқ расмлар ва 300 атрофида офортлар яратган.

Бундан бир аср аввал Рембрандт асарларининг аксарияти Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж музейида сақланарди. Бироқ ўтган йиллар давомида бу тўплам турли музейларга тарқатиб юборилди. Голландияликларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари эвазига рассом ижодининг намуналари ҳозирда Амстердамдаги Рейксмюсеум биносида сақланмоқда.

Нидерландлар ўзларининг буюк аждодига алоҳида эҳтиром кўрсатганларини ҳақли равишда эътироф этмоқ керак. Амстердамнинг марказий майдонларидан бири бўлган Ботермаркт 1876 йилдан Рембрандт майдони деб атала бошланди. Майдон марказида рассом шарафига ёдгорлик ўрнатилган. Рембрандтнинг Амстердамдаги уйида 1911 йилдан бери музей фаолият олиб бормоқда. 2009 йилда эса Қуёш системасидаги энг катта ҳисобланадиган Меркурий сайёрасидаги кратерга ҳам Рембрандт номи берилди.

## МИРЕЙ МАТЬЁ: “ҲАЁТИМГА БЕГОНАЛАРНИ ЙЎЛАТМАЙМАН”



Француз мусиқаси шайдолари, айниқса, катта авлод вакиллари Мирей Матьёни, унинг ўзига хос овози ва... такрорланмас соч турмагини яхши эслашади. Жўшқин қўшиқларини ҳамон иштиёқ билан тинглашади. Бироқ Матьёнинг энг ашаддий мухлислари ҳам унинг шахсий ҳаёти ҳақида кўп нарса билишмайди. Чунки хонанда ўзи ҳақида маълумот беришни ёқтирмайди, ичидагини ташига чиқармайди. 19 ёшидан буён берган интервьюларида эса фақат санъати ҳақида сўз юритади. “Менга қизиққанлар қўшиқларимни тинглайверишсин. Шахсий ҳаётимга эса бегоналарни йўлатмайман”,

дейди санъаткор.

Мирей 1946 йилнинг 22 июлида Авиньондаги ўта камбағал оилада дунёга келган, оиладаги 14 фарзанднинг тўнғичи бўлган. Кўп йиллар харобгина умумий барақда кун кечирган Матьёлар ахийри алоҳида шаҳар уйига кўчиб ўтади. Беш хонали хонадон билан боғлиқ илк таассурот Мирейнинг хотирасида муҳрланиб қолади. «Бу менинг ҳаётимдаги энг унутилмас кун бўлган эди, – дейди у, янги уйимизда ҳатто алоҳида ҳаммом бўлиб, унга биринчи бўлиб мен киргандим!»

Мактабда Мирей паст баҳоларга ўқиган. Лекин бунга унинг дарсларни ўзлаштира олмагани эмас, биринчи ўқитувчиси билан чиқишмай қолгани сабаб бўлган. Қаттиққўл устоз туғма чапақай қизалоқдан ўнг қўлда ёзишни талаб қилар ва “билганидан қолмайдиган ўжар” шогирднинг қўлларига чизғич билан беаёв урарди. Ўқитувчисининг ғазабига дучор бўлган Мирейнинг ўқишдан буткул кўнгли совийди, синфдошларидан орқада қолиб кетади. Мактабдаги кўнгилсизликлар унга қаттиқ таъсир қилади. Матьё 13 ёшида ўқишни ташлаб, хатжилд ишлаб чиқарадиган фабрикага ишга киради.

Мирей болалик чоғлариданоқ қўшиқ айтишга қизиқарди. Отаси ҳам ажойиб тенор бўлган. «Отам уйда, устахонада доим қўшиқ хиргойи қиларди, унинг ширали овозини тинглаб, самога парвоз қилгандек бўлардим, жўр бўлиб куйлашни ёқтирардим», – хотирлайди Матьё. Мирей 16 ёшида шаҳар танловида иштирок этиб, ажойиб ижроси билан иккинчи ўринни эгаллайди. 1965 йилда эса мазкур турнирда бош совринни қўлга киртиб, Парижга, ёш иқтидорлар телешоусига йўлланма олади. Шу йили Мирей Матьё илк маротаба француз телетомошабинлари қаршисида намоён бўлади. Ёш хонанда ижросидаги дилтортар оҳанглар кўпчиликка манзур келади, уни машҳур Эдит Пиафга қиёслашади. Энди Мирейнинг профессионал қўшиқчи сифатидаги ҳаёти бошланади. Продюсерлар уни ҳар томонлама: нота ва вокал сирлари, саҳнада ўзини тутиш, тўғри талаффуз, этикет, хуллас, болалигида ўрганмаган кўп нарсалардан сабоқ олишга мажбур этишади. 1966 йилда Матьё Франциянинг янги йил байрами нишонланаётган энг нуфузли саҳналаридан бири – “Олимпия”да куйлаш бахтига муяссар бўлади. Унинг ижроси томошабинлар олқиши, мутахассислар эътирофига сазовор бўлади. Лекин шу билан бирга Мирейни афсонавий Пиафга тақлидчиликда айблашади. Санъаткор продюсери Жонни Старк билан ҳамкорликда ўз устида ишлаб, янги ижро

услугини излашга киришади. Матъёнинг Поль Мориа басталаган “Мон кредо” номли кўшиғи ёзилган биринчи диски ярим йил ичида Францияда миллион нусхада сотилади...


1989 йилда Эйфель минорасининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Мирей Матьё Республика гвардия оркестри ва Франция армияси хор жамоаси жўрлигида мамлакат мадҳиясини ижро этиш бахтига муяссар бўлади. 1998 йилда Фахрий легион ордени билан мукофотланади.

«Француз кўшиқлари элчиси» сифатида танилган Мирей Матьё жаҳоннинг турли мамлакатларида олқишлар билан қарши олинган. У она тилидан ташқари, немис, инглиз, итальян, испан, япон, хитой, рус, фин тилларида ҳам мингдан ортиқ кўшиқлар ижро этган. Бутун дунё бўйлаб унинг юз миллиондан зиёд пластинкалари сотилган.

2005 йилнинг ноябрь ойида моҳир санъаткор «Олимпия» залида ижодининг 40 йиллигига бағишланган “Қирқ йил муҳаббат ва ҳаяжон билан” номли концерт дастурини тақдим этди.

Дарвоқе, шахсий ҳаёт ҳақида... Барча гастролларда Мирейга онаси ҳамроҳлик қилган. Чунки Матъёнинг ундан бошқа яқин кишиси йўқ – хонанда турмушга чиқмаган. “Саҳна, муваффақият, олқишлар кўпчилик учун бахт тимсоли. Сиз буларнинг барчасига эришгансиз. Аммо аёл сифатида ўзингизни бахтли ҳисоблайсизми?” – деб сўрашдан чарчамайдиган журналистларга Мирей: “Мен саҳнага чиққанимда бу ҳақида ўйламайман. Шунчаки, кўшиқ айтиш имкониятини бергани учун, шундай овоз ато этгани учун ҳар куни Яратганга шукрона айтаман”, – дея маъюс табассум билан жавоб беради.

*Бахтиёр ИНОҒОМОВ*



## ҲАДИКЛАР ИСБОТИНИ ТОПДИ

Америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти соҳиби Эрнест Миллер Хемингуэй номини икки омил дунёга машҳур қилган. Биринчиси, шубҳасиз, унинг бетакрор бадиий асарлари бўлса, иккинчиси кутилмаган саргузаштларга бой шахсий ҳаётидир.

Эрнест Хемингуэй 1899 йили 21 июлда АҚШнинг Иллинойс штатида туғилган. Отаси Кларенс Эдмонт Хемингуэй шифокор, онаси Грейс Холл эса ҳаётини фарзандлар тарбиясига бағишлаган уй бекаси эди. Оила бошлиғи болалиқдан фарзандлари кўнглида табиатга меҳр уйғотишга ҳаракат қилади. Эрнест уч ёшга тўлганида унга балиқ овлаш учун қармоқ совға қилади. Отанинг бундай саъй-ҳаракатлари исиз кетмайди: саккиз ёшидаёқ бўлажак адиб барча маҳаллий жониворлар, қушлар, балиқлар, ўсимликлар, хуллас, ҳайвонот ва наботот олами сирларидан яхшигина хабардор бўлади. Шу билан бирга унинг мурғак кўнглида адабиётга нисбатан кучли ҳавас ҳам уйғонади. Ёш Эрнестнинг соатлаб отасининг китобларини титиб ўтириши оддий ҳолга айланади. Айниқса, Дарвин асарлари, тарихий адабиётларни катта қизиқиш билан ўрганади. Бироқ Хемингуэй хоним ўғлини мутлақо бошқа соҳада кўриш орзусида эдики, унинг рўёби йўлида фарзандини черков хорида ашула айтиб, виолончель чалишга мажбур қилишгача боради. “Онам мени ҳар куни мусиқа билан шуғулланишга ундар, ҳатто бир йилгача мактабга кўймаган пайти бўлган, – дея эслайди адиб кексайган чоғида. – Бу бора-

да ўғлимнинг иқтидори бор, деб ҳисоблаган онам қанчалик адашганини билса эди...”

Хемингуэйларнинг Валлун кўли бўйида дала ҳовлиси бўлиб, ёз фаслида оила аъзолари шу ерда дам олишарди. Ёш Эрнест учун бу ҳақиқий озодлик даври бўларди: мусиқа машғулоти йўқ, соатлаб балиқ овлаш, ўрмонда тентираб юриш, кўшни қишлоқдаги ҳинду болалар билан ўйнаш... қайси болага ёқмайди дейсиз?!

Эрнест ўн иккига тўлганда, бобоси унга йигирманчи калибрли милтиқ совға қилади. Бу тухфа бобо ва набирани янада яқинлаштириб, сирдошга айлантиради. Бўлажак буюк адиб бобосининг ҳикояларини жон қулоғи билан тинглаб, унга меҳри бўлакча эди. Бу хотиралар кейинчалик ёзувчининг ўлмас асарларида ҳам ўз аксини топади. Эрнест улғайган сари овчиликка қаттиқ ружу қўя бошлайди. Унинг илк ҳикояларидан бири ҳам айнан овчилик ҳақида бўлиб, ёш ёзувчи уни биринчи устози – отаси Кларенсга бағишлайди. Кларенс шахси, ҳаёти, фожиавий ўлими (у ўз жонига қасд қилади) адибни бир умр ўйлантиради. Ҳаёт ва ўлим, шу «икки эшик» орасидаги фожа ҳақида жиддий мулоҳазалар юритишга туртки беради ва бу ҳол унинг деярли ҳамма асарларида ўз аксини топади.

Ўқувчилик кезларида Хемингуэйнинг илк машқлари «Скрижаль» номли мактаб журналида эълон қилинади. У ёшлигиданоқ кичик ҳикоялар, турли тадбирлардан репортажлар, шаҳарча янгиликларига оид кинояга бой хабарлар ёзарди. Бундай машқлар Хемингуэйнинг узил-кесил ёзувчи бўлиш қарорига келишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Шу боис мактаб таҳсилдан кейин ота-онасининг университетга кириш ҳақидаги талабига бўйсунмай, Канзас-Сити шаҳрига келиб, маҳаллий газетага ишга жойлашади. Ёш мухбир, айниқса, полиция маҳкамаси билан боғлиқ воқеаларга алоҳида қизиқиш билан қарарди. Кўча безориларидан тортиб, ашаддий жиноятчилар, фоҳишалару фирибгарлар билан рўпара келиб, уларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрлари, қисматини ўрганишга ҳаракат қиларди. Бу йўлда кирмаган қамоқхонаси, иштирок этмаган фавқуллодда ҳодисаси қолмайди ҳисоб. Ҳаётни кузатаркан, Эрнест инсон психологиясининг асл моҳиятини англаб етишга уринади. Кейинчалик кўрган-билганлари, кузатганлари унинг асарлари сюжети, қаҳрамонлари характери, тасвир воситаларига асос бўлиб хизмат қилади. Газетачилик соҳасида унинг адабий услуби, яъни воқеликни раво баён этиш, фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш каби адабий маҳорати шаклланади.

Биринчи жаҳон уруши воқеалари Хемингуэй руҳиятига қаттиқ таъсир қилади. У фронтга, уруш алангаси гуриллаб турган нуқталарга интилади. Бироқ бу интилишларига Эрнестнинг кўриш қобилияти пастлиги тўсқинлик қиларди. Йигитча барибир бўш келмайди: ўн етти ёшида Қизил Хоч жамияти таркибида ихтиёрий равишда фронтга бориб, ҳайдовчилик қилади. (Уруш таассуротлари кейинчалик “Алвидо, қурол!” асарида ўзгача маҳорат билан тасвирланган.) 1918 йил июлда Хемингуэй ярадор италян аскарини қутқаришга уринаётган пайтда пулемёт ва миномётлар ўқлари остида қолиб кетади. Госпиталда унинг танасидан 26 дона осколка чиқариб олинади. Эрнест танасининг икки юздан зиёд жойидан яраланганди! Жарроҳлик амалиёти жараёнида адибнинг мажақланган тиззаси алюмин протезга алиштирилади...

АҚШга қайтган Хемингуэй маълум вақтни муолажалар олиш билан ўтказди. Сўнг Торонто шаҳрида яна журналистика билан шуғулланишни бошлайди. У уруш, фахрийлар, жамиятга кераксиз бўлиб қолган ногиронлар ҳақида аччиқ ва ўтли мақолалар ёзади, ўша давр сиёсати, жамиятнинг оғрикли нуқталарини таҳлил қилади.

1921 йилда Эрнест мусиқачи қиз Хэдли Ричардсонга уйланиб, ор-



зусидаги шаҳар – Парижга кўчиб кетади. Бу ерда ёш адиб Франциянинг кўзга кўринган ёзувчи, мусаввирлари билан яқиндан танишади. Бир қанча ҳамфикр, ҳаммаслак дўстлар орттиради. Бунинг натижаси ўлароқ, 1926 йили адибнинг “Қуёш барибир чиқаверади” романи дунё юзини кўрди. Франция ва Испаниянинг “ўзлигини йўқотган” ёш авлоди маънавий фожиаси ҳақида ҳикоя қилувчи тушкун руҳдаги ушбу асар Хемингуэйга ёзувчилик шуҳратини олиб келади. “Аёлларсиз эркаклар”, “Ғолиб ҳеч нимага эга бўлмайди” номли ҳикоялар тўпламлари эса уни ўзига хос услубга эга адиб, кичик ҳикоялар устаси сифатида танитади. Кейинчалик Хемингуэйнинг қисқа ва равлон ёзиш услуби том маънода XX аср прозасига таъсир ўтказганлиги эътироф этилади.

1929 йилда ёзувчининг “Алвидо, қурол!” романи эълон қилинади. Бу асар шундай шуҳрат қозонадики, унинг қўлма-қўл бўлиб ўқилишига ўша даврда Америкада юзага келган иқтисодий инқироз ҳам монелик қилолмайди. (Э.Хемингуэйнинг ушбу асари ҳамда “Чол ва денгиз” қиссаси таниқли адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига моҳирона ўгирилган). Бестселлер даражасига етган “Тушдан сўнгги ўлим” асари Хемингуэйнинг Америкада энг пешқадам ёзувчи эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Хемингуэй самарали ижод билан бирга саргузаштлар дунёсига саёҳатларни ҳам сира қанда қилмайди. Африкага хатарли сафарлар уюштириб, турфа жониворларни овлайди. Ҳатто ногирон ҳолида Иккинчи жаҳон урушида бевосита иштирок этиб, воқеа жойидан репортажлар тайёрлайди.

1949 йилга келиб, элликни қоралаган адиб, ниҳоят, бироз осойишталикни кўмсайди. Кубага кўчиб келган Хемингуэй яна ижод оламига астойдил шўнғийди. Инсоннинг ёлғизлиги, қисмат олдида танҳолиги асосий мотив қилиб олинган “Чол ва денгиз” қиссаси шу даврда дунёга келган. Асар 1953 йилда Пулитцер адабий мукофотига лойиқ кўрилади, шунингдек, муаллифнинг Нобель мукофоти билан тақдирланишига асос бўлади.


1960 йилда Хемингуэй оролни тарк этиб, АҚШга қайтади. Бу пайтда у гипертония, қандли диабет ва бошқа касалликлардан азият чекарди. Шифокорлар уни даволаш учун... руҳий хасталиклар клиникасига жойлаштиришади. Улар ёзувчининг асосий дардини назардан четда қолдириб, руҳиятини таҳлил қилишга тушишади. Бу ҳолдан тушкунликка тушган адиб росмана параноя – вос-восга чалинади. Хемингуэйга кимдир уни доим таъқиб этаётган, кетидан кузатаётган, почта ва қўлёзмаларини титкилаётган, телефондаги суҳбатларини пойлаш учун атрофига махсус мосламалар ўрнатгандек туюлаверади. Бундай шубҳаларга чек қўйиш учун шифокорлар унга электрошок ёрдамида таъсир ўтказиб, жиддий муолажалар ўтказишади. Унлаб шундай муолажаларни бошидан ўтказган Хемингуэй охир-оқибат хотирасини йўқотади, фикрларини ёзма баён этишга ожизлик қилиб қолади. “Бу шифокорлар мени электрошок ёрдамида одам қилишмоқчи. Ёзувчилик нима эканлигини тушунармиди ўзи булар?! Миямни қарахт қилиб, хотирамни ўчириб ташлашдан мақсадлари нима? Мени тирик мурдага айлантиришми?!” деганди ёзувчининг ўзи.

Адиб руҳий хасталиклар шифохонасидан чиққандан кейин бир неча кун ўтиб, 1961 йил 2 июлда Кетчумдаги уйида қадрдон милтиғидан ўзига ўқ узиб, ҳаёт билан видолашади.

*P.S. Орадан бир неча йил ўтиб, Федерал Қидирув Бюросининг Эрнест Хемингуэй шахсига оид ҳужжатлари ошкор қилинди. Уларга кўра, ёзувчининг ҳар бир қадамини кузатиш, алоқаларини назорат остига олиш, суҳбатларини тинглаш ҳақида махсус буйруқ берилган ва у қойилмақом қилиб ижро этилган экан...*



## ШЕКСПИРДАН КЕЙИНГИ ДРАМАТУРГ



Ўз асарлари билан жаҳонни забт этган ёзувчилар кўп. Бироқ уларнинг ҳеч бири Жорж Бернард Шоуга насиб этган саодатга эришмаган. Шоу ҳам Нобель мукофоти (1925 йил, адабиёт йўналиши бўйича), ҳам «Оскар» (1938 йил, «Пигмалион» фильми сценарийси учун) соҳиби бўлган жаҳондаги ягона шахс, ягона адибдир. Театр санъатида эса Британияда Шекспирдан кейинги ўринда эътироф этилган драматург ҳисобланади.

Жорж Бернард Шоу 1856 йилнинг 26 июлида Дублинда (Ирландия) туғилган. Болалиқдан У.Шекспир, Ч.Диккенс асарларини кўлдан кўймай ўқигани, “Минг бир кеча” эртактларининг шайдоси бўлганини унинг ўзи эътироф этади. Бернард ёшлигиданоқ ёзувчи бўлишни мақсад қилади, аммо унинг илк кўлёмалари ҳадеганда ноширлар эътиборини қозонавермайди. У Британия музейи ўқув залининг доимий мижози бўлиб, ўз устида тинмай ишлайди. Кейинчалик эркин мухбир, мусиқа танқидчиси сифатида фаолият юритади. Мусиқа ва театр соҳаларидаги дадил тақризлари, маърузалари билан аста-секин эътиборга тушади.


Шоунинг илк пьесалариёқ турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Кўп асрлик анъаналарига содиқ, белгиланган тартиб-қоидаларга бешак амал қилувчи инглиз киборлар қатлами унинг “натурализмни тарғиб қилувчи, ахлоқсизликка яқин даражада”ги асарларини ҳазм қилиши қийин кечади. Драматургнинг жамият иллатлари, ясамаликни, сунъийликни фош қилувчи саҳна асарлари улар томонидан айнан шундай қабул қилинган. Бошқа томондан эса Бернард Шоу пьесаларига аёвсиз отилган танқид тошлари кенг омманинг эътиборини тортади. Унинг асарлари Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинади. Драматург ўз мухлислари, томошабинларига эга бўлади. Хусусан, режиссёр Р.Мансфилд томонидан Америкада саҳналаштирилган «Иблиснинг шогирди» асари катта эътирофга сазовор бўлади.

Кейинчалик Шоу қаламига мансуб «Цезарь ва Клеопатра», «Буни вақт кўрсатади», «Жон Буллнинг бошқа ороли», «Икки йўл ўртасидаги шифокор» каби пьесалари асосида саҳналаштирилган спектакллар муаллифни иқтидорли драматург сифатида юзага чиқарди. 1924 йили саҳналаштирилган «Авлиё Иоанна» драмаси адибни дунёга танитди.

1925 йилда Шоу адабиёт йўналишида Нобель мукофотига лойиқ деб топилди, бироқ адиб ушбу мукофотнинг моддий қисмидан воз кечади, фақатгина нишонни қабул қилади.

Шоу умрининг охиригача ўз ҳаётий ва ижодий ақидаларига содиқ қолган ҳолда фидоийлик билан ижод қилган драматургдир. У сўнгги пьесаси “Байант миллиардлари” ни ёзганида тўқсон уч ёшни қаршилашга улгурганди. Бернард Шоу 1950 йили 2 ноябрда Буюк Британия қироллигининг Эйот-Сент-Лоренс қишлоғида вафот этган.

## “КИЧИККИНА ОДАМ”НИНГ КАТТА САҲЪАТИ



Маърифатли боболаримиз муқаллидлик дея шарафлаган актёрлик санъатида камолот касб этган буюклар кўп. Гоҳ фожиа, гоҳ ўткир эҳтиросларга бой драма ва гоҳида ичак-узди кулгулар кўзғатучи комедия жанрлари ҳақида сўз кетса, албатта, мазкур соҳаларда ҳайратомуз маҳоратини намойиш эта билган муқаллид - актёрлар кўз ўнгимизда жонланади. Уларнинг ижроларини кўрганда, санъаткорнинг қаерда туғилиб, қаерда ўсгани, миллий мансубияти томошабин ҳаёлига ҳам келмайди. Фақат ва фақат санъат ҳайрати эгаллайди қалбу тафаккурингизни.

Ана шундай сеҳрли куч, буюк иқтидор соҳибларидан бири машҳур фаранг киноактёри, комик, режиссёр ва сценарист Луи де Фюнесдир. У болалигиданоқ ноёб иқтидори билан тенгқурларидан ажралиб турар, француз, испан, инглиз тилида бемалол гаплашар, тасвирий санъат, айниқса, мусиқага меҳри ўзгача эди. Бунинг натижаси ўлароқ, Луи Жермен тез орада моҳир джаз ижрочиси сифатида тилга тушади. Ёшлигида у “Пигала” деб номланган ресторан мижозларига хизмат кўрсатар, ижро жараёнида мусиқа оҳангига мослаб турли юз ифодаларини намойиш қилар, бу хўрандаларнинг адоқсиз олқишларига сабаб бўларди. Француз ва жаҳон киноси бўлажак юлдузининг катта ҳаётга йўли шу тариқа бошланганди.

Луи Жермен Давид де Фюнес де Галарса 1914 йил 31 июлда Курбе-вуада таваллуд топган. Унинг ота – онаси асли испаниялик бўлишган.

Луи де Фюнес йигирма икки ёшида (1936 йил) Луиза деган қизга уйланади. Кўп ўтмай ёш оилада Даниэль исмли ўғил дунёга келади. Бироқ бу турмуш кўпга бормайди.

Париж немис босқинчилари томонидан ишғол қилинган даврда Луи де Фюнес мусиқа мактабида дарс берарди. Тақдир бу ерда уни машҳур француз адиби Ги де Мопассаннинг невараси Жаннага рўпара қилади. Мактабда котиба вазифасида ишлаган Жанна Августина де Бартелеми де Мопассан ҳам бу кичкинагина, юриш-туришидан кулгу тўкиладиган самимий инсонга бефарқ эмасди. Уларнинг муҳаббати том маънода боқий бўлди: 1943 йилда бир ёстиққа бош қўйган Луи ва Жанна 40 йил (Луи де Фюнеснинг вафотига қадар) бир тану бир жон бўлиб умргузаронлик қиладилар, икки ўғил кўрадилар.

Луи де Фюнеснинг кино соҳасидаги муваффақиятлари урушдан кейинги даврга тўғри келади. Ўзини кинематографияда синаб кўришга аҳд қилган қаҳрамонимиз дастлаб (1945 йил) режиссёр Жан Стеллининг «Барбизонча ҳузур» фильмида суратга тушади. Бироқ унинг дебюти муваффақият қозонмайди. Орадан саккиз йил ўтиб, де Фюнес режиссёр Ив Робернинг «Қўлга тушмаган, ўғри эмас» фильмида бош ролни ижро этади. Фильм актёрга катта шухрат келтиради. Шундан сўнг унинг ҳаётида тамоман бошқа давр бошланади: мухлислар, мутахассислар, умуман кенг омма эътирофи... У йилига уч-тўрттадан фильмда суратга тушар, иштирокидаги картиналар томошабинларни безътибор қолдирмасди. Айниқса, “Фантомас” сериалидаги Комиссар Жюва образи актёрни жаҳонга танитди. Актёрнинг “Катта сайр”, “Анқов” фильмларидаги роллари ҳам миллионлаб томошабинлар олқишларига

сазовор бўлди. 1960 йилларда суратга олинган Жандармнинг саргузаштлари ҳақидаги туркум фильмлар эса жаҳон комедияси олтин хазинасида муносиб ўрин эгаллаган. Луи де Фюнес ўзининг актёрлик карьераси ҳақида шундай деган эди:

“Мен актёрлик пиллапоясидан аста-секинлик билан кўтарилганимга афсусланмайман. Бу йўл менга соҳани чуқур англаб етишга ёрдам берди. Машҳур бўлмасимдан олдин менга топширилган кичик ролларни ҳам турли деталлар билан бойитишга, эса қоларли бўлишига ҳаракат қилардим. Натижада, маълум бир комик “бисот” йиғиб олишга муяссар бўлдим. Бу эса кейинги фаолиятимга бениҳоя таъсир кўрсатди. Ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келганда ҳам, айнан шу йўлни танлаган бўлардим.”


Кейинги йилларда де Фюнес ўша комик актёрлик “бисот”ининг тўлиқ намоиши бўлган “Оркестр одам” фильмида суратга тушади. Дарҳақиқат, тўлақонли оркестрда қанча чолғу бўлса ва улар ўзига хос оҳанги билан яхлит бир мусиқий бирликни ташкил этиб, маънавий завқ бағишласа, де Фюнес биттагина ўз шахси мисолида ўнлаб образ ва характерларни мужассам этиб, актёрлик санъатининг фавқуллодда имкониятларини намоён эта олди. Мимика, жест санъатида беназир хусусиятлари билан комедия актёрлиги соҳасини юксак чўққиларга кўтарди.

Бетакрор ижроси билан мухлислар қалбини забт этган Луи де Фюнес 1973 йилда Франциянинг энг олий мукофоти – Фахрий Легион ордени билан тақдирланади.

1975 йилда бир эмас, икки маротаба инфарктга чалинган актёрга шифокорлар кинодан воз кечишни тавсия қилдилар. Шундан сўнг де Фюнес шаҳар ташқарисидаги Шато-де-Клермон чорбоғига кўчиб ўтиб, атиргул етиштиришга астойдил киришади (дарвоқе, “Мейян” деб аталган фирма томонидан етиштирилган атиргул навларидан бирига актёр номи берилган). Бироқ бу ҳол кўпга чўзилмайди. Актёр режиссёр Клод Зидининг “Қанотча ва оёқча” фильмида суратга тушиш таклифидан воз кечолмайди. Бу картинадан кейин эса яна бир қатор фильмларда маҳорат билан янги образлар яратди. “Юбка кийган жандармлар” бетакрор истеъдод соҳиби фильмографиясидаги энг сўнги картина бўлди.

Луи де Фюнес 1983 йилнинг 27 январидан юрак хуружидан вафот этди. Яқинларининг айтишича, Луи де Фюнеснинг табиати анча оғир бўлган. Экранда лақма полициячию кўнгли бўш ота каби образларни ўта моҳирлик билан ижро этгани актёрнинг оиладаги “роли” фильмларидан анчайин фарқ қилган. Унинг ўғли отасини шундай хотирлайди: “Отам ўлгудек зикна эди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди: ёшлигимда янги сотиб олган пойафзалимни дўконга қайтариб бериб, бошқа арзонроғига алмаштиришга мажбур қилганди. Онамни ниҳоятда яхши кўрар, бироқ шунга қарамай, ҳеч қачон туғилган кун, байрамларда унга совғалар тақдим этмасди. Отамнинг бел тасмасида доим калитлар шодаси осилган бўларди. Уйимиздаги барча эшиклар, жавонлар, тортмалар, хуллас, қулфланиши мумкин бўлган ҳамма нарсанинг калити бор эди. У ҳар бир ҳисоб варағини синчиклаб текшириб чиқар, баъзан бизга зулмини ҳам ўтказарди. Бироқ қанчалар тежамкор бўлмасин, отам ҳақиқий аслзодалардек қадимий қасрда яшарди. Гуллар етиштириш, соҳилда балиқ овлаш жону дили эди. Шовқин-суронли ҳаёт тарзини ёмон кўрарди. Қисқаси, отамнинг ўз дунёси бор эди, ўз дунёсики, унга ўзидан бошқа биров кира олмас эди...”

## ДИККЕНС БИЛАН БИР ҚАТОРДА



Жаҳон адабиётида таниқли инглиз адиби, журналист, реалистик роман устаси сифатида ном қозонган Уильям Мэйкпис Теккерейнинг ўз ўрни бор.

1811 йил 18 июлда Калькуттада туғилган бўлажак адиб мактаб таҳсилдан сўнг Кембриж университетига ўқишга киради. Бироқ университетда ёлчителиб ўқимайди. Мишель Монтень, Дейвид Юм каби файласуфларнинг қарашларига, шунингдек, сиёсатга қизиқиб қолган Уильям бир йилдаёқ университетни тарк этиб кетади. Бунинг сабабини адиб кейинроқ, ёзувчи сифатида анча танилиб қолган кезлари, “Ньюкомлар” романида баён қилган. Асар автобиографик жанрда ёзилиган бўлиб, унинг бош қаҳрамони Клайв образининг прототипи адибнинг ўзидир.

Хуллас, академик таълимдан ҳафсаласи пир бўлган йигитча Европа бўйлаб саёҳатга отланади. Эркин ижодкор сифатида турли пародиялар яратиш, китобларга иллюстрациялар чизиш билан кун кўради. Қарта ўйнаб, отасидан қолган мероснинг каттагина қисмини қиморга ютқазади. Устига-устак, отасининг маблағи қўйилган Ҳиндистондаги банк 1834 йилда касодга учрайди. Натижада, бор-будидан мосуво бўлган Теккерей турли газеталарда ишлашни бошлайди. У доим ижод аҳлига яқинроқ бўлишга интилади. Гётенинг суҳбатидан баҳраманд бўлади. Инглиз рассоми Бонингтондан мусаввирлик сирларини ўрганади. Кейинчалик бу сабоқлар унга ўз асарларига иллюстрациялар яратишда асқотади.

Уильям Теккерейнинг илк китоби – “Флора ва Зефир” 1836 йилда дунё юзини кўради. Аммо бу асар ўқувчилар эътиборини тортган, деб бўлмайди. Умуман, адиб 1840 йилга қадар кўп ёзмаган, ёзганлари ҳам айтарли муваффақият қозонмаганди. Бу вақт мобайнида у асосан турли газеталарда фаолият юритиб, “Майкл Анджело Титмарш”, “Айки Солломонз”, “Семиз Мухбир” тахаллуслари остида ҳажвийлар ва сатирик мақолалар битишга зўр беради. Шунингдек, тез-тез Франция, Германия, Италия, Ирландия бўйлаб сафарга чиқишни одатга айлантиради. Бу сафарлар шунчаки сайру саёҳатга бўлган қизиқиш эмас, балки адибнинг шахсий ҳаётидаги ғам-андуҳлардан биров чалғишга уриниш эди, холос. Гап шундаки, 1837 йилда уланган адибнинг турмуш хотиржамлиги уч йилгина давом этади: икки қиз туғиб берган рафиқаси Изабелла Шоу руҳий хасталикка чалиниб, умрининг қолган қисмини махсус шифохонада ўтқазади. Шундан ҳам билиниб турибдики, адибнинг илк асарларида уфуриб турган юмор замиридаги хазинлик бежиз эмас. Бу ҳолни унинг биринчи романи «Кэтрин» (1839-1840) ва ҳажвий қиссалардан иборат “Эрларининг хотинлари” туркумида яққол кўриш мумкин. (Дарвоқе, Теккерейнинг овунчоғига айланган қизлари кейинчалик ота йўлидан кетади: тўнғичи Энн Теккерей-Ритчи (1837-1911) адиба сифатида танилади. Кенжаси Гарриэт эса таниқли танқидчи Лесли Стивенга турмушга чиқади).

Адиб 1844 йилда “Барри Линдоннинг мансаб пиллапоёси” романини чоп эттиради. Асар ўқувчилар эътиборига тушади. “Панч” журналида чиққан “Олифтагарчилик китоби” (1846-1847) асари эса ёзувчини росмана шуҳратга буркайди. Нозик қочирим, изтехзоларга бой ушбу асар тезда ўз мухлисларини топади. Орадан бир йил ўтиб, ёзувчининг энг машҳур асарларидан яна бири “Кибр кўргазмаси. Қаҳрамондан холи роман” и эълон қилинади. Мазкур асар туфайли баъзи олимлар Теккерейни ўша



даврининг энг пешқадам адибларидан бири Чарльз Диккенс билан бир қаторга қўядилар. Шундан сўнг бу икки адиб ўртасида очиқдан-очиқ рақобат бошланади. Кейинчалик ёзувчининг йирик тарихий романи “Генри Эсмонд воқеаси” ҳамда “Виргинияликлар”, “Филипп” каби асарлари китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади.

Теккерей 1860-1862 йилларда “Корнхилл мэгэзин” журналига муҳаррирлик қилади. Унинг бошчилигидаги журнал мухлисларининг сони кескин ортади. 1863 йилда ёзувчи “Дени Дюваль” тарихий саргузашт романига қўл уради, бироқ ниҳоясига етказишга улгурмайди. Уша йилнинг 23 декабрида Уильям Мейкпис Теккерей эллик икки ёшида вафот этади.

Чарльз Диккенс томонидан битилган таъзияномада ниҳоясига етмаган ушбу роман Теккерейнинг энг яхши асари сифатида алоҳида эътироф этилган.

## ШУНДАЙ ЙИГИТ ЯШАРДИ...



Василий Макарович Шукшин рус адабиётида ҳам, кино санъатида ҳам бирдай ном қозонган ижодкордир. Унинг бадиий асарларини суратга олган фильмларидан ёки тасвирга туширган картиналарини бадиий асарларидан устун қўйиш мушкул.

Серқирра ижоди билан рус маданиятида ўчмас из қолдирган В.М.Шукшин 1929 йилнинг 25 июлида Сибирда, Сростки қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Василийнинг отаси қатағон даври қурбонларидан бири бўлган. Макар Шукшин қатл этилгандан сўнг оиланинг барча юки бўлажак адибнинг онаси Мария Сергеевна елкасига тушди.

Шукшин етти йиллик мактабдан сўнг Бий автомобиль техникумига ўқишга қиради. Бироқ ўқишни тамомлаш насиб этмайди: туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб, деҳқончилик қилишига тўғри келади. 1949 йил – Ҳарбий денгиз флотига хизматга чақиртирилгунча турли қорхоналарда слесарлик қилиб кун кўради. Унинг адабий фаолияти айнан ҳарбий хизмат пайтида куртак ёзади. Илк ҳикояларини сафдошларига ўқиб беради. Ҳарбий хизматдан сўнг жонажон қишлоғига қайтган Шукшин аввал ўрта мактаб шаҳодатини олади. Сўнг шу ернинг ўзида рус тилидан дарс беради. Маълум вақт мактаб директори вазифасида ҳам фаолият юритади.

1954 йилда Шукшин Москвага, Бутуниттифоқ кинематография давлат институтига ўқишга кириш учун йўл олади. Уғлининг орзулари рўёби йўлида онаизор рўзғорга яраб турган сигирни ҳам пуллаб, Василийнинг белига тугиб беради. Олти йиллик таҳсилдан сўнг Шукшин институтнинг режиссёрлик факультетини тамомлайди. Бу вақт оралиғида у нафақат кино санъатининг сир-асрорларини ўрганади, бадиий ижод билан ҳам жиддий шуғуланади. Таҳсил пайтида ёзган ҳикояларини устози Ромм тавсиясига кўра пойтахт нашрларига юбора бошлайди. 1958 йилда «Смена» журналида адибнинг биринчи ҳикояси “Аравада икковлон” чоп этилади. Худди шу йили “Икки Фёдор” фильмида илк маротаба бош ролни ижро этади. Ўзининг диплом иши – “Лебяжийдан хабар беришмоқда” фильмида Шукшин ҳам сценарий муаллифи, ҳам режиссёр ва бош роль ижрочиси сифатида намоён бўлади.

1963 йилда адибнинг илк китоби – “Қишлоқ аҳли”, шунингдек, «Новый мир» журналида қатор ҳикоялари чоп этилади. Бундан ташқари, ижодкор ўз асарлари асосида сценарий ёзиб, “Шундай йигит яшарди” кинофиль-



мини суратга олади. Картина муаллифи ва режиссёри сифатида намоён бўлган Шукшиннинг баландпарвозликдан холи, содда ифода услуби томошабинларга манзур бўлади.

Василий Макарович анча йиллар давомида кино ва адабиётдаги фаолиятини уйғунликда олиб боришга интилади. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари Шукшин учун жуда самарали келади. Қатор фильмлари турли танловларда совринлар олади, ҳикоялар тўпламлари чоп этилади, драматик асарлари саҳналаштирилади. Таниқли режиссёрлар уни ўз фильмларига бош ролларга таклиф этадилар. Фақат бир ҳолат серқирра ижодкорга буларнинг барчасидан тўлиқ баҳраманд бўлишга монелик қиларди: Шукшинни эски дард – ошқозон яраси қийнайди. Гарчи қизлари туғилгандан сўнг спиртли ичимликлар истеъмолини тўхтатган бўлса-да, ёшлиқдаги бебош кунлар ўз асоратини қолдириб улгурганди...

Василий Макарович Шукшин 1974 йилнинг 2 октябрь куни Михаил Шолохов романи асосидаги “Улар ватан учун жанг қилган эдилар” картинасида суратга тушиш чоғида вафот этади.

Василий Шукшин ўз асарларида қишлоқ ҳаётини ҳаққоний, борица тасвирлайди. Бу муаллифнинг оддий инсонлар турмуш тарзини яхши билиши, тили ва дилини диққат билан кузатгани боисидир. Адиб битган сатрларда руҳий олам бойлиги, умуминсоний қадриятлар бирламчи аҳамият касб этади. Шукшиннинг аксарият қаҳрамонлари оддий меҳнаткашлар, деҳқонлар бўлиб, ҳар бири ўзига яраша феъл-атворга эга, нордонгина тил-забонли кишилар. Баъзи қаҳрамонлари бир қадар ҳардамхаёл, ўз оламида яшайди, бошқалари эса қандайдир жасорат кўрсатишга мойил.

Шукшиннинг замондоши, рус адиби Вячеслав Пьецух айтганидек: “Шукшин олами қандай зарралардан таркиб топганини тушунтириб бўлмайди, бу олтмишинчи-етмишинчи йиллар рус ҳаётининг батафсил анатомиясидир, авлодлар бизни айнан унинг асарларига қараб ўрганишади.”

Василий Шукшиннинг бадиий асарларидан ўзбек китобхонлари ҳам баҳраманд бўлганлар. Унинг қатор ҳикоялари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва таниқли адиб Хайриддин Султонов томонидан маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилган.

*Юлдуз ҲОШИМОВА тайёрлади*



## ТАҚВИМ

## ШУ ОЙДА ТУФИЛГАН ЭДИЛАР

### 1 июль

**1804 йил.** Жорж Санд (асл исми шарифи Амандина Аврора Люсиль Дюпен), эркакча тахаллус остида ижод қилган француз адибаси, «Консуэло», «Графиня Рудольштадт» ва бошқа йирик асарлар муаллифи.

### 6 июль

**1887 йил.** Шагал Марк Захарович, Россияда таваллуд топиб, Францияда ижод қилган машҳур мусаввир, «Муқаддас хонадон», «Исонинг туғилиши» («Голгофа»), «Қулаётган фаришта», «Сена устидаги кўприклар» каби картиналари билан танилган мўйқалам соҳиби.

### 13 июль

**Милоддан аввалги I аср.** Гай Юлий Цезарь, Рим Республикасининг давлат арбоби, саркарда, ёзувчи. Цезарнинг сиёсий фаолияти ўз даврида Ғарбий Европанинг ижтимоий-маданий қиёфасини тубдан ўзгартирган.

### 12 июль

**1904 йил.** Пабло Неруда (асл исми шарифи Рикардо Элизер Нефтали Рейес Басуальто), шоир, дипломат, сиёсий арбоб, Чили Республикаси сенатори, адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти лауреати.

### 13 июль

**1944 йил.** Эрнэ Рубик, ҳайкалтарош, архитектура соҳасида профессор, кашфиётчи. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида кенг тарқалган “Рубик кубиги”, шунингдек, “Рубик шари”, “Сехрли ҳалқачалар” уйинчоқлари муаллифи.

### 17 июль

**1937 йил.** Неъмат Аминов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек ҳажвий адабиётининг йирик вакили. «Ёлғончи фаришталар», «Қирқ учинчи почча», «Қитиғи ўлмаган киз» ва бошқа ўнлаб ҳажвий китоблар муаллифи.

### 18 июль

**1933 йил.** Евтушенко Евгений Александрович, россиялик шоир, ёзувчи, сценарийнавис, киноактер, кинорежиссёр, телебошловчи. Бир қатор романлар, кўплаб шеърлар муаллифи.

### 19 июль

**1834 йил.** Эдгар Дега (асл исми шарифи Эдгар-Жермен-Илер де Га), француз мусаввири, график ва ҳайкалтарош, импрессионизм йўналишининг ёрқин вакили.

### 19 июль

**1893 йил.** Маяковский Владимир Владимирович, рус шоири, драматург, рассом, «ЛЕФ», «Янги ЛЕФ» журналларига муҳаррирлик қилган. Лиро-публицистик руҳдаги шеърлари ва дostonлари билан машҳур бўлган.

### 20 июль

**1304 йил.** Франческо Петрарка, италиялик шоир, италян Проторенессанси арбобларидан бири. Гуманизм, инсонпарварлик ғояларини илгари сурувчи шеърлари ҳамда латин тилида битилган тарихий асарлари билан машҳур.

**1886 йил.** Лозинский Михаил Леонидович, рус шоири, таржимон, йигирманчи аср Россия шеърий таржима мактаби асосчиларидан бири. «Илоҳий комедия», «Гамлет, даниялик шаҳзода», «Макбет», «Отелло», «Кармен» каби мумтоз асарларни рус тилига ўғирган ижодкор.

**21 июль**

**Милоддан аввалги IV асрлар.** Александр Македонский (Буюк Александр III), Македония подшоҳи, саркарда, Македония империясига асос солган тарихий шахс.

**24 июль**

**1802 йил.** Александр Дюма, франциялик саргузашт романлар муаллифи, драматург ва журналист. Ўғли билан исм-шарифи бир хиллиги сабабли у “Ота Дюма” номи остида танилган. «Уч мушкетёр», «Ийгирма йилдан сўнг», «Виконт де Бражелон ёхуд ўн йилдан сўнг», «Қиролича Марго», «Графиня де Монсоро», «Қирқ беш» каби асарларни битган адиб.

**24 июль.**

**1803 йил.** Адольф Шарль Адан (Адам), Француз бастакори, «Жизель», «Корсар», «Фальстаф», «Фауст» каби опера ва балетлар муаллифи.

**27 июль**

1824 йил. Александр Дюма (ўғил), ёзувчи ва драматург, Француз академияси аъзоси, «Хушбўй гул таққан аёл», «Доктор

Серван» каби асарлар муаллифи.

**29 июль**

1817 йил. Айвазовский Иван Константинович (асл исми шарифи Ованес Айвазян), россиялик мусаввир, денгиз мавзусини моҳирона акс эттирган таниқли мўйқалам соҳиби. «Пўртана», «Тўлқинлар аро», «Сокин денгиз» каби картиналари шуҳрат топган.

**30 июль**

1948 йил. Жан Рено (асл исми шарифи Хуан Морено-и-Хедерик Хименес), келиб чиқиши испаниялик бўлган фаранг актёри. «Леон», «Келгиндилар», «Никита», «Мовий тубсизлик», «Ашаддий фирибгарлар» каби кинофильмларда ижро этган ёрқин образлари билан томошабинлар эътиборини қозонган.

**31 июль**

1965 йил. Жоан Мюррей Роулинг, британиялик ёзувчи. Ж.К.Роулинг тахаллуси остида ёзилган Гарри Поттернинг афсонавий саргузаштлари ҳақидаги туркум китоблари билан дунёдаги миллионлаб болалар ва ўсмирлар учун сеvimли адиба.

**ТАРИХДА БУ КУН****1955 йил июль –**

Москвада “Иностранная литература” ойлик адабий-бадий журналининг илк сони нашрдан чиқди. Кенг жамоатчиликни жаҳон адабиётининг янги дурдоналари билан таништириш мақсадида таъсис этилган мазкур журнал аслида XIX аср охирларидан бошлаб турли номлар остида чоп этилган қатор нашрларнинг давоми ҳисобланади. Юксак иқтидори ила дунёни забт этган юзлаб қалам соҳибларининг бадий, фалсафий, тарихий ва бошқа турфа асарлари, мақола ва интервьюлари моҳир таржимонлар томонидан рус тилига ўгирилиб, журнал саҳифаларида эълон қилина бошланди. Эътиборли томони шундаки, ярим асрдан ошса-да, “Иностранная литература” жаҳон адабиёти шинавандаларининг сеvimли журнали сифатида ўз мавқеини йўқотмади.

**1865 йил 4 июль –**

Дунёдаги энг машҳур ўқимишли китоблардан ҳисобланувчи Льюис Кэрроллнинг “Алиса мўъжизалар мамлакатада” асари чоп этилди.

“Алиса мўъжизалар мамлакатада” инглиз математики, шоир ва ёзувчи



Чарльз Лютвиж Дожсон томонидан Льюис Кэрролл тахаллуси остида ёзилган болалар ва катталар учун бирдек қизиқ бўлган эртақ афсонадир. Қуён ини орқали ғалати, антропоморф мавжудотлар яшайдиган оламга тушиб қолган қизалоқнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу асар жаҳон адабиётида ўзига хос янгилик бўлди. Фантастика жанрига яқин, ақл бовар қилмас даражадаги фавқулудда воқеаларга бой бу китобда Кэрролл математика, тилшунослик соҳасидаги бор иқтидорини намойиш эта олган, фалсафий ибора ва ҳазил-мутойибалардан кенг фойдаланган. Дарвоқе,

муаллиф узоқ йиллар давомида эртақнинг бош қаҳрамони прототиби – Алиса Лиддел билан дўстона муносабатларда бўлган.



## 1946 йил 14 июль –

Дунёдаги яна бир машҳур китоб – америкалик болалар шифокори Бенжамин Спокнинг “Гўдак ва уни парваришlash” номли асари чоп этилди. Болани чақалоқликдан то мактаб ёшигача парваришlash борасида асосий тавсияларни жамлаган ушбу китоб XX аср бестселлерига айланган. Б.Спок гўдакнинг илк эҳтиёжларини тушуниш учун психоанализ асосларидан фойдаланган биринчи педагог ҳамдир. Кўплаб кузатув ва таҳлиллар, ҳаётий тажриба асосида ёзилган мазкур асар бир неча авлод ота-оналари учун

бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Энг қизиғи, асар нафақат фарзандларни, балки катталарни ҳам “тарбиялайди”. Унда ота-оналарнинг ўзаро муомаласи, шунингдек, бува ва бувилар билан муносабати, айниқса, оилавий муҳитнинг бола шаклланишидаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган. Шу боис ҳам Спок асари ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган.

## 1776 йил 15 июль –



Италиянинг Милан шаҳрида машҳур “Ла Скала” опера театрига (итальян. Teatro alla Scala ёки La Scala) асос солинди. Театр биноси 1776-1778 йилларда “Санта-Мария делла Скала” черкови ўрнида бунёд этилди. Архитектор Ж.Пьермарини лойиҳаси асосида қурилган ушбу иморат дунёдаги энг ҳашаматли иншоотлар сирасига кирган. Тақа шаклидаги театр зали акустика ва оптиканинг барча талабларига тўлиқ жавоб берган. Махсус ёритиш мосламалари бўлмасида, саҳна бўйлаб ўрнатилган кўплаб шамдонлар йиғилганларга томошалардан тўла баҳраманд бўлиш имконини туғдирган. “Ла скала” илк мухлисларини 1778 йилнинг 3 августида Антонио Сальерининг “Тан олинган Европа” операси билан қаршилаган. Ушбу саҳнада нафақат опералар, балки ўша даврнинг эътиборга молик йирик тадбирлари, оммабоп томошалар ҳам ўтказиб келинган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида театр биноси вайрон бўлади. Бироқ 1946 йилда унинг асл қиёфаси тикланади. Шу кунга қадар театр бир неча бор таъмирдан чиқарилган. Охири марта 2001- 2004 йилларда амалга оширилган таъмир ишларига олтмиш миллион евродан ортиқ маблағ сарфланди. Дунёнинг энг кўзга кўринган театр саҳнасида ўз маҳоратини намойиш этиш ҳар бир санъаткор учун катта шараф ҳисобланади. Бундай бахтга эришганлар орасида бизнинг ватандошларимиз ҳам бор.

**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова:**

«Ла Скала» опера театри том маънода афсонавий санъат кошонаси ҳисобланади. Нуфузи бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Салкам икки юз эллик йил аввал фаолият бошлаган ушбу опера театри биноси тошдан бунёд этилган. Бу бежиз эмас. Негаки, саҳнада кўшиқ ижро этаётган санъаткорнинг овози тошларга урилиши натижасида акустика сифати жуда юқори бўлади. Ҳозирги кунда ҳам саҳнада туриб ярим овозда куйласангиз, хонишингиз зал охиригача боради. Тўрт хил махсус безаклар саҳна кўринишига мос тарзда айланиб туради. Шунингдек, опера қайси тилда (хоҳ италян, хоҳ француз) ижро этилмасин, саҳнанинг пастки қисмида инглизча субтитралар бериб борилади. Мен дунёнинг бошқа нуфузли театрлари (Франциядаги «Гранд опера», АҚШдаги «Атланта») саҳналарида ҳам опера ижро этганман, бироқ ҳеч бири «Ла Скала» билан тенглашолмайди.

Ушбу театр билан боғлиқ ажойиб хотираларим бор. 1997 йили ёш операчилар халқаро танловининг учинчи тури «Ла Скала» театри биносида ўтказилганди. Менга танлов дипломанти (совриндори) бўлиш насиб этган. Мазкур танловга жуда кўп мамлакатлардан импрессариолар ташириф буюриб, ёш операчиларни ўз театрларига таклиф қилишган. Менга ҳам Италия, Франция опера театрларидан таклифлар бўлганди, бироқ рад жавобини берганман. Албатта, таклифлар жуда манфаатли эди. Бироқ санъат манфаат воситаси бўлиши керак эмас, деб ҳисоблайман. Ўзбекистонга қайтганимда, ўз юртим саҳнасини хориж театрларига алмашмаганим учун кўпчилик мендан мамнун бўлган. Яратган менга истеъдод билан бирга, ватан туйғусини ҳам берганига шукр қиламан. Дунёнинг қайси мамлакатига бормай, узоқ туролмайман, Ўзбекистонга тортаверади...

**1935 йил 30 июль -**

Британиянинг «Penguin» нашриёти илк маротаба юмшоқ муқовали, ҳажми «чўнтакбоп» бўлган китобча чоп этди. Ушбу ғоя ноширликда янгилик бўлиб, замонавий асарлар билан бирга мумтоз адабиёт намуналари ҳам янги қиёфада, ихчам шаклда ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу эса китоблар ададининг ошишига таъсир кўрсатди.

**1984 йил 30 июль -**

Американинг NBC телеканали «Санта Барбара» телесериали намойишини бошлади. Салкам 10 йил давомида томошабинларни телевизор қаршисига «михлаб қўйган» ушбу сериал жами 2137 қисмдан иборат бўлган. Санта Барбара шаҳарчасида яшовчи бадавлат Кэпвеллар оиласининг ҳаёти билан боғлиқ воқеалар ривожини мухлисларни шунчалик ўзига тортганки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги турли миллат вакиллари ҳар оқшом хонадонларига «ташириф буюрувчи» сериал қаҳрамонларини ўз қадрдонларидек қабул қила бошлашган. Уларнинг қайғуларига ҳамдард, қувончларига шерик бўлишган...

«Санта Барбара»ни телесериал жанрининг, таъбир жоиз бўлса, бугунги «Жумонглар» у «Туташ тақдирлар»нинг тутинган отаси деб аташ мумкин.

Халқимизни жиддий, бадиий юксак адабиёт ва санъат намуналаридан баҳраманд этишга ҳар қанча интилмайлик, барибир «вақт ўлдириш»га мўлжалланган, муваққат таассуротлар уйғотувчи замонавий томоша жанрининг ҳаётимизга тобора сингиб бораётгани билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ.

Азиза ИЛҲОМОВА тайёрлади





## ГЛОБУС

Ҳар бир халқ ўзгача олам. Дунёга танилмоқ учун аввало дунёни танимоқ зарурлиги оддий ҳақиқат. Жаҳонда қайсики миллат ва элат бор экан, ўзига хос тарихи, маданияти, қадриятларию адабиёти, жаҳон тамаддунида тутган ўрнига эга. “Жаҳон адабиёти” журнали ижодий жамоаси нодир асарлар таржималарини ўқувчиларимизга ҳавола этиш билан чекланмай, муайян бир мамлакат тарихи, маданияти, санъати ва миллий қадриятлари шунингдек, ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз ҳақида мухтасар сўз юритмоқ ниятида янги рукнага кўл урди.

Ушбу “Глобус” рукнимизни Хитой Халқ Республикасига бағишланган маълумотлар билан очмоқдамиз. Боиси, қадим Чин ва Марказий Осиё давлатлари, хусусан, ўзбек халқи ўртасидаги ришталар тарихи азалга бориб тақалади. Юртимиз истиқлолга эришганидан сўнг икки мамлакат алоқалари янада кенг қамровга эга бўлди, мустаҳкамланди. Юртбошимизнинг шу йил июнь ойида ХХРга қилган навбатдаги ташрифи, Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг учрашув ва мулоқотлари самараси ўлароқ давлатларимиз ўртасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация ўзаро алоқаларимизни янада юқори поғонага кўтаргани шубҳасиздир.

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

**Ташкил топган санаси**  
1 октябрь 1949 йил  
**Давлат тили:** *Хитой тили*  
**Пойтахти:** Пекин  
**Майдони:** 9 596 960 км<sup>2</sup>  
(жаҳонда 3-ўрин)  
**Аҳолиси (2010 й.м.):**  
1 347 374 752 киши.  
(жаҳонда 1-ўрин)



\*\*\*

Расмий маълумотларга кўра, ҳозирда Хитойда 56 та миллат вакиллари истиқомат қилади. Аҳолининг 92% ни ханлар уруғи ташкил этиб, қолган миллатлар “оз сонли миллат” деб юритилади. Амалдаги кичик этно-тиллар гуруҳлари йирик гуруҳлар билан бирлаштирилган бўлиб, уларнинг салмоғи анча кўпдир. Хитойда 236 та тил мавжуд бўлиб, улардан 235 таси тирик ва биттаси ўлик тил ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, хитой жанубий вилоятларидаги аксарият аҳоли бир-биридан маълум жиҳатлари билан фарқланувчи турли шеваларда сўзлашади. Ҳозирги кунда дунё миқёсида хитой тилини ўрганишга талаб ошиб бормоқда, бинобарин, эндиликда дунёдаги ҳар тўртинчи одамдан бирининг хитой тилини билиши бунга яққол далил бўла олади.

\*\*\*

Хитой цивилизацияси милoddан аввалги 3 минг йиллик охирида шаклланган. Хитой тарихини машҳур тарихчи Сима Цзян “Тарихий хотиралар” асарида турли сулолавий даврларга бўлган. Қадимги Хитойда кўҳна Месопотамия ва Миср сингари ўзига хос маданият марказлари барпо этилган.

\*\*\*

Шан сулоласи даврида (мил.авв. икки мингинчи йиллар) иероглиф ёзуви яратилган. Бу ёзув бир неча ўн минг белги – иероглифлардан иборатдир. Милoddнинг I асрларига келиб бу иероглифлар ҳозирги ёзув кўринишига эга бўлди. Қадимги хитой ёзуви асосида кейинчалик Корея, Вьетнам ва Япон ёзувлари пайдо бўлди.

\*\*\*

Буюк хитой девори қурилиши мил.авв. IV асрда бошланиб, шимолдаги Хун қабилаларининг ҳужумларидан сақланиш мақсадида ва савдо-сотиқ ишларини кўзлаб барпо этилган. Деворнинг умумий узунлиги 5.000 - 6.000 км бўлиб, унинг баландлиги жойига қараб 6 -10 метр, қалинлиги 5,5-7 метр бўлиб, ҳар 60-100 метр ораликда мустақкам миноралар қурилган.

\*\*\*

Хитой ажойиботларидан яна бири, бу ипакнинг кашф этилиши ва Буюк ипак йўлига асос солинишидир. Маълумотларга кўра, ипак мил.авв. 2600 йили Император рафиқаси Ци-Лингчи томонидан кашф этилган. Мил.авв. 128 йили Хитой сайёҳи – дипломат Чан Сян томонидан Буюк ипак йўлига асос солинган ва бу йўл жаҳондаги катта тарихий ўзгаришларга сабаб бўлган. Буюк ипак йўли савдо-сотиқ учун хизмат қилибгина қолмай, айна пайтда дипломатия, диний ва маънавий қадриятларнинг кенг тарқалишида ҳам ўрни каттадир. Бу Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини боғловчи муҳим кўприк бўлиб, унда Марказий Осиё халқлари воситачилик ролини ўйнаган.

\*\*\*

Инсоният цивилизациясининг бешикларидан саналмиш қадимги Хитой дастлабки фалсафий фикрлар вужудга келган мамлакатлардан биридир. Қадимги Хитой фалсафаси турли хил йўналиш ва оқимларга бой бўлган. Уларда хитойлик мумтоз файласуфлар табиат, жамият ва инсон ҳаётига тааллуқли кўпгина муаммоларнинг ечимини топиш йўллари излаганлар, ўз даври идеаллари ва шароитидан келиб чиқиб, турли таълимотлар, фалсафий мактаблар яратганлар. Бу мактабларда яратилган таълимотлар замонавий файласуфлар томонидан ҳам қизиқиб ўрганилмоқда. Айниқса, конфуцийлик таълимоти Хитой, Корея каби мамлакатларда эътиқод даражасига кўтарилган, ҳатто ҳозирги кунда ҳам ўз таъсирини сақлаб келмоқда. Бу эса қадимги Хитой фалсафий мактабларининг тафаккур хазинасига

қўшган ҳиссалари нақадар катта эканлигидан далолат беради. Эрамиздан олдинги VII-III асрлар Хитой фалсафасининг айниқса гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. Мазкур даврни “Юз мактаб даври” деб ҳам юритиладики, бу қадимги Хитой фалсафасининг нақадар турфа оқимлар ва йўналишларга бойлигини кўрсатади.

\*\*\*

“Биз миллионлармиз, бироқ қалбан яғонамиз” – Хитой Халқ Республикасининг давлат мадҳиясида битилган бу сўзлар хитойликларнинг бугунги ютуқларини ўзида ифода этади. Бу шиор нафақат замонавий Хитой давлат бошқарувининг ифодасидир, балки, салкам бир ярим миллиард одамдан иборат халқнинг миллий маънавиятини ўзида ифода этади.

\*\*\*

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида маданият ва санъат, илм-фан, таълим соҳаларидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўргазма, маданият кунлари ва бошқа маданий тадбирларни ташкиллаштириш жарёни изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин намунаси сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекинда эса Миллатлар марказий университетиде ўзбек тили бўлими очилганини қайд этиш ўринли.

## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ

### “Жаҳон адабиёти” журнали мухбири:

– Ҳозирги кунда ўзбек - хитой маданий алоқаларини ривожлантириш, икки халқ орасидаги ижтимоий-маданий ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтариш борасида қандай саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда?



### “Синьхуа” ахборот агентлиги Тошкент бўлинмаси бош мухбири Дун Лунцзян (Хитой):

– Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар уч минг йиллик тарихга эга. Афсонавий Буюк Ипак йўли, Марказий Осиёдаги Хитой элчиси Чжан Цзянь фаолиятининг тарихи ва бошқа қадимий ҳужжатлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат, яқдиллик ва маданиятларни бойитишнинг кўпёқлама муносабатлари ҳақида гувоҳлик берувчи кўплаб муҳим воқеаларни ўзида жо этган.

Юзага келган кўп асрли муносабатлар иккала халқнинг яқинлашувига имкон бермоқда, ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли ва кўпёқлама ҳамкорликни шакллантириш учун замин яратмоқда.

Сиёсий муносабатлар ўрнатилгандан кейинги 20 йил ичида Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги тез суръатлар билан ўсганлиги сезилди, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маданий-гуманитар ҳамкорликда ҳам тобора ривож топмоқда.

Ҳозирги вақтда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида 200дан ортиқ шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳамкорлик учун замин яратилган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Хитой Халқ республикаси Маданият вазирлиги ўртасида маданий алмашувларнинг 2010-2013 йилларга мўлжалланган Дастури доирасида томонлар мунтазам равишда бадиий ва фотокўргазмалар ўтказмоқда, концертлар уюштирмоқда, иккала мамлакат жамоалари Ўзбекистон ва

Хитойда ўтказилаётган турли тадбирларда иштирок этмоқда. 2011 йил июлда Пекин ва Сиань шаҳарларида “Ўзбекистон маданияти ҳафталиклари” муваффақиятли ўтди.

Хитой маданият ва санъат арбобларининг “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа байрамида, анъанавий “Асрлар садоси” фестивалида, “Art Week Style.uz” санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этиши ўзбек-хитой маданий алоқаларининг янада мустаҳкам бўлиб бораётганига ёрқин мисолдир.

Шу йилнинг февралда давлатларимиз орасида дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганига 20 йил тўлиши муносабати билан “Туркистон” Саройида Лючжоу бадиий ансамблининг концерти бўлиб ўтди. Бу Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги гуманитар ҳақморликни бундан кейин ҳам ривожлантиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Яқинда таниқли хитойлик рассомлардан бир гуруҳи Ўзбекистонга ташриф буюрди. Олти кун давомида мусаввирларимиз Ўзбекистон маданияти ва санъати намояндалари, ўзбек ҳунармандчилик санъати усталари ва ёш рангасвирчиларнинг ижоди билан танишдилар, ўз маҳоратлари билан ўртоқлашдилар, мамлакатнинг диққатга сазовор тарихий қадамжоларини томоша қилдилар. Ҳар бир хитойлик рассом Бухоро ва Самарқандни кўришни орзу қилади. Энди уларнинг орзулари ушалди, рассомларимиз ташрифдан олган таассуротларини ўз асарларида акс эттирадилар. Асарларини эса шу йилнинг кузида Пекинда бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон — Хитой рассомлари нигоҳида” деб номланувчи кўргазмада намойиш этмоқчилар. Кўргазмага ўзбекистонлик рассомлар ҳам таклиф этилган.

#### **“Жаҳон адабиёти”:**

*Ўзбек тилига Хитой насри ва шеърятидан кўплаб намуналар, Конфуций ҳикматлари, Ли Бо шеърлари, қадимги Хитой қиссалари, замонавий адибларнинг асарлари таржима қилинган ва қилинмоқда. Бугун мамлакатингизда кечаётган адабий жараёнларни қандай изоҳлайсиз?*

#### **Дун Лунцзян:**

– Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ошкоралик сиёсати ва иқтисодий ислохотлар муносабати билан хитой ёшларининг ҳаёт тарзида ўзгаришлар содир бўлди, ижтимоий онги илгарилаб кетди. Бир томондан чет эл адабиётини англаш учун барча тўсиқлар олиб ташланди, ғарб адабиётидан таржималарга кенг йўл очилди. Ҳам хорижий, ҳам хитойлик муалифлар мумтоз ва замонавий асарларининг ниҳоятда кўп чоп этилиши Хитой ёзувчилари ижодига ижобий таъсир кўрсатди. Адабиётимиз икки гуруҳга ажради, бири “соф адабиёт” (чунь еэньсюэ), бошқаси “оммабоп адабиёт” (тунсу вэньсюэ) деб аталади. Кейингиси тижорат адабиёти ҳисобланиб, унда асосан ўсмирларбоп саргузашт асарлар, аёллар кўнглига яқин муҳаббат қиссалари ўрин олган.

Ўтган асрнинг 90-йилларида психологик асарларга эҳтиёж ортди. Унда европача модернизм кўзга яққол ташланиб турарди. Тарихий, ҳужжатли, биографик йўналиш янгича кўриниш касб этиб, ўша давр ёзувчилари ижодида ўз аксини топди. Очерк ва эсселар анъанавий тарзда хитой адабиётида етакчи ўринни эгаллашда давом этди.

Ҳозирги вақтда адабий майдонга ёш ёзувчилар шитоб билан кириб келмоқдалар. Булар, асосан, ўттиз ёшлар атрофидаги авлод бўлиб, ижодий услублари жуда ўзига хос, ҳеч бир давр адабиётига ўхшамайди.

Уларни гоҳ “янги авлод” (синь дай), гоҳ “кейинги авлод” (хоу дай) деб атайдилар. Қисқа қилиб айтганда, улар эркин, озод ижодкорлардир. Уларини ўтмишга ҳам, келажакка ҳам боғлаб қўймай, кўпроқ бугунги ҳаётни, мегаполисининг шитобли турмуш манзараларини тасвирлашга ҳаракат қилдилар.

#### **“Жаҳон адабиёти”:**

– *Хитой ва ўзбек халқлари урф-одатлари, анъаналарида қандай ўхшашликларни кузатасиз?*



**Дун Лунцзян:**

— Меҳмондўстлик анъаналари ва ёши катталарни ҳурмат қилиш ҳар иккала халқда бирдай. Масалан, чой билан сийлаб, эҳтиром кўрсатиш халқларимизнинг азалий одатидир. Биров уйига чақирса, таклифни ерда қолдирмаслик одоб саналади. Меҳмонга қуруқ қўл билан бормаслик, ўзи билан совға-салом олиш, мезбоннинг болаларини ширинлик билан сийлаш ҳам қанда бўлмайди. Ҳар қандай хонадонга киришда оёқ кийими ечилади. Мезбон кўрсатган жойга ўтирилади. Тўрга томон жойнинг ҳурмати ортиб бораверади.

**“Жаҳон адабиёти”:**

– *Замонавий хитойлик ёшларнинг қарашлари ҳақида нима дейиш мумкин – улар миллий қадриятларга мойилми ёки замонавий турмуш тарзини афзал билишадими?*

**Дун Лунцзян:**

– Социолог олимлар ёшларни бир неча ижтимоий қатламга бўладилар. Яшаш жойига қараб: шаҳар ва қишлоқ ёшлари. Машғулликка қараб: ўқувчи, талаба, ишчи, тадбиркор, ҳарбий ва ҳ.к. Алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида ёшлар ҳамма замон ва маконларда ҳам маданий қадриятларни ўзларича тушунганлар. Бундан Хитой ёшлари ҳам истисно эмас. Ёшларимиз ҳаётида миллий анъаналар устунлик қилади, аммо уларнинг қарашларида оммалашиб бораётгани жаҳон тамаддунини ҳам сезиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, Хитой замонавий ёшларининг ривожланиши уч катта ҳодиса олдида турибди: халқаро рақобат, кўп тузилмали тафаккур, ахборот босими.

Ҳозирги хитойлик ёшлар ислохотлар ва ошкораликнинг буюк тажрибасида улғаймоқда, бу уларга ўз тарихий бурчларини чуқурроқ англаш имконини туғдирди. Айнан шу сиёсат билан Хитой халқаро майдонга чиқди. Айни дамда ёшларимиз халқаро рақобат билан юзма-юз келмоқда. Ниҳоят, ислохотлар ва ошкоралик илмий-техника инқилоби жараёнини жадаллаштириб юборди, бундай вазиятда ёшлар ахборот тазйиқи остида қолмоқда. Қисқаси, бугунги кун ёшлари олдида мураккаб танлов – плюрализация муаммоси турибди.

**“Жаҳон адабиёти”:**

*Маълумки, Ўзбекистон ёшлари орасида хитой тилини ўрганишга қизиқиш катта. Шунини инобатга олган ҳолда, ҳар йили ўнлаб ўзбек талабалари юртингизга махсус грант асосида малака оширишга юборилмоқда. Келажакда ушбу йўналишдаги ҳамкорликимизни янада ривожлантириш кўзда тутилганми?*

**Дун Лунцзян:**

– Ўзбекистонда хитой тилини ўрганиш кенг авж олган, ўзбекистонликларнинг бизнинг мамлакатга қизиқиши катта. Марказий Осиёдаги биринчи Конфуций институти айнан Тошкентда очилган. Кўплаб таълим муассасалари, хусусан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Самарқанд ва Фарғонадаги олий таълим даргоҳлари талабалари хитой тилини иштиёқ билан ўзлаштирмоқдалар.

2011 йилда ўзбек талабалари учун Хитойдан 120 та ҳукумат грантлари юборилди, бу аввалги йиллардан икки баробар кўп. Ўзбек талабаларининг билими юқори савияда эканини эътироф қилмоқ жоиз. Улар интизомли, билимга чанқоқдилар.

Умуман, иккала мамлакат олимлари, жамоат ташкилотлари ва бадийи жамоалар ўртасидаги ўзаро борди-келдилар тобора кўпаймоқда. Маданий-гуманитар ҳамкорликнинг истиқболига умид ва ишонч билан қарашга асослар етарли, назаримда.

*Нигина РАСУЛЕВА суҳбатлашди*



## Resume

■ Spiritual world of heroes of short stories “Rain” and “Red” by outstanding English writer and playwright Somerset Maugham is described deeply and a realistic portrait of the works is very attractive.

■ Natural phenomenon, especially the topic of animals and birds are widely spread in Japanese literature. Writer Yisusi Inoue also works on the same subject. A motley parrot is a symbol of creator’s soul. Though the heart is in the cage, it sees the world clearly. To keep such natural donations in the cage is equal to stifling their liberty. The story talks about it.

■ The Republic of Kosovo is one of the world’s new and young republics that gained its independence. Its state languages are Albanian and Serbian. This country has rich and ancient culture. Its literature is also peculiar. This issue of the journal carries works of some Kosovo poets of the 20th century, translated from Turkish by Tohir Qahhor.

■ Petrarch is a famous Italian poet, scientist and philosopher. He is one of the founders of the sonnet genre in European literature. His lyric poems and epos, as well as philosophic works are considered to be masterpieces of world classical literature. Several Uzbek authors have translated the works of the poet.

■ Nowadays well-known writer Luis Borges’ novels and stories take a great place in Latin American literature. He was the teacher of great authors such as Alejo Carpentier, Carlos Fuentes, and Gabriel Garcia Marquez. Muhammadjon Kholbekov talks in his article about this famous writer’s life and creative work.

■ On February 1-8, 2012, the First Asia-Pacific International Poetry Festival was held in Vietnam. 87 poets from 28 countries participated in it. Poet and translator Azam Abidov and poetess Guzal Begim also took part in the festival. They translated poems of some of the festival participants.

## Резюме

■ Тонкий психологизм, богатый внутренний мир героев, реалистическое описание событий отличают произведения классика английской литературы, писателя и драматурга Сомерсета Моэма. В журнале представлены рассказы «Дождь» и «Рыжий» данного автора.

■ Тематика флоры и фауны не редкость в японской литературе. Творчество Ясуси Иноуэ яркий тому пример. “Волнистый попугайчик” – это символический образ творческой души. Души, запертой под семью замками и тщетно рвущейся на свободу... Об этом в новелле японского автора.

■ Республика Косово – государство в Юго-Восточной Европе, на Балканском полуострове, население которого состоит в основном из сербов и албанцев. Этот край имеет богатые культурные корни, своеобразное литературное наследие. Стихи сербских и албанских авторов XX века представлены в переводе Тахира Каххара.

■ Великого итальянского поэта, философа Франческо Петрарку по праву считают основоположником литературного жанра сонет. Его стихи и поэмы, философские произведения заняли достойное место среди бесценного достояния мировой литературы. Образцы творчества Петрарки умело переведены на узбекский язык.

■ Хорхе Луис Борхес — аргентинский прозаик, поэт и публицист. Его романы, повести, рассказы и новеллы занимают значимое место в латиноамериканской литературе. Его считают наставником таких известных испаноязычных авторов, как Алехо Карпентьер, Карлос Фуэнтес, Габриэль Гарсиа Маркес. В статье, посвящённой Борхесу, Мухаммаджон Холбеков увлеченно повествует о жизни и творчестве писателя.

■ 1-8 февраля текущего года во Вьетнаме прошел Международный Азиатский фестиваль поэзии. В нём приняли участие 87 поэтов из 28 стран. Среди них и наши соотечественники – поэты переводчики Аъзам Обид и Гузал Бегим. В их переводе публикуются несколько стихов участников данного фестиваля.